

ЎТМИШ ТОЛИҚТИРГАН АЁЛЛАР

Ўзбекистонда жамиятнинг
исломга қайтиши ва
хотин-қизлар аҳволи

Марфуа Тўнганўжаева

Тошкент - 2002

396 (с) - 22 - Меңшики

Узб-ия

295.4 - Ислам и меңшики

66.74 (54) - Узб-он аёллари

МУАЛЛИФ ҚАНИДА 86.38 - Ислам

Марфуа Саидумаровна Тўхтаўжаева 1944 йилда Тошкент шаҳрида муҳандис oilасида туғилган. Мутахассислиги – меъмор, танлаган ихтисоси бўйича 30 йил ишлаган, фан номзоди ва меъморлик тарихи соҳасидаги лойиҳалар, тадқиқотлар ҳамда асарлар муаллифи.

Ҳозир у журналист, публицистдир. Тошкент шаҳрида маҳаллий ноҳукумат ташкилот (НХТ) – Хотин-қизлар заҳира маркази аъзоси ва асосчиси. Социология ва гендер муаммолари бўйича мақолалар ҳамда тадқиқотлар муаллифи. Бу соҳада «100 қаҳрамон аёл» Халқаро мукофатига сазовор бўлган. Марказий Осиёда хотин-қизларнинг аҳволи ва хотин-қизлар ҳаракатининг юзага келиши тўғрисидаги китоблар, шунингдек советлардан кейинги давлатлардаги ривожланиш жараёнларида аёлларнинг иштироки муаммоларига бағишланган мақолалар муаллифи. «Коммунизм шиорлари ва ислом қонунлари орасида» китобининг биринчи нашри 1995 йилда инглиз тилида, 2000 йилда эса рус тилида амалга оширилган, «Амазонка қизлари. Марказий Осиёдан келаётган садо» китоби эса халқаро ташкилотлар кўмагида 1996 йилда инглиз тилида чоп этилди.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилади.

No Nakshi Fond

Ю 40999

3

2012/182	Alisher Navoiy
41262	nomidagi
	O'zbekiston MK

МУҶДА

Ушбу китобда менинг аввалги «Коммунизм шиорлари ва ислом қонунлари орасида» ҳамда «Амазонка қизлари. Марказий Осиёдан келаётган садо» китобимдаги мавзу давом эттирилган ҳамда советлардан кейинги Ўзбекистонда жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар жараёнларига бағишланган. Бу китобни ёзишни 1994 йилда ният қилган эдим, лекин Жон ва Катрин Мак Артурлар Фондининг кўмаги билангина энди амалга ошириш имкони яратилди-ки, китоб борасидаги ғояни қўллаб-қувватлагани ҳамда тадқиқот ўтказиш имкониятини яратиб бергани учун ушбу Фондга чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман. Китобимни чоп этганлиги учун Тошкентдаги Америка Қўшма Штатларининг ахборот хизматига ва Темур Кашаёвга раҳмат.

Қимматли маслаҳатлари ҳамда кутубхоналаридан ишимда фойдаланиш имкониятини яратганлари учун тарих фанлари номзодлари Барно Валиева ва Нодира Азимовага ташаққуришни изҳор этаман. Сухбатлар ўтказишда кўрсатган ёрдами учун қизим Ойдиндан ҳамда ушбу китобни техник жиҳатдан безашда берган кўмаги, шунингдек маънавий қўллаб-қувватлагани, фойдали маслаҳатлари ҳамда мени қизиқтирган масалалар бўйича фикр алмашганликлари учун Хотин-қизлар заҳира маркази аъзоларидан миннатдорман.

Китобимни ота-онам Саидумар ва Мақсудахом Тўхтаўжаевлар хотирасига бағишлайман.

МУНДАРИЖА

Глоссарий	5
Муқаддима	15
Кириш	16
1-боб. Абадиёт ва замон	23
1.1. Ўз йўлини излаб	27
Формулага солинган турмуш тартиби	29
Қовушмасни қовуштириш	36
... ёхуд ортга қайтиш	52
1.2. Қалб дини	62
Абадиёт ва махфийлик билан рўбарў туриб	63
Танҳолик ва басорат онлари	71
Аллоҳ билан юзма-юз	76
Эътиқодга ташналар учун	81
1.3. Маҳкумлар ҳаракатими?	90
Эски мешдаги янги шароб	91
Норозилик зуҳури	93
Кишан бўлган ришталар	100
Бенаволарни сафарбар қилибб Жиход кимга манфаат келтиради?	103
2-боб. Ғафлат ва хушёрлик асрида	123
2.1. Унутлаётган кунлар	125
2.2. Гўзал орзулар ва барбод бўлган хомхаёл	146
Ибтидо	148
Зиёга интилиш	161
Синов ва умид	167
Муқаррарлик арафасида	189
3-боб. Бугунги ва бу ердаги аҳволимиз	227
3.1. Ҳуқуқни қандай қўлга киритмоқ мумкин	228
3.2. Аёлнинг кунлик турмуши	249
3.3. «Ўзимиз танлаймиз»	276
3.4. Аёллар ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ)	291
3.5. Янги аёлларми ёхуд ётлар	305
Хулоса	333
Фойдаланилган адабиёт	335

ГЛОССАРИЙ

(Тушунилиши кийин сўзлар лугати)

- Ал-вехра* ▶ Бирлик. *Ал-имон* (эътикод) сўзи ўрнига қўлланилади.
- Ал-фурқ* ▶ Ажралиш. *Ал-куфур* (худосизлик) сўзи ўрнида қўлланилади.
- Амир* ▶ Саркарда, қўшин бошлиғи, ҳукмдор рутбаси. XX аср охиридаги диний-сиёсий ҳаракатларда жанговар гуруҳлар ва дала қўмондонлари раҳбарларининг рутбаси.
- Асабийия* ▶ Ўз қабиласига сазокатни билдирувчи исломгача бўлган тушунча, қон-қариндошлик ва диний алоқани такозо этади. Замонавий илоҳиётчилар бу тушунча остида миллатчиликни тушунишади. Ортодоксал илоҳиётчилар фикрича, бу тушунча «амалга ошадиган» ҳодисалар сирасига киради ҳамда миллатчиликни белгилаш учун қўлланилади.
- Ақида* ▶ Диндош биродарлар
- Баракот* ▶ Шайхнинг ворисийлик оркали ўтказиладиган руҳоний куч-қудрати.
- Бидъа* ▶ Киритилган янгилик ёки аниқ чегараси бўлмаган адашиш. Турли мактаб вакиллари битта иш ёки ҳукми Қуръони карим ва Суннати набавияда мутабаррак этилган тўғри нарсга деб, ёхуд адашганлик ва ё изн берилмаган янгилик, деб тушунилади.
- Валий* ▶ Мутабаррук валинёнмат, яқин дўст ва хатто (Аллохнинг) маъшуки. Қўпликда – *авлиё*. *Авлиё* – диний амалиётда ва Аллохни танишда қомилликка эришган зотлар, уларга Аллохнинг сирлари маълум ва у билан мувоқаба қила оладилар. Каромат кўрсатиш улар учун валийликнинг намоён бўлишидан иборат.
- Вақф* ▶ Масжидларга ҳамда бошқа диний муассасаларга бириктириб қўйилган ер. Вақфнинг икки тури мавжуд. Биринчиси – *сахиха* – вақфга мулкдан ажратилиб, фойдаланиш учун масжидларга, мактабларга, хайрия ташкилотларига берилган, бошқалар ихтиёрига ўтказилмайдиган, бўлинмайдиган, сотилмайдиган, бошқа шахсларга эгалик қилишга ёки мулк қилиб берилмайдиган ер. Иккинчиси – хусусий шахслар томонидан берилган ер.
- Ваҳҳобийа (Ҳанбалия мазҳаби)* ▶ *Ваҳҳобийлар* – Арабистонда XVIII аср ўртасида Муҳаммад ал-Ваҳҳоб таълимоти асосида исломда юзага келган диний-сиёсий ҳаракат тарафдорлари. Исломи поклашни, *бидъадан*, суфийлик тариқатларидан воз кечиш йўли билан ўрнатилган ибтидога қайтишни тарғиб этишди ва мусулмонлар бирлигини

ўрнатишга интилишади. Саудия Арабистонининг расмий мафкураси бўлиб, Ҳиндистон, Индонезия, Шарқий ва Шимолий Африкада ҳам ёйилган.

Давлатий

- ▶ Давлат мулки.

Дарвиш

- ▶ Суфийлик тариқати солики, араб тилидаги синоними – *фақир*.

Дорул-ислом

- ▶ Дунёнинг ислом ҳукмронлиги тўла ўрнатилган қисмини билдирувчи қуръоний қоида (айнан «ислом ери»).

Дорул-сул

- ▶ Дунёнинг мусулмонлар диний эркинликдан фойдаланадиган, бироқ сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган қисмини англатувчи қуръоний қоида.

Дорул-ҳарб

- ▶ Айнани: дунёнинг номусулмонлар истиқомат қиладиган қисмини англатувчи қуръоний ифода.

Жадидлик

- ▶ Марказий Осиёда маърифатпарварлик йўналиши.

Жизъя

- ▶ Мусулмон давлатларда ғайридинлардан жон бошидан олинадиган ўлпон.

Зикот-ал-фитр

- ▶ Айнани, саховат, силан раҳм. Ўрта асрлар мусулмон жамиятида мухтожлар фойдасига солиқ, мусулмонларнинг бурчларидан бири.

Зикр

- ▶ Зокирлар томонидан ижро этиладиган рақси самоъ, унинг натижасида зокир жазанага тушади, Аллоҳ билан мувоқаба қилади. Маросим иштирокчилар хатти-ҳаракатининг ранг-баранглиги билан ҳам, зикр этиладиган сўзларнинг хилма-хиллиги билан ҳам фаркланади. Марказий ва Жанубий Осиёда авлиёлик мартабасига эришган буюк исломий арбоблар номи билан аталадиган энг йирик тариқатлар: *Қодирия*, *Яссавия*, *Қубравия*, *Нақшбандия* жуда машҳурдир. Маросимнинг *зикри лисон* – тил билан иқрор бўлиш, *зикри қалб* – қалб билан тасдиқлаш, қалбни шахвоний интилишлардан оқлаш, *зикри сир* – хуфий зикр қилиш, *зикри ризо* – инсоний фазилатлар илоҳий аломатларга сингиб кетган ҳолда руҳоний зикр шакллари мавжуд.

Ижмоъ

- ▶ Қуръони қарим ва Суннати набавиядан жаноби топилмаган муаммолар бўйича қарор қабул қилишга қодир бўлган нуфузли илоҳиёт уламоларининг баҳамжиҳат фикри. Барча *мазҳаблар* томонидан тан олинади.

Ижтиҳод

- ▶ Диний-ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил муҳокама юритиш. *Уламолар* IX асрдан буён ушбу ҳуқуқни сақлаб келишмоқда. Ҳозирги пайтда махсус диний маълумотга эга бўлмаган турли окимлар раҳбарлари ва дунёвий файласуфлар ҳам шундай ҳуқуқни қўлга киритиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Ислом

- Жахон динларидан бири, диндорлар ҳаётини, шу жумладан жамиятнинг сиёсий ташкилотини ҳам бошқаради. Олий ҳокимият назарий жиҳатдан Аллоҳнинг ихтиёрида, ер юзида эса унинг расули – элчиси Муҳаммадга ваҳий орқали амр қилинган. Муҳаммаддан сўнг халифа Муҳаммад орқали ноҳил қилинган. Қуръони карим ва Суннати набавийя мазмунини ташкил қилган кўрсатмаларни дастуриламал қилиб олиши лозим. Дин амалдорларининг асосий кўпчилиги диний ва дунёвий вазифаларни маълум даражада қовуштириб қилишди. Ислом бирлиги (панисломизм) концепцияси XIX-XX асрларда Европа мустамлакачилигига муқобил сифатида халифалик ғоясини тиклади. Панисломийлик ғояси халифаликни мусулмон жамоасидаги ҳокимиятнинг асоси деб биладиган мусулмон биродарлар ташкилотининг мафқурасида кўпроқ ифодаланган; мусулмонлар эркин кенгашиб сайлайдиган халифа раҳбарлиги остидаги ислом миллати ҳамдўстлиги ҳисобланади.

Исломизм (исломийлик)

- Мусулмон Шарқидаги янги ва энг янги давр ғоявий оқими. У жамият ва давлатда, муайян географик ва сиёсий чегарада ва, ҳатто, сайёра кўламида мусулмон ҳуқуқи – шариатнинг ҳамда мусулмон умма-нинг ҳукмронлигини қарор топтириш зарурлигини асослайди. Ижтимоий қурилишнинг бошқа барча ижтимоий назарияларини ва ташкилотларини рад этади.

Каромат

- Валиларга бериладиган қудрат.

Левираат

- Вафот этган аканинг хотинига уқанинг уйланиши ода-ти.

Мавло (бузилган мулла)

- Айнан: «жаноб», «ҳукмдор», «валинеъмат», «ҳомий». Ҳозиргик *шакли* – маъноси – мусулмон маро-симлари билимдони, *мулла*, маҳдум, диний мактаб муаллими, уламо.

Мазҳаб

- Мусулмон фикхий мактаби. Ҳанафий мусулмонлари ҳуқуқий мактаби, Марказий Осиё мусулмонлари шу мазҳабдандирлар. Бу мактаб анча либерал ҳисоблана-ди, бўлакча фикрлайдиганларга нисбатан тоқатлили-ги ҳамда маҳаллий ҳуқуқ (*урф*, *одат*) удуларидан кенг фойдаланиши билан ажралиб туради. Фикхий мактаб асосчиси Абу Ҳанифа судлов ишларини юри-тишда маҳаллий анъаналардан фойдаланишни муҳим, деб ҳисоблаган. Абу Ҳанифа ал-имом ал-Аъзам, мухлислари – аъзамийлар деб юритилади.

Мактаб

- диний ибтидоий мактаб.

Масҳарабоз

- қизикчи, найрангбоз.

Маҳр

- Никох ўқиш чоғида эр хотини учун ажратадиган мулк. *Маҳр* фақат хотин тасарруфида бўлиб, ажраш-

ган ҳолатда ёки бева қолганда унга асқотади. Никоҳ аҳдини тузишда берилади. Куёв *махр*нинг кўп қисмини қимматбаҳо буюмлар, зеб-зийнат буюмлари, қиммат кийим-кечак тарзида тўёна қилиши ва бу нарса никоҳ аҳдида шарт қилиб қўйилиши лозим. Маҳр келиннинг отасига ёки, ажрашган чоғида у қайтиб борадиган хонадон васийсига берилади. *Маҳр* тўланмаса, хотин шартли равишда ажрашиш ҳуқуқига эга бўлади. Маҳр билан қалин бир нарса эмас.

Миллатчилик кўп (миллатпарварлик) ► Миллий давлатни қарор топтириш босқичида турган этносли мамлакатларнинг асосий этнос интилишларини объектив ақс эттирувчи мафкураси. Давлат манфаатларини, давлат суверенитетини ҳимоялаш назарияси ва амалиёти, давлат сиёсий бирлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг этник, ижтимоий ва диний мансублигидан қатъи назар жипслиги.

Муаззин ► Азон айтувчи. Уч вазифани бажаради: диндорларни тўплайди, имомни чақиради ва намознинг бошланishiни эълон қилади.

Муборат ► Хотиннинг хоҳиш-илтимоси билан ажрашиш.

Мужоҳиддийн ► Дин учун қўлда қурол билан курашувчи.

Мурид ► Шогирд ёки мухлис. Муайян азия-авлиёга байъат этиб қасамёд қилади, байъат қабул қилган - *муришд*, байъат қилган - *мурид* бўлади. Улар орасидаги алоқа бир умр давом этади ва авлоддан-авлодга ўтиб келади. Бир *муришд*нинг *мурид*лари бир-бирини биродар ҳисоблайди.

Мусулмон биродарлар ► Жамияти ал-Ихвон Муслимун-хайрот ва маърифатдан экстремистик динийгача бўлган йўлни босиб ўтган ташкилот. Жанговор кўнгилли кўшинларга эга бўлиб, террордан кураш воситаси сифатида фаол фойдаланади. Ўз мақсадини 3 босқичнинг бажарилиши сифатида тақдим этади. Бу: Мисрда мусулмонлар бирлигини қарор топтириш; араблар бирлигини қарор топтириш; барча мусулмонлар бирлигини қарор топтириш. *Мусулмон биродарлар* ташкилотига 1928 йилда Мисрда шайх Ҳасан ал-Банно томонидан асос солинган. Ҳасан ал-Банно (1906-1949) маълумоти бўйича мактаб муаллими, *суфийлик* тариқатлари фаолиятида иштирок этган. Вафотида қадар ходи - *ал-муришд ал-омма* бўлган. Ҳасан ал-Банно исломда суннийлик доирасидан чиқмаган ҳолда, миллатчилик ғоясини, шунингдек жиход ва ислом давлати таълимотини ишлаб чиққан. 1950-йилларда *Мусулмон биродарлардан* Ҳизб ут-таҳрир ажралиб чиққан ва у араб мамлакатларидан ташқарида ҳам ўзининг ҳалқаро тармоқларига эга. *Мусулмон биродарларнинг* қатор ташкилотлари фаолияти Ғарбий Европада

жойлашган халқаро марказлар томонидан мувофиқлаштириб турилади.

Муслмон максимализми ► Муслмонларнинг ижтимоий-сиёсий ва шахсий ҳаётини *шариат* асосида, дин ва кенг маънодаги сиёсатнинг бўлинмаслиги негизида сўзсиз ташкил қилиш заруратини тақою этади.

Муфтий

- *Шариат* билимдони, асосий қондалар бўйича изохлар берувчи, ақонднинг асосий масалалари бўйича қарорлар қабул қилувчи, *фатво* берувчи шахс. Совет маконида ва советлардан кейинги маконда – муслмон жамоа раҳбари. *Шайхулислом* – муслмонлар на ислом жамоаси бошлиғи. Усмонлилар империяси уламолари бошлиғи шундай рутбага эга эди. X асрда бу рутба бирон-бир *фақидга* ёки *суфийга* эхтиром билан мурожаат қилишда фойдаланилган ва нуфузли фақиҳлар шу рутбага ноил бўлишга даъво қилишган.

Муҳаддис

- Ҳадислар билимдони.

Нақиб

- Оксоқол, маҳаллий ёки минтақавий *суфийлик* тариқати бошлиғи. Бу рутба замонавий диний-сиёсий ҳаракатларда қўлланилади.

Нақибандия

- XIV асрда асос солинган. Марказий Осиёдаги энг нуфузли *суфийлик* тариқатларидан бири. Тариқат асосчиси ва силсилаи шарифда биринчиси Хожа Юсуф Ҳамадоний, иккинчиси – Абдуҳолик Ғиждувоний. Баҳоуддин Нақшбанд – силсилаи шарифда бешинчи, бироқ бу зот тариқатнинг ташкилий негизини яратди ҳамда уни Мовароуннахрнинг шаҳар аҳолиси, шунингдек ўтроқ ва кўчманчи қишлоқ аҳолиси орасида қарор топтирди. Ҳиндистон, Эрон, Туркия ҳудудида, Яқин Шарқда ёйилган. Тариқатга аёллар ҳам қабул қилинади, зиёратга қўйилади.

Никоҳи дош

- Муқим никоҳ. Бу никоҳ учун қуйидаги шартлар бўлиши зарур: никоҳланаётган томонларнинг ўзаро розилиғи; ота-оналар ёки шерикларнинг розилиғи; никоҳланаётганларнинг қози томонидан аниқланган жинсий етуқлиғи (эркаклар учун – 15 ёш, аёллар учун – 9 ёш); илк бора никоҳланаётган аёллар учун – ахлоқий поклик (*қарамат ал-асл*) ва *боқиралик*, никоҳланаётганларнинг исломий маросимларни бажариши, бола туғиш қобилияти, аёл бошқа эркак билан никоҳланмаган бўлиши, куёвнинг бўлажак хотинига маҳр бериши, ота-оналарнинг насл-насабда тенглиғи, эркакнинг айни маҳалда турттадан ортиқ аёл билан никоҳланмаслиғи, аёлнинг эса – фақат битта эркак билан никоҳланиши, гувоҳлар (икки эркак ёки бир эркак ва икки аёл)нинг хотир бўлиши.

Омма

- Оддий халқ.

- Оммавий ислом*
- Расмий таълимотдан маросим амалиёти устунлиги билан фарқланади. «Халқона ислом» (эътиқод ва маросимларнинг халқона шакли) ҳамда «маиший ислом» шаклга мансубдир.
- Панислаимизм*
- Исломиликнинг халифалик барча мусулмонларини ўз ичига олувчи, (ўзининг чекка қаноти сифатида) интеграциялашган жамоа-давлатни тузишни назарда тутувчи сиёсий жиҳати. Кўпинча исломга эътиқод қилувчи барча халқлар бирлигини рўёбга чикаришнинг диний шакллари назарда тутилади.
- Парақжи*
- Муслима уйдан ташқарида тутадиган, сатри авратни ёпувчи ёпинчиқ.
- Парда*
- Айнан: «тўсиқ». Кўчма маънода – ахлоқий тўсиқ.
- Пир (муршид)*
- Маънавий мураббий, дарвишлар даргоҳининг мута-валлиси.
- Раис*
- Мусулмонлар томонидан диний арконларнинг бажа-рилишини назорат қилувчи киши.
- Расмий (инъонавий) ислом*
- Муайян даирда ва муайян мамлакатда мусул-мон жамоа амалдорларининг расмий қарори билан қабул қилинган мусулмон ғоявий оқими (йўналиши).
- Робита*
- Айнан: «алоқа», «ришта». Мурид билан муршид ўрта-сидаги маънавий боғланиш, бунга фикрни мураббий сиймосига жамлаш орқали эришилади.
- Сайид*
- Қабил бошлиғи, соҳиб, раҳбари.
- Секуляризм*
- Жамият ва шахс ҳаёт фаолиятининг айрим ёки бар-ча соҳаларини дин таъсиридан холи қилиш бўйича сиёсий назария. Европада маърифат даврида шак-лланган. Ҳозирги пайтда бу сиёсий концепция Шарқ мусулмонлари томонидан диннинг давлатдан ажра-лиши сифатида тушунилмоқда. Жамият кўпконфес-сионал ва кўплэлатли таркибга эга бўлган шароитда *секуляризм* ҳаёт фаолиятининг диний соҳаси ажрали-шига кўмаклашади ҳамда, бир томондан, динни фу-қаронинг хусусий иши сифатида, иккинчи томондан, динларнинг тенг ҳуқуқлилигини эълон қилади.
- Силсила*
- Аллоҳ томонидан Мухаммадга берилган (илм)ни узатувчиларнинг генеалогик занжири. Таълим (жис-моний ҳамда ғайбий машқлар)нинг ўзига хос мето-дикасига, ўзига хос маросимлар ва турмуш тарзи тартиботларига эга мистик йўли (тарикат)нинг ало-ҳида тизими. Барча асосий тарикатлар ўзининг силси-ласини тўғридан-тўғри Расулиллоҳнинг муқарраб саҳобалари – Али ибн Абу Толибга ёки Марқазий Осиёда юзага келган *Яссавия*, *Кубравия*, *Нақшбандия* ҳамда *Қодирия* тарикатлари бориб тақаладиган Абу Бакрга олиб бориб боғлашади.

- Султон* ▶ Айнан: «ҳокимият», «қудрат». Мустақил ҳукмдор рутбаси.
- Сунна* ▶ Айнан: «хулқ-атвор намунаси». Расулиллоҳ Мухаммаднинг шайъ ҳаётлари, хавориқи одатлари ва ай-ттанлари ҳақидаги муқаддас ривоятлар тўплами.
- Суннат тўйи* ▶ Ўғил болаларни хатна қилиш маросими муносабати билан ўтказиладиган издиҳом.
- Суннийлик* ▶ Исломда ҳулафои рошидин (чаҳор ер ёки тўрт халифа)ни Расулиллоҳ Мухаммад ворислари деб тан олувчи йўналиш.
- Суфийлик* ▶ Исломда VII-VIII асрларда расмий исломга муҳоли-фатдаги йўналиш сифатида юзага келган мистик йўналиш. *Суфийлик* узоқ тарихий тадрижий йўлни бо-сиб ўтди ва «қалқона» исломга айланди. Мусулмон оламида 100дан ортиқ суфийлик тариқати бор. Таш-килий таркиби, раҳбарлик қондалари, ички идеаллар тизими XIX асрга қадар амалда ўзгаришсиз келди. *Суфийлик*да шахсий тажриба воситасида инсон Аллоҳ билан руҳоний мулоқотга, мушоҳадага, қўшилиб ке-тишга эришиши мумкин, деб ҳисобланади. *Суфийлар* фикрича, *зикр*, *рўза* пайтида ёки уйқуда жазола, бо-тиний ишроқ чоғида рўй беради. Аллоҳни таниш йўли ахлокий покланиш ва дунё неъматларидан юз ўгириш орқали боради. Марказий Осиёда Нақшбан-дия, Кубравия ва Ясавия ҳамда ҳазирга қадар (яши-рин ёки ярим яширин ҳолда) мавжуд бўлган ва диний-сиёсий ҳаракатлар манбаи бўлган бошқа кўп сонли тариқатлар энг нуфузли тариқатлардан бўлган.
- Тавҳид ал-вуҷуд* ▶ Аллоҳ билан борлиқнинг бирлигини инъикос эттирув-чи категория.
- Талоқ* ▶ Айнан: «қўйиш», «бўшатиш». Эрининг ихтиёри билан ажралиш.
- Талоқи боин* ▶ Тугал ажралиш.
- Талоқи рижъа* ▶ Никоҳни қайтариш мумкин бўлган талоқ. Никоҳ тик-ланган ҳолатда эр хотинининг янги маҳр талаб қилиб айтган даъвосини қабул қилишга мажбур.
- Тандир* ▶ Нон ёпиладиган ўчоқ.
- Тариқат* ▶ Суфийлик синоними сифатида истифода этилади ҳамда сулукка бирлашувчи одамларнинг шахсий ди-ний-ахлокий камолот йўлини англатади.
- Тарки дунё* ▶ Қаландарлик қасами.
- Тасаввуф* ▶ Суфийлик, исломда ғайб-зуҳд оқими.
- Тафсир* ▶ Қуръони карим шарҳи.
- Тоифа* ▶ Ҳамжамият, гуруҳ, ташкилот, тариқатнинг ички ук-лади. *Суфийлик* тариқати синоними сифати ишлати-

лади. Бир неча авлод давомида шакллланган; ўзини бирон-бир *силсилага* мансуб деб ҳисоблайдиган янада майда иерархик таркибга тармоқланиб кетган. Хунармандлар ва савдогарлар бирлашмалари (*футува-лар*) ҳам *тоифа* деб номланган, шу боис уни ташкил қилиниши ва таркибини *тоифанинг* асосий мазмуни, деб ҳисоблаш мумкин.

Томорқа

- Совет ҳокимияти томонидан (1960-йилларда) *деҳқон-га* қишлоқлардан чеккадан, ўз эҳтиёжи ёки сотиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун ижарага берилган ер бўлагидир. Бундай ер кўпинча ноқулай жойлардан берилган.

Уламо

- Фақат кўпликда ишлатилади. Илоҳиёт, диний ривоятлар, ахлоқий-ҳуқуқий ислом билимдонлари – таълим, суд ишлари шариат асосида олиб бориш, маросимларни бажариш соҳасидаги назариятчилар ҳамда амалиётчи арбобларнинг умумлашма номи. *Уламо* исломнинг турли оқимларига, жамоаларига, илоҳиёт-ҳуқуқ мактабларига, касб-хунар машғулотида на турар жойига кўра кўп сонли гуруҳларга бўлинади.

Умми

- Диний жамоа, умумий дин асосида бирлашган одамлар ҳамжамияти. Даставвал у даъватчилик фаолияти – *муҳал* орқали бирлашган одамлар гуруҳини билдирган. VII аср давомида мусулмон жамоаларини уларнинг турар жойлари (*Дорул-ислам*) ва халифалик билан айнанлаштириш юз берди.

Фатво

- Бош муфтий (ёки *Шайхулислом*) ҳулосаси ёки муайян ифодада берилган ҳамда савол-жавоб шаклига эга бўлган санкция. XIX асрда «муртадлар»ни жазолаш учун унинг сиёсий вазифаси кучайди.

Фикҳ

- Мусулмонлар хаворикӣ одатлари, *шариат* қоидалари билимдони.

Фикҳ

- Айнан: «чуқур тушуниш, билиш». Мусулмонлар хатти-ҳаракат қоидалари борасида исломий доктрина, ижтимоий нормалар мажмуи (амалий суд ҳуқуқи ва юридик маънодаги мусулмон ҳуқуқи).

Фундаментализм (салафийлик) ► Мухофазакор тикланиш – ислом «ибтидосяга», энг аввало, Куръони каримга қайтишни талаб қилувчи ҳамда *шариат* қоидаларини (ислом ақидаларини, маросимларини, сиёсий тақикларни) эркин талқин қилишга йўл қўювчи мафкуравий оқим. Сиёсий мақсадларга эришиш йўлида *исломизм* билан туташади.

Ҳадра

- Айнан: «хотир бўлиш». Дарвишлар гуруҳи томонидан мунтазам *зикр* қилиниши.

Халаф

- Эрга мулкӣ музд бериш шарти билан хотиннинг илтимоси ила ажрашиш. *Халаф* чоғида бериладиган

мулк миқдори чекланмаган, *муҳаббат* ҳолатида эса *махр* миқдорида бўлади.

Халифа

- Айнан: «муовин, ўринбосар». Икки хил маънога эга 1. Аллоҳнинг элчиси ўрнини босувчи, мусулмон жамоаси бошлиғи. 2. Маънавий комилликнинг мудайян босқичига етган, *пир*нинг фотиҳаси билан янги солиқлар ва раҳбарларни жалб этиш ҳуқуқини олган, шу тарика *шайх*нинг *халифаси*, яъни ўринбосари бўлган *мурид*.

Халифалик

- Исломий бирлик концепциясини сиёсий амалга ошириш. Тарихан XI асргача Расулиллоҳ Муҳаммад ва ул зотнинг ворисларининг сиёсий бошқарув шакли бўлган. Ислом бирлиги ғояларининг ривожланишида мусулмон илоҳиётчиларининг ислом жамияти сиёсий ташкилотига қарашлари муҳим роль ўйнади. Бу қарашлар мажмуини ижтимоий-сиёсий таълимотга бирлаштириш мумкин. Таълимот асосида халифанинг дунёвий (*салтанат*) ва диний (*имомат*) ҳокимиятининг ажралмаслиги ётади. Мусулмон олами мутақаллимлари қарашларида хулафони рошидин ҳукмронлик қилган давр идеаллаштирилади, шу боис «идеал давлат тузилиши» намунаси бўлади. Тарих ривожланишига кўра идеал модель воқеликдан тобора йироқлашади. *Халифалик* категориясига мусулмон жамоасида ҳукмронлик моҳияти сифатида ҳам, давлатда бошқарув шакли сифатида ҳам қаралади. Сиёсий ташкилот шакли сифатидаги *халифалик* ғояси мусулмон Шарқида XIX аср охирида, миллий-эъзодлик ҳаракатининг қарор топиши даврида юзага келган.

Хажжа

- Айнан: «хўжайин». Марказий Осиёда, гўё чаҳор ёрхулафони рошидиндан тарқалган одамлар аталадиган фахрий ном.

Хонақо ёки истовчи зовия

- Даставвал жамоани ягона интизомга бўйсундиришни одамлар бирлашмаси бўлган. Кейинчалик *хонақо* муайян аҳамият касб этди. *суфийлар* биргаликда истикомат қиладиган ҳамда диний ақондларни бажо келтирадиган жойга айланди. Марказий Осиёда бу тушунча ўз хусусиятларига эга бўлган. *Хонақолар* даъват олиб бориладиган марказ бўлиб, кишлоқ жойлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Азиз-авлиёлар мукаддас тутилиши кенг ёйилгач, уларнинг мақбаралари ёнида хонақолар бунёд этилган ва зиёратдан тушган даромад уларнинг тирикчилик манбаи бўлган, шунинг учун хонақо яна мусофирхона мажмуини ҳам касб этган.

Хосса

- Хайли ашраф (шариф зотлар)

Шайх

- *Суфийлик* тариқати раҳбари, вафотидан сўнг налийлик рутбаси берилган, кейинчалик азиз-авлиёлар

мозори ходими шундай ном билан атала бошлаган. Шайхнинг ҳақиқий ҳокимияти даражасини Мухаммаднинг илк мусулмон жамоасидаги роли билан қиёслаш мумкин. Бу ҳокимиятни нафакат тариқат даражасида, балки сиёсатда ҳам ишга солишга барқарор интилиш кузатишган.

Шариат (шариъа)

- Айнан: «тўғри йўл». Юридик эмас, балки ижтимоий мазмундаги қонун, кўрсатма. *Шариат* – *Қуръони карим* ва *Суннати набавия* йўриқлари билан мустаҳкамланган нормалар мажмуи. Улар мусулмонларнинг эътиқодлари, динларини белгилайди, ахлоқий қадриятларни шакллантиради. *Шариат* маъмуни амалий ҳуқ-атвор қондалари (*ал-ибодат* ва *ал-муомалат*)ни, диний *ақоид*ни ҳамда *ахлоқ*ни ўз ичига олади. *Шариат* ва *фикҳ* бир-бирига мос келмайди, *фикҳ* соҳаси – назарият бўлиб, *шариат* тутаган жойда бошланади. *Шариат* – исломий турмуш тарзи тўғрисидаги умумий таълимот.

Шиалик

- «Аш-шна» – «фирқа», «мухлислар»дан. Исломдаги Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодики Расулulloҳ Мухаммаднинг ягона меросхўрлари ва ворислари деб тан олувчи йўналиш.

Эшон

- *Судбийлик* тариқати раҳбарининг даъватчилик ишини олиб бораётган авлоди. Одатда, унинг авлоди ўз қавмлари орасида сулук раҳбари бўлиш ҳуқуқиға ворислик қиладилар.

Қиёс

- Илоҳиёт фикҳида бўлиб ўтган ўхшаш воқеалар асосида ҳукм чиқариш.

Қози

- Ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат нормалари асосида одил судловни амалга оширувчи амалдор-судья. У бутун жамоа хизматини бажаради, деб ҳисобланарди. Қози лавозимига тайинланадиган шахс фақиҳлар авлодидан бўлиши шарт эди.

Қозикалон

- Амир томонидан тайинланадиган бош қози.

Қори

- Ҳофизи қуръон ва шориҳи қуръон.

Ҳидоя

- XII асрда нашъу намо топган фақиҳ зоти шариф Бурхониддин Марғиноний томонидан таълиф этилган мусулмон ҳуқуқи шарҳи.

Ҳизба

- Мусулмон кишининг динда маъқулланган хатти-ҳаракатни бажариш ва уни рағбатлантириш, *шариат*да тақиқланган хатти-ҳаракатни амалга оширишга тўсқинлик қилиш мажбурияти.

Ҳоқим

- Ноиб

Ўз китобини закийлар ва мутахассислар тор доирасига мўлжаллаб ёзадиган олимлардан фарқли равишда, фаоллар ўз асарини уни ўқишга ҳозир бўлган барча одамлар учун ёзишади, шу боис бундай китоблар жанри гаройибдир. Китобхонни ўз томонига оғдириш, туйғусига мурожаат этиш, олимларнинг фикр-мулоҳаза учун унга озиқ бериш, унинг ҳис ўйларини ва қарашларини китобхонга етказиш ва уларни муайян одамларнинг кўрган-кечирганлари билан боғлаб кўрсатиш фаолларнинг вазифасидир. Шу сабабли академик руҳда ёзилган китобларни мутолаа қилиб юрган талабчан китобхон ушбу китобда айрим сиёсатшунослар, файласуфлар ва тақризчилар нуқтани назарлари айтиб берилган! уларда янги фикрлар йўқ, деган даъволарни изҳор этиши мумкин.

Китобдаги янгилик материални тақдим этишда кўринади: унда келтирилган илмий мунозаралар ва фикрлар китобхонга ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини фуқароларнинг жамиятдаги, шу жумладан Ўзбекистон жамиятидаги аҳволи билан боғлаш; хотин-қизларнинг аҳволига нима таъсир этишини ҳамда, жамият ва давлат, агар хотин-қизларнинг аҳволи ёмон бўлса, нимани йўқотишлари мумкинлигига эътибор бериши муҳимлигини ҳамда аёлларнинг ўзи мамлакат ривожига қандай қилиб ҳисса қўшиши мумкинлигини тушуниш имкониятини яратишга ундаши лозим.

Мен ўз ўқувчиларимга, ҳамфикрларимга ҳамда муҳолифларимга менинг кузатувларимни ва баҳолашимни тўлдиришни, мен билан мубоҳаса қилишни, китобда кўтарилган масалалар ва мавзулар бўйича фикрларини баҳам кўришни таклиф этаман, токи биз биргаликда, ўз келажагимиз йўлида мамлакатимизга аниқ кўмак бера олайлик.

Ўз келажагимизга таъсир эта олишимизга бўлган комил ишончгина режалар тузишда, муваффақиятсизликлар ва ютуқлар манбаларини англашда ҳамда мақсадларга эришишда бизга кўмакдош бўлади.

КИРИШ

Ўзбекистон – шаклланиш жараёнини эндигина бошдан кечи-
раётган ёш миллатга эга бўлган нисбатан ёш давлат. Бу жараён
мамлакат ривожланишида аввалги даврларда воқеъ бўлган иж-
тимой, сиёсий ва ижтимоий-маданий жараёнлар билан боғлиқ
қўллаб-қўлловчи ҳамда мафкуравий рағбатларга эгадир.
СССРнинг парчаланиши ҳамда шундан сўнг советлардан кейинги
маконда янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши тарихан
қисқа вақт ичида, етарли даражада тарихан қулай шароитда, ом-
мавий ҳунрезликсиз ва жанговар тўқнашувларсиз юз берди. Ёи-
рок, бошқа томондан, СССРнинг жадал парчаланиш жараёни
ҳамда мустақилликнинг эълон қилиниши советлардан кейинги
бутун маконда янги давлат-миллатларни барпо этиш лойиҳа-
лари билан ўйлаб-қўрмай кечди. Янги давлатчилик лойиҳа-
си сиёсий воқеалар жараёнидан анча ортида қолди. Шу сабабли
советлардан кейинги даврда пайдо бўлган ақлий ва мафкуравий
бўшлиқ нафақат анъанавий ислом, балки четдан кириб келган,
Ўзбекистонда қулай ижтимоий муҳитга дуч келган ғоялар билан
ҳам тўла бошлади.

Ислом дини анъанавий ёйилган мамлакатлар тажрибасига
ҳамда мустамлакачиликдан кейинги даврга мурожаат қилинса,
янги давлатчилик барпо этиш ғояси – суверенитет мафкураси
бўлган миллатпарварлик (миллатчилик) ҳамда дунёқараш тизи-
ми бўлган ислом ўзаро ҳамбарчас ва зиддиятчи тарзда боғлан-
гани ҳамда вазиятдан келиб чиққан ҳолда ижтимоий онда бир-
бирига қўмаклашиши ёки қарама-қарши муносабатда бўлишини
аниқлаш мумкин. Жаҳон харитасида 1991 йилда пайдо бўлган
давлат сифатида Ўзбекистон дунёвий ривожланиш ҳамда демок-
ратик жамият қуриш йўлини танлади, айни маҳалда ўзининг та-
рихан мансуб бўлган мусулмон оламининг бир қисми эканлиги-
ни эълон қилди. Марказий Осиё ислом олами билан қўп асрлик
маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқага эга бўлиб келган ва бу
алоқа совет давридагина буткул узилган эди.

Совет ҳокимиятининг етмиш йили давомида ислом дунёқараш билан боғлиқ ҳамда интеграциялашган ижтимоий-маданий тизим сифатида бўғиб келинди. Ислом халқ орасида, асосан халқона ислом шаклида омон қолди. Шунинг учун ҳам мустақил-

ликнинг дастлабки йилларида диний ва миллий айнанлашув бири-бирига ўхшаш бўлиб чиқди, чунки миллий давлат тўғрисидаги таълимот устида интеллектуал иш олиб бориш энди бошланган, шу боис ҳали жамиятда овоза бўлиб, ёйилмаганди. Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини эълон этганини кўпчилик аҳоли, энг аввало, исломнинг, унинг ахлоқий ва маданий қадриятларининг тикланиши сифатида англади. Бирок, унинг айрим қисми мустақилликни кўплаб этнослар ҳамда конфессияларни бирлаштирувчи янги миллатнинг пайдо бўлиши деб эмас, балки ислом ижтимоий тизими ва *шариат*нинг тикланиши, деб баҳолади.

Юз бераётган ҳодисаларнинг сабабларидан бири юқорида кўрсатиб ўтилди. Бу – совет даврида исломни қаршилик мафқураси сифатида емириш ва бўғишга интилиш эди. Иккинчи сабаб – байналмилалчилик мафқурасини қурол қилиб олган совет даврида миллатпарварлик тўғрисида этник алоҳидалик ва ажралганлик мафқураси сифатида умумий салбий таассурот юзага келганди. Шу сабабли, Ўзбекистонга хос бўлган кўп этнослилик шароитида давлат мустақиллиги ва янги давлат манфаатларини, этник ва диний мансублигидан қатъи назар халқ бирлиги ҳамда жипслигини ҳимоялаш назарияси ва амалиёти бўлган миллатпарварлик тушунча ёки таъриф сифатида истифода этилмади. Шунинг учун ҳам ислом ва унинг ўзбеклар ила боғлиқ босқичи анъаналари билан боғлиқ ҳамма нарса сиёсатчилар нутқларида ҳам, жамият онгида ҳам биринчи ўринга чиққан эди. Гуманитар зиёлилар эса радикал ва, ҳатто, агрессив миллатчиликни намоёйиш этганди.

Жамиятнинг асосий қисми учун мустақиллик миллий ўзига хосликни тиклашгагина эмас, балки советларгача бўлган ижтимоий муносабатлар элементларини, шу жумладан бҳотин-қизларнинг роли ва ўрни билан боғлиқ барча нарсани тиклашга ҳам даъват бўлиб чиққанди. Натижада шу даврда ОАВ ва оммавий чиқишларда хотин-қизларга ғамхўрлик ниқоби остида уларнинг ҳуқуқларига оммавий хужум ва *шариат* меъёрларини норасмий тиклаш бошланиб кетди.

Муҳолифатнинг ҳаракатида исломга даъват муҳим дастурий ишга айланди. Ҳукмрон элита ҳам, мадад олиш мақсадида, халқ кўпчилик қисмининг диний ҳис-туйғусига мурожаат эта бошлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ислом мамлакат суверенитетини қарор топтириш ҳамда мустақамлашда аниқ

2012/182	notidagi
11262	O'zbekiston MK

мақбул ва тушунарли восита бўлди. Мусулмон ва бошқа динлар даъватчиларига, Ўзбекистонда виждон эркинлигини маъқуллаган мусулмон оламида исломнинг иккинчи маркази ҳисобланган мамлакатда масжидлар қуриш ва ислом мавқеини мустаҳкамлашда молиявий кўмак бермоқчи бўлган барчага эшиклар очиб қўйилди. Кўп этносли ва кўп динли мамлакатда миллатнинг миллатчилик асосида бирлашуви яна, биринчидан, исломга жадал қайтилиши халқнинг исломий бўлмаган қисмини хавотирга солгани, иккинчидан эса, миллий мустақилликни барпо этиш концепцияси аниқ таърифлаб берилмагани учун ҳам рўй бера олмади. Тўққиз йил ўтган бўлса-да, «миллатчилик» терминига ҳали ҳам эҳтиёткорлик билан ёндашилмоқда, шунинг учун ҳам ноаниқ бўлиб қолмоқда, бу эса, табиийки, кўп этносли жамиятнинг бирлашувига ҳамда аҳолининг исломий бўлмаган қисмининг ягона миллатга киришиб кетишига тўсқинлик қилмоқда. Шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда *исломийлик* ғоявий оқим сифатида кучайиб, Жанубдан кириб келишда давом этмоқда. У ҳозирча жамият аъзолари бир қисми онгида султлик билан мавжуд бўлиб, аҳолининг тубанлашган қатламларига тааллуқли ёшлар онгида фаоллашмоқда, жамиятнинг исломий бўлмаган қисмининг тарқок ва беқарор бўлишига кўмаклашмоқда. Шунингдек этник гуруҳлар хулқ-атвор қоидаларига таъсир кўрсатмоқда. Жамиятнинг *исломийлик* дардига мубтало бўлган қисмида исломий аёл идеали қайта юзага келмоқда. Жамиятнинг исломлашуви, энг аввало, ижтимоий ҳаётнинг кўп томонларига таъсир кўрсатувчи сиёсий жараёндир.

Ҳукумат танлаб олган ва ўтказиб келаётган бозор иқтисодиёти йўли ҳамда Ғарбнинг ривожланган мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш мамлакатни замонавийлаштиришга кўмаклашмоғи даркор эди. Ўтиш даври жамиятнинг табақаланиши ҳамда юқоридан ўтказилаётган ислохотлар билан жамият онги (базис ва устқурма) ўртасидаги зиддият кучайиши, сурункали (совет давридан буён) ночор жойларда турмуш даражасининг пасайиши, мамлакат турли минтақаларининг нотеқис ривожланиши ҳамда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси кўп сонли ижтимоий гуруҳларининг емирилиши билан ажралиб туради. Бу омиллар жадал ўзгариб бораётган шароитда ўз ўрнини топа олмайдиган, натижада истиқболдан умид узган бенаволар сонини кўпайтирадиган «ортиқча одамлар»ни юзага келтиради. Бу Ўзбекистонга ташқаридан, мусулмон оламининг 1970–1980-йилларда сиёсий

ва иктисодий жиҳатдан кучайган айрим мамлакатларидан (диний-сиёсий ҳаракатлар мазмунини ташкил қилмайдиган) сиёсий ислом ҳамда ислом эгалитаризмининг кириб келиши учун қулай муҳитдир.

Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий омилларнинг ўзгариши: жамиятнинг табақаланиши, ишсизлик, эртанги кундан умидсизлик иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар оқибатидир. Давлатнинг ижтимоий мадади камайиши айниқса, хотин-қизлар ахволига, таъсир кўрсатади. Энг заиф ижтимоий гуруҳлардан бири бўлган хотин-қизлар ҳокимият структурасида, меҳнат бозорида, таълимдан баҳраманд бўлишда ва, айниқса, советларгача бўлган андозалар ва қондалар қарор топа бошлаган оилада ўз мавқеини йўқота бошлади. Аёлларга итоатгўй мавжудот сифатида қараш устун кела бошлади. Эрта никоҳ, кўпникоҳлилик, уйдаги зулм, хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўламаслик ҳоллари ортиб бориши шундай қарашлар маҳсули эди.

Табақаланиш, табиийки, хотин-қизлар муҳитида ҳам рўй бермоқда. Уларнинг кечагина совет мактаблари ва университетларида ўқиган қисми бугунга келиб ўз интеллектуал ва таълим салоҳиятини тўла рўёбга чиқараётган ишбилармонликни танлади. Бошқа қисми елкасида эса икки ёклама юк бўлиб, бири давлат муассасасидаги кам ҳақ тўланадиган иш бўлса, иккинчиси ҳақ тўланмайдиган уй-рўзғор ишидир. Учинчи қисми мусулмон аёл учун белгиланган, маросимларга ўралашиб қолган, диний ижтимоийлашадиган, юз бераётган ўзгаришларга ишонқирамай муносабатда бўладиган, диний ақидалар ва кадриятлар иерархияси нуқтаи назаридан ҳукм юритадиган анъанавий турмуш тарзини тикловчи йўлга турди. Айрим аёллар куч-қувватини ўзининг диндорлигини ташвиқ қилиш ва намоён этишга ҳамда ўтмишда бўлиб ўтган барча нарсани инкор қилишга сарфлайдилар. Агар улар дунёвий хулқ-атвор услуби ва турмуш тарзига нисбатан тоқатсизликни ошқора намоён этишмаганида, уларнинг хатти-ҳаракатида бирон-бир ёмонлик бўлмасди, айни шу нарса зиддиятни, ишончсизлик ва душманликни келтириб чиқаради.

Ўзекистонда хотин-қизлар муаммосини сиёсатлаштириш бўш ерда юз бермаяпти, бу жараён мусулмон олами ривожланаётган мамлакатларидаги мустамлакачиликдан кейинги ва ўтиш босқичида турган жамиятлардаги тарихий жараёнлар билан кўплаб ўхшаш жиҳатларга эга. Мусулмон Шарқининг мустамлакачиликдан

кейинги мамлакатлари таҳлилига кўплаб, шу жумладан совет шарқшунослари ва сиёсатшуносларининг асарлари бағишланган.

Советлардан кейинги Марказий Осиёда вазият ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, уларнинг таҳлилидаги кўп жиҳатлар ҳозир ҳам долзарбдир. Фарбда хотин-қизлар ва гендер тадқиқотлари социологияда алоҳида ўринда туради. Совет даври тажрибаси, советлардан кейинги бутун Марказий Осиёдаги каби, Ўзбекистонда ҳам жамиятга алоҳида хусусиятлар бахш этади.

Ушбу китоб советлардан кейинги макондаги мамлакатлар билан ҳам, мустамлакачиликдан кейинги учинчи дунё билан ҳам кўпгина умумий жиҳатларга эга бўлган Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган жамиятида хотин-қизларнинг аҳволи ва истиқболини гендер нуқтаи назаридан таҳлил қилишга яна бир бор уринишдир. У китобхонга жамиятда рўй бераётган жараёнларга, хотин-қизларнинг бу жамиятдаги иштироки ва ролига нисбатан муаллиф нуқтаи назари, ижтимоий ҳаётдаги айрим тамойиллар таҳлили билан танишиш; ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак хусусиятларини ўзида жо этган айрим хотин-қизлар портрети билан танишиш; улар билан кайғудош, ҳамдард бўлиш, улардан ҳайратга тушиш ёки нафратланиш, уларнинг ҳар бирини тушунишга интилиш ҳамда тажрибаси ва ҳаётини ўзиники билан таққослаш имконини беради. Балки бу китоб ўқувчига ўзи ҳақида яхшилаб ўйлаб кўриш учун шароит яратар. Ахир, ҳаёт кундалик икки-чирлар ва мажбуриятлар билан ўралашиб қолишдангина иборат бўлмай, балки биз фойдаланаётган, қувончни ҳис этмай, тажрибадан ҳулоса чиқармай, бош котирмай ва ўз вазифамизни баҳоламай сарфланаётган улуғ қадрият ҳам-ку. Бу – терминлар кўп бўлишига қарамай, умум қабул қилинган маънодаги илмий китоб эмас, балки Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаётини кўрсатиб берувчи воқеалар йиғиндиси.

Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йили ичида мамлакат қиёфаси кўп жиҳатдан ўзгарди, бироқ ўтмишнинг барча дардларидан фориг этолмади. Улар янада оғирлашди, ривожланиш билан боғлиқ янги дардлар пайдо бўлди. Айни маҳалда нисбий эркинлик руҳи шундай эркинликка тайёр бўлганларга куч бағишлади, эркинликни оғир юк сифатида қабул қилганларни эса эзиб қўйди, чунки эркинлик кўпроқ масъулиятни, ташаббусни, билимга чанқокликни, ҳушёрлик билан қарор қабул қилишни ва, энг муҳими, ўз ҳуқуқларини англашни талаб қилади. Эркинлик илми-

ни ўрганиш даркор ва бу илм жуда мураккаб бўлиб, энг аввало ўз «мен»ини ўзгартириш учун улкан куч-қувват талаб этади.

Бугунги кунда бир кун орқада қолган бир ҳафта йўқотади, бир ой ортда қолган – йил йўқотади, йиллар ортда қолган эса келажакдан маҳрум бўлади. Улар ўтмишга ёпишиб олиб, у ҳақда афсоналар тўқийдилар, ўз муаммолари счимини ҳам ўтмишдан излайдилар. Улар – эркаклар ва аёллар, – кўпчилик. Улар, афтидан, юқори доирада ҳам, қуйи доирада ҳам кўп бўлишса керак. Ўтмиш қачонки оқилона баҳоланса, ундан зарур сабоқ чиқарилса, у жамиятнинг янада ривожига тўсқинлик қилмаса, шундагина ҳозирги авлод учун фойдали бўлади. Фақат ўтмиши билан нафас олувчи одамлар қанча кўп бўлса, жамиятнинг олға босиш, бугунги кун муаммоларини бартараф этиш ва келажак истиқболини кўриш имконияти шунча кам бўлади. Ўтмиши билан яшовчилар ўз хатолари ва гумроҳликлари зулматида қолади, шу билан улар янги қадамни ҳозир бор бўлган озгина нарсадан ҳам маҳрум бўлиш даҳшати остида кўядилар.

Ушбу китобда пароканда ҳодисаларни умумлаштиришга, тарихга қайрилиб қарашга, жамиятда юз бераётган ҳодисалар мабанин топишга ва уларнинг сабаб-оқибат алоқаларини кузатишга, ушбу жамиятга аёллар кўзи билан баҳо беришга уриндим.

1-БОБ

АБАДИЯТ ВА ЗАМОН

*Ўтмишида келажак вояга етар,
Келажак ўтмишини биқсиб ёндираб.
Анна Аҳматова*

Ўфққа бош кўяётган куёш шафағи эски шаҳар маҳаллалари деворини мисрангга бўяган. Бўмбўш тор кўчага қора хижобга ўранган бир гуруҳ қизлар дув этиб ёпирилиб чиқди: булар – маҳаллий қизлар диний мактабидаги дарсдан озод бўлганлар. 1992 йил эди, бу каби ёпинчикқа бурканган қиз-жувонлар нафақат эски шаҳар, балки янги Тошкент, пойтахтнинг ётоқ туманларидаги турар жой мавзеларининг ҳам янгича аломатига айлана бошлаган эди. Қандайдир шамол уларни олис мамлакатлардан учириб келганга ўхшарди. Мен илгари кўрмаган ок, қора рўмол, узун, қора ва қулранг сатри авратпўш кўйлақлар она шахримнинг файзли киёфасига ёт кўринарди. Ёшлигимда ва, ҳатто, кечагина ҳам европача кийим ҳамда ранг-баранг миллий кўйлақ кийган гўзал аёллар хушхол табассум билан товланиб, шаҳарнинг сершовқин кўчаларини тўлдириб юришарди. Бугун эса мағрур *ҳижобдорлар* ўзларига тикилган назарларни қониқиш билан кутиб олмоқда эдилар. Қуни кеча одатий ҳисобланган аёллар уларнинг ёнида ўзларини бегоналардек ҳис этиб, қисиниб-қимтиниб, тезроқ оломон орасида кўздан ғойиб бўлишга уринишарди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қўплаб юртдошларимизда ўзгариш руҳи билан бирга таҳликага тушиш ва ихлос қайтиши ҳам бўлди. ОАВ, кўчалардаги плакатлар, баъзи сиёсатчилар ҳамда янги сиёсий оқимлар тарғиботчилари, энг аввало, исломнинг тикланишини янги миллатнинг туғилиши дея атадилар. Марказий Осиёни, айниқса, Ўзбекистонни ислом ҳеч қачон тарк этмаганди. У кундалик турмушда, қувончу ғам-аламда мавжуд эди. Биронта тўй *никоҳсиз*, биронта дафн *жанозасиз*

ўтмасди. Бу удум шов-шувсиз бажарилар, бироқ у турмушимизнинг таркибий қисмига, исломга мансублик эса миллий ўзлигини англаш элементига айланиб кетганди. Диндорлик яширин ҳис-туйғу эмасди, у диний байрамларни нишонлаш ва муайян маросимларни бажаришда намоён бўлар, бироқ улар кўриб-кўрмаганга олинадди.

Советлардан кейинги даврда исломга мансубликни оммавий намоиш этиш ҳаддан ташқари кучайиб кетди. Бир нечтагина суруни ёдлаб-ёдламаган қизалоқлар дугоналарини динсизликда айблай бошлашди. Маҳалладаги ҳар қандай йиғилишда даъват қилишга ўтилди. Ўзини дин билимдони деб фахмлай бошлаган ёшгина мухлисалар айрим аёлларнинг гашини келтириб, ташвишга солиб ҳам қўйди, чунки дин йўлига эндигина кирганларнинг кўпчилиги бошқа барча билимларга ва, айниқса, «кечаги» маданий совет аёлларига ошқора нафрат билан қарашарди. Бунда, албатта, ёшларга хос гердайиш ҳам, манманлик ҳам бор эди. Кечагина совет мактабларининг ўқувчиси бўлган ҳамда совет университетлари дипломларининг соҳиби, ҳазон топган комсомол аъзолари бўлган қиз-жувонлар бир онда ўзгариб, коммунизмнинг ахлоқ кодекси ўрнига шарият аҳкомларига риоя этишни талаб қила бошлаганини; ҳижобга кирган аёлни идеал даражасига кўтара бошлаганини тушуниш қийин эди. Бу, ўзини дохий ёки имом деб атовчи киши тарғиб қилган барча нарсага бешубҳаю бемулоҳаза имон келтирилган коммунизмнинг давоми эмасмиди?

Совет даврида сиёсатшунослик бўйича кизик-кизик тадқиқотлар олиб борилад, бироқ бу билан СССР ФАнинг мумтоз шарқшунослик институтида шуғулланиладди, кўплаб асарлар чоп этилад, лекин улар билан олимлар доирасигина кизикарди. Ўрта асрлар диний мероси Марказий Осиёнинг XX асрдаги тарихий ривожланиш хусусиятларига кўра ҳозирги Марказий Осиё аҳолисининг кўпчилигига нотаниш. Масалан, исломдаги ислоҳчилик ҳаракати, шу жумладан туркистонлик ислоҳчилар ҳаракати тўғрисида жамиятимизда жуда кам билишади, бу билимлардан тор донрадаги олиму уламогина баҳраманд бўла олганди. Ўрта асрлар исломи диний ва ислоҳчилик меросини бугунги кунда улоқтирилган илмий атеизм доирасидагина фалсафий англаш мумкин бўлганди. Шунинг учун ҳам динга чанқоқ кишилар кўпчилик мусулмонлар учун янги имомлар ва даъватчилар тарғиб

этаётган оламни диний-центристик тушунишни, ижтимоий конфессионал фаолликнинг советларгача бўлган шакл ҳамда услубларидан мерос қилиб олинган диний кўрсатмаларини, уларга бирон-бир танқидий қарашларсиз, бинобарин, Аллоҳ томонидан қатъий амр этилган ақида сифатида XX аср охири янги воқелигига номувофиқ тикладилар. Исломлаштириш жараёни ҳамда аср бошига хос бўлган ижтимоий-конфессионал муносабатларнинг янги имомлар томонидан XIX аср охиридаги ҳолатидан тубдан фарқ қилувчи бутунлай бошқа жамиятга қўчирилиши шу тариқа бошланиб кетди.

Ўзбекистон олимлари ҳозирги мусулмон оламини, унинг ғоявий оқимларини ўрганиш бўйича иш олиб бормаганлар. Шарқшунослик ва исломшунослик тадқиқотлари асосан манбашунослик жиҳатидан, филологик, камдан-кам ҳоллардагина тарихий ёки фалсафий йўналишда ўтказилган.

Анъанавийлик ҳаддан ташқари шакл касб этди, маросимчилик кенгайди, уни диний маддоҳлар рағбатлантирдилар. Лекин бу илоҳиёт даражасини оширмади: ақоид ва калом илмини ўрганиш руҳонийлар тор доирасигагина насиб этиб келди. Урф-одат ва маросимлар шахсий ҳаёт ва, ҳатто, меҳнат фаоллиги билан боғлиқ барча нарсага сингиб борди. Бугунги кунда барча ибодат амалиёти қатъиян патриархалликка асосланган ҳамда турмуш ва тасаввурларнинг қарор топган шакллари тикловчи жамоа билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг натижаси ўлароқ турмуш тарзини ҳамда дунёвий дунёқарашни замонавийлаштириш имконияти камайиб бормокда.

Советлардан кейинги маконда анъанавийликнинг ўсиши таҳдидлидир, чунки иктисодиётни таркибий ўзгартириш ҳамда турмуш даражасининг пасайиши жараёнида анъанавийликнинг мустаҳкамланиши тўсқинлик қилувчи омилга айланади ҳамда аҳоли муайян қисмининг конфессионал жиҳатдан алоҳидалашувига олиб келади. Бу жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ва маънавий таркибини замонавийлаштиришга йўналтирилган ташқи таъсирларнинг кириб келишини қийинлаштиради. Республикада турмушни дин таъсиридан холи қилишда муваффақият қозониши мумкин бўлган ижтимоий-иктисодий ислохотларни ўтказиш йўли билан ўрта асрларга хос ижтимоий ва иктисодий муносабатларни тикловчи анъанавийлик юки ўртасида зиддият юзага келди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида исломнинг тикланиши мавзуи ОАВда, турли-туман расмий йиғилишларда, конференциялар ҳамда семинарларда муҳокама этилди, кўпинча меъёргаги муслима идеалига мурожаат қилинди. Аёлларнинг ҳақ-хуқуқини чеклаш, уларни онланинг биқиқ оламига қайта тикиш, фаолият донрасини шу олам билан чеклаш зўр бериб тарғиб қилинди. Замонавий ахлоқий меъёрлар танқиди кучайди, уларнинг хотин-қизларга таъсири эса буткул салбий баҳоланди.

Анъанавийлик учун ўтмиш маддоҳлиги хотин-қизларнинг оиладаги тенгсизлигини кучайтириш учун, кўп хотинлиликни жорий этиш эса аёлларни ичкарига тикишга бўлган интилишни рўёбга чиқариш учун зарур. Бундай вазият айрим ОАВ учун хотин-қизлар кадр-кимматини тўғридан-тўғри ҳақоратлашга имкон яратиб беради, бундай чиқишларнинг анъанавий қондалар тарафдорлари бўлган муаллифларига эса жамиятда муносиб зарба берилмайди. 1999 йилда мустақил *Хуррият* газетасининг 127–128-сонларида эълон қилинган мақоладан парчалар келтирамиз:

«Ўзига мос томони шундан иборатки, аёллар, эркакоардан фарқли ўларлқ, нафратларини, ғазабоарини ифодалашнинг бошқа йўлини танлашади: ўз жонига қасд қилиш ... Маълумки, ўз жонига қасд қилишга уринишларнинг 7–10та-сидан биттасигина ўлим билан якунланади. Худди шу нарса аёлларда эркаклардагиларга нисбатан ... 3–4 марта кам ҳолатларда ўлим билан якун топар экан.

Аёлларнинг ўжар тарих саҳнасидаги аҳамияти унча сезиларли эмаслигини кўриш мумкин ... Босқинчилар раҳбари билан кайф-сафо суриб яшаган Клеопатра, гуллаб-яшнаб турган, кучли Хоразм давлатини Чингизхон томонидан босиб олинишга асосий сабабчилардан бири бўлган, шафқатсиз Турхон хотун, ярим миллион рубл ва эллик минг рус солдати бериб, бриллиант сотиб олмққчи бўлган рус императори Анна Ивановна, арзимаган маблағ эвазига Аояскани сотиб юборган яна бир император аёл кабиларни қўшиш мумкиндир бу сафга, аммо унда рўйхат салбий кўринишга эга бўлиб қолади.

Аёллар эса табиатан ёлғончи бўлишларига қарамай (эркакларга куч, уларга айёрлик берилган-ку ахир), кўпчиликни ишонтиришолмайди ... Шунинг учун ҳам тарихда раҳбар аёллар жуда кам бўлган ...

Шундай қилиб, аёллардан буюк шахслар чиқмаганлигини уларда иқтидронинг йўқлигига йўймаслик керак, уларни зўрлаб жамиятнинг фаол кишилари сифатида тарбиялашга уриниш ҳам беҳуда. Уларга дунёдаги энг буюк вазифа юклатилган – туғиш ва тарбиялаш. Буюкларнинг барчасини улар тарбияганлар. Умуман, улар шундай ва ... бошқа ҳеч бир ишни эркакларчалик дўндириб бажаришолмайдилар...».

Исмоил Шомуродов

Турли муаллифлар ислом ва унинг қадриятлари, маънавият ҳақида қанча кўп гапирсалар, ўз мамлакатлари тарихидан, ислом тафаккури бошдан кечирган мушкулотлардан беҳабарликларини шунча кўп кўп намоён қилмоқдалар. Бир вақтлар ашаддий совет нотикларининг коммунистик руҳдаги ваъзларини марксистик қолиплар тўлдиргани каби, ОАВ ҳамда ижтимоий муаммоларни муҳокама этаётган айрим адиблар нутқлари янада қалтабинлик ила айтилган бир қолипдаги гаплар йиғиндиси билан тўлиб-тошиб ётибди.

Дин сингари нозик масалага бу каби юзаки ёндашиш жуда зарарли, чунки дин ҳақидаги фикрларни ҳар қандай тингловчилар, айниқса ёшлар ўйлаб-нетиб ўтирмай, танқидий қарамай қабул қилишади. Ваҳоланки, ёшлар Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ташкил этади. Диннинг муайян қондаларининг, шу жумладан ақидапарастлик оқимларининг билиб-билмай қилинган танқиди билан тўлиб-тошган диний тарғиботнинг хилма-хил турлари кўр-кўрона ишониб қабул қилинаверади. Шу тариқа сочилган жаҳолат уруғи ниш уриб чиқади. Хўш, ислом нима ўзи? Диний эътикод сифатидагина эмас, балки турмуш тарзи ёки маданий категория сифатида, ҳозирги дунёни ва унинг ютуқларини барбод этишга, халқлар ва одамларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга, аёлларни ичкари зулматига ва жаҳолатга тикнишга интилувчи ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлгани ҳолда турмушга улкан таъсир кўрсатиши билан бошқа жаҳон динларидан ажралиб турувчи динми? Жавобини тарих беради.

1.1. Ўз йўлини излаб

Мовароуннаҳр, унинг вориси бўлган ҳозирги Марказий Осиё исломнинг иккинчи маркази ҳисобланади. Ислom илоҳиётчили-

гини (*сунна ва шариатни*) ривожлантиришга катта ҳисса қўшган кўплаб буюк мутакаллимлар Мовароуннаҳр заминида таваллуд топганлар. Мовароуннаҳр араб фатҳининг иккинчи босқичида исломга киритилди, бироқ кейинги барча асрларда Марказий Осиёдан чиққан арбоблар нуфузли диний мактаблар ва марказлар асосчилари бўлдилар, кўплари атроф жавонибни исломга киритган суфий биродарлар уюшмаларининг асосчиларига айландилар, энг машҳурлари эса Мағрибда ишлаб, уларнинг нуфузи бутун *дорул-исломда* эътироф этилган.

Дастлабки халифалар яшаб ўтган қисқа даврни истисно этганда, мусулмон олами бутун ўрта асрлар давомида бирлашмаган ҳамда бир турдаги яхлит маданий зонани ташкил қилмаган: тамаддун ва қадимги маданиятлар ўчоғи кўчманчилар уюшмалари, қабилалар, уруғлар макон тутган кенг ҳудудлар билан қўшилиб кетган. Исломга киритиш маҳаллий ижтимоий тузилмаларни тубдан ўзгартириш билан кечмаган. Мовароуннаҳр ислом олами, ислом маҳаллий маданият ҳамда урф-одатлар билан қовушиб кетган «синтезлашган» тамаддундан иборат бўлган. Суғорма ҳудуддаги жадал алоқалар ва мулоқотлар ҳудудлари билан маҳаллий жиҳатдан ажралиб қолган, тарихан кам кўчадиган туманлар ёнма-ён қўшни бўлган, шу боис Марказий Осиёда интеграция жараёнлари, Европадаги, бутун *дорул-исломда*ги каби, жадал ўтказилмади.

Табийий омиллар, алоқа ва мулоқот имкониятларини камайтирувчи чўлу биёбон ва тоғу тошларнинг ҳам ролини эътиборда тутиш зарур. Иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг жадаллиги бирон-бир минтақанинг ягона сиёсий бирликка киришига, тил борасида тўсик бор-йўқлигига, этник-маданий умумийликка боғлиқ эди. Шу боис Марказий Осиёда, кучли тарихий диний марказлар мавжудлигига қарамай, ёки, балки улар туфайли, ислом тўғрисидаги тасаввур, диний амалиёт ва оқимлар бошқа минтақаларда ёйилганларидан фарқ қилади. Мусулмонларнинг бир қисми *суфийлик* тариқатлари ҳамда сулуқлари кўп бўлган собитқадам ислом таъсири остида бўлган.

Барча мусулмон жамоаларига ва ҳар бир мусулмонга хос бўлган хислатлар мажмуаси, айнан эса мусулмонларнинг фақат диний маънода эмас, балки жамоавийлик (умумийлик)нинг бошқа маъноларида ҳам бирлиги тўғрисидаги тасаввурлар мавжудлигини бутун мусулмон оламига хос бўлган умумий кучли

хусусиятлар, деб ҳисоблаш мумкин. Мусулмонлар *шариат*га асосланган ҳамда оммавий онгда ижтимоий ҳодисаларнинг диний бошқарилишини дунёвийси билан айнанлаштирадиган умумий анъана билан бирлашгандирлар, натижада мусулмонлар онгида ислом тушунчасининг универсаллашуви содир бўлади.

Бошқа умумий хусусият, бир томондан, жамият кўп босқичли таркибининг ўзига хослиги: мусулмон → жамоа → руҳонийлар → мумтозлар ҳамда улар ўртасида қатъий функционал алоқалар мавжудлигидир. Бошқа томондан эса, таркибнинг ҳар бир элементи мустақиллигини, маҳаллий жамоаларнинг амал қилиш хусусиятларини таъкидлаб ўтиш зарур: жамият замон жиҳатидан ҳар бир босқичда ўзини ўзи мунтазам тиклаб боради, чунки у ўзига мансуб майдонда, у маҳалла бўладими, кишлоқ ёки, ҳатто, бутун бир шаҳар бўладими, барибир, ижтимоий ва шахсий ҳаётни бошқарувчи асосий восита бўлади.

Формулага солинган турмуш тартиби

Ислонинг христианликдан жиддий фарқи диндорлар билан Аллоҳ ўртасида воситачилар йўқлигида, шунингдек исломда расмий руҳонийлар ташкилий шакллантирилган таркибга эга эмаслигидир. Уламолар поғоналарини ҳамда ролини белгилаб берадиган институт мавжуд эмас. *Суфий* биродарларнинг анча аниқ ташкил қилинган таркиби манзарани ўзгартиролгани йўқ, чунки улар исломнинг асосий йўналишларидан четда туриб, ўз издошлари учун мустақил ҳокимият марказларидан иборат бўлганди. Шундай бўлса-да, уламолар муҳим роль ўйнаганди: улар диний матнларнинг асосий тафсирчилари бўлгандилар. Турли хил нуқтаи назарларнинг пайдо бўлиши *Қуръони карим* ва *Ҳадиси шариф*ни воқеликка нисбатан татбиқ этишда идеал мавқеидан келиб чиқилганлигидан ёки идеалга воқелик мавқеидан туриб қаралганлигидан келиб чиққанди. Идеални воқелик мавқеидан туриб кўриб чиқиш исломнинг дин сифатидаги мослашувчанлигини белгилаб беради ва бу расмий исломга хосдир. Диний матнларни воқелик нуқтаи назаридан талқин қилиш мусулмонлар тарихида ҳар хил оқимларга ҳам хос бўлганди ҳамда мумтозларнинг эътирози, оддий одамларнинг норозилиги сингари турли шаклларни ифодалаганди. Идеал талқини муайян давлат томонидан идеалнинг «носамимий» тушунилишини ва уни рўёбга чиқариш метод-

ларини танқид қилиш шаклида қайта кўриб чиқилди. Бундай баҳс ва мунозаралар илоҳиётчиларнинг тор доирасида бўлиб ўтганда, улар зиддиятли ижтимоий-сиёсий вазиятни юзага келтирмасди. «Профессионал баҳслар» доирасидан чиқилганда эса ажралиш юз берар ҳамда диний оқимлар пайдо бўларди. Давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган уламолар гуруҳининг маънавий ҳукмронлиги ўрнатилибгина қолмай, давлатнинг ўзига тўғридан-тўғри қарши туриш ҳам юзага келарди.

Башарти янги ва энг янги тарихни кўриб чиқиш билан, мусулмон оламнинг Ғарб экспансияси олдидаги чекиниши ҳамда устунликда бўлган Ғарбга нисбатан қолоқликни бартараф этиш учун диний доктринанинг қайта кўриб чиқилиши даври билан чекланиладиган бўлса, шуни айтиш керакки, ислом ижтимоий фикри анъанавий-собитқадам, ислоҳчилик-замонавийлаштириш ва тиклаш (ақидапарастлик) йўналишида борди. Агар XX аср бошида Ғарб ютуқлари билан таниш бўлган мусулмон зиёлилари секуляризация тантана қилишига ва исломни шахснинг маънавий куч-қудрати манбаига, яъни «ғарбона» динга айлантиришга интилган бўлсалар, XX аср охирида, *дорул-ислом* ўз қолоқлигини бартараф этишга муваффақ бўлмаган даврда ўз йўли «хусусиятларини», яъни капитализмга мусулмонча муқобил йўлни ҳимоловчи бошқача қарашлар ёйила бошлади. Шунинг учун мусулмон жамиятларини иқтисодий ривожлантиришни секуляризациялаш масаланинг мафкуравий жиҳати бўлиб, у сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Мусулмон жамиятларда ижтимоий таркибнинг барқарорлигини кўплаб тадқиқотчилар дунёвий муносабатларни жорий этишга тўсқинлик қилувчи ҳамда дунёвий институтлар заиф бўлишига олиб келувчи омил, деб ҳисоблашади. *Дорул-ислом* тарихи келтириб чиқарган ислом ижтимоий доктринасининг асосий қоидаларидан бири – жамоа муносабатларни ижтимоий-ахлоқий бошқаришнинг бевосита объекти эканлиги, алоҳида олинган мусулмоннинг мўминлиги эса унинг яқка чеккан риёзатидан кўра, ўз «пешонасига ёзилган» жамоада манфаати унинг шахсий қатнашуви билан белгиланиши, жамоа манфаати унинг шахсий манфаатидан устунлиги тўғрисидаги қоидага тўхталамиз. Корпоратив эгалитаризм (жамоавий тенглаштирувчилик) шу тариқа ижтимоий идеалнинг энг муҳим тавсифига айланади. Ислонинг барча қоидалари *status-қо*ни қўллаб-қувватлаш ва тиклашга йў-

налтирилган. Дунёвий ва диний ҳокимият бирлиги айни шундан келиб чиқади. Жамоа аъзоларининг тенглиги онг тарзи сифатида мавжуд бўлади, бу эса ҳақиқий аҳволга мувофиқ келмайди.

Тенглик идеал сифатида мавжуд. Аслида ижтимоий нотенгликнинг ўрни жамоанинг кучли (бой) аъзосининг ожизларга, онлада эса катталарнинг кичикларга, эркакларнинг аёлларга силан раҳми ёки ҳомийлиги билан тўлдирилган. Ҳозирги мусулмон давлатларидаги анъанавий жамият жамоавийликни ҳамда одатий турмуш укладини сақлаб қолишга интилади, бироқ XX аср давомида у озми-кўпми емирилиб, жамоавийлик ҳодисасининг пойдорлиги заифлашуви юз берди.

Христианликдан фарқли равишда, исломда *фикҳ*нинг роли каломдан устунлик қилади. Шу муносабат билан диннинг бошқарувчилик роли инсон фаолияти ва жамиятнинг барча соҳаларига сингиб боради. Мусулмон қонунчилиги учун *Қуръони карим* ва *Ҳадиси шариф* асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Шариат сунна, *ижмо* ва *қиёс*дан келиб чиқади, уларнинг асосий қоидалари VII-IX асрларда мутакаллим факихлар томонидан ишлаб чиқилган. Тўрт фикҳий мактаб орасида ханафия мазҳаби тарафдорлари кўпчиликни ташкил қилади (мусулмонларнинг учдан икки қисми – суннийлар). Марказий Осиё мусулмонлари ҳам ханафия мазҳабидадирлар. Бўлакча фикрловчиларга нисбатан бағрикенглик ва *одат*, *урф*дан кенг фойдаланиш ханафия мазҳабига муваффақият келтирди. Ханафия мазҳабига хос бўлган айни бағрикенглик *суфийлик*нинг ва у билан боғлиқ бўлган диний амалиёт хусусиятлари ва урф-одат тизимининг ёйилишига олиб келди.

Анъанавий ислом аёлларни дин тафсирчиси сифатида рад этади. Калом ва фикҳ аёлларни ўз сафига киритмайди. Бироқ, хотин-қизлар фикҳнинг муҳим объекти бўлиб, XIX-XX асрлар давомида мусулмон мамлакатлардаги бутун ижтимоий назария хотин-қизлар аҳволига муҳим масала сифатида қаради. Турли оқимдаги диний мафкурачилар, модернистлар ҳам, ақидапарастлар ҳам, исломни янги давр воқелигига мослаштириш учун, хотин-қизлар аҳволини ўзгартиришга интилишмоқда.

Анъанавий исломнинг хотин-қизларни тенглаштириш тўғрисидаги қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, унинг ҳуқуқлари

шариатнинг оила-никоҳ муносабатлари ва мерос тўғрисидаги бўлимларида баён этилади. *Шариат* юридик меъёрлар, ҳулқ-атвор қоидалари мажмуидан иборат бўлиб, уларга риоя этилиши Аллоҳга мақбул бўлган тақволи ҳаёт кечирилишини англатади. Мусулмонлар фикрича, шариат илоҳий қонун бўлиб, *Қуръони карим*, *Сунна* ва диний рисолалар орқали одамларга етказилади. Мусулмон мафкурасига кўра, *шариат* ёки *аш-шария* (унинг синонимлари *аш-шир'а* ва *ат-ташр*) термини умумзабон мазмунида ислом ёки исломийлик таърифлари билан биргаликда тақводор мусулмон амал қилиши лозим бўлган қоидаларга нисбатан қўлланилади, шу боис кенг омма онги уни исломий турмуш тарзи сифатида қабул қилади. У турли-туман: анъанавий, диний-юридик, ахлокий, маиший ва бошқа ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларини қамраб олади. *Шариат* Қуръон қоидаларинигина эмас, балки, ҳуқуқий амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фақиҳлар томонидан *Қуръони карим* ва *Суннанинг* ҳар хил маънода тушунилиши мумкин бўлган кўрсатмаларини шарҳлаш йўли билан таърифлаб берилган ёки улар томонидан мулоҳаза юритиш йўли билан чиқарилган, *ал-ижтиҳод* деб аталмиш нормаларини ҳам ўз ичига олади.

Асрлар давомида батафсил ишлаб чиқилган мусулмон фикхий фанлари ва ҳуқуқнинг шу соҳасидаги меъёрларини ҳеч қандай дунёвий қонунлар йўққа чиқара олмасди ёки, ҳеч бўлмаса, юмшата олмасди. XX аср тажрибаси кўрсатишича, мусулмон мамлакатларда қонунчилик ислоҳоти *шариат* меъёрларини бирон-бир усул билан йўқота олмади. *Шариатнинг* Совет Иттифокида бекор қилиниши ҳам бу меъёрларни буткул йўқотиб юбора олмади, улар «миллий» анъана кўринишида сакланиб қолди. Совет мусулмон республикаларида *шариат* меъёрлари нураган бўлса-да, ижтимоий онгга таъсир кўрсатишни давом эттирди. Уларга риоя этиш эса миллий мансубликнинг муҳим хусусиятига айланди.

Ханафий мазҳабида оила-никоҳ ҳуқуқининг асосий хусусияти никоҳнинг фақат бир шаклини – *никоҳи доимни* эътироф этишидир. Вақтинчалик никоҳ – *никоҳи мутъанинг* ҳар қанақа шакли тақиқланган. Доимий никоҳнинг зарурий талаблари: никоҳланувчи икки томоннинг ризолиги, уларнинг ота-оналари ёки васийларининг розилиги; эркаклар учун – 15 ёш, аёллар учун – 9 ёш; биринчи марта никоҳланаётган қизлар учун – ахлокий

поклик ва бокиралик; келиннинг бола туғиш қобилияти; никоҳланаётган аёл аввал бошқа эркак билан никоҳланмаган бўлиши; никоҳланаётганлар ислом маросимларини адо этишлари; никоҳланаётганлар ота-оналари мавқеи бўйича тенг бўлиши; куёв қайлиғи учун берадиган маҳр миқдорининг белгиланиши; эркакнинг айни вақтда тўрттадан ортиқ никоҳда бўлмаслиги, аёлнинг эса – фақат бир эркак билан никоҳда бўлиши; никоҳ ўқиладиганда гувоҳларнинг: икки мусулмон эркак ёки бир мусулмон эркак ва икки муслима аёлнинг албатта қатнашиши.

Ҳанафия мактабида никоҳ шартлари қатъий тартибга солинган, қариндошлар, кўкалдош (сут қариндош)лар ва опа-сингиллар (ака-укалар) билан никоҳланиш тақиқланган. Қизни ота-оналар танлови (ихтиёри) билан никоҳланишга мажбур этиш одатий ҳисобланади.

Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам,
Қари чолга қиз бериб,
Жабрини тортган отам.
Фаранг рўмол бошимда,
Ғижимлари қошимда,
Ўн уч яшар ёшимда, –
Олтиш яшар қошимда.

Ўзбек халқ қўшиғи

Шариат бўйича аёл эрига сўзсиз итоат этиши шарт, у эрининг изнисиз уйдан чиқа олмайди, эрининг қовушиш тўғрисидаги талабини рад эта олмайди, рўзғор ишларини бажариш, овқат ва эри учун кийим тайёрлаш унинг вазифасига киради. Эр хотинини итоатсизлиги учун жазолаш ҳуқуқига эга.

Ажрашиш (талок) – одатда, эрга боғлиқ бўлган бир томонлама иш. Айрим ҳоллардагина эр билан хотиннинг келишувига биноан ажрашиш (*муборат*) мумкин. Аёлларга ажрашиш ҳуқуқи *халаъ* эрининг розилиги билангина ва хотин берадиган муайян мулккий музд (хульа) ҳисобига берилади. *Шариат*да никоҳни бекор қилиш учун қатор асослар кўзда тутилган. Никоҳ шартлари ҳамда шакллари анча мураккаб ва оғир. Мусулмон ислоҳчилар жамият эътиборини қизларни, улар никоҳ ёшига (9 ёшга) етгач, ота-оналари ёки ҳомийлари ихтиёри билан эрга бериш амалиёти-

га, ота-оналар ва ота томондан боболарнинг авлоднинг соғлиғи заволи топишига олиб келадиган ақлан норасо ўғилни ёки набирани уйлантириш ҳуқуқига қаратганлар.

Мусулмон ҳуқуқи бўйича ажрашиш, жаҳондаги бошқа кўп-лаб дунёвий ва диний қонунлардан фарқли равишда, ғоят осонлиги ва бирон-бир расмийлик йўқлиги билан фарқ қилади. Никоҳсизликка қарши жон-жаҳди билан курашадиган ислом никоҳни бекор қилиш ва оилани барбод этиш учун жуда осон шароит яратганига ақл бовар қилмайди.

Араб Шарқи мамлакатлари қонунлари умуман мусулмон ҳуқуқи (шариат) меъёрлари ҳамда қоидаларини мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаб ўтилса, ортиқча бўлмайди. Ажрашишга келганда, бу мамлакатлар қонунлари (баъзи мустаснолар билан) маълум *шариат* меъёрларини мустаҳкамлайди, никоҳни тўхтатишнинг асосий шакли сифатида эса ажрашишни эътироф этади-ки, бунда эр амалда чексиз ҳуқуқларга эгадир.

*Шариат*га кўра, ажрашишнинг тўрт асосий тури амалда қўлланилади. Булар: *боин* (узил-кесил) ажрашиш; *рижъа* ажрашиш (эрнинг ўз хотинини янгидан никоҳламай қайтариб олиш ҳуқуқи); *халлаъ* (хотин эрига муайян мулкий музд бериши йўли билан) ажрашиш; *муборат* (воз кечиш воситасида) ажрашиш.

Аёлларнинг меросхўрлик ҳуқуқи ҳақида гап юритиладиган бўлса, у ҳам одамлар ўйлаганидек қатъий эмас. Аёл меросхўрлар жумласига хотин, бева, ўғилдан кўрилган қиз набира, она ва ота томондан буви киради.

Ислом модернистларининг фаоллиги натижасида *шариат*-нинг айрим қоидалари тафтиш қилинди. Кўпчилик мусулмон давлатларда дунёвий қонунлар қабул қилиниб, хотин-қизлар ҳуқуқлари анча кенгайтирилди. Бироқ уларда шариат ҳамон ўзининг нисбатан барқарор таъсирини сақлаб келмоқда.

Марказий Осиё давлатларига мурожаат этиладиган бўлса, совет даврида дунёвий қонунлар туфайли *шариат* таъсири зил кетган бўлса-да, унинг айрим меъёрларига, айниқса қишлоқ жойларда, битилмаган қонун сифатида риоя этиб келинди. Советлардан кейинги даврда хотин-қизлар ҳуқуқларини эркакларникига тенглаштирувчи дунёвий қонунлар мавжудлигига қарамай, *шариат* меъёрларининг таъсири камаймади, аксинча, кучай-

ди. Оила кодекси муҳокамаси пайтида унинг айрим қондаларига Ўзбекистон ОАВнинг ҳужуми шундан далолат беради. Оила кодекси лойиҳаси бўйича таклифларда кўпхотинлиликни жорий этиш фойдасига далил-исботлар ҳам келтирилди, уйдан ташқарида, айниқса, тадбиркорлик соҳасида ишлайдиган аёлларни қоралаб танқид ҳам қилинди.

Шундай қилиб, хотин-қизлар ҳукуки учун ҳозир ҳам консерваторлар ва тараққиёт тарафдорлари ўртасида кураш кетмоқда. Мусулмон жамиятларда кузатилаётган зиддиятли жараёнлар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда формация ўзгаришлари рўй бераётганидан далолат бермоқда. Эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни ифодаловчи бир-бирига зид мафкуравий оқимлар мусулмон жамиятлар ўртасидаги ўзгаришлардан дарак бермоқда. Маълуму машҳур эски ва янги ислом терминларидан иборат мафкуравий либосга бурканиб, бир хил тушунчаларни, уларга турлича мазмунни жо қилиб, истифода этмоқдалар.

Исломни янги воқеликка мослаштириш мафкурачиларининг барча савй-ҳаракатлари ва назарий изланишлари диннинг ижтимоий доктринасини тиклаш ва янгилаш (модернизациялаш)га қаратилмоқда. Шунинг учун, *дорул-ислом*нинг янги ва энг янги даврида ислом ижтимоий доктринасининг тадрижи қандай шаклда ва қанақа йўллар билан содир бўлганини мухтасар тавсифлаб ўтиш зарур.

Биринчи босқич: шарқий-феодал структуралар таназзули ва Ғарбнинг бевосита ёки билвосита таъсири шароитидаги мустамлакачиликкача бўлган ва илк мустамлакачилик даврини ислоҳчилик дебочаси дейиш мумкин. Унга ислом ижтимоий таълимотининг *ваҳҳобийлик* кўринишидаги тиклаш шакли ҳосдир.

Иккинчи босқич: Шарқнинг дини замон воқелигига мослаштириш орқали жаҳонда муносиб ўрин эгаллашга қаратилган ислоҳчилик модернизаторлик оқими ёйилган XIX аср ўртаси – XX аср боши.

Учинчи босқич: XX асрнинг 70-йиллари мустамлакачилик тизими емирилиши ва Ғарб ривожланиш моделининг мустамлакачиликдан кейинги мамлакатларда мослашишидаги қийинчиликлар билан ажралиб туради, – Ғарбга етиб олиш имкони йўқлигини англаш ва умидларнинг пучга чиқиши тиклаш концепцияларининг янги тўлқинини юзага келтирди.

«Тиклаш» концепциялари ҳамда исломдаги ислоҳчилик-модернистик йўналишнинг тафовути бўйича изох бериш ҳамда уларнинг Марказий Осиё жамиятларига таъсирини аниқлаш жоиз. Ҳар иккала концепция воқелик меъёрда белгиланган идеалга мос келмаслигини, бироқ бу йўналишларда юзага келган вазиятларни тузатишга ёндашув турличалигини кўрсатади. Тиклаш мафкурачилари «меъёрлар» бузилгани, йўл кўйиб бўлмайдиган янгиликлар киритилгани учун воқелик идеалга мувофиқ келмайди, шунинг учун илк ислом жамоалари меъёрларига қайтиш тақозо этилади, деб ҳисоблайдилар. Бу ҳаракат реал давлатга нисбатан муҳолифатга айланади. Янги босқичда буни мустамлака Марказий Осиёда эски негизларни тиклаш учун инқилобга қадар бўлган ҳаракат давом эттирди, уларнинг тарафдорлари қадимчилар деб аталди.

Ислом модернизмининг мантикий схемаси қуйидагича: идеалнинг мавжуд қоидаси бузилган, чекланган, шунинг учун ислом қоидаларини тўғри талқин қилиш зарур, чунки янги (ҳақиқатда воқеъ бўладиган нарса) идеални тўлароқ илғашга ёрдам беради; эскича талқин хато, чунки у жаҳонда содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олмайди. Марказий Осиёда бу йўналишга XX аср бошидаги маърифатпарварлар – *жадидлар*ни киритиш лозим.

Қовушмасни қовуштириш ...

Аср бошига мурожаат қилинса, исломни янги воқеликка мослаштириш масаласи ислоҳчилик-модернистик (реформаторлик-модернистик) деб номланувчи диний оқим томонидан кўтарилгани маълум бўлади. Бу оқим XIX аср охири – XX аср бошида мусулмонлар ижтимоий доктринасида устун макъами эгаллаб турди. Ислоҳчи-модернистлар учун ислом киритилаётган янгиликларга қонуний тус бериш ва уларни оқлаш воситасигина бўлмаган эди. Улар таклиф этаётган янгиликлар чинакам исломий қоидаларни ҳаёт фаолиятининг Ғарб таъйиқи остида юзага келган янги шаронтига мослаштиришнинг зарурий воситалари сифатида тушунилган. Шунинг учун ислоҳчи-модернистлар мафкураси анъанавийликдаги мутаассибликка қарши қаратилганди. Назарий жиҳатдан у илк ислом идеалларининг кейинги бир-бирига «мос бўлмаган» танқидида ўз аксини топганди. Кўпчилик мусулмонлар сингари, улар ҳам идеаллар ҳақида-

ги тасаввурлар Ҳақ таоло ваҳийларида, яъни *Қуръони карим*да келтирилган, шу боис *Қуръони карим*да айтилганлар инсон яратган қонунлар, яъни *шариат*дан юқори туради, деб ҳисоблашади.

Уларнинг фикрича, Каломуллоҳ бўлмиш *Қуръони карим* абадий ва чексиз, сирли, ўзининг чексизлиги билан фақат Расулиллоҳ Муҳаммадгагина тушунарлидир. Қолган барча бандалар *Қуръони карим*ни абадият даражасида эмас, балки ўз ҳаётлари мислича тушунадилар. Диний тажриба, яъни Каломуллоҳ тажрибаси инсоннинг шахсий тажрибаси билан белгиланмайди ҳам, чекланмайди ҳам. Айни маҳалда диний қонун-қондан бажариш бурч, шариат эса инсон томонидан яратилган, шунинг учун идеални яхшироқ тушуна борган сари шариатни мукаммаллаштириб бориш зарур.

Инсоният жамияти юзлаб йиллар давомида иерархик ва патриархал равишда ташкил қилиб келинган, шу боис дин белгилайдиган қонунлар ҳар бир аср учун хос бўлган ушбу ижтимоий воқеликларни акс эттирган. Уламолар *Қуръони карим*ни Сунна ўз даври тарихий воқелигини ҳамда сиёсий мақсадларини акс эттирган даражада талқин қилганлар. *Қуръони карим* ва Сунна шориҳлари, турли даврлар алмашганида, *Қуръони карим*нинг фалсафий мазмунида кўзда тутилган нарсани эмас, балки юз бераётган ўзгаришларни акс эттириш учун, уларнинг турлича талқинларини беришган. Шунинг учун ҳам, Расулиллоҳ дин орқали инсонда унинг инсоний моҳияти ва ҳуқуқларини кучайтиришга интилганига қарамай, *Қуръони карим*нинг айрим қисмлари чеклаш сифатида талқин этилган. Қандай ижтимоий сиёсат бўлиши лозимлиги тўғрисида *Қуръони карим*да ҳеч қаерда айтилмаган, бу борада на замон жиҳатидан, на макон жиҳатидан ҳеч қанақа кўрсатма йўқ.

Бундан, *Қуръони карим*нинг ахлоқий кучи унинг тенгликка бўлган абадий ишончида эканлиги келиб чиқади. Нотенглик тўғрисидаги барча кўрсатмалар конкрет-тарихий вазият шароити туфайли келиб чиққан. *Қуръони карим*нинг қиммати, энг аввало, инсон – Аллоҳнинг хилқати, инсон шахсининг қиммати Аллоҳ томонидан яратилган бошқа одамлар билан тенглиги орқали аниқланади, деб таъкидланишидадир. Бундай нуқтаи назар хотин-қизлар тенглигига эришиш учун ҳам ахлоқий кўрсатмалар манбаи бўлиб, бунда ислом ахлоқий қибланомадир. Шунинг учун, деб таъкидлашганди модернистлар, сиёсий тизим хотин-қизларни қўллаб-қувватлаши лозим.

Ислом модернистлари мусулмон жамияти муаммолари ечимини изоляционизм (аралашмаслик) ва архаик анъаналар ҳамда муносабатларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйишда эмас, балки мусулмон мамлакатларнинг жаҳон маданияти ютуқларини ўзлаштириши ҳамда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топишида кўрдилар. Ислом модернистлари олға катта қадам ташладилар. Уларнинг мусулмон Шарқи миллий-озодлик ҳаракати томонидан қурол қилиб олинган мафқураси ривожланаётган мамлакатларга XX аср бошидан бошлаб жаҳон капитал ҳаракати тизимига қўшилиш ва иқтисодиёт ҳамда жамиятни ўзгартиришни бошлаш имконини берди. Бироқ, ривожланаётган мамлакатлар, пировард натижада, жаҳон иқтисодий тизимидан чеккада бўлиб қолдилар. Уларнинг қарам ҳолда ривожланиши жамиятнинг илгари анъанавий турмуш укладига ва иқтисодиётига таянган турли ижтимоий катламлар борлиғи кескин ўзгаришига олиб келди.

Ислом модернизми ғоялари Марказий Осиёда *жадидчилик* деб аталган ҳаракатда ўз тарафдорларини топди. Бу ҳаракат XX аср бошида дунёга келди ва анъанавийликка қарши кураш олиб бориш ҳамда Ғарб ютуқларини ўзлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бироқ модернизм миллий-озодлик ҳаракатида ягона оқим эмасди. У мустақиллик учун «эски негизларга қайтиш» мавқендан туриб кураш олиб борган *қадимчилар* ҳаракати билан баробар мавжуд бўлди. Ҳар иккала мафқура совет ҳокимияти томонидан яксон қилинди ва XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Марказий Осиёни модернизациялаш коммунистик мафқура шиори остида ўтказила бошланди. Ислом давлат томонидан исканжага олиниб, тараққиётдан тўхтади, бироқ ўлмай қолди. У халқ оммаси орасида анъаналар, урф-одатлар ва хонадонга ҳос диний амалиёт тарзида сақланиб қолди. Ислом миллий айнанлик, қаршилик кўрсатиш шаклига айланди, худди шунинг учун ҳам норасмий руҳонийларнинг ижтимоий роли жуда таъсирчан бўлиб, «эски негизлар» тўғрисида халқ «хусусияти» тарзидаги генетик хотира сақланиб қолишига кўмаклашди, жамоа анъаналарининг барқарорлиғи эса мусулмон жамоаси идеалини, романтик ниқобга ўраб, тиклади. Шу тариқа *маҳалла* анъанавий турмуш тарзини тиклаш манбаига айланди. Норасмий руҳонийлар совет даврида *қадимчилар* мафқурасига амал қилди.

Совет Марказий Осиё республикаларида ижтимоий хусусиятларнинг феодализмга хос бўлган, ривожланиш жараёнида фойдаланилмаган айрим хусусиятлари йўқолмади, улар ўз доирасида арханканинг тикланишини ҳамда ташқаридан кирган барча ёт нарсанинг курук инкор этилишини юзга келтириб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Совет воқелигида жамоа ўз қадриятлари, кўрсатмалари, ахлоқи ҳамда ижтимоий алоқалари билан аксилжамият бўлиб қолаверди. Ўтмиш қўйган муаммолар кейинги ривожланиш жараёнида ҳал этилмагани бунга сабаб бўлди. Янгича йўл аҳолининг муайян қисми учун кутилганидан кўра кам натижа келтирди, кам қониқарли бўлди, шу сабабли ўтмишга қайтиш салоҳияти анча кучли бўлиб чиқди. Изоҳ бериб ўтишим керакки, совет ҳокимияти эрк ва тенглик беришни ваъда қилгани, бироқ бермади: ривожланиш ва тамаддун неъматлари эвазига ҳар бир шахснинг айнанлашуви билан боғлиқ бўлган нарсалардан воз кечишни талаб қилди. Шунинг учун ҳам анъанавий жамият кўпчилигининг оммавий онги барча даражаларида совет модернизацияси ютуқлари, ўтмиш идеали билан қиёсласанда, ўз қимматини йўқотди. Status-қони қўллаб-қувватловчи иқтисодий ва ижтимоий негиз мавжуд бўлиб, бу – майда товар ишлаб чиқариши эди (ажралмас катта патриархал оила томонидан томорқа участкасида олиб бориладиган оилавий ишлаб чиқариш; бундай оилада аёл поғонанинг энг қуйи босқичида турарди ва бу ҳолат диннинг меъёри эди).

Бироқ XX асрда модернизм ўз юришини давом эттирди. Дунёвий ривожланиш йўлидан боражакларини эълон қилган мусулмон давлатларининг кўпчилиги унга амал қилишди. Исломи динининг турлича талқини шаронтида бирон-бир концепция билан келишишни давлат таъминлар эди, чунки юз бераётган воқеаларга мавжуд расмий қарашнинг ислом нуқтан назаридан қайта кўриб чиқилиши, агар у илоҳиётчилар муҳитида баҳслар доирасидан ташқари чиқадиган бўлса, давлат ҳокимияти билан тўқнашар эди. Марказий Осиё мамлакатларининг *муфтийлар, имом-хатиблар, мадрасалар ва диний мактаблар мударрисларидан* иборат уламолари исломни модернистик талқин қилиш йўлидан борадилар, деб базўр айтиш мумкин.

Ўзбекистондаги расмий исломнинг айрим нормативларини кўриб чиқайлик. У бағрикенгликни ҳамда давлат ва дин соҳаларига бўлинишни эътироф этади ва, натижада тиклаш билан

боғлиқ акидапараст оқимлар – *вахҳобий*лар ҳамда диний-сиёсий ҳаракатлар танқидига дучор бўлади.

Ўзгарган ижтимоий ва сиёсий воқелик туфайли исломнинг ижтимоий-фалсафий системасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини англаган XIX аср охири – XX аср бошларидаги илк ислом модернистларининг айрим позициялари билан танишиш зарур. Жамолиддин ал-Афғоний, шайх Муҳаммад Абдо, Рашид Ризо ва бошқалар мусулмон мамлакатлар ислом асосидагина ривожлана оладилар, деб ҳисоблаб, ислоҳотларни юқоридан ўтказиш учун курашдилар. Уларнинг фикрича, ижтимоий ислоҳотлар негизида ижтимоий онгнинг уйғониши ва ислом идеалини *Қуръони карим* ва *Сунна* матнларини янгича талқин қилиш орқали қайта англаш ётади. Улар европача ижтимоий-сиёсий назарияларни ҳамда ахлоқ метёёрларини мусулмон жамиятига татбиқ қила бошладилар. Уларнинг фикрича, мусулмон Шарқи узоқ даврлик маърифат ва тарбия йўлидан бориб, ривожланишда Ўрбга етиб олиши мумкин. Конституциявий ва баъзи ижтимоий ислоҳотларни, шу жумладан оила ички муносабатлари принципларини ҳам аста-секин ислоҳ қилиш учун курашган зиёлилар ва миллий буржуазия ҳам ислоҳчиларга қўшилди.

Уларнинг хотин-қизларга нисбатан позициясини кўриб чиқайлик. Уларнинг фикрича, *Қуръони карим*нинг оила ва никоҳ масалаларидаги асосий қоидаси кўп никоҳлилиikka йўл қўювчи бир никоҳlilikдир.

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Хаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндошуруғларингиз билан ажралиб кетишдан сақланингиз! Албатта, Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир».

4-Нисо сураси, 1-оят

Қуръони карим қоидалари оила негизини тўла тавсифлаш учун асрлар давомида етарли бўлмади. *Сунна* Қуръони каримни тўлдирди ва яна бир манбага айланди, чунки у Расулиллоҳ Муҳаммад ҳаётларидан мисолларни бутун мусулмон жамоаси ҳамда ҳар бир мусулмон учун инсон ва жамият ҳаётидаги барча

муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида келтирарди. Шунинг учун уламолар Суннани ўрганиш мусулмон таълимининг олий таркибий қисми, деб ҳисоблайдилар. *Қуръони карим* ва *Ҳадиси шарифни*, қисман ислом таъсири соҳасига кирган қонуларни тафсирлаш асосида *шариат* яратилди. Бу – ҳуқуқдан-да улкан-рок ходиса, бу «тақволи ҳаёт йўлидир». У нафақат ҳуқуқий, балки диндорлар учун мажбурий бўлган ахлоқий ҳамда диний меъёрларни ўз ичига олади ва шу тарика *шариат* соф шахсий ҳаёт қоидаларини ҳуқуқий меъёрлар даражасига кўтаради. Бу меъёрларни бузиш динни бузиш сифатида қабул қилинади ва жамоа томонидан қораланади. Шунинг учун бу борада йўл кўйилган хатони жамоа мусулмон ва, айниқса, муслима томонида содир этилган жиноят сифатида қабул қилади. Айнан шунинг учун ҳам диннинг ижтимоий ва шахсий ҳаётга таъсири ҳар ҳар-томонламадир. Ислоннинг дин сифатида кеч ўрта асрлардаёқ қонулар дунёвий ҳокимият томонидан чиқарилган христианликдан фарқи шунда.

Мустамлакачилик ҳамда мустамлакачиликдан кейинги даврда, мусулмон мамлакатларда капиталистик муносабатлар пайдо бўлиши ва қарор топишига кўра, янги фуқаролик, жинсий ва бошқа кодекслар амал қила бошлади, улар мусулмон ҳуқуқининг амал қилиш доирасини торайтирди, бироқ буткул сиқиб чиқара олмади. Ғарб ҳуқуқий концепциялари таъсири ҳамда улар билан капиталнинг интенсив ҳаракати шаронтида жуда зарур бўлган қовуштириш билан бир қаторда шахсий мақом ҳуқуқи (оила-никоҳ ва мерос муносабатлари) *шариат*нинг қаттиқ таъсири остида қолиб кетди ва бу бевосита ёки билвосита шаклда намоён бўлди.

XIX аср охири – XX аср бошларида чиққан мусулмон ислохчилари хотин-қизлар ҳуқуқларининг *Қуръони карим* ва *Сунна*даги ижобий талқини ғоясига биринчилардан бўлиб мурожаат қилишди. Уларнинг ғоялари барча мусулмон мамлакатларда, шу жумладан Марказий Осиёда ҳам ёйилди. Мисрлик юрист Қосим Амин дастлабки мусулмон маърифатпарвар-феминистлардан бўлганди. Европада олий маълумот олган, юқори мақомдаги давлат арбоби бўлган Қосим Амин ўз жамиятининг ижтимоий муаммоларини яхши биларди. Шундай муаммолардан бири – хотин-қизларнинг қарамлик аҳволини мусулмон жамияти қолоқлигининг сабабчиси, деб ҳисобларди. Унинг «Хотин-қизлар озод-

лиги» ва «Янги аёл» китоблари оила-никоҳ муносабатларини замонавийлашган ислом мавқеидан туриб ислоҳ қилишнинг қизғин тарафдорлари сафи кенгайишига кўмаклашди.

Ислоҳчилар мусулмон қонуншуносларини хотин-қизларнинг камситилган аҳволи учун асосий айбдор ва жавобгар, деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича, бу қонуншунослар Куръони каримнинг хотин-қизлар тўғрисидаги қоидаларини нотўғри талқин қилишган, бу эса *шариат*да ўз аксини топган. Ислоҳчилар уларни *шариат* йўриқларини қайта кўриб чиқишга ҳамда «*шариат* асосларини талқин қилишда янги давр талабларини ҳисобга олишга» даъват этишди. Хотин-қизларнинг ижтимоий мақоми юқори бўлиши лозим, улар тегишли ҳуқуқий, жисмоний ва ақлий тарбия олишлари зарур, шундагина улар жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишлари мумкин, деб таъкидлашарди ислоҳчилар. Уларнинг фикрича, хотин-қизлар тарбияси уларнинг ўзи учунгина эмас, балки фарзандларнинг саломатлиги, бинобарин, умуман миллатнинг жисмоний соғломлиги учун муҳим ва билимдан баҳраманд бўлишида у билан чамбарчас боғлиқдир. Хотин-қизлар фарзандларнинг илк тарбиячиси, уларнинг саъжиясини, заковатини ҳамда ҳис туйғусини шакллантирувчи бўлгани учун уларга ахлоқий тарбия берилиши лозим. Ва айнан аёл киши фарзандларга ахлоқий тушунчалар ҳамда принципларни сингдиради.

Ислоҳчилар хотин-қизларнинг камситилиши сабабларини аниқладилар. Бу сабабларни айрим миллий анъаналар ҳамда урф-одатларда кўриб, уларни рад этдилар. Шу муносабат билан ўз шаъанларига таъналар эшитдилар, *бидъат*чига чиқарилдилар, чунки «одамлар чуқур фикрлаш машаққатларидан қочиб, *бидъат*ни қоралаш учун энг осон йўлни таялайдилар» (Қосим Амин). Ислоҳчилар муайян урф-одатларнинг мавжудлиги жамиятнинг илғорлиги даражасига бевосита боғлиқлигини очиқ бердилар. Айрим урф-одатлар жуда яшовчан бўлиб, уларга диний маросимлардан ҳам қаттиқроқ ва мажбурийроқ роя этилишига ишонч ҳосил қилдилар. Чунончи, муслималар бошига ташлаб юрадиган ёпинчиқ ислом талаби эмас, балки арабларнинг аввалги динларидан мерос қилиб олинган, чуқур илдиз отган одатдир. Дастлабки мусулмон аёллар юзлари очик ҳолда юришган.

«Муслима ёпиниб юра бошлагач, камситилиб, ижтимоий ҳаётда иштирок этишдан йироқлаша бошлади, хотин-қизларнинг ажралиши уларнинг жаҳолатга тушишига ҳамда уларда

хурофот ва бидъатнинг мустаҳкамланишига кўмаклашди. Му-
сулмон аёлнинг камситилган аҳволи миллатнинг маданий
ҳамда иқтисодий қолоқлигига сабаб бўлди, чунки хотин-қиз-
ларнинг ижтимоий тузумдаги аҳволи миллатнинг маданий да-
ражасига мувофиқ келади. Миллат фалаж бўлиб қолган, чун-
ки унинг вакилларининг ярми жамият ривожига ҳеч қандай
роль ўйнамайди». Ислоҳчилар чуқур таассуф билан таъкидла-
дилар-ки, «хотин-қизларни таҳқирлаш шу даражага етдики, у
эркак киши аввал фойдаланиб, керак бўлмагач, улоқтиради-
ган нарсага айланиб қолди. Эркак учун – эрк, аёл учун – жаҳо-
лат; эркак киши амр қилиш ва тақиқлаш ҳуқуқига эга, аёл эса
– сабр-тоқат билан чидаш ва итоат этишга мажбур».

Қосим Амин

Ислоҳчилар ҳокимиятнинг зулмкорлигини хотин-қизларнинг
камситилиш сабабларидан бири, деб ҳисоблашарди. Бу фикрни
улар: зулмкорлик аёлга бевосита эмас, балки эркак орқали
таъсир ўтказади, – деб изоҳлар эдилар. Ҳуқуқсизлик ва таҳқир-
ланиш азобини тортган эркаклар хотинига зулм ўтказадилар,
жисмоний устунлиги туфайли аёлни камсита бошлайдилар.
Аёлни камситиш эса оилада тотувликни йўқотади ва, натижада,
уни заифлаштиради. Шундай қилиб, сиёсий зулмкорлик ва ко-
лоқ оила негизи ўртасида бевосита алоқа борлигини кўриш
мумкин. Бундан эса, миллатни тиклаш учун курашни хотин-қиз-
ларнинг аҳволини ва оила негизини ўзгартиришдан бошлаш ке-
рак, деган ҳулоса келиб чиқади, чунки «хонадон ва оила муваф-
фақият келтириши мумкин бўлган ҳислатларга эга одамларни
тайёрлаш учун қулай муҳитга айланмас экан, жонли халқ бў-
лиш ҳамда инсоният тамаддуни оламида ўрин эгаллашга умид
боғлаб бўлмайди».

XIX аср охирида айтилган гаплар бугунги кунга нақадар ҳа-
моҳанг! Марказий Осиёдаги бутун бир аср давомида содир бўл-
ган туб ижтимоий ўзгаришларни ортда қолдириб, хотин-қизлар
эмансипацияси зарурлигини тасдиқловчи манба сифатида ислом
модернистлари меросига мурожаат этамиз, бунда ўз маданияти-
миз кўрсатмаларидан келиб чиқамиз. Ислоҳчиларнинг узоқни
кўзловчи яна бир фикри шуки: «Аёл киши тарбия топган ва
маълумотли шахсга айланмас экан, тенг ҳуқуқлилиқ ҳақида гап
ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки таълим кўрган аёлгина ўз ҳу-
қуқини англаши ҳамда уларнинг рўёбга чиқарилишини талаб

этиши мумкин». Бу фикр бугунги кунда ҳам долзарбдир ва хотин-қизларга тарбия ва таълим бериш тенг ҳуқуқлилиқ гарови эканлиги равшан!

Исломининг хотин-қизларга муносабатини бу тариқа талқин этиш тарафдорлари ўшанда ҳам *Қуръони карим* ва *Суннага* ҳавола қилган ҳолда қарши далиллар келтирган эдилар, ҳозир ҳам шундай қилмоқдалар. *Фақиҳлар* асарларида аёлларнинг юзини беркитиб юриш ва эркаклардан алоҳида бўлиши гуноҳнинг (йўлдан озишнинг) олдини олиш учун зарур эканлиги ҳақида гапирилади. Аёлларнинг таълим олиши уларнинг айёрлиги ва маккорлигини кучайтиради, ахлоқ бузилишига олиб боради, билим эса аёлларга умуман зарар келтиради, деб ҳисоблайдиган консерваторларнинг ҳужумига жавобан XIX аср охиридаги миср ислоҳчилари журналн: «Айрим кишилар буни ислом динининг ўзгартириб бўлмайдиган амри, деб ҳисоблайдилар. Биз эса бу мулоҳазаларни рад этамиз ва *шариат* қонунлари муайян давр талабларидан, ахлоқ меъёрларидан келиб чиқиб белгиланган, деймиз», – деб ёзади.

Аёл кадр-қимматини камситиш, унинг фазилатининг ягона мезони сифатида шахватпарастлигини кўрсатиш, аёлнинг моҳиятини бузукликдан иборат қилиб қўйиш кенг ёйилган ҳолатдир. Бу ўтмишда ҳам эркакнинг устунлигини оклаш усули эди, ҳозир ҳам шундайлигича қолмоқда. Ислом ислоҳчилари ва бугунги феминист аёллар жаҳолат аёлни қолоқлик ботқоғига ботиради, уни тарбиялаш ва ақл-заковатини ривожлантириш эса ғайратшижоатини ва ақл-идроқини ишга солиш учун кенг имконият яратади, деб ҳисоблашади. Таълим – жамиятда ўз кадр-қимматини биладиган ва уни ҳимоя қила оладиган аёлнинг пайдо бўлишининг ягона ва зарур усули!

Аёлнинг оиладаги аҳволи масаласи хотин-қизлар ҳуқуқи соҳасидаги муҳим масалалардандир. Ҳозирга қадар мусулмонлар учун кундалиқ ҳаётда энг муҳим қонунлардан бири бўлиб келатганини унутмаслигимиз лозим бўлган *шариат*га мувофиқ аёл киши қандай ҳуқуқларга эгаллигини кўриб чиқайлик. *Шариат* никоҳ ва фарзанд туғилишини мусулмонларнинг диний мажбурияти қаторига киритади, никоҳсизликни эса қоралайди.

Шариат оила муносабатларини қаттиқ тартибга солади ҳамда никоҳга, энг аввало, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбурият-

ларини белгилаб берадиган узоқ муддатли шартнома сифатида қарайди. Эркаклар олами ва аёллар олами аниқ ажратиб берилган. Мусулмон модернист ислоҳчилар жамиятда оила институти муҳимлигини эътироф этганлар. «Никоҳ – битим бўлиб, унга мувофиқ эркак киши аёлга, унинг бутун борлиги билан, эгалик қилади», – деб ёзади Қосим Амин, бироқ у бунда исломни эмас, балки *Қуръони карим*да никоҳ ҳақида айтилганларни бузган қонунларни айблайди. Никоҳ ўзаро муҳаббат асосига қурилиши керак, деб кўшимча қилади у. Модернистлар эркаклар ва аёллар ҳуқуқларининг маъжуд тенгсизлиги хотин-қизларнинг ўкимаганлиги билан боғлиқ, аёлга таълим-тарбия беришгина хотин-қизларнинг никоҳда тенг ҳуқуқли бўлишининг кафолати бўла олади, деб ҳисоблагандилар.

«Унинг оятларидан (яна бири) – У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир».

30-сура, 21-оят

*Шариат*га кўра, диний эътиқоддаги тафовут мусулмон эркакнинг мушрик (кўп худоли) аёл билан никоҳланиши учун тўсқинлик қилади, бироқ «аҳли китоб»дан бўлган аёл билан никоҳланишга тўсик бўлмайди. Бундаёки никоҳ, ҳатто, Аллоҳга мақбул ишлардан ҳисобланади, чунки ғайридинни (христиан аёлни) мусулмонлар жамоасига олиб киради. Бироқ муслиманинг ғайридин билан никоҳланиши қатъиян манъ этилган ва бу кўрсатмага асрлар давомида қаттиқ амал қилиб келинган. Бу тақиякка бўйинсунмаганлар кўплаб мусулмон мамлакатларда қонун билан жазоланган ва жазоланмоқда. Бошқа мамлакатларда эса диндан қайтган аёллар ҳозир ҳам умум нафратига дучор қилинмоқда. Глобаллашув жараёнларига қарамай, *шариат*нинг бу меъёрлари барқарорлигича қолмоқда, уларнинг бузилиши эса мусулмон оламининг деярли барча мамлакатларида, ҳатто мусулмон мамлакатлар кўпчилигининг дунёвий қонунларида *шариат*дан олинган махсус бандлар бўлмаса-да, диндан қайтиш, жиноят деб қаралмоқда.

Айрим араб мамлакатлари қонунлари *шариат*нинг маълум кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда, муслиманинг ному-

сулмон билан никоҳини тан олмайди. Мусулмон кишига «аҳли китоб»дан, яъни христиан ва яҳудо динига эътиқод қилувчилардан бўлмаган аёл билан никоҳланиш тақиқланади.

Шариатнинг яна бир меъёри ислом модернистлари, акидапарастлари ва ортодокс (собитқадам)лари ўртасида баҳсга сабаб бўлиб келмоқда. Бу *ҳижоб* – жамиятдан ажралиб қолиш меъёридир. Модернистлар фикрича, ҳижоб жамиятнинг ривожланиш даражаси паст бўлган даврда жорий этилган ҳамда аёлни унга нисбатан кўрсатиладиган беадабликдан, тил билан ҳақоратлашдан, жисмоний зулмдан ҳимоялашга кўмаклашган, яъни уларнинг манфаатлари йўлида жорий этилган. Янги даврда жамият анча маърифатли бўлиб қолди ва цивилизациялашди, шу боис *ҳижобга* зарурат қолмади, аёлларнинг бир қисмини эса бошқа воситалар, масалан, уларни маърифатли қилиш йўли билан сақлаб қолиш мумкин.

Ҳижоб масаласи *Қуръони карим*нинг бир қатор сура ҳамда оятларида асослаб берилган.

«Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар (яъни бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар), магар бирон ҳожат учун чиққанларингизда эса илгариги динсизлик (даври)даги ясан-тусан каби ясан-тусан қилманглар! Намозни тўқис адо қилинглар, закотни (ҳақдорларга) ато этинглар ҳамда (барча ишларда) Аллоҳ ва унинг пайғамбарига итоат этинглар! (Эй пайғамбар) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос».

33-сура, 33-оят

«Эй мўминлар, пайғамбарнинг уйларига фақат сизларни бирон таомга чақирилсагина киринглар. (Ўшанда ҳам) унинг пишишига кўз тутиб тургувчи бўлманглар, балки чақирилган пайтингизда кириб, таомлангач тарқалинглар ва бирон гапга берилган ҳолингизда (у ерда қолиб кетманглар)! Чунки бу (ишларингиз) пайғамбарга озор берур, у эса сизлардан (яъни сизларни чиқариб юборишдан) тортинар. Аллоҳ ҳақни айтишдан тортинмас. Қачон сизлар (пайғамбар аёлларидан) бирон нарса сўрасангизлар парда ортида туриб сўранглар!. Мана шу сизларнинг дилларингизни ҳам, уларнинг дилларини ҳам тоза тутгувчирокдир. Сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбарига озор бериш ва унинг ортидан аёлларига уйланишин-

гиз ҳеч қачон дуруст эмасдир. Чунки бу (ишларингиз) Аллоҳ наздида улуғ (гуноҳ) бўлган ишдир».

33-сура, 53-оят

«(Пайғамбар аёллари) ўзларининг оталарига, ўғилларига, оға-иниларига, оға-иниларининг ўғилларига, опа-сингилларининг ўғилларига, (мўмина) аёлларга ва қўл остиларидаги чўриларига (очиқ ҳолда кўринишларида) уларга бирон гуноҳ бўлмас. (Эй пайғамбар аёллари), Аллоҳдан кўркинглар! Албатта Аллоҳ барча нарса устида гувоҳ бўлган зотдир».

33-сура, 55-оят

«Эй пайғамбар, жуфтларингизларга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ўрасинлар! Мана шу уларнинг (чўри эмас, балки озод аёллар эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг яқин (во-ситадир). Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир».

33-сура, 59-оят

Модернистлар бу масалада ортодоксларга ва акидапарас-тларга муносиб жавоб бердилар. Улар, агар аёл фаҳш ишларга мойил бўлса, у ҳолда на ёпинчик, на ҳарамнинг тўрт девори уни бу йўлдан қайтара олади, аксинча, ёпинчик бузуқлик қилишига кўмаклашади, чунки уни ёпинган аёл танилиб қолишдан кўр-қмайди. Бундан ташқари, ўранган чехрага эркаклар очиғидан кўра кўпроқ кизиқиб қарашади, деб ҳисобладилар.

Сегрегация – *ҳижоб (парда)* концепцияси бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда. Меъёр сифатида талқин қилинган *ҳижоб*нинг тушунча ва аломатлари кўп. Бу – юзни тўр билан тўсишдан тортиб *чодир, паранжи, чачвон* ва хотин-қизларни жамиятдан мосуво қилиш ҳамда уни ижтимоий жисмоний макон – хонадондами, *ичкаридами, занонадами* ва х.к. ёрдамида тутиб туриш, ёки, айрим араб мамлакатларидаги сингари, улар учун алоҳида автобуслар қўйиш, дўконлар очишгача бўлган ишдир. *Ҳижоб*, шунингдек, ахлоқий меъёрларни ҳам тақозо этади: аёлнинг хатто ўз оиласидаги эркакларнинг ҳам юзига тик қарашга ҳаққи йўқ, улар билан баъзи мавзуларда гаплаша олмайди, бе-гона ҳузурида хатто ўз оиласидаги эркакларга ва, хатто ўз эри-га ҳам яқин бора олмайди, бирон-бир ҳис-ҳаяжонини изҳор эта олмайди ва х.к. Яъни *ҳижоб* – хулқ-атвор меъёри ҳамдир ва шу

маънода хижоб жисмоний ва ахлоқий поклик талаби, шунингдек эркак билан аёл ўртасидаги ўтиб бўлмас масофани, ҳатто улар эр-хотин бўлишса-да, сақлаб туриш воситадир. Шундай қилиб, *ҳижоб* (*парда*) эркакнинг аёлдан мутлақ устунлигини сақлаш, аёлнинг ҳаракатчанлигини камайтириш ва хулқ-атворини чеклаш воситаси, итоатгўйлик ва мутелик рамзидир. *Пардани* очадиган аёл, ҳатто у ўз эрининг ҳис-туйғу, кизикиш ва амал оламига қирмоқчи бўлган бўлса ҳам, тарбиясиз ҳисобланади. *Парда* айни шу маънода хулқ-атвор тушунчаси сифатида аёлни жамиятдан ва унинг эркаклар ҳукмронлик қилиб, амал тутадиган «эркаклар олами»дан иборат манфаатларидан ажратиб қўяди. Шу позициядан қараганда, *ҳижоб*нинг талаблари аёлнинг оиладаги, жамиятдаги ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда тўсиқ бўлиб келган ва шундайлигича қолмоқда ҳамда диний оқимлар (модернистлар – янгилувчилар ва – ортодокслар) ўртасида ҳам, улар билан дунёвий давлат ўртасида ҳам баҳсга сабаб бўлмоқда.

Ҳижоб концепцияси кўплаб мусулмон мамлакатларда XX аср давомида дин ва аёл, дин ва давлат ўртасидаги тўқнашувга сабаб бўлиб келди. Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини тақозо этувчи фуқаролар тенглигини эълон қилган дунёвий давлатлар диний таълимот билан тўқнашишга мажбур бўлдилар, чунки *ҳижоб* нафақат кийим, балки аёлларнинг мутелиги, иккинчи даражалилиги ва итоатгўйлиги рамзи эди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бирок *ҳижоб* (*чодир*, *парда*, *паранжи*)ни кийимнинг бир қисми сифатида йўқотиб юбориш билан аёлни хулқ-атвордаги *парда* ва *ҳижоб*дан қутқариб бўлмайди-ки, бу совет тажрибасида маълум бўлди. *Ҳижоб*дан кийимнинг зарурий меъёри сифатида воз кечиш жараёни кўп мусулмон мамлакатларда гарчи машаққатли, баъзан хунрезлик билан кечган эса-да, у хотин-қизларни озод қила олмади. Ўз ҳуқуқларини англашгина уларга эркинлик беради. Ҳозирги пайтда турли мамлакатлардаги муслималар замонавий лисоб кийишади. Бирок аёлларнинг ўз ҳуқуқларини англашлари жараёни бекиёс қийин ва узок бўлиб, яқун топишга ҳали анча бор.

Модернистлар *ҳижоб* ислом кўрсатмаси эмаслиги, балки аввал ўтган динлардан мерос қолган одат эканлигини, шунинг учун ёпинчикқа ўранишдан воз кечиш исломга қарши қаратилган иш эмаслигини исботлашга уриндилар. *Ҳижоб*дан воз кечиш дастлаб дунёвий Туркияда, модернистлар принципларидан келиб чиқиб

хамда уларнинг доктринасига таяниб руи берган. Вазият жамиятда кенг муҳокама қилинган, қизгин чиқишлар бўлган. Таассуфки, мен расмий манбаларга ҳавола эта олмайман, лекин турк фалол аёлларидан бирининг айтишича, оқилона фармон чиқарилган ва унга мувофиқ, барча аёлларга юзни очиб юришга рухсат берилган, факат фоҳишалар юзини беркитиб юриши лозим бўлган.

Мусулмон модернист ислоҳчиларининг яна бир қондаси кўпникоҳлиликни танқид қилишдан иборат бўлган. Уларнинг фикрича, исломда кўпникоҳлиликка йўл қўйилади, ҳолос. Исломи кўпникоҳлиликни вужудга келтирмаган, бу ҳодиса ислом юзага келгунича ҳам, анча олдиндан мавжуд бўлган. Кўпникоҳлилик – ҳозирги исломда турли диний оқимлар ўртасида баҳс-мунозарага олиб келадиган жуда кескин мавзулардан. Баҳс *Қуръони карим*да кўпхотинлиликка рухсат берилган-берилмагани, ҳозирги шароитда бу борада қандай нш тутиш лозимлиги ҳақида боради. 4-суранинг 3-оятни кўпхотинлилик учун асос бўлади:

«... Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ...»

Модернистлар *Қуръони карим* оятлари аёни маҳалда кўпхотинлиликка рухсат ҳам беради, уни тақиқлайди ҳам, деган фикрда иттифок бўлдилар. Улар бу оятни тақиқлаш жиҳати бўйича талқин қилдилар: модомики адолат қилинмас экан, бир қанча хотин олишининг нима кераги бор? Жуфти ҳалолнинг ёлғиз хотини бўлишни истамайдиган аёл йўқ, эркак ҳам ўз ҳасми бошқа эркак билан бўлишни истамайди. Улар кўпникоҳлиликни аёлни таҳқирлаш деб, эркак кишининг эса, хотинни бепуштлиги ёки нажотсиз ҳасталикка дучор бўлган алоҳида ҳолатлардан ташқари, бирдан ортиқ аёлга уйланишини кечириб бўлмас ҳол, деб ҳисоблашганди. Исломининг бутун тарихи давомида кўпникоҳлиликка оддий мусулмонлар ҳам, қонуншунослар ҳам бир хил маънода муносабатда бўлишмаган. Модернистлар кўпникоҳлиликни «ҳайвоний ҳирсини қондириш учун қонуний баҳона» деб атаб, унинг фарзанд тарбиясига ёмон таъсир кўрсатишини айтишган.

Кўпникоҳлилик муносабати билан бу одатни қораловчи кўп хазин халқ қўшиқлари ва шеърлар мавжуд. Бу ҳақда ривоятлар ҳам бўлиб, улардан бирида Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг қизлари биби Фотима ҳақида ҳикоя қилинади:

«Ҳазрат Али иккинчи бор уйланганларида биби Фотима-нинг икки эгиз ўғиллари бор эди. Қалб изтиробини босиш учун биби Фотима шишани майдалаб, хобгоҳларида оёқ остига сепишни буюрдилар. Фотима онамиз яланг оёқ шишани босиб юрсалар-да, қалб изтироблари босилмади, оғриқни сезмадилар, оёқлари қонаб ётганини пайқамадилар, чунки қалбдан қон йиғлардилар».

Ажрашишнинг *Қуръони карим*даги концепциясини талқин қилганликлари модернистларнинг хизматидир. Ортодокслар ажрашишни талқин қилишда Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг: «Ажрашиш – эркаклар ихтиёридаги иш», – деганларини ўз ичига олувчи *Ҳадиси шариф*дан келиб чиқишади. Шунга мувофиқ, *шариат*га кўра ажрашиш ҳуқуқи буткул ва тўла-тўқис эрикидир. Никоҳни бекор қилиш махсус таъбирни айтиб амалга оширилади, сўнг муайян вақт ўтгач никоҳ бекор бўлиши мумкин. Эр жисмоний ёки ақлий нуқсонга эга бўлсагина ажрашиш ҳуқуқи хотинга берилади. Асрлар давомида мутеъ мавжудот бўлган аёл ҳатто шундай ҳолатларда ҳам ўзига берилган имкониятдан фойдаланмаган, чунки аёл ташаббуси билан ажрашиш ҳолларини афкор омма ахлоқсизлик ва, ҳатто, шармандалик деб ҳисоблаб, уни донмо салбий баҳолаган. Модернистлар ажрашишнинг оғзаки шакли амалиётини бекор қилиш ва аёлга ажрашишни талаб қилиш – *халаъ* – ҳуқуқини қисман бериш учун курашганлар. *Халаъ* – аёлнинг никоҳланиш ва никоҳ аҳдини тузишда ажрашадиган ҳолатда қарор қабул қилиш ҳуқуқи эрга эмас, балки хотинга, ҳеч бўлмаса, қозига берилишини мустаҳкамлаб қўядиган ҳуқуқидир. *Ҳидоя*да халаъ «эр-хотин ўртасидаги муайян шар-тлар билан никоҳни бекор қилиш имконияти кўзда тутиладиган битим», – деб таърифланади. Бунда агар аёл талоқ сўраса, ўз мулкидан эрига муайян миқдорда маҳрга ярокли нарсa – *хулъа* бериши зарур.

Модернистлар оиланинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиб, эрларда талоқ қилиш ҳуқуқи назоратсиз ва чексизлигича сақланиб қолаётгани учун жамиятда никоҳланишга қараганда ажрашиш кўплигини таъкидлагандилар. Улар мусулмон ҳуқуқшуносларини бунинг айбдорлари деб ҳисоблагандилар, чунки эркакларнинг талоқ қилиш ҳуқуқи қанча чекланмасин, то аёлнинг ўзи талоқ бериш ҳуқуқини олмагунича у лозим даражада эътибор ва ҳурмат қозонмайди. Модернистларнинг бундай позицияси илгари

хам нафақат ҳуқуқшунослар, балки бошқаларнинг ҳам танқидига учраган ва ҳозир ҳам шундай.

Агар мусулмон мамлакатларининг кўпчилигида *шариат* меъёрлари бирон-бир шаклда дунёвий қонунларга кирган бўлса, Марказий Осиёнинг советлардан кейинги мамлакатларида улардан воз кечилди. Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё миллий давлатлари мустамлакачиликдан кейинги ўз давлатчилигини барпо этишида ҳуқуқий доктрина Ғарб қонунларига қараб шакллантирилди, чунки айни шу йўналиш Ғарбнинг ривожланган мамлакатлари билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантиришни, бинобарин, жаҳон иқтисодий тизимига кириш ҳамда капитал оқимига қўшилишни таъминларди. Бироқ оила-ниҳоҳ қонунчилиги соҳасида *шариат* унсурлари мусулмон ислоҳчилари ҳамда модернистлари версиясида бирмунча сақлаб қолинганди.

Яқин Шарқда мусулмон ислоҳчи-модернистлари Мисрда иқтисод, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, шунингдек давлат аппарати ҳамда армияни қайта ташкил қилишга йўналтирилган ислоҳотлар бошланиши муносабати билан пайдо бўлишди. Янги капиталистик муносабатларнинг ривожланишини ҳамда Европадан капитал оқиб келишини айни сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар рағбатлантирганди. Иқтисодий ривожланиш манфаатлари, бошқарув тизимини қайта қуриш учун янгича, сифатли маълумотга эга бўлган кўплаб одамлар талаб қилинарди. Таълим тизимини европача намунада қайта ташкил этиш ҳамда ёш мусулмонларни дунёвий билимлардан баҳраманд этиш шу эҳтиёжнинг оқибати ўларок юз берганди. Янги замонавий билим олган ва ўз билим доирасини кенгайтирган ёшлар ўз олдларига сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт билан боғлиқ кўплаб саволларни қўйишарди ва уларга жавоб топишга ҳаракат қилишарди. Мусулмон жамиятининг қолоқлиги сабаби тўғрисидаги савол шу жумладандир. Бу савол қанчалик тез-тез қўйилса, унга жавоб топиш шунчалик қийин кечарди. «Биз яшагандек яшаб бўлмайди энди», – деб жавоб беришарди улар.

Саноат ривожланиши миллий ўзлиқни англашнинг ўсишига қўмаклашди. Таракқиёт янги зиёлиларда жамият, сиёсат, иқтисодда мавжуд бўлган меъёрлардан, диний дунёқараш схоластикасига асосланган маданий кўрсатмалардан норозиликни юзага келтирди. Ислоҳчилар, агар Европа ютуқлари қабул қилинса ва бунда ўз маданий кадриятларига ва динига асосланилса, мусул-

мон жамиятининг қолоқлигини бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблашарди. Шундай қилиб, мусулмон ислоҳчи-модернистлари жамиятни модернизациялаш ва янги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга интилувчи ислоҳчи юқори доиралар кайфиятини ифодаловчилар бўлиб қолдилар.

... ёнуд ортга қайтиш

Исломда илк тикловчилик оқимининг пайдо бўлиши мустамлакачиликча бўлган даврга ва, Ғарб ўз куч-қудратини Шарққа намоён этиб, экспансия эълон қилган илк мустамлакачилик даврига тўғри келади. Мусулмон оламида анъанавий шарқ-феодал структураси таназзулга учраган эди. Шундай шароитда шарқ жамияти (уруғ-қабилла гуруҳлари) интилишлари ҳамда орзу-умидларига жавоб берувчи, илк ислом томонидан илгари мавжуд бўлган барқарорлик, ўйғунлик, ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий муҳит батартиблигининг омили сифатида эълон қилинган тенгликнинг ҳаёт фаолиятини янги шароитда тиклашга йўналтирилган ғоялар пайдо бўлди. Илк тикловчилик шарқ жамиятларининг жаҳон тараққиёти, капитал ҳаракати ҳамда ўзгаришлар доирасига аста-секин тортилиши оқибатида уларда юз берган жараёнларни акс эттирди. Натижада жамиятнинг меркантилизм ортиб бораётганидан норози қисми узилиб, ташқи таъсирдан ажралди ва ўтмишдаги уруғ-қабилачилик унсурларини тиклай бошлади. Илк ислом қондаларини тиклаш ғояси мусулмон оламининг энг қолоқ қисмида, тарих томонидан унутилган ва цивилизация қадами етмаган Арабистон чўлларида, асрлар давомида қилт этмай турган ҳаёт тарзига ёриб кирган ва одамлар онгидаги тенглик идеалини бузган барча нарсаларга нисбатан жангари тоқатсизлик руҳи сақланиб қолган кўчманчи бадавий қабилалар орасида юзага келиб, мустаҳкамлангани тасодиф эмас.

Ваҳхобийлик ҳаракати XVIII аср ўрталарида пайдо бўлиб, моҳият эътибори билан шафкатсиз ханбалий мазҳаби анъаналарини давом эттирди. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ислом пайдо бўлган даврдаги илк одмиликка қайтишни, ҳар қандай муқаддас нарсани, шу жумладан Пайғамбаримиз Муҳаммад, авлиёлар, макбараларнинг муқаддас тутилишини йўқ қилиш, маросимлар ва тақиқларга қатъий риоя этишни талаб қил-

ди. Ваҳҳобийлик таълимотининг ёйилиши ал-Ваҳҳобнинг амир Муҳаммад ибн Сауд билан иттифоқи юзага келишига кўмаклашди. Амир Муҳаммад ибн Сауд эса араб қабилаларини ваҳҳобийлик туғи остида Нажд, ҳозирги Саудия Арабистони давлатига бирлаштирди. Янги давлат диний тикланиш руҳида тузилди, ваҳҳобийлик эса давлат дини мақомини олди.

Ваҳҳобийлик жиход ва кўпхудолиликка қарши кураш шиори остида амал қилади ҳамда мусулмон жамоалари ягона *уммат* бўлиб бирлашишни талаб этади: кундалик ҳаётда мусиқани, рақсни, свропача кийинишни, спиртли ичимликларни машруъ қилади. Ваҳҳобийликнинг бир қанча хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: исломни ва *шариат*ни кўп асрлар давомида кириб келган, гўёки «ислом идеалини бузган» *бидъат*дан тозалаш; ҳар бир мусулмоннинг ижтиҳод қилиш ҳуқуқи; исломнинг асосий манбаларини талқин этишда ахлоқий-ижтимоий проблематиканинг калом догматикасидан устунлиги; жамият муаммоларини ҳал этишда сиёсий радикализм.

Ваҳҳобийлик аҳолининг янги ижтимоий муносабатларга ўтиш мантиқини тушуна ва қабул қила олмайдиган маргиналлашган (тубан) қатламлари онгига қаратилганди. Бундай ижтимоий муносабатлар шаронтида аҳолининг бу қисми, ўз онги ва маълумоти даражаси туфайли, келажакдан маҳрумдир.

Уларнинг мавқеи кечагина етарлича барқарор эди, маълумотга, касбий кўникмаларга эга бўлмаган ҳолда, улар аждодлари сингари яшаб келмоқда эдилар. Бугун эса улар ўша имкониятлардан маҳрум бўлишди, шунинг учун улар асотирий ўтмишни идеаллаштиришга асосланган ҳамда муаммоларни жамоавий бирдамлик, тенглик ва давлатнинг ушбу тенгликни таъминлашдаги ҳомийлиги асосида ҳал этишни таклиф қилган утопик таълимотларга ишонишга мойил эдилар. Агар *ваҳҳобийлик* ўзининг нефть бойлиги туфайли ҳозирги кунда нуфузи тобора ортиб бораётган мамлакатнинг давлат динига айланиб, ўз даврида колоқ араб қабилаларини бирлаштиришда ижобий роль ўйнаган бўлса, кейинчалик мусулмон *уммат* етакчиси бўлишга даъво қилиб, экспорт қилина бошлади ҳамда XX аср ўрталаридан бошлаб у мусулмон мамлакатларда исломни радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга кўмаклашувчи мафкурага айланди. Мусулмон оламида етакчи бўлишга интилаётган Саудия Арабистонининг ташқи сиёсий йўли шунда намоён бўлади.

Энди XX аср охирида ваҳҳобийликнинг ҳамда исломдаги тикловчилик оқимининг ёйилиши масаласига мурожаат этайлик. 1970–1980-йилларда исломга эътиқод қилувчи мамлакатларда диний-сиёсий ҳаракатлар (ДСХ) ҳамда диний-сиёсий ташкилотлар (ДСТ)нинг ривожланиши юз берди. Исломни тиклаш ҳодисаси буткул қонуниятлидир. Мустамлакачилик тизимининг барбод бўлиши ҳамда мустамлакадан кейинги маконда мустиқ давлатларнинг пайдо бўлиши асосан ислом модернизми ва миллатчилиги туғи остида кечди. Барча озодлик ҳаракатлари ўз шиорларида исломдан жамиятни бирлаштирувчи куч сифатида фойдаландилар.

Яқин Шарқ, Мағриб ва Жанубий Осиё давлатлари қолоқликни Ғарб ютуқларини қамраб олган ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар орқали бартараф этиш мумкинлигини англадилар. Бироқ 1950-йилларнинг умидбахш аломатлари ўрнини яхши ҳаётни бесамав кутиш эгаллади: ривожланаётган мамлакатларда ўсиб келаётган капитализм кучайиб бораётган қолоқликни бартараф эта олмади. Юқоридан ўтказилаётган ислохотлар натижа-сида жамият кескин табақалаша бошлади, диндан ажралган юқори доиралар билан анъанавий турмуш тарзи смирлиши натижасида ижтимоий барқарорликдан маҳрум бўлган диндор қуйи табақа ўртасидаги тафовут кучайди. Умидлар пучга чиқди. Ғарб намуналари бўйича ислохотлар мантиқий ижтимоий қуйи табақа учун тушунарсиз бўлди, ислохотлар мустамлакачилик давоми сифатида қабул қилина бошланди, уларнинг муаллифлари эса хафсаласи пир бўлган қуйи табақа назарида «Ғарбга со-тилганлар» дек кўрина бошлади.

Маргиналлашган табақаларнинг фикрича, ҳеч нарса кўнгилда-гидек бўлмаётган эди: Ғарб устунлики, ўз шартини баён этишни ҳамда мусулмонларни қулликка солишни давом эттирмоқда, шунинг учун мусулмон олами мусталакачиликнинг бутун меросидан воз кечиб, манбаи илк ислом даври бўлган ўз қадриятларига тая-ниб, ўз йўлидан бориши лозим. Эрондаги ислом инқилоби ва у ерда теократик бошқарув ўрнатилишини илк ислом қадриятлари-га мурожаат сабабларидан бири, десак, Саудия Арабистонининг жаҳондаги энг бой мамлакатлардан бирига айланиши ҳамда Ар-Риёднинг мусулмон ҳамжамиятида алоҳида ўринга даъво қили-шини шундай сабабларнинг иккинчиси, дейиш мумкин.

Саудия Арабистони 1970-йиллардан бошлаб ўз ташки сиёсий фаолиятида ўзига мафкуравий жиҳатдан яқин ҳаракатларни, шунингдек *вахҳобийлик*нинг ҳамда илк ислом идеалларини тиклаш ғоясига амал қиладиган ДСХ ва ДСТнинг даъват йўли билан ёйилишини қўллаб-қувватлади. Саудия Арабистонида «Ислом руҳи ва уммат муҳофизлари» рутбасига эга бўлган подшо оиласи аъзолари мусулмон оламида улкан маънавий ҳокимият-ни қўлга киритдилар. Саудия Арабистони иқтисодий мадад кўрсатгани ҳолда, консерватив панисломий кўрсатмаларни бутун ислом оламига ёйишга интилади. Бу иқтисодий ёрдам ортида мазкур ёрдамни олувчи мамлакатлар ижтимоий сиёсатида исломий кадриятлар ва меъёрлар аҳамиятини кучайтириш талаби ётади. Бу ёрдамдан баҳраманд бўлган мамлакатларнинг исломийлашувига олиб келади. Мусулмон оламининг Ғарб билан алоқалари номаъқул тарзда кўрсатилади.

СССР ФА тадқиқотларига кўра, *вахҳобийлик*нинг СССР ҳудудига, унинг таназулға учраган минтақалари – Шимолий Кавказ ва Фарғона вилоятига кириб келиши 1970-йиллар охири – 1980-йиллар бошига тўғри келди ва уни СССР ривожланган иқтисодий ва сиёсий алоқалар ўрнатган мусулмон мамлакатлар фуқаролари олиб келдилар. 1970-йиллар ўрталаридан бошлаб бу ерда хуфня муллалар ва уларнинг қавмлари орасида кўпинча норасмий тарзда фаол даъватчилик иши олиб борилди. Расмий руҳонийларнинг айрим вакиллари ҳам исломнинг янги тикланиш тўлкинига тушиб қолишди. Ижтимоий ва иқтисодий муаммолар тўпланиб қолганлиги ва ечимини топа олмаётгани *вахҳобийлик*нинг ёйилишига кўмаклашди. Исломшунос Е. Абдуллаев 1980-йиллар охири – 1990-йиллар бошида Фарғона водийсида юзага келган диний вазият тўғрисида қуйидагиларни айтади.

«80-йиллар бошидан водийда яширин диний мактаблар сони кўпайиб, уларда араб ёзуvidан ташқари, анъанавий мусулмон фанлари ўқитиларди. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, давлат томонидан атсестик назорат бўшаштирилгач, ушбу ўқув марказлари очик иш олиб бориб, сони ҳам жадал кўпайди, бошқа томондан эса, уларнинг хорижий мусулмон давлатлари, энг аввало Саудия Арабистони билан алоқалари кучайди. Бундай алоқалар натижасида мазкур марказларнинг иш олиб бориш характеригина эмас, балки мафкураси ҳам ўзгарди. Улар яширин бўлса-да, анъанавий ислом таълими берадиган мактаблардан ра-

дикал оқимдаги мустақил диний марказларга жадал айланиб, уларнинг дастурига, ўқитишдан ташқари, ўз ижтимоий ва сиёсий қарашларини тарғиб этиш ҳам кирарди.

Водийдаги ўқув ва диний марказларда суннийликнинг Туркистон учун анъанавий бўлган *ҳанафийа мазҳаби*га нисбатан анча радикал *ҳанбалийа мазҳаби* таъсири кучайди. Талабаларга текин «нонушта» улашишни ўз ичига олган ушбу янги ҳанбалийа марказлари амалиётидан ташқари, диндорларга (аёлларга ҳам) хусусий хонадонларда махфий тарзда ўтказиладиган «ийғилишларда» таъсир ўтказиш услубидан ҳам фойдаланиларди.

Ушбу марказлар мафкураси ҳамда амалиёти 1991 йилда Наманган шаҳрида тузилган *Адолат* ҳаракати фаолиятида анча тула намоён бўлди. Бу ҳаракат аъзолари кўча ва бозорларда патруллик қилиб, «ислом тартиботи соқчилари»га шубхали кўринган барча шахсларни тутишарди. Товарларни адолатли тақсимлаш учун, чайқончиликка қарши ҳаракат аъзоларининг кураши ҳам руҳан «социалистик» эди. Ҳаракат ўз фаолиятининг дастлабки пайтларида партия номенклатураси томонидан қаршиликка учрамагани ҳам тасодиф эмас.

1992 йил декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди, унда давлатнинг диний бирлашмалар фаолиятига аралашмаслиги принципи билан бир каторда диний ифокни тарғиб қилувчи диний бирлашмаларни тузиш, шунингдек диний аломатига кўра ҳарбийлашган бирлашмалар ва сиёсий партиялар тузиш тақиқланган. Бу қоидалар Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонунда (1991 й.) мавжуд бўлган принципларни конституциявий тарзда мустаҳкамлади.

Республика парламенти томонидан ушбу қонун ҳужжатлари қабул қилинган, Адолатнинг фаолияти буткул тўхтатилди. Кейинчалик ҳаракатнинг кўп аъзолари тожик муҳолифати сафига кўшилди.

Ушбу қонунларга мувофиқ, ўша 1992 йилнинг ўзида Қўқон шаҳрида иш олиб борган, *Адолат*га ўхшаш ташкилот бўлган *Одамийлик ва инсонпарварлик* диний ташкилотининг ҳам фаолияти тўхтатилди.

Ислом марказининг чеккаси бўлган Марказий Осиёга (у XVII асрга келиб шундай бўлиб қолганди) модернизм XX аср боши-

дагина келди ва у *жадидлар* ҳаракати юзага келиши учун асос бўлди. Бу ҳаракат Бухоро ва Хива хонликлари ва мустамлака Туркистоннинг теократик давлатлари ҳамда жамиятларига қарши қаратилган эди. Тикловчилик концепцияси эса Совет Марказий Осиёсига 1960-йилларда *вахҳобийлик* тарзида, советлардан кейинги даврда эса 1990-йиллардаги диний-сиёсий ҳаракатлар кўринишида кириб келди ва Марказий Осиё давлатларининг дунёвий ривожланишига қарши қаратилган бўлиб чиқди.

Ислоҳчилик модернизми капиталистик муносабатлар ривожланишининг дастлабки фазасини ҳамда мусулмон зиёлиларнинг миллий ўзгаришлар бўйича ўз йўлини танлаш тўғрисидаги содда орзу-умидларини акс эттирди. Уларнинг кураши анъанавийликнинг жамиятни ўзгартиришдаги қотиб қолганлигига қарши қаратилганди. Совет даврида ислом модернизмининг маҳаллий илдири суғуриб ташланди, натижада диний институтлар ислоҳоти содир бўлмади. Анъанавий жамиятнинг барқарорлиги янги тарихий босқичда унинг исломнинг ижтимоий кўрсатмаларини талқин қилишда анча радикал бўлган янги тикловчиликка мойил бўлишига кўмаклашди.

Марказий Осиё тикловчилик мафкураси ҳозирча таниқли ислом мутафаккирларига эга эмас. Янги пайдо бўлганлари хорижий даъватчиларнинг шоғирдларидир. Хорижий Шарқда тикловчилик мафкураси Ғарб маданиятини биладиган ва танқидий қайта англаган ҳамда ислом қадриятларининг устунлигини қарор топтиришга шу позициядан келган дунёвий ва диний арбоблар томонидан шакллантирилган. Шу нуқтан назардан қараб, Марказий Осиёдаги ва МДХ ҳудудидаги «тикловчилик» диний ҳаракати айрим мусулмон давлатлардан импорт қилинган, деб таъкидлаш мумкин. Бу ҳаракат ушбу минтақада ўз сиёсий ва иқтисодий манфаатлари йўлида сиёсий позициясини ҳамда иқтисодий таъсирини мустаҳкамлаш воситаси сифатида экспорт қилинган. Охир-оқибатда «тикловчи» ислом ҳаракатларининг кучайиб бораётган экстремизми янги геосиёсий даъволар билан боғлангандир.

Ҳали советларники бўлган Ўрта Осиёда 1980-йиллар бошидан асосан аждоди *эшон*, *шайх* ва *пир* ўтган ўрта (30–40) ёшдаги кишилар *вахҳобийлик* ғояларини ифодаловчилар бўлдилар. Ўрта Осиё жамиятида диннинг ролини тасаввур этиш учун Т. Саидбоев келтирган маълумотларни ҳавола этаман: «Инқилобдан олдинги Бухоро ҳудудида 100 минг аҳоли, шу жумладан 20 ёш-

дан катта 30 минг нафар киши яшаган. Шаҳарда 360 маҳалла масжиди бор эди; 110 мадраса мударрисларини, шу жумладан талабаларни (диний мактабларда 3 минг талаба бор эди) қўшиб ҳисоблаганда, руҳонийлар 10 минг киши эди. Бундан ташқари козиҳоналар ходимлари ҳам руҳонийлар каторига кирарди. Шундай қилиб, Бухоронинг 30 нафар аҳолисига бир руҳоний тўғри келарди». Бинобарин, руҳонийлар авлодлари қўп эди, уларнинг асосий қисмини аҳоли руҳоний деб ҳисобларди, маслаҳат сўраб, тиловат қилиш ва диний маросимларни бажариш учун уларга мурожаат этарди.

Дин катагон қилинганига қарамай, бу одамлар ўтмишдаги руҳонийлар шажарасидан эканликларини ёдда тутишар эди, бу Ўзбекистон аҳолисининг диндорлик даражаси юқори бўлишини белгилаб берганди. Диний маросимлар, урф-одатлар ва анъаналарни билувчилар жамоа орасида катта эътиборга эга эдилар. Улар расмий руҳонийларни шахсий ахлоқсизликда ҳамда коррупцияда айблаб, ўзини ва ўз тарафдорларини расмий руҳонийларга қарши қўйиб, янги куч бўлиб майдонга чиқишди. Улар диний маросимларни бажо келтирганлик учун тўланадиган ҳақ ҳисобига бойишни ахлоқсизлик деб, маросимларни соддалаштириш зарур, деб ҳисоблардилар, катта молиявий маблағ сарфини талаб қиладиган мавжуд маросимларни *бидъат* деб эълон қилдилар. «Динсиз ҳокимият»га хизмат қилиб турган расмий руҳонийлар сохта руҳонийлар, деб эълон қилинди.

Улар тақволи ҳаёт тўғрисида мавъизалар қилиб, диндорлардан атроф воқеликда авж олаётган фаҳш ишлар ҳамда айбнуксонларга қарши турувчи ҳақиқий исломга қайтишни талаб қилардилар. Бу Марказий Осиёда ислом тикланишининг бошланиши бўлди. Диндорларни сафарбар қилиш 1990-йилларга келиб авж нуктасига чикди. Мустақиллик эълон қилиниши арафасида, қайта қуриш даврида Марказий Осиёда Жанубий Осиё ва Яқин Шарқдан келган ислом даъватчилари пайдо бўлишди. Масжидлар оммавий қурила бошлаган (1990–1994) йилларда расмий исломни «қайта қуриш» авжига чикди. *Ваҳҳобийлик* Марказий Осиёнинг, айниқса, Фарғона водийси, Қирғизистон ва Тожикистоннинг чегара ҳудудлари сингари жайларида анъанавий жамиятнинг бир қисмини камраб олди. Айрим тадқиқотларда уларга нисбатан «янги мусулмонлар» деган атама ишлатилмоқда. Исломнинг бундай шакли анъанавий жамиятнинг, қўшни мамла-

катлардаги оз сонли мусулмонларни ҳам ҳисобга олганда, имтиёзга эга бўлмаган қатламлари интилишларига мувофиқ келарди.

Тикловчилик (ақидапарастлик) диний ҳаракатлари хотин-қизларнинг аҳволи ва бошқа айрим масалаларда *Қуръони карим* 4-сурасининг:

«Эркаklar хотинлари устидан раҳбардурлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни эркаklar-ни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаklar (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва эрлари йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзи ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз ифбатларини) сақловчи хотинлар – яхши хотинлардир. Хотинларингизнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглр, сўнг (яъни насиҳатларингиз кор қилмаса) уларни ётоқларда тарк қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгга (яъни шунда ҳам сизларга бўйинсунмасалар) уринглр. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглр. Албатта, Аллоҳ энг юксак ва буюк бўлган зотдир», дейилган 34-оятига ҳавола қилиб, эркаklarнинг туғма ақлий ва жисмоний афзаллигига кўра устунлиги тўғрисидаги ғояни асословчи ортодокслар тарафдорлари эдилар.

Ҳозирги замон Миср илоҳиётчиси ал-Аққад: «Эркакнинг аёл олдидаги бурчи кучлининг кучсиз олдидаги бурчи кабидир; акс ҳолда, агар аёл иқтисодий жихатдан мустақил бўлганида, бу устунлик йўқоларди», – дейди. Бу ерда аёлнинг аҳволи унинг иқтисодий мақоми билан белгиланиши, тикловчилар ҳамда ортодокслар ёзган барча нарсга аёлларга қарши қаратилгани, аёлларга нисбатан нафрат руҳи билан суғорилгани чор-ночор эътироф этилган. Улар аёлларнинг «ақлан заифлиги», «маккорлиги», «мунофиқлиги» сингари далил-исботларни келтиришади. «Эркаklarни ва аёлларни ҳуқуқда ва мажбуриятда тенглаштириш адолатдан бўлмайди, аксинча, унисига ҳам, бунисига ҳам қаттиқ зулм бўлади», – деб ҳисоблайдилар улар. Аёлларнинг итоатгўйлиги ва пастлигини оклаш учун, улар аёлларнинг «физиологик эҳтиёжларини» рўқач қиладилар. «Итоатгўйлик Аллоҳга имон келтиришдир», – деб панд-насиҳат қиладилар-да, *Қуръони карим*-га ҳавола этадилар.

Кўпникоҳлиликка келганда, важ-корсонлари ундан-да кўп. Гап, ҳатто, кўпхотинлиликнинг устун жиҳатлари ҳақида ҳам боради. Советлардан кейинги жамиятлардаги кўпникоҳлилик ҳақида гап борганда биз ушбу мавзуга яна қайтамиз (бу ҳақда бутун бир аср давомида мубохаса бормоқда).

Иқтисодий ислохотларнинг юқоридан ўтказилиши базис билан усткурма, иқтисодиёт ривожлангани сари бир-биридан йироқлашаётган динтаъсири холи бўлган юқори доиралар билан анъанавий қуйи доиралар ўртасидаги зиддиятни акс эттиради. Ривожланишда Фарбдан орқада қолган ривожланаётган мусулмон мамлакатлар жаҳон иқтисодиётидан четда қолдилар ва бунинг жабрини тортмоқдалар, яъни бу мамлакатларда турмуш даражаси паст, даромадлар борасида ижтимоий гуруҳлар ўртасида фарқ катта, ижтимоий тизим ривожламаган. Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар қуйи табақанинг маргиналлашувига (тубанлашувига) ва уларнинг норозилиги кучайишига ҳамда, бунинг оқибати сифатида, давлат амалга ошираётган барча ишни инкор этишига олиб келади. Шу муносабат билан ўтмишни кўмсаш, «ўтган яхши кунлари», «исломнинг буюк ўтмишини» кўмсаш ва ҳ.к. юзага келади-ки, советлардан кейинги мусулмон жамиятларига ҳам шу нарса ҳосдир.

Советлардан кейинги Марказий Осиё, барча тафовутларга қарамай, мусулмон оламида юз бераётган жараёнларга жалб этилган бўлиб чиқди, чунки ўша муносабатлар ва янги иқтисодий муносабатларга мослаша олмаётган, ўзгаришлар жараёнига қўшила олмаётган ижтимоий табақалар Марказий Осиё жамиятларида ҳам сақланиб қолди. Коммунистик мафкура ва патриархал муносабатлар ҳамда жамоанинг текислашув меъёрларига асосланган терминология ҳукмрон бўлган Совет ҳокимияти йилларида анъанавий жамият руқнлари қишлоқда яна коллективга, яъни ўша жамоага асосланган социалистик ишлаб чиқариш шаклларига мослашган бўлиб чиқди. Совет даврида камбағалларга ҳомийлик қилиш сақланиб турди, натижада қуйи табақаларда нисбатан ижтимоий тенглик мавжуд эди: давлат болаларга, кам таъминланганларга нафақа берарди ва ҳ.к.

Давлатнинг кам таъминланганларга, кўп болалиларга, ногиронларга ва бошқа ночор ижтимоий гуруҳларга имтиёз бериши совет даврида қишлоқ иқтисодиётининг ўзига ҳослиги туфайли ҳукм суришда давом этган анъанавий жамият барқарорлигига

кўмаклашарди. Коммунистик шиорлар ҳамда исломий (халқона) анъаналар ўртасидаги мафкуравий зиддият ижтимоий зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар учун асос бўлмаганди. Анъанавий қуйи қатламлар билан замонавийлашган ва руслашган, лекин дин таъсиридан тўла холи бўлмаган юқори доиралар ўртасидаги ижтимоий тотувлик тизимнинг репрессивлиги туфайлигина эмас (гарчи совет тизими шаклланиши даврида у ҳам ўз ролини ўйнаган бўлса-да), балки совет ва патриархал ислом тизимларининг таркиблари, поғоналари ҳамда ижтимоий муносабатларининг ўхшашлиги учун ҳам мавжуд бўлганди.

Янги иқтисодий муносабатларга ўтиш, жамиятнинг табақаларга ажралиши ҳамда иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликнинг ортиши, шунингдек СССР парчалангач юзага келган мафкуравий бўшлиқ Марказий Осиёга мусулмон Шарқидан диний окимларнинг кириб келишига кенг йўл очиб берди. Улар ижтимоий тенгсизлик мавжудлигини ҳамда ижтимоий тенгсизлик кучайишини оклашади, ўз шиорларида мусулмон умматини тиклашни эълон қилган ҳолда ислом «олтин асри»га қайтиш тўғрисида гап олиб боришади. Совет даврининг бутун меросини танқид қилишади ҳамда ундан воз кечишни талаб этишади. Турмуш тарзи пасайишига, коррупцияга, ижтимоий табақаланишга қарши норозилик кучидан фойдаланиб, «негизларга қайтиш» утопик назариясини таклиф қиладилар ва бу билан советлардан кейинги Марказий Осиёдаги шусиз ҳам мўрт барқарорликка путур етказадилар. Улар ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар учунгина эмас, балки давлат хавфсизлиги учун ҳам ошқора таҳдиддир.

Шундай қилиб, ислом ҳаракатининг фаоллашуви ва турли окимлар мафкурачилари ўртасида жаҳондаги ижтимоий тараққиёт йўллари тўғрисидаги мубоҳасалар асосий аҳолиси мусулмонлар бўлган советлардан кейинги янги давлатлар жаҳон айвонига чиқиши билан бир вақтга тўғри келди. Бу мафкурачилар қолоқликни қандай бартараф этиш ва раванқ топишга эришиш масалаларига жавоб беришларини таъкидлайдилар. Янги ижтимоий концепцияларнинг изланиши анъанавий мусулмон жамияти ва мусулмон меъёрлари доирасида етилиб келган ижтимоий муаммоларни ҳал этиб ҳамда иқтисодий қолоқликни бартараф қилиб бўлмаслигини билвосита эътироф этишдир. XX аср тажрибаси мусулмон мафкурачилари назарияларига мувофиқ ўзгаришларни амалга ошириш умуман муваффақият келтирмагани-

ни, чунки бу ўзгаришларни амалга оширишда диний меъёрлар (турмуш тарзи, шахснинг жамиятдаги ўрни, аёлнинг оиладаги ўрни бўйича кўрсатмалар ва бошқалар) ривожланишга тўсқинлик қилувчи омиллар эканлигини кўрсатди.

1.2. Ҳалб дини

Суфийлик Марказий Осиёда ўн асрлик қарор топиш ва ривожланиш жараёнида турли шакл ва йўналишлар касб этди. Ўзбекистонда исломлашиш жараёнларини тушуниш учун суфийлик сулуқларининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги мусулмон жамияти ҳаётидаги роли қандай бўлганини кўриб чиқиш даркор. *Суфийлик* исломнинг моҳиятан унинг маънавияти соҳасига мурожаат этган институтларини тўлдирди ва ривожлантирди. *Суфийлик* мусулмон маданиятига исломгача бўлган цивилизациялардан келиб қирган маданий кадриятларни ўзгартирувчи восита бўлди. Исламнинг фалсафий, этикавий ва эстетик муаммоларга тарихий мурожаати *суфийлик*даги тенденциялар таъсирида рўй берди.

Шахс ва унинг хусусий тажрибаси ролини эътироф этиш, унинг ахлоқий тақомиллашуви муаммоларини қўйиш *суфийлик*нинг диний амалиётида ривожлантирилди ҳамда муайян турмуш тарзини юзага келтирди.

«Маданий изланишлар ва, бинобарин, маданий ижодиётнинг барча турлари Худони ҳақиқат манбаи ва гўзаллик манбаи сифатида эътироф этишдан келиб чиққан. Суфийлик тадқиқотчилари суфийлик турли қоидалар, маросимлар ва таълимотлар қурамасидан иборатлигини ва амалда уни бир бутун нарса сифатида тавсифлаб бўлмаслигини таъкидлашди. Риёзат ва зухд билан тарихан боғлиқ бўлган суфийлик бу доирадан ташқари чиқди ҳамда мусулмонлар маънавий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг тўла равишда англаб олинмаган қисми бўлиб қолди».

О. Акимушкин

Суфийлик одамлар ва ижтимоий муносабат ўртасидаги ҳамкорлик шаклларига, диний ришталар, тарбия, маданий кўрсатмалар ва идеаллар барқарорлигига, шунингдек сиёсий ҳаётга улкан таъсир кўрсатди, чунки *суфийлик* одамларни маънавий мураббий

нуфузи остида бирлаштирди. *Суфийлик* сулуклари кенг тармоқ ёйгани, поғоналилиги ҳамда бир *тариқат* аъзолари ўртасида барқарор маънавий алоқа ўрнатиш усуллари туфайли кишилар калби устидан ҳукмронликни ўрнатди, бироқ вақти келиб *суфийлик* сулукларининг ташкилий таркиби маънавий мазмунига қараганда узок яшовчан бўлиб чиқди.

Абадият ва маърифийлик билан рўбарў туриб ...

Ислонда ғайб-зуҳдий диний-фалсафий оқим бўлган *суфийлик* Марказий Осиё ва Хуросонда XIV-XV асрларда кенг ёйила бошлади. *Суфийлик* мафкурасида унинг назарий ва амалий жиҳатларини фарқлаш лозим. *Суфийлар* амалиёти негизида, энг аввало, этикавий мажбуриятлар: Аллоҳ олдида қандай қилиб самимий, эзгу, сабрли, ҳалим, ҳалол бўлиш, ёвузлик қилмаслик, атрофдаги одамлар билан тотув яшаш ва ҳ.к. ётади. Аҳоли кенг оммаси ва, биринчи навбатда, жамиятнинг қўйи қатламларининг *суфийликка* қизиқиши катталиги шу билан изоҳланади.

Суфийликнинг назарий жиҳатини зуҳд, ғайб, пантеизм ташкил этади. Унинг назарий постулатларига кўра, инсон ёруғ дунёдаги ҳаёти ўткинчи ва тасодифий, жуда оз ва ёлғон. Шунинг учун, деб таъкидлашарди *суфийлар*, дунё ҳаёти қувончларидан воз кечмоқ зарур. Уларнинг тасаввурида «*суфий*» ягона ҳаётдан сўнг ўлиб, қайта ҳаётга келмайди, боқий дунёга ўтади; ана шу боқий ҳаётда бошқа ўлмайди».

Суфийликнинг дунёни ғайбий-пантеистик тушунишида Аллоҳ билан муносабатга эришиш вазифаси марказий ўринда туради. Бунга дунё неъматларидан, ўз «Мен»идан воз кечиш ҳисобига эришилади. *Суфийлар* Аллоҳ билан бирикиб кетиш учун *тўрт*: *шариат*, *тариқат*, *маърифат* ва *ҳақиқат* босқичларини ўтиши шарт бўлган. Ғайб оламида қонил бўлиш шартини бажариш учун ҳаёт лаззатларидан, дунё ишларидан воз кечиш ва ўзини Аллоҳ йўлига буткул бағишлаш зарур. Инсон риезат чекиши, узлатда яшаш керак. *Суфийлар* таъкидлашича, ички туйғу ва фикр равшанлашиши – ишроқ орқалигина Аллоҳ билан бирикиб кетиш мумкин. Бунда улар инсон ҳис-туйғуси ва ақл-идроки имкониятларини инкор қилганлар. Ана шу қоидаларни бажариб-гина *ҳақиқат*га етиш, яъни Аллоҳ билан бирикиш мумкин.

Суфийлик инсонда илоҳийлик билан дунёвийлик бирлигини кўради: дунёвийликни ўзига жо қилган инсонга тубан хусусиятлар хосдир; илоҳийликни ўзига жо қилган инсон ўз шахсини камолга етказишга интилади. Бунга Аллоҳ билан бирикибгина эришиш мумкин. *Суфийлик*нинг бундай позицияси Аллоҳни мутлақ билиб бўлмаслик ҳақидаги исломий позицияга зид бўлиб, исломнинг қатъий кўрсатмаларига мувофиқ келмайди. *Суфийлик*нинг «ўзлигини англаш йўлида камол топишга қодир инсоннинг ўзи ахлоқ андозаси, эзгулик ва ёвузлик аниқловчиси бўлган комил инсон» концепцияси ислом цивилизациясини маънавий ривожлантириш мазмунига айланди.

Суфийлик, энг аввало, ҳуқ-атвор таълимоти ва шундай бўлиб қолади, унинг барча доктриналари диний амалиётда ҳамда кундалик ҳаётда бевосита амалий қўлланишга қаратилган. Ибодат-маросим амалиёти оддий одамлар учун, сир ва мўъжиза иштиёқи каби қандайдир мукаддас нарса сингари, жозибадор бўлган рамзийлик ва киноявийлик асосига қурилган. Ўз ҳис-туйғуси ва кечинмаларини намоён қилишни истовчилар *суфийлик* маросимларидан бемалолроқ баҳраманд бўла оладилар. *Суфийлик* мусулмон валийларни дунёга келтирди. *Суфийлик* сулуқлари нуфузли вакилларининг азизлиги доктринаси оддий мусулмонлар, назарида авлиёларни Аллоҳ ҳузурида шафоат қилувчилар тарзида намоён қилди, зиёрат эса гўё оддий одамларни авлиёнинг олий замоний тажрибасидан баҳраманд этарди. Бу билан маҳаллий авлиё муайян сулук фаолият кўрсатаётган ижтимоий муҳит эҳтиёжларига жавоб бергандек бўлар эди. Одамлар авлиёларга уларга хос бўлмаган куч-қудратни ҳам, уларда мавжуд бўлган хусусиятларни ҳам нисбат берардилар.

Суфийлик сулуқларининг раҳбарлари (*шайхлар*, *эшонлар* ёки *пирлар*) расмий исломда бўлмаган жамоа маҳаллий руҳонийси ролини бажаришар эди. Муаллиф ўз олдида *суфийлик*ни интеллектуал оқим сифатида ҳар тарафлама тансифлаш мақсадини қўймайди, бироқ *суфийлик*нинг ижтимоий ҳаётга таъсирини ҳамда суфийлик на қадар уюшган ҳодиса эканлигини, диний тажрибани ёйиши ва умумлаштиришини тушуниб олишга интилади. *Суфийлик*ка исломшунос, файласуф, шарқшунос ва тарихчи олимларнинг асарлари бағишланган, бироқ умумлаштирувчи асарни топиш қийин. Шу боис муаллиф, энг аввало, суфийликнинг XIX-XX асрларда мусулмон жамиятидаги роли ва унинг сиёсий аҳамияти

кўриб чиқилган асарларга мурожаат қилиб, уларга таянади.

Ахлоқий покланиш – *мужоҳада*, тақво, зуҳд, нафс оркали *комил* инсон бўлиш концепцияси – Марказий Осиё мусулмонлари ахлоқига кирган. Бу ерда суфийликни «қалб дини» деб аташган, чунки қалбда Аллоҳ васлига етишдан ўзга мақсад йўқ. Қалб ва қўл поклиги, ижтимоий адолат одамларнинг Аллоҳ наздида тенглиги, инсоф ва биродарликни қарор топтириш – буларнинг бари ўтмишда ҳам диндорларнинг маънавий эҳтиёжларига ҳамоҳанг бўлган, ҳозир ҳам шундай. Энг йирик *суфийлик* усулларидаан учтаси: *Кубравия*, *Яссавия* ва *Нақшбандия* Марказий Осиёда пайдо бўлиб, ривожланди.

Суфийлик Марказий Осиёда чуқур илдизга эга. 12 асосий тариқатдан учтаси X асрдан бошлаб Марказий Осиёда юзага келиб, ёйилди ва шу ердаги давлатлар сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатди. *Тариқатлар* ибтидосида буюк шахслар турганди. Машҳур тариқатлар асосчилари Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд номлари муқаддас тутилди ва улар ўз юртларидан ташқарида ҳам авлиё саналадилар. Уларнинг ворислари ва издошлари амалий қобилятга, алоҳида маънавий фазилатларга ва ривожланган интуицияга эга одамлар бўлишган. Улар пири муршидлари айтган ҳикматларни йиғиб юришган, уларнинг ҳаётига хос воқеаларни ҳикоя қилишган, ўз муридларига уларнинг мисолида таълим беришган. Аста-секин ҳақиқатан яшаган, мухлислар томонидан авлиё деб қабул қилинган шахслар таржиман ҳоли таркиб топган.

Ўрта Осиёлик суфийларнинг *тариқатлари* ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида ёйилди. Аҳмад Яссавий Марказий Осиёлик суфийлар асосчиси ҳисобланади. Ясси (Туркистон)да туғилган бу зот Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган. Туркистонга қайтгач, ярим ўтроқ ва кўчманчи халқлар орасида ўз сулуқини ёйган. *Тариқат* жорий бўлгач, *силсила* асрлар мобайнида давом этган. Маънавий алоқанинг бу занжири ўтроқ (форсийзабон) ва яримўтроқ ҳамда кўчманчи (туркийзабон) аҳоли муҳитида мавжуд бўлган. *Яссавия* исломгача бўлган эътиқод ва культларни ўз ичига олиб, уларни исломга мослаштириб, муқаддаслаштира олган. Турк машойихларининг узун силсиласи Аҳмад Яссавийнинг пири Юсуф Ҳамадонийдан бошланади-ки, унинг ғояларини XIV асрда Баҳоуддин Нақшбанд ривожлантириб, нақшбандия тариқатига асос солган. Учинчи тариқат – *Кубравия* XIII асрда Хоразмда

мутакаллим Нажмиддин Кубро томонидан яратилган. Нажмиддин Кубро Хоразмшоҳлар пойтахти мўғуллар ҳужумига учраган пайтда Урганч мудофеъларига ўз мавъизалари билан мадад бериб турган ва улар билан бирга ҳалок бўлган. Унинг издошлари тарикатнинг асосини ташкил қилдилар. Бу тариқат кейинчалик шохобчаланиб, асосан Кичик Осиё ва Хуросонда ёйилди.

Суфийликнинг Марказий Осиёдаги йўналишининг хусусиятлари: тавба, вараъ (пархез), узлат, зухд, фақр ва сарбдир. Бу хусусиятлар *Яссавия*, *Нақшбандия* ва *Кубравиянинг* кўплаб шохобчаларида, шунингдек Бектошия, Фирдавсия, Қодирия, Чиштия ҳамда усмонли турк салтанати ҳудудида ва Бобурийларнинг Ҳиндистондаги давлатида амал қилган бошқа баъзи тариқатларда ҳам кўзга ташланади.

Суфийлик қаландар дарвешлар дини эди, шунинг учун *дорул-ислом*нинг бир қисмида юзага келиб, бошқа қисмларига ҳам ёйилган. *Дарвешлик* диний, маданий ва, ҳатто, сиёсий ғоялар алмашув усули бўлганди. *Суфийлик* ҳокимиятнинг адолатсизлигини, мунофиқлигини, шафқатсизлигини танқид қиларди-ю, у билан ҳамкорликни инкор этмасди. Масалан, *Нақшбандия* тариқати «муршиди офоқ» (*А. Навоий*) – машҳур ва нуфузли пир Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валий томонидан таклиф этилган олий ҳокимият билан ҳамкорлик қилиш ғоясини олиб кирди. Совет даврида Марказий Осиё мусулмонлари Бош бошқармаси (мустақиллик йилларида – Ўзбекистон мусулмонлари идораси) тuzилгач, ҳозирга қадар ҳам Нақшбандия тариқати шайхлари *муфтийлик* вазифасини бажариб келмоқдалар.

Нақшбандия турмуш муаммоларидан қочмасликка даъват этган; тариқат *шайхлари* жамиятдаги зиддиятларни бартараф этиш учун ҳокимиятга ўз таъсирини ўтказишган; XV асрда улар ҳукмрон сулолалар вакилларига кучли таъсир кўрсатишган, уларни олийжаноб комил инсон идеалига даъват этишга ҳаракат қилишган. Сиёсий ҳокимиятга *суфийлик* тариқати таъсирининг намунаси Хожа Аҳрор Валий бўлиб, унинг ҳатто ҳукмрон сулола вакиллари жумласидан ҳам, минглаб *муридлари* бўлган. У яшаб, фаолият кўрсатган даврда Мовароуннаҳрда нисбатан тинчлик ҳукм сурган. Тарихий адабиётда тариқатнинг ва тариқат пирини Хожа Аҳрорнинг фаолиятини баҳолашдаги зиддиятлар Темурийлар ҳукмронлиги даврида *Нақшбандия* ва унинг арбобларининг сиёсий вазиятга таъсири ҳақида ҳукм чиқариш имконини бе-

ради; зотан, бу – мафкуравий таъсиргина эмас эди. Унинг сиёсий таъсири ҳокимиятга тазйик ўтказиш учун ўзининг кўпсонли мухлисларини сафарбар қила олганлиги билан белгиланган.

Хожа Ахрор сиймосида *Нақшбандия* маънавий нуфузга эга шахсларнинг сиёсатга аралашуви анъанасини қарор топтирди; тариқат «Оламда маънавий вазифани бажариш учун сиёсий ҳокимиятни истифода этмоқ лозим» шиорига амал қилиб иш кўрди. Бу амалиёт Марказий Осиё давлатларининг сиёсий ҳаётида кейинчалик ҳам мустаҳкам қарор топди, тариқатнинг деҳқонларга ва шаҳар ўрта ҳамда куйи қатламларига таъсирини ҳис этаётган ҳозирги қўшни мамлакатларда ҳам ҳукм сурмоқда. Тожикистон Ислом Уйғониш партияси раҳнамоларидан бири Акбар Тўражонзода ҳам *Нақшбандия эшонзодаларидандир*, Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний эса *Нақшбандия тариқати* шайхидир.

Бу ўринда *суфийлик тариқатлари* теологияси ва теософиясига ва уларнинг ўзаро муносабатига тўхталиб ўтишга зарурат йўқ, бироқ кўплаб суфийлик тариқатлари умумий ғоялар ва таълимотларнинг турли кўринишига амал қилганликларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Аммо ушбу тадқиқотда бошқа масалалар: биринчидан, *суфийлик*нинг ижтимоий негизи ва, иккинчидан, *суфийлик* тадқиқотларининг ташкилий таркиби қизиқиш уйғотади, чунки уларнинг ўрта асрлар жамиятидаги ижтимоий жараёнларга таъсирини айтиш шу омиллар белгилаб беради. Шунинг учун ҳозирги мамлакатларда *суфийна* диний амалиёт томонидан шакллантирилган турмуш тарзининг айрим хусусиятлари қанчалик сақланиб қолгани масаласи анъанавий жамият муҳитидаги ижтимоий жараёнларни ўрганишда долзарблик касб этади. *Суфийлик* тариқатлари инглиз олими Ж. Тримингем томонидан жамият ижтимоий таркибидаги системали институт сифатида таҳлил этилган бўлиб, биз *суфийлик* тариқатларининг секуляризациядан олдинги даврдаги ижтимоий ва диний вазифасини тавсифлашда ушбу манбага мурожаат қиламиз.

«*Суфийларнинг кўп гуруҳлари хонадонга хос тариқатни ташкил қилиб, бир уруғ аъзоларидан таркиб топарди. Бирон-бир тариқатга мансубликни аввалдан оилавий алоқалар белгилаб берарди, тоифа диний эҳтиёжларни қондириш тўғрисида ташвиш чекарди, ижтимоий ва бошқа вазифалар айтиш асосий вазифа билан боғлиқдир. Бирон-бир тариқат билан*

боғлиқ бўлган гўдак жамоа аъзоларини болаликдан танийди, *шайх* тайёрлаб берган туморни тақиб юради, онаси билан эса, шифо топмоқ ниятида, *тоифа* асосчисининг мазорини зиёрат қилади, шу ернинг ўзида *Қуръон* ўқишни ўрганади, унинг ҳаёти *тоифа*нинг азиз-авлиёлари ҳимояти ва ҳомийлиги остида ўтади ...

Айни маҳалда ҳар бир киши ва ҳар бир оила ўзи учун *тоифа*ни танлаши мумкин эди. Эски *тоифа* билан алоқани узиш учун сабаблар кўп бўлган. Булар: шифо топганлик шукронаси, кимгадир берилган қасамни бажариш, низо ... ва ҳ.к.дир.

Тоифа – ҳар қандай сулук кишилари, *тариқат* – унинг маънавий жиҳатидир. Бир *тариқат* доирасида кўплаб *тоифалар* бўлиши мумкин. *Тоифа* таркибан ҳунармандлар ва бирлашмалар – *футувага* ўхшаш эди ва уларнинг таркиби ҳамда поғоналари иқтисодий муносабатлар билан белгиланарди, лекин уларнинг барчаси диний вазифаларни ҳам бажарардилар, уларнинг низоми – *рисолалари* шундан дарак беради. Улар орасида алоқа бўлиб, *суфийлар* учун ижтимоий таянч ва моддий мададкор эдилар».

Суфийлар амалиётининг маркази *хонақо* ёки *завия* эди. *Шариат* асосида маросимларни бажариш инкор қилинмасди, чунки «илоҳий ҳидоят йўлидаги» солиқнинг мақсади Аллоҳга чинакам сиғиниш нимадан иборатлигини билиш эди. Сиғинишда мукаддас қонун (*шариат*) меъёрлари ҳамда кўрсатмаларига қатъий риоя этиш зарур эди. *Суфийлик* сулуки ҳақни изловчилар ва ижодий жазаба кишиларини жазб этар, шунинг учун кўплаб мусулмон шоирлар солиқлар эди. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Паҳлавон Маҳмуд – булар *суфийлик* билан боғланган шоирларнинг айримларидир.

Намангон шаҳридин кетсам, мени йўқлар
кишим борму?

Ғариблик шаҳрида юрсам, мени йўқлар
кишим борму?

Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса
йўлдошим,

Кўзимдан оқизиб ёшим, мени йўқлар кишим
борму?

Муҳаббат шарбатин ичтим, қозондек
қайнабон тоштим,

Бу фоний дунядин кечтим, мени йўқлар
 кишим борму?
 Тушубдур бошима савдо, рамузи рамузи
 ишқдин ғавғо,
 Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим
 борму?
 Турарга тоқатим йўқдур, юрарга ҳолатим
 йўқтур,
 Юракда ишқ ўти кўпдур, мени йўқлар кишим
 борму?
 Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай
 десам,
 Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар
 кишим борму?
 Бу мискин зор Машрабни киши ҳолини
 сўрмайдур,
 Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар
 кишим борму?

Бобораҳим Машраб

XVII асрда яшаб ўтган, ғазалларини барча севиб ўқийдиган мутасаввиф шоир Бобораҳим Машраб ҳаётни шундай идрок этган.

Сулукка қабул қилиш мартабисига эга *шайх* бўлмаган Абдураҳмон Жомий Нақшбандия *тариқатини* баён этиб берган. Алишер Навоий шуҳрат авжига етишган 35 ёшида сафо йўлини ихтиёр этди, Ҳиротда хонақо ва 90 работ барпо этди. Кейинчалик Навоий *суфийликнинг* комил инсон ғоясига берилди.

Суфийлик сулуклари билан боғлиқ аёллар шеърятни янги мавзулар билан бойитишди. Муҳаббат мавзуи Ҳаққа бўлган муҳаббат раизи бўлган шеърят билан бир қаторда эркак ва аёлнинг дунёвий муҳаббати мавзуи ҳам инсон руҳининг олий зуҳури, икки кишини боғлаб турувчи ва ҳаёт машаққатларини енгишда уларга куч бағишловчи улкан маънавий қадрият сифатида янгради. Робиа Балхий (XI аср) ҳамда Жаҳонотин Увайсий (XIX аср) шеърятни шундайлардандир.

Муҳаббат расмини билмакли ҳар жононадин
 келмас,

Висоли ёрни кўрмакли ҳар мастонадин
 келмас.
 Бўлурму ҳар кеча токим чироғи шамъ
 бедуди,
 Урубон шамъға жисмини ҳар парвонадин
 келмас.
 Кўриб Мажнун тан урёнасин таън этма
 Лайлиға,
 Ўтуб ўзлукни бобидин ки ҳар девонидин
 келмас.
 Дило, сен хуни дил қилма муҳаббат ошноси
 деб,
 Мурувват ҳам тараҳхум, билки, ҳар
 бегонадин келмас.
 Кел, эй зоҳид, топиб бир ёрни олдида жон
 бергил,
 Ки қурбон айламаклик ҳар маҳи тобонадин
 келмас.
 Дилидур маъдани мазмун барҳам бермагил,
 эй шўх,
 Келон табъики номавзуни, Вайсий ёнадин
 келмас.

Жаҳонотин Увайсий

Солиқлар кўпинча онласиз бўлишган, борлари эса онласи билан деярли яшашмаган, эркин жаҳонгашталик қилиб юришган. Аҳоли кам ерга келиб, узлатда яшаганлар, вафот этгач, уларнинг *мозори* зиёратгоҳга ва энг яқин манзил ҳамда унинг аҳолисининг мулкига айланган.

Соник *шайх* ёки *пир*га шогирд тушади. Баъзан улар *хонақода* истиқомат қилишган ёки дунёвий ҳаётни ҳам давом эттиришган. Устоз билан шогирд орасида алоқа кучайган, бир устоз шогирдлари ўртасида мулоқот юзага келган ва улар *биродарлар*га айлана боришган.

Суфийлик сулуқларининг ташкилий таркиби ибодатнинг учта изчил босқичини: *хонақо*, *тариқат*, *тоифани* акс эттирган. Хонақо жамият ҳаётини бошқарувчи қоидаларга оз бўлса-да муҳтож бўлса, иккинчи – *тариқат* босқичида назария – маросим ва ибодатни ўтказиш қоидалари ва услублари ишлаб чиқилган. *Тоифа*-

да эса таълимот ва рисола билан бирга, сулук аъзолари ўртасидаги муносабат тартибга солинган. *Тариқат*лар негизида азизавлиёлар култи билан чамбарчас боғланиб кетувчи сон-саноксиз сулуклар ажралиб чиқади. Тоифа мураббийга (устозга) ва руҳан яқин шогирдлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган табиий эҳтиёж *туфайли* юзага келган. Бирок тоифада таназзул хусусиятлари мавжуд эди. Сулук маросимлари *суфийни* жамоавий амалиётга мослаштирган ҳолда конформизмга мойил қилиб, ижодкорликни бўғарди, кейинчалик эса *шайх (пир)*нинг мураббийлиги золимликка айланарди. XX аср сулуклари *шайхлари* ўз муридларини маънавий қулга айлантирдилар. Бу пайтга келиб *суфийлик* ўз маънавий мазмунидан маҳрум бўлди, номи-ю қоида ва маросимларининг қобиғигина қолди. Шу тариқа *суфийлик* киритган барча янгилıklar вaкт ўтиб қолпга айланди.

XIX аср охири ва XX аср бошидаги суфийлик сулукларининг асосий тaшқилӣ хусусиятларини кўриб чиқайлик. Улар қуйидагилардан иборат:

- *тоифа* шайхга иродат қилиш қоидаcига ва унинг ҳукмига сўзсиз итоат этишга асосланади;
- *тоифа* поғонали (иерархик) қоида асосида қурилган ривожланган уюшмадир;
- *тоифа* таркибан икки даражага эга; бу – ихлосманд *дарвешлар* ва жамоанинг мухлис одамлари. Дарвешларнинг сулукка кириши алоҳида мураккаб қабул маросими асосида кечган. Жамоа аъзолари Қуръонни ўртага қўйиб қасам ичиши етарли бўлган.

Танқолик ва басорат онлари

Айрим олимлар фикрича, XIX асрда исломнинг, хусусан *суфийлик* тaшқилӣ таркибининг тоифа кўринишида мустаҳкамланиши мусулмон оламига жиддий талафот етказган Ғарб экспансияси билан боғлиқдир. Юқорида эслатиб ўтилганидек, *вахҳобийлик* ҳаракати Аллоҳнинг бирлиги ва афзаллигини шубҳа остига қўювчи маросимларга қарши ҳамда *бидъат*га қарши чиқди ва илк исломдаги содда маросимларга қайтишни талаб этди. *Жиҳод* исломнинг буюк арбоблари маънавий кучидан ғаразли

мақсадда фойдаланувчиларга қарши уруш, деб талқин қилинди. Улар азиз-авлиёлар мақбараларини, шу жумладан Ҳусайн ибн Али мақбарасини вайрон қилишди, ўз фаолиятларини азиз-авлиёлар мақбаралари билан боғлиқ ибодатни муҳим маросимлардан бири деб ҳисоблайдиган *суфий* сулукларга қарши қаратишди.

Айни маҳалда Мағрибда ҳамда Жанубий Осиёда зоҳидлик ва узлатнишинлик қоидаларини рад этиб, оддий одамлар орасида амалий фаолиятни кучайтирган айрим суфийлик сулуклари мустаҳкамланиб, янгиланиши жараёни бўлиб ўтди. Улар анъанавий мураббийликни инкор этиб, яқка ҳолдаги ғайб «йўли»га ишонмадилар. Баъзи *суфийлик* сулуклари ўз фаолиятини халқ ичида ислом мавқеини ижтимоий қуйи қатламлар орасида ёйилган зиёрат орқали мустаҳкамлашга қаратдилар. Зиёрат совет даврида ҳам, айниқса, аёллар орасида, диний амалиётнинг муҳим элементларидан бирилигича қолаверди. Марказий Осиё ҳудудида қадамжолар кўп эди. Ўшдаги Тахти Сулаймон, Туркистондаги Ҳожа Аҳмад Яссавий, Бухородаги Нақшбанд мақбараларидан ташқари зиёрат учун маҳаллий азиз-авлиёлар қадамжолари ҳам бор эди. Тарихчи Назира Мирзахўжасева қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Бувим қадамжо мазор шайхлари оиласида туғилганлар. Энди ўйлашимча, уларнинг оиласи *суфийларнинг Нақшбандия тариқатида* бўлган. Бева қолганларида, ўшанда ёшлари 30ларга бориб қолган экан, отинлик фаолиятларини бошлаган эканлар. Улар саводли диндор ва, маълум маънода мутаассиб бўлганлар. Улар динда шу қадар собит бўлганларки, озгина суҳбатлашган одам таъсирларига тушиб қоларди. Машаққатли йилларда айнан дин уларга умид бахш этиб келган. Ишончу эътиқодлари кучи билан хаста одамни оёққа турғазга олганлар.

Энди болалигимни эсласам, шунақа ишлар бўлганига ишонгим келмайди. Мен ҳеч қандай диншунослик китобида ҳеч қачон ўқимаган қанақадир сирли имо-шиораларни ва махфий маросимларни билардим. Бувим иккита пичоқни олиб, афсун ўқирдилар, сув ва унга дам солардилар. Балки, эсдаликларингда ошириб юбормоқдасан, дерсизлар, лекин айнан шундай бўлган эди. Улар шу ишлар билан шуғулланиш учун Тошкентда *Ҳастимом* яқинда яшаган *пирдан* фотиҳа олганликларини айтгандилар. 1920-йилларда бувим хотин-

қизлар учун очилган Ҳаёт мактаби деб номланган совет мактабида ўқиганлар, лекин уни тугатмаганлар.

Эрлари вафотидан кейин ёш болалар билан қолиб, тикувчилик, каштачилик қилиб кун кечиришга мажбур бўлганлар, кейинчалик отинлик қилганлар. Шаҳарда донг таратган эдилар. Фақат маҳаллада эмас, бутун шаҳарда маросим, расм-русмларни ўтказар эдилар. Овозлари ғоят ёқимли, хотиралари яхши эди, шунинг учун бир-икки соат эмас, балки уч-тўрт соат мавлид ўқирдилар, чунки фақат Қуръони каримни эмас, балки кўплаб диний ғазалларни ҳам ёддан билар эдилар. Аҳмад Яссавий ва Бобораҳим Машраб ғазалиётини айнан бувимдан илк бор эшитганман.

Мен улар ўтказган мажлисларнинг гувоҳи бўлганман. Уларни ҳамма отинлар ҳам ўтказа олмасди. Сандиқлари бўлиб, баъзи-баъзида кўз ташлаб турардим, чунки сандиқда сақланадиган қанд-курс урушдан кейинги болалик давримда анча ноёб нарса эди. Шу сандиқда араб ёзувидаги бир нечта китобни ҳам кўрганман. Уларнинг ҳар бири шойи халтада, бир бўлак матодан қилинган ғилофда турарди. Кечқурунлари бу китобларни ўқирдилар. Қиш кунлари оёғимизни иссиқ сандалга тиқиб ўтирганларимиз эсимда. Курси устида мева қоқи солинган катта баркаш турарди, яқинимизда мушук хуриллаб ётарди ...

Бувим билан қадамжоларни зиёрат қилиш ҳаммадан ҳам кўпроқ ёқарди менга. Ёз кунларининг бирида саҳарда туриб, Бурчмулладан (бу ерда бувим билан уларнинг шогирдлари бўлган бир қизнинг уйида яшаб турган эдик) Обираҳмат томонга йўл олдик. Ҳозир у жой Чорвоқ сув омбори тагида қолиб кетган. Ҳамма назру ниёзни саватга солиб, боғлаб олинган эди. Ҳар биримиз тугунларимизни бошимизга қўйдик-да, йўлга тушдик. Тоғ сўқмоқларидан юриб, у ерга тезда етиб борамиз, деб ўйлаган эдик. Кун ёришиб кетган бўлса-да, қуёш тоғлар ортидан кўтарилмаган эди. Енгил туман босган кўм-кўк тоғлардан тоза ҳаво уфурарди, тонги шабнамдан йўл намиқиб қолганди, ҳаво ўт ва ёввойи тоғ гулларни бўйига тўлган эди. Пешинга яқин манзилимизга етиб бордик. Обираҳмат – чуқур дарада кўзга ташланмайдиган чоғроқ кишлоқ бўлиб, бор-йўғи бир нечта хонадон бор эди.

Мозорнинг ўзи қанақа эди? Бир нечта қабр, улкан дарахт бўлиб, унинг соясида булоқдан сув қайнаб чиқиб турарди,

шунинг учун ҳам мазор «Обираҳмат» дейиларди. Мазор ёнидаги хонадонда шайх истиқомат қиларди. Ҳовлида катта ўчоқда қозон осиглиқ турар, ҳозиргина унда олов ёнгани маълум эди. Булоқ атрофидаги ер топталган. Учи шохлаб ётган асрий дарахт янгидек ва нафас олаётгандек туюларди, чунки шаббода унинг шохларига боғланган юзлаб оқ ва турфа ранг латталарни ҳаракатга келтирар, улар дам титраб турар, дам қотиб қоларди.

Бизнинг зиёрат мурод ҳосил бўлиши учун бувим қурбонлиққа келтирган хўрозни сўйишдан иборат эди. Мазор ходими тиловат қилиб, қурбонлиқни бажо келтирди, хотини таом тайёрлашга кетди. Бувим ходим билан бирга булоқ олдида намоз ўқидилар, бизлар эса бир нечта рангли тасмани дарахтга боғладик. Дарахт ва булоқ атрофи ўраб қўйилган, у ер муқаддас ҳисобланарди. Бу ерда таҳорат олиб, намоз ўқийдиган жой ҳам бор эди. Бувим назру ниёз, пул бердилар, эртасига эса шайх бизларга бир нечта тумор берди. Шу куни мазор ходимининг хонадонда тунаб қолдик. Бу ерда меҳмон кутиш учун ҳамма нарсаси тахт эди, бизга супага жой солиб беришди. Ҳовлида ётдик. Бувимлар бу ерда кароматли туш кўриш мумкинлигини айтгандилар, мен оиламиз ва ўзим учун муҳим нарсалар ҳақида ўйлаб ётиб, анчагача ухлай олмадим.

Тоғда юлдуз чарақлаб кўринар, тун зимзиё эди, кўтарилаётган ой нури тоғлар кўланкасинигина ёритиб турарди. Мўъжизаталаб кўнгил хапқирарди. Бу хотира, кечагина бўлганидек, мен учун жонли эди. Юлдуз тўла самога тикилар эканман, чексиз оламда ўзимнинг ҳақир бир зарра эканлигимни ҳас этардим. Қандай ухлаб қолганимни билмайман. Субҳи содиқда фаройиб туш кўрибман: чарчоқ нималигини билмай тоғу тошда юрган эмишман, остимда шовқин солиб оқаётган дарё устидан учиб ўтаётганмишман. Қандайдир жаранг ва товуш томон учиб кетаётган эмишман. Шу пайт мени уйғотишди, кўзим кўтондан чиқиб, яйловга кетаётган, кўнғироқчалар осилган кўй-сигирга тушди. Уй бекаси куймаланиб, нонушта тайёрлаётган экан.

Мен (тарихчи бўлганим учун) кўплаб машҳур ва номи кам чиққан қадамжоларни зиёрат қилганман. Бегим кунларда, ҳайит кунларида буюк шаҳарларда ва кўпчилик билмайдиган қишлоқларда маҳаллий азиз-авлиёлар қабрларини, номи

афсонага айланиб кетган валийларнинг мактабларини кўрганман. Доим зиёратчилар билан учрашганман, уларнинг кўпчилиги аёллар бўларди. Улар ҳар ерда ва ҳар доим дарддан, бепуштлиқдан халос этишни илтижо қилишарди, фарзанд ёки ўғил сўрашарди, кундошдан ва бошқа бало-қазодан омонлик тилашарди. Азиз-авлиёлардан муродлари ҳосил бўлишида шафоат қилишни сўрашарди. Ўтмишда зиёрат, суфий учун зикр сингари, азиз-авлиёлар руҳи билан мулоқот, покланиш, истиғфор усули бўлганди. Ҳозирги зиёратчилар (ҳар ҳолда, уларнинг кўллари) учун зиёратдан мурод бўлар эмас. Зиёратгоҳларга ҳасрат-надоматда қолганлар умидвор бўлиб келишади. Ҳозирги дунёда маънавий илҳом ва маънавий мулоқот-нодир, деярли эришиб бўлмайдиган қувончдир».

Зиёрат тикловчилик *суфийлик* сулукларида одамларни жалб қилиш ва уларга таълим бериш услубларидан бири бўлганди. Айрим олимлар бундай сулукларга Жанубий Осиёда кўплаб ихлосмандлари бўлган *Жамияти Таблиғи* ҳам киритишади. Ҳозир бу сулук мухлислари Марказий Осиёда ҳам бор.

Суфийлик жамоалари раънақ ва таназзул даврларини бошдан кечиришган, улар бир-бири билан мунтазам ўрин алмашиб келган. Ёзма манбалар билан тасдиқланган қуйидаги факт бу жамоаларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнидан дарак беради: сулукка мансуб кишилар гуруҳи орасида ўзаро мададкорлик ҳукм сурган. Солиқлар қаерда бўлишмасин, ўз одамларининг мадади ва меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлишган.

Тоифа таркибини кўриб чиқайлик. *Тоифага шайх* (туркий хуудларда *пир*) раҳнамолик қилади. *Шайх* – тариқат пирининг маънавий вориси, пирнинг илоҳий кучи – *баракоти* шайхга мерос бўлиб ўтади. *Шайх* сулукнинг минтақавий раҳнамоси, халифани тайинлайди, у сулукка янги солиқларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Халифанинг бевосита ёрдамчиси *нақиб* бўлган. Маҳаллий жойларда *муридлар* раҳнамолик қилишган. Улар, одатда, янги қабул қилинган солиқларга устозлик қилишган. Маҳаллий жамоа аъзолари «қасам ичган» *муридлардан* иборат бўлиб, улар кўпинча *дарвишга* айланишган. Улар кўпчилик бўлмаса-да, сулукнинг асосини ташкил қилишган. Қасам ичмаган дунё одамлари – солиқларга *халифага* садоқат тўғрисида қасамёд қилганидан сўнг сулук маросимларида қатнашишга рухсат берилган. Бироқ улар чинакам *суфийлик* таълимини олишмаган,

шайх ҳукмига бўйсуниб ва халифа ҳамда дарвишлар раҳбарлигида оддий ҳаёт кечиришган.

Айрим сулукларга дунёвий солиқ сифатида аёллар ҳам қабул қилинган. Халифалар, нақиблар ва муридлар ўз ваколатлари ва малакаларини тасдиқловчи, сулук раҳбари номидан суфийлик амалиёти билан шуғулланишга имкон берувчи махсус гувоҳнома – *ижозат* олишган. Тоифа азиз-авлиёлар култига тўла қўшилиб кетиб, ундан оддий халқнинг диндорлигини ифодалаш усули сифатида фойдаланила бошланган, чунки кўпчилик одамлар учун меъёрлар ва маросимлар диндаги энг муҳим нарсалардир.

Яллоқ билан юзма-юз

Расм-русмларда қатнашиш биров бўлса-да жамиятга қарши туриш ёки унинг тазйиқидан нари кетиш истаги билан бир оз бўлса-да кишиларнинг ички эҳтиёжларига жавоб берарди. Сулуклар ортодоксал ислом билан норасмий боғланган эдилар. Ортодоксал ислом норматив дин бўлса, суфийлик инсоннинг динга жозиба ва уйғунлик бахш этувчи ибодатлар, байрамлар, расм-русмлар эҳтиёжига жавоб берарди, натижада дин диндорнинг руҳий мувозанати учун фароғат бахш этарди. Суфийлик инсон ҳис-туйғусига, кечинмалари оламига мурожаат қиларди. Суфийликнинг вазифаси шариатнинг ички маъносини очиб бериб, уни диндорга етказишдан иборат қилиб белгиланарди. Улар диний амалиётнинг жоду, масжидларда, ғорларда, булоқлар ёнида дуо-фотиҳа қилиш ва ҳ.к., зиёрат, назр-ниёз, қурбонлик қилиш, ривоятларни ўқиш ёки айтиб бериш каби турфа усулларида фойдаланишарди. Улар билан боғлиқ маросимлар мусулмон меъёрига мослаштирилган, маросим билан боғлиқ рақслар зикрнинг хилма-хил турига айлантирилганди. Халқдан чиққан ҳамда нафси амморани жиловлаш ва фақр йўлини туттишга онт ичган дарвиш халқнинг бир қисми бўлиб, ўз зухди билан эътибор топганди. Машҳур дарвишлар кўпчилик учун дунё зўрларидан қўрқмайдиган комил инсон намунаси эди.

Эй кўнгул, келким бало базмида жоми ғам
тутуй,

Ўз қатиф ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

Йиғлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб
қаро,

Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзим бу дам
тутай.

Олам аҳлиға неча қилдим вафо, кўрдим жафо,
Эй кўнгул, келгилки тарки жумлаи олам тутай.

Алишер Навоий

Шу ерда инглиз тадқиқотчиси Ж. Тримингемнинг *суфийлик*-нинг маданий аҳамияти тўғрисидаги изохини келтириш ўринли:

«Алоҳида одам учун диний амалиёт кундалик меҳнат машаққатларидан халос бўлиб, кейин роҳат қилиш воситаси эди. Дуои-фотиҳа, азайимхонлик ва сеҳр-жоду маросимлари қалбларга ва эҳтиросларга фароғат бахш этарди. Зиёратчилар руҳий ва жисмоний дарддан фориғ бўлиш учун қадамжо бўлган мазор бошига келишарди, буларнинг бари салбий энергияни чиқариб ташлашга, шахсий барқарорликни шакллантиришга ва, пировард натижада, ижтимоий барқарорликка кўмаклашарди».

*Суфийлик*нинг зикрдан ташқари умумэтироф этилган маросимларидан бири *мавлиди шариф*дир. У *суфийлик*да Расулulloх культининг алоҳида шаклига айланган. *Суфийлик* Пайғамбарни халқ тушунчасидаги мўъжизакорга айлантирган ҳамда Мухаммаднинг Қоинот посбони ва мухофиз тарзидаги культини юзага келтирган. *Мавлид* – Пайғамбар туғилган кунлари диндорларнинг қофияланган наср ёки назмда битилган махсус матнларни ўқийдиган қори иштирокидаги йиғилиши тарзида ўтказилади. *Қадам-жоларда, мазорларда* мавлид катта байрамга айланиб кетар, уларда зиёратчилар иштирок этишар, қурбонлик қўйлар сўйилар, бошқа назр-ниёзлар бериларди. *Мавлид* фақат Пайғамбар туғилган ойларида ўтказиларди, *суфийлик* ёйилган барча мамлакатларда оммалашиб кетганди. Машриқ билан Мағрибда *мавлидни* ўтказиш шакллари фарқ қиларди. Кўп мамлакатларда бу маросимда эркаклар ҳам, аёллар ҳам иштирок этишади. Катта байрамларда ибодат матнлари билан кироат матнлари турлича бўлади. Байрамларда *Қуръони карим* суралари билан бирга маҳаллий тилда махсус матнлар ва *қасидалар* ўқиларди. *Мавлид* учун матнлар сулуқ асосчиларни ёки *шайхлар* томонидан ёзиларди.

Марказий Осиёда *мавлид* – аёллар диний амалиётининг муҳим элементларидан бири. Советларгача бўлган даврда *мавлид* *суфийлик* йўлига кирган эркаклар ва аёллар учун алоҳида маро-

сим бўлганди. Кейинчалик унда диний маросимни адо этишни истаган барча катнаша бошлаган. Бу одатий содда такводорликнинг камтарона байрами эди, кейинчалик унинг шакли қатъийлаштирила бошланди.

Андижон вилоятида аёллар ўтказадиган *мавлидни* элшунос (этнограф) Нодира Азимова қуйидагича тасвирлайди:

«Байрам 1999 йилда Ойим қишлоғидаги маҳаллалардан бирида аёллар орасида ўтказилаётганди. Маросим кун бўйи ўтказилди (пешинда бошланиб, қош қорайгандагина тугади). Йиғинда уй бекасининг қўни-қўшнилари ва қариндош-уруғи бўлган 20дан зиёд аёл қатнашди.

Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг туғилган кунлари ҳижрий-қамарий рабиъул-аввал ойининг 12-кунига тўғри келса-да, ой давомида ўтказилиши мумкин. Аёллар орасида мавлидни, уй эгаларининг таклифига биноан, кўпчилик бўлмаган, одатда, ўзаро таниш аёллар учун отин ўтказади. У жуда кенг ёйилган маросимдир. Аёллар бир-бири билан аралашиб, бундай йиғинлар уларнинг яқинлигини, тенглигини ва бирдамлигини ифодалайди. Одатда, мавлид бошлангунича дастурхон тузалади ва аёллар бироз тамадди қилиб олишади. Дастурхон йиғиштириб олиниб, отиннинг олдида катта сочиқ ёзиб, очилмаган қадоқланган чой, қанд солинган ликопча, катта косада бироз шира солинган сут, туз, шам, атир ва исириқ шохи, шунингдек майиз, ширинликлар, кўзгу ҳамда ҳар хил нон солинган яна бир патнис қўйилгач, мавлид бошлангани айтилади. Мавлиднинг баракоти шу нарсаларнинг барчасига ўтади, деб ҳисобланади. Одатда, отин яхши кийинган катта ёшли аёллар қуршовида ўтиради. Ҳамма аёллар бошига рўмол ўраган: ўрта ёш жувонлар одатдаги гулли рўмол ўрашади, катта ёшлилар гулли рўмол устидан катта рўмол ташлаб ўтиришади. Отин эса бошига сидирға рангли рўмол ўраб, устидан катта оқ рўмолни алоҳида ташлаб ўтиради, шунинг учун уни бошқа меҳмонлардан дарҳол ажратиб олиш мумкин. Келинлар уларга хизмат қилиб, дастурхоннинг этагида, эшикка яқин жойда ўтиришади.

Мавлид Қуръон кироати, Аллоҳга муножот ва ҳамду сано-лар билан бошланади. Отин хонадонга баракот тилайди, тиловат қилиб, аждодларни ёдга олади. Сўнг бир-бир ярим соат мавлиди шариф ўқилади. Ҳар бир дам олишда аёл киши

сут солинган косани даврада айлантиради, ўтирганларнинг ҳар бири боқий ҳаётдаги шароб антахурнинг рамзи бўлган бу сутдан ҳўплашади. Коса, одатда, даврада 3 ёки 4 марта айлантрилади. Мавлиди шариф – яралмиш абадий ва боқий хилқат, пайғамбарга ворислик тўғрисидаги достон. Достоннинг авж нуқтаси, энг тантанали қисми Пайғамбар таваллудлари ҳақидаги ҳикоядир. «Пайғамбаримиз таваллуд топдилар» деган ёки шунга ўхшаш гап айтилганда ҳамма ўрнидан туриб, «Марҳабо» дейди, шунда сочик ёпиб қўйилган патнисларнинг усти очилади.

Қироат давом этади, матнда Пайғамбаримиз ҳаётларидан турли лавҳалар баён этилади. Мўъжиза ва эзгу ишларга алоҳида эътибор берилади. Қироат тугагач уй бекаси ёки унинг қизлари ва келинлари ўтирганларга исириқ тутатишади, тайёрлаб қўйилган атир ҳар бир аёлга узатилади, улар боқий ҳаётда фаришталар топиб олиши учун кийимига ва бўйнига бир неча томчи атир суртишади. Кўзгу ҳам қўлдан-қўлга ўтади, ҳар бир аёл унга боқиб, боқий дунёда Пайғамбар жамолини кўришдан умидвор бўлиб, уни ўпади. Нон, ширинлик, майиз, чой, туз ва бошқа маҳсулотларни ҳамма хотинлар бўлиб олишади, мавлид охирида тортилган паловни эса иккита ёпган нон орасига солиб, мавлиди шариф баракотидан оила аъзоларини ҳам баҳраманд қилиш умидида уйга олиб кетишади. Аёллар нарсаларни уйга олиб кетгани хонадон эгалари Аллоҳ ризолиги йўлида қилган хайр-эҳсонлари учун миннатдорчилик ҳисобланади.»

Мавлиднинг бир қисми кўпчилик аёллар тушунмайдиган араб тилида ўкилади, сўнг отин шеърни, Пайғамбар мўъжизалари ва эзгу ишларини ўзбек тилида гапириб беради. Мавлидда қатнашиш фахрли мажбурият ҳисобланади, мавлидда бўлганлик эса аёллар учун боқий ҳаётга эришишни англатади.

Маросим тугаб, *мавлидда* иштирок этганлар патнисда қолган нарсаларни бўлиб олишаётганда уй бекаси *отиннинг* хизмат ҳақи бўлган пул қўйилган патнисни олиб киради, патнис даврада айлантрилиб, ҳар бир аёл атаганини унга солади, сўнг патнис *отинга* узатилади. Уй бекаси *отинга* ширинлик ва бошқа нарсалар солинган тугун тайёрлаб беради ва у йиғинни тарк этади.

Ҳозир эркаклар орасида ҳам *мавлид* ўтказиш одат тусига кирмокда. У айрим масжидларда ўтказилмокда. Аёллар учун

мавлид мулоқотнинг, бир-бирини янгиликлардан хабардор қилишнинг, кундалик муаммоларни муҳокама қилишнинг яна бир усулидир. *Мавлид*дан исломчилар ҳам, ўз ғояларини аёллар орасида ёйиш учун, фойдалана бошладилар.

Аёлларнинг *суфиёна* маросимлари каторига, *мавлид*дан ташқари, *Биби сешанба* ва *Мушкул қушодни* киритиш мумкин. Бу маросимларни ўтказиш пайтида аёллар йиғинида *холвайтар*, *шавла* пиширилади, етита нон ёпилади. Йиғин маҳали биргаликда тиловат қилинади, айрим ҳолларда жамоа бўлиб намоз ўқилади. Баъзан шундай йиғинлар пайтида қурбонликка хўроз сўйилиб, ундан палов, кўпинча *шавла* тайёрланади. Ибодат тугагач, мурод ҳосил бўлиши учун олдиндан тайёрлаб қўйилган пилик ёқилади; уй бекаси йиғинни ўтказиб бергани учун *отинга* рўмол ва бир кийимли газлама совға қилади.

Бундай расм-русмлар ҳамма жойда тарқалган бўлиб, Марказий Осиёнинг деярли барча минтақаларида ўтказилади. У аёллар мулоқотининг оммалашган шакли бўлиб қолмоқда, уларга рухий таскин топиш имконини беради, уларнинг рўшнолик кўрмаган оғир ҳаётида ҳамда зериқарли меҳнатида гўзал воқеа бўлиб қолади. *Суфиёна* маросимлар орзу-умидларни ҳамда эзгу ниятларни ифодалаш усули, кундалик ташвишларни муҳокама қилиш жойи эди, улар шунинг учун ҳам куйи ижтимоий табақалар ҳаётида сақланиб қолмоқда ҳамда унинг бир чекасини тўлдирмоқда, *отин* учун эса улар ижодий ва ижтимоий фаолият шакли, муҳаббат ва ишончни намоёйиш қилиш усули, айрим отинлар учун эса тирикчилик манбаи бўлиб қолмоқда.

Тангоим мени не айласа, бечора турурмен,
Бечоралиғимдин эла афсона турурмен.
Номус этарлар кўруб ул хору хасимни,
То мурғи маломатларға кошона турурмен.
ЎРтанса вужудим бори токим ажаб эрмас,
Бир шамъи руҳим парвона турурмен.
Ҳеч ким мени обод эта олмас бу жаҳонда,
Ул нахну қасамнодағи ваёрона турурмен.

Жаҳонотин Увайсий

Эътиқодга ташналар учун ...

Бутун жамият диндор бўлган шароитда дин инсон фаолияти-нинг омуктаси эди. Тариқатлар жамиятнинг турли қатламлари, динлар, уруғ-аймоқлар ёки косиб-хунармандлар уюшмалари билан алоҳида муносабатда бўларди. Тариқатлар одамларни умумий маънавий ришталар билан боғлар, шунинг учун ҳам ижтимоий кучга айланган эди. Айрим тариқатлар сарой ва уламоларнинг ҳомийлигидан баҳраманд бўларди, бошқалари шаҳар ва қишлоқларда ихлосмандларга эга эди. Масалан, *Нақшбандия* тариқати асосан шаҳарликларни – хунармандлардан тортиб зодагонларгача бирлаштирган; *Яссавия* – Марказий Осиёда кўчманчилар орасида ихлосмандларга эга бўлган тариқат; *Бектошия* тариқати ихлосмандлари Туркияда қишлоқ аҳолиси жумласидан бўлган ва х.к. Солиқлар ўзаро ёрдам кўрсатардилар, беморларни даволардилар, мусофирларга бошпана беришарди. Кўпинча хунармандлар уюшмалари, савдогарлар жамиятлари ва ҳоказо янги ижтимоий ҳамжамятлар юзага келишига сабабчи бўлишарди.

Табақалардаги тафовутларни бартараф этиб бўлмайдиган жамиятларда қуйи қатламларга мансуб кишилар ҳаёти жуда чекланган эди, натижада *тоифа* инсонга табақавий жарликни енгиб ўтишда кўмаклашадиган восита бўлганди. Деҳқоннинг ёки хунарманднинг *дарвишига* айланган ўғли *дорул-ислом* бағрида дўст ҳам, ризқ ҳам топарди. *Тоифалар* раҳбарлари бўлмиш *шайхлар* жамиятда воситачилик ҳам, ҳакамлик ҳам ва, ҳатто, қозилик ҳам қилишарди. *Нақшбандия* тариқати вакили Хожа Аҳрор Валий XV асрда Темурийлар давлатида барқарорлик ҳукм суришида кўп хизмат қилган.

Суфийликка кўра, олий эркинлик – Аллоҳдан бошқа барча нарсадан беҳожатлик. Бошқача айтганда, фақат Аллоҳдан тўла ҳожатмандлик. Ҳазолийнинг ҳикматли гапи бўлиб, унда: «Тарк этганда сен тарк этмадинг. Аллоҳ тарк этди», – дейилади. *Суфийликда* «эрк» тушунчасининг «дин» тушунчаси билан муносабати қандай? *Суфийлар* диндан инсон маънавиятига, унинг ботиний дунёсига зулм қилиш учун фойдаланишга қарши чиқишган. Улар барча динлар ва эътиқодлар тенглигини эълон қилишган. Ҳатто иблис ғоясини ҳам улар: «Аллоҳ, жойига кўра рангини ўзгартирадиган буқаламун сингари, турли шаклда намоён бўлади», – деб фалсафий жиҳатдан оқлашган. Ортодоксал

мутакаллимлар бундай фикрларни, айниқса, суфийлар ўз диний универсализмини ва плюрализмини асослаш учун Куръони каримга мурожаат қилганликлари боис, исён, деб ҳисоблашарди.

Ниқоби сунбулингдин таъни пинҳони
насами гар
Карам фазлидин ўлса то ҳувайдо бўса
гулфоми.
Дема, эй зоҳир аҳли, доимо бебода маст
ўлдунг,
Кўнгул боғида ғам мағбачасини илкида
жоми.
Туганмас донани ғам дил қушиға қувват ҳар
соат,
Қоча олман фироқидин умиди васл эрур
доми.
Кўруб расволиғим тонг этма, зоҳид, боғи
хуснида
Гирифтор этти Вайсий дилбарини чашми
бодоми.

Жаҳонотин Увайсий

Суфийлар диний плюрализмга риоя этган ҳолда, ҳар ким Ҳаққа ўз йўлидан бориш, ўз индивидуал этикодиға эга бўлиш ҳуқуқиға эғалиғи тўғрисида ҳулоса чиқарадилар: «Қанча нафс бўлса, Аллоҳ ҳузурига олиб борадиган йўл ҳам шунчадир, шунинг учун ҳар ким Аллоҳ ҳузурига ўз йўлидан боришға ҳақлидир». Бошқа динларға тоқат билан муносабатда бўлиш ва универсализм идеалларида *суфиёна* фалсафа гуманизми ифода-ланган. Унинг айни гуманистик йўналиши *суфийлик*нинг классик ислом мамлакатларида оммалашгани ва тарқалгани сабабини изохлайди.

Суфийлик – мусулмон мамлакатлари маънавий ва маданий меросининг бир қисми. Шеърят, мусиқа, меъморлик *суфийлик* таъсириға учраган. Панд-насихатдан иборат кўплаб диний қўшиқлар халқ шеърятининг ривожланиш омили бўлди, *хонақо*лар, азиз-авлиёлар марқаглари эса мусулмон мамлакатларда меъморликда алоҳида йўналиш бўлди.

*Суфий тоифа*лар аёлларни ҳам дунёвий аъзо сифатида диний фаолиятға тортишган. Улар диний жамоа аъзолари ҳисобланиб,

махаллий *муридлар* томонидан аёллар халкаларининг мураббийлари сифатида жалб этилганлар. Машҳур *суфий аёллардан* бири Робия Балхий эди. Унинг шеърнати тасаввуфга тўла, ўзи ҳақида эса афсоналар тўкилган. Бу афсоналарнинг ҳаммаси ҳам тўғри бўлмаса керак. Бироқ унинг шеърлари самимий ёзилган.

Азиз-авлиёлар мазорини зиёрат қилиш, *намоз ўқиш*, рўза тутиш, *мавлид ўтказиш* ва бошқа маросимлар каторида аёллар диний амалиётининг муҳим элементларидан бири бўлди. Мозорга назр-ниёз қилиш хотин-қизлар ижодиётини, шеърнати ва ҳунармандчилигини ривожлантирди. Аёллар касам ичиш, муроди ҳосил бўлганлиги шукронасини қилиш ёки дарду аламдан фориғ бўлиш мақсадида мозорга бориш учун махсус туморлар тайёрлашарди, кашталар, чойшаблар тикишарди. Кўпчилик маҳаллий суфий жамоалар аъзолари гиёҳлар ва маъданлар ёрдамида муолажа қилиш билан шуғулланишарди. Зиёратчиликнинг собит анъаналари диндорларни бирлаштирарди ва ҳозирга қадар ҳам ҳамма жойда, шу жумладан Марказий Осиёда бу анъаналарга амал қилинмоқда. Бугунги кунда диний амалиётнинг бир қисми сифатида адо этиладиган маросим ва расм-русмларнинг кўпи, *суфийлик* томонидан жамоа ичидаги маънавий алоқанинг ифодаси сифатида юзага келтирилган. *Тухфа* қилиш суфийлик туфайли жамоа аъзолари орасидаги алоқанинг намоён бўлиш шаклига айланди.

Суфийлик тариқатлари ўзининг узок тарихи давомида *дорул-исломни* кенгайтиришда буюк роль ўйнашди. Даъватчилик ишини *дарвиш* ва *қаландарлар* бажаришарди. Улар мамлакатлар ҳамда қитъалар сарҳадларидан бемалол ўтаверардилар. Азиз-авлиёлар мақбараларига эса аҳоли зич жойлашган водийларда ҳам, баланд тоғларда ҳам, одам кам учрайдиган дашту биёбонларда ҳам дуч келиш мумкин эди. *Дарвиш* ва *қаландарлар* уруш йилларида диний руҳни қўллаб-қувватлашда мададкор бўлдилар, *шайх* ва *тоифалар* эса Ғарб мамлакатлари экспансиясига қарши мусулмонлар ҳаракатининг олдинги сафларида бўлдилар. Бундай ҳолат Кавказда (*шайх* Шомил), Марказий Осиёда (XIX асрда рус истилочиларига қарши қўзғолонга раҳбарлик қилган *дарвиш* Хонтўра ва *шион* Муҳаммад Али Халиф) намоён бўлди.

Ортодоксал *уламолар* билан тариқатлар ўртасидаги муносабат *суфийликнинг* бутун тарихи давомида кескин бўлиб келди. *Суфийна* тариқатларга, уларнинг *шайхларига*, диний амалиётига

мунтазам ва қатъият билан душманлик қилиб келинди, бироқ муроса ҳам қилинардди, чунки *суфийёна* тариқатларнинг *шариат*га содиқлиги туфайли суфийлар ортодоксал муассасаларга мослашардилар; *шайх*лар ўз нуфузларини ҳадислар билан мустаҳкамлашга эҳтиёж сезишарди. Шунинг оқибати ўлароқ *суфийлик* ўзига хос диний ташкилот – *тоифа*ни юзага келтирди, у ортодоксал ташкилотлар билан тотувликда иш олиб борди, тариқатлар даромадлари давлат (вақф) томонидан назорат қилинардди. Баъзан катта даромадларни тасарруф этган *тоифа* ҳокимиятга ҳам эга бўларди, нуфузли *тоифа*лар раҳбарлари буткул дунёвий жамоаларга ҳам бошчилик қилишарди. Буларнинг бари *суфийлик*нинг таназзулидан гувоҳлик беради, чунки бу *шайх*лар мусулмон маънавиятининг яқкаю ягона очкичи бўлган ўзини ўзи камол топтиришнинг тасаввуфий йўли назарияси ва амалиётини унутган эдилар. Улар диннинг ҳақиқий қадриятларини қутқариб қолишга уринмадилар.

Рус мустамлакачи ҳукумати 1909 йилда қуйидагиларни қайд этганди:

«Ўтган ярим аср ичида эшонларнинг жамиятдаги нуфузи сезиларли даражада ўзгарди. Илгари эшонлар табақасига хурофий кўрқув билан муносабатда бўлган халқ ҳозир дарвишликнинг буюк вакилларини қоралашга ҳадди сиғиб, улар орасидан, истисно тариқасида, беғаразларини ва ҳақиқий саҳобийларни ажратмоқда; айни маҳалда тамаъгирлар ҳамда суфийлик таълимотининг ўзини тақводор қилиб кўрсатадиган ихлосмандлари қораланмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, шу вақт ичида маҳаллий халқ орасида ёт элатлар вакиллари, ғайритабааларга нисбатан уларнинг тоқатсизлик маъносидаги диний мутаассиблиги анча камайди. Сартларга диний раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган ахлоқий фазилатларга эшонларнинг ўзлари доим ҳам эга бўлавермайдилар-ки, аҳоли буни билади».

XIX аср охири – XX аср бошида Араб Шарқида илғор қайфиятдаги мумтоз табаканинг *суфийлик* тариқатлари тўғрисидаги фикри ёмонлаша борди, чунки улар тариқатни зўрайиб бораётган Ғарбдан анча орқада қолиб кетган мусулмон мамлакатлари учун жуда зарур бўлган илғор ислохотларга қаршилик кўрсатиш манбаи, деб билдилар. Исломи ислоҳ қилиш ғояси ёйила боргани сари илк ислом софлигига қайтиш, янгиликларни қо-

ралаш ва хурофотга қарши кураш бошланди. *Суфийлик* тариқатларига бундай айбловлар қаттиқ таъсир килди. Баъзилар *суфийлик*ни шахсий маънавий интизом қарашлари тизими деб ҳисоблаб, унга қарши чиқишди. Модернистлар кўп одам иштирок этадиган дабдабали маросимлар, расм-русмлар, маъракалар тўғрисида, жамоаларнинг маҳаллий аъзолари жоҳиллиги, мазорлардаги қурбонликлар ва назр-ниёзлар, қаромат кўрсатишдаги фирибгарликлар тўғрисида, сулуқларнинг оддий аъзоларини маънавий қулликда тутиб келаётган ҳамда уларнинг оилавий ишларига аралашаётган устозлар тўғрисида гап юритдилар, уларни шахс ташаббуси ва маҳаллий анъаналарни асоссиз тақиқловчи халқона исломга тарафдорликда айбладилар, хуллас, уларни тургунлик айбдорлари, деб ҳисобладилар.

Янги дунё мусулмон оламига мумтоз одамлар орқали кириб борди. Улар орасида *уламолар* ҳам бор эди. Ҳукуматларнинг модернизациялаш йўлини тутиши, *уламолар*, модернистлар ва ёш авлоднинг мазорлар ходимларига қарши чиқиши XIX аср охири – XX аср бошида барча мусулмон мамлакатларидаги ижтимоий ҳаракатнинг ўзига хос ҳодисаси бўлганди. Уларнинг айримлари – Миср ва Туркияда секуляризация жараёни илгари буткул дин билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва маданий соҳаларга дахлдор бўлди: фан, санъат, сиёсат ва иқтисодиёт мустақил бўлиб қолди. XIX аср ўрталарида ҳам ижтимоий фикр ёруғ дунёдаги ҳаётни абадийлик нуқтаи назаридан идрок этган бўлса, XX аср бошига келиб охираат ажру савобиға тобора камроқ ҳавола қилина бошланди, бинобарин, ғайбга бўлган эҳтиёж камайгани сари диннинг маънавий ҳокимияти қисқара борди. *Суфийлик* тариқатлари инқирозга учради ёки ўз тақдирини сиёсат билан боғлади.

Марказий Осиёда секуляризация жараёни анча кеч бошланди, секуляризация ва модернизм куртаклари XX аср бошидагина кўринди. Зиёиларнинг янги авлоди диний ўқув юртларида таълим олган бўлса-да, ўтмиш билан алоқаларни узиб, Туркистонни модернизациялаш учун кураш олиб борди. Даставвал, дунёвий мактаб масаласи қўйилди. *Жадидлар* маърифатпарварлик ишини олиб боришди ва ўз публицистикаси ҳамда адабиётида *мазорлар*га сифинишни ўтмиш таянчларидан бири сифатида қоралашди.

Совет даврида олиб борилган зўрлаб секуляризациялаш *суфийлик* тариқатлари батамом тугатилишига олиб келди. Лекин

улар унутилмаган экан. Уларнинг тажрибаси, ғоғоналари, расм-русмлари ва анъаналари яширин, қисман эса очик тарзда давом этиб келган жонли ўтмиш тарзида яшаб қолди. Диний онг анъанавий ғамиятда такрор намоён бўлиб турди. Модернизация жараёни юқоридан ўтказилиб, иқтисодий асос эса ўша-ўша патрархал муносабатларни такрорлагани боис ўтмиш барқарор ҳолда сақланиб қолди. Ғарчи суфийлик тариқатлари, диний мажмуадаги барча таркибий элементлар сингари, зўрлик билан тугатилган бўлса-да, унинг зарралари вақти-соати келгунча яшириниб ётган.

1950-йилларда ҳам *дарвишлар* учраб турарди, одамлар бу «зоҳид»ларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишарди. Менга бирга ишлаш насиб этган халқ усталари айтишларича, айрим машхур мазорлар махфий тикланиб, зикрхонага айлантириларди. Бироқ суфий авлиёларнинг ҳатто ташландиқ мақбаралари ҳам зиёратгоҳ бўлиб қолаверди. У ерда ўзини *шайх*нинг авлодидан, дейдиган одамлар яшаб юришган, назр-ниёзни қабул қилиб олиб, тегишли расм-русмни адо этишган. Улар одамлар қалби устидан ҳукм юритиб, дунёқарашига анча таъсир кўрсатишган.

Қишлоқлар, айниқса таназзулни кечираётган жойларда, қолқлиғича қолаверди. Бундай қишлоқлар аҳолисининг қўпчилиги ўзғаришлардан баҳраманд бўлмади, натижада совет ҳокимияти киритаётган барча янгиликларга ишончсизлик юзага келди. Бир томондан, одамлар цивилизациянинг бу ергача келган айрим неъматларини муносиб қабул қилишди, бошқа томондан эса, одамлар ижтимоийлашувнинг аввалги шакллари: расм-русмлар, урф-одатлар, анъаналар, иерархия (ғоғоналик)да диний амалиётга риоя этаверишди. Репрессив совет тузуми ижтимоий мувоzanат ўрнатишга кўмаклашмади, янгича иерархия яширин тарзда ноқонуний деб тан олинди, ўзларини ўтмишдаги *шайхлар қароматининг* баракоти ворислари деб яширин ё ошқора санаб келган одамлар эса инсоний эҳтиёжларга ғамхўрликни намойиш этишди. Атрофдагиларнинг ўзи улар аввалги шайхлар бажарган вазиғанинг бир қисмини бўлса-да бажаришини истади.

Совет даврида оила маҳалла ёрдамида исломни сақлаб ва мусулмонларни тарбиялаб келди. Айрим тадқиқотчилар таъкидлашгандек, 1984 йилда Тожикистонда расман рўйхатга олинган масжидлар мусулмонлар турмуш тарзини бошқарувчи асосий муассасалар бўлган масжид ва мазорларнинг ҳатто 1% ҳам таш-

кил қилмаган. МДУнинг Шимолӣи Тоҷикистондаги экспедицияси 1984 йилда масжидларнинг ташландик биноларида, аҳоли ховлиларида, омборларда, ҳатто дўкон ховлиларида ва мазорларда 400 дан зиёд ишлаб турган масжидларни рўйхатга олган. Ҳар бир қишлоқда ўз қадамжоси бўлиб, у ерда қариялар тўпланиб, жамоа бўлиб *намоз* ўқишган. Улар «ўз гаплари»ни гаплашиб олиш учун тўпланишган. Бу жойлар, одамлар шу ерлардан ўта туриб юзларига фотиҳа тортишгани учун, аниқланган. Барча расмий ёки норасмий руҳонийларнинг қабрлари у ерда муқаддас деб эълон қилинган. Совет ҳокимиятига қарши курашган кишиларнинг қабрлари ҳам шулар жумласидан бўлган. Деярли барча *мазорларда* ходимлар бўлиб, уларни *шайхлар*дек ёки *пирлар*дек ҳурмат қилишган. *Мазор* ташландик бўлса-да, зиёратчилар бу ходимларни қаердан топишни билишган. Иморатлари бўлган *мазорлар* масжид вазифасини ҳам бажарган. Зиёратчилар бу ерга жонлиқ ёки пул назр қилишган. *Мазор* ходимлари ўз фаолиятида бирон-бир аломатга (кийим ва ҳ.к.) эга бўлмаган норасмий руҳонийлар бўлиб, улар давлат секторида ўриндошлик асосида бирон-бир вазифада хизмат қилган. Бу ходимлар орасида мактаб ўқитувчилари ва раҳбар лаъозимлардаги кишилар ҳам бўлган. Тоҷикистондаги фуқаролар уруши йилларида ўз васийликлари остидагиларни ислом муҳолифати тарафига жалб этишган.

1985 йилдан бошлаб Ўзбекистонда хуфия масжидлар ва *мазорлар* очик ишлай бошлади, уларнинг ноқонунийлиги қисман бекор қилинган. Бу дин ходимларини ҳамма биларди, уларнинг ҳурмат-эътибори, одатда, расмий руҳонийларникига нисбатан юқори эди. Бу одамлар кўп ҳолларда ақидалар ҳамда қоидага киритилган норматив маросимлар билан яхши таниш бўлишмаса-да, қироатни билишмаса-да, маншый даражада исломга яхши хизмат қилишарди. Улар ўз жамиятларига нима кераклигини, оддий одамларни нима билан қониқтириш мумкинлигини билишарди. Норасмий руҳонийлар фаолиятини таҳлил қилишда улар руҳонийлар хонадони, *хўжасалар*, *саидлар* ва *шайхлар*нинг авлоди эканлигидек воқеий фактни ҳисобга олиш керак. Улар одамлар қалбини ром этишни кучайтириш борасида иш олиб борардилар, чунки тирикчиликлари шу билан боғлиқ эди.

Шайхларнинг нуфузи баланд эди, *махалла*, айниқса, аёллар билан доимий алоқада бўлишарди. Мазордан «шифо топган» бо-

лалар шайхни маънавий падар деб ҳисоблашарди, чунки унинг хурмат-эътибори *мозорнинг* муқаддаслиги билан боғлиқ эди. «Норасмий» руҳонийлар фаолияти тўғрисида махсус тадқиқотлар йўқлиги туфайли *муридларнинг* аниқ сонини айтиб бўлмайди, лекин, афтидан, *мозор шайхларининг* нуфузи ҳамда таъсири кучли бўлиб, улар кўплаб диндорларни сафарбар қилишга қодир бўлишган. Уларни сиёсий исломга жалб этиш янада хавфли бўлган. Бунини Тожикистондаги фуқаролар уруши тажрибаси кўрсатди, бу ерда улар исломчиларнинг «ташвиқот отряди»га айланишди. Улар аҳоли орасида мунтазам иш олиб боришди ва исломийликнинг энг мутаассиб агентлари бўлиб чиқишди.

Ривоятни кўриб ҳаққа сўзлаштим ман,
Юз минг турлуқ малоикка юзлаштим ман,
Ул сабабдин ҳақни сўраб излаштим ман,
Жону дилим анга фидо қилдим ман.

Аҳмад Яссавий

Мусулмон Шарқининг айрим мамлакатлари билан муайян ўхшашликка қарамай, Марказий Осиёда секуляризация бўлакча усулда борди, у гўёки ташқаридан киритилган бўлиб чиқди, унинг ғоялари турли авлодлар томонидангина эмас, балки турлича ижтимоий гуруҳлар томонидан ҳам турлича қабул қилинди. Дунёвий ташкилотлар ташқаридан таъсир қиларди, секуляризация шундай шаклда бўлса-да, жамиятнинг кўпчилик қисмини камраб олди, жамиятнинг бошқа қисми эса ўтмишни тиклаш учун барча шарт-шароитга эга эди.

Хорижий мусулмон Шарқига мурожаат этиладиган бўлса, *суфийлик* тариқатининг бир қисми дунёвий ишлар билан янада кўпроқ боғланиб қолаётганини кўриш мумкин. Айрим мамлакатларда улар сиёсатга жалб этилмоқда: *суфийлик* тариқати раҳнамолари исломлаштириш давлат сиёсатининг бир қисмига айланган Покистон ва Афғонистон сингари мамлакатларда ўз фаолиятини сиёсатлаштириб, муҳим роль ўйнашмоқда. *Суфийлик* тариқатлари ДСХ ва ДСТларнинг иттифокчилари саналадилар. Масалан, *Жамияти исломи* Покистоннинг маънавий муаммоларининг счими *суфийлик*да деб ҳисоблайди. Илгари Мусулмон Лигаси Афғонистонда ҳам, Британия Ҳиндистонида ҳам сиёсий масалаларни ҳал қилишда *пирлар* маслаҳатидан фойдаланарди. Афғонистонда советлар ҳукми ўтказилган даврда

мужоҳидлар суфийлик тариқатлари раҳнамолари томонидан қўллаб-қувватлангандилар. 1989 йилдан кейинги Афғонистон ҳукуматига *Нақибандия* суфийлик тариқати раҳбари Б. Раббоний бош бўлди. *Суфийлик* тариқатлари раҳбарлари ҳокимият учун курашда иштирок этишмоқда, оддий солиқлар эса сиёсий мақсадларни қўяётган ДСХ билан аралашиб кетишмоқда.

Араб мамлакатларида, ДСХ пайдо бўлиши билан, *суфийлик* тариқатлари сиёсийлаша бошлади. Шаклланиш даврида ДСХ билан душман бўлганига қарамай, кейинчалик айрим *суфийлик* тариқатлари уларнинг муваққат ёки доимий иттифоқчисига айланди. Диний-сиёсий ҳаракатлар ва ташкилотлар тоифани ташкилий асос қилиб оладилар. 1928 йилда Мисрда ташкил этилган Ихвон ал-Муслимийн кейинчалик халқаро ҳаракатга айланиб, *суфийлик* тариқатининг айрим вазифаларини: алоҳида одамларга раҳбарлик қилиш тизимини ҳамда маънавий ришталар билан боғланган жамоа аъзолари учун ижтимоий боғловчилик ролини ўз зиммасига олди. Бу ташкилот ижтимоий ўзгаришларни ва қайта гуруҳлаштиришини амалга оширишда янги ижтимоий гуруҳлар, янги ҳамжамиятларга туртки бўлди. Ҳозир у ўзи амал қилиб турган барча жойда ижтимоий кучга айланди.

Қўплаб мамлакатларда *суфийлик* тариқатлари қонун билан тақиқланганига, бошқаларида шайхларнинг ворисийлиги бекор қилинганига қарамай, тариқатлар мавжуд ва уларнинг ихлосмандлари анчагина. Бунинг сабаби шуки, ҳозирги дунёвий институтлар ҳамда қарашлар мусулмонларнинг маълум қисмини қониқтирмайди, исломни бўлакча талқин қилиш билан мутаносиб бўлган янги ҳаётий кўрсатмаларга эҳтиёж мавжуд. Ўз муаммоларига жавобни диний атамалар, шакллар ва қиёфалардан топишни истаган одамларнинг катта қатлами мавжуд. Бугунги кунда ушбу эҳтиёжларни ДСХ ва ДСТ қондириши мумкин. Улар илгари суфийлик тариқатларида қўлланилган кучларни ишга солишади, жамиятнинг қизғин муаммоларига жавоб беришни, адолат қилишни, ижтимоий тенгликни, бенаволар фойдасига ижтимоий ўзгаришлар қилишни, маданий мансубликни сақлашни ҳамда ушбу ўзгаришлар учун курашга бошчилик қила оладиган раҳнамони яратиб беришни ваъда қилишади.

1.3. Маънумлар қаранатими?

Ниш урмоқда бенаво уруғлар

Жазирама июнь кунда шаҳар марказидаги чорраҳалардан бирида бир мунча оломон тўпланган, шовкин-сурон ва йиғи тонуши эшитилмоқда эди. Оқ рўмол ўраб, оқ кийим кийиб олган аёллар ўткинчиларнинг эътиборини тортишга ҳаракат қилишарди. «Мусулмонларни ўлдирिशмоқда!», «Ё Оллоҳ, эрларимизни ва ўғилларимизни ўз паноҳингда асра!», деб чинқиришарди аёллар. Баъзилар уларни тинчитишга ҳаракат қилишарди, бошқалар эса воқеани қизиқсиниб томоша қилишарди. Милиционер келгач, оломон таркала бошлади. Чинқираётган аёллар Тошкентда 1999 йил 16 февралдаги террорчиликни амалга оширгани учун судланганларнинг оналари ҳамда хотинлари эди. Бегуноҳ одамлар ҳалок бўлган ҳамда жиддий вайронгарчиликлар келтирган бундай қўламдаги террорчилик Ўзбекистонда илк марта содир этилиши эди. Тошкентнинг марказидаги беш портлатиш, шундан икkitаси Ҳукумат уйига кираверишда юз берганди, Ўзбекистонда Конституциявий тузумни ағдаришда уринишдан далолат берарди.

Шу кунга қадар Ўзбекистон Президенти гапириб келган таҳдид, қўпчиликнинг, шу жумладан Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар вакилларининг назарида, муболағали туюлган эди. Ҳатто 1999 йил 16 февралда Тошкентда юз берган ҳодисалар ҳамда 1997-1998 йилларда *Ўзбекистонда ўтказилган, айбланувчилар* ДСХ аъзлари бўлган суд жараёнлари ҳам жаҳон матбуотида ҳар хил баҳоланди. Ўзбекистон ислом ҳаракати (ЎИХ) ДСХ жангариларининг 1999 ва 2000 йилларда Қирғизистоннинг жанубий қисмига бостириб кириши, гаровга олишлар, жанговар ҳаракатларгина Тожикистондаги фукаролар уруши йилларида кучайган ЎИХ Марказий Осиё мамлакатларининг хавфсизлигига чинакам таҳдид солаётганига ишонтирди. ЎИХ минтақада ўз таъсирини кучайтириш учун ўзини хуфийёна қўллаб-қувватлаётган айрим мамлакатларнинг халқаро ДСХ моддий ва мафкуравий мададидан фойдаланганди. Бундай сиёсат Ўзбекистонда дунёвий давлатга қарши ҳамда ислом давлатини барпо этишга қаратилган ДСХни мустаҳкамларди.

Эски мешдаги янги шароб

Диний сиёсий ҳаракатлар халқаро ҳодиса бўлиб, ислом ёйилган барча мамлакатларда мавжуддир. 1970–1980 йилларда уларнинг роли, айниқса, ортиб ва, ҳатто, адабиётларда «диний шов-шув» термини ҳам пайдо бўлди. Бу ҳаракатлар ҳозир кўп мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни секуляризациялаш жараёнларигагина эмас, балки фуқаролар ва давлатнинг ўзининг ҳавфсизлигига ҳам таҳдид солмоқда. Иқтисодий ўзгаришлар билан жамиятнинг бир қисмининг аъёналарга тарафдорлиги ўртасидаги зиддият кучайиб бориши натижасида ижтимоий пирамиданинг секуляризациялашган «юқориси» билан аъёнанин турмуш тарзи тарафдорлари бўлган «қуйиси»ни ажратиб турувчи улкан жарлик пайдо бўлди. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши ҳозирги иқтисодиёт секторларида ўз ўрнини топа олмай, ишсизлар сафини тўлдираётган кўплаб одамлар пайдо бўлишига олиб келди. Қуйи қатламларнинг қашшоқлашуви жамиятда сиёсий ва ижтимоий кескинлик авж олишини келтириб чиқаради ҳамда экстремистик ташкилотлар пайдо бўлишига олиб келади-ки, ДСТ шулар жумласидандир.

Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёнинг энг янги тарихи кўрсатишича, мустамлакачиликдан қутулган мамлакатлар демократик институтлари заиф бўлган шароитда иқтисодий муаммолар чуқурлашуви билан «ўз кадриятлари ва «аъёналари»га асосланган бўлакча ривожланиш йўли тарафдорлари сони ортиб боради-ки, бунда, табиий-ки, ислом назарда тутилади. Тикловчилик билан мафкуравий боғлиқ бўлган ҳамда ўзига хос ривожланиш йўлидан борадиган ДСХ «исломда мавжуд бўлган» тенглик ғоясини эълон қилади.

Исломни жадал ривожлантиришда илк ислом қондаларини тиклаш ҳамда умумий ислом жамоаси таълимотига асосланилади. Ҳозирги исломизм – кўп қиёфали ҳодиса, бунда гап шунчаки «ўтмишга қайтиш» ҳақида эмас, балки янги жамият қуришнинг қандайдир мусулмонча йўли ҳақида боради. Эслатиб ўтамизки, у мустамлакачиликнинг барча меросини, биринчи навбатда европача кадриятлар ҳамда турмуш тарзини кўзлайдиган ва дунёвий қонунларга мувофиқ ҳаёт кечирадиган ҳозирги жамият секторини инкор этади ва уларга қарши курашади. Шунини қайта таъкидлашга тўғри келади-ки, Шарқнинг ривожланаёт-

ган мамлакатлари жаҳон ҳамжамиятида орқада қолмоқдалар. Улар ривожланган Ғарбга иқтисодий жиҳатдан тобедирлар, шу ҳолат ақидапарастларга ислом бошқаруви ўрнатилсагина мустамлакачилик даври тугаши мумкин, дейишга имкон яратади. Замонавий ишлаб чиқариш жараёнига қўшилмаган ёки менталитети, маълумоти ва малакаси етишмаслиги туфайли қўшила олмайдиган ўша «ортикча» одамлар ДСХнинг ижтимоий асосини ташкил этишади. Ҳозирги ДСХ ўтиш давридаги ижтимоий-иқтисодий бухрон, аҳоли тубанлашган (маргинал) қатламларининг моддий ва ижтимоий аҳволи ёмонлашган шароитда, ижтимоий тизим Ғарб намунаси бўйича қайта қуриляётган даврда юзага келди. Ислохотларгача бўлган ўтмишдаги барқарор турмуш негизини барбод этиш ислохотлар билан ушбу қатламлар турмуш уклади ва дунёқараши боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий анъаналар ўртасидаги антагонизм ҳақида тасаввур пайдо қилган. Кишлоқ аҳолиси ва мигрантлар ўз аҳволи ёмонлашувининг чинакам сабабларини тушунмаган ҳолда, мамлакат раҳбарлари: Эронда – шоҳнинг, Жазоирда – Бенжадиднинг, Тунисда – Бургибанинг, Мисрда – Садат ва Муборакнинг ва ҳоказоларнинг ғарблашган сиёсатини барча иллатларнинг сабабчиси, деб ҳисобладилар. Хукуматдан бўлган барча нарса – саноатни ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатма, замонавий таълим, замонавий маданият ва технологиядан баҳраманд бўлиш – Ғарб кадриятларини зўрлаб сингдириш сифатида қабул қилина бошлади ҳамда фаол ёхуд яширин норозиликни юзага келтирди.

Жамоавий турмуш уклади билан боғлиқ бўлган қатламларга тааллуқли ёшлар истикболдан умидлари пучга чикқач, ўз ижтимоий ва иқтисодий кийинчиликларини бартараф этиш йўлини исломда кўриб, унга мурожаат эта бошлади. Ҳозир Жанубий Осиёдаги *Жамиятул уламои ислом*, *Ҳаракатул ислом*, *Жамоа ал-Иршод*, *Жамоа ал-даъватул-ҳаққ*, *Жамияти Таблиғ*, Мисрдаги *Мусулмон биродарлар*, *Ат-Такфир вал-Ҳижра*, *Ал-Жихад*, *Ал-Жадид*, Яқин Шарқдаги ва Туркиядаги, Мағрибдаги ва Саудия Арабстонидаги *Ҳизб ут-таҳрир ал-Исломи*, *ал-Қоида* сингари ва бошқа кўплаб (уч юзга яқин) ҳаракатлар турли мамлакатларда ўз тарафдорларини тўплашди. Улар бир мамлакатда юзага келиб, бошқа мамлакатларда бўлинмалар ва гуруҳлар ташкил қилиб, у ерларда ўз таъсирларини ёйдилар. 1980-йиллардан бошлаб айрим ДСХ гуруҳлари Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди.

Норозилик зунури

Советлардан кейинги маконда «темир» тўсиқнинг тугатилиши, Марказий Осиё янги мустақил давлатларининг мустаҳкамланиши, Афғонистондаги вазият ҳамда Тожикистондаги фуқаролар уруши, Чеченистондаги исломлашувга асосланган сепаратизм – буларнинг бари Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё ДСХ Марказий Осиё ва Кавказда ўз мафкурасини ёйиш учун қулай ижтимоий муҳит топиб, бу ерга фаоллик билан кириб келиши учун қулай шароит яратди.

Бундай ижтимоий муҳит Ўзбекистонда, биринчи навбатда жуда қашшоқ ва бухронли минтакаларда, Фарғона водийсида ҳамда Жанубда ҳам мавжуд эди. Бу ерда, иқтисодий жиҳатдан сурункали ноқулай минтакаларда бу мафкура жуда тез ёйилди ҳамда аҳоли орасида иш олиб боришнинг ташкилий таркиби ва усуллари бошқа мамлакатларда сайқалланган ҳолда кириб келди. Илмий адабиётларда бу масала кам ўрганилган, шу боис уни ёритишда илмий тадқиқотлар ва ОАВ расмий ҳужжатлари, суд амалиёти материалларидан тортиб норасмий манбалар ҳамда ДСТ ўзи таркатадиган адабиётгача бўлган турли манбаларда пароканда бўлиб ётган материаллардан фойдаланилади.

1992 йилда ислом ҳаракатининг беихтиёр кучайиши 1991 йил бошида *Адолат* ташкилоти юзага келиши билан боғлиқ бўлган бебош воқеа- ҳодисаларга олиб келди. Сиёсатшунос Юрий Кульчик бу ҳодисани қуйидагича баҳолайди:

«Адолатчилар ақидапарастлик (фундаментализм)нинг энг муҳим қоидаларидан бирини ҳимоя қиладиларки, унга кўра одил мусулмон жамиятини барча мусулмонларга, келиб чиқишидан қатъи назар, маълумот олиши ва ижтимоий пилла-поялар бўйлаб юксалиши учун тенг имкониятлар бериш йўли билангина барпо этиш мумкин. Истиқболдаги жамиятда, моддий тенгсизлик сақланиб қолган ҳолларда, тенгликни тутиб туришнинг муҳим воситаси закот бўлиши мумкин, ижтимоий бойликнинг бир қисми унинг ёрдамида тақсимланиши лозим. Адолатчилар закотни Фарғона водийсининг кўплаб туманларида жорий этдилар: хусусий шахслардан, улар ақидапарастлик тарафдорими ёки йўқлигидан қатъи назар, даромаднинг 1/10 қисми олинадди.

1990 йил бошида ўзини *Ҳизбаллоҳ* – Аллоҳ фирқаси, деб атаган ёшлар пайдо бўлишига ҳукумат анча хавфсираб муносабатда бўлди. Турли маълумотларга кўра, унга 50дан 300 нафаргача киши кирган. Ташкилот ўз мақсадини Ўзбекистоннинг *шариат* қонунларига қайтиши, ўзбек миллатининг ахлоқий негизларини мустаҳкамлашдан иборат, деб эълон қилди. *Ҳизбаллоҳ* аъзолари республикада муҳолифат томонидан ўтказилган турли митингларда масалан, Совет Армиясида хизмат жараёнида ҳалок бўлган ўзбек аскарларни дафн этишда қатнашди. Ушбу ташкилот аъзолари шаҳар кўчаларида европача кийиниб юрган ўзбек қизларни таҳқирлаганлар, деган миш-мишлар ҳам юрди».

Афсуски, Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматларининг барчаси ҳам, сиёсий тизимлари заифлиги сабабли, бундай ҳаракат пайдо бўлишига тайёр эмас экан. Яна бир сабаби шу эди-ки, СССРдаги исломнинг аҳволи ҳамда мусулмон минтақалари муаммолари тадқиқи ҳақиқий ҳолатни кўрсата олмасди, *ақида-парастлик* терминини ишлатганда эса жамиятнинг кўпчилик қисми уни кўп ҳам тушунавермади. ОАВда бу термин турли сабабларга кўра ва ҳар хил ҳолатларда ишлатиларди, кўпинча *вахҳобийлик* термини унинг синоними сифатида қўлланиларди. Ваҳоланки, *вахҳобийлик ақидапарастлик* кўринишларидан бири, холос. Айни маҳалда, исломнинг асос негизларига қайтишни талаб қиладиган ДСХ ўзаро фарқланади, бироқ бир нарсада – диний мажмуни сиёсий тизимнинг бир қисми сифатида, пировард натижада умум исломлашув томон ривожлантириш зарурлиги масаласида бир-бирига хил тушади.

Жамиятларда диннинг роли кучайиши ва диний ташкилотларнинг ҳокимиятга интилиши, аниқ дастурий мақсадларининг йўқлиги, ушбу ҳаракатлар аъзоларининг кўпчилиги сиёсий жиҳатдан гўл ва тажрибасизлиги бундай гуруҳлар ҳамда ҳаракатлар сиёсий авантюрачилар бошқариши учун қулай объектга айланиб қолишига олиб келади.

ДСХ Шарқда мустамлакачилик давридаёқ, ўз турмуш укладини ва ўз меъёрий кўрсатмаларини ишлаб чиқадиган диний-мазҳабий ҳаракат сифатида диний айнанлигини сақлаб қолишга интилувчи *grass-root* гуруҳлар тарзида пайдо бўлганди. XIX аср охирида Жанубий Осиёда пайдо бўлган ва кейинчалик бугунги

кунда ўзларининг уюшган даъватчилар гуруҳлари орқали ўз таъсирини Мағрибда ҳамда Саудия Арабистонида ёйган *Жамияти Таблиғ* шундай ташкилотлардан бири эди.

XIX асрда юзага келиб, бугунги кунда Жанубий Осиё ва Саудия Арабистонида нуфузли ДСХ бўлиб қолган *Жамияти Таблиғ* ҳаракатида жамиятни, шу жумладан аёлларни куйидан исломлаштиришга уриниш сезилади. Жамиятни исломлаштириш борасида XIX асрда бошланган жараён *Жамияти Таблиғ*нинг бугунги ҳаракатида ҳам давом эттирилмоқда.

Хинд тадқиқотчиси Йогиндер Сиканд бу ҳақда шундай ёзади:

«*Жамияти Таблиғ* вужудга келган дастлабки даврда бу ҳаракат фаолияти мутлақо эркакларга қаратилганди. Ҳаракат Меватда пайдо бўлгач, Илёс (унинг раҳнамоси) агар бу ҳаракатга хотин-қизларни жалб этмаса, вазифа бажарилмагандек бўлишини тушунган кўринади. *Жамияти Таблиғ* мусулмон эркаклар сингари, ҳар бир аёлга исломни тиклашда марказий ва фаол бўгин сифатида қарайди. *Таблиғ*га фақат эри бор аёллар бориши мумкин ва уни маҳрам бўлган эркак, иложи борича эри кузатиб бориши зарур.

*Таблиғ*да етарлича тажрибага эга бўлган ва унинг қоидаларини тушунадиган фаол аёллар ҳам хотин-қизлар орасида иш олиб бориши мумкин. *Таблиғ*нинг идеал мусулмон аёл ҳақидаги тасаввури асосан аёлнинг хотин ва она сифатидаги роли тўғрисидаги исломий тасаввурнинг такроридан иборат. Мусулмон аёл хотин сифатида Аллоҳ эрини унинг соҳиби этиб белгилаб қўйганини доим ёдида сақлаш даркор. Унга итоат этиш – хотиннинг бурчи. *Жиҳод* аёл кишига фарз бўлмагани учун, аёл ўз эрига итоаткор бўлиш орқали *жиҳод*нинг савобига ноил бўлиши мумкин. Бордию эри бирон сабаб билан ундан жаҳли чиқса, хотин унинг бутун ғазабига сабот ва сабр-тоқат билан чидамоғи лозим. *Таблиғ* раҳбари Пайғамбарнинг гўё: «Эй аёл, эринг сен учун дўзах ҳам, жаннат ҳамдир», – деган ҳадиси шарифларига маъқулламай муносабатда бўлади ва уни: «Бу – агар аёлдан эри рози бўлса, у жаннатга тушади, бордию эри рози бўлмаса, дўзахга тушади, деган маънони билдиради», – деб тафсирлайди. Ва ўзининг, агар аёл эрининг ҳар қандай буйруғини бажарса, қаҳри-ғазабига кўниб, чидаса, эри ўзига нисбатан ёмон муносабатда бўлса, норози бўлмаса, у ёруғ дунёда ҳам, охирада ҳам ро-

хат-фароғатда бўлади, деган таъкидларининг далил-исботи сифатида қирққа яқин ҳадис келтиради.

Таблиғ мулоҳазаларидагига кўра, мусулмон аёл тўрт девор ичида ўтириши даркор. Раҳбарлардан бири айтишича, аёл уйдан ташқарига чиққанда, унга шайтон эргашади. «Аллоҳ эркакларга, аёлларни сизлар учун яратганман, деган», «Ухонадоннинг зийнатидир», – деб айтади *Таблиғ*нинг бошқа бир фаоли, афтидан, фақат эркаклардан иборат бўлган ўз қироатхонларига қарата. «Уни (аёлни – тарж.) сийму зардан-да, қимматбаҳо тошлардан-да қаттиқроқ яшириб асраш керак. Уйдан ташқари чиқишга ижозат берилса, у росмана бузилиб кетади», – деб огоҳлантиради у, кўчада ётган қимматбаҳо би-ромларни ўғрилар, талончилар ва, ҳатто, дуруст фуқаролар ҳам олгиси келганидек, агар аёлни бепарда кўчага олиб чиқилса, эркакларнинг хирс тўла кўзи унга тушади; бу эса «зино эшигини очиб беради», «натижада аёл ҳаёдан ҳам, си-поликдан ҳам маҳрум бўлади». Аёл ўзига зеб бериш билан шуғулланишига йўл қўймасликка ҳаракат қилиш керак, чунки улар эркакларнинг шахвоний хирсини уйғотадиган улкан манбага ва, бинобарин, доимий тартибсизлик сабабчисига айланиб қолиши мумкин. Ўзига зеб берадиган аёллар «улар учун жаннатга йўл йўқлигини», улар ҳатто жаннат ҳидларини ҳам ҳидлай олмасликларини албатта билишлари лозим. Шу сабабли улар сипо кийинишлари, пардоз-андоз қилмаслик-лари керак: «Пайғамбаримиз дедиларки, Аллоҳ Бани Исро-илни улар ўз аёлларига шунақа кийинишларига изн бериб қўйганликлари учун лаънатлади».

1990-йиллар бошида ДСХ мафкураси Марказий Осиёга ва, биринчи навбатда, Тожикистон ҳамда Ўзбекистонга фаол кириб кела бошлади. Қатъиян махфийлаштирилган 5-6 кишилиқ гу-руҳлар кўплаб ташкил этилди. Нолегал иш олиб борилиши ДСТ, шу жумладан Исломи тикланиш партияси – *Ҳизб ут-таҳрир ал-Исломига* чаққон ҳаракат қилиш, шароит ўзгарганида фаолият шакл ва методларини ўзгартириш учун кўшимча имконият ярат-ди. Яширин фаолият давлатга муҳолифатдан ҳамда унга қарши иттифоқсизлик ҳаракати ва, ҳатто, кулолли ҳаракат тайёрланаётган-дан далолат беради.

1996 йил бошида *Тожикистон Исломи тикланиши партияси (ИТП)* ва Покистон Жиход ҳаракати партияси – *Ҳизби ҳаракати*

жиҳод ташкилоти кўмагида *Ўзбекистон Ислом тикланиш партияси* тузилди (кейинчалик *Ўзбекистон ислом ҳаракати*га айланди), ҳозир у террорчи ташкилот бўлиб қолди. Ҳаракатнинг асосини алдов йўли билан ёлланиб қолиб, Афғонистон ва Покистон лагерларида тайёргарликдан ўтган, Тожикистонда жанговар тажриба ортирган ёшларнинг жанговар отрядлари ташкил қилади. *ЎИХ Толибон* ҳаракати билан жипс-алоқа ўрнатган.

Қуйида 1999 йилда афви умум (амнистия) эълон қилингандан кейин жангарилардан бири билан учрашган журналист Гулбаҳор Отаниёзова томонидан тавсифланган ёллаш мисолини кўрайлик:

«Мен жангарилар лагерида бир йилдан зиёд бўлдим. У ерда ҳаёт ҳам, тартиб ҳам даҳшат асосига қурилган. Ушбу яқин ўтмишни бугун эслар эканман, ўша пайтда мен ҳис этган асосий туйғу ҳалокатга маҳкумлик ва қўрқинч бўлганлигини тушуна бошлайман. У ерда ўтказган кунларимни тасвирлаб беришим қийин. Ҳар кун бир хил кечади: беш вақт намоз, жисмоний тайёргарлик, диний устоз таълими (буни даъват дейилади), ҳарбий тайёргарлик, маиший ишлар. Ҳаёт қандайдир бўшлиқда ўтади, ташқаридан ҳеч қанақа хабар келмайди. Бу ерда девор бўлмаса ҳам, бандиликда ҳаёт кечираётгандай бўласан, чунки лагерга ипсиз боғлангансан: кетиб бўлмайди: пастга олиб тушадиган ёлғиз йўлда соқчилар туради, ҳужжат ҳам, пул ҳам йўқ. Ҳарита ҳам йўқ-ки, усиз тоғда адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Ҳар куни шу аҳвол. Даҳшат ҳақида нима учун гапирдим? Хоитдаги лагер кўмондони, бизни биринчи бўлиб қабул қилган Абдували Йўлдошев бу ерда кимлигимизни айтмаслигимиз кераклигини, чунки орамизда Ҳукумат хуфиялари – мунофиқлар борлигини, улар ҳам биз бажарадиган ишларни қилиши, лекин бу ерда содир бўлаётган воқеаларни етказиб туришини айтганди. «Агар кимлигингизни айтсангиз, қариндошларингизни қамаб қўйишлари мумкин», – деди у. Шунинг учун болалар бир-бири билан деярли мулоқотда бўлишмайди, турмуш тўғрисида гапиришмайди. Диний таълим кофирларга қарши жиҳод қилиш учун тайёргарлик кўришдан иборат: Улар, Ўзбекистон ҳукумати диндорларга қарши қурол билан қурашаётганини, дин йўлида ғалабага фақат қурол ёрдамида эришиш мумкинлигини айтишади. Қайбирикиши: «Ҳарбий ишга нима учун ўрганишимиз керак, ислом – тинчлик дини, чинакам эътиқод

сабр билан синалади-ку», – деб савол берганида, диний усто-зимиз бизлар бу ерга Аллоҳнинг иродаси билан келганимиз-ни, у дин душманларига қаршилиқ кўрсатиш учун қўлимизга қурол олишимизни исташини, мусулмон одам зарбага зарба билан жавоб қайтаришни билиши лозимлигини ва бунга шак келтириш мумкин эмаслигини айтганди. Лагерда диний таълимни ва ҳарбий тайёргарликни ёмон ўзлаштираётганлар жазоланади. Шубҳага борганлар, кетмоқни истаганлар сотқин ҳисобланади; сотқинлар эса ёруғ дунёда ҳам, охиратда ҳам жазога мустаҳқидирлар. Шу гап ҳар куни такрор-такрор айтилади. Машғулот пайтида мунозара бўлмайди, ҳар қандай савол ёки гумонга: «Бу Аллоҳнинг иродаси», «Аллоҳ бизга мадад беради», «Аллоҳ йўл кўрсатсин», «Валлоҳи аълам», деб, Аллоҳ номи билан нуқта қўйилади. Бу ерда ҳеч ким «мен», «сен» демайди, балки «биз», «сиз» дейди. Диний устозларимиз уста бўлиб кетишган, ҳеч қачон овозларини баланд чиқаришмайди, доим керакли сўзни топиб гапиришади, Қуръони каримга, Ҳадиси шарифга ҳавола қилиб, ҳалим гапиришади. Савол ёки норозиликка Аллоҳ ёки Пайғамбар номи билан чек қўйишади, лекин бундан кўнгиллар янада хира бўлади, чунки шубҳа тарқалмайди, келажак зулматда ва бенаво кўринади.

Лагердаги зерикарли ҳаёт, диний устозларнинг бир хил гапни уззу кун ва ҳар куни такрорлаши Ўзбекистонда содир бўлаётган барча нарсга нисбатан нафрат уйғотди. Мен ўзимга ўзим ҳайрон қолардим. Бу нафрат ботиний бўлиб, бутун борлиғимни тўлдириб борарди.

Юқоридаги лагерга илк бора келганимда атроф гўзаллигига мафтун бўлгандим, йўк, бор-йўғи бир-икки ҳафтадан кейин ҳаммаси кўзимга нохуш ва маъюс бўлиб кўрина бошлади».

Бу – ўзбек ислом муҳолифатининг Тожикистондаги жангарилар лагерларида узоқ вақт бўлиб, сўнг уйига қайтиб келган урганчлик 23 яшар йигитнинг (Азимбек, деб қўяқолайлик) ҳикоясидан парча:

«1998 йилда мен Тошкентда университетга кирмоқчи бўлдим, лекин имтихонлардан йиқилдим. Бозорда ўрта яшар киши, Абдулҳақ билан танишиб, гаплашиб қолдим. У менга Тошкентда кичикроқ бир масжид қурилишида ўзи билан бирга ишлашни таклиф этди. Уйга қайтиб боришга уялиб юр-

гандим, кўниб қўяқолдим. Бир ойча ишладик. Қурилиш қилаётган ҳовлида яшардик, оқшомлари турмуш, қийинчиликлар, ҳаётда дуч келганимиз адолатсизликлар ҳақида суҳбатлашардик. Бригададагилар диндорлар эди, намоз ўқишарди, бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишар, ғамхўрлик кўрсатишарди. Уларни ёқтириб қолдим ва чин дўстлар топдим, деб ўйладим. Фақат дин одамлар турмушини яхшилайтиди, чунки одамлар дин орқали яхшиланиб боришади ва яқинлари ҳақида ўйлашади, дейишарди улар. Менда динни ўрганиш истаги пайдо бўлди, шу кунгача ҳеч ким мен билан бу ҳақда гаплашмаган эди. Ўзимни мусулмон деб ҳисобласам-да, ҳали намоз ўқимагандим. Ислоом нималигини, ислом бўйича қандай яшаш кераклигини ҳам билмасдим. Ҳаёт тўғрисида саволларим кўп, ислом уларга қандай жавоб беришига қизиқишим кучли эди. Шу сабабли, иш тугагач, янги дўстларим билан алоқани узгим келмади. Улар ҳам, агар иш топилса ёки исломни ўрганиш учун жойлаштириш имкони туғилса, мени топиб олишларини айтишди. Манзилгоҳимни ва телефон рақамини қолдирдим.

Бир ярим ойдан сўнг кўнғироқ қилиб, иш борлиги тўғрисида хабар беришди. Тошкенда иш борлиги тўғрисида отамга айтдим. Иш топганимдан отам хурсанд бўлдилар. Тошкенга келганимда, мен ислом ўқишига боришимни, бироқ бу гап омонатлигини (ҳеч кимга, ҳатто туғишганларга ҳам айтиб бўлмаслигини) тайинлашди. Мен, яна тўрт йигит йўл кўрсатувчи Абдуҳаким билан рейсли автобусда кетдик, сўнг дарёдан пиёда ўтиб, яйлов бўйлаб кетдик. Кейин тожик қишлоғида икки кун меҳмон бўлдик, уй соҳиби адабий ўзбек тилида гапирарди. Бу диндор ва ислом уламси эди. Уй соҳиби ҳузурига ёш йигит келиб, тожик тилида гапирди, сўнг уни бизни ўқийдиган жойимизгача кузатиб борадиган йигит, деб таништиришди. Биз тоғ дараси орқали уч кечаю уч кундуз юрдик, доvon орқали ўтдик, сўнг Хоит қишлоғи жойлашган тоғ этагига келдик. Жангарилар лагери шу ерда жойлашган экан. Буни кейинроқ билдим».

Мужоҳидлар масжидларда ҳам, Жазоирдаги лагерлардагидек, Қирғизистонда ҳам, Суданда ҳам, Тожикистонда ва Афғонистонда ҳам даъват қилиш ишини олиб боришади, ёш йигитларни жадал диний ишловдан ўтказишади, маълум даражада манкуртга айлантиришади.

Нишан бўлган ришталар

Яқин Шарқдаги ДСТ ташкилий таркиби ҳақида гап борадиган бўлса, уларнинг кўплари *Жамияти ал-Ихвон Муслимуннинг* тузувчиси бўлган Ҳасан ал-Банно томонидан XX асрнинг 30-йилларидаёқ суфий тонфа негизда яратилган қондалар асосида ташкил этилган. Анча кейинги ташкилотлар ва ҳаракатлар, шу жумладан *Ҳизб ут-таҳрир ал-Исломи* ҳам *ал-Ихвон Муслимуннинг* ажралиши натижасида юзага келган. Тез-тез содир бўлиб турадиган ажралишлар, қуйи ташкилотларнинг беқарорлиги, янги гуруҳлар ва оқимларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қўшилиши, бўлиниши ва, ҳатто бир-бири билан қарама-қаршилиги ДСТга хос бўлиб, шу сабабли ДСТ сони жадал кўпайиб бормоқда. Улар *суфийлик* тариқатларидаги сингари, асос бўғинлар – *ҳалқалар* асосида тузилган пирамидасимон таркибга эга. Улар кўп мусулмон мамлакатларда ўз фаолиятини махфий равишда, конспирация қилинган яширин ташкилотлар орқали амалга оширишади. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас.

Бўғинлар шубҳаларга, улар эса минтақавий бюроларга бирлашади. Бундай қурилиш алоқани осонлаштиради, айни маҳалда муваффақиятсизлик ҳолатида, муҳофаза қилади. Дарвоқе, бўғинларга келиб чиқиш умумийлигига кўра (бир маҳаллада яшовчилар, қариндошлар, битта мактабнинг собиқ ўқувчилари ва ҳ.к.) бирлашилади ҳамда минтақада уруғ-аймоқчилик муносабатларига таянилади. Хотин-кизлар орасида ҳам шундай тузилмалар таркиб топтиради. Бундай ташкилотлар аъзоларининг фарқли белгилари: эркалар «пайғамбарникига ўхшатиб» соқол ўстирадилар, аёллар *ҳижобда* юрадилар. Чеченистонда ДСТ аъзолари жанг маҳали яшил пешонабоғ тутганлар. ЎИХ раҳнамоси Тоҳир Йўлдош 1998 йилда Қобулда бўлиб ўтган курултойда ўзини мусулмон ҳисоблайдиган барча эркаларга соқол қўйишни, аёлларга эса *ҳижобда* юришни буюрди.

ДСТ муносабатлари қатъий чеклаб қўйилган одамларни бирлаштиради. Раҳбариятнинг қуйи таркибдагилар билан муносабати сўзсиз итоаткорлик асосида қурилган; олдига кўпоровчилик ва сиёсий тузумни ўзгартириш борасида муайян вазифа қўйилган аъзоларнинг роли ва ҳамкорлик усуллари аниқ белгилаб берилган, шунингдек ҳамкорликда режалаштириладиган мақсадли ҳаракатлар амалга оширилади. ДСТ аксил-марказлашган таш-

килотлардир. Амалда уларнинг ҳаммаси норасмий ўзаро ёрдам гуруҳларини, ширкатларни ёки бизнес-тузилмаларни ташкил этишга уринишади. Таркиби, фаолият йўналиши ва иш услубига кўра Жанубий Осиёнинг *Жамияти Таблиғ* ташкилотига ўхшаш бўлган, яширин фаолият олиб бораётган *Ақромия* оқими (Фарғона водийси) аъзолари айнан шу тарика кучга кирмокда. *Ақромия* қуйндан исломлаштиришга интиломда, ўзининг мафкуравий таъсирини оила ва жамоа даражасида бошлаб, фаол аёлларни ҳам тарғибот ишига жалб этмокда.

Россиялик тадқиқотчилар бундан «норасмий» гуруҳларни ўз алоқалари, кадрият қоидалари, ижтимоий-психологик муҳити билан расмий жамиятга қарши турадиган «аксилжамият» сифатида тавсифлашга мойилдир. Буни *Ақромия* оқими фаолиятида кузатиш мумкин: унинг таълимотини қабул қилган болалар, аёллар ва оилалар жамият ичра жамият бўлгани ҳолда, ўз ижтимоий кўрсатмаларига ҳамда ижтимоийлашув шакллариغا эгадирлар. ДСТ кучи унинг конфессионал муҳитга таянишидадир. Чиндан ҳам, айрим вазиятларда теварак-атрофдагилар амалий ёрдам ва кўмак беради. Ўзбекистоннинг ғоят қашшоқ минтақаларида тузилган *Таъба*, *Адолат* ва *Ислом лашкарлари* сингари ДСТ фаол иш олиб борган. 1989 йилдан 1992 йилгача Ўзбекистонда шундай бўлганди. Нафакат алоҳида маҳаллалар, балки бутун-бутун шаҳар ва туманлар ҳам уларнинг таъсири остида тушиб қолганди, ушбу ташкилотлар фаолияти тақиқланганидан кейин ҳам бу таъсир тўхтамади.

Бутун жаҳонда ДСТнинг энг муҳим вазифаси ўз сафига аъзоларни жалб қилиш, шунингдек жанговар дружиналар тузишдан иборат. Ёллашиш фаол олиб борилади, ташаббус бўлажак аъзолардан эмас, балки ташкилотнинг ўзидан чиқади. Аъзолар жалб қилишнинг яна бир характерли хусусияти унинг кўпбосқичлилигидир. Иш диний ва долзарб ижтимоий-сиёсий мавзуларда одатдагидек суҳбат қилишдан бошланади, сўнг янги одам диёнат муҳити билан рў-барў бўлади, у билан хавотирга соладиган мавзу муҳокама қилинмайди. Кейин, янги одам ташкилотга аъзо бўлгач, у видеотасвири кассеталар, варақалар тарқата бошлайди. Ёлланган одамнинг иштироки террорчилик ҳаракатида қатнашишга қадар ортиб боради. ДСТга қабул қилишда *Қуръон* номи билан қасамёд қилинади. Аъзолик босқичлари ёлланганнинг ташкилотга боғлиқлигини кучайтиради ва қайсидир босқичга

келиб ортга қайтиш мумкин бўлмай қолади, кўп нарсани билгани учун унга ўлим хавф солади.

Гулбаҳор Отаниёзованинг мақоласидан яна бир парчани келтирамиз. Бошқа бир Олим исмли собиқ жангар – жангарилар лагеридаги ҳаётидан ҳикоя қилади:

«Бизни меҳмонлардек яхши кутиб олишди, бир ҳафтадан зиёд Хоитда дам олдик. Йўл кўрсатувчи 3 кундан сўнг ортига қайтиб кетди. Лагер кўмондони ҳар биримиз билан алоҳида гаплашди, паспортимизни ва пулларимизни олиб қўйди. Бу ерда исломни ва даъват қилишни ўрганишимизни айтди. Дарҳақиқат, элликдан зиёд одам тўплангач, бизни 30 нафардан тақсимлаб, юқоридаги Чосу ва Девонасу лагерларига жўнатишди. Диний устоз биз билан икки ҳафта шуғулланди, сўнг ҳарбий ишга ўқитиш бошланди. Уч ойлардан кейин, ҳарбий тайёргарлик тугагач, биз лагерда қолдик ва бу ерга олиб келуви йўлда соқчилик қилиб, лагерни кўриқладик. Лагерда турмуш шароити анча яхши, бироқ кишда совуқдан ва озиқ-овқат етишмаслигидан кўпчилик касал бўлади. Бу ерда беморларни фельдшер даволайди, дори-дармон етарли эмас. Йигитлар ўртасида норозилик кучайиб, улар уйга қўйиб юборишни талаб қила бошлашди. Шунда отрядни тўллашди, Хоит лагери кўмондони келди. Кутқучини (уни хоин деб аташди) саф олдига чиқаришди, чўккалатиб, бўғизига пичоқ тортиб, қўйдек сўйишди. Шу тариқа норозиликка чек қўйишди. Бу манзарани кўрган ҳар бир кишининг қалбини даҳшат қамраб олганди.

Ҳарбий тайёргарликни тожик тилида гапирадиган йўриқчилар олиб боришар, машғулот тилмоч иштирокида ўтарди. Лагерда ёши ва тажрибаси ҳар хил одамлар яшайди. Илгари лагер кўмондони Жума Намангоний бўлган экан, мен уни учратмадим. Лекин Тожикистондаги фуқаролар уруши йилларида бу ерда яшайдиганларнинг кўпчилиги билан бирга жанг қилган экан. Бу одамлар Ўзбекистондан олиб келган оилалари билан истиқомат қилишар экан. Лагерда ортиқча гап бўлмаслиги сабабли улар ҳақида оз нарса билардик. Лекин улар кўпни кўрган одамлар эди, қуролни асло қўлдан қўйишмасди, чунки уларнинг туриш-турмуши шу билан боғлиқ эди. Бу одамлар осуда ҳаётга асло қайтмаслиги маълум бўлиб турарди. Озиқ-овқатимиз қандай топиб келтирилишини билмас-

дик. Вақти-вақти билан қуролланган одамлар қўриқлаётган Камазлар келиб турарди. Лекин таъминот мунтазам бўлмай, баъзи-баъзида мева қоқисини ердик ёки рўза тутардик. Диний устозларимиз Аллоҳ бизни синовдан ўтказаяётганини, сабр-тоқат эса мусулмоннинг фазилати эканлигини айтишарди. Лагерни ташлаб қочиш айна шундай кунларда содир этилар, қочоқларни тутиб, юқорида айтганимдай қилиб жазолашар ёки улар дом-дараксиз ғойиб бўларди. Улардан қочиб бўлмайди: яккаю ёлғиз йўлда соқчилар туради, харитасиз ва озиқ-овқатсиз ҳалок бўлади киши. Тоғда йиртқич хайвонлар ҳам бор. Ҳарбий тайёргарликни ўтган ҳаммани бир лагердан бошқасига жўнатишади, у ерларда соқчилик қилишади, янги келтирилганларни кузатиб боришади ва ҳ.к. Бу ерда хизмат муддати йўқ – у муддатсиз. Чунки биз мужоҳиддинлар эдик.

Бу ерда ҳамма «Аллоҳ хоҳлаганча» тутиб турилади, чунки жиҳод бошланадиган кунни ҳам «Аллоҳ билади». Кўпчилик вазиятдан чиқишнинг иложи йўқлигини биларди, лекин ҳеч нарса қила олмасди: кўрқув ғолиб келарди. Ўзининг лагерда бўлишини пешонага ёзилган, тақдир иши деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор эди. Чунки уларнинг кўнглида Ўзбекистондаги ҳокимиятга нисбатан кийн бор эди (буларнинг туғишганлари ҳибсга олинган ёки нима сабабдандир Ўзбекистондан қочишга мажбур бўлган), улар қасос ўтида ёнарди.

Бенаволарни сафарбар қилиб

ДСТнинг кўпчилиги ўз фаолият услубига террорчиликни киритади. Улардан халқаро террорчиликда тобора кўпроқ фойдаланади, шу боис улар ёллаш географиясини, шу жумладан, Европада ҳам, кенгайтиришмоқда. ДСХ юқори раҳбариятининг бир қисми (ташкилотнинг энг юқори раҳбарияти ва барқарор негизи айнан шулар бўлиб, мафкурачилар ва маблағ билан таъминловчилардан иборатдир) Европада истиқомат қилади. Европа марказларидаги, Вена, Лондондаги айрим масжидлар ва ислом марказлари киши ёллаш жойига айланган. Масалан, Лондондаги «Ислом маданиятини ҳимоялаш жамғармаси» ОАВда киши ёллайдиган марказлардан бири сифатида эслатилади.

ДСТ фаолиятининг барқарор йўналишларидан бири жиҳод қилиш учун ислом армиясини тузиш мақсадида ўз аъзоларини

жанговар ва психологик тайёрлашдан иборат. Давлат хушёрлиги туфайли жанговар тайёргарликни ошкора ўтказиб бўлмайдиган мамлакатларда бу иш спорт клублари ва секциялари ниқоби остида ёки, давлатдан ташқарида, ҳарбий можаролар ва жангориларни тайёрловчи махсус лагерлар манжуд бўлган мамлакатларда амалга оширилади. Бу ерда фидойиликка тайёрлик, жафокашларга ҳурмат тарбияланади. Чеченистонда яшил пешонабоғ «жаннатга рухсатнома» деб юритилади. Ёлланганлар орасида тарғибот ўтказилади, бу иш босма шаклда ёки аудио-визуал воситаларни қўлланиш воситасида, ёхуд оғзаки олиб борилади. Бундай тарғибот 1990–1995 йилларда Тошкентда ошкора олиб борилган. Айрим радикал имомларнинг мавъизалари маҳаллаларда ва жамоат жойларида тарқатилди, репродукторлар орқали ҳам эшиттирилди. Оғзаки тарғибот мусулмонлар тўпланадиган жойларда ишга солинди. Давлат мажмуига кирувчи расмий масжидларда ҳам, нолегал хужраларда ҳам махсус мавъизалар қилинди. Масжидларда, Афғонистонда бўлганидек, ДСХ гоёларини маъқуллайдиган расмий имомлар мавъиза қилишди. 1970-йилларда Жазоирда расмий имом кўпинча ДСХ фаоллари томонидан ҳайдалиб, ўрнига уларнинг ўз аъзолари қўйилган. 1992 йилда диндорлар тўпланадиган жойларни назорат остига олиш учун Фарғона водийсидаги айрим шаҳарлар масжидларида ҳам шундай уринишлар бўлиб ўтди. ДСТ икки хил ҳолатдан фойдаланади: малакали руҳонийлар етишмаслиги туфайли янги очилган масжидларга ўз даъватчиларини қўяди; ДСТ нолегал аъзолари талаби билан муассасалар ва ўқув юртлирида намозхоналар очтирилади, расмий равишда тайинланадиган имом талаб қилинмайдиган бу жойларда, *шариат*га кўра, ҳар қандай диндор имоматга ўтиши мумкин.

1992 йилда Ўзбекистондаги кўп масжидлар кишилар ибодатдан-да кўпроқ тарғибот учун тўпланадиган жойларга айланиб қолди, даъватлар мубоҳасаларга айланиб кетди. Масжидларни ўз назоратига олган гуруҳлар у ерларга фақат ўзлари танлаб одам киритар эдилар. Нолегал, расман рўйхатга олинмаган масжидларга келганда, улар, ўрта асрлардаги *суфий*лик тариқатлари сингари, қизиксинувчан кўзлардан йирок бўлган барча жойда: шахсий уйларда ҳам, *мозор*даги хоналарда ҳам, шаҳар ташқарисидаги қўرғонда ҳам бўлиши мумкин эди. ДСТ бундай масжидларда ошкора тарғибот ишини олиб бориши учун кўпроқ имкониятга эга бўлади, уларда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги

долзарб масалаларга ошкора баҳо берилади, ДСТ ширларни ом-малаштирилади. 1989–1992 йилларда, *Адолат, Таъба, Исло-лашкарлари*, Ўзбекистонда ислом республикасини тузиш ва ша-риятни жорий этишни талаб қилинганида, шундай бўлганди.

Сиёсатшунос А. Кульчик ҳикоя қилади:

«80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тожикистонда ҳамда Фарғона водийсининг қатор аҳоли пунктларида асо-сан руҳонийлар оилаларидан чиққан, мадрасага илинмаган ва диний мансабга ўтира олмаган, бироқ (ўқув юртларида ҳам, уйда ҳам шуғулланиб) етарлича маълумотга эга бўлган, қонунларни биладиган, матбуотни кузатиб борадиган, билим доираси етарлича кенг бўлган ва миллий урф-одатлар ҳамда анъаналарни биладиган 30–45 ёшлардаги кишилар пайдо бў-либ қолди. Улар диндорлар билан мунтазам мулоқотда бўл-дилар, нотиқлик санъатини кунда чархлаб бордилар. Улар «арзон урф-одатлар» ва Қуръони каримнинг ҳар бир сураси-ни билишни талаб этишдан бошлаб, ўз ҳаракатларини Ўрта Осиёдаги исломда ўзига хос «қайта қуриш»га айлантириб юбордилар, ихлосмандлари отряди кўпайиб борди. Расмий руҳонийлар ва ҳокимият томонидан эътироф этилмаган бу гуруҳ улар билан қарама-қаршиликка киришиб, руҳонийлар ибодат қилувчиларнинг хайр-эҳсони ҳисобига яшамаслиги ва, айниқса, диний маросимлар учун тўланадиган ҳақ ҳисо-бига бойимаслиги лозимлигини; улар Қуръони каримни бекусур билишлари кераклигини, дин ишларида билимдон бўлишлари, ниҳоят, ахлоқли ҳаёт кечиришлари лозимлигини таъкидладилар».

Даъватнинг оғзаки усуллари жуда кенг ёйилган, чунки ДСТ анъанавий менталитетга, догматик тафаккурга, паст билим да-ражасига эга бўлган, араб тили ва ёзувини биладиган ҳамда Аллоҳ, Пайғамбар номларига ва Қуръонга мурожаат қилиб га-пирадиган ҳар бир киши маънавий нуфузга эга бўлган, гаплари ҳақиқат тарзида қабул қилинадиган муҳитда иш олиб боради. Шу сабабли мавъизалар ёзилган видеокассеталар оммалашди. Улар 1990–1995 йилларда Ўзбекистонда дўкончаларда очик со-тилган, айниқса, Тошкентда ғоят оммалашиб кетганди. ДСТ ўз ғояларини тарғиб қилиш учун эркаклар ва аёллар ижтимоийла-шувининг анъанавий шаклларида фойдаланди: рамазон кунлари масжидда *савол-жавоб* қилиш, диндорлар хонадонидаги эҳсон-

лар, ҳайитлар, тиловат, ақиқа, мавлид, ифтор ва ижтимоийлашувнинг бошқа анъанавий шаклларида фойдаланди; бундай тадбирларда Қуръони каримдан айрим оятлар ўқилади, уни оддий фуқаро кундалик ҳаётида дуч келадиган муайян вазият билан боғлаб тафсирланади. Сўнг нуфузли диндор, аёллар орасида бўлса – *отин* ёки *мударриса* саволларга жавоб беради. Бундай йиғилишларда иштирок этадиганлар таркиби ўзгариб боради, агар у маҳаллада ўтказилаётган бўлса, бирга Қуръон ёки *намоз* ўқиш учун ҳеч бир бахонасиз йиғилиши мумкин бўлган доимий гуруҳ шаклланиб қолади.

Бу, аслида, «анъанавий» Ўрта Осиё кишлоғи ва у билан боғланган шаҳар қатламларини сиёсий ва мафкуравий сафарбар қилишнинг ибтидоси эди. Буткул янги, ноанъанавий муносабатлар юзага кела бошлади: инсон (умуман Ўрта Осиё жамиятидаги сингари) ёши ва зоти учун эмас, балки художўйлиги ва фаоллиги учун қадрлана бошланди. Мана шу ҳолат, акидапарастлик ғоялари ва ташкилий тузилмалар ёйилишига кўра, янги диний сиёсий раҳнамолар юзага келиш тарзидаги оқибатларни келтириб чиқариш мумкин. Собиқ СССРда Ислом уйғониш партиялари икки йўналишда фаолият олиб боришган. Бу: 1) ислом меъёрлари ва кўрсатмаларини тарғиб қилиш, нашр ишлари; 2) анъанавий диний муассасалар орқали амалга оширилаётган диндорларни сиёсий сафарбар этиш.

Тожикистон ИУП раиси Муҳаммад Шариф Ҳимматзода 1990-йиллар бошида шундай деганди:

«Ислом тарихида масжид доим муҳим роль ўйнаганини ҳамма билади. Ислом сиёсати маркази ҳам шулар эди ... Масжид билим ўчоғига айланиб қолди. У мадраса вазифасини ҳам, ибодатхона вазифасини ҳам бажарди, мусулмон жамоа ҳаёти билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилди, сиёсий ҳаёт марказига айланди. Шу сабабли уни сиёсий ташкилот мақомидан маҳрум қилиш – хато. Масжидларга уларнинг аввалги аҳамиятини қайта бахш этиш мавриди келди ... Ислом, бу – дин. Ислом, бу – давлат. Масжид кишиларни ибодатга чорлаш учунгина мавжуд эмас. Ислом ҳаётнинг, сиёсатнинг, иқтисодиётнинг ва ҳ.к. барча соҳаларига фаол аралашмоғи керак».

1986 йилдан бошлаб СССРнинг барча мусулмон минтақаларидаги маҳалла масжидларида ёш йигитлар учун халқан тадрислар тузилди, улар аста-секин бирдамлик қондаларига асосланган норасмий бирлашмаларга айлана борди. 1989 йилдан шундай бирлашмалар Ўзбекистонда ҳам юзага кела бошлади. Кейинчалик улар норасмий гуруҳлар ва тарғибот марказига, қизлар учун диний мактабларга, ўғил болалар учун диний мактабларга, аёллар учун араб ёзувини ўргатадиган диний тўғаракларга айланиб борди, у ерда айрим суралар тафсир қилинарди, диний мазмундаги рисоалар тарқатиларди. Таълим олишни истовчилар кўп бўлиб, руҳонийлар етишмасди, шунинг учун рисоаларни, ўқиб чиқилгач, бошқаларга бериш ёки уларни кўчириб олиш илтимос қилинарди.

1990 йилда *муҳбтий* Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ёшлар билан ишлаш тўғрисида бундай деганди:

«Ёшлар – келажагимиз, ўринбосарларимиз, давомчиларимиз. Жамиятимизнинг бундан буёнги тақдири, унинг тараққиёти, ривожланиш даражаси, турмуш сифати ёшлар қандай бўлишига, қандай мақсадларни кўзлашига, қандай идеалларга сажда қилишига боғлиқ.

Бир неча йил аввал мамлакатимизнинг мусулмон ёшлари дунёвий фанларни ўрганишга фаол киришиб кетди (инқилобгача диний фанларни ўрганишга кўпроқ эътибор бериларди). Бу жараён ўз-ўзича ижобий эканлиги шубҳасиз. Ҳозир мусулмон эркак ва аёллар орасида юз минглаб мутахассислар: врачлар, муҳандислар, педагоглар, юристлар, санъат арбоблари ва ҳ.к. ва б. бор. Бу жуда ажойиб ҳол, бироқ дин арбоби сифатида айтмасам бўлмайди-ки, бу жараёнда биз маънавиятни бирмунча унутиб қўйдик. Маънавият бўлмаган жойда унинг ўрнини шафқатсизлик, бебошлик, безорилик ва йўл қўйиб бўлмайдиган бошқа ҳодисалар эгаллайди-ки, улар сўнгги йилларда бизнинг ижтимоий ҳаётимизда юзага келиб қолди ва улардан қутулиш қийин бўлади.

Ёш авлодни тарбиялаш – умумий иш, мамлакатимизда гарчи дин мамлакатлардан ҳам, мактабдан ҳам ажратилган бўлса-да, ҳозиргача бўлиб келганидек, дин арбобларини бу жараёндан четлаштириш имкони йўқ. Ота-оналар, мураббийлар, ўқитувчилар, ёшлар ташкилотлари билан тарбия ишида катта тажриба тўплаган ва уни ба жону дил баҳам

кўрадиган дин арбоблари биргаликда саъй-ҳаракат қилишлари дуруст бўлади.

Диний бошқарманинг аввалги Низомлари турғунлик даврида ишлаб чиқилган ва ислом *шариати* ҳамда диндорлар талабларига тўла жавоб бермасди. Янги Низом муболағасиз айтиш мумкинки, *шариат* қоидаларига, *Қуръони карим* ақидаларига, *Суннати набавия* таълимотига, шунингдек динга эътиқод қилиш тўғрисидаги совет қонунларига тўла мувофиқдир».

Масжидларда айрим мавъизаларни, бошқа нашрларни оронроқ нархда кўпайтириш учун ротапринт ускуналар пайдо бўлди. Кўкон масжидларида *Озодлик* ва *Ватанпарварлик* ташкилоти томонидан араб мамлакатларидан олинаётган инсонпарварлик ёрдами; *Қуръони карим* ва аёллар учун анъанавий кийим текин улашилди. Хотини ва қизларини бу кийимларни кийишга мажбур этган ёки кўндирган эркаларга пул тўланди. 1960-йилларда Жазоирда ҳам шу каби ҳолат кузатилганди: *ҳижобга* кирган қизларга пул нафақа берилганди, вақт-вақти билан ёрдам кўрсатиб турилганди, қишлоқлардан кўчиб келганларга эса турар жой, янги топишда кўмак кўрсатилганди ва ҳ.к.

Жамиятни исломлаштиришида машҳур даъватчиларнинг мавъизалари ёзилган аудио ва видеокассеталар катта роль ўйнади. Улар тинглаш ва қайта ёзиб олиш учун тарқатилади, бу тарғиботга умумисломий хусусият бахш этади ҳамда ДСТнинг ислом дунёси доирасидаги сиёсий-мафкуравий мавқеини бир-бирига яқинлаштиришга кўмаклашади. Масалан, норасмий имомлардан бирининг 1990–1995 йилларда Тошкентда тарқатилган ва барча бозорларда аудиокассеталарда жаранглаган мавъизаси Саудия Арабистони ва Покистондан келган даъватчилар мавъизаларининг ўзбек тилидагиси эди. Бу мавъизалар соддалигига қарамай, аҳолини аёлларни *ҳижобга* киритишга ишонтира олганди.

Тарғибот мақсадида диний мавзудаги фильмлар ёзилган видеокассеталардан ҳам фойдаланилади. Улар баъзида расмий каналлар орқали ҳам кўрсатиб қолинади. Масалан, Янги йилнинг илк кунларида (кўрсатувни кўпчилик телетомошабинлар кўрадиган дамларда) Ўзбекистон телевидениеси турк фильмини намойиш этди, унда турк йигитга турмушга чиқиб, исломга кирган голланд қиз ўз хизмат даргоҳида (офисида) *ҳижобда* юриш ва намоз ўқиш ҳукуқи учун курашади. Бу воқеа кўп ўзбек қиз-

лар учун намуна бўлиб, Фарғона университетининг талаба қизлари хикоя қилиб беришганидек, улар ҳижобга киришган. «Агар голланд қизи ҳижобга киришни бахт ҳисобласа, мен чин мусулмон қизи сифатида ҳижобда бўлишим лозим», – деди талаба қизлардан бири.

ДСТ тарғибот учун босма материаллар, асосан варақалар, рисолачалар, китоблар ҳам тарқатади. Масалан, Мисрда «Мусулмон биродарлар» диний матбуот имкониятларидан фаол фойдаланишган, ўз ҳафтаномалари ва журнални нашр этишган. Яқин Шарқдаги ДСТ тўғрисида ҳам шу кабиларни айтиш мумкин. Ўзбекистонда ДСХнинг айрим ғоялари 1991–1992 йилларда расмий нашр бўлган «Ислам нури»да, Эрк партияси газетасида тарғиб қилинган. Тожикистонда фуқаролар урушигача бўлган даврда бундай материаллар давлат ОАВда ҳам кўриниб қоларди, ўшанда диний кайфият авж нуктасига чиққан ва ҳукумат диний онг уйғониши ва ўсишини рағбатлантирганди. 1999 йилдан бошлаб *Ҳизб ут-таҳрир*нинг Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизстондаги бўлимлари варақа тарқатиш бўйича фаолиятини авж олдирди.

Шариат кўрсатмаларига мувофиқ, ичкиликсиз, ўйин-кулгусиз, эркаклар ва аёллар учун алоҳида ўтказиладиган исломий никоҳ ёки исломий тўйлар ДСТ учун ўз қарашларини тарғиб қилишда яна бир восита бўлди. Бундай тўйларга қуръон ва диний шеърларни ўқийдиганлар таклиф қилинади, тўйда обрў-эътиборли художўй кишилар қисқа мавъиза қиладилар. Бундай тўйга кизиқувчилар кўп, чунки 1990-йилларгача Ўзбекистонда барча тўйлар европача ўтказиларди.

Усмонова Азиза ҳикоя қилади:

«Илгари ҳеч қачон исломий тўйда бўлмаган эдим, шунинг учун қизиқардим. Бундай тўйда эркаклар ва аёллар турли хоналарда ўтиришади, куёв билан келин ҳам алоҳида ўтиришади. Куйдан фақат доира товуши эшитилади, лекин созандалар – аёллар, борди-ю эркаклар бўлса, парда ортида ўтиришади.

Биз таклиф этилган хонада дастурхон ёзилган, асил ноз-неъматлар қўйилган. Исломий тўйда асосий гап дин мавзuida бўлади, бу мавзуда даъватчи аёллар гапиришади. Хонадагилар ҳижобда, боши ва бутун бадани берк, юзигина очик. Хонада 20–30 аёл бўлиб, фақат мену холаваччам жуда

сипо ва узун дунёвий кўйлақда эдик, лекин рўмол ўрамагандик. Айни биз даъватчи аёлларнинг танқидига нишон бўлдик. Улар, нима учун хотин-қизлар ўралиб юриши лозимлиги ҳақида гапиришди, диндор бўлмаган ва ислом кўрсатмаларини бажармайдиган аёлларни нималар кутиши ҳақидаги Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларни келтиришди. Хотин-қизлар устидаги тақиқлар ҳақида гапиришди. Тўйга келганимга жуда афсусландим. Бундай тўйлар кўпроқ маъракага ўхшаркан».

Халқаро кўламда ва ўзлари фаолият олиб борадиган мамлакатлар ичида ДСТ зўравонлик ва террорни ишга солишади. Одамлар кўплаб тўпланадиган жойда ёки ҳукумат биноларида портловчи қурилмаларни ишга солиш – шундай методлардан бири. Ўзбекистонда бундай дастлабки йнрик иш 1999 йил 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтди, натижада қурбонлар, ярадорлар бўлди, бинолар вайрон этилди. Террор ва зўравонлик ДСТнинг Жазонр, Миср, Иордания, Ҳиндистон, Эрон, Ливанда ҳукуматларга қарши курашининг энг кенг ёйилган шаклига, шунингдек аҳолига даҳшат солиш усулига айланди.

ДСТ сиёсий арбобларни, юқори мансабдаги амалдорларни, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларини, шунингдек аёлларни ўлдиришдан ҳам фойдаланадилар. Зўравонлик усуллари, айниқса, Покистон ва Ҳиндистонда *Ҳизб-аллоҳ*, *Жамияти исломи*, Ливан ва Иорданияда *Ал-Жиҳод*, Жазонрдаги ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги Ислом Кутқариш fronti (ИКФ) сингари ташкилотлар тез-тез қўллашади. Чечен исломчилари иш олиб бораётган Россияда гаровга одам ўғирлаш одатий ҳолга айланиб қолди. 1999 йилда Қирғизистон Жанубида ЎИХ ҳам гаровга одам ўғирлашди. Ҳизбаллоҳнинг Туркиядаги жангарилари эвазига катта маблағ олиш учун бойларни ўғирлаб, сўнг ўлдириб юборишмоқда.

ДСТ уюшган оммавий чиқишлар ва фуқароларнинг бўйсунмаслик ҳаракатлари сингари методлардан ҳам фойдаланади. Тожикистонда ИУП 1992 йилда Душанбе марказида ҳукуматга қарши оммавий митинглар уюштирди ва улар мамлакатда фуқаролик уруши бошланиши бўлиб қолди. Бундай чиқишлар, аввалдан шиорлар тайёрланиб, сиёсий жиҳатдан таъминланди, тарғиботга хизмат қилиш учун эса сураткашлар ва журналистлардан иборат мададкор гуруҳлар тузилди. Ҳаракат фаоллари

митинглар иштирокчиларини муайян ҳақ тўлаб жалб этиб, ички тартиб сақланишини таъминлашди. 1992 йилда Ўзбекистонда *Адолат ва Ислоҳ лашкарлари* ҳам оммавий митинглар ва намо-йишлар уюштирганда, шу тариқа ҳаракат қилишди. ДСТ махсус ўргатилган жангари гуруҳларнинг жойларда қуроли чикишла-ридан ҳам фойдаланадилар. Полиция ва божхона постлари, ма-ҳаллий ҳокимият органлари дастлабки ҳужумга учрайдиган объект бўлади.

1970-йилларда Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёда (Ўзбекистонда – 1990 йиллар бошида) ДСТнинг кўпчилиги ҳукуматга мухо-лифатчи ҳамда унга тазйик ўтказиш гуруҳи бўлган бўлса, 1980-йиллардан бошлаб хорижий Шарқда, 1995 йилдан эса – Ўзбекис-тонда улар ҳукуматга қарши қуроли ва террорчилик кураши позициясига тобора кўпроқ ўта бошладилар. Улар ҳатто ҳуку-матлар ўз позицияларини исломий деб эълон қилган ҳолларда ҳам, ҳукумат билан исёнчиларга курашиш ва сепаратизм пози-циясидан туриб иш олиб бордилар. ДСТ ўзларини дин софлиги-ни ҳимоя қилувчилар сифатида кўрсатиб, давлатнинг аънавий турмуш укладига қарши замонавий секторни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларини танқид қилади. Улар зотан тараққиётга нисбатан алоҳида тоқатсизлик кўрсатиб, мусулмон-ларни бошқа динлар вакилларига қарши қайрайдилар.

ДСТ ва ДСХ ўз таъсирлари, сони ва ўзларига қарши катағон тўғрисида муболағали маълумотлар келтиришади. *Озодлик* ра-диостанцияси мухбирларининг маълумотларига кўра, 1997 йилда Намангандаги қатор қотилликлардан сўнг 60га яқин одам ҳиб-сга олинган, лекин минглаб одамлар ҳибсга олингани тўғрисида миш-миш тарқатилган. Аслида ДСТ аъзоларининг ҳақиқий сони ва уларнинг таъсирини аниқлаш қийин, чунки улар яширин иш олиб боришади. Бу ҳақда ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-лари ҳам билмайди. Улар асосан хорижий агентликлар журна-листлари билан суҳбатлашганда расмий ҳукумат рад этадиган рақамларни тилга олишади. Бу террорчилик ҳаракатлари оқиба-тидаги қурбонлар ва вайронгарчиликларга ҳам, давлат томонидан катағон қилинганлар сонига ҳам тааллуқли. Ўз таъсирини ва ўз фаолиятини тарғиб қилишда бу ДСТ ва ДСХ сиёсатининг бир қисмидир. Жазоирдаги *Нидо ал-Исломи* ва ИҚФга қирувчи бошқа ташкилотларнинг, Миср, Сурия, Судандаги *Ал-Ихвон Мус-лимунинг*, шунингдек Ўзбекистондаги ЎИХнинг ўз сафларидаги

кўпмингли аъзолар тўғрисида мақтаниб гапиришлари ҳам шундай ёндашувдан гувоҳлик беради.

ДСХнинг ижтимоий-сиёсий таъсири даражаси ва истиқболини аниқ баҳолаш ДСТ иш олиб бораётган мамлакатлар олимларининг муҳим вазифасидир. Жамоатни ДСТ фаолияти, иш ва тарғибот методлари тўғрисида билиб хабардор қилиш жамият учун зарур. Бу иш сиёсатда ғўр бўлган кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг диний-сиёсий оқимларга жалб этилишининг олдини олган бўларди. Аниқ маълумотнинг йўқлиги жамиятда беқарорлик юзага келишига олиб келади. Бундай иш араб мамлакатлари ҳамда Ғарбдаги етакчи илмий марказларда олиб борилади, лекин бу иш Ўзбекистонда етарли даражада эмаслиги кўриниб турибди. Мамлакатимиз олимлари ўзларини бу ишдан олиб қочишади, ислом бўйича тадқиқотлар ё ўтмишга, ёки қўшни мамлакатлардаги ислом тарихига тааллуқли бўлади. Боз устига гуманитар зиёлиларга совет давридаёқ исломийлик муайян даражада юккан эди. Мен илмий даражага эга, кучли анъанавийлик, ислом терминологиясида намоён бўлувчи хаддан ташқари миллатчилик хос бўлган тарихчиларни биламан. Улар исломнинг ўзбек жамиятига таъсири тўғрисидаги тадқиқотлардан қочишади, бу эса уларнинг мослашувчанлигидан даролат беради. Айрим исломшунослар ўзбек телевидениеси кўрсатувларида ақидапарастликка қарши гапириб чиқар эканлар, аслида ўша ғояларни тарғиб этиб, профессионал билимсизлигини, тор фикрлашини намоён этишади.

ДСТнинг мусулмон мамлакатлардаги ривожланиш тарихи у шаҳарга хос ҳодиса эканлигини кўрсатмоқда, чунки ривожланган мамлакатларда урбанизация табиий ўсишга, аграр аҳоли кўпайишига қараганда кўпроқ кишлоқ миграцияси ҳисобига содир бўлади. Лекин биринчи авлод шаҳар аҳолисининг барча умидлари рўёбга чиқавермайди, улар бу ерда қисман ёки мавсумий иш билан банд бўлишади ёхуд ишсиз қолишади. Ўзбекистондаги урбанизацияга назар ташланса, шаҳар аҳолисининг кўпчилиги кишлоқ иқтисодиёти билан боғлиқ, чунки йўл-йўриғи ва менталитетига кўра кишлоқ аҳолисига ўхшашидир. Совет даврида кўп-лаб шаҳарларнинг анъанавий *маҳаллалари* атрофдаги кишлоқларнинг шаҳарга қўшилиши ҳисобига ўсиб борган. Шаҳар туб аҳолисининг кўпчилиги ярим аграр фаолияти билан, хуфиёна сектордаги ва бозордаги чакана савдо билан банд бўлиб қолди.

Ўтиш даврида кескин кашшоқлашув юз берди, натижада шаҳар қўйи қатламлари ва кўчиб келганларнинг катта қисми бенаво-лар қаторига қўшилди. Бу одамлар ўзига ва кўп сонли оила аъзоларига бир бурда нон топиш учун ҳамма нарсасига тайёрдир. Ўзбекистонда ДСХ илгаридан кашшоқ бўлган минтақаларга дар-хол ўз таъсирини ўтказди.

Ёшлар ДСТга сиёсатдаги гўрлигидан ҳам кўра кўпроқ тирик-чилик қилишдан, яхши ҳақ тўланадиган бирон-бир ишни топиш-дан умидини узганлиги, коррупция, билимнинг етишмаслиги, то-пилган ишнинг ишончли эмаслиги, камбағаллик туфайли оила ва уй-жой қуриб бўлмаслиги сабабли илиниб қоладилар. Бунда (ДСТ илк бора пайдо бўлган) араб мамлакатлари ва (улар ёйил-ган) бошқа мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон ва Тожикис-тоннинг демографик таркибининг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиш керак. Ўтиш даври шароитида ёшлар кўпчилиكنи ташкил қилувчи аҳоли катта гуруҳлари умидсизликка тушиб қолишган. Бу эса уларда ўзлари яшаб турган дунёга нисбатан нафрат уйғотади. Улар дунёни ўзгартиришни ёки уларга тирик-чилик учун маблағ беришни ваъда қилувчи ҳар қандай шахс ортидан эргашишга тайёрдирлар ва кўпинча бу маблағлар худо-га хуш ёкадиган ишлар учун берилмайди. Улар бажаргани учун ҳақ тўланадиган иш кўпинча жиноят бўлиб, «адолатга интилиш» билан никобланади.

Анъанавийлик билан боғлиқ норозилик илк ислом даврини тенглик ва ўзаро ёрдам даври сифатида идеаллаштиришга айла-ниб кетади. Ҳадислар, *Қуръони карим оятлари* назарий намунага айланади, натижада ҳақиқий ислом жамоасини ўрнатишга даъват юзага келади. Исломлаштириш ғоялари ўзини ҳаётдан четда қолган деб ҳисобловчилар орасида қўллаб-қувватланади. Айрим тадқиқотчилар ДСХ мафкурасини ислом коммунизми деб ата-шади. Ўтиш жамиятларида анъанавий тузилмалар ва алоқалар барчанинг нисбатан барқарор турмуш кечиришини таъминлашга энди қодир эмас, жамиятнинг қатламларга кескин ажралиши кечагина ҳамма қатори кун кечириб келган маргиналларнинг қаҳр-ғазабини уйғотади.

Омон қолиш учун кураш, пул кетидан қувини, мулкний табақа-лашув – ўтиш даврига хос омиллардир. Анъанавий тузилмалар ва алоқалар янги ҳаёт шароитларига мослашишда юмшатовчи ролни бажаришга қодир эмас. Советлардан кейинги Марказий

Осиё бозорлари ва буюм бозорларига кўз ташлайлик. Айни улар фаолликнинг анъанавий шакли жамланган жой бўлиб қолди: савдонинг улгуржисидан тортиб чаканасигача, ошкорасидан тортиб махфийсигача шу ерда мавжуд. Бу ерга янгисини ҳам, импорт махсулотни ҳам олиб келиб сотишади, бу ерда хилма-хил хизматлар, шу жумладан жиноийлари ҳам таклиф этилади. Бозорда кўпчилик ўзига иш топади, бироқ бу ишнинг асосий тавсифи – унинг муқим эмаслиги; иш юришиб кетиши ҳам, та-наззулга учраб хонавайрон бўлиш ҳам мумкин. Муқим иш жой-лари қисқариб бораётгани ҳолда бозор ёшармоқда, донмий иш ҳақи ва доимий касбга эга бўлмаган ёшлар ҳиссаси ортиб бор-моқда. Вакт ўтмоқда, бироқ ҳаёт ўнганмаяпти – ҳукумат томо-нидан таклиф этилаётган йўлдан фарқланувчи янги йўл ғояси «ислом тўлқини» тарзида ижтимоий акс-садо берадиган потенци-ал ижтимоий муҳит ана шудир.

Жиқод нимга манфаат келтиради?

Биронта ташкилот ёки ҳаракат молиявий кўмаксиз ривожла-на олмаслиги равшан. Қашшоқлар ва бенаволар ҳаракатлари ҳамда ташкилотлари фақат ижтимоий норозилик ҳисобига юза-га келмайди, бу ДСХ фаолияти бошланиши учун қулай шароит, ҳолос. Шоҳобчаларга бўлиниб кетган, турли мамлакатларда минглаб одамларни бошқарадиган ДСХни диндорлар ўртасидаги бирдамлик ва ўзаро ёрдам маҳсули деб қарамаслик керак, улар-да бирон-бир ташкилий фаолият учун маблағ йўқ. Маҳаллий ДСХни ташкил қилиш учун қасрдан пул олинади? Пулни 1930-йиллардан буён мавжуд бўлган, ташқи сиёсати мақсадларидан бири қўшни давлатларга ДСХ орқали таъсир кўрсатишга инти-лиш бўлган мамлакатларда муқим раҳбариятга ва мафкурачи-ларга эга бўлган ДСХ жаҳон марказлари беради.

Шарқшунос А. Игнатенко ДСХнинг молиявий базаси ҳақида бундай ёзади:

«Бундан ташқари ишбилармонларнинг кўп сонли гуруҳла-ри борки, улар ўз бизнесини шиддатли рақобат шароитида юритади; улар ўзининг иссиққина жойи учун курашни «мў-минлар»нинг «ғайридин»ларга қарши кураши шаклида ниқоблаб олиб боради. Булар, одатда, нарқобаронлар, неф-тчи магнатлардир. Нисбатан тажрибали ғарблик шериклар,

шунингдек маҳаллий хорижий компаниялар билан рақобат «мусулмонларнинг мустамлакачи христианларга қарши кураши» шиори остида «чет эл компанияларининг зўравонлигига» қарши кураши шаклида олиб борилади.

ДСТнинг мусулмон мамлакатлардаги фаолияти кўрсатишича, анъанавийлик (жамоа, этник гуруҳ ёки уруғ-аймоқ) доирасида бадавлат ҳомийнинг «ётлар»га қаши курашда жамоанинг қашшоқ ва мутеъ аъзоларини бошқариши осон, уларда «диний бирлик» йўлида «ёт»ларга нисбатан нафрат уйғотилади».

Халқаро ДСХда йирик молиявий маблағнинг мавжудлиги у ёки бошқа ДСТнинг босма махсулотини бутун дунёда: Жазоирда, Суданда, Тунисда, Мисрда ва ҳ.к. тарқатиш учун шароит яратди. Бу босма материаллар Ўзбекистонга ҳам 1989–1992 йилларда араб тилида, 1995 йилдан бошлаб эса ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда етиб келди. Масалан, *Ҳизб ут-таҳрир ал-Исломининг* Ливанда чоп этиладиган нашрлари Ўзбекистонда 1992 йилдаёқ пайдо бўлганди, булар – *Ал-Ваъи*, *Ислом низоми* журналлари ва бошқалардир. 1995–1996 йилларда *«Халифалик»*, *«Ҳизб ут-таҳрир терминологияси»*, *«Ислом даъватини ёйиши – вазифа ва услублар»* ва ўзбек тилидаги бошқа китоблар етиб келди. Бу адабиётларнинг вазифаси диндорлар онгига адолатга ва мусулмонларнинг тенглигига эришиш шакли ва «мусулмон мамлакатларда мусулмонларни кулликка солиш учун яратилган Ғарб қадриятларининг мавжуд бўлишига» тўсик бўлган ягона ислом жамоаси ғоясини сингдиришдан иборат бўлган. *Ҳизб ут-таҳрир* томонидан Ўзбекистонда тарқатиладиган варақалар мамлакат раҳбариятига ва конституциявий тузумга қарши қаратилган. Улар ДСХ фаоллари томонидан транспортда, бозорда тарқатилади, почта кутиларига ташлаб кетилади. Улар мазмунан содда бўлса-да, аҳолининг ҳаёт неъматларидан бебаҳра қолганликдан алам чекаётганлик туфайли ҳар қандай даъватни қабул қилишга ҳозир турган анча катта қатламларига таъсир ўтказди.

Манфаатдор учинчи мамлакатлар ДСХнинг тузилишига кўмаклашадилар: Афғонистонда *Толибон* ҳаракати вужудга келишида Покистон махсус хизмати муҳим роль ўйнади; *Ҳизбаллоҳнинг* Яқин Шарқдаги айрим бирлашмалари Эрон махсус хизмати билан алоқалари мавжудлигини тасдиқлайди; Саудия

Арабистони ваҳҳобийликни қўллаб-қувватлаётганини бутун му-
сулмон олами эътироф этади.

Пешовардаги Афғон тадқиқотлари маркази таҳлилчиси Ах-
мад Рашид *Толибон* ҳаракатининг ЎИХни ташкил қилишдаги
ролини қуйидагича тасвирлайди:

«*Толибон*» ҳаракати жангариларни уюштириб ҳамда улар-
га Афғонистон лагерларида тайёргарликдан ўтиш имконини
яратиб, бутун Марказий ва Жанубий Осиёдаги можароларни
бошқариб боради; у ЎИХ учун базалар яратишни кўзда тута-
ди ҳамда 1999 йил ёзида Қирғизистон ва Фарғона водийсига
кира бошлаган жангариларни мамлакат шимолидан Мозори
Шарифни назорат қилиб турган *толиблар* ёрдамида таъмин-
лаб туради...

Марказий Осиё минтақаси ва Жанубий Осиё тобора кўп-
роқ беқарор бўлиб бормоқда. Минтақадаги баъзилари бир-
бирига рақиб бўлган (Ҳиндистон, Покистон) мамлакатлар
ўртасида тўла тотувлик йўқлиги учун Фарб ушбу минтақанинг
террорчилик хавфини ҳисобга олувчи изчил стратегиясини
ишлаб чиқишдан амалда ожиз қолмоқда. *Толиблар* халқаро
миқёда яққалаб қўйилгани ва Афғонистон амалда парчала-
ниб кетгани туфайли Марказий Осиёда халқаро бўшлиқ юза-
га келди. Айни маҳалда экстремистик гуруҳлар алоқаларни
кучайиб бормоқда, минтақавий стратегиялар ва халқаро
ҳамжамиятларнинг улар устидан назорат ўрнатиш ишини
мувофиқлаштириши ва бу борадаги келишуви даражаси
пастлигича қолмоқда.

Толиблар қўшни Хитой ва Покистондан бўлган ислом ра-
дикаллари ҳамда экстремистик гуруҳлари режаларида муҳим
роль ўйнаётган гуруҳ бўлиб қолмоқда. *Толиблар*нинг экстре-
мистик гуруҳларни қўллаб-қувватлаётгани катта ташвиш
туғдирмоқда, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакатла-
рида чегарада террорчилик юз бериши хавфи, сепаратизм ва
радикал ислом ҳаракатлари таҳдиди ортиб бормоқда...

ДСТ жаҳон марказлари эмиссарлари маҳаллий ДСТларни
молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларга тижорат ту-
зилмалари, майда фирмалар, дўконлар, улгуржи савдо базала-
ри, майда устахоналар очтириш, бозорга маҳсулот етиштириш
учун ерни ижорага олдириш орқали уларни «ўзини ўзи маблағ
билан таъминлашга» ўтказишга интиломқдалар, ишга жойлаш-

тирилганлар даромади ва бадалларининг бир қисмини эса ташкилий фаолиятга сарфлашни кўзда тутмоқдалар. «Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шаклларида бири сифатида талон-торој қилишдан фойдаланилмоқда. Бу шакл деярли барча мамлакатлар (Миср, Жазоир, Шри-Ланка, Ливан, Судан ва бошқалар, шу жумладан Ўзбекистон)даги кўплаб ДСХ томонидан қўлланилмоқда. 1998-1999 йилларда Наманган ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган суд жараёнлари давомида ДСХнинг «ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши»нинг шундай шакли аниқланди: талон-торождан тушган маблағнинг бир қисми махсус жамғарма (Байтулмол)га берилар ва ташкилотчилик фаолиятига, ташкилотнинг қамоқда ётган ёки мамлакатдан ташқарида юрган аъзолари оиласига кўмаклашишга сарфланар экан.

Мусулмон мамлакатлар тажрибаси кўрсатишча, ушбу мамлакатларнинг кўпчилигида расмий руҳонийлар алоҳида нуфузга эга табақа, ҳукуматга содиқ бўлиб, дин давлатдан ажратилган баъзи мамлакатларда, масалан, Ўзбекистонда маълум даражада давлат хизматчиси рутбасига эга бўлса-да, бари бир, руҳонийларнинг муайян қисми ДСХга қўшилган. Расмий уламоларга барча расмий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш хос бўлиб, улар аслида ислом дини таълимотининг ўзгартирилишига қарши эътироз билдирадilar. Улар ДСХ талаб этаётган исломни «тозалаш»га қаршидилар, бироқ махсус диний билимга эга бўлмаган норасмий руҳонийлар ДСХга қўшиладилар ва ўз даъватлари билан уларга хизмат қиладилар, ДСТнинг фаол аъзоси ҳисобланадилар, ёлловчилар ва жангарилар лагерларида устозлар сифатида ишлайдилар; улар жамоаларда ҳамда жангарилар орасида жиддий ҳокимиятга эгадилар.

Баъзан руҳонийларнинг бир қисми, масалан, Ўзбекистон Ислом Уйғониш партияси ташкилотчиларидан бири бўлган Обид Қори Назаров сингарилар, уламоларнинг мослашувчанлигига қарши чиқиб ҳамда ДСТга қўшилиб, шундай ҳаракатлар мафкурачиси бўлиб қолмоқда, муайян сиёсий кучга эга бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ислом руҳонийлари орасида мулкий табақаланиш ҳам мавжуд, диндорларнинг хайр-эҳсони ҳисобига кун кўрувчи камбағал муллалар исломнинг расмий тафсирдан фарқланувчи ўз тафсирини бериб, бу билан *суфийлик*нинг ижтимоий анъанасини давом эттиришмоқда. Бу муллалар оддий диндорлар сингари кун кечирishaди, оддий диндорлар нима еса – шуни ейди,

нима кийса – шуни кияди, қандай уй-жойда яшаса – шунақа уй-жойда яшайди. Айнан шунинг учун ҳам жомеъ масжидлар имомларига кўпроқ ишонишади. Лекин ДСТда мафкурачи сифатида рухонийлар эмас, балки кўпроқ ўзини ислом қондаларини талқин қилишга оддий диндорларга қараганда ҳақдорроқ ҳисоблайдиган ярим профессионал (исломда чала мулла) снёсатчилар иш олиб боришади. Кўпинча улар ҳатто профессионал маълумоти ҳам бўлмаган, жамоаларнинг норасмий раҳномалари бўлиб қолган ва диний мажмуа (масжид ҳамда мадраса) ёки ўрта ва куйи бўғин рухонийлари билан алоқаси қалин кишилар бўлиб чиқишади.

Мусулмон оламида ДСХнинг таникли мафкурачилари – илоҳиёт билан шуғулланувчи зиёлилар вакиллари: врачлар, ҳарбийлар, юристлар, майда тадбиркорлардир. Марказий Осиёда ДСТ мафкурачиларининг ижтимоий таркиби аниқ эмас. Афтидан, улар орасида жамоаларнинг норасмий раҳномалари, норасмий муллалар ва имомлар ҳам бўлса керак. Ўзбекистон Адлия вазирлиги маълумотида кўра, 1992–1993 йилларда ўз фаолиятини жомеъ ва маҳалла масжидларида ўтказаятган 6000дан зиёд диний ташкилот рўйхатга олинган. Совет даврида 2 мадраса иш олиб боргани туфайли кўплаб очилган бу янги масжидларни диний билимга эга бўлган рухонийлар билан таъминлаш имкони йўқ эди. Шунинг учун янги масжидларнинг кўпчилиги Покистон ва Саудия Арабистонидан келган даъватчилар томонидан тарбияланган махфий муллаларнинг, ёки, ҳатто, диндан ўз мавқеини эгаллаш учун фойдаланадиган авантюрачиларнинг таъсири остига тушиб қолди. Шунинг учун ҳам, 1980-йиллар охири ва 1990-йиллар бошидаги давр оралиғида мусулмон оламидан деярли тўсиксиз кириб келган ДСХ ғоялари таъсирига энг кўп даражада учраганлар айни шулар бўлиб қолди. Бу пайтда жамиятнинг снёсийлашуви ўз-ўзидан рўй берди, куйидан исломлашув ҳам фаоллашиб, тобора снёсий тус ола борди. «Янги мусулмонлар»нинг снёсий позицияси советлардан қолган бутун меросни «мўмин мусулмонларга» ёт ва душман бўлган мустамлакачилик мероси сифатида буткул инкор этишда ўз продасини топди. Миллий зиёлиларнинг кўпчилиги исломийлик билан заҳарланганини ва бугунги кунда ҳам анъанавийликни идеаллаштириб, кўпхотинчилик, эрта никоҳланиш ва аёлларнинг тобеъ аҳволи, диний билимнинг дунёвий билимдан устунлиги сингари ҳодисаларни миллий қадрият даражасига кўтараётганини таъкидлаш

керак. Шунинг учун жамиятнинг исломлаштиришга на зиёлилар, на давлат зарба берди, норозилик изҳор этувчи бошқа куч эса топилмади.

«Ғайридинларга» қарши қайфият агрессив тус олди, Ўзбекистонда ислом давлатини барпо этиш ғояси эса 1990-йиллар бошида сиёсий шнорлардан бири бўлиб қолганди. Ўзбекистонда иш олиб бораётган ДСТ «собик коммунистларга» қарши курашгандай ҳукуматга қарши курашди. *Адолат, Тавба ва Исломишқарлари, Одамийлик ва Инсонпарварлик* ташкилотлари 1990–1992 йилларда Фарғона водийси шаҳарларини ўз тарафдорлари билан тўлдириб ташладилар; мавжуд байрамларга диний бўлмаган деб, шунингдек маҳаллий ҳокимиятга коммунистик деб қарши чиқишди. Маҳаллаларда диний кўрсатмаларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатилди, йигитларнинг қизлар билан учрашуви тақиқланди, модага мос кийинган, ўша пайтда модада бўлган қора пайпоқ кийган қизлар таҳдид остида қолишди. Бу ташкилотлар ўз аъзолари олдига маҳаллий бошқарув органларига сукулиб кириб, коммунистларни сиқиб чиқариш вазифасини қўйишди ва бунга кўп даражада эришишди ҳам.

Президентлик сайлови олдидан ўтказилган тадбирлар жараёнида улар янада жиддийроқ ишларга тайёргарлик кўришди, 1991 йилда Президентликка номзод олдига мамлакатда ислом бошқарувини ўрнатиш талаби қўйилди. Улар Ўзбекистонда жамият «кофирлар жамияти» деб ҳисоблаб, шунинг натижасида «мўмин мусулмонлар»ни «кофирлар»дан ажратиб олишга ҳаракат қилишди. Улар муҳолифатчи партияларнинг легал тадбирларида қатнашиб, уларда ўз сиёсий-мафкуравий йўлларини ўтказишди. Улар, айниқса, Тожикистонда беқарор вазиятлар юзага келган даврда ўз фаолиятларини авж олдиришди; тартибсизликлар уюштиришди, бироқ фуқаролик урушини бошлаш учун ҳали етарлича қурол-аслаҳа тўплашмаган эди. Ҳукумат уларнинг фаолиятини тақиқлаб қўйди. Бу ташкилотлар арбоблари ҳибсга олингани тўғрисида уларнинг раҳбарияти яширин иш олиб боришга ўтди ҳамда фуқаролар уруши бошланган Тожикистонга кетди, у ерда исломчилар томонида туриб фуқаролар урушининг фаол қатнашчисига айланди.

Улар яширин ишлашга ўтгач ҳам, минтақада ўзининг мафкуравий таъсирини сақлаб қолишди ҳамда кейинги йиллар давомида фаолиятини давом эттиришди. Тарқатиб юборилган

ташкilotлар ўрнини бошқа диний-сиёсий гуруҳлар эгаллади, улар ҳақидаги маълумот *вахҳобийлар* термини билан чекланади. Ислом гуруҳларининг ҳаракати, шу жумладан улар уюштирган тартибсизликлар ҳақида расмий ОАВ ва бошқа маҳаллий манбаларда лом-мим дейилмади, натижада бу борада муаммо йўқдек бўлиб чиқди. Ислом гуруҳлари фаолиятининг олдини олиш учун ҳибсга олишга тушилди. Яширин ислом ташкilotлари манжудлиги давлат томонидан расман эътироф этилмагани туфайли ҳукуматнинг хатти-ҳаракати ташкарида диндорларни қувғин қилиш, деб баҳоланди, исломчилар эса дунёвий давлатга қарши курашларида инсон ҳуқуқлари терминини ишга солишди.

Наманганда 1997 йилда бўлиб ўтган воқеалар ва 1999 йил февралда Тошкентдаги портлашларгина ўтган йиллар давомида фаол тарғибот ишлари олиб борган, ёшларни ўз сафларига жалб этган, йигитларни Тожикистон, Афғонистон ва Чеченистондаги лагерларига ҳарбий тайёргарликдан ўтиш учун жўнатган экстремистик ДСТ мавжудлигини тасдиқлади. ДСТ *жиҳод*га тайёргарлик кўришарди. Фарғона водийсидаги айрим минтақаларда давлат қонунлари тан олинмасди; эрга никоҳланиш, кўп-никоҳлилик ислом турмуш тарзининг бир қисми сифатида алоҳида равишда ёйилди. 1964 йилда Мисрда ўша пайтдаги вазиятни назарда тутиб айтилган: «Биз аста-секин ишга тушадиган бомбага дуч келдик. Унинг қобиғи исломий бўлгани билан, ичидагиси ғоят портловчан, рўёбга чиқмаган орзулар, умидсизлик, халқнинг босиб келинган, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва этник муаммолар жумбушга келтираётган қаҳр-ғазабининг қоршиғидан иборатдир», – деган гапларни 1999 йилдаги Марказий Осиёга қисман ёки, ҳатто, тўла тааллуқли, дейиш мумкин.

Адолат, Тавба ва *Ислом лашкарлари* томонидан жамиятнинг исломлаштирилиши натижасида ўзига хос «аксил жамият» – фақат шарият қонунлари амал қиладиган жамоалар юзага келди, улар дунёвий муносабатларни ва қонунларни инкор этишади. Бу ҳақда менга суҳбатдошим бўлган бир аёл ҳикоя қилиб берди: «*Агар Қуръони каримни билмаса, қанча билимдон бўлмасин, профессор ҳам жаннатга тушмайди. Аёл киши олма бўлиши нимага керак, у биргина сурани билса, бас, шунинг ўзи етарли, чунки жаннат эшигини аёл очади. Дунёвий билимлар дилни бузади, улар шунга олиб келадики, одамлар фоний дунёни муҳим ҳисоблаб, унга ёпишиб олишади*». Бунда диний мутаассиблик,

гайридинларга душманлик, илмий билимларни, дунёвий таълимни инкор этиш, давлатга ишончсизлик ва нафрат руҳи ҳукмрон.

«Марказий ва Жанубий Осиёдаги бухронни бартараф этишда дипломатик саъй-ҳаракатларнинг етишмаслиги ҳам минтақадаги бекарорликка кўмаклашади. 2000 йилда улар энг бекарор жой бўлиб қолади», – деб ёзади Интернетда хинд таҳлилчиси П. Стобдан.

Пировард натижада ДСТнинг сиёсий-мафкуравий кўрсатмалари аксил ватанпарвар йўналиш касб этади. Барча ақидапарастлик ташкилотларининг дастлабки мақсади *халифалик*ни ҳамда *шариат* негизида исломий турмуш тарзини қарор топтиришдир. ДСТнинг фаолияти жамиятни қуйидан жадал «исломлаштириш»га тўскинлик қилади ва уларнинг инкор этилишини келтириб чиқаради. Ислом мафкураси билан камраб олинган аксил жамият кенгайиб боради. Жамият аъзоларига, агар бошқарувнинг янги тури, мазкур вазиятда – халифалик жорий этилса, уларнинг аҳволи яхшиланиши тўғрисидаги ҳаёлий таълимот сингдирилади. ДСТ мафкурасининг ёйилишига қарши ягона ҳақиқий тўсиқ фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, дунёвий таълимни коррупциядан халос қилиш, кашшоқликни тугатишга қаратилган ижтимоий дастурларни авж олдириш ва амалга ошириш ҳамда муҳим иш ўринларини яратишдан иборат.

Шундай қилиб, ижтимоий тараққиётга, миллий давлатларни ривожлантириш истиқболларига, замонавий ривожланиш даражасига эришишга қаршилиқ қилиб келаётган мусулмон ғоявий оқимларининг фаоллашуви ўтган асрнинг ўрталаридан бошланиб, ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Дорул-исломнинг мусулмон умматлар бирлиги ва унинг манфаатлари барча номусулмонлар манфаатларига зидлиги тўғрисидаги исломнинг асосий сиёсий принциpidан келиб чиқувчи умумий тенденцияси мустамлакачиликдан кейинги даврда алоҳида ўрин тутади.

Мусулмон мамлакатларнинг ижтимоий ва иқтисодий қолоқлиги мустамлакачилик оқибати бўлиб қолган ҳозирги даврда ислом шунчаки дин эмас, балки дунёқараш ва ижтимоий тизимлар эканлиги ва Ғарбнинг дунёқараш ва ижтимоий тизимларига зидлиги тўғрисидаги ғоя ислом модернистлари асарларида ҳам, ақидапарастлари асарларида ҳам озми-кўпми олдинги қаторга олиб чиқилмоқда. Модернистлар жамиятда ижтимоий бўлиниш

мавжудлигини инкор қилишмаган, ислом жамияти орқада қолганлигини кўришган. Улар ноислом дунёси ютуқларини ўзлаштириш учун у билан ҳамкорлик қилишни Шарқ билан Ғарб ўртасидаги зиддиятни бартараф этиш воситаси сифатида ёқлаб чиқишган, Ғарбнинг таъсирига йўл қўйиб, ўз маданияти унсурларини уники билан омикта қилиш мумкинлигини эътироф этишган. Модернистик оқимнинг ижтимоий мазмуни ривожланган Ғарб билан боғлиқ бўлган ривожланаётган эркин иқтисодиёт манфаатларини акс эттирган ва улар исломдан миллий манфаатлар йўлида фойдаланишган.

Ақидапарастлар миллий онг соҳасида исломни миллатчиликка қарши кўядилар ва аҳолининг патриархал тузилма, асосан қишлоқ жамоасидан иборат бўлган қатламлари онги ҳолатини акс эттирадилар: ақидапарастлар миллатчиликни ислом билан алмаштиришга ёки уни ислом билан омикта қилишга интиладилар, улар ижтимоий адолатни ёқлаб чиқадиладар. Айримлари бенаволар номидан чиқадиладар, «бенаво» деганда фақат тубанлашган қатламлар эмас, балки манфаатлари маълум даражада аҳоли тубанлашган қатламларининг, синфсизлашган қисмининг онгини акс эттирадиганлар ҳам тушунилади. Улар энг консерватив қатламларнинг, ижтимоий тубан қатламларнинг психологиясига таянадиладар.

Бу ғоялар курашида аёллар қурбонга айланишади: аксил жамиятга жалб этилганлари ўрта асрлар тартиботига бўйсунушади, жамиятнинг дунёвий қисмида эса улар, бир томондан, иқтисодий муаммолар туфайли, бошқа томондан эса – миллий кадрият сифатида тикланаётган эскирган анъаналар ва урфодатлардан азоб чекишади. Жамиятнинг диндан холи қилиниши, ҳаётнинг барча соҳалари дин таъсиридан халос қилинишигина тараққий этишга имкон яратади, бироқ буни ҳали исломни ҳазил деб билаётган на зиёдилар, на сиёсатчилар англаб етишди.

2-БОБ

ҒАФЛАТ ВА ҚУШЁРЛИК АСРИДА

Узирги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволини ўтмиш тарих кўп жихатдан белгилаб берган. Мамлакатга гендер масаласида совет даври ютуқлари ҳам, ҳал этилмаган муаммолар ҳам, хотин-қизларнинг сиёсий пассивлиги-ю мослашувчанлиги ҳам, шунингдек жамиятнинг улар аҳволига бефарқлиги ҳам мерос қолган. Ўтмиш даври қийинчиликлари хотин-қизларнинг иқтисодий аҳволига таъсир кўрсатди, уларнинг ижтимоий ҳаётнинг расмий доирасидаги фаоллиги пассивга кетди. Ўсиб бораётган миллий ўзлигини англаш шароитида аёлга эркаларга мутеъ мавжудот сифатидаги, аёл оламига уйнинг тўрт девори билан чекланган ва мутлақо оила ҳамда фарзанд тарбиясига бағишланган олам сифатидаги анъанавий қарашни кучайтириб юборди.

Совет даврида мусулмонлар Марказий Осиёсида хотин-қизларнинг аҳволига жиддий таъсир кўрсатган ҳамда уни сифат жихатдан ўзгартириб юборган жараёнларга эътибор бериб ўтиш жоиз. Ҳозир СССР барбод бўлганидан буён ўн йиллар ўтди, СССРда бўлаётган барча нарсани бетийиқ макташ ўрнини худди шу каби бетийиқ ва адолатсиз танқид эгаллади. Шу боис ушбу китоб доирасида совет даврида шарқ аёли аҳволининг ўзгариши ҳамда унга совет ҳокимияти «туҳфа» қилган барча нарсани сақлаб қолишга нима халакит қилгани ва бу «эркинлик» нимадан иборатлиги таҳлил қилинган. Ўзбек аёли XX асрда босиб ўтган йўлни таърифлаш учун «инкилобий» сўзини ишлатиш бугунги кунда жуда ўринли. Масалан, бизнинг оила тарихи жуда типик бўлиб, уч авлод хотин-қизларининг аҳволи нақадар ҳар хил бўлганини ва ҳар бир авлоднинг ҳаёти ўзича фожиаи ўтганини кўриш имконини беради. Аёлнинг фақат ташқи қиёфаси ва ҳаётий қадриятлари эмас, балки маълум даражада психологияси ва турмуш тарзи ҳам ўзгарди. Агар XX аср бошида аёл отаси ҳам-

да эрининг ихтиёрига буткул боғлиқ мутлақо хонадон мавжудоти бўлган бўлса, 1990-йилларга келиб Ўзбекистон аёллари бекиёс даражада саводли, маълумотли, иқтисодий жиҳатдан фаол бўлиб қолишди: уларнинг ҳаётий манфаатлари ва мақсадлари доираси анча кенгайди. Улар жамият ҳаётида ўз ўрнини топишди. Ўтмишни асоссиз идеаллаштириб, хотин-қизларга ўша эски ҳаётини қайтариб беришни истаётганлар миллий фожияни келтириб чиқариши аниқ.

Илк ва сўнгги совет давридаги хотин-қизларнинг аҳволидаги фарқ жуда катта. Хотин-қизлар аҳволидаги ўзгаришлар тўғрисида ҳар бир пила далил-исбот келтириши мумкин. Совет даврининг дастлабки ўн йилида айрим аёлларгина уйдан ташқарида ишлаган ва озгинаси замонавий таълимдан, шу жумладан олий таълимдан баҳраманд бўлган бўлса, 1990-йиллар бошида меҳнатга яроқли аёлларнинг 46,5 фоизи иқтисодий фаоллик кўрсата бошлади, деярли барча аёллар саводхон эди. Ўрта мактаблар ва ўрта ўқув юртлари битирувчиларининг 49 фоизини, олий ўқув юртлари битирувчиларининг 40,2 фоизини қизлар ташкил қиларди. Маъмурий-бошқарув тузилмаларида аёллар салмоғи 17,5 фоизга етганди. Ўзбекистонда аёллар аҳволи кўрсаткичлари гарчи СССР бўйича ўртача кўрсаткичдан паст бўлган эса-да, улар ҳозир ҳам даромадлари даражасини қийинсизлаштираётган мусулмон мамлакатларидан анча юқоридир. Бироқ ўзбек аёлларининг совет давридаги ижтимоий мақоми кўрсаткичлари умуман яхши бўлганига қарамай, уларнинг ижтимоий қатламлардаги, шаҳар ва қишлоқлардаги ҳақиқий аҳволида тафовут бор эди. Шундай бўлса-да, хотин-қизларнинг умумий таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик неъматларидан баҳраманд бўлишида бу тафовутлар енгил бўлмас тўсиқ эмасди. Аёлнинг ижтимоий мақомидаги фарқ қонунда кўзда тутилган тўсиқларга қараганда кўпроқ жамиятнинг маданий дастури билан, анъанага риоя этиш ёки оиладаги тарбия билан белгиланарди. Хотин-қизлар истикболи унинг бирон-бир ижтимоий қатламга мансублигидан кўра унинг ўзига кўпроқ боғлиқ эди.

Ўрта Осиё республикалари иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда Совет Иттифоқининг бошқа республикалардан анча орқада қолиб кетган ҳамда совет империясининг ўзига хос «ривожланаётган мамлакатлари» бўлиб, қисман ўтмишдан мерос қолган муаммолар юки остида қолган, қисман мамлакатларнинг

ривожланган минтақаларига иқтисодий қарамлик туфайли юзга келган қашшоқлик азобини тортаётган эди. Лекин совет Ўрта Осиёсида ижтимоий фарқ Жанубий Осиё ёки Ўрта Шарқдаги сингари кескин эмасди, аҳолининг бой ва камбағал қатламлари даромадлари орасидаги тафовут арзимас даражада эди. Кам таъминланганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича анча ривожланган тизим амал қиларди. Шундай бўлса-да, СССРда социализм фаровонлик даражаси тенг ва турмуш тарзи бир хил, турли ижтимоий гуруҳлар ўз турмуши сифатини ошириш ва такомиллаштириш учун имкониятлар бир хил бўлган жамият ярата олди, деб ҳисоблаш хато бўларди. Бу, айниқса, ҳуқуқи кўпроқ оила миқёсида чекланиб келган аёлларга нисбатан жуда сезиларли равишда намоён бўлганди.

Умуман жамиятнинг, хусусан хотин-қизларнинг ҳозирги муаммоларини тушуниш учун тарихга мурожаат қилиш ва ўзбек жамиятида содир бўлган жараёнлари кўриб чиқиш, уларнинг хотин-қизлар аҳволига таъсирини аниқлаш; жамият таркибини ва ундаги ўзгаришлар йўналишини аниқлаш; воқеаларнинг прогрессив жараёнига тўсқинлик қилибгина қолмай, балки ўтмиш воқеаларини тирилтиришга қодир бўлган ходисаларнинг барқарорлик механизмини тушуниш; ўзбек жамияти ижтимоий қатламларининг асосий хусусиятларини тавсифлаш; ХХI аср бўсағасида жамиятнинг цивилизациялашган хусусиятлари ҳамда маданияти аҳволига баҳо бериш зарур.

2.1. Унутилаётган кунлар

Яна ўша дарди алам

Зирқиратди қулни ожиз тушида.

Жамиятдаги ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнлар, диний ва ҳуқуқий тизимлар, маълумки, базисга, яъни жамиятнинг моддий-техника негизи даражасига ҳамда унинг ишлаб чиқариш муносабатлари характерига боғлиқ – бундай нуқтани назар нафақат марксизмга, балки бутун Европа социологиясига ҳосдир. Шарқнинг ва, шу жумладан Марказий Осиёнинг ўзига ҳослиги ер мулкчилиги хусусиятидан келиб чиқарди. Бу ерда тарихан шундай вазият юзга келган-ки, айрим участкалар эгаларининг

қўлидан келмайдиган кўламларда ирригация ишлари олиб борилиши зарурлиги туфайли ер *давлат* мулки бўлиб келган.

Урта Осиё хонликлари феодал давлатлар бўлиб, уларнинг фаровонлиги қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлган, шунинг учун аҳолининг асосий қисми деҳқонлардан иборат бўлган. Деҳқонлар, гарчи, катта бўлмаса ҳам, ўз хусусий ерларига эга бўлган эсалар-да, даромадлари йирик заминдорлардан ижарага олиб ишланган ерларга боғлиқ бўлган. Иш асосан қўлда бажарилган, оддий жиҳозларни деҳқонларнинг ўзлари ёки хунармандлар яшашган. Россиядан келтириладиган, фабрикаларда ишлаб чиқарилган меҳнат қуроллари кам ишлатилар, улардан асосан россиялик деҳқонлар хўжаликларида фойдаланилар эди.

Мустамлака Марказий Осиёнинг қишлоқ хўжалиги бирёқлама ривожланар, ўша содда техника воситалари ёрдамида, ички истеъмолга мўлжалланган маҳсулот ҳамда пахта етиштиришга мўлжалланган эди. Кўп сонли майда олибсотарлар ҳали етилмаган ҳосилни даладаёқ сотиб олишар ва тез-тез хонавайрон бўлиб туришарди. Турмуш шаронтини кенгайтириш учун маблағ етишмасди. Марказий Осиё жамияти камбағал эди. Аҳоли асосий қисми 34 ёшдан узоқ умр кўрмасди. Ўзаро урушлар, касаллик тарқалиши ва ҳосилсизлик натижасида киши умри қисқариб борарди. Инсон ҳаёти ҳукуматга бутунлай боғлиқ бўлиб, баҳоси «бир пакир» эди, бу, айниқса, аёлларга кўпроқ тааллуқли эди. Инқилобгача ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, аёллар эркаклардан кам эди. Улар туғиш пайтида нобуд бўлишар, оғир меҳнат умрларини қисқартирарди. Жамият бошдан-оёқ диндор, дин эса киши руҳи устидан мутлақ ҳукмрон эди.

Тадқиқотчи Н. Халфин томонидан келтирилган, Жиззах уезди бошлиғи томонидан 1905 йилда ёзилган ҳужжатдан иктибос келтирамыз:

«Бу уезд аҳолиси ғоят қашшоқ, оғир меҳнат орқали топилган сариқ чақага қўл учида кун кўради, бу меҳнат сўнги 10–15 йил ичида янада оғирлашди. Аҳолида доимий захира ва моддий маблағ йўқ, у жорий йил ҳосили ҳисобига кун кўради. Бутун уездда 270 минг аҳолига юзта ҳам арава тўғри келмайди; отлар билан жиҳозланган яхши улов фақат давлатмандларда бўлиб, бу ерда ундайлар сони жуда чекланган; аҳоли кўпчилигида ҳатто эшак ҳам йўқ; аҳоли ёмон капаларда ёки ўтов-

ларда яшайди, ўтов эса ҳаммада ҳам бўлавермайди. Камдан-кам ҳолларда бир оилада иккита ўтов учратиш мумкин. Аҳолининг оғир иқтисодий аҳволи баъзан шу даражага етади-ки, айрим музофотлар аҳолиси баҳорга чиқиб бир бурда нонсиз ҳам қолади».

1913 йилда шаҳар аҳолиси ҳиссаси 24 фоизгача бўлиб, Россиядаги (13 фоиз)дан анча юқори ва унинг асосий қисми савдогарлар ҳамда хунармандлардан иборат эди. Уларнинг сони энди шаклланиб келаётган саноатда банд бўлган ишчилар сонидан ортиқ эди. Саноатда эса ишчиларни кўпроқ кўчириб келтирилган руслар ташкил қиларди. Косиб-хунармандчилик маҳсулоти ўлкада фабрикада ишлаб чиқариладиган бутун маҳсулотдан анча кўп эди. Дехқонларнинг ярми (51 фоизи) ишлов бериладиган ернинг бор-йўғи 9,8 фоизига, 1 фоизи ишлов бериладиган ернинг 16 фоизига эгалик қиларди. Аҳолининг 48 фоизи қолган ернинг 2/3 қисмига эгалик қиларди. Булар – бадавлат кишиларнинг ўрта табақаси ҳамда *вақф*га эгалик қилувчи руҳонийлар, ер ва боғ-роғи бўлган бақувват дехқонлар ҳамда шаҳар аҳолиси эди. *Вақф* Бухоро амирлигида ишлов бериладиган ернинг 20 фоизини, Хива хонлигида 32 фоизгачасини эгаллаганди.

Марказий Осиё аҳолиси асосан мусулмонлар эди. Хива хони ва Бухоро амири ўз давлатларида мусулмон жамоалар бошлиғи ҳисобланишар, Туркистонда мусулмонлар бошлиғи *қозикалон* эди. Кўп элатли аҳоли ислом қонунлари – *шариат*га мувофиқ яшарди. Жамиятнинг мураккаб ижтимоий таркибида руҳонийлар муҳим ўрин тутар, ислом мусулмон жамоалар ҳаётини бошқарувчи ҳамда бутун жамиятни бирлаштирувчи куч эди. Масжид фақат ибодат қилинадиган жой эмас, мулоқот маскани, халқ йиғилиб кундалик воқеаларни муҳокама қиладиган, одил суд амалга ошириладиган, қорилар тўпланадиган, юз бераётган воқеаларнинг исломга мувофиқлиги масалалари муҳокама этиладиган ва ҳ.к. жой эди. Барча шаҳарлар ва қишлоқларда жомеъ масжидлар ҳамда маҳалла масжидлари бўлиб, улар меъморий ўзига хослиги билан ажралиб турар, шаҳар ёки қишлоқнинг аҳоли зич қисмида жойлашган бўларди.

Бир *маҳаллада* истиқомат қилувчилар маҳаллий мусулмон жамоага бирлашардилар. Бу жамоа *имом* раҳнамолигида масжидда тўпланарди ҳамда *маҳалла* аҳолиси ҳаётига фаол аралашарди. Масжидда аҳолининг кўпчилигига ҳам, алоҳида

шахсларга ҳам тааллуқли бўлган жуда муҳим қарорлар қабул қилинарди; афкор омма шаклланарди; шаҳар маъмурияти – ҳокимнинг қарори бўладими (уни, одатда, ижро учун қабул этиш тавсия қилинарди) ёки маҳалладаги бирон-бир кишининг хатти-ҳаракати бўладими – юз бераётган барча ҳодисаларга баҳо бериларди; маҳалладаги уйни кимга ва қанчага сотиш ҳал этиларди; кўни-қўшнилар ёки қариндошлар орасидаги можаролар бартараф қилинарди ва ҳ.к. Жамоа аъзолари ўртасидаги ҳўжалик, савдо, онла муносабатлари ва бошқалар *шариат* меъёрлари ҳамда кўрсатмалари асосида олиб бориларди. Жамоа ҳаёти маҳдуд бўлиб, унинг этник ва диний таркиби, одатда, бир хиллиги шахслараро ҳаётини муҳим алоқаларни кам бўлса-да, зарур даражада йўлга қўйишда кўмаклашарди. Тўй-ҳашам, жаноза, ҳайитлар, ирригация ва маҳаллани ободонлаштириш бўйича умумий ишлар жамоанинг барча аъзолари иштирокида ўтказилгани сабабли жамоа доирасидан чиқмаслик имконини яратарди ҳамда диний меъёрлар барқарор туришига кўмаклашарди. (Т. Саидбоев) Бошқа динлар ва этник гуруҳлар вакиллари билан мулоқот ва алоқа чекланган, амалий муносабатлар доирасидан чиқмасди: ғайридинлар махсус солиқ – *жизья* тўлашарди. *Маҳалла* доирасида ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг анъанавий шакллари сақланиб қолган бўлиб, унинг сирлари авлоддан-авлодга ўтарди. Ҳунармандлар диний меъёрларга риоя этиш асосида иш олиб борадиган гуруҳларга бирлашишарди. Шуларнинг бари ижтимоий шароит барқарорлигига ва унинг анъаналар ҳамда урф-одатларга бўйсунушига олиб келарди. Маҳаллий мусулмон жамоа ўз аъзоларининг иқтисодий аҳволини маълум даражада тенглаштирарди: ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган закот жамоадаги ёлғиз кишилар, етимлар ва қашшоқ оилаларга сарфланар, шунингдек масжидни таъмирлашга ва жамоат жойларига ишлатиларди. Ҳамма байрамларда, айниқса, *ийд ал-фитр*, *ийд ал-адҳа*да давлатманд одамлар ҳайр-эҳсон қилишлари шарт эди. Кўпинча уруғ-аймоқ бўлиб кетган *маҳалла* жамоатчилик фикри кучлиларининг ожизларга ҳомийлик қилишини маъқуллаш ва, ҳатто, талаб ҳам қиларди ҳамда нуфузли одамларга таяниб иш кўрарди. XX аср бошидаги таниқли маърифатпарвар Саидносир Миржалиловнинг қизи Зарифа Саидносирова ўз китобида маҳалладаги муносабатларни эслаб ўтганди:

«Бутун маҳаллаамиз қариндошлардан иборат эди, бу ерда ота томондан уруғимиз яшарди. Улар аслзодалар ҳисобла-

ниб, ҳар бирининг исми Саиддан бошланарди чунки энг таниқли аждодимиз Туркистон шаҳрининг ноиби бўлиб, Саидаҳмад деб аташар эди. У кўккўз бўлиб, шунинг учун унга «*кўккўз раис*» лақаби қўйилганди. У доим кўлида таёқ билан юрар, истаган одамни тўхтатиб, ислом арконларига қандай риоя этаётганини суриштириши мумкин эди. Кунлардан бир кун у икки ўткинчини тўхтатиб, биттасидан пешин намозини ўқиган-ўқимаганлигини суриштирди. «Ўқидим, тақсир», – деб жавоб берди ўткинчи. «Неча ракат ўқидинг?» – «Ўн ракат, тақсир». Раис уни таёқ билан савалай кетди. Бечоранинг йўлдоши дўстига бармоқлари билан олти рақамини кўрсатди, лекин калтак остида қолган киши: «*Раисга ўн рақами ёқмаса, олти рақами ёқармиди!*?»... – деб қичқирди.

Отамнинг мўйловлари узун бўлгани учун Носиркофир деб лақаб қўйишганди. Бу бувимни ранжитар: «Ўрисча мўйловингни қисқартир, нимаки есанг – ҳаром, чунки таом мўйловингга тегади», – дердилар. Отам индамасдилар. Аммаларим бундан айниқса қаттиқ хафа бўлишарди. Улар жуда художўй эдилар. Аммаларим онамни кечаси мўйловнинг учини қайчи билан қирқиб қўйишга кўндирмоқчи бўлишар, лекин онамлар кўнмасдилар».

Масжид кавм ҳаётининг бир қисми эди-ю, бироқ, христианликдаги каби, алоҳида «Худонинг жойи» эмасди. Агар христиан художўй дунё ишларини ибодатхонадан ташқарида қолдирса, мусулмон художўй масжидга бирдам ибодат қилиш ва икки оғиз хутба тинглаш учунгина (хутба ўқиш Расулиллоҳ Мухаммаддан суннат бўлиб қолган) келмасди. Бу ерда дунёвий ишларни ҳам ҳал қилиш мумкин эди: масжидда янгиликлар эшитиш, савдо битимларини тузиш ва, ҳатто, айрим молларни харид қилиш мумкин эди. Тунда масжид мусофирлар ва мустағфирлар учун кўноқка айланарди. Масжидда барча тан олган эътиборли кишилар бўлмиш *оқсоқоллар* йиғини ўтказиларди, кичиклар маслаҳат сўраб уларга мурожаат қилшар ва гапларини икки қилмасликлари лозим эди. Ҳар бир жамоа ўз бошига иш олиб борарди, унинг фаолиятини ҳеч ким назорат қилмас, унинг ўз тартиб-қоидалари бор эди.

Мустамлака даврда ҳукумат гарчи руҳонийларга фақат меҳрос ва оила масалаларини *шариат* асосида кўриш ҳуқуқинигина бериб, *шариат* амал қиладиган соҳаларни чеклаб қўйган бўлса-

да, мусулмонлар жамоасининг мустақиллиги сақланиб қолганди. Мусулмонлар ўз эътиқодлари дахлсизлиги кафолатига эга бўлдилар, қозиларнинг сайланиши сақланиб қолди. *Мозорлар* ва *суфий* тадқиқотларнинг дахлсизлиги ҳам сақланиб қолди. *Мозорлар* кўп бўлиб, художўйлар учун муҳим бўлган ниятларнинг ижобат бўлиши учун шунақа жойларни зиёрат қилиш мулоқот ва бир хилда ҳаётдан дам олиш шаклларида бири эди. Қадам-жолар назоратчилари, шундай жойларнинг ўзи ҳам одамларнинг кундалик ғам-ташвишдан чалғишига кўмаклашарди. Қадамжолар ахборот алмашиш жойи, қаландарлар учун эса ўз ижтимоий муҳитидан юлқиниб чиқиш усули бўлганди. *Суфий* тариқатлар ва солиқлар баайни жамият ичра жамият бўлиб, мусулмон жамоа ҳаётига ўзига хослик ва ранг-баранглик бахш этарди. Алоҳида одамга эса тариқатга мансублик унинг ҳаётига мазмун бахш этар ёки гўзалликка бўлган эҳтиёжини қондирарди.

XIX аср охирига келиб Марказий Осиё жамияти кўпдинли ва кўпэлатли бўлиб қолди. Жамият ғайридин ва мусулмон жамоаларидан иборат бўлгани учун ҳам этник таркиби жиҳатидан тарқок, маданий жиҳатдан пароканда, жамоаларнинг корпоратив манфаатларига йўналтирилганди. Ҳар бир этник гуруҳга бирки-тиб қўйилган муайян иқтисодий ўрин ҳам жамиятда интеграция жараёнларига тўсқинлик қилди. Оқибатда уруғ-аймоқчилик, вақти-вақти билан ўзаро тўқнашиб турган бирон-бир жамоанинг корпоратив манфаатларини ҳимоя қилиш юзага келди. Меҳнат тақсимооти туфайли биронта этник гуруҳ аъзоси муайян меҳнат фаолиятига қаттиқ боғланиб, ўзига ёққан бирон бошқа касбни танлаш ва ўзидан аввал юзага келган ижтимоий муносабатлар чегарасидан чиқиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Дин жамиятда фақат ғайридинларга эмас, балки *суннийлар* ва *шиаларга* нисбатан ҳам ажратувчилик ролини ўйнади, ҳатто бир *суннийлик* йўналиши доирасида бўлган Туркистонда истикомат қилувчи татарларнинг ўз масжиди бор эди. Туркистон ҳудудида аҳоли «ўзиникилар»га ва «ётлар»га, мусулмонлар ва ғайридинларга бўлиниши ягона миллатнинг шаклланишини қийинлаштирарди. Руҳонийлар ҳам «ётлар»га такаббурлик билан муносабатда бўлувчилар «қўлтиғига сув пуркарди». Элатлараро, аралаш никоҳлар, ҳатто бир динга эътиқод қилувчилар орасида ҳам, жуда кам бўлар, бу тоқатлилиқ даражаси паст бўлганидан далолат берарди. Турли этник гуруҳлар ва диний конфессиялар

вакилларида ягона ватан туйғуси йўқ эди. Ватан тушунчаси кўпинча киндик қони тўқилган шаҳар ёки минтақа билан, кўчманчи аҳолида эса – бирон-бир урукка мансублик билан чекланарди. Миллий ўзликни англаш ва миллий идеаллар тушунчаси энди куртак отаётган бўлиб, иқтисодий алоқалар кенгайгандан кейингина таркиб топди. Дин билан эмас, балки янги ижтимоий ва иқтисодий тузилмаларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ маълумотли янги қатламнинг юзага келиши ҳам бунга кўмаклашди. Бироқ мустамлака Туркистонда капиталистик муносабатлар заиф ривожланган шароитда янги зийлилар арзimas даражада кам бўлиб, инсон қалбининг бошқа ҳукмдорлари – руҳонийларга нисбатан заиф эди.

Ўрта Осиё жамияти табақалардан иборат ва бу табақаларнинг қатъий поғона-поғоналилиги ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатарди. Жамиятнинг қатламларга бўлинишини айти ерга мулкчилик шакли белгилаб берарди: ижтимоий пирамида асосини деҳқонлар ташкил қилар, унинг чўққисини эса ишлов бериладиган 16 фоииз ернинг ўша 1 фоииз соҳиблари эгаллаганди.

Тадқиқотчи Т. Саидбоев жамият таркибини бундай тасвирлайди:

«Хонликларнинг мумтоз кишилари аслзодалардан, юқори даражадаги маъмурлардан, олий руҳонийлардан, *шариат* қонуни посбонларидан таркиб топганди. Улар барқарор ва маҳдуд ижтимоий гуруҳни ташкил қилар ҳамда ўз шажараларини Пайғамбар Муҳаммад ва Расулиллоҳнинг уч халифасига олиб бориб тақашади, ўзининг табақавий имтиёзларини шу билан муқаддаслаштирарди. Булар «ғаний» хўжалар, савидлар ва амирлар эди. Келиб чиқиши шу уруғлардан, бироқ «камбағал» бўлган хўжалар ҳам табаррук тутилар ва руҳонийларнинг асосий қисмини ташкил этарди. *Суфий* жамоалар ва ҳунармандлар уюшмалари бошлиқлари мавқеини эгаллашда айти кишининг келиб чиқиши имкон яратарди, чунки «аслзотлик» ҳамда саройда ёки маҳаллий маъмуриятда юқори мансабни эгаллаб турган катта қариндошларнинг қўллаб-қувватлаши фаолият турини танлашда катта имконият яратиб берарди. Вақфлар мутаваллийлари ҳамда олий руҳонийлик мансабларига айти шундайлар тайинланарди-ки, кўчар ва кўчмас мулк-анфал, каналлар, суғориш иншоотлари, тегирмонлар, ҳунармандчилик устахоналари, дўконлар,

савдо расталари, хайрия муассасалари, мусофирхоналар; шунингдек айрим шахсларнинг масжид, мадраса, хонақога васият қилинган мулклари ва ҳ.к. давлатда катта иқтисодий куч бўлган айти шу шахслар қўлида эди.

Хонликдаги мумтоз кишилар кўпчилик эмасди: улар жумласига зодагонлар ва юқори мақомли амалдорлардан ташқари фақат олий даражадаги руҳонийлар кирарди. Бирок руҳонийлар ҳам, ижтимоий гуруҳ сифатида, ҳунармандлар ижтимоий гуруҳи сингари, кўп сонли, балки ҳунармандлардан ҳам кўп сонли эди, чунки маҳаллий жамоаларни бошқарадиган руҳоний шахслардан ташқари диний билим юртлари – кўпнинг кишидан иборат мадрасалар ходимлари мавжуд эди, кўплаб суфийлик тариқатлари амал қилиб турарди. Турли тадқиқотчилар баҳосига кўра, катта ёшли ҳар ўн нафар аҳолига бир руҳоний шахс тўғри келарди. Ижтимоий онга таъсир кўрсатиш руҳонийлар монополиясига айланган эди.

Руҳоний шахсларнинг мулкий аҳволи имом раҳбарлик қилаётган жамоа қаерда жойлашганлигига боғлиқ эди. Руҳонийларнинг асосий қисми халқ орасида бўлиб, улар тадбирига жамоа ҳадяси ва шу жамоа ёрдамида ишлов бериладиган участкасидан олинadиган даромад ҳисобига баҳузур яшаш ёзилган эди. Лекин уларнинг турмуш даражаси жамоа аъзолариникига нисбатан бирозгина юқори эди, холос. Шунинг учун ҳам улар юз бераётган жараёнларни идрок этишда жамоанинг оддий аъзоларидан кам фарқ қиларди, шаҳардаги маҳаллада руҳоний шахс барча тан олган эътиборли киши эканлиги шу билан изоҳланади. Улар *шариатни* тафсир қилувчи асосий кишилар бўлиб, хутба ва мавъизалар чоғида ўз фикрларини оммавий тарзда изҳор этиб, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишарди, оилалардаги барча тадбирларда иштирок этишарди, шунингдек маҳаллий мактабда мударрислик қилишарди. Гарчи шаҳар маҳаллаларида маълумоти юқори, бой ва обрў-эътибори кучли, гап-сўзи ўтадиган одамлар яшашса-да, имом жамоа аъзоларининг доимий диний мураббийси эди: у шариат аҳкомларининг бажарилишини ва ахлоқ-одобни кузатиб борар, никоҳ ўқир, бемор болани ўқиб қўярди. Руҳоний шахсларнинг рафиқалари ёки опа-сингиллари дин масалалари бўйича аёллар орасида нуфузли кишилар бўлганди, қизлар мактаблари очилганда эса улар *отинлик* қилишганди.

Қишлоқда эса мулла, шайх ёки имом ҳал қилувчи овозга эга эди, чунки у қишлоқда кўп бўлмаган саводли кишилардан бири бўлиб, ишларни бошқаришда, солиқ йиғишда иштирок этарди, ўғил уйлантириш, экин экишни бошлаш ва ҳосилни ўриб-йиғиб олиш масалаларида ҳам қишлоқларининг маслаҳатгўи эди. У диний матнларга асосланиб маслаҳат бергани учун одамлар унга ишонардилар. У рўй бераётган ҳодисаларни муқаддас матнлардан келиб чиқиб талқин қиладиган ягона одам эди. Одамлар унинг айтганларига чиппа-чин ишонишар, уларни текшириб кўриш зарурлигини ҳаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Шаҳар аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган ҳунармандлар табақалари ҳақида гап борадиган бўлса, улар анъаналарга мутлақо содиқ эдилар. Ҳунарни мерос сифатида эгаллаш, шогирдлик тизими, ҳунармандлар уюшмалари жуда муқим эди. Бундан ташқари, оила ва жамоа ишлаб чиқариш усули шаклига айланган эди. Ҳунармандлар, одатда, маҳалла-маҳалла бўлиб ўрнашгандилар, бу маҳаллалар ҳунар номи билан заргар маҳалла, эгарчи маҳалла, ўқчи маҳалла ва ҳ.к. деб аталарди. Ҳунармандлар жамоасида ҳам, бошқалардаги сингари, жиддий ўзгариш бўлавермасди. Турмуш кишилар орасидаги муносабатларни бошқарувчи барқарор анъаналар ва нормалар негизида қуриларди. Ҳунармандларнинг хотинлари ҳам эри ясаган буюмни тўлдирувчи буюм чиқариш ёки бошқа ҳунар билан шуғулланишарди».

Анъанага содиклик, аждодлар тажрибасидан фойдаланиш, уларнинг ишларини такрорлаш натижасида усталар ясаган буюмлар мукаммал чиқарди, бироқ айни шу сабаблар туфайли янгиликни жорий этиш қийин кечарди. Тарих гувоҳлик беришича, қурилишлар XX аср бошида ҳам худди XVI асрдагидек олиб борилган ва ҳ.к. Маънавий ҳаётда ҳам шундай бўлганди: ота-боболар тажрибаси муқаддас тутилиб, идеал саналган. Дин маросимлари ва аҳкомларига риоя қилмаслик салкам муртадлик (диндан қайтиш), деб ҳисобланган. Турмуш меъёрлари алоҳида одам таомиллари ва мажбуриятига дахлдор аксиомаларда инъикос этган. Анъанага мувофиқ эзгу ҳисобланган нарсани танқид қилиш, айниқса, уни рад этиш ёвузлик саналиб, бунинг учун шафқатсиз жазо берилган. Одамлар кийинишда, гап-сўзда, уйни безашда бошқалардан фарқланмайдиган қилиб иш тутишарди, бошқача

эмас, балки айнан шундай қилиш кераклиги улар учун мутлак хакикат эди.

Олам ҳақида тасаввур тор бўлиб, одатий нарсадан ташқари чикмасди. Бу ҳолат табакалар ва жамиятни умуман маҳдуд қилиб қўйганди. Одатда айланган нарсани ўзгартириш, турмуш укладига, тарзига, иш услубига янгилик киритиш, ота касбдан бўлак касбни отанинг оқ фотиҳасисиз танлаш, бир устоздан бошқасига ўтиш жуда қийин эди, ота-она розилигисиз, жамоа маслаҳатсиз хотин ёки эр танлашнинг деярли имкони йўқ эди. Бунда энг нуфузли одам жамоа оқсоқоли (бошлиғи) бўлиб, унинг розилигисиз қилинган, унинг ташаббусисиз бўлган барча иш фитна ва беадаблик деб қабул қилинарди.

Ҳўжалик асосининг ва турмуш укладининг барқарорлиги ҳамда бошқарилиши, ижтимоий тартиботни мустаҳкамловчи ахлоқ инсон ҳуқ-атворида барқарор консерватизмни юзага келтирарди. Шахс ташаббуси, мустақиллиги, эркин танлаш патриархал таркиботнинг маъқуллаши ва қўллаб-қувватлаши билангина ўзига йўл очарди, акс ҳолда улар учун каттиқ жазо ҳозирланганди. Барча мусулмонлар – биродардирлар, деб таъкидлашларга қарамай, реал ҳаётда кескин қарама-қаршиликлар мавжуд эди: бойлик ва қашшоқлик ёнма-ён ҳукм суларди. Бир хилда турмуш укладига ва тарзига амал қилишда ҳамда маънавий дунёнинг торлигидагина тенглик ҳукм суларди. XX аср бошида яшаб ўтган маърифатпарварлар ўз маданий меросимиз борасида мутлақо билимсизлигимизни ҳамда ҳозирги жамиятда ҳам унга талаб йўқлигини таассуф билан қайд этишган эди.

Ҳунармандлар доирасида ҳам касблараро тўсиқлар мавжуд эди. Ҳар бир ҳунармандлик уюшмаси ўз низомига эга бўлиб, у, энг аввало, диний меъёрларга амал қилишга асосланган йўл-йўриқлар тўпламидан иборат эди, ҳар бир ҳунарнинг келиб чиқиши эса пайғамбарларга олиб бориб тақаларди. Бу йўл-йўриқлар уюшмалар ҳамда уларнинг аъзолари ҳаёт фаолиятининг барча томонларини бошқарар эди. Турли касблар ҳунармандлари бири-биридан ётсирар, ҳар бири ўз ҳунари «хос»лигини қўллаб-қувватлар, ҳунар сирлари махфий тутиларди. Бундай шароитда бирон-бир технологик янгилик ва табакалар бирдамлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Ақлий меҳнатни касб сифатида танлаган табака эндигина пайдо бўлаётган ва унинг дастлабки вакиллари рухонийлар, ҳукмрон зотлар ва савдо аҳли орасидан

чиккан эди. Ақлий меҳнат вакиллари Туркистонга капитализм кириб кела бошлаши билан ўз фаолиятлари географиясини аста-секин кенгайтириб бордилар, шунинг шарофати билан ушбу табақага мансуб ёшлар кўшни мусулмон давлатлар (Туркия, Эрон, Миср), шунингдек Россия ютуқлари билан танишдилар. Россия билан танишув натижасида алоқалар янада жипслашди ва мунтазам товар айирбошлашга ўтилди. Россия Туркистонда янги корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантирди, бироқ капитал танқислиги уларнинг сонини кўпайтиришга имкон бермади.

Жамият билан ҳокимият муносабатлари ҳақида гапириладиган бўлса, шуни айтиш керакки, истибдод ҳукмрон, ҳокимият эса мутлақ эди. Ҳукмрон зотлар муқаддаслиги ғояси ва ҳукмронликка илоҳий иноят сифатидаги муносабат унинг ҳар қандай тарзда танқид қилинишини рад этарди, унга қарши чиқиш эса муртадлик билан тенг баҳоланарди. Диний ва дунёвий ҳокимиятнинг қўшилиши ҳукмдорнинг инон-ихтиёри конун мақомига бўлишига олиб келар эди. Ўрта Осиё жамиятларида биронта ҳам ваколатли институтлар йўқ эди, шу боис оддий табаа кўз ўнгига оддий ҳокимият ҳукмдор шахси билан айнанлашиб кетган, ҳукмдорнинг сиймоси эса муқаррар равишда идеаллаштириларди. Дин ҳукмдорлик ва ўз табааси тақдирини тасарруф этиш Аллоҳнинг иноят эканлигини тасдиқлар эди. Дин ҳокимиятини муқаддаслаштирар, ҳокимият эса омма ҳаётини бошқарувчи динга таянарди. Жамоатчилик психологияси буткул дин томонидан шакллантирилганди.

Диний таълим билан (бошқачаси йўқ эди ҳам) шакллантирилган ҳар қандай тафаккур асосини таълимот ақидалари ташкил этарди, инсонни қуршаб турган барча нарсани жоиз ва ножоизга, савобли ва савобсизга ажратадиган тарбия тизими асосига қурилганди, ҳамма ва барча нарса ақидаларга кўра бошқарилар, инсон ҳаёти бутун умрга дастурлаштириб қўйилганди. Оталар удумини такрорлаш идеал ҳисобланарди. Дунёвий маданият буткул йўқ эди. *масҳарабозлар*, машшоқлар ва бошқа кўнгилочар жанрларга ҳос ҳалқ ижодиёти худога ҳуш келмайдиган иш ҳисобланиб, конфессиялар вакиллари (бухоро яҳудийлари, хиндилар, хитойлар)гагина улар билан шуғулланишга изн берилганди.

Таълим тизими (*мактаблар*) масжидлар тизими билан чамбарчас боғлиқ эди. Рухоний бўлган мударрислар савод чиқариш билан бирга, кундалик ҳулк-атвор меъёрларини онгга сингдирар,

диний тасаввурларни мустаҳкамлардилар. *Мактабларда* асосий китоблар *Қуръони карим*, таҳорат ва намоз қондалари – *Хон*, динни билиш – *Бидон* қуръоний ривоятлар баёни – *Қилиқнабий*, алоҳида шариат қондалари – *Ҳамдинат* дан иборат, *Чоркитоб*, шеърятдан иборат ўзига хос адабиёт дарслиги *Сўфи Аллоҳёрдан* иборат эди. Ахлоқ ва ҳуқуқ-атвор меъёрлари баён этилган *Адаб ус-солиҳин* дарслигини ҳамма ҳам ўрганавермас эди. *Мактаб* арифметика асосларини ўргатар ва бу фан асосан ўғил болаларга мўлжалланган эди. XIX аср охирида шаҳарларда қиз болалар учун ибтидоий мактаблар очила бошланди, шу муноабат билан *отинлар* пайдо бўлиб, улар қиз болалар мактабларида сабоқ беришарди. XX аср бошига келиб қиз болалар мактаблари сони *мактаблар* умумий сонининг 1/4дан ошмасди, лекин шу ҳам катта тараққиёт бўлганди. Қиз болалар мактаблари дастури ўғил болалар мактаблариникига деярли ўхшарди, бироқ уларда *Қуръони карим*ни ўрганиш бўйича машғулотлар кам эди.

Илмий билимлар ҳатто олий таълим – *мадрасалар* дастурига ҳам киритилмаганди. Янги усул мактаблари очилмагунча табиатшунослик, математика, география ва бошқа фанлар ўрганилмаган. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши аниқ фанларни эгаллаган одамларга эҳтиёж туғдирди, янги усул мактабларининг пайдо бўлиши билан дунёвий таълим ҳам кириб келди. Лекин уларнинг очилиши руҳонийларнинг қаршилигига учради, шунинг учун ҳам улар ибтидоий мактаблар сонидан кам эди. Туркистонда ибтидоий *мактаблар* 1000дан ортиқ бўлгани ҳолда, 92та янги усул мактаблари бор эди. Рус-тузем мактаблари ҳам очилди, лекин уларнинг сони йигирмадан ортиқ эмасди.

Туркистонда очилган корхоналарда хизмат кўрсатиш ва уларда ишлаш учун ҳамда мустамлакачи маъмурият ходимлари сифатида Россиядан маълумотли кишилар ва ишчилар – руслар, украинлар, татарлар ва бошқалар жалб этилди. Шу тариқа Марказий Осиёда аҳоли кўпэтниклиги ва кўпконфессионаллиги ортди. Туркистонда параллель равишда рус жамияти шакллана бошлади. У ҳам қатъиян табақалашган эди. Рус жамияти бўлакча меъёрларга мувофиқ яшар ва ишларди. Россия қонунлари ҳам тўла дунёвий эмасди. Россияда гарчи қонун ижодкорлиги жараёни жамиятни модернизациялаш йўналишида бўлса-да, Ғарбий Европадан анча орқада қолаётганди. Шунинг учун Туркистон рус жамияти ҳам ўзига хос тарзда маҳдуд, жамият янги инсти-

тутлари секинлик билан пайдо бўлаётганди. Русларнинг ҳаёт тарзи ҳам табақавий ва диний меъёрлар билан чекланган эди. Ўлка мустамлакага айлантирилаётганди, Еттисув, Чимкент ва Тошкент уездларида ўнлаб рус қишлоқлари юзага келди. Рус жамоалари ҳаётини православ черкови бошқарарди. Улар кўпроқ кўчманчи минтақаларда, маҳаллий аҳолини тоққа суриб чиқариб, жойлашишарди. Рус қишлоқларида бугдой етиштирила бошланди, айни маҳалда пахтакор районларда бугдойзорлар майдони қисқартирилди.

Ушбу асарда ўлканинг мустамлакага айлантирилиши методига тўхталиш зарурати йўқ, бу масалага Туркистонда рус аҳоли сони анча кўпайгани муносабати билан тегиб ўтилди. Агар XIX асрнинг 80-йилларига қадар рус аҳоли ҳарбийлар, мустамлака маъмурият, казаклар ва транспорт ишчиларидан иборат бўлган бўлса, кейинчалик уларга тадбиркорлар, муҳандислар, курувчилар ва бинокорлар келиб қўшилишди. Маҳаллий аҳоли билан алоқа чекланган, улар мусулмонлар турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатмасди. Туркистон рус жамияти шу пайтгача бутун жаҳон учун *terra incognita* бўлган мамлакатни фаол ўргана бошлади. Жаҳон Туркистон ҳақида, унинг маданий ва табиий бойликлари тўғрисида рус олимлари асарлари орқали хабар топди. Руслар уни ўзлаштиришга киришдилар. 40 йилдан зиёд давр ичида бир қанча янги шаҳарлар, Янги Тошкент, Янги Марғилон (Фарғона), Янги Андижон, Когон шаҳарлари ва юздан зиёд қишлоқлар барпо этилди. Маданий мерос, этнографияни ўрганиш, географик кашфиётлар, руслар томонидан темирйўл, заводлар қурилиши Марказий Осиё учун янги палла бошланганидан далолат берарди. Янги мустамлака ёш ва ташаббускор кишиларни жазб этар, бу ерда шуҳрат қозониш осон эди, яхши маош тўланарди, тадбиркорлар учун имтиёзлар ва кенг имкониятлар яратиб бериларди. «Туркистон – руслар учун» доктринаси россиялик ишбилармонларни рақобатчилардан амалда кутқарган эди. Мустамлакачи жамият кўп этносли бўлиб, рус шаҳарларида аҳоли руслардан, украинлардан, поляклардан, немислардан, финнлардан, татарлардан, арманлардан, яҳудийлардан иборат эди.

Маҳаллий аҳоли мустамлакачиликни миллий камситиш ҳамда қарор топган турмуш уклади ва тарзига тажовуз деб қабул қилди, мустамлакачиларга эса «ётлар» мақоми берилди, чунки мусулмонлар турмуш укладини сақлаб қолишни ўз бурчлари

деб билишди, мустамлакачилар маҳаллий аҳолининг мустақил бошқарилишини тан олди, *шариат* пойдорлигига путур етказилмади. Эски зодагонларнинг кучи ерга эгаликнинг баъзи шакллари қисман ўзгартирилганлиги ҳисобиға қирқилди. Зодагонлар ва рухонийларнинг мулкдан фойдаланишдаги имтиёзи – деҳқон заминдорға турли ўлпонлар тўлаши қисман бекор қилинди, энди деҳқонлар ҳазина фойдасига ягона солиқ тўлай бошлашди.

Мустамлака Туркистонда бошқарувнинг икки хил шакли мавжуд эди. Маҳаллий даражада «тузем» бошқарув органлари ҳукм сулар, уларда кўп лавозимлар: *қозилик, юзбоши, минебоши, ҳокимликка* сайлаб қўйиларди. Мансаб учун шиддатли кураш борарди. Суд амалиёти кўрсатишича, мансабға эга бўлишға интилиш фақат маош яхшилиги билан эмас, балки ноқонуний йиғимлар, тўпланган солиқни ўз вақтида топширмаслик ва яшириш орқали мансабни сунистеъмол қилиш мумкинлиги билан изоҳланарди. Порахўрлик авж олди. Ўлка миқёсида бошқарувни амалға ошираётган рус мустамлакачи маъмурияти ҳам бенуқсон эмасди. Маҳаллий ва рус маъмуриятининг аҳоли бирини олиб бириға урадиган даражада эди. 1916 йилда Давлат думаси депутаты мустамлакачи маъмурият ҳақида қуйидагиларни ёзганди:

«Ўлка Россияға қўшиб олингандан кейин 30 йилдан зиёд вақт ўтган мен у ерга борганимда, у ердаги амалдорлар ўрнида рус амалдорларидан ҳам, маҳаллий аҳолидан ҳам, ҳатто бирон-бир топширик билан у ерга сафарға жўнатиладиган келгинди амалдорлардан ҳам йироқлашган табақаға, ўзича биқик, ўзига тўқ ва димоғдор, ўлканинг ҳақиқий ва ягона соҳибидек, қаршисида ўлка титраб-қақшаб, эҳтиром бажо келтириши ва ришват бериши лозимдек ўзига бино қўйган табақаға дуч келдим. Ришватпарастлик тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада авж олганди.

Мажбуриятни маъмурий йўл билан бажаришда ҳар қанақа баҳона билан пул йиғиб олинарди. Шу билан бир қаторда, маҳаллий аҳолидан ўзини доимо йироқ тутиш, унга нафрат ва ишончсизлик билдириш, маҳаллий аҳолиға фикрлашға ҳам, ҳис-туйғуға ҳам қодир бўлмаган тубан ирқ сифатида қараш яхши маъмурий муносабат аломати ҳисобланарди».

Туркистон генерал-губернатори девонининг
13-сонли иши, 1916 й.

Капиталистик муносабатлар ривожлангани сайин жамиятнинг табақалашуви ҳам кучайди. Қашшоқлик туфайли қуйидан юзага келган норозиликлар билан баробар капиталистик муносабатлар ривожланиши туфайли таъсири ҳамда мавқеига путур ета бошлаган феодал юқори доираларининг норозилиги ҳам ортиб борди. Ривожланиш учун кенг макон зарур бўлган савдо ва саноат буржуазиясининг янги қатлами орасида ҳам норозилик юзага кела бошлади. *Жадидлик* ўз миллатининг қоқоқлигини ва қарамлигини англаётган янги табаканинг мафкураси бўлиб қолди. *Жадидлик* мусулмон Шарқининг исломни янгилаш ва ижтимоий ислох қилиш, мусулмон жамиятларининг ривожланишига тўсқинлик қилиб келган барча нарсадан воз кечиш тўғрисидаги янги ғоявий оқимларни ўзлаштирарди ҳамда Ўрта Осиё мусулмон жамияти қоқоқлигини ва жаҳолатини бартараф этиш учун Ғарб ютуқларини сингдиришни талаб қиларди. Эски мумтоз зотлар билан янги маърифатли табақа ўртасида бирлик йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмасди, чунки «эски негизлар» тарафдорлари бўлган *қадимчилар* билан юзага келаётган янги буржуазия манфаатлари бир-бирига зид эди.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, рус мустамлакачи жамияти бир хил тоифали эмасди, маҳаллий аҳоли билан алоқа чекланганди. Лекин руслар келиши билан Ўрта Осиёда илгари мусулмон жамиятларига маълум бўлмаган институтлар: фуқаролик қонунлари, дунёвий таълим тизими, соғлиқни сақлаш тармоғи ва эпидемиология хизмати, замонавий транспорт шохобчаси, илмий жамиятлар, кўнгилли жамоат бирлашмалари ва партиялар юзага келди. Руслар метрополиядо амал қилиб турган деярли барча институтларни Ўрта Осиёга кўчирдилар. Маҳаллий аҳоли феодал Ўрта Осиёни қиёфасини ўзгартириб юбораётган кўплаб янгиланганлардан ётсираса ҳам, улар бу ерда пайдо бўлишга улгурганди. Маҳаллий аҳоли турмушига водопровод ва электр сингари цивилизация неъматлари аста-секин кириб кела бошлади. Бироқ янгилик фақат моддий даражада кириб келар. Ғарбнинг маънавий ютуқлари ҳамда қадриятлари ўлкани маънавий забот этиш ва ёшларни йўлдан оздиришга, «аждодлардан мерос қолган негизларга» путур етказишга кўмаклашувчи ёт ва душман ходиса сифатида қабул қилинар эди. Капитализмнинг Туркистонга келган салбий ходисалари танқид нишонига айланди.

Генерал-губернаторнинг ҳарбий министрға 1908 йилдаги билдириш хатида бу борада қуйидагилар ёзилганди:

«Биз, шунингдек, Ўрта Осиё элатлари муҳитига Европа маданиятининг кўплаб салбий жиҳатларини: пивоҳоналар, ресторанлар, бангихоналар, фоҳишаҳоналар ва бошқаларни ҳам олиб кирганлигимизни унутмаслик даркор. Бундай жойлар шаҳарларнигина эмас, озгина каттароқ бўлган ҳар бир қишлоқни ҳам босиб кетди. Маҳаллий ёшлар бундай руҳий ва жисмоний бузуқлик тузоғига илина бошлади ва, қарияларни даҳшатга солиб ҳамда шўрини қуритиб, Қуръонни ва Шарқнинг одоб-ахлоқ ҳамда тарбия тўғрисидаги асрий қонуний аъъаналарини кўз кўрмаган-қулоқ эшитмаган даражада бузиб, ном чиқармоқда. Ҳозирги қариялар, муллалар, қозилар ва оқсоқоллар ахлоқнинг бундай тубанлашувини алам билан кузатиб, барчасида русларни айбламоқдалар. Халқ норозилиги жиддий кўзғалиши ва оғир оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки ўз иши ҳақлигига халқнинг ишончи комил бўлади. Савдо буржуазияси руслардан кўпроқ кенгликни тортиб олиш учун қурашаётган бўлса, ўлканинг феодал унсурлари, энг аввало, ўз мавқеларига путур етказаётган капитализмнинг ўсишига қарши норозилик билдирмоқда».

Туркистон жамиятининг совет давригача бўлган тавсифини тугатар эканмиз, шунини қайд қилиш мумкинки, иқтисодийдаги мажбурлашнинг феодал жамиятга хос ноиқтисодий мажбурлаш услублари билан бир қаторда меҳнатдан манфаатдорликдан иборат янги иқтисодий услублари ҳам жорий этила бошланди. Билимлар, таълим ва ташаббускорликнинг ҳақиқий фойдасини, *кофирлар* ўргатган янгилликка интилишни ҳозирча аҳолининг жуда кам қисми тушунарди, бироқ, табақавий тафовутларни, жараён жуда секин бораётган бўлса-да, маълум даражада бартараф этиш керак эди. Асрий аъъаналарга ҳамда урф-одатларга бўйсуниб келган одамларнинг одатий ижтимоий турмуш шаронти емирилиш ханфи остида қолди. Капиталистик муносабатлар феодал шаҳар ва қишлоқларга секин кириб келарди. Турмуш уклади хали пойдор эди.

Ўтмишга хос аъъанавий турмуш тарзи деярли ўзгаришсиз такрорланарди. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси

миллий ўзликни англашнинг ривожланишига кўмаклашмасди, янги маданий таъси йўқ даражада эди, дин одамларни бир-бирига монанд қилишнинг асосий шакли бўлиб қолаётганди.

Зарифа Саидносированинг ўртача ўзбек оиласидаги турмуш уклади тўғрисидаги эсдаликларидан қуйидагиларни ўқиймиз:

«Отамнинг оталари Абдулҳай Миржалил ўғли табиатан содда, самимий ва жуда ҳудожўй одам бўлиб, унча катта бўлмаган дўконлари бор эди, лекин кўпроқ деҳқончилик билан шуғулланардилар. Ҳар ҳайитдан олдин етим-есирлар, камбағалларникига, бева аёлларнинг уйларига бориб, баҳоли қудрат закот бериб келардилар. Ҳамма уларни *авлиё* дерди. Биринчи хотинларидан икки ўғил ва бир қиз қолганди. Хотинлари қазо қилгач, менинг бувимга уйланган эканлар. Бувим Иқон қишлоғидан оддий деҳқоннинг қизи эдилар. Улар турмушга чиққанларида жуда ёш эканлар, икки қиз ва бир ўғил – менинг отамни туққанлар. Бувам ҳамма болалари саводли бўлишини истарканлар, улар саводхон бўлиб етишишган. Бувам ҳар бир мусулмоннинг вазифаси Қуръон ўқиш деб ҳисоблар, шунинг учун бутунлай саводсиз бўлган бувимни ҳам мактабга юборганлар. Бувим қанчалик саводхон бўлганларини билмайман: жуда қариб қолган чоғларида кўз-ойнак тутиб, Қуръонни очиб ўқиганларини кўрганман, лекин бошқа китобни ўқиб беришларини сўраганимизда бир сатр ҳам ўқиб беролмагандилар.

Отам тўққиз ёшда етим қолганлар. Бувамнинг вафотларидан кейин уларнинг уйланиб, бола-чақали бўлган ўғиллари бувимдан: «Бўлак бўлмаймизми? Меросни бўлиб олмаймизми?» – деб сўрашган. Бувим бунга рад этиб: «Ўғлим ҳали кичик, улғайгунича меросни еб тугатишимиз мумкин. Олдин улғайсин, сизлар акаларисиз, уни уйлантириб қўйинглар, ўшандан сўнггина уни бўлак қилиш мумкин», – деганлар. Шу боис яна ўн йил ўғай ўғиллари билан яшаганлар, аслида уларга хизматкорлик қилганлар.

Бувим деҳқон қизи, соғлом, меҳнатсевар, оқила ва омилкор бўлганлар. Бувимнинг ҳаётларини ҳикоя қилсам, узун қисса бўлади. Тўғри, жаҳонда оқила ва меҳнатсевар аёллар кўп, лекин бунақасини ҳаётимда учратмаганман. Қизиқсангиз, у ҳақда ёзганларимни ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. «Тегирмондан бутун чиқади», деган

мақол улар ҳақида тўқилган. Улар ёлғиз ўғилларини маълумотли, виждонли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаганлар ...

Бувим ва ўғай амакиларим, отам, гарчи келиб чиқишлари деҳқонлардан бўлса ҳам, кейинчалик савдо билан шуғуллана бошлашган, лекин замин билан алоқани узишмаган. Деҳқончиликка асосий вақтимиз сарф бўларди. Отам ер ҳайдамасдилар, бу ишни икки нафар батрак бажарарди, лекин ерни сақлаб қолгандилар. Ўғай амакиларим кўнчи бўлиб, кўн билан савдо қилишарди. Отам тўққиз ёшидан акаларига дастёрлик қилганлар, меҳнатда улғайганлар. Улар кўнчиларнинг ҳамма оғир ишларини бажарганлар. Бувим эрта тонгдан кун ботгунча уй-рўзғор иши билан банд бўлганлар: нон ёпганлар, молга ем берганлар, катта хонадонга овқат тайёрлаганлар. Отам 19 ёшда маданиятли қизга, Мухаммадназарнинг ўғли Зарифбойнинг қизига уйланганлар. Аммамлар Зарифбойнинг ўғлига теккан эдилар, шунинг учун отамнинг оиласи билан онамнинг оиласи қарши қуда бўлишган. Уйлангандан кейин меросни бўлишган, ўзига теккан меросга отам қуруқ ер сотиб олиб, 1905 йилда янги уй қурганлар.

Уйни қуришда бувимнинг ака-укалари кўмаклашишган. Улар уйни бир ёзнинг ичида хашар қилиб кўтаришган. Уй икки қаватли, пишиқ фишдан мустаҳкам қилиб қурилганди. Бутун ёзни ҳовлида ўтказганмиз.

Онамнинг оналари Умрижон Тошкентда туғилганлар. Улар туғиш пайтида оламдан ўтганлар, тўрт ўғил ва уч қиз чирқираб қолган. туғиш пайтида оламдан ўтганлар. Кенжаси – менинг онам. Бобомлар ўша пайтда ёшлари 60да эди. Умрижон бувимдан кейин Зебихон исмли 16 яшар қизга уйланганлар. У жуда гўзал бўлган экан. Тоғаларимдан бири Зебихонга кўнгил қўйган экан, шунинг учун, бобом уйлангач, ўша тоғамни карвонга қўшиб Бухорога жўнатиб юборибдилар, чунки ўша муҳаббатдан хабардор эканлар. Бечора тоғам роса изтироб чекибдилар. Бобом қарвонбошига: «Бу йигит қизлар сингари ҳассос, бирон жойда тошлар орасига ташлаб истарсан», – деган эканлар. Шундай бўлибди, сафар чоғида тоғам қазо қилибдилар, уларни йўл ёқасига дафн этишибди. Онам шу воқеани эслаганларида ҳар гал қайғуга чўмардилар, чунки қандайдир ёмон гумонлари бор эди.

Зебихон кетма-кет тўрт қиз ва уч ўғил туққан экан.

Кўлимдаги узугим,
 Зирагимга боғ бўлсин.
 Қари чолга қиз берган
 Ғамга мубтало бўлсин.

Ўзбек халқ қўшиғи

Тоғаларим савдогар бўлишган, улар кўзга яқин кўркем йигитлар бўлиб, орасти кийинишар эди, лекин бирлари чала-савод бўлса, қайси бирининг умуман саводи йўқ эди. Онам, турмушга чиққач, уларга татар ўқитувчи аёл савод ўргатган экан, уни онамни мунтазам ўқитсин, деб отам махсус ёллаган эканлар. Аммаларим эса болаликда савод чиқаришган, қийналмай ёзиб, ўқишар эди, улар ҳозир ҳам ўқиб, сўнг ўқиганларини гапириб беришади».

Мусулмон аёлнинг аччиқ қисмати халқ шеъриятида ҳам акс этган; ўтмишнинг халқ суйган шоирлари аёлнинг кўз ёши ва изтироблари ҳақида ёзишган. Жаҳолатпарастлар ўтмишни тиклаш учун аёллар шеърини мавжуд бўлгани, оммалашиб кетгани тўғрисидаги далил-исботларни келтиришади. Улар мусулмон аёл ҳаётини гўзал архитектуранинг ёрқин муҳиtida, аёллар амалий санъати асарлари фонида тасвирлайдилар, лекин булар кишини ишонтирмайди.

Меъморий жихатдан гўзал бўлган саройларда тантаналар ўтказиладиган заллар ҳам, шунингдек зиндон ва турмасифат ҳарамлар ҳам бор эди. Ҳарамдаги аёлларнинг қисмати аччиқвашафкатсиз эди, кўплари ўзларига ўлим тилар ёки туғиш чоғида оламдан ўтардилар. Аёлларнинг умри эркакларникига нисбатан қисқа эди. Уларнинг орзу-умидлари фақат ўғиллари билан боғлиқ бўлиб, шу сабабли улар айтган алла ҳам ғамгин, ҳам гўзал бўлган!

Кўли арслон билаклим
 Ботир, қоплон юраклим,
 Яхши-ёмон кунимда,
 Менга жуда кераклим,
 Алла болам, алла-яй,
 Жоним болам, алла-яй.

Ўзбек халқ қўшиғи

Аёллар маҳрум этилган ҳаёт гўзаллигини моҳир қўллар ёрқин сўзаналарда, гилам ва кийимда акс эттирарди. Ҳаёт доим

ҳаётлигини қилади, унда гўзал, бахтиёр онлар ҳам бўлган, улар ҳақида хотиралар сақланиб қолган. Ана шу саодатли оналарни ҳозир аёлларнинг ўтмишдаги кундалик ҳаёти билан боғламоқдалар. Кўпчилик аёллар қашшоқ, қисқа ва аччиқ ҳаёт кечиришган, умри меҳнатда, таҳқирда, маҳрумликда ва дард чекиб ўтган. Онда-сонда баъзиларигина ижоди орқали ўзини маълум қила олишган. Маҳбуба Эргашеванинг бувисининг ёшлиги тўғрисидаги ҳикояни ўқинг:

«Бувим Бухорода, Шарифбекнинг катта хонадонида туғилганлар. Шарифбекнинг аجدодлари XIX аср бошида Бухорога Хуросандан келишган. Улар қарвон савдоси билан шуғулланишар ва Бухорода тижорат соҳасида катта ютуқларни қўлга киритгандилар. Улар шу ерда муқим бўлиб қолиб, таниқли тадбиркорлар қаторидан ўрин олишганди. Боғдагулнинг отаси бек бўлган, оиласи катта – беш ўғил ва бир қиз бор эди. 14 ёшда уни бошқа бир бекнинг оиласига унаштиришди, шу ёшда унинг зиммасига катта оилага хизмат қилиш мажбурияти тушди. Уйда хизматкорлар бўлса ҳам, улар хонадон эркакларига хизмат қилишарди. Боғдагул эса қайнонаси раҳбарлигида хонадон аёлларига хизмат қиларди. Баъзан у бирон нарсани қайнонаси айтганидек қилмаса, қайнонаси уни таёқ билан саваларди. Бу унинг ота уйидаги яккаю ёлғиз қиз бўлиб эрқаланиб ўсган ҳаётига асло ўхшамасди. Отасининг уйида у рўзғор ишлари билан шуғулланмас, ўйин, дарс ва зардўзи билан банд эди, уйига келадиган ўқитувчи аёллар унга шуларни ўргатишарди. У жуда моҳир каштачи бўлиб, ўз санъатини қизига – бизнинг онамизга ўргатган, ундан эса биз ўрганганмиз. Ҳамма опаларим зардўзи тикишарди, бизнинг ишларимиз кўргазмага ҳам қўйилган. Боғдагулнинг отаси қизи бахтли бўлишини истар, шунинг учун бой хонадонга узатганди. Лекин янги уйда бахтиёрлик топмади, бу хонадонда бойлик билан камдан-кам учрайдиган қурумсоқлик қовушиб кетганди. Ёшгина келин чўри эди, холос, салгина хато иш қилса, қайнонанинг калтаги остида қоларди. Эридан бир оғиз ширин сўз эшитмаган; берухсат бирон иш қилолмаган; на истаган нарсасини ея олган; на истаган кийимини кия олган; ҳатто сеп қилиб берилган нарсани ҳам киймаган; на ота-онасини зиёрат қилгани бора олган. Бир куни, нон ёпа туриб, ҳамирни қўлдан оловга тушириб юборган, чунки нон ёпиш учун оёғи остига қўйган нарса (у ҳали бўйи паст бўлиб,

қўли тандирнинг тепасигача етмасди) тўнкарилиб кетганди. Йиқилиб тушган келинни қайнона қўпол, қўли синган, укувсиз деб қарғаб, таёқ олиб, моматалоқ бўлгунча урган.

Бу иш Боғдагулнинг сабр косасини тўлдирганди, у жирканч уйдан қочишга қарор қилади. У шармандалик, кўркув, келажакда ўзини нималар кутаётгани ҳақида ўйламай қўйганди. Бу ерда яшашни истамасди! Калтақдан бироз ўзига келгач, эртаси куни тонг отар-отмас уйни ташлаб қочди. Бўйида бўлса ҳам, шу ишни қилган, чунки бекнинг уйи шу қадар жонига теккан эди. У йироққа, аммасиникига қочиб борган. Чунки ота хонадонига қочиб боролмас, отасини шарманда қилган бўларди, боз устига уни зўр билан қайтариб олиб бориб қўйишлари ҳам мумкин эди. Уни қутқариши мумкин бўлган яккаю ёлғиз одам аммаси эди, Денов атрофида унинг катта уйи ва боғи бор эди. Боғдагул икки йил аввал у ерда бўлган, қандай етиб боришни биларди.

У Деновгача деярли бир ой йўл босган, қандай қилиб етиб олганини ҳеч ким билмасди, уйдан тўрттагина ёлган нон олганди, холос. Оч-наҳор ва ҳолдан тойган Боғдагул аммасининг оёғига йиқилиб, бошпака беришни ва бу ерга қочиб келгани тўғрисида ҳеч кимга айтмасликни сўраб ёлворди. Содда ва меҳрибон киши бўлган почча – аммасининг эри жиянининг бу ерда қолишига розилик берди. У пайтларда турли шаҳарларда яшовчи қариндошлар бир-бири билан тез-тез кўриша олмас, хабар секин етиб борар, шаҳарлар ўртасида алоқа деярли йўқ эди. Одамлар жаҳонда нималар бўлаётгани ҳақида кам нарса билишарди. Бухорода Боғдагулнинг оиласи унга аза очди, маърака беришди ...

Шу тариқа 14 йил ўтди. Боғдагул аммасининг оиласига кўмаклашарди, ўғли ҳам улғайди, ҳаммалари далада ва боғда ишлашар эди. У ўзгарди, жаҳонда ҳам ўзгаришлар бўлди, бироқ ҳаёт Боғдагулнинг ҳаётини унча ўзгартирмади. Бухородан Боғдагулнинг онаси вафот этгани тўғрисида хабар келди. У ҳам қариндошлар билан йўлга отланди. Қизнинг қайтиши қувонч билан кутиб олинди, бироқ бу қувонч кўзда ёш билан эди. Боғдагулнинг онаси вафот этган, ғам-хасрат уни гўрга тикқанди. Отасининг мол-мулки тортиб олинган, ўғиллардан баъзилари вафот этган, баъзилари бедарак кетган, чунки фуқаролар уруши бўлиб ўтганди-да. 1924 йилда Бухорода инқилоб бўлди, у национализациялаш билан бирга кечди,

уларнинг оиласи шаҳардан Бухоро вилоятининг чеккасига, Туркменистон чегарасидаги Қоракўл қишлоғига кўчириб юборилганди. Камбағаллашган ва бор умидидан айрилган отаси ёлғиз қолганда, шунинг учун қизи ва навараси билан топишгани унда ҳаётга умид уйғотди».

Хотин-қизлар аҳволи ҳақида гап юритиладиган бўлса, бу ҳақда турли муаллифлар кўплаб ёзишган, шу жумладан XIX аср охири – XX аср бошларидаги рус тадқиқотчиларининг ҳам асарлари бор. Туркистонлик маърифатпарварлар – *жадидлар* мусулмон аёл ҳаёти буткул *шариат* ва анъаналар ҳукмига боғлиқлигини алам билан қайд этишганди. Аёлларнинг мутеъ аҳволи одатий ҳол эди, камситилиш ва ёлғизлик аввал ота хонадонидан, сўнг эр хонадонидан аёлни тўрт девор ичига қамарди. Эркак кишининг – ота, эр, қайнота, сўнг ўғилнинг хоҳиш-иродаси қонун қучига эга эди. Шунинг учун айрим совет ўтмиши танқидчиларининг, аёлларнинг советлардан олдинги аҳволи маддоҳларининг бугунги далил-исботлари ҳамда уринишлари кишини ишонтира олмайди ёки ёлғон. Мусулмон аёлнинг оғир аҳволи ўз даврининг энг яхши одамларида чуқур ва самимий ҳамдарлик уйғотган, анъаналар тазйиқини эса, улар зулм сифатида баҳолашган.

2.2. Ёўзал орзулар ва барбод бўлган номнаёл

Совет тадқиқотчилари таъкидлаганидек, «Ўрта Осиё совет ҳокимияти йилларида олға қараб буюк сакраш қилди, улар асрларга тенг йиллар эди». Бу – рост гап! Совет даври – тарихий жиҳатдан ўрта асрчиликдан янги даврга ўтиш даври, шундай даврларга хос барча жараёнлар: ўтмишдан кийналиб узилиш ҳамда ёрқин келажак тез кунларда стиб келишига умид боғлаб ўтиш даври бўлганди.

Совет даврининг хусусияти шундаки, бундай онг айрим одамлар ёки минтақага эмас, балки совет жамиятига хос бўлган. Ҳокимият «инсоният орзу-истакларини», миллионлаб жонни қурбон қилиш эвазига, шафқатсиз қатағон методи билан рўёбга чиқаришга интилди. Башарти, XX асрнинг боши ва 1990-йиллар бошини қиёсласа, улкан тараққиёт яққол кўзга ташланади ва қимқи уни кўрмаётган бўлса, унинг кўзига Советларга нисбатан нафрат туйғуси парда солган бўлади. Совет даври – у ҳам бизнинг тарихимиз; тарих эса на муҳаббатни, на нафратни услуб

хисоблайди. Совет Иттифоки чинакам буюк мерос қолдиргани шубҳасиз. Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда коммуникация, саноат, суғориш тизими, қишлоқ хўжалигининг илмий негизи, умумий таълим ва тиббий хизматлар, олий таълим ҳамда илмий институтлар тизими, давлат оммавий ахборот воситаларидан иборат замонавий жамият синчи қадалганини ҳолисона тан олиш даркор. Бирок замонавий жамият позициясини мустаҳкамлаш учун шахс эркинлиги етишмасди, диктатура бунга йўл қўймасди.

Замонавий секторда хизмат қилувчи маълумотли кишилар, профессионал мутахассисларнинг катта қатлами юзага келди, бироқ улар ўз ижтимоий ва профессионал манфаатларини қўнгилли ташкилотлар орқали ифодалаш имкониятига эга эмасдилар. Ҳошлар рақобати йўқ эди, шу боис техникавий ва ижтимоий тараққиёт тўхтаб қолганди. Бирпартияли тизим, марказлашган бошқарув тизими, авторитар бюрократия, суз эркинлигининг йўқлиги модернизациялаш суръатини пасайтирарди. 1970-йиллардан эса турғунлик бошланди. Совет Ўрта Осиёсида сақланиб қолган ўрта асрлар ижтимоий муносабатлари ҳамда тузилмалари ўтмишни тиклашга интилувчи кучга эга бўлиб, замонавий жамиятнинг ичдан қиритар, жамғарилган инсон салоҳиятидан, техник ва илмий салоҳиятдан тўла фойдаланишга имкон бермасди. Ижтимоий алоқалар ҳамда ижтимоий позициянинг поғонама-поғоналиги, қаттиклиги ва турғунлиги, замонавий турмуш тарзи ҳамда ижтимоий муносабатларга ишонмаслик ва уларни ҳазм қила олмаслик илмий ва техникавий тараққиётни йўққа чиқарарди, замонавий маданий умуминсоний кадриятларни ўзлаштиришга ҳалал берарди. Буларнинг бари СССРнинг парчаланишига олиб келди: бирпартияли тоталитар тизимнинг жаҳоннинг олтидан бир қисмини модернизациялашдаги салоҳияти тугаган, технологик тараққиётни ҳамда ижтимоий ривожланишнинг таъминловчи тизим сифатидаги капитализм ва демократиянинг социалистик муқобили асоссиз бўлиб чиқди, жамиятнинг ҳамда инсонларнинг ривожланишини занжирбанд қилиб ташлаган ваҳима уни емирди.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳамда фуқаролик жамияти барпо этилаётган бугунги кунда жамиятнинг модернизациялашнинг совет даври тажрибасини ҳолис ўрганиш ўтмиш саҳву хато-ларига чап бериш, жамиятнинг ислоҳ қилиш жараёнини тўхтатиб

қўяётган сабабларни аниқлаш учун зарур. Бироқ тажриба таҳлил қилинмади, хулоса чиқарилмади. Шу тарика Ўзбекистонда совет жамияти қандай эди, деган савол жавобсиз қолмоқда. Советлардан кейинги даврда ҳалигача ижтимоий фанлар бирон-бир муайян жавоб бермади, шу сабабли ушбу асарда шахсий тажрибамга, кузатувларимга ҳамда ўзим кўрган ва ҳис этган нарсаларнинг танқидий таҳлилига таянишимга тўғри келади. Жамиятнинг 70 йил давомидаги аҳволи ҳақидаги менинг фикр-мулоҳазаларим ҳар томонлама асосланган хулоса бўлишга даъво қилмайди, балки айнан фикр-мулоҳазалардир.

Совет даври ўзбек жамиятининг ривожланишини уч босқичга бўлиш тўғри бўлади:

- I босқич, ilk совет даври (1917–1932 йиллар) – ибтидо;
- II босқич, урушдан олдинги ва урушдан кейинги даврлар (1933–1956 йиллар) – Сталин яратган «жаннат»;
- III босқич, сўнги совет даври (1957–1991 йиллар) – илиқлашиш ва турғунлик.

Бундай бўлиш – шартли ва совет кишилари уч авлоди ҳаётини акс эттиради.

Ибтидо

Коммунистик мафкуранинг барча ҳужумкор ҳаракати ва жамиятдаги бу ҳаракат билан боғлиқ ўзгаришлар айни шу даврга тўғри келади. Бу даврда ўтмиш билан боғлиқ барча нарса зўравонлик билан бузилди. Ўтмиш эса шу пайтгача жамиятни бирлаштириб турган ва турмуш тарзини белгиллаган исломдан иборат эди. Совет ҳокимиятининг черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисидаги декрети руҳониятни унинг иқтисодий қувватидан маҳрум қилди. Бу жараён Ўрта Осиёда 10 йилга яқин давом этди, баъзан давлат, *муҷоҳидлар* ҳаракатининг кўламини ҳисобга олиб, чекинди ҳам. Бу ҳаракат динни советлаштириш, ерни национализация қилиш, озиқ-овқат равиёрсткаси, хотин-қизлар аҳволига нисбатан сиёсатига қаршилиқ кўрсатганди. Бу ҳаракат советларгача бўлган даврда ҳам «эски негизлар»ни тиклаш учун озодлик ҳаракатининг шоҳобчаси – *қадимчилик* сифатида маълум эди. Руҳонийлар уни диний уруш сифатида (томонидан) илҳомлантиришарди. Ҳаракат иштирокчилари уни ўз раҳнамолари деб билдилар.

Озодлик ҳаракатининг бошқа шохобчаси – *жадидлик* Совет ҳокимияти хизматида бўлди, чунки унинг жамиятни замонавийлаштириш бўйича дастурий мақсадлари Советларнинг шиорларига қисман мос келганди. Улар бу даврда, айниқса, янги иқтисодий сиёсат (ЯИС – НЭП) ва *Ҳужум* даврида, Советларнинг жамиятдаги ҳокимиятини қўллаб-қувватлаш учун кўп иш қилишди.

Бироқ жамият ўз онги, иерархияси ва ижтимоий муносабатлари бўйича 1920-йиллар охиригача эскича қолди; иқтисодий жиҳатдан, ер ислоҳоти совет ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлади. Йирик заминдорларнинг ерлари национализация қилинди, ерсизлар ерга эга бўлишди. Янги совет қонунлари жорий этилганига қарамай, жамият *шариат* меъёрларига риоя этарди, *қозихоналар* ишлаб турарди. Бироқ янгилик ҳам кириб кела бошлади, булар – ҳунармандлар касаба уюшмалари, мусулмон Советлар, театрлар, клублар, қизил *чайхоналар*, кироатхоналар, кутубхоналар, янгича муомала шакллари, тўғараклар, жамиятлар, лекторийлар эди. Тошкентда илк хотин-қизлар тўғараклари ташкил қилинди. Уларда дунёвий мактабларда таълим олаётган қизлар иштирок этишарди. Шундай тўғараклардан бири 1920-йиллар бошида хотин-қизлар педагогика билим юртида ташкил қилинганди. Тўғаракка, кўпинча, маърифатпарварларнинг қизлари аъзо бўлишарди. Тошкентдаги қизлар тўғараги тўғрисида Зарифа Саидносова ҳикоя қилади:

«Тожиҳон исмли қиз бизнинг техникумда биринчи курсда ўқирди ҳамда бизнинг кўчада яшарди. У *паранжи* ёпиниб юрарди. Бир куни ўқишдан қайтаётиб, уни учратиб қолдим. У эртага, жума куни уларнинг уйига бир нечта қиз келишини айтиб, мени ҳам таклиф қилди.

Жума куни Тожиҳонларнинг уйига келганимда хотин-қизлар педагогика билим юрти – *дорул муаллиматун* талабалари бўлган кўпгина таниш қизларни кўрдим. Улар жуда саводхон ва иштиёқманд қизлар эди. Йиғилиш бошланганди, шу боис унинг иштирокчилари билан, йиғилиш тўғрач, танишдим. Бир қиз раисалик қиларди, бошқаси котибалик қилиб, ҳамма гапни ёзиб борарди. Йиғилишда кейинги жумада ўтказиладиган машғулотнинг кун тартиби тузилиб, тасдиқланди. Адабиёт, ижтимоий муаммолар, кўнгилочар мавзуларни ўрганишдан ташқари, тушлик қилишга ҳам вақт ажратилди. Йиғилиш

соат 12 дан 5 гача давом этарди. Бизга қўшилишни истаган ҳар қандай хотин-қиз қўшилиши ва тўғарагимизга қабул қилиниши мумкин эди. Бу тўғаракда ижтимоий масалаларда маърузалар қилиниши, газета ва журналларда эълон қилинган материаллар, шунингдек аёллар раҳнамолиги муаммолари муҳокама қилиниши лозим эди. Тўғарагимизни *Ёш куч* деб аташ тўғрисида қарор қабул қилдик. Бу тўғаракка мен ҳам ёзилдим, синглим Зулфия ҳам унга аъзо бўлди. Бизлар – қизлар ва жувонлар – 30 нафардан зиёд эдик.

Бир жумада бизнинг хонадонда йиғилдик. Бизга, одатда, Хосият Тиллахонова раислик қиларди. У ўрта бўйли, сарвақд, қорасоч, ҳақиқий гўзал қиз эди. У паранжини биринчи бўлиб ташлаганди. Кейинчалик, 1930-йилларда бир неча бор унинг митингларда сўзлаган нутқини тинглаганман. Афсуски, у ёруғ дунёни эрта тарк этди.

Шоир Элбекнинг хотини Мубораххон ҳам тўғарагимиз аъзоси эди. У баланд бўйли, хушрўй, сочини елкасига ташлаган, истеъдодли аёл эди, пианинони зўр чаларди, шунда янада гўзаллашиб кетарди. Назокатли ва оғир-вазмин Элбек уни ғоят севарди. Улар жуда аҳил яшар эдилар. Тўғарагимизда шоира Ойдин ҳам бор эди (у кейин машҳур бўлиб кетди). У *паранжи* ёпиниб келарди. Ойдин етим бўлиб, бувисининг қўлида катта бўлганди. Бувиси жуда художўй ва қаттиққўл аёл эди.

Тўғарагимиз кун тартибида *Ёш куч* газетасини чиқариш ҳам белгиланганди. Ойдин, газетанинг чоп этилиши барча хотин-қизлар кўнглини кўтаради, деб, хотин-қизлар тўғрисида гўзал шеър ёзиб берди. Мен ҳам «Янги йўл» шеърини ёздим, лекин у эълон қилингач, ўз асаримдан хафсалам пир бўлди».

1920-йиллар умид ва эрк даври бўлганди. Жамиятни ўзгартириш, ўз мамлакати равнақи йўлида биллим эгаллаш ғояси кўпларни забт этганди. Келажакка ишонч, «эркин ва мустақил» ватан орзуси Урта Осиёнинг турли чеккаларидан пойтахтга келган талабалар ва ёшларнинг қалбидан ўрин олганди. Улар чиндан ҳам янги жамият барпо эта оладиган ёш куч эди, социалистик ғоя куч-қувватнинг ортишига туртки бўлди, инсон салоҳияти ривожланишига қўмаклашди. Маҳбуба Эргашева ҳикоя қилган Боғдагул Шарипова тақдири ҳақидаги ҳикоянинг давомини ўқинг:

«Боғдагул озиқ-овқат тўғрисидаги ташвишни ўз зиммасига олди, шунда у 27 ёшда эди. Бу ер ислоҳоти даври бўлиб, уларнинг оиласи ҳам ер олди, турмуш йўлга туша бошлади. Вақт тез ўтарди, қишлоқда янгилик белгилари кўрина бошлади: хотин-қизлар кенгаши, саводсизликни тугатиш (ликбез) ташкил қилинди. Боғдагул деҳқонлар орасида биттаю битта саводли одам бўлиб чиқди, у хўжалик ҳисоботини юритишга ёрдам бера бошлади. Сўнг қишлоқ кенгашига сайланди, коллективлаштириш даврида эса Қорақўлда дастлабки жамоа хўжаликларидан бири тузилди, меҳнатсевар ва тиришқоқ Боғдагул (бу ерда уни Чиннигул дейишарди) дастлаб звено бошлиғи, сўнг бригадир бўлди. Ҳаёт изга туша бошлади, одамлар турмуши яхшилана борди. Тўйлардан бирида созандалар орасида келган ўн тўққиз яшар бир йигит Чиннигулни ёқтириб, кўз тагига олиб қўйган экан, Чиннигулнинг отасиникига кетма-кет совчилар юбора бошлади. Чиннигул биринчи турмушини даҳшат билан эслади, янгидан, айниқса ўзидан ёш йигитга, турмушга чиқишни ўйлагиси ҳам келмасди. У совчиларни қувиб чиқарарди. Лекин отаси, вафот этиб кетса, қизининг ёлғиз ўзига қишлоқда яшаш оғир бўлишини унгатувунтирди. Бугун кўзи очик, ҳовлида эркак киши бор, шунинг учун унга ҳурмат билан муносабатда бўлишаётганини, дунёдан кўз юмса, Чиннигул бугун ўз меҳнати билан орттирган обрў-эътибор, қўшниларининг ҳурмат-эҳтироми ҳам тугашини айтди. Отаси унга оқ фотиҳа бергач, Чиннигул яна турмушга чиқди. Ўн йил фарзанд кўрмади.

У қишлоқдаги фаол аёлларнинг биринчи авлодидан эди, кўп йиллар хотин-қизлар кенгашини бошқарди, ферма мудир, бригадир, уруш йилларида эса колхоз раисаси бўлди. У ўзи мансуб бўлган авлоднинг минглаб аёллари сингари турмуш кечирди.

У пайтларда одамлар ўз мамлакатлари ҳаёти билан яшар, ташаббус кучли эди. Ҳукумат Фарғона канали қурилишини эълон қилганда, уни қуриш учун бутун республикадан одамлар оқиб кела бошлади. Бухоро вилоятидан борган кўнгиллилар таркибига қорақўллик 24 нафар киши ҳам кирганди. Чиннигул раҳбарлик қилган бу одамлар Катта канал қурилишида ишлашди. Аёллар қандай ишлаган, дерсиз? Улар қолда тупрокни орқалаб ташишган. Чиннигул республика раҳбари Йўлдош Охунбобоев қўлидан шахсий соат, патефон, битта

пластинка ва «Зингер» тикув машинасини мукофотга олган. Патефон қишлоқ клубида кўп ишлатилди, сўнг қаёққадир ғойиб бўлди. «Зингер» эса оиламизда бувимдан хотира бўлиб сақланиб қолган».

Давлат энг яхши ёшларни ўқиш учун хорижга юборарди. Кўплаб шаҳар маҳаллаларида шу маҳаллалик қобилиятли болалар хорижда ўқиши учун пул тўпланарди. Маҳаллий мактабларда дарс бериш учун Волгабўйи ва Кавказдан юзлаб ёш ташаббускорлар Туркистонга кела бошлади. Тошкентда университетнинг очилиши кўтаринкилик билан кутиб олинди. Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларидан йигит-қизлар олий маълумот олиш учун кела бошлашди. Университетда рус профессорлари, маҳаллий зиёлилар дарс беришарди.

1920-йилларда Ўрта Осиёда мусулмон жамиятини ларзага солган яна бир воқеа – Ҳужум кампанияси бўлганди. Бу – эски негизларга қарши ва хотин-қизларни тўрт девордан ҳамда камситилишдан озод этиш учун ҳужум эди. Кампаниядан олдин узоқ йиллар давомида шаҳар ва, айниқса, қишлоқ хотин-қизлари орасида тарғибот ишлари олиб борилганди. Бу ҳақда кўп ёзилган ва мен аввалги китобимда ёзилганларни такрорлашни истамасдим.

Ҳужум сиёсий кампанияси 1927–1929 йилларда ўтказилган тадбир бўлиб, маҳаллий аёлларни *паранжи* ёпиниб юришган ҳалос қилди, улар учун уйдан ташқарига чиқиш, таълимдан баҳраманд бўлиш учун йўл очди, бироқ жамият асосий қисмининг аёлларга назорат остида сақланидиган, заифа, мутеъ ва шу боис паст мавжудот сифатидаги муносабатини ўзгартирмади. Аяъанавий жамият ҳужумнинг аёлларнинг уйдан ташқарида иш билан банд бўлиши, дунёвий билимдан баҳраманд бўлиши сингари ютуқларини тан олгиси келмасди, шу сабабли бу кампания шафқатсиз курашларда кечди.

Қурбонлар орасида патриархал оила шаънига доғ туширгани учун ўз туғишганлари томонидан ўлдирилган аёллар ва ташкилотчилар бор эди. Улар эскича турмуш тарафдорлари томонидан террор қилинди, кейинчалик Ҳужум иштирокчилари совет ҳокимиятининг сиёсий қатағони тегирмонига ташланди, улар совет ҳокимиятининг сиёсатига озгина шубҳа қилганлари учун ҳам миллатчиликда айбланган эдилар. 1920-йилларда Ҳужумга

раҳбарлик қилган маърифатпарварлар 1930-йилларда катағон қилинди, хотин-қизлар эса ўз ҳуқуқлари учун курашда уларни қўллаб-қувватлаган ижтимоий кучдан маҳрум бўлишди.

Шундай бўлса ҳам, 1930-йилларда буюк бунёдкорлик иши амалга оширилди, келажакка ишонч катта эди. Эрк ва социализм ғоялари янги матбуот орқали ёйиларди, янги газета ва журналлар очилди, энг яхши ёш муаллифларнинг асарлари тўпламларда чоп этилди. Жамият янгиланар, ёшлар орасида янгиликка интилиш кучли эди, дунёвий маданият: театр, дунёвий адабиёт яратилаётганди, улар халқ орасидан чиққан истеъдодларни жалб этарди; билимга ташна бу истеъдодлар ўқув юртларига интилишарди. Гуё иерархик жамият бузилгандек, жамият нисбатан очиқ бўлаётгандек туроларди. Ҳа! Бу чиндан ҳам Советларнинг хизмати эди. Янги совет истеблишменти (тузуми) халқ орасидан чиққан одамларнинг ўзини намоён қилиш имкониятини, янгиликдан баҳраманд бўлиш ва ўз халқи ҳаётига янгиликлар олиб кириш истагини кўрсатарди.

Ойбарчин Бакирова хикоя қилади:

«Дадам Аббос Бакиров ёшликданоқ таниқли актёр бўлганлар. Биз асли андижонликмиз. Дадамнинг оталари – бобом мужаллид (муқовасоз) бўлиб, шаҳар марказидаги эски китоблар дўкони соҳиби бўлганлар. Китобларнинг кўпи, табиийки, қўлёзма бўлиб, уларга ўзига хос муқова созлаш катта маҳорат талаб қилган. Бироқ 1920-йиллардаёқ бу санъат аста-секин ўла бошлади. Янги авлод вакили бўлган дадам яхши маълумот олгандилар, ҳаётда эса имкониятлар катта эди. Шу имкониятлардан бири сахна эди. Улар мустақил труппада ишлай бошлаганлар, Андижон мусиқали драма театри ташкил этилгач, ҳозир донғи кетган театрнинг етакчи актёри, кейинроқ режиссер ва кино актёри бўлдилар.

Онам Қамара Бурнашева сахнага 1934 йилда, 14 ёшларида чиққанлар. Улар актёр бўлиш ўлим билан баробар бўлган даврда актёрликка кириб келганлар. Дастлабки ўзбек актёр аёлларидан бир неча киши, шу жумладан Андижон мусиқали драма театри актёри Нурхон юзини очишга журъат этиб, сахнага чиққани учун ўлдирилганлар. Онамлар сахнага чиқишларидан бор-йўғи уч йил олдин Нурхон акаси томонидан ўлдирилганди. Тўхтасин Жалилов ва уста Олим онамнинг ёқимли овозини эшитиб кўргач, сахнага таклиф қилишган.

Мактабда «кўк кўйлаклилар» тўгараги бўлиб, унда баъзан машғулоти Тўхтасин Жалилов ва, ўша пайтда танилган актёр Лутфихоним Саримсоқовалар ўтказишарди. Онамнинг биринчи роли «Тарих тилга кирди» пьесасидаги Ойжамол бўлган. Онам узоқ вақт театрнинг етакчи актёри булганлар, шу ерда турмушга чиқиб, тўрт фарзанд кўрганлар. Биз, уларнинг болалари, сахна пойида улғайганмиз. Актёрлар меҳнатини болаликдан кузатганмиз, уй эса сахнадаги иш давом этадиган жой эди. Биз сахна сирларидан баҳраманд бўлардик, у бизни ҳамда томошабинларни жаҳон адабиёти билан ошно қиларди. Сахнада ўзбек муаллифлари Ҳамза Ҳакимзода, Яшиннинг мумтоз намуна бўлиб қолган пьесаларигина эмас, балки Шиллер, Шекспир, Мольернинг ҳам пьесалари кўйиларди. Онам 1960 йилда машҳур шоира Нодира ролини биринчи бўлиб ўйнаганлар.

Менинг фикримча, актёрлар – жаҳон фуқароларидирлар. Улар ҳар бир ролни ўйнаганда, ўз қаҳрамонларининг миллий хусусиятларини касб этадилар, халқларни бирлаштириши лозим бўлган умуминсоний қадриятлар мавжудлигини кўрсатадилар ва бу орқали турли миллат, турли ирқ, турли маданиятга мансуб одамларнинг бир-бирини ўзаро тушунишига кўмаклашадилар. Бағрикенглик муҳитини, янгиликка интилишни, турли маданиятларнинг ўзаро бир-бирига сингишини, очиқликни юзага келтиришда, турмуш тарзини ўзгартиришда айна театр ва театр одамлари катта ҳисса қўшишди. Мен, ота-оналарим биринчилардан бўлишганидан фахрланаман. Мен ота-онамдан, улар менинг актёр бўлиш истагимни қўллаб-қувватлаганлари учун, миннатдорман. Энди, профессионал актёр бўлгач, ўзининг ташқи кўриниши, ўз фаолияти, дунёқараши билан теварак-атрофдагилардан ажралиб турган актёрлар, айниқса, аёл актёрларнинг йўли қанчалар мураккаб бўлганини тушундим. Айна маҳалда улар ўз даврининг фарзандлари эдилар, фақат улар олдинда эдилар. Гарчи онам ва унинг тенгдошлари бўлган кўплаб актёр аёллар маълум ва машҳур бўлишган эса-да, улар ўзларига ҳайрат билан, ҳатто маъқулламай, айна маҳалда уларнинг эркинликларига ҳасад билан, касбларига эса номуносиб касбдай нафрат билан қараган муҳитда нашъу намо топганлар. Улар ўз санъатлари билан одамларни ўзгартиришга, уларнинг кўламини кенгайтиришга уринишган. Улар кўп нарсага эриш-

дилар, лекин мамлакатимиз ва жамиятимиз ривожланишига тўсқинлик қилаётган кўп нарсани енга олмадилар ва мен буни ҳозир жуда қаттиқ ҳис этмоқдаман».

Бу пайтда халқ таълими тизими таркиб топа бошлади, муаллимлар ва мактабларнинг моддий таъминотини яхшилаш бўйича чоралар кўрилди. Дунёвий меҳнат мактаблари тузилди, педагогларни, шу жумладан аёллардан ҳам, тайёрловчи ўқув юртлари сони кўпайди. Эски усул мактаблар қайта ташкил этила бошланди. Бу мактаблар янги дастурлар, 1924 йилдан эса меҳнат мактаблари дастурлари бўйича ишлай бошлашди. 1923 йилдаёқ 6,5 миллион аҳолиси бўлган Туркистонда 955 мактаб мавжуд эди, шундан 867таси кишлоқларда жойлашганди. Саводсизликни тугатиш бўйича иш шу пайтдаёқ авж ола бошлаган эди. 1923 йилда Туркистонда 57 саводсизликни тугатиш мактаби бўлиб, шундан 28 мактаб Тошкентда очилганди. Дунёвий мактаб очиш учун шароит бўлмаган ҳамда моддий маблағ ва ўқитувчи кадрлар етишмаган жойларда эски мактаб ҳам тенг даражада ишлаб турганди.

Мужоҳидлар ҳаракатига руҳонийларнинг таъсирини камайтириш ҳамда руҳонийларнинг холис қисми Совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлашнинг таъминлаш учун уларга вақф ерлар қайтарилди. *Маҳкамаи шарийъа* тузилиб, унга машҳур ислом арбоблари раҳбарлик қилишди. *Маҳкамаи шарийъа* диний мактабларни ўзига бўйсундирди, шу мактаблар ўқитувчилари, шунингдек *имом-хатиблар* учун курслар ташкил қилди, уларни тайинлаш ва ишдан олиш жараёнининг муайян тизимини жорий этди. Илгари *имомлар маҳалланинг* нуфузли одамлари томонидан сайланар ва ҳеч кимга итоат этмасдилар. *Маҳкамаи шарийъа* тузилгач, улар бу идора руҳсатсиз *имомлик* ишини бажаришга ўта олмай қолдилар. Руҳонийлар шу тарика ҳокимият билан ҳамкорлик қила бошладилар, бу эса шу ҳокимиятнинг тан олганликларини билдирарди. Дунёвий ва диний мактаблар, халқ ва қозилар шариат судлари 1920-йиллар охиригача параллель мавжуд бўлиб келди. Ҳужумга рози бўлмаган дин арбобларини қатағон қилишнинг янги тўлқини бошланган 1929 йилда диний-тузилмалар ва судлар тугатилди.

1930-йилларда замонавий техника билимларини оммавий ўзлаштиришга қаратилган иш олиб борилди. Минглаб одамларни техника янгиликларидан баҳраманд қилган турли курслар мавжуд эди.

Маданий-маърифий муассасалар тармоғи яратилди, халқ ҳаётига кино, радио ва китоб кириб келди. Маданий-маърифий муассасалар тизими янги таълимотни, материалистик билимларни тарғиб этиш ва динга қарши ҳаракатлар орқали янги мафқурани муваффақият билан фаол жорий эта бошлади. Худосизлар уюшмалари тузилди. Расмий жамият атеистик руҳда бўлиши лозим эди. «Эскига қарши, социализм учун» қаратилган бу иш дин таъсирини чеклар, янги мақсадлар ҳамда ва кадриятларни юзага келтирарди. Ҳаёт кўпроқ одамларнинг айнан янги билимларга интилиши туфайли дин таъсиридан халос бўлди.

Бирок дин ўлмади, у нафақат совет ҳокимияти кўнглини оғритганларнинг, балки бутун аҳолининг ҳам қалбидан мустаҳкам жой олганди. Масжидлар ёпилган, эркаклар у ёқларга боролмасди, шунинг учун аёллар ислом муҳофизи бўлиб қолишди. Хонадонларда диний урф-одатлар аёллар томонидан бажо келтириларди. Исломий тарбияни *отин*лар олиб боришарди. Ислом оила динига айланиб қолди. Янгиликлар эскиликка нисбатан муросасиз эди, лекин эскилик ҳам янгиликни рад этарди. Қатағон аҳоли ҳаётининг муқаррар бир қисмига айлангандек туюларди.

Француз тадқиқотчиси Ҳабиба Фатҳий отинлар фаолиятини бундай тасвирлайди:

«Барча аёллар эркинликка чиқди. Бу жараён жуда ўзига хос ижтимоий гуруҳ бўлган *отин*ларга ҳам дахлдор эди. *Отин*ларнинг диний нуфузи Ўрта Осиё социумининг ажойиб жиҳатларидан бирини ташкил қилади. Бу нуфуз асримизнинг барча мафкуравий тўнтаришларига, айниқса Кремль ҳар қандай диний амалиётни бўғишга интилган совет давридаги мафкуравий тўнтаришларга қарши тура олган аجدодлар анъаналарига таянади.

Отин – диндорларнинг кундалик ҳаёти билан банд бўлган муслима. Аёлларнинг туғилганидан бошлаб улғайгунича бўлган тарбияси билан боғлиқ бўлган *отин* мўминлар билан бевосита боғлиқ эди. Ҳатто у ислом илмини доим ҳам билавермаса-да, хотин-халаж орасида чинакам нуфузга эга эди. Унинг устунлиги фарзанд туғилиши, тўй ёки аза билан боғлиқ барча миллий, диний ёки оилавий маросимларда тиловат қилишида эди. Шу тариқа у мулланинг вазифасини бажаради, шунинг учун баъзида уни «мулла хотин» дейишади.

Ўтмиш саркитларидан озод бўлган янги аёл идеалини гавдалантириши лозим бўлган Хужумдан кейинги авлод, аслида, ҳаётнинг муқаррар қисми сифатида қатағон йилларида ҳам асраб қолинган анъанавий қадриятларга содиқ қолди. Хужумдан кейинги авлод вакили бўлган кўп аёллар 1917 йил Октябрига қадар орасида *отинлар* ҳам бўлган ўз оналари ва бувиларининг ўтмиши билан алоқани узишни исташмасди. Хотира сақловчилари бўлишга маънавий ҳуқуқдор бўлган ўша отинлар ўз қизларига диний билимлардан энг кам даражада бўлса-да беришга интилишди. Шу тариқа улар анъаналарни қўллаб-қувватлаб, исломни ўлишдан сақлаб қолдилар. Советлаштириш олиб кирган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар уларни тубанлашган қатлам даражасига тушира олмади, аксинча, уларнинг обрў-эътибори ортишига кўмаклашди. Улар диний билимлар беришни таъминлашга қодир бўлган ягона шахслар эди. Буни уларнинг хонлар давридаги мақоми белгилаган эди – улар руҳонийлар сирасига кирарди. *Суфийлар, муллалар, саййидлар, хўжалар* оиласидан чиққан бу *отинлар* ўз вазифаларини муқаррар бажарганлар. Совет режими диний аппаратни буткул тугатганига қарамай, унинг айрим вакиллари омон қолди, аҳоли орасида улар янада оммалашди. Ҳозирги пайтда кўпчилик оилалар ўзларини ўтмишда ўтган диний арбоблар авлоди, деб ҳисоблашади.

Отинлар алоҳида ижтимоий гуруҳларидандир. Улар – азиз-авлиёлардан ҳамда диннинг ўзига хос сақловчилари деб ҳисобланган. Ижтимоий ҳаёт саҳнасида улар доим дин соҳасида кўпроқ билимга эга, бинобарин, анъаналарга жон бахш этиш, уларни сақлаб қолиш ҳамда авлодларга етказишга кўпроқ қодир бўлган шахслар сифатида намоён бўлишган. Шу боис улар четга туртиб чиқариб қўйилгани ҳамда ўз вазифаларини бажариш имкониятлари чеклаб қўйилгани буткул мантикий ҳолдир. *Отинлар* фақат расмий удумни одамларга етказиш ҳамда ёдда сақлаб қолиниб, кўпинча маъносига тушунмай такрорланадиган дуо-оятларни ўқиш билан машғул эдилар. Ўзига хос халқона ислом оғзаки анъанада шу тариқа сақланиб қолган. Анъанавий иш юритадиган жойлари – қизлар мактабидан маҳрум бўлган *отинлар* янги маконни – шаҳар ва қишлоқ маҳаллаларини ўзлаштира бошладилар.

Лекин анъанавий йиғилишлар ҳеч қачон тўла-тўқис йўқ бўлиб кетмаганди. Одамлар хусусий хонадонларда тўпланардилар, айрим уйлар яширин масжид бўлиб хизмат қила бошлади. Ўзига хос бу маҳалла қўмиталарида *отинлар* иштирок этар, улардан бўй етган қизлар, куёв танлаш ва ҳоказоларни сўрашарди. Кўп тўйларга улар сабабчи бўлишар, куёв танлашда кўмаклашишарди. Оилаларда маслаҳат оши ўтказиларди. Отинлар томонидан ўтказилган бундай тўйлар уларни хотин-қизларни камситиш деб баҳолаган совет ҳокимиятининг ҳужумига жуда кўп учрарди».

Ғолиб томон ўтмишда яратилган нарсаларни шафқатсизлик билан йўқотарди. Ўтмиш кўмиб ташланган, оқизиб юборилган, баъзан эса соҳиби билан бирга ёнган китоблар билан бирга йўқликка равона бўларди. Ўз ҳаётини, фарзандларининг ҳаётини сақлаб қолиш учун мағлублар қўшни Афғонистон, Ҳиндистон, Туркияга бош олиб кетишарди. Ўтмиш киндик қони тўқилган жойни ташлаб кетмаган, умиди пучга чиққан, мағлуб бўлган ва таҳқирланган одамлар қалбида қолди. Улар бу ўтмишни асраб-авайлаб, ранжу алам тарзида авлодларига ўтказардилар. Улар барча янгиликларни ва янги ҳокимият келтирган барча нарсани инкор этишарди. Совет жамияти бағрида уни қабул қилмаган ва унга рози бўлмаган аксилжамият мавжуд эди. Бу жамият ўтмиш билан боғлиқ барча нарсани махфий равишда ва қатъият ила сақлаб, урф-одатлар, маросимлар ва анъанавий мулоқотнинг барча шакллари афсоналарга ўраб, идеаллаштирар ҳамда диний меъёрлар мақомига кўтарарди.

Илк совет даври жамияти шиддатли янгиланиш, умидлар пучга чиқиши даврини кечирарди, унинг қаърида яширин ва зоҳиран кўзга ташланмайдиган ўтмиш мудрарди. Қисқа вақт ичида жамият қиёфаси инқилобдан аввалгига нисбатан ўзгарди. IIIу пайтда Россиядан табиий ва мажбуран кўчиш бошланди. Партиявий маъмурият, халқ хўжалигини бошқариш органлари, фабрикалар, транспорт, ирригация қурилиши, катта майдонларда пахта экила бошланиши, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими, маданият, молия тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлаш учун ҳали Ўрта Осиёнинг ўзида тайёрланмаётган маълумотли ва малакали мутахассислар ҳамда ишчилар талаб қилинарди. Ишончдан қолган зиёлилар, қулоқ қилинган деҳқонлар буёққа юборилар, алоҳида йўналишлар бўйича мутахассислар

келишарди. Жамият янада кўпэтностли бўла борди. Ўрта Осиё жамиятининг бу қисми жуда ўзига хос бўлиб, маънавий ўзагини зиёлилар ташкил этарди.

Т. Пославская 1920-йиллардаги Тошкент ҳаётини қуйидагича тасвирлаган:

«Меҳмонларимиз орасида қандайдир айби бўлганлар кўп эди. Айни маҳалда улар қаердадир ишлашар (ўша пайтдаги тил билан айтганда, хизмат қилишар), бўш вақтларини ижодга бағишлар эдилар. Шоир А. Ширяевец билан, кейинчалик С. Есенин билан дўст бўлган Валентин Иванович Вольпин шундайлардан эди. 1921 йилда, С. Есенин Тошкентга келганида, у эндиgina ёзиб тугатилган «Пугачёв» поэмасини Вольпин хонадонида илк бор ўқиб берганди.

Бирмунча вақт Тошкентда истиқомат қилган Александр Ширяевец қиёфаси эс-эс ёдимда. Бўйи баландга ўхшарди, лекин ўша пайтда ҳамма катта кишиларнинг бўйи баланд кўринарди менга. У отамга мурожаат этганда кўпинча айтadиган гаплари ёдимда жуда яхши қолган: «Бахтлисан, Жўра! Хотининг – гўзал аёл, болаларинг – русларга ўхшайди» (болалигимизда иккаламиз ҳам пучуқ эдик).

Ширкат китоб нашр этарди. 1921 йилда отамнинг шеърий тўплами – «Ғазаллар» чоп этилди. Муқовасини рассом Александр Николаевич Волков чизганди. Улар отам билан қалин дўст бўлиб, бир-бирини сансирашарди. Иккови ҳам «асли туркистонлик», Ўрта Осиёга кўчириб келтирилган русларнинг фарзандлари эди. Ҳарбий врач Н.И. Волковнинг уч ўғлидан икkitаси бағоят истеъдодли эди.

А.Н. Волков тўғрисида алоҳида ёзгим келади. Ғоят ўзига хос шахс эди! Рассомнинг шажараси ҳақида икки оғиз сўз айтаман. Унинг отаси ҳарбий врач бўлиб, «Туркистон кампанияси» деб аталмиш тадбирда иштирок этганди. Аскарлар бир қишлоқни эгаллагач, ота-онасини билмайдиган бир қизалоқни топиб олишди, қишлоқда ҳам ҳеч ким уни танимасди. Қизалоқ қорамағиздан келган, кўзлари қора, катта-катта эди. Ёш ҳарбий врач уни ўз тарбиясига олди, ўн олти ёшларга тўлгач, унга уйланди. Қайси миллатданлигини ҳеч ким билмас, лўли бўлса керак, деб ўйлашарди.

Александр Николаевичнинг шуҳрати, афсуски, вафотидан кейин, дунёга ёйилди. Волков чизган расмлар Третьяков

галереясида намоиш этилади, у жаҳон тан олган улкан ва ўзига хос санъаткордир.

Рассомнинг синглиси, Надежда Николаевна Поваренних моҳир пианиночи эди, қўллари мўъжаз бўлишига қарамай, ғайритабиий усталик билан чаларди. Ғоят тийиқсиз бир жўшқинлик билан куйларни ижро этарди. Синглим билан мени ухлаш учун қўшни хонага ётқизиб қўйишганига қарамай, унинг мўъжизавий ижросидаги Шопен этюдларини, ноктюрнларини кўп бора тинглаганмиз.

Волков билан бирга бизникига рассом А.В. Николаев ҳам келарди. У ҳам бағоят қизиқарли ва ўзига хос санъаткор эди. У Ўрта Осиёга шу қадар муҳаббат қўйган эдики, уни чуқурроқ билиш учун мусулмонликни қабул қилганди. Ўзининг ажойиб, нозик асарларига Усто Мўмин деб имзо чекарди. Бу фамилия Ўзбекистон тасвирий санъати тарихига кириб қолган.

Ўзбекистонда халқ ижодиёти мислсиз гуллаб-яшнади, адабиёт, театр ва рангтасвирда кўплаб мактаблар ва оқимлар юзага келди. Санъат новаторларининг номлари янграй бошлади, улар орасида А.Н. Волков ҳам бор эди.

Отам ва ўша пайтда ҳали талаба бўлган, сўнг умрбод дўст бўлиб қолган Антон Григорьевич Сухарев ўзбекча ашулаларни жўр бўлиб хиргойи қилишарди. Улар, ҳақиқий ўзбек ҳофизлари сингари, қўлга ликобча олиб ашула айтишарди. Улар ажойиб ижро этган халқ қўшиғи «Муҳаббат» ёдимда қолган. А.Г. Сухарев кейинчалик менинг дугонамга, ўша буюк князь сайр эттирган Ириная уйланди».

Хикояда гап борган йилларда Тошкентда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт қайнарди. Инкилоб шамоли аҳоли барча қатламларини жунбушга келтирганди. Собиқ «тубанлар»га, ишчилар ва қашшоқ деҳқонларга етакчи лавозимларни эгаллаш, илгари бойлар яшаган уйларга кўчиб кириш, ўқув юртларига киришда устун ҳуқуқлар бериларди. Машҳур ишчи факультетлари (рабфаклар) айни ўша замонда пайдо бўлганди: унга ҳатто саводсизлар ҳам қабул қилиниб, олий ўқув юртларига кириш учун етарлича тайёр бўлганлар чиқариларди. Собиқ чилангарлар, батраклар, чўрилар инкилобдан олдин маҳрум бўлган нарсаларидан баҳраманд бўлиш – таълим олиш ва маданиятни эгаллаш учун зўр иштиёқ билан, оч-наҳор, уйкудан қолиб ўқишарди. Буюк олимларнинг кўпчилиги ишчи факультетларидан чиқишган. Улар



Видин кеча



Шарн низи



Муסיңачи



Эгизанлар

դեռեւ չեղածն է





Манзара



Ои-нелин



Севги

орасида турли миллат кишилари бор эди. Янги совет миллий зиёлилари ишчи факультетларида таълим олганди.

Зиёга интилиш

1920-йилларда кўплаб нашрлар, газета ва журналлар чоп этила бошланди. 1970–1980-йиллардаги оммавий ахборот воситалари яқдиллиги шароитида улғайганим учун мени нашрлардаги мавзу ранг-баранглиги ва мунозаралар хайратга солади. Ошкора мубоҳаса, сиёсий мунозаралар ва очиқ тарғибот, шафқатсиз сатира ва содда ҳаёллар ўша давр матбуотининг қиёфасини ташкил этарди. У «социалистик бунёдкорликни» амалга ошириши, иккинчи Жаҳон урушида умумий мамлакат – СССРни ҳимоялаши даркор бўлган одамларнинг маънавий қиёфасини шакллантирарди. У Ғарбда адолатли равишда «этикод маданияти» деб аталган сиёсий маданиятни белгилаб берарди. Бу маданият заминидан юз бераётган ҳодисалар ҳақлигига этикод ва ҳоқимиятга ишонч, ўз дохийларини эъозлаш ётарди. Қатағонлар қайта-қайта бўлиб турганига қарамай вазият шундай эди.

1920-йиллар бошида жамиятда билим сари интилиш бошланди. Саводсизликни тугатиш курслари, ишчи факультетлари, университет ва билим юртлари ўз ҳаёт тарзини ўзгартиришга тайёр турган ёшларни жалб этарди. Одамлар ҳаётига театр, китоб, журнал, газета сингий бошлади, комсомол минглаб аъзоларни ўз сафига жалб этди, лекин бу 1980-йиллардаги ихтиёрий-мажбурий аъзоликка ўхшамасди. Маҳаллий ёшлар, баъзан ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да, комсомол сингари жамоат ташкилотлари сафига киришарди. Касаба уюшмалари ташкил қилинди.

Одамлар ўз турмушларни яхшилаш орзуларини социализм ғояси билан боғлашар, янги ҳаёт йўлини тутган минглаб кишилар учун ўтмиш жаҳолат даври сифатида нафратли бўлиб қолди. Социализм утопиясига ишонч ташаббус уйғотарди. Ёутун СССР фуқаролари сингари, Ўзбекистоннинг ҳам кўплаб фуқаролари зулм, қатағон, ҳибсга олишларни совет сиёсий тизими моҳияти билан боғламас эдилар. Коммунизмга ишончдек олий туйғуни дастак қилиб олган мафкура адолатли жамият тўғрисидаги пуч ваъдаларга ишонган одамларнинг тажрибасизлиги ва

соддалигидан мохирлик билан фойдаланарди. Қўрқув ва ташаббускорликнинг бундай зиддиятли қовушувини Ғарбдан ортда қолган Россияда ва янада қолок бўлган Ўрта Осиё республикаларида социализм ғояси деярли диний таълимот шаклини касб этганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу нуқтан назардан қараганда, оддий коммунистларнинг ишонч-этикодини Мартин Лютер давридаги протестантларнинг ёки илк ислом давридаги салафларнинг мубталолиги билан қиёслаш мумкин. Бу эътикод совет жамиятини ўрта асрлар жамиятига монанд қилиб қўйди. Эътикод сиёсий маданияти воқелик иррационаллигини пайкамасди, чунки бу мавзуда ўйлаш даҳшат бўлиб, эътикод маданияти ўзини сақлаш шаклига айланган эди.

Умидлар кейинроқ пучга чиқди. 1920-йиллар охири ва 1930-йиллар бошидаги қатағонга, энг аввало, бутун халқни ғафлат уйқусидан уйғотмоқчи бўлган зиёлилар учради. Совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилган маърифатпарварлар илк қурбонлар бўлишди.

«Эски шаҳар билан янги шаҳар ўртасидаги тафовутни бартараф қилиш» сиёсати шаҳардаги тикилиб жойлашишни ва этник гуруҳларнинг жамулжам истиқомат қилишини қисман бузди. Дунёвий маданиятнинг ривожланиши янгича мулоқот шакллари: клублар, парклар, кутубхоналар тармоғини юзага келтирди. Шаҳарлар ва қишлоқларда саноат корхоналари, таълим муассасалари сони ортди. Турли этник гуруҳлар вакиллари ўртасида мулоқот мустаҳкамланди. Партия ёки комсомол сафига кирган кишилар ўзга маданият вакиллари билан яқинроқ бўлишарди, бироқ тил билмаслик туфайли бу яқинлик кўпинча расмийлигича ва чекланган ҳолда қолаверарди. Маҳаллий аҳолининг асосий қисми учун Анъанавий-оилавий, қариндош-уруғчилик ва жамоавий алоқалар устунлигича қолаверди. Оила, оилавий манфаатлар дунёси мусулмонлар учун асосий қадриятлигича қолди. Мулоқотнинг анъанавий (диний) негизи одамларнинг бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашга, оддий одамлар ҳам-ташвишини тушунишдаги бирдамликка бўлган эҳтиёжини қондирарди, у умумий маданий манфаатларни ифодалаш усулига айланди.

Кенг қўламдаги туб ўзгаришларга қарамай, жамият ёпиқлигича ва иерархик (поғона-поғонали)лигича қолаверди. Уни, бир томондан, даҳшат кемирарди, бошқа томондан эса, ташаббускорлик ҳукм суради. Шуҳрат топган, зоҳирий совет элитаси

(номенклатура ва истеблишмент), янги жамият вакили бўлган ижодкор зиёлилар юқори доираси таркиб топа бошлади. Номенклатурадаги одамларнинг келиб чиқиши турлича эди, бироқ уларнинг ҳаммаси синфсизлашганди: аввалги элитадан келиб чиққанлар, ўтмиш билан алоқани узганлар, шунингдек ўз синфи билан алоқани йўқотган деҳқонлар ва ҳунармандлар эди.

Бу даврдаги ижодкор зиёлиларнинг тақдири алоҳида қизиқиш уйғотади. Уларнинг кўплари инқилобдан олдинги диний мактабларда таълим олишган, баъзилари Стамбул, Қозон, Боку ва Москвада ўқишни давом эттиришган, бир қисмининг эса умуман маълумоти йўқ эди. Улар ўзи учун ва ўз халқи учун маданиятнинг илгари номаълум бўлган, ёки маълум бўлса-да, янги шаклдаги янги ғоя ва янги оҳангдаги бутун бир қатламни очишди. Улар санъатнинг илгари мусулмон жамиятига номаълум бўлган жанрлари билан ошно қилишди. Театр тажрибасиз, содда халқни мафтун этганди; спектакллар ва концертлар минглаб одамларни жалб этарди. Даврнинг «янги» одамлари айнан актёрлар, ҳофизлар, машшоқлар бўлиб, улар минглаб одамлар кўз ўнгиди бўларди. 1930–1940-йилларда машҳур спектакллар қўйиладиган кунларда одам тикилиб кетиши оддий ҳол бўлиб қолганди. Оддий одамлар севимли қаҳрамонлар монологларини ёд билар эдилар, чунки спектаклни бир неча бор қайта-қайта кўрар ва сахна ёки экранда кўрган воқеаларига ҳаётдагидан кўра кўпроқ ишонардилар. «Уйдирмадан дийда гирён бўламан», деб ўша давр томошабинигина айтиши мумкин эди. Санъат кишилари маҳаллий бошлиқларга нисбатан таниқлироқ бўлиб, уларни севар эдилар, улар ёшларнинг жон-дили эди.

Ҳужум натижасида «янги» аёллар юзага келди. Булар актёр ва фаолларгина эмас, балки юзлаб ўқитувчилар, тилмочлар, тиббий ҳамширалар, клублар, кутубхоналар ходимлари, хотин-қизлар артеллари ва кишлок кооперативлари ташкилотчилари, университет талабалари, муаллимлари эди.

СССР Шарқ аёлларининг озодлигини эълон қилди. Хотин-қизлар меҳнат армияси дарҳол пахта далаларида, тўқимачилик фабрикаларидаги дастгоҳлар ёнида, университет дарсхоналарида ва илмий лабораторияларда социализм курилишига қўшилди. Эркаклар ишлашдан бош тортган жойларга: мактабларга, касалхоналарга, далаларга ва ишлаб чиқаришнинг зарарли участкаларига аёллар бориб ишлади. Лекин уларнинг асосий қисми

уйда қолган, фарзанд тарбияси, эри ва оиласи ташвиши билан банд эди. «Янги» аёллар эргашиладиган намунадан кўра кўпроқ мавҳум идеал эди, чунки «янги» аёлларга янги мажбуриятлар ҳам юкланганди, улар доим ҳам умум эътироф этилмасди, «янги» аёлга ишончсизлик ҳали бартараф этилмаган, «янги» дегани – «бизники эмас», деган маънони билдирарди.

Равшан Иноятбекова ҳикоя қилади:

«Менинг отам Ленинградда олий таълим олган дастлабки ўзбеклардан бири эди. Ўша ерда у техника фанлари номзоди илмий даражасини олган. Биринчи ўзбек муҳандиси бўлган дея олмайману, бироқ биринчиларидан бўлгани аниқ. 1930-йиллар ўрталарида, Тошкентга қайтгач, дастлаб муаллим бўлиб ишлади, 1940-йилларда Тошкентдаги асосан рус муаллимлар ишлайдиган дастлабки олий ўқув юртларидан бирига ректор этиб тайинланди. Отам баланд бўйли, оч малла сочли эди, шунинг учун уни «ўрис профессор» деб аташарди, у рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам лекция ўқийверарди. Онам у билан ишчи факультети талабаси бўлганларида лекцияларда танишганлар.

30-йилларда ишчи факультетларида кўплаб тошкентлик қизлар ўқишарди. Ўша пайтда Тошкент ёшлари техника ихтисосларига қизиқар ва уларни ўзлаштишга интиларди, ишчи факультетлари эса олий ўқув юртига киришга аъло даражада тайёрларди. Гўзал ва биринчи комсомоллардан бўлган онам муҳандис бўлишни жуда истарди. Ота-онам 1941 йилда, онамни «ўрис профессорга», боз устига қўқонликка беришни истамаган ота-онасининг розилигига қарамай, турмуш қуришган. Ўшанда (ҳозир ҳам шу яна такрорланмоқда) бошқа шаҳарлик йигитларга қиз бериш яхши ҳисобланмасди. Улар иноқ яшашган, лекин отам касалланиб, 1952 йилда вафот этдилар.

Онам қўлда учта бола билан ёлғиз қолдилар. Улар касбкорли бўлиб, бизга тарбия бердилар, ҳаммамизга яхши маълумот бердилар: синглим билан мен – врачмиз, укам эса муҳандис. Онам кучли аёл эканликларини айтишим керак. Улар гарчи илғор қизлардан бўлган эсаларда, отамнинг вафотларидан кейин тобора анъанавий аёлга айлана бордилар. Улар шу кун ҳаётидан кўра кўпроқ ўтмиш билан яшардилар. Бахтиёр йиллар ҳақидаги эсдаликлар моддий қийинчиликлар

ҳам бўлган, «агар эрим ҳаёт бўлганида, бошқача яшардик», деган фикр эзиб ётган маънавий тушкунлик ҳам бўлган анча қийин ҳаётимизга қараганда воқеийроқ эди.

Бизга ҳам қийин эди, чунки отамиз сиймосини доимо идеаллаштиришимиз бизни ҳаётдаги танловимизда бир мунча адаштирди. Отамизни яхши эслаб қоладиган даражада катта эмасдик. Идеалимизга ўхшамайдиган эркакни рад этардик, биз учун идеал эса отамиз эди. Синглим гарчи вақтида турмушга чиққан бўлса-да, на у, на онамлар куёвни идеалларидегидек қила олишмади. Уни бор-буди билан: меҳрибон, ишнинг кўзини билмайдиган, амалга ҳирс қўймаган ҳолатида қабул қила олишмасди. Синглимнинг кўпгина оилавий муаммолари шундан бошланган эди. Фикримча, ўзбек аёлининг бир қолипдаги барқарор ижтимоий мақоми мавжуд бўлиб, у турмушга чиқишни, йиғиб-териб келадиган, боқадиган ва барча муаммоларни ҳал қиладиган эрни ўз ичига олади. Бошқа ҳар қандай ҳолат, ҳатто унинг топиш-тутиши жуда яхши, эри эса ғамхўр, меҳрибон, оилапарвар бўлса ҳам, аёл киши учун кўнгилдагидек бўлмайди.

Бизлар бир қолипда тарбияланганлигимиз ачинарли. Қолипга сиғмайдиган ҳар бир нарсa бахтсизлик, кўнгилсизлик, иснод сифатида қабул қилинади. Шунинг учун ҳам патриархал хулк-атвор меъёрлари бу қадар яшовчан. Аёл – яхши хўжаликда зарур бўлган нарсa. Жамият аёлнинг ўзлигини қабул қилмайди. Мана, менинг онам ... Отамнинг вафотидан кейин у эрининг хотини сифатида бориб юрган жойларга уни таклиф қилмай қўйишди. Ўшанда бор-йўғи 35 ешда эди. Сўнг анъанавий жамиятдан мулоқот учун эҳтиёж топди. У отамнинг қариндошлари қуршовида қолди, улар бизга ҳомийлик қилишарди, онам эса, муҳтарам қариндошнинг (маҳрум бўлса-да) хотини сифатида, Қўқонда ўтказиладиган ҳар қандай оилавий издиҳомда бош-қош бўларди, уни албатта таклиф қилишарди. Қўқонлик қариндошларимиз Тошкентга келиб, биздан хабар олиб туришар, баъзида қариндош қизлар яшаб туришар, улардан баъзилари олий ўқув юртларида ўқишарди. Демак, анъанавий жамиятда воз кечиб бўлмайдиган жиҳатлар ҳам бўлиб, бу – оқибатдир. Одамлар учун мулоқот зарур. Мулоқот фарзандлар ҳаётини йўлга қўйиш, қизлар узатиш, ўғил уйлантириш учун керак. Мана шу масалада онам қийналганлар. Синглим курсдошига турмушга чиқди,

менинг ишим қийинроқ кечди. Мен 35 ёшимда қариндошларим топган бева кишига, менга оғиз солгач, турмушга чикдим. Мулоқот чекланган, табақавий тўсиқлар енгилмас, қизлар эса назорат остида бўлган жамиятда совчилар орқали бўладиган никоҳ баъзан турмушга чиқишнинг ягона усулидир. Бироқ гап мен ҳақимда эмас, онам ва унинг даври ҳақида ҳикоя қилмоқдаман. Улар Вазирликда амалдор эдилар, мансаблари ҳам ёмон эмасди, топиш-туришлари дуруст эди, лекин ҳаёт мазмуни оилада, деб билардилар. Улар ишда эмас, балки қариндошлар ва қўни-қўшнилар билан мулоқотда нажот ва ўз ўринларини топдилар.

Бинобарин, ижтимоий фаровонлик ва шон-шуҳрат учун қилинаётган ишнинг муҳимлиги жамиятимиз учун, шунингдек аёлнинг ўзи учун ҳам қадрли бўлмаган ва бўлмаяпти. Агар у жон-дилим билан ишляпман деганда уни ҳеч ким тушунмасди».

Айни маҳалда, муайян ўзгаришга учраётган, бироқ ўтмишдан воз кечмаётган, *шариат* қонунлари бўйича ҳаёт кечириётган, фарзандларини тақдирга итоат қилиш руҳида мусулмон қилиб тарбиялаётган анъанавий жамият ҳам мавжуд эди. У Совет ҳокимиятига қўниккандай туюларди. Жамият жамоавий ва оилавий алоқаларга қаттиқ риоя этиб, аجدодлар ҳаётини янги босқичда такрорлаётганди. Башорат қилиб бўлмайдиган ўзгаришлар уммонида оила, бамисоли, нажот топиш мумкин бўлган орол эди. У асосий таянч бўлиб, ҳокимиятга қарши турарди. Анъанавий жамият ўзини ҳокимиятдан бегоналашгандек ҳис этарди, шу боис одамлар оила қадриятини, унинг барқарорлигини ва бахт-саодатини улуғ ҳисоблардилар. Одамлар онгида оила култи мажбурлаб сингдирилаётган шнорлардан устун турарди. Дунёвий қадриятлар, янги ҳаёт аломатлари (маълумот ёки профессионализм), агар моддий фаровонлик келтирмаса ва соҳибининг ижтимоий мақомини юксалтирмаса, тан олинмасди. Улар, айниқса, аёллар учун зарарли, патриархал оила асосларига пуртур етказди, холос, деб ҳисобланарди. Шундай қилиб, зоҳирий тотувлиги даҳшат ҳисси билан тутиб турилган расмий ва норасмий жамият ўртасида зиддият мавжуд эди.

Миллий зиёлиларнинг аҳволи, айниқса, фожиали кечди. Бу зиёлилар, бир томондан, Советлар сиёсатини қўллаб-қувватлаб, у ҳақда жар солса, бошқа томондан, улар шубҳа-ю маъқулла-

масликлари учун жазога тортилардилар, катагон қилинардилар, шу сабабли ўз фикрига эга бўлган мулоҳазакор одамлар қарорлар қабул қилинадиган позициялардан ўзларини четга олишарди. Сиёсат амалга ошириладиган ва кўзга ташланадиган жойларни мослашувчанлар, баъзан эса ошқора сурбетлар эгаллаганди. Бундай вазият республикаларгагина эмас, балки марказ учун ҳам хос бўлиб, коммунистик тузум учун емирувчи куч бўлди ва охир-оқибат уни инкирозга олиб келди.

Якка шахс ҳокимияти ва давлат монополияси тизими фикрнн занжирбанд этарди. Хизмат пиллапоясининг ҳар бир даражасида, ҳар бир босқичида бошлиқ мутлақ ҳокимиятга эга, танқиддан холи эди; сафсатабозлар, боқибегамлар, нонхўрлар раванқ топарди. Минглаб одамлар янгиликка ишонар, ташаббускорлик билан меҳнат қилишарди. Айни улар туфайли кўп нарса қурилди ва кўп иш қилинди, мамлакат қиёфаси ўзгарди. Бирок иктисодиётдан ташқари мажбурлаш ва каттиқ сиёсий тизим прогрессив идеалларнинг бузилиши ва регрессив идеалга айланишига олиб келди – бу социализм шиори остидаги ўзига хос феодализм эди.

Одамларда ташаббус уйғотган, кишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини рағбатлантирган 1924 йилги ер ислохоти феодал мутеълик шаклига айланган коллективлаштириш туфайли тўхтаиб қўйилди. Томорқа ердаги майда товар ишлаб чиқаришигина деҳқонларнинг омон қолиш усули бўлиб қолди. Шу сабабли 1960-йиллардан кейин иктисодий негизлар дуализми қонунлаштирилди, майда товар ишлаб чиқариши юқоридан қуйиғача патриархалликни сақлаб қолиш манбаига айланди. Расмий жамият гарчи зоҳиран замонавий жамият шаклини касб этган бўлса-да, феодал муносабатларнинг ҳамма хусусиятларини сақлаб қолганди, натижада сиёсий шиорлар ёрдамида тугатилмоқчи бўлган турмуш тарзини сақлаб қолишга қўмаклашди.

Синов ва умид

Ғайрат-шижоатнинг яна бир манбаи совет мафкураси фаол тарғиб қилган фидокорлик эди. Фидокорлик оламни суфиёна идрок этиш табиатида ҳам бўлиб, унинг ихлосмандлари бор эди. Мафкура совет истиқболи ҳали-замон келишини, бироз тирилиш лозимлигини, ҳозир ўзини фидо этаётганларнинг фарзандлари

эртага ёркин келажакда яшашини утирарди. Хукмрон доиралар халкнинг маънавий юксалишини шу тариқа рағбатлантирар эдилар. Бунинг улуғвор мисоли – Иккинчи жаҳон уруши. Ўзбекистон меҳнаткашларининг шиори – «Ҳамма нарсга ғалаба учун, ҳамма нарсга фронт учун», эди. Бу республика шафқатсиз уруш жангоҳларидан минглаб километр йироқда эди, бироқ ғалаба учун меҳнат қиларди. Уруш йилларида Ўзбекистондан фронтга 1 миллион 433 минг 230 ўғил-қиз жўнади. Жангоҳларда ўзбекистонлик 26,305 жангчи ҳалок бўлди, 132,670 жангчи бедарак кетди, 60,456 нафари ногирон бўлиб қайтди; 400 минг оила боқувчисидан маҳрум бўлди. 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион киши эди, Тошкентда 470 минг аҳоли истиқомат қиларди. Бу рақамлардан Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон халқи учун қанақа буюк синов бўлганини яққол кўриш мумкин. Ўша пайтда Ўзбекистон СССРнинг душман босиб олган жойларидан кўчириб келтирилган 3 миллион яқин кишини ўз бағрига олди ва ўнлаб саноат корхоналарини ўз ҳудудига жойлаштирди, ярим миллионга яқин болага бошпана берди. Улар бошпанани нафакат болалар уйларида топдилар: кўпчилиги ўзбек оилаларидан меҳр ва оқибат топди.

Уруш қатнашчилари орасида ўнлаб ўзбек қизлари бор эди, улардан бири ҳақида Улуғ Ватан уруши фронтларига, жанговар ҳаракатлар кетаётган жойларга концерт бригадаси билан борган кўшиқчи Коммуна Исмоилова ҳикоя қилади:

«Куй-қўшиққа мен кўп йиллардан буён хизмат қиламан. Шу тўфайли ҳаётим сермазмун бўлди, буюк хонандалар, раққосалар билан танишдим ... Бироқ фарғоналик ўқимишли, жасур қиз – Зебо Ғаниева билан ўтказган кунларимни ҳам эслайман. У урушдан олдинок, Москвага ўқишга кетганди. Ўша ердалигида уруш бошланди. Зебо снайперлар мактабига, сўнг фронтга кўнгилли бўлиб кетди. Оғир ярадор бўлганида Тошкентда даволанди. Айни шу пайтда у Наби Ғаниевнинг «Тоҳир ва Зухра» фильмида малика Моҳим ролини ижро этганди. Қанчалар куч, жасорат, жонли ижодий иштиёқ бор эди бу гўзал қизда! У 40 даража ҳарорат билан роль ўйнаганини кўпчилик билмайди! Шу фильмни кўрганингизда эътибор қилинг-а, у биронта ҳам кадрда бор бўйи билан суратга олинмаган. Уни кўпроқ, ўртача, белгача ва йирик планда, иродали гўзал чехрасини кўрамиз. Гап шундаки, у оёғидан

яраланган, «Тоҳир ва Зухра» фильми суратга олинаётганида қўлтиқтаёқда юрарди ... Мен бир неча бор концерт бригада-си билан фронтга борганман, уруш нималигини биламан ...».

Уруш Ўзбекистон жамиятини ўзгартириб юборди. Бу ерга Россиянинг Европа қисмидан саноат корхоналари кўчириб келтирилди, уларда минглаб ўсмирлар ва кизлар, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлган аёллар меҳнат қилишди. Уруш республика саноати ривожланишига тurtки бўлди. Уруш пайтида Тошкентда СССРнинг Европа қисмидан кўчиб келган машхур санъат, адабиёт ва таълим арбоблари иш олиб боришди, бу ҳам маданият ва фан ривожини учун муҳим босқич бўлди. Бу пайтда келажакда ҳарбий-саноат мажмуини таъминлаши лозим бўлган геология экспедициялари олиб борила бошланди. Уруш одамларни ҳақиқий хавф-хатар олдида бирлаштирди. Уруш даврида салбий ҳодисалар, масалан, хуфий иқтисодиёт куртаклари ҳам униб қолди. Ўзбекистон аҳолиси ҳам унга тортилди. Минглаб ишга муҳтож одамлар жинсий тузилмалар домига тушди; карточка тизими чайқов бозорини келтириб чиқарди. 1970–1980 йилларда унинг кўлами кенгайди.

Муҳими, урушдан, бўлакча ҳаётни кўрганлар, қайта бошлади. Уруш тугаши билан катта ўзгаришларга умид боғланди ва бу туйғу ўша йиллардаги алоҳида маънавий муҳитни юзага келтирганди. Урушдан қайтганлар қашшоқлашган турмушнинг устидан чиқишди. Оғир меҳнатга қарамай, ҳаёт секин ўзгарди. Уруш йилларида дин тиклана бошлаганди. Яқинлардан ҳаёттирлик, кўплаб эркаклар нобуд бўлаётгани, иқтисодий ҳаёт шароити ёмонлашаётгани диний ҳис-туйғуни ва диний амалиётни мустаҳкамлади. 1943 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси тузилди, у диндорлардан ҳудожўйлар учун шарт деб эълон қилинган *закот*ни йиға бошлади. Рухонийларга жон кириб қолди, масжидларда фронт эҳтиёжи ва фронтдагиларнинг оилаларига мадад бериш учун пул, кийим, маҳсулот тўплана бошланди. Танк колоннасини тузиш учун маблағ йиғилди. Бу пайтда аҳолининг ҳали ҳам одамлар қалбини эгаллаб турган рухонийлар томонидан қўллаб-қувватланишига қонуний тус берилди. Маҳаллий ҳокимият Диний бошқарма вакиллари ижроқўмлар биноларига жойлаштирарди, масжидлар очила бошланди.

Рухонийлар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан берилган ҳужжатлар асосида маблағ ва озиқ-овқат, кийим-кечак

тўплаб, уларни таксимлар эдилар, жуда муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатардилар. Улар аҳоли закот беришини назорат қилардилар. Яъни уруш йилларида рухонийларнинг нуфузи яна ошди, масжидлар эса мусулмонлар учун жамоат марказига айланди, уларнинг сони кўпайди ва ҳаёт яна *шариат* қонунларига бўйсуна бошлади. Ҳокимият эрта никоҳдан ўтиш ва кўпникоҳлик кўпайиб бораётганини кўриб кўрмаганга олди, бу ҳол хатто маъқулланди ҳам, чунки эркаклар сони камайиб, *левира* қондаси тиклана бошлади. Фаол аёлларни ўлдириш ва уларнинг жонига қасд қилишга уриниш ҳоллари юз бера бошлади. Шунга қарамай, уруш йилларида хотин-қизларнинг меҳнат ва ижтимоий фаоллиги кучайди. Улар жамоа хўжаликлари раиси, ферма ва бригада бошлиғи этиб сайланди. Маҳбуба Эргашева ўша йиллар муҳити ва ўз бувииси Боғдагул (Чиннигул) Шарипова ҳақидаги ҳикоясини давом эттиради:

«Сўнг уруш бошланди, қишлоқда бир нечтагина, 15 нафарга яқин эркак қолди, уларнинг ярми қариялар эди. Ҳамма иш: дала, томорқа, мол-ҳол, уй-рўзғор ва болалар ташвиши аёллар зиммасига тушди ... Очлик ҳукм сурарди, қишлари совуқ эди. Ёлғизлик, меҳнат, яқин кишиларидан хавотирлик аёлларни эрта қаритди. Ҳамма нарсага ҳам куч етавермасди. Чиннигул колхоз раиси эди. Қишлоқда эркаксиз уйлар қаровсиз қолди: томдан чакка оқарди, томорқани чопиш, ўтин ғамлаш каби юмушларни эркакларсиз қилиш қийин эди. Бу ишни бажариб беришни биронта эркаклардан қандай илтимос қиласан? Бўнинг иложи йўқ. Агар ёлғиз аёлнинг уйига эркак киши кирса, бас, бутун умр иснодда яшайди.

Чиннигул бу ишда ҳам бутун масъулиятни ўз зиммасига олди, 57 етим болани ўз қарамоғига олди. Мени ҳайратга солгани шуки, у қишлоқдаги эркакларни йиғди-да, ҳар бир эркак 7–8 аёлни ўз никоҳига олиши кераклигини ва ҳар бирининг уйига, томорқасига мунтазам қарашиши зарурлигини айтди. Ўзининг эрига 9 аёлни никоҳлаб берди ва у бутун уруш давомида бўш вақтида ҳар бирининг хўжалигига бир-бир кўз ташлаб ўтарди. Мен бобомнинг хотинларидан иккитасини эслайман, улар тул қолганди, бобом бир умр уларни ўз хотини деб билди ва рўзғор юритишда, фарзанд тарбиялашда уларга боқишиб юрди. Битта хотини 1980-йилларнинг ўрталарида 82 ёшда оламдан ўтди, иккинчиси ҳозир ҳам ҳаёт. Бувимлар вафот этганларида улар уни опасидек кўриб йиғлашди, биз-

ларга улар қариндошдек муносабатда бўлишди. Эскилик билан янгилик шунақа қовушиб кетганди, унда зиддият йўқ эди: инсон учун, у коммунистми, диндорми, ким бўлишидан қатъи назар, чинакам қадрият инсонга муҳаббатдир, нафрат ва қаҳр-ғазаб инсонга хос эмас. Ҳаёт бизга нисбатан доим ҳам одил бўлавермайди, лекин эзгулик унутилмайди. Эзгу қалбларда у миннатдорлик туйғусини уйғотади, қаҳру ғазабга уя бўлган юракда эса безовталиқ уйғотади-ю у ҳам унутилмайди!

Балки, Чиннигул меҳнати ва қалби тўла эзгулиги билан ўзи муносиб бўлган ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлмагандир. Икки фарзанд, эр, набиралар – бундан ортиқ мукофот борми?! У ўз ҳаёти якунини шундай баҳоларди. У қишлоқдошлари, шон-шухратга бурканган машҳур пахтакорлар Сулаймон Қурбон ва Шарофат Баратова сингари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлмади».

Уруш йилларида СССРнинг душман босиб олган районларидан кўчириб келтирилганлар ҳисобига шаҳарлар аҳолиси кескин кўпайди. Ангрен, Олмалиқ сингари ва кон ишлари билан боғлиқ бошқа шаҳарлар қурилиши бошланиб кетди. Ўн минглаб ўзбеклар урушда қатнашиб, бошқа дунёни, бошқа мамлакатларни кўришди, бошқа халқлар вакиллари билан мулоқотда бўлишди, шу тариқа миллий маҳдудлик доирасидан чиқишди. Жанговар дўстлик келиб чиқиши ва миллат турлича бўлган одамларни жипслаштирди. Бошқа миллат кишиларига ишонч ва қизиқиш кучайди, миллатлараро никоҳлар сони кўпайди. Ҳаёт ранг-баранг ва кўп укладли бўла борди, лекин у асосан шаҳар аҳолисига дахлдор эди.

Қишлоқнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси, у ерга кириб келган барча ўзгаришларга қарамай, пастлигича қолаверди. Қишлоқнинг 30-йиллардаги, уруш йиллари ва урушдан кейинги йиллардаги ғайрат-шижоати сусая борди. Одамларнинг каттик эксплуатация қилиниши «ёркин келажакка» бўлган умидни сўндира бошлади ва пировард натижада салбий оқибатларга олиб келди. Пахта мустақиллиги учун курашда, сўнг охириги нарса фронт учун берилган уруш йилларида кўрсатилган фидойилик, рағбатлантирилмаган меҳнат одамларнинг хафсаласини пир қилди ва қаҳр-ғазабини уйғотди, янгиликка ишонч йўқолди, булар барчасининг оқибати ўлароқ, анъанавийлик турмуш тарзи сифатида пойдор бўла борди, диндорлик кучайди.

Совет Ўрта Осиёсида шаҳарларда, йирик қишлоқларда маҳалла жамиятнинг ижтимоий бўғини бўлиб қолаверди, жамоа аъзолари ижтимоий муносабатларининг барча меъёрларини маъшый даражада сақлаб қолиб, мустақил мавжуд бўлишда давом этди. Зулмга асосланган совет ижтимоий тажрибасини деҳқонлар маъқуллашмади, айни маҳалда турмушни бошқарувчи «ўз» шариатимизнинг жозибадорлиги кучайиб борди, у адолатни совет қонунларига қараганда кўпроқ намоён қиларди, чунки *шариат*га ҳамма бўйсунарди. Барча янгилик, ноисломий ҳодисалар динсизлардан келиб чиқаётгандек тасаввур пайдо бўларди ва уларни мусулмонлар сингдира олмасдилар, чунки улар гўё одамларга офат, очлик, зулм, ҳуқуқсизлик келтирарди.

Янги жамият бағрида ҳунармандлар қатлами ҳам тикланди, саноат моллари камчил бўлган шароитда улар ўз иқтисодий ўрнини эгаллади. Улар бозорда ўз молини сотар эканлар, хуфия иқтисодиётнинг бир қисмига айланди. Ҳунармандлар анъанага риоя этардилар, халқ устаси Усто Маматнинг хотирлашича, ҳунармандлар уюшмасининг эски қондалари, диний меъёрларга риоя этиш ҳунарманднинг ва унинг шоғирдларининг мажбурияти даражасига кўтарилди. Ҳар қандай иш қурбонлик қилиш ва дуон фотиҳа билан бошланарди. Ҳунармандлар муҳити ярим яширин аҳволда бўлиб, шу сабабли жуда консерватив, унда асосий ижтимоий бошқарувчи – *шариат* эди. Оқсоқоллар гапи икки қилинмасди. Вақти келиб ҳунармандлар, амалий санъат усталари, қурувчилар ва безакчи наққошларнинг бир қисми очик ишлашга ўтиб, халқ усталари мақомини олишди. Бирок ҳунармандларнинг катта қисми, аҳоли эҳтиёжларини қондириб, қишлоқ хўжалиги учун қурол (кетмон, омон, эгар ва ҳ.к.), анъанавий удумлар учун товарлар (сандик, миллий кийим ва пойабзал, болаларга *суннат тўйи* учун безаклар, келинлар сепи ва ҳ.к.)ни тайёрлаб, шунингдек, анъанавий турар жойни безатиш учун маҳсулот ишлаб чиқариб, хуфиялигича қолаверди. Ҳунармандлар қатлами сонига кўра узок вақт муқим бўлиб турди, бироқ 1970-йиллардан кейин анъанавий маросимлар кенгайиши ҳисобига уларнинг ҳам сони кўпайди. Савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик шаҳар аҳолисининг миллий қисми бандлигининг асосий турлари бўлиб қолди.

Колхоз қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг расмий қисми бўлиб, Сталин давридаги иқтисодиётдан ташқари қаттиқ мажбурлаш шароитида деҳқонларнинг иқтисодий фаровонлиги жиддий

яхшиланишига олиб келмади. Қишлоқ иқтисодиётининг иккинчи қисми – колхозчининг давлат томонидан бошқарилмайдиган шахсий хўжалиги бўлиб, қишлоқ оиласи даромадининг асосий манбаи бўлиб қолаверди. Гарчи 1960-йилларгача бозор қондалар ва тақиқлар билан чеклаб ташланган бўлса-да, айти шу қисм бозорга мол олиб чиқарди. Майда товар ишлаб чиқариши сингари таркибнинг амал қилиши *шариатга* асосланган, уялинқираб, миллий анъаналар деб аталадиган турмуш тарзини белгилаб берди. Миллий анъаналардан бири оиланинг серфарзандлиги бўлиб, бу оила фаровонлигини таъминлашни қийинлаштирарди. Бу томондан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўплаб ишчи қўлларни талаб этар, бошқа томондан эса, болалар билан боғлиқ маросимлар: *бешик тўйи, суннат тўйи* ва ҳоказоларга сарф-харажат ортиб борарди.

Урушдан кейинги даврда қишлоқ жуда қашшоқлигича қолаверди, қишлоқда инсон салоҳиятини, айтиқса, аёлларни ривожлантириш тўғрисида гап юритиб ҳам бўлмасди. Бу пайтда, гарчи олий ва ўрта ўқув юртларига қишлоқдан келганларни муайян миқдорда қабул қилиш тўғрисида юқоридан туширилган разнарядка бўлса ҳам, шундай ҳол мавжуд эди. Кейинчалик айти шу разнарядка туфайли қишлоқда олий маълумотли аёллар пайдо бўлди. Шундай бўлса-да, урушдан кейинги авлод патриархал муносабатларни қўллаб-қувватлашни таъминлашда давом эттирди, аҳолининг демографик таркиби ўзгармади, серфарзандлик ва кўп авлодли оила қишлоқ хўжалик уклади меъёри бўлиб қолаверди. Бу даврни қишлоқ учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан жуда шафқатсиз таназзул даври сифатида баҳолаш мумкин.

Уруш тугаши билан боғлиқ улкан орзулар ушалмади, юз бераётган воқеалар туфайли хафсаласи пир бўлган ва қаҳр-ғазабга тўлган деҳқонлар динга тобора кўпроқ мурожаат қила бошлади. Айти шу даврда норасмий руҳонийларнинг таъсири кучайди, рўйхатга олинмаган масжидлар ишини давом эттирди, қишлоқ ҳаётида жамоанинг роли кучайди, чунки иқтисодиётдан ташқари мажбурлаш шароитида жамоа-қишлоқ ёки колхоз ичида патерналистик ўзаро муносабатларнинг тикланиши одамлар учун омон қолиш усулларида бири эди. Агар ўтмишда ёрдам ва маслаҳат сўраб *бойотга* мурожаат қилинган бўлса, энди *раисота* ёки *отин* обрў-эътиборли шахс бўлиб қолди. Колхозчининг томорқа хўжалиги аҳволи, ер, сувни тақсимлашдан тортиб,

транспорт воситасидан фойдаланишгача бўлган барча нарса *раисотага* боғлиқ эди. Шунинг учун суюкли фарзандлари хакида ғамхўрлик қилиб турган *раисотанинг* нуфузи унинг гапини икки қилмасликни тақозо этарди. Ижтимоий муносабатларнинг бу тизими умидсизлик ва қаҳр-ғазабни норозилик шаклида ошкор қилиш имконини бермасди.

Ижтимоий тенглик ғояси ва унга мос дабдалали гаплар, аслида, феодализмга хос ижтимоий-иқтисодий муносабатлар моҳиятини ниқоблаб келарди. Республикада асосий аҳоли қишлоқда яшарди. Шаҳарда саноат ривож топар, маданий муассасалар тармоғи мавжуд, илмий муассасалар ташкил қилинар, олий ўқув юртлари сони ортиб борарди. Шаҳар қишлоқдан кескин фарқ қиларди, шаҳар аҳолисининг бир қисми замонавийлашганди. Саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, театрлари, олимлари, адиблари, рахбар аёллари бўлган шаҳар вақт жиҳатдан зоҳиран бошқа ўлчовда яшарди. Бироқ бу ерда ҳам ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қишлоқда яққол кўриниб турган шундай муносабатларга жуда ўхшарди.

Ҳаётнинг дин таъсириданан холи бўлиши кўп жиҳатдан таълимнинг аҳволига боғлиқ эди. Урушдан олдинги даврда алифбо икки бор ўзгарганди (1929 йилда араб алифбосидан логин алифбосига ўтилди). Бу ҳол миллий мактаб кескин заифлашувига олиб келди, бу соҳада кадрлар билан бир вақтда ўқитиш услубидан ҳам маҳрум бўлинди. Бу жамиятда табиий норозиликни юзага келтирди. Миллий мактабга нисбатан сиёсат Ўрта Осиёда ижтимоий жараёнлар ортда қолганлигини ҳисобга олиб, шундай вазиятни юзага келтирдик, миллий зиёлилар гуманитар билимга йўналтирилди. Техник таълим рус тилини билишни ҳамда сифатли асос таълимни талаб қиларди, буларни миллий мактаб, айниқса, қишлоқда беролмасди. Оқибатда миллий зиёлилар келажакда русча таълим олган мутахассислар билан ҳеч қачон рақобатлаша олмайдиган бўлиб қолиши мумкин эди. Миллий зиёлиларнинг бундай аҳвали ўтмишга хос ижтимоий муносабатларни сақлаб қолар ва жамиятнинг анъанавийлиги ҳамда патриархаллигига кўмаклашарди. Иккинчи даражали мавқега тушиб қолган миллий зиёлилар ўз «алоҳидалиги» орқали ўзининг тўлақонлилигига ўзини ишонтиришга уринди.

Бу алоҳидалик «ўз» турмуш тарзига садоқатни юзага келтирди-ки, у фақат ўз миллатига, уни бошқалардан қай бир йўсинда

устун қўювчи, қандайдир ўта қимматли нарсa билан айнанлаштирила бошланди.

Жамиятнинг орқада қолиши сабаблари тўғрисида профессор Азиз Жўраев шундай мулоҳаза юритади:

«Қонунсизлик ва истибдод – қўрқув манбаи. Жамиятнинг ич-ичига сингиб кетган қўрқув одамларни бўғиб қўйганди, қўрқув уларнинг ўзларига ишончини сўндирганди. Қўрқув шахснинг профессионал жиҳатдан шаклланишида тўсиқ бўлганди. Қўрқув ҳукмрон бўлган жойда ўз касбининг усталари ва малакали ходимлар пайдо бўлиши амри маҳол. Қўрқувда умргузаронлик қиладиган одамлар имкон бўлмагани учунгина эмас, балки бундай муҳитда оқилоналик ҳам, оқилоналикка эҳтиёж ҳам йўқлиги туфайли ўзлари ҳақ эканликларини исботлашга қодир эмасдирлар. Мослашувчанлик, сафтасабозлик, лаганбардорлик, айёрлик, сўвдан қуруқ чиқишлик, хиёнат-омон қолиш усуллари бўлиб, оқилоналик мавжуд бўлмаган жойда на техникавий, на ижтимоий ривожланиш бўлади. Даҳшат ҳукмрон бўлган жамият кишиларининг ҳуқуқатвор йўсинлари ижтимоий маданиятни базўр қабул қилади, одамларнинг ҳозирги авлодидан айримларгина уни қабул қолишга қодирдир. Ўнлаб ва юзлаб кишилар қабул қилиши кўп вақт талаб қилинади, миллионлар эса мослашиш имконига эга эмас, – янгича соcio-сиёсий парадигмани янги авлодгина билиши мумкин.

Қўрқув – юқумли касаллик, у шафқатсиз сиёсий қатағонлар даврида яшамаган, бироқ ота-оналари сингари мубтало бўлган янги авлодларни қамраб олади. Қўрқувга мубтало бўлганлар ўз имкониятларини – у ижодкорликми, ихтирочиликми, барибир, – тўла рўёбга чиқара олмайдилар. Қўрқув ҳукмрон бўлган жамиятда оқил бўлиш қийин, формалантиқ амал қилмайди, жамият қатъиятсизликнинг ўрнини қоплаш учун бошқа бир нарсага муҳтож бўлади. Бу ёнма-ён мавжуд бўлган ақлдан ташқари: хурофот, культ, динми – бирнима. Бу жамият ҳаётининг кўзга ташланмайдиган қисми, лекин одамлар унинг шарофати билан омон қолади ва ўз нашъу намоларини оқловчи жиҳатларни топишади. Қонунсизлик ўтмишдаги ижтимоий тартибга солувчилар – у шариатми, одатми ёки бошқа удумми, сақланиб қолишини рағбатлантиради.

Иррационал жамиятда эркин фикрни талаб қиладиган барча нарса инқирозга юз тутган. Бу, айниқса, фан учун хавфли. У тузум хизматкори ва қулига айланади. Натижада у, айниқса, миф ижод қилиш манбаига айлани қоладиган ижтимоий ёлғонни оқлайдиган ва шу тариқа инқирозли ҳолатни мураккаблаштирадиган гуманитар, фан бўлмай қолади. Таълим тизимида амалий ҳаётда зарур бўлган реал билимлар ҳажми ва аҳамияти пасайиши тамойили аста-секин кучаяди, айна маҳалда амалий ҳаётда қўлланиб бўлмайдиган (хронология, мафкура ва унинг мифлари ва ҳ.к.) билимлар ҳажми ортиб боради. Бундай таълим тизими поровард натижада изланиш, тажрибакорлик, ихтирочилик руҳи ривожланишига кўмаклашмайди, аксинча, чекланиб қолишига кўмаклашади. Оқибатда ёшлар ҳақиқий ҳаётга рўбарў бўлгач, саросимага тушиб, иррационализм таъсирига осонгина тушиб қоладилар.

Иррационал жамиятда интеллектуал соҳада, фан, техника, адабиёт орасида мувозанат бўлмайди. Адабиёт аҳли устун роль ўйнайди, чунки улар мафкурага хизмат қилади ва уни асосий мифлаштирувчилардир. Улар жамиятда тутган аҳамиятига кўра давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва улар орасида чинакам рақобат йўқ. Уларнинг айримлари давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан умрбод мумтозлик мақомига эга бўлади. Ўзбекистон шоирлари ва ёзувчиларининг асосий қисми қишлоқдан келиб чиққанлиги ҳисобга олинса, улар ўз ижоди билан ўқувчини қишлоқ кишиси қадриятига – жамоавийлик ва анъаналарига йўналтиради. Ўзбек адиблари 70 йил ичида мустақил шахсни ижобий қаҳрамон сифатида кўрсатмадилар. Шундайлар тасвирланган бўлса, уларга салбий бўёқ берилганди. Европада XVIII-XIX асрлардаги Янги Замон рационализм даври адабиётининг қаҳрамони ва мавзуи бўлган Мустақил шахснинг маънавий изланишлари Ғарбда шахс қадрияти ва инсон ҳуқуқларининг қарор топишига хизмат қилганди. Ғарб демократияси, эркин иқтисодиёт ва техника тараққиёти рационализм даврининг якуни бўлганди. Жамиятимизда рационализмнинг олға босиши муаммоли бўлиб қолмоқда, чунки жамият кўрқинчдан ва ўзи кўникиб қолган ўтмишдан халос бўлмади.

Энди Сизнинг тил борасидаги саволингиз ҳақида. Ўзбек тили XX аср давомида уч бора алифбо алмашинувини ҳамда

кўплаб имловий қоидалар ўзгаришини бошдан кечирди. Бу нарсa, шубҳасиз, тилнинг аҳволига ёмон таъсир кўрсатди. Бу ўзгаришлар зарур-нозарурлигига тўхталмайман, чунки бу – алоҳида масала, бироқ натижаси ҳақида гапириладиган бўлса, улар тилнинг ўзига ҳам, шу тилда гаплашувчига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Тилни жамият ҳолатидан алоҳида олиб қараб бўлмайди, улар ўзаро боғланган. Ўзгаришларга қарамай, ўзбек тили модернизациялашмади, у замонавий иқтисодиёт ва техника талабларига жавоб бермайди, чунки қудратли ва кенг қамровли рус тили ёнида жаҳон тараққиётдан орқада қолган жамиятнинг аҳволини акс эттирувчи ўзбек тили чеккага сурилиб қолганди. Гарчи 60-йилларга қадар ўзбек тили иш юритишда етарлича кенг қўлланилган бўлса-да, СССРда фан ва техника тили бўлган рус тилига тенглаша олмаганди».

Совет модернизацияси асосан саноат ривожланишига таянарди. Пойтахтда ва янги индустриал шаҳарларда таълим сифати юқори эди ва, булар, қоидага кўра, рус мактаблари эди. Қишлоқларда ва анъанавий шаҳарларда миллий мактаблар иш олиб борарди. Янги совет миллий эиёлилари бир неча аломатларига кўра ажратила бошланди. Энг аввало, таълим тили ва фаолият соҳаси бўйича ажратилди. Рус тили фаолият соҳасини анча кенгайтирар, аҳолининг асосий қисми қишлоқда яшагани учун миллий мактаб нисбатан оммалашганди, дастурлар қисқартирилганлиги сабабли унинг умумий савияси анча паст эди. Объектив сабаблар ҳам бўлиб, айниқса, техника фанлари ва чет тиллар бўйича малакали муаллимлар етишмасди. Миллий мактаб битирувчилари рус ва хорижий тилларни етарлича ўзлаштирмаганликлари боис жаҳон фани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиш имкониятлари чекланган эди. Субъектив сабаблар ҳам бор эди: миллий мактаблар ўқувчиларининг кўп вақти (мактаблар қишлоқ жойларда бўлгани учун) улар мунтазам сафарбар қилинадиган қишлоқ хўжалик ишлари билан банд қилинарди, шунингдек фан тўла ўқув дастури бўйича ўқитилмасди, кейинроқ эса, сўнги совет даврида, ҳар қанақа ён босишлар ва коррупциянинг йўлдан оздирувчи таъсири шундай сабаблардан бўлганди. Натижада олий мактабдаёқ талабаларнинг этник аломатлари бўйича ўзаро бегоналашуви, ўзбекларнинг ўзларининг орасида эса – таълим олган тили бўйича бегоналашиши кузатилди.

1950-йиллардаги мактабларнинг савияси тўғрисида Мариам Сандова хикоя қилади:

«Мени мактабга беришганида рус тилини деярли билмасдим, шунинг учун биринчи синфда анча қийин бўлди. Ота-онам мен рус мактабида ўқишим лозимлигига қарор беришди; тил муҳитига шўнғиб, дарҳол русча гапира бошладим. Биринчи муаллимам Александра Александровна Крамскаядан бир умр миннатдорман. У ярим йил давомида, билимда синфдошларимга тенглашиб олмагунимча, ҳар кун и дарсдан сўнг мен билан шуғулланганди. Мен билан текинга шуғулланганди, ўша пайтларда кўшимча машғулот учун ўқитувчига ҳақ тўлаш тўғрисида гап ҳам бўлмасди. Улар учун билим муқаддас нарса эди, шунинг учун, мен билан бўлганидек, ўқувчиларга кўшимча дарс беришни ўз бурчлари деб билишарди.

Александра Александровна ҳақида алоҳида гапиришни истардим. Ажойиб одам эди! Ўшанда, ўйлашимча, 60 ёшларда эди. Мўъжазгина, оқ ёқали қора кўйлак кийган, қаддини адл тутиб юрарди, ўтмишдан келган одам эди, гўё. У Тошкент гимназиясини тугатган, зоҳиран ҳам «собиқ» гимназия ўқувчисига ўхшарди, биз билан фамилиямизни айтиб, «Сизлашиб» гаплашарди. У интизом ва масъулият намунаси эди. Айни шу муаллимамиз ўқиш ва маданиятга дид уйғотган, бирон ишни бажариш ва тикиш маҳоратимизни рағбатлантирарди, ҳаёлимизга эрк берарди. Энди бундай ўқитувчилар қолмади. Улғайгач, у зотни эслар эканман, неларни бошидан кечиргани ҳақида ўйлаб кетаман. У «ичимдагини топ» эди, биз унинг ҳаёти ҳақида жуда оз нарса билардик. Лекин бир воқеани айтиб бераман. Отам 1952 йилда хибсга олинди, мен иккинчи синфда ўқирдим, оиламиз жуда муҳтожликка тушиб қолганди. Бу ҳақда мактабда ҳам билишган бўлса керак, деб ўйлайман, чунки отам сиёсий сабабларга кўра хибсга олинганди. Мен калавамнинг учини йўқотиб қўйгандим, синфдошларим бу ҳақда хабардор бўлиб қолишдан кўрқардим, шунинг учун мактабдаги ҳар қанақа эрталиклар ва бошқа жамоат учрашувларидан ўзимни олиб қочардим. Танаффусларда ёлғиз қолиб, китобга тикилиб ўтирар эдим. Янги йилда арча байрамига бормадим, чунки эрталиқ учун пул тўлаш керак эди; бу унча кўп пул бўлмаса ҳам, онамларда пул йўқлигини билардим, ўзимнинг ҳам ота-оналар ишти-

рок этадиган байрамга боргим йўқ эди. Таътилдан сўнг, машғулотларнинг биринчи куни Александра Александровна дарсдан кейин бироз қолишимни илтимос қилди. Бўм-бўш синфда у менга совға – кичкина айиқча ва бутун бир пакет конфет ва ҳўл мева – берди. Бир томондан, мен жуда уялдим, бошқа томондан эса, бир неча ойлик эзилишдан кейин бу шунақа бир қувонч эдики! Ҳа, бу аёл изтироб нималигини биларди! У боланинг изтиробини ҳис қиларди.

Бошқа ўқитувчим, математик Мария Емельяновна Чумакова ҳам менда билимга муҳаббат ва янгиликка интилиш уйғотганди. Бизнинг синф унинг ўқитувчилик тажрибасида биринчи синф бўлганди. Ҳаяжонлаётгани, қаттиққўл бўлишни истаётгани кўриниб турарди, шунинг учун ўқувчилар дастлаб унга ишонқирамай муносабатда бўлишди. Лекин аста-секин, у бизнинг ғаройиб саволларимизга жавоб топиб бераётганини, орқада қолаётган ҳар бир ўқувчи ҳақида қайғураётганини, тушунарсиз нарсани тушунтириш учун вақтини аямаётганини, физика бўйича ақл бовар қилмайдиган амалий машғулотлар ўтказиётганини кўргач, уни яхши кўриб қолдик. Биз энди унинг сибирча шевасини ҳам, кескинлигини ҳам, инжиқлигини ҳам сезмай кўйгандик. Унинг яхши кўрган ўқувчилари бор эди, лекин адолатда ҳаммага тенг эди. Мактабни тугатгач, бунинг фаҳмига бордик. Математика бўйича энг қобилиятли ўқувчиларни у яхши кўраркан. У ўз муҳаббатини шунда ифодалар эди-ки, назорат ишлари бажариладиган дарсларда уларга энг мураккаб масалаларни топширарди. У бизга мантиқни ўргатарди, мактаб дастуридан ташқари, унинг зеҳнлилик бўйича ўз масалалари бор эди.

Мен таълим олган мактаб яхши билим берарди, бу ерни битириб чиққанлар Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск ва Тошкентдаги энг яхши олий ўқув юртларида ўқишган. Синфдошларимнинг деярли барчаси чинакам профессионал бўлиб, Москва, Киев, Бостон, Тель-Авивда ишлашади, Тошкентда қолганларининг, гарчи улар ажойиб маълумотга эга бўлишса-да, ҳаммасининг ҳам иши юришавермади, нима учундир муҳитга сингиша олишмади. Бинобарин, бизнинг мактабдан фақат даҳолар эмас, ичкиликбозлар ҳам чиққан. Буни тушунса бўлади, албатта: омадсизлик, «ўзбекчилик»ка мослаша олмаслик уларни мардудлар қаторига суриб қўйди. Чора топа олмаса, улар ичкиликка ружу қўйишди.

Агар мен ўз билимим билан фарзандларим билимини қиёсласам, натижаси янги авлод фойдасига бўлмайди. Мен болаларимни, ўзбек тилини ўрганишсин деб, ўзбек мактабига бергандим, лекин бирини 8-синфни битиргач, бошқасини 4-синфни битиргач, рус мактабига ўтказиб юбордим. Дарсликлар кам мослаштирилган, ҳамма ўқитувчиларни ҳам масъулиятли деб бўлмайди. Бу гап, айниқса, кетма-кет келадиган турли тадбирлар (*гап, бешик тўйи, ҳайит*) ва бошқа мажбуриятлар туфайли дарсни мунтазам қолдирадиган ўқитувчиларга кўпроқ тегишли. Мактабда коррупция авж олмоқда, байрамлар, ўқув йили тугаши ва бошқа муносабатлар билан ўқитувчиларга совғалар бериш одатий ҳолга айланди, ота-оналардан таъмирлаш ва мактаб эҳтиёжлари учун мунтазам пул йиғилади. Ўқувчилар билимини баҳолашдаги ён босишлар ҳам ота-оналар билдирган «миннатдорчиликка» боғлиқ. Ҳозир бу ҳодиса рус мактабларида ҳам миллий мактабларда ҳам учрайди. Ўқитувчилар репетиторлиги ортиб бормоқда, кўпинча репетиторлик ўқитувчи ўз ўқувчилари орасида репетиторлик қилиш учун дастур бўйича билимларни қасддан бермаслиги билан боғлиқ. Буни ҳамма билади, лекин муқаррар офат деб, чидаб келади».

Рус мактабларини битирувчиларнинг кўпчилиги дин таъсиридан ҳоли эди. Пойтахт мактабларида ўқитиш сифати ўртача совет стандарти даражасида эди, балки ундан юқорироқ бўлгандир. Миллий мактабларда битирувчиларнинг билимини заифлаштирган ён босишларнинг негизи бўлган анъанавий жамият ва патриархал муносабатлар руҳи кўпроқ сақланиб қолганди. Миллий мактаблар дастурлари, рус синфлариникига қиёсан, 30 фоиз мослаштирилганди. Шу боис миллий мактабни битирувчиларнинг муайян қисми учун билимнинг қиммати унча аҳамиятга эга эмасди. Патриархал-тобёъ муносабатлар шароитида ҳаётда ўз ўрнини топиш воситаси бўлган ҳақиқий билимга қараганда, маълумот тўғрисидаги ҳужжат (аттестат, диплом) қимматлироқ эди. Реал ҳаётда инсон ижтимоий иерархияда ўз ўрнини топиши учун яхши билим донм ҳам зарур бўлавермайди, балки ижтимоий пиллапоядан кўтарилишда қўллаб-қувватлайдиган пуштипанонни топиш муҳимроқ эди. Миллий мактаблар ўқувчилари бу каби фикрларни қўллаб-қувватлашарди, чунки мансаб учун бирон-бир уруғ-аймоққа, хонадонга тааллуқли бўлиш зарур эди, яъни ҳомийлик-тобелик муносабатларининг устунлиги таъкидла-

нарни. Бу муносабатлар меъёрлари тобеъ томон ўз ҳуқуқларини талаб қилишини истисно этарди: ўз ҳуқуқини талаб қилувчи кимса беадаб ва анъанавий жамият ўйини қоидаларига риоя қилмайдиган одам бўлиб кўринадди.

Совет ижтимоий тизимнинг шафқатсизлиги шароитида шахснинг индивидуал фазилатларига доим ҳам эҳтиёж бўлавермаган. Кучли (ҳокимиятга эга) кишига ва унинг жамоасига қўшилиш одамнинг шахсий фазилатларини эмас, ижтимоий барқарорлиги ва аҳамиятини таъминларди. Жамиятда шахслар рақобати ҳукм сургани учун шу гуруҳларга қўшилиб олиш усуллари муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий мулоқотнинг анъанавий шакллари уларга яқинлашиб олишда кўмаклашарди, ижтимоий ҳулқ-атворнинг анъанавий шакллари эса шуҳрат топишга, жамоа орасида ижтимоий алоқа ўрнатиш ва нуфузга эга бўлишда кўмаклашарди. Билим сифати эса ҳал қилмасди.

Мулоқотнинг секуляр шакллари муқим эмасди, алоқалар ўтқинчи, расмий нуфуз эса муваққат бўлиб чиқди. Мулоқотнинг ҳатто шу шаклида ҳам анъанавий элемент намоён бўлади. Масалан, муносабатлар интеллектуал ва маънавий яқинликнинг намоён бўлиш усули бўлмай, ўзаро қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий гуруҳни вужудга келтириш усули бўлган дўстлар мулоқоти *гап* деган удумга айланади. Маънавий яқинликка эҳтиёж асосан қариндошлар ҳамда оила доирасида рўёбга чиқарилган. Жамият деб аталмиш адолатли муҳитдаги кўрғон бўлган оила институти қадриятининг мустаҳкамлиги шундан.

Профессионал ва маънавий манфаатлар бирлиги патриархал-тобеъ ижтимоий гуруҳларга, у *маҳалла* бўладими, уруғлар ёки юртдошлар гуруҳи бўладими, барибир, асос бўлган кундалик прагматик манфаатлар бирлигидан юқори бўлолмайди. Уруш йилларида ва урушдан кейинги йилларда гарчи диндан холи бўлишга кўмаклашувчи жараёнлар содир бўлган эса-да, улар, асосан, шаҳарларда бўлиб ўтганди. Шаҳарда байналмилаллашув жараёни аҳоли ўрта қатламлари орасида борганди, 1940–1950 йилларда аҳолининг диндан энг холи бўлган қисми шу эди.

Шаҳардаги маданий ҳаёт ёшларни ўзига жалб этарди. Фронтидаги биродарлашув, уруш йилларидаги умумий йўқотишлар ва қийинчиликлар ҳақида хотираларни сақлаб қолган 1940–1950 йиллар талабалари янгича яшашни исташарди. Кўпсонли аралаш

никоҳлар, умумий ғайрат-шижоат, ҳамма ёмон нарсалар ортида қолди, деган фикр одамларни бирлаштирганди. мулоқотга ташналик кучли эди. Шаҳарларда клублар одамларга тўла: китоблар, театрлар, концертларга эҳтиёж катта эди. Хрущёв даврида илиқлашган муҳит қалбларни социализм идеаллари тантанасига бўлган умидга яна тўлдирган, минглаб инсонларнинг оқланиб, ГУЛАГдан қайтиши адолатга ишонч туғдирган 60-йиллар бундаё кайфиятнинг авж нуктаси бўлганди.

Одамлар уруш йилларида тортган изтироблар, урушдан кейинги умидворлик руҳи, давлат «қўш-қўллаб» тутаятган идеалларга ишонч ўзбек адабиётида инъикос этди. Назм ва насрда орзу-умидга лиммо-лим тўла кўпгина кизиқ асарлар пайдо бўлди. Муаллифлар ватандошларига мурожаат қилиб, ўз ҳис-туйғуси, интилишлари, ўй-фикрларини улар билан баҳам кўрардилар. Атрофдаги ҳаёт, унинг муаммолари, турли одамлар тақдири ҳақида гапириш чинакам дунёвий адабиётнинг иши эди. Адабиёт шу кунга, замондошларига мурожаат қиларди, улар орасида бир неча аёллар номи ҳам бор эди. Аёллар назми ва насри ўз халқи ва ўз жамияти ҳаётидан ўз ўрнини излаётган янги ўзбек аёлини намоён этганди. Аёллар ўз ҳис-туйғулари ва ҳаёти ҳақида ошқора гапиргандилар; бунда анъанавий ишқ-муҳаббат, хижрон мотивлари ҳамда талабалар, мутахассислар, олимларнинг янги образлари ҳам бор эди. Улар ўзбек аёлининг оилавий ҳаёти ҳақида ҳам ҳикоя қилишарди. Ўз авлодининг рамзига, янги аёл идеалига айланган аёллардан бири шоира Зулфия бўлди. 1970–1990-йиллардаги кўнгил орзусини яратиш бўйича совет анъанаси бир қолипдаги гаплар, васфлар, иборалар билан бу назокатли шоира номини сийқалаштириб қўйди. Бугун, советча ўтмишда ҳамма нарса ҳам ёмон бўлмаганини яна бир бор кўрсатиш учун шеърлари жаҳон тилларига таржима қилинган бу шахс ҳақида такрор ҳикоя қилиш мавриди келди. Ўзбек аёли ўзининг дунёни замонавий ҳис этиши, кадр-қиммати, мустақиллиги билан нафақат ўз мамлакатада, балки жаҳонда шуҳрат топди. Унинг ижоди самимийлигига шубҳа йўқ. Зулфия ўзи ҳақида нималарни ёзганини ўқиб кўрайлик:

«Таржимаи ҳолимда қаҳрамонлик сифатида кўрсатиш мумкин бўлган нарса камлиги ҳақида аввал ҳам ёзган эдим. Жасорат кўрсатиш, қийинчиликларни енгиб ўтиш, ўтмишнинг мудҳиш қонунларига қарши курашиш менинг чекимга

тушмаган экан. Кўпинча хасадга ўхшаш фикрлар ҳаёлимни чулғаб олади, гўё ўтмишнинг таҳқирловчи ва даҳшатли урф-одатларига қарши туриш учун жасорат, куч ва букилмас иродани ишга солган аёлларга, тенгдошларимга хасад қилаётгандай ҳис этаман ўзимни.

Ёдимда, онамлар мулойим, доим маҳзун юрадиган аёл эдилар, бироқ бу қулларча эзилганлик эмасди. Осуда қайғуриш уларнинг саъжияларига хос эди. Айни маҳалда онамиз қатъиятли ва кучли одам эканликларини биз – фарзандлар билардик. Улар бақириб-чақиришни, жазолашни билмасдилар, бироқ овозларини кўтармай, тим қора кўзларидаги ўйган қайғули ифодани сақлаган ҳолда ҳатто энг ўжар, энг қулоқсиз болага ҳам гапларини ўтказардилар.

Энди билишимча, улар қанотлари қирқилган қуш эканлар. Кўплаб қўшиқларни, афсоналарни билардилар, ҳикоя ва хиргойи қилишни ўрнига қўярдилар, ҳар гал жон қулоғимиз билан тинглайдиган сеҳрли эртаклар билан биз – болаларни ўзларига ром этардилар.

Ўқитувчиларим бўлган аёлларни эслайман – жуда ёш қизлар эди. Уларнинг ҳаммаси ўқувчи қизлардан бир неча ёшгина катта эдилар. Улар Ўзбекистон халқини саводли қилиш тўғрисидаги партия даъватларига биринчилардан бўлиб жавоб бердилар. Улар савод ўргатибгина қолмай, янги совет қонунларини тушунтирар, совет ҳокимияти шаҳар ва қишлоқларга нималар бергани ҳақида ҳикоя қилардилар. Уларни тинглаб, улардан ҳайратга тушиб, ўқитувчи бўлишга қарор бергандим. Шу тариқа педагогика техникуми толибаси бўлдим. Бу – хотин-қизлар техникуми эди. Ўша йилларда улар Ўзбекистон тарихига Хужум номи кириб қолганди, дўкон ҳам, техникум ҳам, клуб ҳам хотин-қизларники бўлиши мумкин эди. Ичкарига ўрганган аёлни ижтимоий ҳаёт қучоғига дарҳол тортиб бўлмасди. Дастлаб уни ичкаридан дугоналари доирасига тортишганди. Бу ҳам мактаб – мулоқот, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мустақиллик мактаби бўлганди. Мен ўқиган ўша техникумда бизни фақат ўқитувчиликка эмас, балки ўз ҳуқуқини яхши билган совет кишиси бўлишга ҳам тайёрлашарди. Сўнг институтда ўқидим, ҳаёт мактабини ўтадим. Бунда китобнинг роли жуда катта бўлди. Ҳаётда донишмандлик ва билимнинг битмас-тугамас булоғи бор экан. Бу булоқдан қониб-қониб ичишга менинг вақтим етмасди. Ҳамма

нарсани: Навоий ва Пушкинни, Хофиз ва Шекспирни, Байрон ва Некрасовни дархол билиб олгим келарди ... Мук тушиб китоб ўқирдим ва тез орада оддий жумлалар билан эмас, шеърӣ жумлалар билан фикрлаётганимни билиб қолдим ...

Тилимга келган мисраларни қаерда ўқиганимни эсламоқчи бўлардим-у, эслай олмасдим. Шеърни ўзим тўқиётганимга даставвал ишонмадим. Бу ғалати ва бирмунча қўрқинчли ҳам эди. Назаримда шеърӣят – ғаройиб иноят, шеър тўқӣй билиш эса инсонга хос жуда ҳам нодир хусусият эди. Энди эса ўзим шеър тўқӣётиман! Мени таъқиб қилаётган мисраларни ёза бошладим. Дугоналаримдан яширардим, ёзганларимни бировга кўрсатиш мумкин эмас, деб ҳисоблардим. Биринчи шеъримни эълон қилишимга тасодифан имкон яратилди. Газетада босилган таниш сўзлар бошқача жарангларди. Шеър остида менинг номим турардики, ишонмасликнинг иложи йўқ эди. Бу 1932 йилда бўлганди. Афтидан, инсон ўз ҳаётидан умрининг охиригача ҳам рози бўлмаса керак. Мен ҳам кўпроқ жасорат кўрсатишни, қийинчиликларни енгиб ўтишни истардим. Совет Шарқи аёлининг бир қолипдаги образи мавжуд. Бу – ўтмишдаги таҳқирловчи қулларча ҳаёт, паранжи-чачвон ва қулликнинг бу аломатлари куйдирилган гулхан, сўнг ўқиш, бахт томон порлоқ йўл.

Менинг ҳаётим бошқача бўлганди. 1915 йилда туғилдим. Совет мактабида ўқидим, ҳеч қачон паранжи тутмаганман. Бироқ инқилобга қадар етти дўзахдан ўтган кампирлар билан учрашар эканман, уларга ҳавасим келарди – йўқ, йўқ, уларнинг ўтмишига эмас, албатта, балки феодал урф-одатлар ва қонунлар чангалидан қутулиш учун кўрсатган жасоратлари ва матонатларига ҳавасим келарди.

Ҳар бир куш каби, ҳар бир шоирнинг ўз қўшиғи бор. Мен шеърларимни биргина мавзу билан чеклашни истамайман, бироқ йиллар ўтиб бормоқда, дугоналарим, ҳамқурларим, оддий ўзбек аёлларининг ҳаёти мени ҳаяжонга солмоқда, ўзининг шерӣй ифодасини талаб қилмоқда. Ўзим бошимдан ўтказмаган ва ҳис этмаган ҳамма нарсани – шодлиғу ғам-ҳасратни, бахт-саодат-у қайғу-мусибатни менинг қаҳрамоним – гўзал, ажойиб, оқила, меҳр-муҳаббат ва куч-қувватга тўла, нозик ва вафодор ўзбек аёли ўз бошидан ўтказади.

Ўн йил Ҳамид Олимжон билан ҳамнафас бўлганим мен учун катта бахт эди. Улкан шоир, ғоят меҳнатсевар ва инти-

зом соҳиби, дўстларга жуда ҳимматли, нодустларга нисбатан талабчан бўлган Ҳамид Олимжон эрим, фарзандларимнинг отасигина эмас, устоз ва ёши улуғ дўст, ғамхўр мураббий ҳам эди. Ўйлашни, ишлашни, шеър ёзишни ундан ўрганганман.

Ўз кўзларим билан кўрганим – оламнинг турфалиги одамлар учун умумий бўлган нарсалар борлигига менда ишонч туғдирди. Булар – тинчликка интилиш, болаларга муҳаббат ва ишонч, келажакдан умид эди. Цейлонлик деҳқон аёл урушни колхозчи ўзбек аёли сингари қарғайди; ҳинд шоираси тинчлик ва ҳаётга муҳаббатни биз, совет шоиралари сингари мадҳ этади. Халқлар биродарлик ва дўстликка бир хилда интилишади.

Бу ҳақда ёзгинг, одамларга ҳикоя қилгинг келади. Шеъринг ятдаги янги, жонли мавзулар шу тариқа дунёга келади»...

Мана бу эса 1950-йилларда яратилган, ўтмишни гавдалантирадиган нарса билан учрашган «янги» аёлнинг ҳис-туйғусини аниқ ифодалайдиган шеърлардан бири:

Кундай оппоқ йўл ўртасида,
 Ёқутмаганда учратдим сени.
 Очиқ, бахтли қизлар сафида,
 Бу юришинг ранжитди мени.
 Ўзоқ ўтмиш бўлиб кўриндинг,
 Савол билан келдим қошингга:
 Мен ташлаган паранжани сен
 Нечун олиб солдинг бошингга?...
 Ҳурлигингни қўлингдан бериб,
 Паранжига кириб юрасан?
 Биласан-ку бизнинг ўлкада,
 Аллақачон тутқунлик битган!
 Озод, эркин қизлар таърифи,
 Шон-шухрати оламга кетган.
 Қара, шунча озод хотин-қиз,
 Сендан камми ҳусн бобида?

Зулфия

Мазкур шеър бугун ҳам нечоғли долзарблигини кўринг-а! Зулфия типик совет кишиси эди. Истеъдодли, гўзал, билимдон аёл, машҳур шоир ва адабиёт ходими Ҳамид Олимжоннинг ра-

фикаси эди у. Зулфия юлдузининг порлаши у ёруғ дунёни бе-
вакт тарк этган шоирнинг рафикаси бўлганлигидан ҳам эди. Со-
вет тизими ягона ва қўл етмас бўлган «хайкаллар»ни яратар,
СССР халқлари тилларига аини шу «хайкаллар»нинг асарлари
таржима қилинарди. Шёэрийат анъанасининг кони бўлган Ўзбе-
кистон ғоят истеъдодли шоирларга бой бўлиб, «хайкал» Зул-
фияга айлантирилган уларнинг машхур бўлиши ва оммалашиши
йўлидаги беихтиёр тўсиққа айланди.

1940–1960-йилларда у жуда машхур бўлиб кетди. Унинг учун
барча эшиклар очик эди, у сарой шоири мақомига (норасмий) эга
эди, мумтозлар шоираси эди, оддий ўзбек аёлининг хис-туйғуси
ва ноласи эса қишлоқдан келиб чиққан янги авлод шоиралари
асарларида жаранг топди.

Урушдан кейинги совет жамияти кўп қатламли эди. Фарзан-
дларига замонавий ва энг яхши билим беришга интилаётган
мумтозлар билан бир қаторда жамиятнинг бошқа қатламлари
ҳам бўлиб, уларда совет ҳокимияти қилаётган иш ҳар хил қабул
қилинарди. Совет ҳокимияти йилларида жамият қатламлари,
гўё, ҳайдалган ер мисол аралашиб кетгандек, мумтозлар ҳам ке-
либ чиқишлари деҳқонлардан, ишчилардан эканлигини фахр би-
лан айтардилар. Оддий деҳқон ўғли республика, корхона, колхоз
ва ҳ.к. раҳбари бўлиб қоларди. Ўтмишдаги ижтимоий алоқалар
узилгандек кўринарди.

Йўқ, тарих хотираси уйғоқ эди, у маҳалла туфайли сақланиб
қолганди. Мусулмон жамоаси руҳи ҳар бир авлод билан бирга
қайта туғиларди. У расмий эътиборли одамларни расман тан
оларди; у қонунга итоаткор эди; у воқеий ҳокимият олдида бош
эгганди; бироқ анъанавий кадриятларга содиқ қолганди. Ишдаги,
идорадаги, институтдаги ҳаёт бир эди, у ерда ҳаёт расмий нуфуз-
ли одамлар кўрсатмаси билан ўтаверарди. Маҳалла ҳаёти эса
бошқа, ёзилмаган қонунлар бўйича борарди, маҳалланинг ўз
нуфузли одамлари бор эди, бу одамларга ҳурмат-эҳтиром улар-
нинг расмий мақоми билан эмас, балки ўтмиш, дин билан на ўзи-
ники ҳисобланган ҳар не билан алоқаларни тутиб туришда одам-
ларга бераётган ёрдамлари билан боғлиқ эди. Кундалик воқеа-
лар энди масжидда эмас, балки чойхонада оммавий муҳокама
қилинарди. Бу ерда низолар ҳал қилинарди, битимлар тузилар-
ди, тўйлар белгиланарди, эҳтиёжлар аниқланарди, камбағал
оилаларга кўмаклашиш учун пул тўпланарди, хашар ҳақида ке-

лишиб олинарди, оилаларда тинчлик қарор топтириларди, аёл кишининг юриш-туриш ва кийиниши назорат қилинарди.

Ота-онасининг урушдан кейинги йиллардаги ҳаёти ҳақида Мунира Абзамхўжаева хикоя қилади:

«Отам ҳарбий врач, урушда бошидан охиригача бўлиб, Ғалаба кунини Чехословакияда кутиб олган. Урушдан сўнг асл тошкентлик бўлган бобом ва бувим яшайдиган Тошкентга ишга ўтказилган. Улар эски шаҳарда эски ҳовлида истиқомат қилишарди. Отам бир ўзи эмас, хотини билан келган. Онам Воронежда туғилиб ўсган, тиббий ҳамшира бўлган. Ота-онам 1943 йилда фронтда танишишган. Уларни муҳаббат риштаси ҳамда ҳар бир кишининг ҳаёти қил устида турган вақт бирлаштирган, чунки фронт госпиталларида ҳам иш аскарнинг жанг майдонидаги иши каби хавфли бўлган.

Бобом билан бувим онамни яхши кутиб олишган, уни тўғри тушуниб қабул қилишган, бобом уни «оқ келиним» деб атардилар. Онам ҳам бу хонадонга қиз бўлиб киришга ҳаракат қилган. Ўзбек тилини жуда тез ўрганган (бу оиладагина эмас, ишда – касалхонада ҳам зарур бўлганди). Мен билан укам Тошкентда туғилганмиз. Катта хонадонда яшар эдик (бу ерда яна икки амаким ҳам оиласи билан истиқомат қилишарди). Отамни Сурхондарёга ишга юборишди. У қайтиб келгач, ота-онам квартира олишди ва биз янги шаҳарга кўчиб ўтдик (ўша пайтда аҳоли Тошкентнинг янги ва эски қисмларини аниқ ажратар, ва улар қиёфаси билан бир-биридан чиндан ҳам фарқ қиларди).

Бобом билан бувимни кўргани тез-тез бориб турардик, лекин вақт ўтган сайин бизнинг муносабатларимизда нимадир аста-секин ўзгара бошлади. Келинлар, амакиларимнинг хотинлари онамга бирмунча бегонасираб муносабатда бўла бошладилар, улар ўз ташвишлари билан, онам ҳам ўз ташвишлари билан овора эди, оилавий байрамларда иштирок этмасди, овсинлари ўйнаган ролда бўлгиси келмасмиди балки. Биз бир-биримиздан борган сари узоқлашиб борардик. Отам гарчи жуда банд бўлсалар ҳам, ака-укалари билан доим яқин эдилар. Улғайган сари бобомларнинг маҳаллаларида ўтказиладиган тадбирларда кам иштирок этадиган бўлдик. Бобом вафот этганларидан кейин, катта бўлиб қолганимиз учунми, маҳаллага оилавий тантаналарга янада кам боради-

ган бўлиб қолдик. Бувимларни мунтазам бориб кўрардик, лекин бу қариндошларникидаги тантаналар ва тадбирлар билан боғлиқ эмасди.

Оиламизда аҳвол унинг ака-укалариникидагидек эмаслиги отамга азоб берарди. «Уйимиз хувиллаб ётибди», деярди у. Тўғри, қариндошлар бизникига кам келишарди, биз маҳаллада бўладигандек катта тантаналарни ўтказмасдик. Ҳовлимиз ҳам, боғимиз ҳам йўқ эди. Отам ҳовлили уй сотиб олишни орзу қиларди. Онам бунни истамасди. Ҳа, бизникига ҳам меҳмонлар келарди, лекин булар бирга ишлайдиганлар, дўстлар эди, маҳалладагидек, қариндошларни махсус таклиф қилмасдик ва қилолмасдик ҳам. Қариндошлар отамга ачинишарди, турмуши бўлмади, рус аёлга уйлангани учун қариндошлардан, кўни-қўшнилardan четлашиб қолди ва ҳ.к. дейишарди. Отам атрофдагиларнинг бундай фикридан эзиларди.

Ота-онам ажрашиб кетишмади, уларни ўтмишда ва ҳозир кўп нарса боғлаб турарди. Бироқ аралаш никоҳдаги ота-онам тенгилардан кўпининг оиласи айна атрофдагиларнинг тазйиқи туфайли бузилган эди. Бундай никоҳга пассив, бироқ қатъиян салбий муносабат туфайли кўп оилалар бахтсиз бўлди, бундай оилалар фарзандлари мардуд бўлиб қолди. Бу ҳақда ҳеч ким, ҳеч қачон, матбуотда ҳам, социологик тадқиқотда ҳам фикр юритмаган. Аралаш никоҳлар аёлнинг итоаткорлигига суянган анъанавий оила тарзига путур етказарди. Эркак ва аёл муносабатлари бошқача асосга қурилган аралаш никоҳ бошқача муҳитни вужудга келтирарди ҳамда замонавий ҳаёт суръатига мувофиқ келарди. Лекин бундай оилалар «миллат софлиги» тарафдорларининг, аралаш никоҳни миллатнинг яшовчанлигига таҳдид, деб ҳисоблаган анъанавий растрларнинг танқид ўтига дучор бўларди. Ташқаридан бўладиган тазйиқ оила ичида ноқулайликни вужудга келтирарди, шу боис улар кўпинча бузилиб кетарди, чунки жамият уларни маъқулламасди.

Аралаш оилалардан бўлган тенгдошларим ҳақида гапирсам, улар аввал бошданок атрофдагилар билан зиддиятга киришиб қолишарди. Мен, масалан, ташқи кўринишим билан отамга жуда ўхшайман – қорамағиздан келган, сочларим ҳам қора. Мени ёқтирган (шундай деб ўйлайман) йигитлар онам руслигини эшитишлари биланок мен билан қизиқмай

кўйшарди. Мен ҳар ҳолда, 28 ёшимда бўлса-да, бундай аралаш оилаларнинг кўпчилик қизларидан фарқли ўлароқ, турмушга чиқдим. Эрим ҳам аралаш никоҳдан туғилган, онаси-татар, отаси-ўзбек. Укамнинг иши қийин бўлди. Отам келини ўзбек қиз бўлишини жуда истарди. Каттага ҳурмат руҳида тарбияланганимиз учун, катталарнинг розилигисиз иш тутишни салкам ахлоқсизлик деб ҳисоблардик. Укам биронта қизни танласа, унинг ота-онаси розилик бермасди. Унаштиришга кўнишмаса, ҳақоратланган – онам бўлиб чиқарди. Укам кеч уйланди, ўз ихтиёрича иш тутди: Киевда бирга ўқиган молдаван қизга уйланди. Ҳозир ўша ерда яшайди ва Украина фуқароси ҳисобланади».

Уруш оловларидан ўтиб келган зиёлилар ҳали ҳам ёрқин келажакка умид ва ишонч билан яшар эдилар. Ҳаёт аста-секин йўлга тушиб борарди. Улар билимга, янгиликка, замонавий қадриятларга интилишини фарзандларга сингдириб, уларни кўллаб-қувватлашарди, фарзандлари ўзларидан яхшироқ яшашини исташарди. Улар қизлари бахтли, эркин бўлишини исташарди, СССР олий ўқув юртларида ўқишларини хоҳлашарди. Бу эса, аксинча, уларни кўпинча бахтсиз қилиб қўярди, улар ўз одамлари орасида ёт бўлиб қолишарди, шунинг учун ота-оналар ўзларига «янглишмадиммикан?», деб савол беришарди.

Муқаррарлик арафасида

1960-йилларга келиб жамият барқарор бўла борди. Хрущёв даврида шахсга сифинишнинг фош этилиши совет воқелигининг кўп кишилар билиб юрган, бироқ муҳокама қилишга журъати етмаган томонини очиб берди. Ўтмиш ва замон тажрибасини қайта англаб етиш мавриди келганди. Кишилар қишлоқдаги ўзгаришлар ва сиёсий ҳамда иқтисодий соҳалардаги эврилишлар туфайли ҳаёт яхшиланишига умид боғлашарди. Ва бу умид уларга яна қанот бағишларди. Давлат патернализми қайтадан улкан умид бахш этди. Талабларнинг бўшаштирилиши ва иқтисодий тизимда журъатсизлик билан амалга оширилаётган қайта ташкил қилишлар орзу-умидларни мустаҳкамлади. Бироқ вақт мамлакат раҳбариятининг ихтиёри асосига қурилган социалистик иқтисодиётнинг ўзини ўзи ривожлантирувчи ички резервлари чекланганлигини кўрсатди. Етук ижтимоий-иқтисодий муноса-

батлар каттик диктаторлик тизимида бўй бериши мумкин эмасди. Давлат ўзининг мушоҳадакор қарорларига ишонарди, одамлар эса ваъдаларга учиб, ёрқин келажакка кўз тикишарди. Ишонмай қўйганлар эса ўз тадбиркорликларини ё ўғрилар «қонуни»га, ёки «ўз» *шариат* қонунларига риоя этадиган хуфия тузилмаларда юзага чиқаришлари мумкин эди..

Хуфия иқтисодиёт давлат сектори вужудида жойлашиб, коррупция дардига учраган турли даражадаги одамлар ёрдамида бу вужуддан захираларни сўриб ётарди. Бундай ҳолат социализм шиорларига ишончини сўндирарди. Бир томондан, оддий деҳқонлар ва ишчиларнинг суғлиги, лоқайдлиги, ишончсизлиги, ёлқинсиз боқишлари, иккинчи томондан, лаганбардорлар ва муттаҳамларга орденлар ва унвонлар улашиб ётган, ёлғон билан одамларни бузиб келаятган давлат даражасида ҳамма ёқда илдиз отган ёлғон одамларни алдам-қалдам билан бузарди ҳамда ҳалол меҳнат ва билим обрўсини туширарди. Профессионаллар ишга тортилмади, чунки билимдон одамларни бошқариш қийин эди.

Буларнинг бари одамлар фикри-зикрини ўтмишга тортарди. Улар ялпи ёлғонни оқлаш ва унинг каффоратини тўлаш учун барқарорликни аъъанавийликдан излашди ҳамда одатий турмуш тарзига ташқаридан кириб келаятган барча янгиликларни инкор эта бошлашди. Совет даврида доимо воқеъ бўлиб келган аъъанавийлик танқиди муваффақият келтирмади, чунки хурофот ва ўтмиш аломатларига қарши мафкура нуқтаи назаридан туриб кураш олиб борилди, аъъанавийлик эса ижтимоий ва иқтисодий асосга эга бўлгани учун яшовчан эди, буни эса фахмлашмасди. Совет қишлоғи нажотсиз қолган шароитда аъъанавийликнинг муқобили йўқ эди.

Совет иқтисодиёти қишлоқни эксплуатация қилишга таянарди. Индустриял тизим қишлоқдан зўрлик билан ундириладиган захиралар ҳисобига барпо этилганди. Ўрта Осиёдаги барча республикалар сингари, Ўзбекистонда ҳам 1960-йиллардан сўнг айниқса ёрқин кўзга ташланган иқтисодиёт дуализми аъъанавийликнинг ижтимоий-иқтисодий негизи яшовчанлигини белгилаб берди. Икки хил: давлат (колхоз) ва шахсий (томорқа участкаси) мулк мавжуд эди. Давлат ирригация иншоотларини қураш ва таъмирларди, майда ирригация тармоғи эса қишлоқлар қармоғида эди. Деҳқонлар орасида ер биртекисчилик асосида тақсимланарди ҳамда давлат томонидан кафолатланарди. Томорқа

участкасининг ҳосилдорлиги кишлоқ аҳолиси, яъни жамоанинг ўзи эплаб турадиган маҳаллий ирригация тармоғига боғлиқ эди.

Анъанавий турмуш тарзи ота-оналар фарзандларини никоҳлаб, уларнинг бошини қовуштириб қўйишини тақозо этарди, никоҳ эса ўзбекларда тўйдан-да улканроқ – хилма-хил тадбирлардан, бор товоғим-кел товоғимдан, меҳмондорчиликлардан, совға-саломдан, сепдан, келин учун тўланадиган қалиндан иборат бўлиб, буларнинг барини ўтказишга катта маблағ зарур бўларди. Айни маҳалда ҳар бир янги авлодда истеъмол кадриятлари ортиши билан бундай сарф-харажат ҳам ошиб борарди. Буларнинг бари кишлоқ аҳолиси сони кўпайиб бораётган шароитда юз бераётган эди. Қишлоқдаги ижтимоий сектор ҳаммани ҳам иш билан таъминлай олмасди. Демографик вазиятнинг мураккаблиги кишлоқдан шаҳарга кўчиш суст бораётгани туфайли ҳам воқеъ бўлаётган эди. Аҳоли сони ортгани билан республика иқтисодиёти ривожланмаётганди. Шундай қилиб, 1960-йилларга келиб қишлоқ билан кишлоқ ўртасида зиддият юз бера бошлади ва у кейинги ўн йилликда кишлоқда турмуш даражаси шаҳарга нисбатан ҳамда Ўзбекистонда турмуш даражаси умумиттифоқ кўрсаткичларга қиёсан умумий пасайишига нисбатан кескин ортда қолишига олиб келди. Урбанизациянинг ривожланиши шаҳарлар аҳолисининг кўпэтнослилигини кучайтирган бўлса, кишлоқ асосан бир этнослилигича қолаверди. Шаҳар билан кишлоқ ўртасидаги тафовут нафакат ижтимоий-иқтисодий, балки ҳам маданий, ҳам сиёсий жиҳатларга эга эди. Шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси замон талабларига мослаша бориб, турмуш укладини аста-секин ўзгартириб борган бўлса, кишлоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан орқада қолаётгани туфайли у ерда ўтмишга ҳос ижтимоий муносабатлар нормалари сакланиб қолаётганди. Шунинг учун аёллар серфарзандликлари, ижтимоий секторда иш ўринлари йўқлиги, анъаналар боис ижтимоий ишлаб чиқаришдан четда қола бошлади. Улар хусусий майда товар ишлаб чиқариши, яъни уй-рўзғор ишлари ҳамда оиладаги ҳақ тўланмайдиган меҳнат билан бандлигича қолаверишди. Бу ҳол кишлоқда аёллар мақоми пасайишига олиб келди, унинг савияси, аслида, инқилобдан аввалгига нисбатан озгина ошди, холос. Ўрта маълумот мажбурийлигига ҳамда олий ўқув юртларига киришда қизлар имтиёзга эгалигига қарамай, таназзулни кечираётган жойларда олий маълумотга эга аёллар сони кўпаймади. Кам маълумотли ҳамда ҳақ тў-

ланмайдиган уй-рўзгор ишлари билан банд аёллар «янги» анъанавийлик негизига айланди.

Элшунос доктор В. Поляков майда товар ишлаб чиқаришини қуйидагича тасвирлайди:

«Қишлоқ оиласи фаровонлиги асосан томорқа участкасида «етиштириларди». Уни, одатда, оиланинг бир аъзоси колхоз ёки совхозда оладиган иш ҳақи миқдори билан солиштириб бўлмасди. Томорқадаги майда товар ишлаб чиқариши самарадорлиги оила таркибига боғлиқ эди. Уйдан ташқарида ишламайдиган аёл, кўп авлодли оила, жамоавий турмуш уқлади, оилада меҳнатга яроқли бир неча эркакнинг мавжудлиги томорқадан олинадиган даромадни белгилаб берарди. Шахсий транспортнинг бўлиши ёки давлат транспорти ва техникасидан фойдалана олиш имконияти, товарни сотиш учун алоқалар бор-йўқлиги майда товар ишлаб чиқаришининг муваффақиятли амал қилиши шарт эди.

Бундан ташқари, ерни ижарага олиш имконияти ҳам муҳим омил эди. Бошқарув органларида анча юқори лавозимни эгаллаб турган пуштипаноҳ қариндош ёки юртдош бўлса, яхши жойдан ижарага ер олиш имкони яратиларди. Болаларни эрта никоҳлаб қўйиш ва уйланган ўғил ёки узатилган қизнинг рўзгорини «бўлак» қилиш ёхуд мансабдор шахсга пора бериш орқали ер олиш мумкин эди. Мансабдор шахс порани кўрсатган ердами учун ҳақ деб билар, шунинг учун уни ҳаром ҳисобламасди. Майда товар ишлаб чиқаришидан келадиган даромаднинг бир қисмини сотувчи (кўпинча бу – шаҳарда яшовчи одам) оларди, чунки у қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотишда воситачи бўлиб, ҳосилни олиб сотиш билан шуғулланарди».

Энди қишлоқ иқтисодиётининг этник жихатига мурожаат этайлик. Асосий қишлоқ аҳолиси – туб, шаҳар аҳолиси эса, аксинча, кўпэтнослидир. Саноат маҳсулотининг ярмидан кўпи иттифок аҳамиятидаги корхоналарда ишлаб чиқариларди; саноатда туб бўлмаган аҳоли кўпчиликини ташкил қиларди. Иттифок аҳамиятидаги корхоналарда туб аҳоли вакиллари 20 фоизгача, республика бўйсунлишидаги корхоналарда эса 33 фоизгачани ташкил этарди. Миллий ишчилар синфини қарор топтириш масаласи совет даврида, кўплаб қарорлар қабул қилинганига қарамай, ҳал қилинмай қолиб кетди. Туб шаҳар аҳолиси бир

қисмининг норасмий бандлиги қишлоқ иқтисодиёти билан боғлиқ бўлганини қайд этиб ўтиш мумкин, у воситачи, олибсотар ролини ўйнаган, яъни бу совет тизимида эътироф этилмаган, хуфия секторда банд бўлган майда буржуазия эди.

Ўзбекистонда ўзига хос меҳнат тақсмоти юзага келди. Кўпэтностли русийзабон аҳоли саноатда, бошқарувда, фанда банд бўлиб чиқди ҳамда замонавий жамият кадриятларидан баҳраманд бўлди. Туб аҳоли эса хуфия қисми майда товар ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган қишлоқ иқтисодиётида банд эди. Унинг иш олиб бориши мавжуд ҳуқуқий майдон билан белгиланган эмасди, у «анъанавий нормалар» ва «халқ анъаналари», — яъни *шариат* билан тартибга солинарди.

Жамоа ўз аъзолари бўлган хусусий шахсларнинг иқтисодий низоларида ҳакам бўлишдек нуфузга эга бўлгандагина бундай меъёрлар амал қилиши мумкин. Жамоа ўзини исломий деб ҳисоблагандагина муносабатларни бу тарика бошқариш мумкин бўлади. Жамиятнинг майда товар ишлаб чиқариш билан банд қисми ишлаб чиқарувчи ва сотувчининг норасмий фойдасини эзгу иш деб ҳисоблаган. Буни жамоатчилик фикри ҳам маъқуллаган, ваҳоланки, совет қонунларига кўра бу фойда ноқонуний бўлиб, норасмий сектор ишбилармонлари чайковчи сифатида мунтазам қонун билан таъқиб қилинган. Шунинг учун анъанавий жамият қонунлардан норози бўлган, у мусулмонларга қарши нарса сифатида баҳоланган: барча ноисломий нарса *кофирлардан* келиб чиқади, шунинг учун уларни мусулмонлар қабул қила олмайди, деб ҳисобланган.

Бундай тасаввурлар анъанавий жамият онгини янгиликни қабул қилмайдиган тарзда шакллантирди. «Ўзиникилар» ва «бегоналарга», замонавий жамият анъанавийсига, амалдаги қонунлар *шариат*га қарама-қарши қўйила бошланди. «Ўзимизча» яшашга имкон бермаётганлар «бегоналар» эди. Айни маҳалда совет тизими берган барча нарса: текин ўқиш ва соғлиқни сақлаш, болаларга ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа, бетоблик ҳамда ҳомиладорлик бўйича нафақа, ногиронларга ижтимоий пенсия ва бошқа барча нарса берилиши лозим бўлган нарсаси каби қабул қилинарди ҳамда ёт нарсаси каби қарама-қарши қўйилмасди. Одамлар бюджетига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган бу неъматлар қардан қалаётгани ҳақида ҳеч ким бош қотирмасди.

1920–1950-йилларда мусулмонлик ўтмиши билан алоқасини узган сиёсий элита билан бир қаторда замонавий кадриятларга ихлос қўйган одамлар катлами кўпайди. Замонавий жамият – саноатга, ақлий меҳнат соҳасига жалб этилган, саноат ривожланиши, урбанизация, фан-техника тараққиёти учун меҳнат қилган, яъни техник ва илмий зиёлилар бўлган туб миллат вакиллари-ни ҳам қамраб олган дин таъсиридан холи жамиятдир. Ҳозирги жамиятда ўз ўрнини эгаллаш учун рус тилида таълим бериладиган мактаблар ва олий ўқув юртларидагина олиш мумкин бўлган асос билимларга эга бўлиш зарур эди.

Гуманитар зиёлилар дин таъсиридан қай даражада холи бўлганликлари ҳақида аниқ бир гап айтиш қийин. Гуманитар зиёлиларнинг асос маълумоти қандай бўлганлиги ҳақидаги саволга жавоб топиш учун миллий мактабнинг аҳволига боқиш керак. Қишлоқ мактаб ўқувчилари 2 ой пахта терими билан банд бўлганлар, қишлоқ хўжалик ишларининг бошқа турларига жалб этилганлар. Бошқа томондан эса, майда товар ишлаб чиқариши ишловчиларга муҳтож эди, шу биле ўқувчилар ота-оналари томонидан томорқа ишларига жалб этилар эдилар.

Вилоят ва пойтахтдаги кўплаб олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларни тайёрлаш иши ҳам яхши аҳволда эмасди. Бу ерда ҳам пахта терими туфайли ўқув муддати қисқарарди. Нуфузи паст бўлган олий ўқув юртлари битирувчиларининг тайёргарлик даражаси мутахассисларга қўйиладиган талабга доим ҳам жавоб бермасди. Нима учун нуфузи паст олий ўқув юртлари ҳақида гап бошладик? Гап шундаки, бундай олий ўқув юртлари ходимлари асосан шаҳарлик ўрта ва қуйи табақалардан ва қишлоқ кишиларидан иборат бўлган, талабалар эса устозларга эҳтиром руҳидаги анъанавий тарбия туфайли ўқув жараёнида ўз ҳуқуқларини талаб қилишмаган. Муаллимлар тамағирлик қилишар, талабалар эса билим учун эмас, баҳо учун пул беришарди. Оқибатда оммавий касблар мутахассислари, масалан, ўқитувчи кабилар замонавий билимлар даражасига мувофиқ эмасдилар ҳамда ўқувчилар билимини баҳолашда талабларни пасайтириб юборишарди.

Устига устак табиий ва гуманитар фанлар мутахассисларини тайёрлашда ҳам номутаносиблик мавжуд эди. Миллий зиёлиларнинг кўпчилиги гуманитар маълумотга эга эди. Вақт кўрсатишича, уларнинг илмий билим доираси анча торлигича,

маданияти эса – пастлигича қолаверган: уларга қотиб қолган ва иррационал тафаккур, маҳаллий илмий нуфузга эгаларга нисбатан нотанқидий муносабат, ижтимоий муаммоларни ёритишда ҳамфикрлик, рус тилини ва хорижий тилларни етарлича билмаслик туфайли замонавий илмий адабиёт билан чекланган даражада танишлик хос эди. Айрим илмий раҳбарларнинг ўз ходимларини адабий шогирдга айлантириш истаги, бўлакча фикрлаш ва танқиднинг ҳар қанақа шаклига улар томонидан барҳам берилиши илмий гуманитар муҳитда жаҳолат, фитна ва панд бериш муҳити ҳукмрон бўлишига олиб келди, ижтимоий ҳаёт факт ва воқеалари эса дадил таҳлил қилинмасди, шунингдек миллатнинг маданий мероси жаҳон мероси билан қиёсланмасди. Ўтқир ижтимоий муаммоларни тадқиқ қилишдан қочиш тенденцияси юзага келганди, илмий институтлар дастурларида ҳамда диссертацияларда исботлашдан кўра тавсифлаш методи устунлик қиларди. Ўзбек фани одамларнинг умри ўтган 70 йил ичида жамиятнинг табиати қандай бўлганлиги ҳақидаги саволга жавоб бермади.

Илм оламидаги муносабатлар анъанавийлиги шундай вазият яратди-ки, анъанавийлик мавзуси тан ҳам олинмади, таҳлил ҳам қилинмади, устига устак танқиддан холи бўлиб келди. Бунда катталар ва кичиклар ҳулқ-атвори бошқарилувчанлиги илмий ҳақиқатни топиш учун ошқора илмий баҳслар муҳитини яратишга тўсқинлик қилди. Илмий тадқиқотлар мавзулари ижтимоий жараёнлардан чеккада қолди, мавзулар майдалашиб кетди, кескин муаммоларга эса тўпланаверди ҳамда таҳлил қилинмай ва баҳоланмай қолаверди. Жамиятда илмдан йироқ мифлар тарқалди. Жамиятшунослик бўйича барча қиёсий тадқиқотларда миллий анъаналар кўкларга кўтарилди, атеистик адабиёт эса «ўтмиш сарқитларига ҳамда бой-феодалларча муносабатларга» қарши курашга айланди-ки, бу дунёқарашдан кўра кўпроқ мафкурага бўйсунди эди. Икки хил фикрлаш илм оламида илмий ҳақиқат тушунчасидан йироқ кишиларни тарбияларди. Илмий ходимлар диплом ва илмий унвонлар олиш йўлидан боришни афзал кўриб, ёритилса жамиятга фойда келтиришни мумкин бўлган «хавфли» тадқиқотлардан ўзларини олиб қочишарди. Хотин-қизлар аҳоли ва ролини таҳлил қилишнинг ҳам тақдири шундай бўлди: илмий мифлар аёлнинг воқеликдан йироқ қиёфасини яратди.

Айрим илмий тадқиқотлар этнослараро муносабатлар кескинлашувига, ҳатто туб элатлар ўртасида ҳам ўзаро ишончсизликка олиб келди. 1980-йиллардаги кадрлар сиёсати партиявий тузилмалар устунлигига асосланарди, унинг кадрлари гуманитар зиёлилар жумласидан сафарбар этиларди ва улар, табиийки, ўзларнинг маданий ва таълим жараёнларига илмий (кўпинча, илмдан йироқ) қарашлари натижаларини сиёсий соҳага олиб кирадилар. Айни сиёсий қарорлар қабул қилинадиган партиявий соҳада анъанавийлик руҳи таъсири кучли бўлиб чиқди. Аста-секин партия тизими ичида анъанавийликка монанд муносабатлар юзага кела бошлади. Уруғдошлик, юртдошлик ёки элатдошлик аломати бўйича аймоқлар пайдо бўлди. Улар тобора барқарор тус ола борди, чунки улар гуруҳий манфаатлар негизига қурилган норасмий муносабатларга асосланарди. Уларни янги авлод орқали тикланадиган қариндошлик ва оилавий алоқалар бирлаштириб турарди, фарзандларнинг никоҳланиши амалий ва расмий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашарди. Бунда партиявий қорчалонлар қизларининг ҳам роли кам эмасди.

Мустақиллик даврида сиёсий вазиятга таъсир кўрсата бошлаган яна бир ҳолатни қайд этиб ўтиш зарур. Аввал эслаб ўтилган, ОАВ орқали оммалаштирилган илмий тадқиқотлар этнослараро ишончсизлик кучайишига ҳамда этник ўзлигини англаш ортишига олиб келди. Ҳукмрон уруғ-аймоқлар барқарор бўлган шароитда айримларда этник афзаллик туйғуси уйғонган бўлса, бошқа этник гуруҳларда ранж-алам туйғуси пайдо бўлган. Бу ҳолат Марказий Осиё халқларининг йирик сиёсий бирлашмалар – нафақат совет Ўрта Осиё республикалари ҳудудини, балки унинг чегараларидан анча четга чиқадиган ҳудудни ўз ичига олган давлатлар ҳукм сурган даврларда яратилган умумий қадимий ва ўрта асрлар маданий меросини тақсимлашга бўлган қўпол интилишлар туфайли ҳам юзага келганди. Ўрта Шарқ даҳоларини ўз этносига мансуб этиб қўйиш борасидаги шармандали амалиёт бутун-бутун этносларнинг тўлақонли эмаслик туйғусидан далолат беради.

Маданий меросни бирон-бир этносга боғлашга бўлган уринишлар минтақада сиёсий маданият даражаси паст бўлган чоғда зиддиятли вазиятни юзага келтирганди ва бундан буён ҳам шундай бўлади. Совет даврида эса бундай уринишлар ҳаддан ташқари катта этник даъволарни, афзаллик, ранж-алам ёки таҳ-

қирланиш ҳисси туғилишига олиб келганди. «Социалистик ўзбек (тожик ва ҳ.к.) миллатининг шаклланиши» ғояси ва унинг рўёбга чиқиши азалдан асоссиз бўлиб, одамлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, миллий бирлик онгини ривожлантиришга кўмаклашмай, кўпроқ диний ўзликни англашни мустаҳкамлади.

Зиёлилар замонавий Ғарбни ва адабиёт орқали, на Ғарбдаги турмуш тажрибаси орқали биларди. Глобал жараёнларни, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар муаммоларни юзаки билиш республикада юз бераётган воқеаларни объектив баҳолаш ҳамда ўзини бошқалар билан қиёслаш имконини бермасди. Кейинчалик, мустақилликнинг дастлабки йилларида фан миллий давлатчиликнинг интеллектуал асоси бўлолмади. Қўлингиздаги асарда ўзбек олимларининг тадқиқотларига ҳавола қилинмаган, чунки уларда 1960–1990-йилларда жамиятдаги секуляризация жараёнлари нима учун тўхтаб қолгани, анъанавийликнинг янги тўлкини қандай пайдо бўлгани ҳамда у жамиятнинг исломлашувига қай даражада кўмаклашгани ҳақидаги саволларга жавоб йўқ эди. 1930–1950-йилларда давлат ва партия аппарати ходимлари хотинларини, она-сингилларини, қизларини олий маълумот олишга, уйдан ташқарида ишлашга, илмий профессионал фаолият билан шуғулланишга, европача кийиниш ва турмуш тарзига даъват этиб (баъзан эса мажбурлаб), ўзларининг янгилик ихлосмандлари эканликларини намойиш этишган бўлса, 1960-йиллардан бошлаб уларда ажралишга ва миллий маросимларга, урф-одатларга, кийим-кечакка ва ҳ.к. қайтишга интилиш кузатила бошлади, бирон-бир маълумот олишга эса хотинига, қизларига, она-сингилларига қулай иш ўринларини яратиб бериш усули сифатида қарала бошланди. Атеистик тарғиботларга қарамай, балки улар қўпол усулда олиб борилгани учундир, жамиятнинг қуйи қатламларидагина эмас, балки ўрта ва, ҳатто, юқори қатламларида ҳам исломлашув юз берди. Яширин исломлашув ёйилиб борарди, лекин у ҳақда ҳеч ким лом-мим демасди.

Техникавий ривожланиш билан боғлиқ зиёлилар масаласига яна мурожаат қилинадиган бўлса (гап русийзабон техникавий зиёлилар ҳақида бормоқда), унинг гуманитар зиёлилар билан қарама-қаршилиги аён эди. Лекин, аввало, уларнинг камсонлигини қайд этиб ўтиш зарур. Бу муҳандислик касбларининг нуфузи пастлиги билан боғлиқ бўлиб, қарор қабул қилинадиган бўғинда (бу билан партиявий тузилмалар шуғулланарди) уларнинг

сони кўп эмасди. Соҳаси бўйича ишлаётган муҳандислар ўз тармоғида қолишни афзал кўришарди. Бир неча аждоди шаҳарда яшаган ва рус мактабларини битирган (чунки рус тилини пухта билмасдан туриб техника билан боғлиқ ахборотдан баҳраманд бўлишнинг имкони йўқ эди) миллий техника зиёлиларининг асосий қисми республикада ўтказилаётган техника сиёсатидан нокулай ахволга тушиб қоларди ва, бунинг оқибати ўларок, «ақлли бошлар» СССРнинг ривожланган районларига кетиб қоларди.

Техника зиёлилари менталитети илмий-техника ва иқтисодий адабиётларни мунтазам ўқиш натижасида шаклланарди, шу боис улар билим савиясига кўра гуманитар зиёлилардан бир бош юқори турарди. Саноатда ишлаш республика доирасидан ташқарида ҳам мулоқотда бўлишни талаб этарди. Улар ўз ижтимоий мулоқотларига жиддийроқ муносабатда бўлишарди. Шу сабабли миллий зиёлиларнинг айни шу қисми дин таъсиридан кўпроқ холи бўлганди ҳамда анъанавийликка танқидийроқ муносабатда бўларди, ижтимоий муносабатлар турғунлигига олиб келадиган маросимларни рад этарди. Техника зиёлилари фақат Ғарбдан эмас, балки СССРнинг ривожланган минтақаларидан ҳам орқада қолинганлигини англаб етарди.

Улар бошқарув органлари билан тўқнашиб, ўз «бошқарувчилари»нинг қолоқлиги ва жоҳиллигидан каттиқ азоб чекардилар, уларнинг энг иқтидорлилари техника тараққиётига ҳамда ижтимоий ривожланишга, бамисоли кишанбанд қилингандек, тўғоноқ бўлиб турган анъанавийликдан нафратга тўлиб, республикани тарк этишга мажбур бўлишарди. «Технарлар»нинг хулқ-атвор меъёрлари «юқори мансабдор» ва «ҳурматли» шахсларни танқид қилишга ҳеч маҳал йўл қўймадиган гуманитарчиларнинг «одоб сақлашдан» иборат бўлган хулқ-атворидан кескин фарқ қиларди. Анъаналарни асосий миллий қадрият сифатида мутлақлаштирган гуманитарчиларнинг миллий маҳдудлиги, замонавий ишбилармонлар дунёсининг ташаббускорлик, тадбиркорлик, келиб чиқиши, миллати ва ёшидан қатъи назар одамларнинг касб маҳоратига ва ишбилармонлик фазилатларига ҳурмат-эътибор кўрсатиш сингари энг яхши хислатларини қабул қилишни истамаслиги технарларнинг ғашига тегарди. Уларни миллий нигилизмда айблашарди, бироқ бу нигилизмда миллий ҳисобланган барча нарсани кўкка кўтаришдагига ҳамда бориға шукр қилишдагига қараганда ижобий жиҳатлар кўпроқ эди. Воқеликка тан-

кидий ёндашиш, ўз халқининг ҳаёт фаровонлигини ошириш истагини на раҳбарият қўллаб-қувватлади, на халқи тушунди. Бу одамларнинг фожиаси улар жамиятнинг турғунлиги шароитида «ўзлариникилар орасида ёт» бўлиб, «ётлар орасида ўзиники» бўлиб кетолмаганлигидадир. Малакали мутахассислар орасида рақобат анча кучли бўлиб, шунинг учун анъанавий соҳада муҳандислик касбларининг нуфузи паст эди. Бу одамлар маҳалла таъсиридан чиқиб, бўлакча турмуш тарзини кечирарди. Маросимлар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар учун уларнинг вақтлари кам, ишдан ташқари пайтда ўз билимларини мунтазам ошириб боришлари лозим эди, ишлаб чиқаришда уларнинг маъсулияти кўпроқ эди.

Турмуш тарзи ўзгаргани сайин улар оиласининг турмуш услуби ҳам ўзгариб борди. Инженерлар муҳити анча демократик эди. Бу муҳитда турли маданиятлар ва динларга мансуб бўлган кишилар кўпроқ мулоқотда бўлишарди. Бунинг оқибати ўлароқ улар гўё анъанавий турмуш тарзи доирасидан чиқиб қолгандек бўларди. Техника зиёлилари орасида умумий маълумот даражаси бирмунча юқори эди. Рус тилини эркин билганлик фақат янги ахборотдан хабардор бўлиш эмас, балки жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлиш имконини яратарди, айни маҳалда ўртамиёна гуманитар зиёлилар жаҳон маданияти дурдоналарини кўпинча менсимасди. Кейинги авлод – техника ва гуманитар зиёлиларнинг фарзандлари ўз жамиятини билиш ҳамда баҳолашда турли оламга тушиб қолгандек бўлишарди.

Замонавий ва анъанавий жамият ўртасидаги зиддият турмушнинг барча даражаларида воқеъ бўларди. Сабоҳат Бобоназарованинг мулоҳазаларини кўрайлик:

«Улар биздан юз ўгиришди! Аъло даражада маълумотга эга бўлган, тараққиётга мойил билимдон илғор авлодни тарбиялаб етиштиришга қодир кўплаб ажойиб қизлар оиласиз, танҳо қолишди. Уларга адабсиз, ўзига бино қўйган, итоатсиз ва тантиқ, деган тавқи лаънат осилган эди. Нақадар оғир ва ноҳақ таҳқирлаш эди бу! Анъанавий жамиятга мустақил, мулоҳазакор, мунофиқ бўлмаган, ўз кадр-қимматини сақлайдиган ҳамда уй юмушларидан ташқари ишларни ҳам бажара оладиган аёл керак эмасди. МДУнинг физика факультетида ўқиган опамни эслайман. У Тошкентга қайтиб келганида ота-онам миллий кийим-бош кийгин, кўча эшик

тагини супургин, деб ўтинишарди, кўни-қўшнилар у ҳақда ёмон гапиришмасин, дейишарди-да. Руслашиб кетмаганини, урф-одатларимизни табаррук тутишини кўрсатиш учун қариндошларникида ўтадиган, бешик тўйигача, ҳамма тўйга бошлаб боришарди.

Уйимизга совчилар келишарди, бироқ у Москвада ўқишни эшитгач, қайта оёқ босишмасди. Кейинчалик билсам, йигитларнинг ота-онаси она шахридан бошқа жойда ўқийдиган қизларнинг ахлоқий поклигига шубҳа билан қарашар экан. 1960-йиллар охири эди. Мунтазам кўрсатилган руҳий тазйиқ опамни мушкул аҳволга солиб қўйди ва у Россиядан иш топиб, кетиб қолди. У ерда жуда қийналди, лекин ўзини тутиб олди. Ўзбекка бўлмаса ҳам, турмушга чиқди. Бу иш маҳалламизда кўп йил давом этган ғийбатга сабаб бўлди-ю ота-онам уни оқ қилишди. Улар кўп йиллар одамлар орасида бош кўтариб юролмай қолишди. Улар иснод қилишарди. «Нима учун у ўзбек йигитга турмушга чиқмади?» – деган табиий савол туғиларди. Бунинг сабаби шуки, Москвада ёки Россиянинг бошқа бирон шаҳарида ўқиб келган йигитлар ота-оналари танлаган қизга уйланишарди ва бу рисоладаги қиз бўларди. Бошқалар эса, вақти-вақти билан уйга қайтиб, жамият ноқисликларига дуч келишар эди-да, тергов қаттиқ бўлгани туфайли ғашларига тегадиган бузуқ муҳитга нисбатан нафратга тўлишарди. Мулоқотлар ҳам, тўйлар, танишбилишчилик, келин биронта танишига ёки қариндошига келтирган камёб буюм ва ҳоказолар ҳақидаги адоқсиз гаплар ҳам уларнинг чаккасига тегарди. Бу улар учун қизик эмасди, улар ҳаёт йўлини ўзлари танлашни исташарди. Улар, кўпинча, муҳаббат қўйиб, ёки ўтмиш билан алоқани узилкесил узиш учун ёхудхою-ҳавас йўлида бошқа миллат аёлларига, камдан-кам ҳоллардагина ўз миллатларига оид қизга уйланишарди. Анъанавий жамият уларни бармоқ билан кўрсатиб: «Москвада ўқиш нималарга олиб келишини кўрдингизми, ўғил-қизларимиз у ерда бузилиб кетмоқда, отабоболари удумини унутишмоқда, бизга хиёнат қилишмоқда, фарзандларингизни кўлдан чиқарманглар!» ёки «Москвада ўқиб нима бўлишди, ўғлингиз (қизингиз) сизларни ташлаб кетиб, бегона юртларда ёлғизликда, бахтсиз бўлиб азоб чекиб юрибди-да. Эй одамлар, фарзандларингизни бағрингиздан узманглар!» – дейишарди.

Менинг ўзим совчилар орқали турмушга чиқдим. Ота-онам учун мени узатиш обрў эди. Саккиз йил турмуш қуриб, қийналиб кетдим. Икки фарзандлик бўлиб ажрашиб кетдим. Эрим билан бўлак яшаганимизда, турмушимиз бузилмасмиди. Иззат-нафснинг мудом таҳқирланишига чидаб, саломатликдан ажралмаслик ва жинни бўлиб қолмаслик қийин экан. Эримнинг қариндошлари айтишганидек, мен ўзимга жуда бино қўйган эмишман, шунинг учун ажрашганмишман. Ота-онам учун бу яна бир зарба эди, лекин мен фарзандларимни ўйладим. Эрим мени ҳам, болаларини ҳам аямади, «чидагин», деди холос. Эримнинг оиласи ҳақида шуни айтишим мумкинки, у бошқа ҳар қандай оиладан яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Унинг турмуш меъёрлари, тушунчалари ва қадриятлари бошқаларники каби эди. Булар бари менга ёт эди. Улар мени ўзгартирмоқчи бўлишди, лекин ўзим ўзимни ўзгартира олмадим. Оила ҳамда оилавий муносабатлар ўзгармас экан, жамиятимизни ҳеч нарса ўзгартира олмайди.

Иқтисодий шароитдан ҳам кўра кўпроқ оилавий муаммолар туфайли одамлар мамлакатдан кетиб қолишмоқда. Оилада кимнингдир иши юришиб қолса, қариндошлар унга осилишади-қолади ва бу умрининг охиригача давом этади. Оила бурчи, оила қадриятларини ҳеч ким инкор этмайди, улар бор ва мавжуд бўлаверади. Лекин улар умрбод азоб-укубатга айланиб қолмаслиги лозим. Инсон ўзи учун, дам олиш, фикрлаш учун ҳам вақт топиши даркор. У ўзини бошқаларга, бу ҳатто оиласи бўлса ҳам, буткул бағишламаслиги даркор. Шахс мустақиллигини бизнинг жамиятда тушунишмайди».

Шундай бўлса-да, жамиятнинг дунёвий қисми, замонавий жамият эҳтиёжларига монанд бўлмаса-да, аста-секин улғайиб борарди. 1960–1980-йиллардаги хуфия исломийлашув оқибати бўлган янгича анъанавийлашув жараёнларини кўриб чиқайлик. Бу даврда анъанавий маросимлар тикланиб, унинг оила бюджетига таъсири ошиб борарди. Анъанавий маросимларда никоҳ алоҳида ўрин тутарди. Никоҳ масаласи, ўша-ўша, ота-оналар томонидан ҳал этиларди, тўй сарф-харажатлари ҳақида ҳам улар келишиб олишарди. Куёвнинг ота-онаси каладиган энг йирик харажатлардан бири қалин бўлиб, унинг миқдори кейинги 25 йил (1960 йил ўртасидан 1990 йилгача бўлган давр) ичида, этнографларнинг фикрича, деярли 23 барабар ортди. Совет тарихчилари-

нинг ўтмиш сарқитлари тугатилганлиги ҳақида таъкидлаб айтган гапларига қарамай, анъаналар уни жуқаддас тутгани учун, қалин ҳамма жойда, барча ижтимоий катламлар томонидан бериларди. Келиннинг ва қудаларнинг ҳурмати қалин миқдори билан белгиланади. Тўй кўёвнинг ота-онаси томонидан ўтказилиши давом этди. Келин сепининг аҳамияти ошиб борди (айниқса, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида унинг аҳамияти катта эди), бу эса, энди келиннинг ота-онаси катта харажатга тушишига олиб келарди. Тўйда иккала томоннинг қариндош-уруғларига совға-салом берилади. Тўй узок давом этадиган жараёнга айланиб борди ва 3 босқичдан: загсда рўйхатдан ўтиш, тўйнинг узи ҳамда чарлардан иборат эди. Эски урф-одатлар тарафдорларининг айтишича, тўйни ўтказиш учун 21 бора дас-турхон тузаш керак экан.

Ўртаҳол ўзбек онласида сарф-харажат қилинадиган яна бир нарсаси *суннат тўйи* бўлиб, харажат миқдори бўйича никоҳ тўйга яқинлашиб қолади. Бирон-бир хайрли воқеа, хасталикдан тузалиб, оёққа туриш, ўғилнинг армиядан қайтиши ёки олий ўқув юртини битириш ва бошқа шу каби ҳолатларда юзга яқин одамни чорлаб, эҳсон қилиш ҳам удумга айланиб бормоқда. Бир неча юз одам таклиф қилинадиган маъракаларга ҳам катта харажат қилинади. Бирон кишининг вафоти туфайли бир йил давомида бир неча бор маърака қилинади. *Бешик тўйи*ни ўтказишга ҳам катта маблағ сарфлашга тўғри келади. Бунда қуда томонлар бир-бирига сарпа-суруғ ва бошқа совғалар қилишади. Диний байрамлар ҳам мунтазам ўтказилади, Расулиллоҳ Мухаммад мавлиди шарифлари ўтказилади. Диний байрамлар тўйлардан кейин ёки марҳумга таъзия муносабати билан йил давомида дабдалали ўтказилади, бунда ҳам катта сарф-харажат қилинади. Қариндошлар ва дўстлар йиғинлари – *гал* ҳам мунтазам равишда эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида ўтказилади. Ижтимоий мулоқотнинг бу барча шакллари дунёвий мазмунга эга бўлишига қарамай, диний шакл касб этарди. Агар тўй ёки маърака бўлса, албатта қуръон тиловат қилинади ёки унда биронта мулла ёхуд отин иштирок этади ва, пировард натижада, диндорликни тасдиқлаш усули бўлиб қолади. Руҳоний иштирокисиз қурбонлик қилинмайди, ҳар қандай оилавий йиғилиш *фотиҳа* билан бошланади. Диний байрамлар ва *мавлиди шариф* кунларида йиғинларда қуръон тиловат қилинади. Бу тадбирлар-

нинг барчасида аёллар иштирок этишади, бу улар учун мулоқотнинг асосий шакли бўлиб, бир кўнгил ёзиб олишади.

Атеистик тарғиботга қарамай, қадамжоларни, ҳатто ҳукумат томонидан ёпиб қўйилган жойларни ҳам зиёрат қилиш тўхтамаган. Турмушдаги ҳар қандай мусибат туфайли, ҳатто пойтахтда ҳам, муллага ёки *оттинга* мурожаат этиш одат тусига кирган. Қоидага кўра, одамлар норасмий *муллаларга* мурожаат этишади, улар эса ҳар қайси *маҳаллада*, ҳар бир *қишлоқда* бўлиб, аҳоли уларни биларди. Аёллар йиғинларининг *Мушкулқушод* ва *Бибисеишба* сингари шакллари орқали суфиёна амалиёт ҳам давом этган. Лекин улар қанчалик кенг ёйилгани илмий адабиётларда ҳали баҳоланмаган. Атеистик тарғибот асосан зиёратга ҳамда «хурофотга» қарши қаратилган бўлиб, аслида қуръоншунослик, мусулмон ҳуқуқини танқидий ўрганиш бўйича жиддий иш олиб борилмади, ўтмиш мусулмон ҳуқуқшунослари асарлари таҳлил қилинмади, калом ақидалари тарихий жиҳатдан тадқиқ қилинмади. Шунинг учун бутун диний мерос илмий танқиддан холи бўлиб келди. Айнан диний мероснинг ўрганилмаганлиги элементар диний хурофотларнинг, жоҳилона талқинларнинг ҳамда ифодадаларнинг барча кўринишларига мукаддаслик ва ўзгармаслик мақомини бахш этган. Ўтмишда *уламоларнинг* диний матнларнинг талқини атрофидаги мунозараларни натижасида ҳар бир даврда энг эски ва иккинчи даражали меъёрлар ҳамда урф-одатлардан халос бўлиганидан диндорлар беҳабардирлар. Бунда *уламолар* келишиб, уларни бекор қилишган.

1970–1980-йилларда шаҳар *маҳалларида* ва қишлоқларда *отинлик* сакланиб қолган. Улар ярим яширин иш тутиб келишган. *Маҳалла* аёллари орасида нуфузга эга бўлган *отинлар* Қуръоннинг муайян сураларини ўқишга, *ақиқа* ва *жаноза* сингари диний издиҳомларда айтиладиган ифодадаларга ўргатишган.

Отинлар жамоа қизларини тарбиялашдагина эмас, балки жувонларга диний билим беришда ҳам ўз ҳукмларини ўтказишган. Аёллар хатти-ҳаракатидаги уларнинг ҳаётини бошқарувчи ахлоқий мезонларни айтиш улар белгилаб беришган. *Маҳаллада* таъсири кучли бўлган аёллар гуруҳини айнан улар шакллантиришган (булар, одатда, бадавлат оиладан бўлган, эри ёки ўғли воситасида аёлларнинг камёб молга бўлган эҳтиёжини қондиришданми ёки биронтасини ишга жойлаб қўйишданми иб-

рат бўлган ва ҳоказо муаммоларни ҳал қилишга қодир ҳурматли аёллардир). *Отинлар*, аёлнинг ушбу гуруҳи ёрдамида, диний амалиётга риоя этиш, номатлуб аралаш никоҳларнинг олдини олиш, катталарни ҳурматлаш ёки зиёратларни уюштириш орқали *маҳалла* ҳаётини назорат қилиб туришган. Шу тариқа *отинлар* таъсир кучига эга бўлиб, ҳар қандай бидъатни, айниқса, аёллар ҳаётига жорий этишнинг душмани бўлишган. Улар модага мувофиқ кийинишни ҳам, ёшларнинг учрашишини ҳам, отонанинг инон-ихтиёри билан эмас, севиб турмуш қуришни ҳам, билим олиш тўфайли турмушга чиқишдан воз кечишни ҳам ва ҳоказоларни қоралашарди. Улар жамоатчилик фикрини шакллантиришарди.

Қайта қуришгача бўлган даврдаги ва қайта қуриш давридаги исломнинг аҳволини исломшунос Бахтиёр Бобоҷонов қуйидагича тасвирлайди:

«Қаттиқ иқтисодий исканжа шароитида ислом ёйилишининг маҳаллий шакллари жуда барқарор бўлиб чиқди, бу шакллар диний урф-одат ва маросимлар (зиёрат, жаноза, маърака ва ҳ.к.) кўринишида амал қилиб келди. Кўп асрлар давомида улар омма онгида қаттиқ ўрнашиб қолди, уларнинг қадрият тизими ҳамда турмуш тарзининг асосига айланди. 60–70-йилларда маҳаллий «азиз-авлиёлар» мазорларини зиёрат қилишнинг тикланиши ушбу мослашув кўринишларидан бири бўлди. Тахминан шу даврда Фарғонада аъзолари ЎОМДБга муҳолифатда бўлган норасмий диний гуруҳлар норасмий иш олиб бора бошлади.

Анъанавийлик кайфиятидаги, ўз фарзандлари ҳамда набираларига, шунингдек алоҳида ишончли шахсларга исломни яширин ўргатган эски уламоларнинг авлодларини ҳам эслатиб ўтиш зарур. Аслида уларнинг ҳаммаси республикада расман ишлаб турган ягона Мир Араб мадрасини тугатишган (Маъруфжон қори, Ҳабибулла Солиҳ қори ва б.). Улар ЎОМДБнинг заиф мослашувчанлик позициясидан норозиликларини ошқора ёки яширин билдиришган, натижада уларнинг кўпчилиги ЎОМДБ таркибидан чиқарилган. «Ишсиз» қолган бу руҳонийлар норасмий *имомлар* ва *мударрислар* таркибига қўшилди. Уларнинг фаолияти, айниқса, Фарғона вилояти шаҳарлари (Наманган, Марғилон, Андижон)да авж олди.

Айни маҳалда 80-йиллар бошига келиб Ўзбекистонда, айниқса, Фарғонада ислом яна жонлангани кўзга ташланди. Ва, албатта, унинг ёйилишининг маҳаллий шакллари тикланиши ўша шароитда энг хавфсиз усул бўлган. Фарғона водийсида ёш келин-куёвларнинг 65%-66% фуқаролик никоҳи билан бирга, диний никоҳ ҳам ўқитишган; азиз-авлиёлар мазорларини зиёрат қилиш яна авж ола бошлади. Табиийки, маҳаллий ҳокимият бунини давлат «якка мафкура»сига таҳдид деб билди. Кучли аксил тарғибот, зўрлик чораларидан ташқари эски қадамжоларни қайта номлашга интилиш ҳам юз берди.

Шунда мазкур урф-одатларга кескин қарши чиққан маҳаллий норасмий диний арбобларнинг даври келди. Тегишли партия-ҳукумат органлари Фарғонанинг маҳаллий «илк фундаменталистларидан» азиз-авлиёларга ҳамда зиёрат удумига нисбатан аксил тарғиботда фойдаланишди. Масалан, Ўзбекистон Компартияси МКнинг «Ислом арбобларини ажратиб қўйиш тўғрисида»ги Қарори (1983 йил февраль) шу руҳда чиқарилган. Ўша пайтдан бошлаб азиз-авлиёларни ва зиёратни ёки бошқа диний маросимларни рад этадиган ҳар қандай диний арбоб ОАВда эркин чиқиб, ўз қарашларини баён этиши мумкин бўлган. Фарғонанинг «илк ваҳҳобийлари» (Абдували қори, Раҳматулла қори, Ҳаким қори ва б.) бундан ўз манфаатлари йўлида, ўз мухлислари сафини кенгайтириш учун, давлат билан жон деб ўзига хос иттифоқ туздилар. Улар муайян даражада бунга эришдилар ҳам, натижада уларнинг ноқонуний мударрислик фаолиятига кўз юмилди. Ниш ураётган фундаменталистик оқимларда хорижий исломий адабиётларга қизиқиш кучайди. «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг ислом оламида машҳур бўлган араб назариётчилари ва мафкурачилари асарлари уларнинг қўлига қандай тушиб қолгани маълум эмас.

Қайта қуриш бошланиши билан янада фаолроқ бўлган бошқа (биринчи навбатда, миллатчилик йўналишидаги) норасмий ҳаракатлар юзага келди, натижада норасмий диний арбоблар муаммоси аста-секин чеккага сурилиб қолди, бу эса уларга расмийлашиб, таркибан мустаҳкамлашиб олиш имконини берди. Бу воқеалар фаоллик билан исломга ялпи қайтиш шароитида юз берди, бу жараённинг кучи ва аҳамиятини ҳис қилган сиёсатчилар ҳатто дин арбоблари билан

«борди-келди» ҳам қила бошлашди, ўз тарғибий луғатларини «исломийлаштиришди». Эски масжидларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш авж олди. Бу жараён, айниқса, Фарғонада жадал ривожланди.

1990 йилдан бошлаб сиёсий йўналишдаги ислом фундаментализми даврий нашрлари ва унинг назариётчилари асарлари ўзбек, тожик ва, ҳатто, рус тилларида ҳам кириб кела бошлади. Бу ташкилотлар вакиллари, ўз ғояларини ёйиш учун Фарғонада яхши муҳитга дуч келишди. Улар хорижлик «руҳан биродарлари»нинг таркибини, назарий қоидаларини ва, афтидан, махфий тутиш услубини ўзлаштирган маҳаллий исломчилар билан алоқани йўлга қўйишди.

Ҳанафий мазҳабида бўлган ва уни талқин қилувчи ЎОМДБ ходимлари, биринчидан, кам сонли бўлиб, бу қадар жадал суратда исломга қайтишга тайёр бўлиб чиқмадилар. Иккинчидан, ЎОМДБ раҳбарияти ҳукуматга нисбатан мослашувчанлик позициясини тутиб, мусулмонлар назаридан қолдилар. Норасмий ҳанафийлар исломга қайтиш жараёнида муайян мавқени тутиб қола олмадилар: уларнинг бир қисми эса (Обидқори, Маъруфжонқори ва бошқалар) ашаддий ақидапарастлар ва исломчилар позициясини эгаллади.

Шу сабаблар асосий қисми Фарғонанинг диндор оилаларидан чиққан фаол исломчиларни ҳам олдига олиб чиқди. Уларнинг биринчи муваффақияти 1989 йилда ЎОМДБ раҳбариятининг алмаштирилиши бўлди: андижонлик Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф янги муфтий этиб тайинланди. У дарҳол исломни тиклаш йўлини тутди. Муҳаммад Содиқнинг фикрича, бунинг учун барча масжид ва мадрасаларни, ҳеч бўлмаганда, инқилобдан олдинги миқдорда тиклаш зарур эди.

1991 йилда Ўзбекистон суверенитетни қўлга киритгач, Муҳаммад Содиқ исломий ахлоқ-одоб меъёрларини, сўнг эса ислом ҳуқуқи меъёрларини аста-секин тиклашни ёқлаб бир неча бор гапириб ўтди. Айни маҳалда ўз жонажон Фарғонасидан чиққан янги радикал исломий гуруҳлар вакилларининг даъволаридан яхши хабардор бўлган ва шу боис республика мусулмонлари ўртасида ажралиш рўй беришидан буткул асосли равишда чўчиб, аҳоли кўпчилиги учун анъанавий бўлган ҳанафий мазҳабига риоя этишга даъват қилди. Бироқ янги пайдо бўлаётган радикал диний оқимлардан келиб чиқ-

қан, даставвал Муҳаммад Содикни қўллаб-қувватланган фарғоналик ақидапарастлар бу даъватларни ўз «диний ҳуқуқларига» ҳужум сифатида қабул қилишди ҳамда, Диний бошқарманинг, уларнинг назарида тобора «либераллашиб» бораётган раҳбаридан норозилик изҳор эта бошлашди.

Айрим ҳукумат органлари томонидан исломни сиёсийлаштиришга қарши кўрила бошлаган чоралар Фарғона ақидапарастларининг радикал қанотини ўз фаолиятини яширин йўлга қўйишга, рухсат этилмаган махфий жамоаларга бирлашишга, мафкурага қарши яширин ҳамда ярим яширин иш олиб бориш ва ҳоказоларга ундади. Янги пайдо бўлган исломий гуруҳлар ва жамоаларнинг кўпчилиги Фарғона шаҳарларида жойлашиб олганлиги эътиборни тортади. Улар жумласига, масалан, *Адолат*, *Ислом лашкари* ва *Тавба* гуруҳларини киритиш мумкин-ки, булар мавжуд режимга нисбатан ашаддий муҳолифатдан иборат эди.

Бу жамоалар таркиби чуқур махфийлаштирилган, жуда майдалаштириб юборилган бўлиб, ҳибсга олиш ҳолларида буткул барбод бўлиш истисно этиларди. Шундай жамоалардан бири – Андижонда уч йил аввал Йўлдошев Ақром томонидан ташкил қилинган ва унинг номи билан юритиладиган *Ақромия* ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Ўзларини *Иймончилар* деб атайдиган бу гуруҳ қолган диндорлар орасида «*Ақромия*» ёки *Халифачилар* номи билан маълум. Тоҳир Йўлдошев *Ҳизб ут-таҳрир* аъзоси бўлган чоғидаёқ бу ташкилотнинг араб мамлакатлари шароитида ишлаб чиқилган иш услуби Фарғона шароитида яроқсизлиги ҳақида хулоса чиқарган. У ҳам *Ҳизб ут-таҳрир* аъзолари сингари, чин эътиқодга ва *Халифаликни* тиклашга, бу ғоялар ўзини мусулмон деб атайдиган ҳар бир кишининг онгидан ўрин олгандагина, эришиш мумкин, деб ҳисоблади. Бутун мамлакат кўламида бундай «маърифатга» дарҳол эришиб бўлмаслиги туфайли бунинг энг яхши йўли – ушбу мақсадга бир жамоа, қишлоқ, шаҳар кўламида аста-секин эришишдан иборатдир.

Қайта қуриш ва ундан кейинги даврда Фарғона ақидапарастлари уларга қарши туриши мумкин бўлган диндорларга (масалан, расмий *ханафия мазҳаби* вакилларига) қараганда ишни анча яхши бошлашган эди.

Давлат, суверенитетни қўлга киритгач, дунёвий бўлиб қолаверди, бу эса ақидапарастларни *Дорул-ҳарб* тушунчасига

«динсиз» озчилик мусулмонлардан иборат кўпчиликка қарши, деган янги тузатиш қилишга олиб келди. Бу ғоя, гарчи, оммалашиб кетмаган бўлса-да, фундаменталистлар қайта қуриш даврида ҳокимият тепасига келиб қолган ҳозирги сиёсий тузилмаларни ислом нуқтаи назаридан ноқонуний деб ҳисоблашди. Мустақиллик тўғрисида декларацияга, сўнг Конституцияга Ўзбекистонни исломий давлат сифатида эълон қилувчи банд киритилиши тўғрисидаги умидлари оқланмади. Шунинг учун исломни сиёсий жиҳатдан тиклаш масаласи ақидапарастлар орасида долзарблигича қолаверди».

Нуфуснинг кўпайиши иқтисодий ўсишдан анча илгарилаб кетди, 1970–1980-йилларда бу ҳолат яққол кўриниб қолди: иқтисодиётдаги турғунлик жараёнлари кучайди, мажбурлашнинг иқтисодиётдан ташқари шакллари қутилган натижани келтирмади. Марказий Осиё ўша-ўша хом ашё минтақаси бўлиб қолаверди. Бу ерда ресурс дефицити ўз таъсирини ўтказарди, ялпи маҳсулотнинг ўсиши пасайиб борарди ва минтақа республикалари камбағаллар қаторига кириб қолганди. Мураккаб нуфус вазияти воҳаларда аҳоли кўпайиб кетишига олиб келди, қишлоқда миграция суръати жуда паст эди. Натижада айрим туманларда давлат секторида банд бўлмаслик 70–75%ча етиб қолганди.

Қишлоқ ва шаҳар иқтисодиётининг ривожланиш суръати пастлиги қишлоқ ва шаҳарда етарлича иш ўринларини яратиш имконини бермади. Ишсизлик туфайли томорқанинг аҳамияти ортди, бозор учун маҳсулот жадал етиштирила бошланди. Ишсизлар оммаси асосан бозорда банд бўлди. Бозор деярли буткул хуфия бизнес томонидан бошқариларди ва, 1980-йиллар бошига келиб, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан бўлиб олинди. Дехконлар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳам, анъанавий маросимлар (тўй, сеп ва х.к.) учун зарур бўлган «камёб» саноат молларига ҳам нархни айтиш шу гуруҳлар белгилашарди. Давлатнинг маросимлардаги исрофгарчиликларни чеклашга бўлган барча уринишлари ғашлик билан қабул қилиниб, ҳуқуқларни чеклаш ва миллий ҳис-туйғуга тазйиқ ўтказиш сифатида талқин қилинди. Хуфия тузилмаларга мансуб онлалар анъанавий маросимларни ўтказишда ҳаддан ташқари исрофгарчиликларга йўл қўйиб, таклиф учун намунага айланиб қолишмоқда.

Миллий монандликнинг намоён бўлиши шакли бўлган анъанавий маросимларга риоя этиш заруратини шахснинг маданий

анъаналарга садоқати билангина эмас, жамоа фикрининг бостирилиши ҳамда ўзини ўзи баҳолаш пастлиги билангина изоҳлаш мумкин. Одамлар тўй-маъракалардаги катта харажатлардан шикоят қилишмасди, жамоа уларни қурумсоқ, қариндошларини ва анъаналарни ҳурмат қилмайди, демасин учун қўлидан келган-келмаганини қиларди, чунки инсоннинг жамоадаги ўрнини айна *маҳалла* жамоатчилиқ фикри белгилаб берарди. Анъанавий маросимларда қилинадиган харажатларда кўпроқ сарф-харажатларни кўпайтиришдан манфаатдор бўлганлар, айнан эса бозордаги камёб молларни сотиш билан шуғулланадиган зотлар намуна бўлишарди. Одамлар никоҳ ва *суннат тўй*ларига, маръакаларга қанча кўп маблағ сарфлашса, улар шунча кўп фойдани қўлга киритишарди. Маросимлар анъанавийликнинг барқарорлигини ва унинг мустаҳкамланишини белгилаб берган. Пировард натижада у жамиятнинг инқирозига олиб борарди, чунки одамлар ўз инсоний салоҳиятини ривожлантириш фойдасига эмас, балки маросимлар фойдасига меҳнат қилишарди.

Ўртача оила ўзини ейиш-ичишдан қийиб, соғлиқни сақлашга, билим олишга, маънавий эҳтиёжларга қилинадиган сарф-харажатларни қаттиқ тежаш орқалигина маросимларни «рисоладагидек» ўтказиши мумкин эди. Бундай шароитда болаларнинг интеллектуал ривожланиши ёки саёхатлар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу кунларда ўтказилаётган социологик тадқиқотлар буни тасдиқлайди (анъанавий маросимларни ўтказишда қисқартириш томон силжиш бўлмаётгани сабабли биз ушбу тадқиқотларга таянамиз). Оила бюджетда китоб, ўйинчоқ ва, ҳатто, дори-дармонга жуда кам маблағ ажратилади, маданий тадбирларга бориш эса йўқ даражададир. Кўплаб маросимларнинг ўтказилиши «шарт бўлган» шароитда анъанавий оиладаги турмуш навбатдаги ўғил уйлантириш, киз узатиш, *суннат тўйи*, *бешиқ тўйи* ва ҳоказо учун пул йиғишдан иборат бўлиб қолганди. Шу боис фарзандларни ёш уйлантириш авж олиб бораётган, сарф-харажат ота-она зиммасига тушаётган чоғда бу иш ёш оилани ота-она оиласига қанчалик маҳкам боғлаб қўйишини тушуниш мумкин.

Катта ўғиллар ва келинлар ота-онаси олдидаги «қарзини» узиш учун кичикларнинг тўй харажатларига ўз хиссасини қўшишга мажбурдирлар. Ҳамма нарсада қаттиқ тежаш натижасида аёлларнинг рўзғордаги ва томорқадаги ҳақ тўланмайдиган

меҳнати ортади, оғир ва чексиз меҳнат эса саломатлик ҳамда болалар муаммоларини кескинлаштириб, оилавий муносабатларни янада мураккаблаштиради. 1980-йилларда иқтисодий шароит ёмонлашуви туфайли бўлак бўлмаган оилалар сони ошди: оилалар даромадини кўпайтириш учун иш кучини майда товар ишлаб чиқаришини олиб бориш ҳамда маҳсулотни шаҳарга ташиб олиб бориш учун жамлардилар. Бўлак бўлган (кичик) оила жуда камбағал бўлиб қоларди.

Аҳолисининг қишлоқ иқтисодиёти билан боғлиқ қисми анъанавийликка асирлигича қолган шаҳарда ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин эди. Унинг бутун савий-ҳаракати ва топган-тутгани маърифатга эмас, жамғаришга кетарди. Бундай шароитда жамиятнинг дин таъсиридан холи бўлиши ортиш ўрнига, пасайиб борарди. Фарзандлар болалиқданоқ жисмоний меҳнатга ва савдо-сотикка жалб қилинарди, ўқиш, қобилиятини ўстириш учун уларнинг вақти қолмасди. Илмий тадқиқотларда эътибор болаларнинг меҳнат тарбиясининг ижобий жиҳатларига қаратиларди. ОАВда, анъанавий оилалар тўғрисидаги адабиётларда анъанавий тарбиянинг болаларнинг ижтимоий ва таълимий ривожланишига тўсқинлик қилувчи салбий жиҳатлари, яъни жамиятнинг ижтимоий қолоқлиги ҳақида лом-мим дейилмасди.

Анъанавийликнинг шаҳардаги яна бир таянчи – ҳунармандлар бўлиб, уларнинг чинакам истеъмолчилари сони 1980-йиллардан бошлаб мунтазам кўпайиб бормоқда. Ҳунармандчиликнинг маросимлар билан боғлиқ маҳсулотларига талаб ортмоқда, шунингдек хусусий уйлар қуришга ва уларни безатишга бўлган буюртмалар сони ҳам кўпаймоқда. Сандиқчилар, заргарлар, каштачилар, ёғоч ўймакорлиги усталари, кандакорлар ва ҳоказолар совет даврида омон қолиб, ўз маҳоратларини фарзандлари, набиралари, шогирдларига ўргатишди. Улар 1970-йиллардан бошлаб яримдавлат уюшмаларига бирлашишди, натижада давлат ҳам уларнинг буюртмачилари сафига кирди. Давлат тан олган халқ усталари билан бир қаторда бозорчи ҳунармандлар ҳам бўлиб, улар ўз маҳсулотларини бозорда сотишади. Уларнинг ўз олибсатарлари бор. Бундай оилаларда ҳам болалар ва аёллар ҳунармандлик буюмларини тайёрлаш билан боғланганлар. Бундай оилалардаги аёллар, одатда, уйдан ташқарида ишлашмайди. Ҳатто улар хонадон ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлишмаса-да, рўзгор ишлари ва уйда меҳнат қилаётган эркакларга хизмат қилиш

уларнинг асосий вазифасидир. Шунинг учун бу муҳитда эрта ни-
коҳланиш ҳоллари кўп. Ноқонуний хизмат кўрсатиш соҳаси,
хонадондаги емакхоналар, миллий қандолатчилик ташкилотчи-
лари ва ходимларини ҳам аҳоли шу тоифасига киритиш мумкин.
Хуфия иқтисодиётга мансуб бўлган бу тоифа кишилар шериклар
билан муносабатларини ҳам, оилавий муносабатларни ҳам *ша-
риат* қонунларига мувофиқ юритишади. Улар давлат савдоси
ҳамда коррупциялашган бошқа соҳалар билан ҳамбарчас боғлиқ-
дирлар. Уларнинг ноқонуний (аниқроғи, ярим яширин) аҳволи, со-
циалистик тузум шароитида уларнинг «бизнеси» омонатлиги
уларни ёт ҳокимиятдан норозилар қаторига чиқариб қўйган. Улар
ислом жамоасини «ўзиники» деб билган, чунки уларнинг фаолият-
и *маҳаллада* эътироф этилган ва қораланмаган. Шаҳар аҳли-
нинг айни шу қисми қайта қуриш даврида иқтисодиётни қисман
эркинлаштиришга биринчи бўлиб жавоб берган, мустақиллик-
нинг илк йилларида улар бозор иқтисодиётига ўтилиши билан
дастлабки тадбиркорлардан бўлишган.

Шаҳарлик туб миллат аҳолисининг жуда оз қисмигина шах-
сни ривожлантиришга йўналтирилган замонавий турмуш тарзини
қабул қилган. Рус тилида олинган маълумот туфайли улар иж-
тимоий жиҳатдан анча юқори жой эгаллашган ва, натижада аҳо-
лининг замонавийлашган ҳамда анъанавий қисмлари ўртасидаги
жарлик чуқурлашиб борган. Қишлоқдан келиб шаҳарда жойла-
шиб қолганларнинг биринчи бўғини кўпчилиги рус тилида сўзла-
шувчилар билан рақобатлаша олмаганлар. Улар ўз менталите-
тига кўра қишлоқ билан жипс боғлиқ бўлиб қолаверганлар.
Уларнинг кўпчилиги шаҳарда анча яхши шароитда яшаётган рус-
лар ҳамда замонавийлашган ўзбекларга алам ва кийин-қудурат
билан муносабатда бўлишган. Асосий кўпчилиги қишлоқдан ке-
либ чиққан гуманитар зиёлилар жамиятдаги шу каби ҳис-туйғу
ва кайфиятнинг ифодачисига айланган. Республиканинг ижтимо-
ий-иқтисодий қолоқлиги сабабини рус тилининг устунлигида
ҳамда марказга боғлиқликда, деб ҳисоблаган айни шу тоифа
зиёлилар қайта қуриш шароитида кўтарилган муҳолифатчилар
ҳаракатининг ядросини ташкил қилганди.

Қишлоқ аҳлининг бир қисми совет номенклатурасига кирган.
Улар қишлоқ жамоасига хос бўлган ўзаро муносабатларни ҳо-
кимият қатларига олиб киришган, қариндош-уруғлари, ўз қиш-
лоғи, тумани, вилояти учун пуштипаноҳга айланган. Улар

маълум даражада ўз ўтмишидан озик олишарди. Бозор билан, савдо, қишлоқ маҳсулотларининг сотилишини бошқарган хуфия уюшмалар билан боғлиқ шаҳар аҳли ҳам анъанавий турмуш тарзи тарафдорлари қаторига киради. Бирок улар ўз фарзандларини меҳнатнинг илм, бошқариш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш сингари нуфузли соҳаларига йўналтиришга интилишди ва бу борада муваффақиятга эришишди. Уларнинг бирмунча заиф асос маълумотга эга бўлган фарзандлари ўзларининг бадавлат ёки нуфузли қариндошлари ёхуд юртдошларини ишга солиб, нисбатан маълумотли ва профессионал касбдошлари билан рақобатлаша бошладилар. Улар ўзларига тобеъ ходимлар меҳнатидан манфаат кўришди, тобелар эса, бундай аҳволда ўз истиқболидан умид узиб, меҳнатга қизиқиши сусайди. Шу боис, бошқарув, фан ва таълим сингари, иқтисодиётнинг энг замонавий секторлари ҳам анъанавийлик таъсирига учраган, деб таъкидлаш мумкин. Ушбу секторларнинг ичида ҳам поғонали ва клиентал-патриархал муносабатлар ҳукм сурган жамоага хос ижтимоий муносабатлар унсурлари мавжуд бўлганди.

Совет тузуми, мафкуравий зиддиятларга қарамай, бикиқлиги ҳамда патриархаллиги туфайли, айниқса, СССР тарихининг коммунистик мафкура нурай бошлаган сўнги босқичида анъанавийликнинг мослашуви учун жуда қулай бўлиб чиқди. Жамоа ижтимоий механизми яхши илдиз отди. Жамоанинг катталар ёки кучлилар хомийлигини, коллектив хайр-саховат ҳисобига одамларнинг нисбатан тенглаштирилишини таъминловчи ижтимоий вазифаси совет кадриятлар тизимига унчалик ёт бўлиб чиқмади. Адолат Бахромова қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Эримнинг қариндошларининг қисмати – қашшоқлик бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда, чунки она қизига берадиган маслаҳат фақат: «Туғавер, туғавер, туғавер»дан иборат. Эримнинг опаси руҳий-асаб диспансерида рўйхатда турадиган кишига турмушга чиққан. Муҳтожликда яшаган, фабрикада ишлаган, оиласини таъминлаш учун мол боққан. Эри нафақа олган, вақти-вақти билан даволаниб турган, у эса туғаверган, чунки онаси ҳам, қайнонаси ҳам шундай маслаҳат беришган. Баъзида уйда жанжал-тўполон бўлиб, калтак еган, шундай бўлса-да, болаларини катта қилди. Эрим қариндош-уруғларининг маслаҳатгўйи бўлиб, укалари, жиянлари ва бошқа қариндошларининг ишини тўғрилаб бериб юрарди.

У менинг отамнинг ҳомийлиги туфайли юзага чиққан, шунинг учун ҳам менга уйланганди. Отам ўз ўғлига қилмаганини унга қилганди. Уни ўзи қадар мансабга кўтарди. Отам вазирлик мансабигача ишлаганди, эрим эса ҳозир йирик акционерлик корхонасининг раҳбаридир.

Ўзим ҳам, болаларим ҳам кийимни бир йилдан ортиқ киймаганмиз, ҳаммасини қайнағачимга ва унинг болаларига берганмиз, ҳозирга қадар ҳам шу аҳвол давом этмоқда. Ишлатилган мебеллар ҳам ё опасиникига, ё укалариникига кетарди. Кир ювиш ва тикув машиналари ҳам совға қилиб юбориларди, ваҳоланки, улар ўзимизга ҳам яраб қолиши мумкин эди-ку, бироқ қайнонам шунини талаб қиларди, биз эса бериб юборардик. Уй-рўзғор учун ҳамма нарсани отам сотиб олиб бериши лозим, деб ҳисоблашарди (ўн йил олдин шундай бўлганди), ҳозир бир амаллашимиз мумкин, чунки қизларим тагли-тахтли жойга келин бўлишди. Бу гапларни, нарсани аяганимдан эмас, балки, шунинг учун гапирмоқдаманки, агар бериб юбормасак, бошимиз ғалвадан чиқмасди. Энди жиянларимизни таъминлаб турибмиз, чунки «тоға жиянларига ёрдам беришга мажбур». Ахир, бу ишларнинг ўзи бўлмайди-ку, бир нарса илтимос қилсанг, ўзинг ҳам бир илтимосни бажаришинг керак, зотан, ҳаммаси ҳам доим қонуний бўлавермайди. Ҳамма жиянларни ишга жойлаб қўйиш, ўқишга киритиб қўйиш керак эди.

Ахир, одамлар таниш-билишларсиз ҳам иш қилишади-ку, улар яхши ўқигани, кўп ишлагани учун иши юришади, улар тоғаси ҳаракат қилишини кутиб ўтиришмайди! Балки, жиянлар бошқалар лойикроқ бўлган жойларни эгаллаб ўтиришгандир. Ҳозир, ёшим қирқдан ошгач, ўн беш йиллар олдин отамнинг қарамоғида бўлганимизни эслайман, зотан, эримнинг қариндошлари ва унинг ўзи ҳам буни нормал ҳол деб ҳисоблашарди. Қизларим хорижда ишлашаётганидан ва улар қашшоқ қариндолар юкини кўтаришдан хоилигидан хурсандман. Жамиятимизда бундай аҳвол деярли одат тусига кирган ва бу қариндош-уруғлар билангина чекланмайди. Қўни-қўшнилар бир коса сут, ё дори-дармон, ёхуд бир тоғорачада тузланган қарам сўраб ҳафта сайин кириб туришади. Сут берадиган сигирим йўқлигини, дори ишлаб чиқармаслигини, қарамни фақат ўз оиламиз учун тузлашимни уларга тушунтиролмай хунобман. Оиламиз тўқис бўлгани учун ҳамма

нарсани текин манбадан олгандек олавериш мумкин, деб ўйлашади. Баъзан, сўраган нарсаси бизда йўқлигини айтсам (чиндан ҳам у-бу нарса етишмаслиги бўлиб туради), хафа бўлиб, мусулмонларнинг ишини қилмаётганлигимни айтишади-да, рус мактабини тугатганимни, ўзбекча ёмон гапиришимни юзимга солишади, ёшим қирқдан ошган бўлса-да рўмол ўрамаслигимни, менинг ёшимда очиқ кийим кийиш яхши эмаслигини ва ҳоказоларни айтиб, таъна қилишади.

Истаган қўшни хотин огоҳлантирмай кириб келиши ва олди-қочди гап-сўзлар билан мени чалғитиши мумкин. Бандлигимни айтсам, чой дамламасам, бир умр ўпкалаб юришади! Қариндош-уруғлар ва қўни-қўшнилар шу тарзда буюмингизга ҳам эга чиқиши мумкин, чунки бизда бундай турмуш тарзи «ўзимизники», «дунёдаги энг яхши турмуш тарзи» ҳисобланади».

1980-йиллар бошига келиб Ўзбекистондаги иктисодий аҳвол СССРдаги энг ёмонларидан бири эди, у мамлакатдаги энг қашшоқ минтақага айланганди. Демографик вазиятни жиддий таҳлил қилиш талаб этиларди. Туғилиш юқори, аҳолининг ўсиши, гарчи 1980-йиллар охирида пасайишга мойиллик сезилган бўлса-да, 2,3%ни ташкил этганди. Аҳолининг асосий қисми қишлоқда яшар, қишлоқ аҳолиси кўпайиб бораётгани кўриниб турарди. Қишлоқ аҳолисининг кўплиги (1980-йиллар охирига келиб у 62,2%ни ташкил қилганди) анъанавий жамият устун келишини белгилаб берганди.

Ўзбекистонда урбанизация гарчи ортиб борган бўлса-да, жуда ўзига хос эди. Агар 1940 йилдан 1961 йилгача шаҳар аҳолиси ҳиссаси 24%дан 35%га ошган бўлса, 1961 йилдан 1980-йилларгача фақат 5% ортган. Шаҳар аҳолиси салмоғининг бундай ортиши йирик аҳоли пунктлари шаҳарга айлантирилганлиги ҳисобига рўй берганди. Ўзбекистондаги айрим вилоятларда шаҳар аҳолиси 20%дан кўпни ташкил қилмаган шароитда шундай бўлганди, СССР бўйича эса ўртача қишлоқ аҳолиси айти шу йилларда кескин қисқарганди. Ўзбекистондаги урбанизациянинг хусусияти унинг Фарбдаги сингари ва, ҳатто, индустриалашаётган шаҳарга қишлоқ аҳолисининг оқиб келиши кучайиб бораётган ривожланаётган мамлакатлардаги каби «классик» схемасига мос келмаслигида эди. Шаҳарлар қишлоқ аҳолиси миграцияси ҳисобига ривожланиб борарди, индустриалаш аҳоли ҳаракатчанлигини оширарди.

СССРнинг ривожланган минтақалари (Европа қисми)даги урбанизация ҳам классик схема бўйича борарди.

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ишчи кучига каттик муҳтож бўлган индустрияга қишлоқлардан бундай кучлар келмади. Индустриялашнинг биринчи босқичи бу ерга СССРнинг Европа қисмидан келган кадр ишчи ва мутахассислар ҳамда олиб келинган техника ҳисобига амалга оширилганди. Кадрлар ва инвестиция етишмаслиги туфайли индустриялашнинг амалга оширилиши ўнлаб йилларга қўзилиб кетди. 1980-йилларда ҳам Ўзбекистонда индустриялаш тугалланишдан анча йироқ эди, дейиш мумкин, чунки тўб аҳоли бу жараёнга зарур даражада тортилмади. Айнан шунинг учун ҳам турмуш тарзи замон талабларига мувофиқ равишда замонавийлаштирилиши арзimas даражада бўлди. Бундан, турмуш тарзини дин таъсиридан холи қилиш бекарор бўлган, бунинг сабаби – у жамиятнинг иктисодий ривожланиши ва индустриялаштиришдан кўра кўпроқ совет тарғибот ишининг маҳсули бўлганлигидир, деб ҳулоса чиқариш мумкин.

1970–1980-йилларда саноат ривожланиши суръатининг пасайиб кетиши капитал сарфи етишмаслиги ҳамда мутахассислар ва ишчиларда зарур касб малакаси ва маълумот йўқлиги туфайли содир бўлганди. Урбанизациянинг секин суръатлар билан бориши натижасида бир неча бир кўпайган қишлоқ аҳолисининг ишлаб чиқариш маданиятига юқори талаблар қўяётган, мунтазам мураккаблашиб бораётган технологияга мослашиши билан боғлиқ муаммолар маълум бўлиб қолди. 1980-йиллардаёқ қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи бу талабларга жавоб бера оладими, деган савол кўндаланг бўлди. Унга «йўқ» деб жавоб берилди. Лекин бу жавоб қишлоқдан келиб чиққан сиёсатчиларни қониқтирмади, шунинг учун улар ўзларининг анъаналар билан боғлиқ ривожланиш йўлининг «ўзига хослигини» қайта-қайта муҳокама қилишарди.

Ўзбекистон кўп кўрсаткичлар бўйича мусулмонлар Осиёси ва Африкасидаги ривожланаётган мамлакатларга ўхшарди. Умуман, Ўрта Осиёда маълумот даражаси аёлларнинг репродуктив (туғиш билан боғлиқ) ҳаракати таъсир қилмади. Эрга турмушга чиқиш, эрта туғиш билан боғлиқ муаммолар аёлнинг тўла билим олишини қийинлаштирди ва уни эркакларга нисбатан тенгсиз аҳволга солиб қўйди. Уни уйда ўтиришга мажбур қилишди, уй-рузгор ишларидан ташқари у томорқада ишлашга ҳам маж-

бур эди ва ҳ.к. Бир томондан, давлат секторидаги ишсизликнинг юқорилиги туфайли аёлларнинг томорка ва ёрдамчи хўжаликдаги меҳнатининг аҳамияти ҳамда унинг қишлоқ оиласи даромади таркибидаги ҳиссаси ошди. Бошқа томондан эса, аёлнинг уйдан ташқарида ишлаши дастлаб айрим публицистлар томонидан, кейинчалик гуманитар зиёлиларнинг кўпчилиги вакиллари томонидан танқид қилинди. Аёли она ва уй бекаси сифатидаги анъанавий мажбуриятларини бажаришга қайтариш зарурлиги тўғрисидаги мақолалар пайдо бўлди, аёлнинг уйдан ташқарида ишлаши эса болалар қаровсизлигининг ва ўсмирлар жиноятчилигининг ягона сабаби, деб ҳисобланди. Ўзини ишга бахшида этган аёл, айниқса, раҳбар аёл сиймоси буткул салбий маънода тасвирланди ҳамда миллий анъаналарга ва, ҳатто, миллатнинг ўзига таҳдид сифатида талқин қилинди.

Ижтимоий онг СССРнинг ривожланган минтақалари билан Ўрта Осиёдаги турмуш даражасидаги фарқни қоқоқлик эмас, балки энг аввало, марказнинг иқтисодий сиёсати билан боғлаганди. Кўп жиҳатдан анъанавийлик ва Ўзбекистонда индустриалашнинг барбод бўлиши, шунингдек маълумот даражасининг пастлиги ва анъанавийлик туфайли миграциянинг заифлиги сабабли аҳолининг иш кучи ортиқча бўлган қишлоқ жойларда жамланиши оқибатида юзага келган ижтимоий қоқоқлик факти эътибордан буткул соқит қилинганди. 1980-йилларда банд бўлган аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган миллий даромад иттифоқ бўйича кўрсаткичнинг бор-йўғи учдан икки қисмини ташкил қилганди, аҳоли жон бошига эса умумиттифоқ кўрсаткичининг 52%дангина иборат бўлганди. Шунинг учун энг малакали мутахассислар, одатда шаҳар аҳолиси ҳамда туб миллат вакили бўлмаганлар иқтисодий мулоҳазалардан келиб чиқиб минтақани тарқ эта бошлашди. Ишчи кучи ортиқча минтақа бўлган Ўзбекистонда 1980-йилларда саноатда бўш иш ўринлари жуда кўп эди. Шуларнинг бари замонавий секторнинг ривожланиш истикболларига путур етказди.

Кўпчилиги қишлоқ жойларда туғилган янги авлод, ҳатто республика иқтисодиётининг қишлоқ хўжалик тармоқларида ҳам замонавий типдаги меҳнат фаолиятига ижтимоий жиҳатдан ҳам, профессионал жиҳатдан ҳам тайёр бўлиб чиқмади. Мамлакатнинг бошқа минтақалари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Банд бўлмаган аҳолининг асосий қисми ҳатто Ўзбекистон-

нинг ўз доирасида ҳам меҳнат ва ҳаётнинг ўрганиш бўлмаган шароитларига мослашишга етарлича қобил эмасди, ишсиз ўзбекларнинг СССРнинг бошқа минтақаларига кўчиши эса арзimas даражада эди. Шунинг учун аҳолининг банд бўлмаган қисми асосан майда товар хўжалиги шароитида тайёрланган хуфия секторда тирикчилик қиларди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш, сотиб олиш, ташиш ва минтақа ҳамда Сибирь бозорларида сотиш орқали минглаб оилалар тирикчилигини ўтказарди. Жиноий муносабатлар сингиб кетган, омонат ва хавфли бўлган бу секторга жалб этилганларнинг кўпчилиги маълумот маъносида ҳам, ижтимоий мақоми маъносида ҳам, даромадлар муқимлиги маъносида ҳам ҳеч қанақа истиқболга эга эмасди.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг буҳронли аҳволи ижтимоий норозиликни юзага келтирди ва у миллий тус олди, истиқболнинг маълум эмаслигидан эса норозилик агрессив тус олди. Аҳолининг норози қисми ўзининг қолоқлигини тил сиёсати, меҳнат ва ижтимоий соҳада рус тилининг устунлиги билан боғлади, қишлоқдан чиққанларнинг фикрича, бу тилни етарлича билмаслик улар учун, энг аввало, бошқарув органларидаги яхши ҳақ тўланадиган ишлар эшигини ёпиб қўйганди. Мавжуд иқтисодий муаммолар ҳақида лом-ним демаслик, ошкоралик ва уларни бартараф этиш ҳақида хилма-хил нуқтаи назарлар йўқлиги мунозарани сиёсий соҳага буриб юборарди.

Қайта куриш жараёнида иқтисодиёт ва жамиятнинг аҳволидан норозилик муҳолифат ҳаракатига айланиб кетди. Уларнинг интеллектуал жиҳатдан етарлича ишлов кўрмай жадал пайдо бўлиши ўша йиллардаги сиёсий вазиятни кескинлаштириб юборди. Гуманитар зиёлилар норозилик ифодачисига айланди. Адиблар ўзларини «халқ овози» деб фахмладилар, бу ҳаракатда кўпроқ Болтиқ бўйидаги ҳаракатларга тақлид қилинди. Сиёсий тажрибанинг йўқлиги ва интеллектуал иш олиб борилмаслиги муҳим муаммоларни иккинчи даражалисидан ажратиб олиш имконини бермади, муҳолифат чиқишларида жиддий фикрлаш ҳамда конструктив таклифларга қараганда ҳиссиёт ва ҳаёл устунлик қиларди. 70 йил сукут ҳукмронлик қилган мамлакатда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Муҳолифат ҳаракатларини ривожлантириш Болтиқ бўйи республикаларининг дастурларини тақдорлашдан бошланди-ки, уларнинг иқтисодиёти ва жамиятнинг аҳволи Ўрта Осиёликларникидан кескин фарқ қиларди.

Мухолифат ҳаракатини баҳолаш ушбу китоб вазифасига кирмайди, бироқ улар жамиятнинг муайян қисми нуктаи назарини акс эттиргани ҳисобга олинса, жамиятнинг долзарб муаммоларига уларнинг қарашларини билиш қизиқ. Жумладан, ҳукумат аёллар ва болалар саломатлиги тўғрисида, онанинг соғлиғини сақлаш учун у туғишдан бу туғишгача бўлган вақт оралиғидаги муддатни узайтириш ҳақида журъатсизлик билан гап бошлаб, оилани режалаштиришга даъват этган чоғда, мухолифат бу демографик сиёсатни миллатнинг азалий анъаналарига суикасд деб, сал бўлмаса, миллатга қарши жиноят, деб қабул қилди. Умуман, ўзбек оппозицияси аёлларнинг раҳбарлик тузилмаларида иштирок этишига ва ижтимоий секторда ишлашига қарши бўлиб, «уй қизи» бўлган, исломий аёл унинг идеали эди.

Тил сиёсати соҳасида, миллатлараро муносабатлар масалаларида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун ҳаракат фаоллашди. Бошқа иттифоқдош республикалардаги сингари, Ўзбекистонда ҳам икки тиллилик мавжуд эди, лекин у биртекис ҳукм сурмасди: аҳолининг 80% дан зиёди рус тилини турли даражада биларди, бироқ рус тилида сўзлашувчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмасди. Ўзбек тилини ўрганишни истаганлар учун малакали педагоглар ва ўқув-услубий адабиёт ҳозиргидагидек етишмасди, ўрта мактаблар дастурларида ўзбек тилини ўрганишга кам соат ажратиларди. Тилга қизиқиш профессионал кўникмалар орттириш билан боғланмаганди.

1970–1980-йилларда расмий тарғиботда туб аҳолининг рус тилини ўрганишига катта эътибор берилди. Бу чиндан ҳам жуда муҳим вазифа эди, чунки рус тили жаҳон фани ва техника адабиётлари билан боғлайдиган кўприк эди. Оммавий мактабда хорижий тилларни ўрганиш ёмон йўлга қўйилган, малакали ўқитувчилар, айниқса, қишлоқ мактабларида, етишмай турган бир шароитда рус тилининг аҳамияти улкан эди. Бироқ рус тилини совет тарғиботига ҳос равишда жўн ва чумсал тарғиб қилишнинг ҳаддан ошириб юборилиши аҳолининг гашига тегиб, она тилининг аҳамиятига тажовуз сифатида қабул қилинди. Дарсликларнинг, айниқса, илмий ва техника соҳасидаги дарсликларнинг мутлақ кўп қисми рус тилида эди, илмий адабиётни малакали таржима қилувчилар йўқ эди, лугатлар етишмасди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши улкан пул ҳаражатларини

талаб этарди, бюджетда эса пул йўқ эди. Бинобарин, давлат тили ҳақидаги масала, энг аввало, сиёсий масала эди.

Динга тазйиқнинг бўшашиши диний ўзлиқни англаш ошншига қулайлик туғдирди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Ўрта Осиёнинг советлашуви маънавий анъананинг бузилишига олиб келди ҳамда исломнинг асосий дин сифатидаги мавқеига путур етказди. Ўзбекистоннинг замонавийлаштирилиши гарчи жамиятни дин таъсиридан анча холи қилган бўлса-да, исломни замонавийлашувга ҳамда замонавий жамият шароитига мослаштира олмади. Қишлоқда ва, ҳатто, шаҳарда ҳам турмуш уклади дин билан боғлиқлигича қолаверди. 1980-йиллардаги иқтисодий инкироз шароитида эса дин мавқеи кучайди. Қайта қуриш мусулмон даъватчилар учун имконият очиб берди, улар ҳам исломлашув жараёнига таъсир кўрсатишди, мусулмон мамлакатларда оммалашиб кетган ҳамда уларнинг сиёсий ва иқтисодий воқелигини акс эттирувчи диний таълимотни олиб келишди.

Собиқ муфтий Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф 1990 йилда «Звезда Востока» журнали билан суҳбатида исломнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида қуйидагиларни айтганди:

«Диннинг жамият ҳаётидаги роли шу бир оддий сабаб туфайли аҳамиятлидир-ки, диндор одам Аллоҳга эътиқоди туфайли, ҳар бир иши одамларга сезилмасдан қолса ҳам, унинг назаридан четда қолмаслигини билади. Аллоҳнинг жазосидан қўрққан одам ёвузликка ҳамда жиноят содир қилишга мойил бўлмайди. Мамлакатимиз мусулмонлари билан уларнинг хориждаги диндошлари ўртасидаги фарқ, фикримча, шундан иборат-ки, бу ерда атеизм ёйилганлиги муносабати билан исломга топинувчи одамлар дин келажаги учун ўзларини масъулроқ ҳис этадилар, хориждаги мусулмонлар эса диннинг сақланиб қолишида диндорлик кайфиятидаги ҳукмдорларига таянадилар.

Нима учун ҳамма одамлар ҳам диндор эмас, деган саволга келганда, Аллоҳ Қуръони каримда: «Динда мажбурлаш йўқ», – деб айтган. Чиндан ҳам, агар Аллоҳ хоҳлаганида, барча одамларни диндор қилиб яратарди. Бинобарин, Аллоҳ одамларга динни танлаш эркинлигини, бошқача айтганда, фикрлаш эркинлигини берган, чунки Аллоҳ одамларни динга мажбур қилишни истамайди, ҳамма одамлар ҳам диндор эмаслигининг сабаби шунда. Бошқа динлардагидан фарқли

равишда, бизда ҳаёт диний ва дунёвийга бўлинмайди. Ислом – дин ҳам, турмуш тарзи ҳамдир. Исломга эътиқод қилганимиз ҳолда жамиятимиздаги барча муаммоларни ҳал этишда тўла муваффақият билан иштирок эта оламиз.

Зеро, ислом учун ҳал этиб бўлмайдиган муаммо йўқ. Ҳар қандай саволга – у сиёсий бўладими, ижтимоий бўладими, иқтисодий бўладими ёки миллий бўладими, – Қуръони каримдан ҳам, суннати набавиядан ҳам жавоб топиш мумкин.

Масжидлар мусулмонларнинг – тўла маънода – бутун ҳаётида ўзига хос жамоат марказларидир. Масжидлар эшиги, миллатидан қатъи назар, ибодат қилишни ихтиёр этган барча учун очикдир.

Масжид – фақат ибодатхона эмас, у одамларни бирлаштиради, тарбиялайди, рушду ҳидоятга бошлайди. Мусулмонлар ўзларининг ижтимоий муаммоларини ва, ҳатто, айрим оилавий ҳамда шахсий муаммоларини ҳам масжидда ҳал қилишади. Масжид бор жойда одамлар бир-бирларига яхши муносабатда бўладилар, кўплаб салбий ҳодисаларнинг илди-зи қурийдиган, – бу тажрибадан маълум. Шунинг учун иложи борида кўпроқ масжидлар очишга ҳаракат қилмоқдамиз ва, маҳаллий ҳокимиятлар бизнинг бу эзгу интилишларимизни тушуниб, ёрдам берадилар, деб умид қиламиз».

Исломни маданий анъана сифатида тиклаш муҳолифат ҳаракат дастурига киритилган, лекин, унинг дастури кишлоқ аҳолисининг ҳамда кишлоқ иқтисодиёти билан боғлиқ шаҳар аҳлининг менталитетини акс эттиргани ҳисобга олинса, аслида исломнинг сиёсий компоненти кучлироқ бўлиб чиқди. Ислом кўпроқ нарсага даъво қила бошлади ва унинг мафкуравий роли жадал ортиб борди.

1980-йилларда кишлоқ кишиси шаҳар турмуш тарзига бўлган интилиш туфайли эмас, балки кишлоқ турмуш тарзи кўрсатмаларини тезроқ бажариш учун шаҳарга келарди. Шаҳарга келиб, моддий кадриятлар (кийим-кечак, техника ва ш.к.)нинг янги шкаласини қабул қилган янги шаҳарликлар ўз психологик қоидаларини ўзгартиришмасди: катта оилани, серфарзандликни ва патриархалликни кўзлашарди. Бошқа томондан эса, собиқ кишлоқ кишисининг Ўзбекистон саноатидаги сингари, фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларни ривожлантирмасдан, эскириб қолган техника ва технологиялар негизда индустриалашга мослашуви қийин эди.

Инсоннинг ижтимоий ҳатти-ҳаракатининг илк манбаи оила эди ва шундай бўлиб қолади. Илк совет даврида, уруш йилларида ва урушдан кейинги йилларда шаҳар оилаларида, айниқса, зиёлилар муҳотида ва, ҳатто, қишлоқда ҳам маълумот олиш ва касб-ҳунар эгаллашга интилувчи янги инсоннинг шаклланиши аниқ кўзга ташланган бўлса, 1970 – 1980 -йилларда бу интилиш пасайиб кетди, зарур алоқалар орттиришга бўлган майл кучайди. Иқтисодиётнинг аҳволи ҳамда ҳулқ-атворнинг «оталар ва болалар» авлодлари ўртасида ажралиш ёки қарама-қаршилик юз берган янги моделларидан ихлос қайтиши бунга кўмаклашди. Сиёсий тизимнинг қаттиқлиги туфайли ҳамда ҳамма ёқни ёлғон босган бир шароитда аввалги даврлардаги ғайрат-шижоат сўна бошлади. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тан олишга журъат этмаслик жамиятни кўнгил қайтиши, мунофиқлик ва орсиэлик домига тортди. Янги деб ҳисоблангани асоссиз бўлиб чикди, умидларни окламади, бу эса анъанавийликка қайтишни муқаррар қилиб қўйди. Унинг мавжуд тизимга мослашуви бошдан кечирилган ихлос қайтишига табиий жавоб бўлди.

Ўзбекистонда айни оила иқтисодий, маданий ва бошқа ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш воситаси бўладиган институт бўлиши, аёл мақомининг оширилиши эса бундай ўзгаришларни ўтказишда калит бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Камбағаллик ва ҳуқуқсизлик шароитида зарур бўлган анъаналар ҳамда урф-одатлар қайта кўриб чиқилиши зарур эди, бироқ бундай қилинмади. Сиёсатда эски билан янгининг ворисийлиги мавжуд эмасди, янги маданиятни ижтимоий-психологик жиҳатдан оқлаш юз бермади, фақат қарама-қарши туриш, бинобарин, ўтмишга бир даврдек ихлос қўйиш шундан эди, иқтисодиётдаги дуализм эса анъанавийликнинг сақланиб қолишига кўмаклашганди.

Бу даврда адабиёт, театр, кино асарларида ўтмиш билан ҳозирги замонни боғлашга, малол келувчи анъаналар ва урф-одатлар юкидан қутулишга интилиш бўлмаганди. Зеро, 1970-йилларда улкан эътибор топган «Келинлар қўзғолони» спектаклигина ворисийлик намунасини намоиш қилганди. Енгил кулги билан йўғрилган бу пьесада уйланиб, бола-чақали бўлган катта фарзандлар бир оила бўлиб яшайдиган мураккаб ўзбек хонадони турмуши тасвирланган. Ҳар бир оиланинг ҳис-туйғуси ва орзу-истакларини қайнонанинг зуғуми босиб турарди. Бу зиддиятнинг ечими анъаналар ворисийлиги мавқеидан туриб берилган: қарин-

дошлик ришталари мустаҳкам бўлиши зарур, лекин бунда ҳар бир оилавий жуфт шахснинг ривожланиши ҳисобга олинмоғи даркор. Пьесада гарчи консерватизмдан қочишга мувоффақ бўлинмаган эса-да, умрини яшаб бўлган анъаналардан воз кечиш дабдабасиз тақдим қилинган.

Драматургиядан яна бир мисол «Хотинлар гапидан чиққан хангома» ва «Чимилдиқ» спектакллари сахналаштирилган 1980-йилларнинг охирига тўғри келади. Уларда анъанавийлик энг адолатли ва тўғри турмуш тарзи сифатида кўкка кўтарилган. Бу комедияларнинг биринчисида эрдан фақат бахтсизлик ва ёлғизлик топган тенг ҳуқуқли, иқтисодий жиҳатдан мустақил шахснинг советларга хос модели очиб берилади. Муаллифнинг фикрича, аёл бахти – фақат унинг турмуш қуришида, эр жонивор фақир ва ҳақир бўлса ҳам майли. Иккинчи спектаклда эса келиннинг ота-она томонидан топилиши бахтли оила қуришнинг ягона тўғри йўли сифатида талқин қилинган. Пьесаларда урф-одатлар, дабдабали тўйлар ва удумлар муқаддаслаштирилган. Ўзбек маърифатпарвари ва ёзувчиси Абдулла Қодирий ҳаёти ҳақидаги пьеса айни шу йилларда қўйилган. Ёзувчининг ўғли айтишича, пьесани сахналаштиришда машҳур маърифатпарвар қарши чиққан ҳамма нарсa идеаллаштирилган.

Болали аёлларнинг уйдан ташқарида иш билан банд бўлиши айни шу пайтларда каттик танқид қилинганди. Аёлнинг ишлаб чиқаришда банд бўлишини муаллифлар оилага ва фарзанд тарбиясига берилган зарба, деб ҳисоблашган. Эрига ройиш қилмайдиган, болаларига нисбатан эътиборсиз ишчи, профессионал ёки раҳбар аёл алоҳида танқидга нишон бўлди, «у ўзи йўқлигида боласи ўзини қандай тутишини билмайди, болалар кўпинча ёмон тўдага қўшилиб қолади». Мухтарам шоираларимиз аёл киши учун тўлиқ бўлмаган иш куни ишлаб, тўлиқ маош оладиган ша-роит яратиб беришни таклиф қилиб чиқишди.

Жамоатчилик танқидининг энг кучли тифи аёлларнинг ҳокимият тузилмаларидаги иштирокига қаратилганди. Айрим адолатли жиҳатларга қўшилган ҳолда, оқибатни сабаб қилиб кўрсатаётган танқидга қўшилиб бўлмасди. Мухтожликдаги оила аёлнинг ишлашидан манфаатдордир, ҳуқуқларнинг тенглиги имкониятлар тенглиги билан баробар кечмаслиги эса бошқа гап. Аёлни номенклатура йўли билан, яъни анкетасига қараб лавозимда кўтариш ҳокимиятнинг барча даражаларида юқори лаво-

зимлар истъдодли аёллар билан бирга, кўплаб мослашувчан аёллар, зарур билимга ва малакага эга бўлмаган аёллар томонидан эгалланишига олиб келди. Лекин бу аҳвол эркакларга ҳам, аёлларга ҳам тенг тааллуқлидир. Аёлларнинг тўла бандлигини уларнинг тенг бўлмаган ҳуқуқларини янада кучайтирадиган қисман бандлик билан алмаштириш тўғрисидаги тавсия танкидчиларнинг масалани яхши билмаслиги ҳамда уларнинг консервативлигидан далолат берарди.

Жамият аҳволидан қоникмаслик сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ўтказилишини талаб қиларди. Ўзбекистонда жамият турфа хиллигича қолган эди. Замоनावийлашган мумтозлар саросимага тушиб қолганди. Эскича яшаб бўлмаслиги аён эди, қандай бошқариш ва яшаш керак, деган масала эса очиқлигича қолаверганди. Шунда бунинг жавобини яна биринчи бўлиб адиллар таклиф этишди. Жавоб: «бизнингча» яшаш, анъаналар ҳамда урф-одатлар белгилаб берган қоидалар бўйича яшаш керак, деган гапдан иборат эди. Ўзгаришлар юки остида эзилган халқни уйғотиш йўлини улар шунда кўришганди. Иқтисодий муваффақияти пахта якка ҳокимлигига асосланган қишлоқ иқтисодиёти билан коррупциялашган бюрократиянинг ўзига хос дуэти натижаси бўлган, уруғ-аймоқчилик ва юртдошлик ришталари билан чамбарчас боғланган, ёзилган қонунларни тусмоллаб биладиган ва битилмаган қонунларга деярли ялпи амал қиладиган хуфия иқтисодиёт домига тортилган аграр республика мустақиллик бошида ларзалар ёқасига келиб қолган эди. Занфлашиб бораётган иқтисодиёт, деярли ҳамма жойда барча даражадаги маъмуриятнинг ўзгариши, советларга хос барча нарсани тафтиш қила бошлаган муҳолифатнинг чиқишлари, этник можаролар авж олиши, миллий ва диний ўзликни англашнинг юксалиши, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар учун янги ғояларнинг етишмаслиги, Москвадан бериладиган дастуриламалга кўз тикиш, айримларнинг кўрсатмалар берилишига умид боғлаши ва, бошқаларнинг эса, сиёсий портлашларни авж олдириши, жамиятнинг сиёсийлашуви турмуш даражаси пасайиши ва умумий камёблик ҳолатида портлаш хавфини юзага келтирганди.

Ҳокимият билан жамият ўртасида ишончсизлик орта борди, жамият бўлинди. Муҳолифат ҳамма нарасада ҳукуматни айбларди, қишлоқ эса шаҳарни ўз қулфатларининг сабабчиси ҳисобларди. Ўзбекча таълим олган гуманитар зиёлилар русча таълим ол-

ган техника зиёлиларига ишончсизлик билдирарди. Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши билан боғлиқ ҳолда этнослараро ва динлараро муносабатларда кескинлик кучая борди. Рус тилида сўзлашувчи аҳоли беқарорликни ҳис этиб, тарихий ватанига интила бошлади. Ошкоралик етишмаслиги натижасида жамиятда миш-миш кўпайди. Жамиятнинг қуёи табақаларида миллий ғоя диний қобикқа ўрала бошлади. Одамлар жавобини топа олмаган саволлардан қочишга ёки уни диндан излашга уринишди. Дин тазйиқдан халос бўлгач, конфессионал муҳит кенгайди ҳамда мустаҳкамланди. Диний жамоалар сони жадал кўпайиб борди. Диний мактаблар очилиб, ёшлар ва аёллар билан тўла бошлади, масжидлар яна ижтимоий фаоллик марказига айлана борди. Янги давр бошланиб, Ўзбекистон мустақиллик бўсағасида турарди.

Шундай қилиб, совет даври минтақанинг ривожланишида туб ўзгаришлар қилди. Марказий Осиёда модернизация томон маърифатли силжиш рўй берди. Бироқ совет сиёсий ва иқтисодий тизимларининг хусусиятига кўра ўзгаришлар барқарор бўлмади. Ўзбекистон жамияти замонавий жамиятнинг ташқи хусусиятларига эга бўлгани ҳолда ўтмишнинг такрорланиши таҳдид солаётганини гўё ҳис этмаётгандай эди. Бироқ бу ички таҳдид эди, чунки совет тизими даврида ўтмишга ҳос бўлган аввалги ижтимоий муносабатлар тикланиши учун ижтимоий ва иқтисодий шароит сақланиб қолганди, аҳоли асосий қисмининг менталитети эса, умумий саводхонликка қарамай, ҳам давлатнинг, ҳам жамоа ва оиланинг ҳукмронлигига асосланган ёпиқ социумда шаклланди. Бироқ ташқаридан келган таҳдид ҳам бўлиб, мусулмон олами Марказий Осиё бағрида ўтмишга қаратилган радикал ғоялар, окимлар ва ҳаракатларни ундириб, уни ўз орбитасига тортаётган эди.

Ҳаётнинг барча томонларини режалаш ва бошқаришда битта партиянинг якка ҳокимлиги, коммунистик мафкура ҳамда бўлакча маслакни бўғувчи репрессив аппарат ва, энг муҳими, барча ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулкчилиги ҳукм сурган СССРнинг етмиш йиллик тарихи поёнига етди. Демократия ва эркин иқтисодиёт томон ҳаракат қилинадигандек кўринган эди, гўё. Бу сиёсий йўналиш ўзгаришни ва жамиятнинг маънавий ҳаётига қадриятларнинг янги тизими кириб келишини билдирарди. Бироқ «тенглик» борасида совет намунасидаги мафкурарий

қолиплар ҳамда анъанавий қадриятлар жамиятда қуйидан юқоригача яшовчан бўлиб чиқди ва янги иқтисодий шароитга мослашишда асосий ғовга айланди.

Натижада сиёсий мумтозлар аста-секин келажакка ишонччи йўқота борди. Мустақилликнинг эълон қилиниши ўтмиш мафқурасига ишончнинг путурдан кетиши натижаси бўлганди, ислохотлар қилиш зарурияти эса янги мустақил давлатларнинг дастурий ишига айланди.

Совет даври натижаларига кўра Ўзбекистон аёллари таълим савиясида, ҳуқуқларининг эркаклар билан қонуний тенглигида, ижтимоий ва касбий фаолиятда иштирок этишда, ижтимоий ҳимояда мусулмонлар Осиёси ва Мағрибдаги биронта ҳам мамлакат кўрмаган даражага эришдилар. Хотин-қизлар аҳволи дунёвий қонунлар билан бошқарилганлигининг ўзиёқ ҳатто Миср сингари ривожланган мусулмон мамлакатлари учун ҳам эришиб бўлмайдиган чўкки эди. Бирок аёлларнинг замонавийлашувига оила ва жамият тўсқинлик қиларди, чунки уларда муносабатлар *шариат* томонидан «миллий анъаналар» ниқоби остида бошқариларди. Аёлларнинг тенгҳуқуқчилиги, Ғарбдаги сингари, хотин-қизлар ҳаракати фаолиятининг натижаси эмасди (ва бундай бўлолмасди ҳам). Хотин-қизларни озод қилиш давлат сиёсати дастури сифатида содир бўлиб, аниқ кўриниб турган иқтисодий ва мафқуравий мақсадларни назарда тутарди. Эмансипацияни партия-давлат органлари ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмалари ҳамда маориф тизими иштирокида амалга оширишганди, бахтни эса зўрлик билан қўлга киритиб бўлмасди.

Шундай бўлса-да, хотин-қизларнинг уч авлоди ўз мамлакатларидаги ўзгартиришларнинг фаол иштирокчилари бўлишганди. Улар ўз ижодлари, меҳнати ва ғоялари билан Ўзбекистон киёфасини ўзгартириб, уни замонавийлаштириш ишига хизмат қилишганди. Бирок уй ҳўжалиги буткул эскичалиги ҳамда йўлга солинмаганлиги, қашшоқлик ва уй ҳўжалигини юритишда асқотадиган – озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб уй-рузғор техникасигача – барча нарсанинг камёблиги ишловчи аёл зиммасига тушадиган юкни кўпайтириб юборди. Бундай шароитда тенглик ғояси жилосини йўқотарди (у ижтимоий ишлаб чиқаришда тенг меҳнат қилишдан иборат қилиб қўйилганди), тенг меҳнат учун эса аёлларга эркакларникига нисбатан кам ҳақ тўланарди. Шунинг учун хотин-қизлар тенг ҳуқуқчилиги ғоясини танқид аёл-

ларнинг бир қисми томонидан қўллаб-қувватланди. Раҳбар аёл кадрларни анкета маълумотларига кўра танлаш бўйича совет кадрлар сиёсати аёлнинг мустақил ижтимоий фаоллигини, унинг фукаролик позициясини рағбатлантирмасди. Шу сабабли, аёлларнинг анча юқори ижтимоий мақомига қарамай, СССРда хотин-қизлар ҳаракати бўлганлиги тўғрисида гапириб бўлмайди. Иқтисодий инқироз оқибатлари кўрина бошлаган ҳамда меҳнат бозорида рақобат кучайган ўтиш даврида аёллар муаммолари кескинлашганини айнан шу ҳолат белгилаб беради, лекин айтиш шунанга бугун аёлларни ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш учун ҳамда ўзининг ижтимоий мақоми пасайишига қарши курашга ундайди.

БУГУНГИ ВА БУ ЕРДАГИ АҚВОЛИМИЗ

*Олис ишора-ю, яқин ҳасратлар,
қандай Сизларни уқиб тушунай ...
(А. Блок)*

Аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлардан иборат бўлган дунёвий давлатларда ҳам давлат раҳбарлари ўз сиёсатларини диний қондалар билан тасдиқлашга интилишади. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно бўлмади-ки, бу ҳолат мустақилликнинг дастлабки йилларида исломлашиш жараёни қуйидан борган шароитда, айниқса, кўзга ташланди. ОАВ исломий лафзлар билан лик тўлди, улар давлат раҳбарининг ҳамда нисбатан қуйи даражадаги арбобларнинг расмий нутқларида, олимлар, журналистлар ҳамда муҳолифатнинг чиқишларида бор эди ва ҳозир ҳам мавжуд.

Ислом нормаларидан ажралмас анъанавийлик Ўзбекистон ҳукумати томонидан эълон қилинган миллий мафкура элементларидан бири бўлиб қолди. Маҳалла институтининг мустаҳкамланиши оқибатида одамлар ҳаётида диннинг роли ошди, диндорлар сонининг кўпайиши эса исломий таълимнинг норасмий тармоғи кенгайишига олиб келди. Қиз ва ўғил болалар учун диний мактаблар, ислом асосларини ўрганадиган катта ёшли аёллар учун диний тўғараклар, диний адабиётнинг, аудиокассеталарнинг тарқатилиши, ислом ҳақидаги телекўрсатувлар турмушнинг оддий аломатлари бўлиб қолди. Дин таъсиридан холи бўлган жамият билан анъанавий жамият ўртасидаги нисбат сўнгисининг фойдасига ҳал бўлди, иктисодиётнинг замонавий сектори инқирози ва фуқаролик жамияти институтлари етарлича ривожланмаганлиги оқибатида эса жамиятнинг дунёвий қисми ривожланиши учун негиз кескин қисқариб кетди. Мустақил жамоат ташкилотлари, ноҳукумат ташкилотлар (НХТ) 1992–1995 йилларда яшаш учун ҳуқуқни базўр қўлга киритардилар. Ҳукумат томонидан яратилган сохта НХТ эса ўз фаолияти ва таркибига

кўра демократик тартибот ва ҳақиқий мустақил фаолият ёт бўлган давлат ташкилотларидан кам фаркланарди. Ҳукумат ўйлаб топилган шиорлар билан тўлдиришни истаган мафқуравий бўшлиқ жамиятни ўз ортидан эргаштира олмади. Шундан сўнг янги шиорлар дунёвий типдаги хилма-хил тадбирлар – ўқув юр-тларидаги, маҳаллалардаги ва корхоналардаги оммавий йиғинишлар, конференцияларда олға сурила бошланди. Айни маҳалда МДХ бошқа мамлакатларидан ахборот олиб, танишиш имконияти чегараланиб қолди. Оддий одамлар Москвада чоп этилган газеталар, журналлар, китоблардан амалда баҳраманд бўлолмай қолди. Жамиятнинг сиёсий мазмун касб эта бошлаган исломлашуви учун йўл шу тариқа очилди. Ислом тарғиботи на-тижасида анъанавий жамият мустаҳкамланди ҳамда Ўзбекистон-да ислом муқобили имкониятини ҳақиқатан ҳам кучайтирди. Жамиятдаги теократик кайфиятни ҳукуматнинг ўзи кучайтирди. Миллий кадрият мақоми берилган ислом анъаналари мустақил-ликнинг дастлабки йилларидаёқ модернизацияга тўсқинлик ки-либ, Ғарб кадриятларининг жамият томонидан чеккага сурили-шига кўмаклашди.

Ҳукумат бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича эълон қилган ка-питалистик тараққиёт ўрнига исломчилар жамиятни исломлаш-тиришни барча ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос йўли сифатида тарғиб қилишмоқда. Ҳуку-мат уламоларни ўз томонида тутиб туришга уринмоқда ҳамда расмий руҳонийларни, албатта, совет давридагига караганда эр-кинроқ шароитда, давлатга хизмат қилдиришга интилмоқда. Шу муносабат билан диний ўқув юртлар сони кўпайтирилди, ислом университети очилди. Ҳукуматнинг назарида янги миллатнинг давлат қурилишида исломга таяниш фуқаролар кўпчилигининг диний менталитети ҳамда айнанлашуви туфайли зарурий шарт бўлиб кўринди. Лекин бир қанча қонуниятлар борки, давлат уларга риоя қилар экан, ислом ақидалари билан тўқнашмаган тақдирда ҳам, уларга қўшилмасликка муқаррар равишда маж-бур бўлади.

3.1 Ҳуқуқни қўлга қандай киритмоқ мумкин

Шарқдаги мустамлакачиликдан кейинги жамиятларда хотин-қизлар ҳаракатининг авж олиши замонавий кўринишдаги дунё-

вий давлат куриш сиёсатини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқлиги тарихдан маълум бўлмоқда. Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлардаги сингари, советлардан кейинги Ўзбекистонда янги давлатчиликнинг курилиши эркин кадриятлар устун турадиган жамиятни барпо этиш ғоясига асосланади, бу аввалги сиёсий тизимдан воз кечишни ҳамда мавжуд институтлар ҳамда анъаналарни ўзгартиришни билдирарди. Жамиятнинг янги институтлар ҳамда ижтимоий муносабатлар учун очкилиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни рағбатлантириши мумкин эди; масалан, хотин-қизлар ҳаракати шундай ҳаракатлардандир.

Бундан, айниқса, хотин-қизлар манфаатдордирлар, чунки СССР парчаланиши даврида дин тикланди ва анъаналар кучайди. 1990-йиллар бошида кишиларнинг ўз диний жамоаларига боғлиқлигини мустаҳкамловчи тенденция устунлик қилди. Жамият сиёсий кучларининг бир қисмида дин ва анъаналар бирлаштирувчи омиллар родини ўйнайди, деган тасаввур пайдо бўлганди. Бироқ бу кучлар Ўзбекистонда жамият, Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлардаги каби, кўпдинли ва кўпэлатлилигини, бундай шароитда дин (ушбу ҳолатда – ислом) ва анъаналар (уларнинг қай бири ўзбек халқиники?) бундай роль ўйнай олмаслигини, аксинча, можаролар манбаига ҳамда жамият ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилга айланиши мумкинлигини ҳисобга олмадилар.

Советлардан кейинги давр ҳукуматларнинг сиёсатини ўз вақтида тўғрилаб бориш учун тегишли баҳоланмай қолган ҳодисалар билан тўла эди ва улар қабул қилган қарорлар кўпинча давр талабидан ортда қоларди. Бунда тафаккурнинг сустлиги ҳам, ҳокимият тепасига келган айрим ҳукумат маслаҳатчиларининг ўз ишини яхши билмаслиги ҳам, анъанавийлик устун бўлган ўзбек жамиятининг алоҳида таркиби ҳам ўз таъсирини ўтказганди. Иқтисодий ва сиёсий ислохотлар жараёнининг ортда қолаётгани анъаначиларга, шу жумладан исломчиларга ҳам, ўз тарафдорлари доирасини кенгайтириш ва тўсикқа айланиш, баъзан эса фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини, биринчи навбатда аёллар ҳуқуқларини ва номусулмон аҳоли ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ҳаракатига нисбатан таҳдидга айланиш учун вақт яратиб берди. Конституцияда фуқароларнинг жинси, миллати, динидан қатъи назар тенгҳуқуқлилиги ғояси эълон қилинганлигига қарамай, со-

ветлардан кейинги жамиятда содир бўлган ҳодисалар аҳолининг анъанавийлик билан боғлиқ бўлмаган қисмида ташвиш, ҳавотирлик уйғотди, кейинчалик эса уларнинг кўчишига сабаб бўлди. Улар диннинг ва анъаналарнинг тикланишини, бу жараённинг агрессивлигини фуқаролик ҳуқуқларига таҳдид, деб билдилар.

1990–1994 йилларда аёллар устидан назорат, айниқса, уларнинг ахлоқи ва иқтисодий мустақиллигидан ташвиш тортиш ОАВдаги мунозараларда марказий ўринни эгаллади. Аёлнинг миллий жиҳатдан муҳим масалалардаги ўрни таъкидланиши ҳамда унинг зиммасига «миллат онаси» деган фахрли вазифанинг юкланиши хотин-қизларнинг анъанавий аҳволини, эркакка мутелигини ҳамда унинг оламини тўрт давр билан чеклаш талаби билан бир вақтда тўғри келди. Миллатнинг тикланишида аёлнинг «алоҳида» ролининг ҳамда у ҳақда ғамхўрлик қилишнинг эълон этилиши анъаначиларнинг уни давлат сиёсатидан четга чиқариб ташлашга уринишини ниқобларди: аёллар қарорлар қабул қилинадиган даражага кўтарилмасди, уларнинг меҳнат фаоллиги қисқарарди. Бир томондан, ёзувчилар ҳамда журналистларнинг исломий ва миллий лафзларида аёл асраб-авайланиши лозим бўлган миллат рамзи мақомига кўтарилади, бошқа томондан эса, унинг юксак ахлоқий фазилатларини муҳофаза қилиш учун уни назорат қилишни кучайтириш талабида, балки, онглилик камроқ кўринар. Бунда айни юксак ахлоқли «ўз» аёлларимиз «бошқа» миллатлардан асосий фарқ қиладиган нарса эканлиги мунтазам таъкидлаб келинди. Шоира Қутби Носирова «миллат онаси»нинг қуйидагича вариантини таклиф этади:

«Миллат онаси етук, зийрак ва жасур бўлиши лозим. У мустақиллик ва эрк нималигини аниқ тушуниши зарур. У Тўмарисга, Бибихонимга, Хонзодабегимга, Гулбаданбегимга, Қурбонжон додҳога, Анбар отинга, Зулфияга ўхшаши даркор».

Мустақиллик оналар мақомини юксалтирди. Улар бугун фаол ва тараддудга туришган. Она жамиятдаги ҳуқуқларини қўлга киритди ва, онага бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг тикланишига кўра унинг миллат фахри эканлигидан ифтихор туйғуси, ўз «мен»ини англаши ортади. Ўз «мен»ини англаган она, қиз ўз қадр-қимматини ҳамма нарсадан юқори баҳолашади. Ўзбек оиласида она доим ҳурматда бўлган, «онангни қўлингда кўтарсанг, синглингни бошингда кўтар», деган мақол ҳам

бор. Ўзбек оилаларида аёллар оғир меҳнатдан авайланади, ҳатто уларнинг челақда сув ташишига ҳам йўл қўйилмайди. Совет даврида эса унинг қисмати оғир бўлганди. У «темир хотин»га айлантириб қўйилганди».

Анъаначилар кайфиятини акс эттирган гуманитар зиёлилар тасаввурда аёллар миллий жихатдан мақбул доирада патриархал стереотипларга мос келадиган ўрин тутиши лозим эди. Улар Ғарб аёли қиёфасини танқид қилишди ва, ҳатто, иблиснамо қилиб таърифлашди. Юксак ахлоқли, адабли, назорат остидаги «алоҳида» Шарк аёли ва гўёки истеъмол буюмига айлантириб қўйилган, шахвоний жихатдан фойдаланиладиган ва фахш Ғарб аёли қарама-қарши қўйилади. Бу усул «ўз» аёлларига Ғарб аёллари эга бўлган ҳуқуқларни бермаслик ва гендер соҳасидаги тенг ҳуқуқлилиққа қарши чиқиш учун қўлланилади. Анъаначилар назарида «замонавийлик», «ёт нарса»га хавфли даражада яқин туради, «замонавий аёл» тушунчасини эса миллий кадриятлар ва анъаналарга сотқинлик билан боғлашди. Анъанавий кайфиятдаги зиёлилар шу тариқа Ғарб таъсирига буткул қарши чиқаётган исломчилар позициясига яқинлашадилар. Анъаначилар Мустақилликнинг эълон этилишини ислом ва исломий бирликнинг тикланиши билан айнан бир хил нарса, деб баҳолайдилар.

Анъаначилар хотирасида совет ҳокимияти Ўрта Осиё жамиятини замонавийлаштириш учун ўз даврида хотин-қизларни «озод этиш» сиёсатини олиб боргани қолган, шу боис улар хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини хотин-қизлар ҳуқ-атворининг Ғарб мустамлакачиларига ҳос моделини жорий этиш ҳамда Ғарб таъсири остида таслим бўлиш сифатида қабул қиладилар. Хотин-қизлар ҳуқуқлари кенгайтирилганда айрим диний ва миллий кадриятлар кадрини йўқотиб, барҳам топади, деб улар ҳақли равишда хавотирга тушишди, чунки улар анъана деб тушунган нарса замонавий жамиятнинг янги кадриятларига мувофиқ келмайди. Бунинг сабаби модернистик ҳукуматнинг ёвуз нияти эмас, балки тараққиёт мантикидир. Тараққиёт аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишини, қонун олдида расман ва ҳақиқатда тенглигини ҳамда оммавий таълим орқали ижтимоийлашувини талаб этади. Оммавий ахборот воситалари эса, аёллар фуқароларнинг онгли тарбиячилари бўлишлари учун, хотин-қизлар ҳуқ-атворининг янги моделларини ҳамда ижтимоий оннинг янги типини жорий этиши лозим эди. Аёл ўзини фуқаро сифа-

тида англаган тақдирдагина бунга эришиш мумкин эди. Шунга келганда, ОАВ ҳам, кўпчилик, шу жумладан маълумотли аёллар ҳам вазиятни тўғри баҳолай олмадилар ҳамда жамиятни замонавийлаштириш бўйича ислохотларни эълон қилган ҳукуматни қўллаб-қувватлашни уддаламадилар. Гендер муаммоларини ёритишда ҳукуматнинг ишорасига тегишли муносабат билдирилмади, ОАВ эса, аслида анъаначилар жарчиси бўлиб, билиб-билмай модернизация душманига айланиб қолишди.

1994 йилдан, фуқаролар томонидан тузилган НХТ пайдо бўлгачгина, гендер тенглик деб аталадиган нарсани тушунтириш иши бошланди. Бу вақтга келиб аёлнинг сиёсий соҳадаги, меҳнат бозоридаги ва, айниқса, оиладаги мақоми анча пасая бошлади. Маданий ўтмиш химоячилари сифатида ўзларини кўрсатмоқчи бўлган консерваторлар ҳамда анъаначилар аёлларни патриархал тарзда назорат қилишни, яъни аёлнинг иккинчи даражалилигини ва унинг инсоний ҳуқуқларининг камситилишини талаб эта бошладилар. Айни мана шундан сўнггина маълумотли аёлларнинг бир қисми ўз ҳуқуқларига ҳамда ижтимоий мақомига таҳдидни ҳис қилгач, бунга муносабат билдира бошладилар, шу тариқа Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракати, ҳар ҳолда, юзага келди. Аёллар ўзлари ва ўз ҳуқуқлари ҳақида журъатсизлик билан ва базўр гап бошладилар. НХТ қуйидан тузила бошланди ва Президентнинг 1995 йил 3 мартдаги «Аёлларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш тўғрисидаги» Фармониюгина уларга, талаблари ҳақлиги туфайли, оёққа туриб олиш имконини берди. Хотин-қизлар ҳаракати аёлларга турфа хил ва замонавий бўлишларига имкон яратиб бериши мумкин бўлган миллий монандлик воситасини ҳозирок изламоқда. Бу ҳаракат хотин-қизларни ўз мамлакатидида иккинчи даражали фуқарога айлантиришни истовчи тенденцияларни излаб топади ва танқид қилади, улар ҳақида хабар бериб, ўз фаолияти билан уларга қарши курашади.

XX асрдаги замонавий жамиятлар Ғарбдаги сингари, Шарқда ҳам гендер масаласида патриархалликнинг аёлни назорат қилиш ва бўйсундиришга асосланган анъанавий шаклидан гендер муносабатларнинг эркаклар ва аёллар шериклигини назарда тутувчи биродарлик шаклларига ўтиш жамиятларидир. Тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида аёлларнинг ҳуқуқлари юридик тан олинishi эркаклар ва аёлларнинг ҳозирги гендер муносабатларининг расмий асоси бўлди. Бироқ аслида бутун дунёда патриархалликнинг

гендер соҳасидаги тенгликка ўтиши жуда нотекис ва оғир кечмоқда. Мустамлакачиликдан кейинги мамлакатлар замонавий фуқаролик институтларини барпо этиш учун, биринчи навбатда, жамият онгини ўтмиш юкидан тозалашлари шарт. XX асрда патриархаллик хусусийгина эмас, балки ижтимоий патриархаллик шаклини ҳам касб этди-ки, Совет Иттифокида гендер муносабатлари шу тариқа содир бўларди. Таниқли тадқиқотчи Дениз Кандиотти мустамлакачиликдан кейинги жамиятларда гендер муносабатларидаги ўзгаришлар тўғрисида бундай ёзади:

«Хусусий патриархаллик аёлларни ижтимоий ҳаёт соҳасидан бир мунча четлаштиришга ҳамда унинг фаолиятини ўй хўжалиги доираси билан чеклашга, шунингдек унинг вазифалари доираси оилаларнинг айрим отахонлари ёки улар хонадонининг оқсоқоллари томонидан белгиланишига асосланган. Ижтимоий патриархаллик давлатдаги бандликка асосланади: аёллар энди ижтимоий ҳаётдан четлатилмайди, бироқ ички субординацияга бўйсунди. Унинг меҳнат соҳаси қўлланиладиган жамоа шакллари тобора кўпроқ пайдо бўлади, бу эса хусусий патриархалликнинг индивидуал характери ўрнини босарди. Аёл ҳуқуқларини патриархиядаги тарихий ўзгаришлар билан қовуштирадиган истиқболда модернизациялашаётган кўплаб давлатларнинг миллий лойиҳаларида хусусий ва ижтимоий патриархаллик орасига арқон тортиш воқеъ бўлади (давлат аёлни арзон иш кучи деб ҳисоблайди, эр эса ҳақ тўланмайдиган уй ходимасига эга бўлишни истади).

Чиндан ҳам, бюрократ ёки туман комиссари билан эркак, оила бошлиғи, қабила оқсоқоли ёки маҳаллий мулла ўртасида аёллар қалби (аёлларнинг таълими масаласидаги мунозаралар) ҳамда жисми (туғилишни назорат қилиш бўйича мунозаралар) учун курашни кўриш мумкин. Бу кураш дунёвий миллатчилик учун катта аҳамиятга эга ҳамда аёлларни улар фуқароликнинг «умумий» салтанатига кириши тўғрисида огоҳлантиради. Аёл устидан қариндошлик асосидаги уй назоратини «хусусий» назорат сифатида таърифлаш шундай турдаги субординацияни ўз сиёсий мақсадлари йўлида бошқарадиган бошқарув тизими мавжуд бўлишини тақозо қилади. Бироқ, аёлнинг жамоа (ҳинди ёки мусулмон жамоа) томонидан қораланиши бир масала бўлса, у бирон-бир динни ижтимоий сиёсат, ижтимоий қонунчилик ва миллий

мансублик сифатида қабул қилган режимда яшаши бошқа масала. Давлат қурилишининг бир босқичида «хусусий» деб белгиланган соҳа бошқа босқичда «ижтимоий» соҳадаги турли-туман тузоқлар билан пайдо бўлади. Бу босқичлар чегаралари ўзгарувчандир».

Мустақиллик эълон этилиши биланок сиёсий мумтозлар ўзларининг иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказиш истакларини маълум қилишди. Гарчи демократия ва эркин иқтисодиёт ислохотлар пировард мақсади деб эълон этилса-да, фуқаролик маданияти ва ижтимоий онг савияси юқори доираларда ҳам, қуйи доираларда ҳам ўша-ўша экан, маъқур мақсадга эришиш муаммолигича қолаверди. Юқорида таъкидланганидек, совет тизими ғайрат-шижоат, сабр-тоқат ва борида қаноатланиш ҳиссини уйғотадиган сиёсий «эътиқод» асосига қурилганди. Бироқ бу эътиқодга путур етди ва у ўз имкониятларини тугатиб битирди. Бундай ноаёнлик вазиятида икки йўлдан бирини танлашга тўғри келарди, яъни ё фуқаролик жамияти янги сиёсий маданиятини тарбиялаш, ёки янги эътиқоддан фойдаланиш зарур бўларди. Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-психологик хусусияти шундай бўлиб чиқди-ки, аҳолининг кўпчилик қисми учун, шу жумладан ҳатто зиёлилар учун ҳам бир эътиқод – коммунизмни бошқа эътиқод – ислом билан алмаштириб, эътиқод сиёсий маданияти доирасида қолиш осонроқ кечди. Зеро янги фуқаролик сиёсий маданиятини тарбиялаш бўйича саъй-ҳаракат етарли бўлмади, чунки вақт бой берилган эди. Демократик тизим яратиш имконини берувчи янги сиёсий маданиятни шакллантириш Ўзбекистонда мавжуд бўлган принциплардан буткул фарқли бўлган принципларга асосланади. Ғарб тадқиқотчиларининг фикрича, демократик мамлакатлар аҳолисининг ижтимоий-психологик тавсифи қуйидагилардан иборат:

- индивидуумнинг ўз сиёсий аҳамиятини ҳис этиши, оддий фуқаро сайлов тизими орқали давлат сиёсатида таъсир кўрсатиши мумкинлигини тан олиш;
- ҳар бир кишининг жамоат ишларида қатнашуви мажбурийлигини сўзсиз эътироф этиш;
- бошқа одамлар билан сиёсат масалаларини эркин муҳокама этишда ифодаланадиган ички эркинлик ҳисси;
- индивидуумнинг бошқалар билан жамоат ишларида ҳамкорлик қилишга ҳозирлиги;

- ижтимоий ва давлат институтларига ишонч, фуқаролар муаммоларининг давлат хизматчилари томонидан адолатли кўриб чиқилишига бўлган умид;
- ўз мамлакати давлат қурилиши тизимидан фахрланиш;
- сиёсатга қизиқиш, ҳукумат сиёсатининг ҳамда сиёсий жараёнларнинг моҳиятини тушуниш.

Ушбу фазилатларга эга айнан индивидуум идеал фуқаро бўлади, шундай кишиларни тарбиялаш имкониятини берадиган тизим эса демократик ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролари ушбу фазилатларга канчалик эгалликларини кўриб чиқайлик. Таассуфки, Ўзбекистон фуқаролари юқоридаги фазилатларнинг биронтасига ҳам эга эмаслар. Бунда демократиялаш масаласида гапдан ишга ўта олмаган ҳукуматнинг ҳам айби бор. Сўнги бутун бир ўн йил ичида эътиқод сиёсий маданияти фуқаролик жамияти сиёсий маданиятига ўсиб ўтмади, чунки давлат сиёсати зиддиятли, маъмурият коррупция домига илинган, анъанавийлик эса ижтимоий онгни ўтмишда тутиб туришда давом этарди.

Энди СССР мавжуд бўлган сўнги йилларда ҳамда мустақилликнинг илк йилларида нималар бўлганини кўриб чиқайлик. Совет тизими асосан консерватив позициядан туриб танкид қилинди. Модернизация душманлари, жамиятни исломлаштириш мафкурачилари динга тазйиқ бекор қилинганидан фойдаланиб, миллий, яъни диний анъаналарга асосланиши лозим бўлган тизимнинг тикланиши сифатида миллий мустақилликни эълон қилиш учун курашдилар. 1980 йиллар охири – 1990-йиллар бошида Ўзбекистонни сиёсийлаштиришда исломий таркиб каттик сезилиб турди. Ота-боболар дини сифатида исломга қайтиш миллатнинг маънавий уйғониши ҳамда миллатнинг маданий аҳволини юксалтиришнинг асосий воситаси сифатида таклиф қилинди. Қайта қуришга кадарок инқилобдан олдинги ва мустамлакадан олдинги нарсаларни идеаллаштириш бошланган эди ва у мустақиллик йилларида ҳам давом эттирилмоқда. Миллатнинг тикланиши рамзи аёл бўлиши ва у, энг аввало, исломий бўлиши, анъаналарга, тўғрироғи, дин қонунларига мувофиқ яшайдиган кишиларни дунёга келтириши даркор эди.

1986 йилдан исломга қайтиш жараёни кучая бошлади. 1991 йилдан диний фаоллик жамиятда марказий ўринни эгаллай бош-

лади: зиёратчилик, масжидлар қурилиши, диний адабиётнинг кўпайиши ва унинг дунёвий адабиётга таъсири, масжидларда азон айтиб намозга даъват қилиш, ўранган аёлларнинг пайдо бўлиши жамиятда аҳолининг ижтимоий қадриятларини ўзгартирувчи туб ўзгаришлар юз бераётганидан далолат берарди. Хукуматнинг динга фақат шахс маънавияти соҳасини қолдириш бора-сидаги уринишлари самарасиз бўлиб чиқди.

Айни маҳалда сиёсий мумтозлар эркин иқтисодий қарор топтириш ва унга мос ижтимоий ислохотни кўзлаш сиёсатини эълон қилиши билан бирга диний кайфиятдан ҳам фойдаланиб қолди. Жамият кўпчилик қисмининг диний эҳтирослари яширин, баъзан эса ошкора ҳолда ҳукумат томонидан жамиятни Ғарб намунаси бўйича модернизациялаш йўлига қарши бўлиб чиқди. Аёлнинг ижтимоий мақоми масаласида бундай зиддият ошкора намоён бўлди. Аёллар мақоми мавзусидан жамиятда ва ОАВда, бир караганда, сиёсий мақсадларсиз, балки фақат ижтимоий ахлоқ ва жамият ҳамда оила маънавияти нуқтан назаридан, маҳорат билан фойдаланилди. Бундай чиқишлар муаллифлари пировард натижада, жамиятнинг модернизациялашга, жамият аъзоларининг ярми ижтимоий жараёнлардан четга чиқариб қўйилган ҳолларда амалга ошириш мумкин бўлмаган ислохотларга истаб-истамай қарши чиқишарди. Айни маҳалда шу муаллифлар аёлларнинг совет давридаги аҳолининг кескинлиги билан салбий баҳолаган ҳолда, унга ўз оламининг хонадон ва оила даражасида тўрайитишини таклиф эта бошладилар, оиладаги мажбуриятларнинг бажарилишини эса ижтимоий эзгулик даражасига қўтардилар.

Гуманитар миллий зиёлиларнинг бир қисми Расулиллоҳ Муҳаммад ва мутақаллимлар нуфузига таяниб ўз нуқтларида ўрта асрлар диний догматикасига асосланарди. Башарти аёл эр-как кишининг соясига айланса, жамият ҳаёти ва айрим оилалар ҳаёти яхшиланиб, атрофдаги ҳозирги олам мукаммалроқ бўлишига, айни ўша соялик ҳолати чинакам тенг ҳуқуқлилиги эканлигига жамиятнинг ишонтириш учун ОАВда диний тоқатсизлик, ўрта асрлар манбаларидан иқтибослар, ўзбек аёли номига чучмал мактовлар аралашмасидан иборат ғалати нарса тақдим этила бошланди. Бемаъниликдан бўлак нарса эмасди бу! Бу мулоҳазаларда ақлдан йироқлик ҳозирги дунёни тушунмаслик билан, зарур ўзгаришлар мантиқини тушунмаслик билан қовушиб кетганди. Журналистика савияси Ўзбекистонда иқтисодий ва сиёсий

тизимларни жадал замонавийлаштириш зурурлигини тушунтириб беришга қодир бўлган етарлича сиёсий ва интеллектуал куч йўқ эканлигини кўрсатди.

Ўтиш даврида патриархал тартибга ва муносабатларга эга анъанавий жамият роли ошиб борди, у гарчи совет даврида ҳам мавжуд бўлган эса-да, бундай тан олинмаганди. Анъанавийлик колхозлар ва совхозларнинг социалистик пардаси ила яширилганди, шаҳарда эса у савдонинг, хизмат кўрсатиш соҳасининг расмий ҳимояси остида ва, қисман енгил ҳамда маҳаллий саноатнинг давлат сектори ичида ва бошқарувнинг қуйи тузилмаларида мавжуд бўлган хуфия секторда ҳукм сурарди. Анъанавий жамият совет тузумининг деярли феодал тузилмаси билан бирга эскирган ишлаб чиқариш муносабатларинигина эмас, балки юзлаб йиллар давомида илдиз отган, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик билан боғлиқ қарашлар ҳамда хатти-ҳаракатларни тиклаб, замонавий секторнинг кенгайишига тўсқинлик қиларди.

Совет давлати, бир томондан, жамиятнинг замонавий сектори ривожланишини бошқарган ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида диннинг роли ва таъсирини чегаралайдиган аниқ чора-тадбирларни амалга оширган бўлса, бошқа томондан, унинг ўзига патриархал хусусиятлар, норасмий даражада эса – патриархал муносабатлар ҳос эди-ки, айти шу ҳолат анъанавий жамият барқарорлигини ҳамда анъаналар кучини белгилаб берарди. Ҳарб феминист аёллари гап юритган ижтимоий патриархия мана шунда намоён бўларди. Шу муносабат билан, Марказий Осиёдаги советлардан кейинги мамлакатларда ўтиш даврида гендер тенглик нафакат иқтисодий, балки сиёсий ва мафқуравий муаммоларни ҳам ечиш калити бўлиши аёндыр.

Бозор муносабатларига йўл очилиши анъанавий жамиятининг, айниқса, унинг хуфия секторда бўлиб, ислохотлар бошланганида дастлабки маблагга эга бўлган қисмининг юксалишига кўмаклашди. Натижада ўтиш даврида анъанавий жамиятнинг юқори қисми хусусий савдо дўконларини, воситачи фирмаларни очди ҳамда улгуржи ва буюм бозорларида мустаҳкам ўрнашиб қолди, шу сабабли тез бойиб борди. У ўзининг иқтисодий юксалишини маросимларни кучайтириш ҳамда анъанавий ижтимоийлашув доирасида намоён этди, оқибатда маҳаллада ва ўз уруғ-аймоғида нуфузи ортди. Анъанавий жамиятга уларнинг таъсири

кучайди. Улар одамлар эргашадиган намунага айлана борди, фикрлари эътиборга олина бошлади, ўзлари эса артиб-қоида негизи сифатида *шариат* нормаларига асослана бошлашди.

Қонунчиликнинг дин таъсиридан холилигига совет даврида асос солинганди, у жамиятни замонавий турмуш укладига ўтишга ва иктисодиётни ривожлантиришга чоғларди, совет ҳукукий тизими шу тариқа яратилганди. Дунёвий давлатнинг советча модели заифлиги қонун билан воқелик ажралиб қолганлигида ҳамда тизимнинг репрессивлигида эди. Бу ҳолат одамларнинг дунёвий ҳуқуқ тизимига яширинча қаршилиги юзага келишига ҳамда ислом ҳуқуқига асосланувчи битилмаган анъаналар сақланиб қолишига олиб келарди.

Мустақил ҳуқукий тизим бўлган ислом ҳуқуқи (гарчи 1926 йилгача ҳукм сурган бўлса-да) совет даврида бекор қилинганди. Лекин никоҳ-оила ва мулк сингари баъзи соҳаларда норасмий равишда сақланиб қолганди. 1980-йиллар охирида аҳолининг баъзи қисми томонидан ислом ҳуқуқи ва *шариат*ни тиклашга уриниш бўлди, Фарғона водийсидаги айрим жамоаларда *Тавба* диний-сиёсий ташкилоти тазйиқи остида шундай қилинди ҳам.

Оила кодексини тайёрлаш ва муҳокама қилиш даврида (1996 й.) ҳам қонунга *шариат*нинг айрим нормаларини киритиш тўғрисидаги таклифлар билдирилди ва улар ҳатто айрим юристлар томонидан қўллаб-қувватланди ҳам. Бу – анъанавий жамият кучининг яна бир исботидир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларидан бирида Тошкентдаги энг замонавий корхоналардан бирининг директори депутат М. Олимбоев Оила кодексига оила бошлиғи сифатида эрни тан олиш тўғрисида модда киритишни талаб қилди. Тошкент юридик институти ўқитувчилари, таниқли юристлар эса телевидениедаги чиқишларида, «анъаналар»га ҳавола этган ҳолда, келинлар учун никоҳ ёшини камайтириш зарурлигини асослашди. Бундан ташқари, ОАВда кўпникоҳлиликни қонунийлаштириш зарурлигини тарғиб қилиш авж олдирилди, кўпникоҳлилик мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам мавжудлиги, у *шариат* томонидан маъқулланиши таъкидланди.

Аёллар орасида шарият нормаларини тарғиб қилишда *отинлар* алоҳида роль ўйнаган ва ўйнамоқда. 1990-йилларда улар анча ёшарди. Янги *отинлар* исломнинг тикланиш оқими – ақида-

парастликни тарғиб қила бошлашди. Исломий аёлларнинг янги гуруҳлари радикал исломнинг мутаассиб тарғиботчилари бўлиб чиқишди. Булар – Маккага зиёратга бориб, қисқа диний таълим олган ва кейинчалик тикловчилар ғояларини ёювчи илоҳиётчилардан таълим олишни давом эттирган аёллар эди. Таълим олиш биланок улар ўзларини *даъватчи* деб атай бошлаганлар. Улар суралар матнини баён қилиш ва арабча сўзларни жуда яхши талаффуз этиш билан анъанавий жамиятни қойил қолдираётган эдилар. Улар кўпгина анъанавий маҳаллаларда, айниқса, совет даври ижтимоий тажрибасига эга бўлмаган жувонлар орасида ўз мақсадига эришдилар. Катта авлод анъаначилари назарида улар анъанавий давом эттирувчилардек кўриндилар, аввал бошда хатто расмий шахслар ҳам улардан бирон-бир жиддий таҳдид зоҳир бўлишини ҳаёлларига келтирмагандилар.

1990-йиллар бошида ўсмирлар ва қизлар учун ташкил қилинган диний мактаблар тикловчи илоҳиётчилар таъсири остига тушиб қолди. Бугунги кунда ҳам маҳаллаларда диний тарғибот ишини олиб бораётган, асосан исломнинг ақидапарастларча талқинини ёяётган, ишламайдиган жувонлар орасида ўз таъсирини ўтказаяётган кўп сонли даъватчи аёллар шу мактабларда таълим олишган. Бу ҳаракат анча кучли чиқди, чунки улар ўз таъсирини ўтказиш учун ижтимоийлашувнинг анъанавий шаклларида фойдаланишди. Анъанавий жамиятда тарбия топган одамларнинг онги ақидага монандлиги эса улар учун қулай шароит бўлди.

Ўзбекистон ҳукумати ҳамда унинг иқтисодиётининг замонавий сектори атроф олам туғрисида илмий тасаввурларни системали ва босқичма-босқич ёйишда юқори маълумот савиясини сақлаб қолишдан манфаатдорлиги шубҳасиз. Диний билимлар дунёвий билимлардан устун бўлган диний муҳит билан мафкуравий тўқнашув бўлиши кутилмоқда. Мамлакатда кўп динлар ёнма-ён мавжуд бўлиши янги миллат яшовчанлигининг зарур шарти эканлиги ҳали оммавий оғ даражасида тан олинмаган. Исломий ғалп-сўзнинг кўплиги номусулмон аҳолини жамият замонавий секторининг асосий қисмини гангитиб қўйди ҳамда унда Ўзбекистон халқи деб аталмиш янги миллатга мансублик ҳисси ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Жамият ва иқтисодиётнинг тарихан тақозо этилган дуализми Ўзбекистонда барқарорликни мустаҳкамлашда жиддий муаммо ҳисобланади.

Жамиятнинг ва иқтисодиётнинг замонавий сектори ўтиш даврида давлатни сиёсий қўллаб-қувватлаш мавжуд эмаслигидан кўра кўпроқ иқтисодиётнинг замонавий сектори (собиқ давлат сектори) банкротлиги туфайли инкирозга дуч келди. Бу секторда бандларнинг турмуш даражаси, мумтозларни истисно этганда, кескин пасайиб кетди, бунинг оқибати ўлароқ уларнинг ижтимоий макоми ва ахлоқий нуфузи тушиб кетди. Анъанавий секторнинг устунлиги аён бўла борди, жамиятнинг дин таъсиридан холи бўлиши эса хавф остида қолди. Ҳозирги ҳукмрон элита томонидан тўла англаб олинмаган ҳамда унинг мафкурачилари учун таҳлил объектига айланмаган ақл бовар қилмас вазият юзага келди, – давлат сиёсати диннинг мафкуравий қўллаб-қувватланишига кўмаклашди. Лекин иқтисодиёт ва жамият замонавий секторининг ривожланиш қонунияти динни ижтимоий ҳаётдан суриб чиқариш ҳамда инсоннинг маънавий ҳаётига унинг таъсирини чеклаш йўлини тутишни талаб этмоқда, бу эса исломнинг ҳамма соҳага сингиб боровчи таълимотига зид келади. Жамиятни дин таъсиридан холи қилиш ҳамда замонавий секторни ривожлантириш борасидаги сиёсий йўл анъанавий жамиятда яширин норозилик уйғотишда давом этмоқда (совет даврида шундай бўлганди), унинг радикал қисми – нолегал диний-сиёсий ҳаракатлар эса ҳукуматни динсизликда айбламоқда.

Янги миллатни бунёд этиш сиёсати билан ислом ўртасидаги зиддиятларни кўрсатувчи дастлабки нарса хотин-қизларнинг аҳволидир. Аёлни *ҳижобга* киритиш орқали камситиш элементларини тиклаш, хотин-қизлар родини оила давраси ва фарзанд тарбияси билан чеклаш гарчи жамиятнинг анъанавий қисми томонидан анча қўллаб-қувватланса-да, замонавий сектор қаршилигига учрайди ва бу Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 3 мартдаги Фармонида мувофиқ хотин-қизлар томонидан тузилган хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотлари пайдо бўлишида ўз ифодасини топган. 1995 йилда БМТ ҳужжати – «Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳамма шакллари тугатиш тўғрисида Конвенция» (CEDAW – Convention on the Elimination of Discrimination Against Women) расмий тасдиқланди, унинг бандларидан бирида бундай дейилади: «Иштирокчи давлатлар жинслардан бирининг норасолиги ёки афзаллиги ёхуд эркаклар ва аёллар роли бирхиллиги ғоясига асосланган хурофотни тағ-томири билан тугатиш ҳамда шулар билан боғлиқ урф-одатлар ва бошқа барча амалиётни бекор қилишга эришиш мақсадида эркаклар ва аёл-

ларнинг ҳуққ-атвори ижтимоий ҳамда маданий моделларини ўзгартириш ниятида барча тегишли чораларни кўрадилар» (1-қисм, 5-модда, а параграф). Сиёсатшунос Баҳодир Мусаев жамиятдаги хавфли тенденциялар ҳақида куйидагиларни айтганди:

«Вазиятнинг фожеийлиги яна шунда ҳамки, сиёсий элита ўз ниятига кўра XXI асрга интилмоқда, аҳолининг кўпчилик қисми эса анъанавий жамиятда умргузаронлик қилмоқда ва, агар унинг менталитетидан келиб чиқиб ҳукм юритилса, у эски тизимдан холи эмас. Бу – онгда мавжуд бўлган, масалан, андозалар ёки объектлар тўғрисидаги уларнинг ҳақиқийлигига заррача шубҳага йўл бермайдиган, қатъиян бир маънодаги иш қилишга рағбатлантирадиган қатъиян белгиланган, эмоционал жиҳатдан барқарор бир қолипдаги тасаввурлар (образлар) тарзидаги ўзига хос «ички девор». Бундай «девор», назаримизда, эркинлик ва мустақиллик йўлидаги энг қийин тўсиқдир.

Аслида тараққиёт ва янгиланиш, иқтисодий ва сиёсий тизимни эркинлаштириш олам ҳақида бузуқ ёки, яхши деганда, нотанқидий ахборотга эга бўлган ўтмиш қолиплари билан сиғиша олмайди. Умуман ёлғон андозалар бандисига айланган жамият «ҳамманинг ҳаммадан ялпи орқада қолиши вазиятини» ўз-ўзича яратади.

Муаммонинг моҳияти: биринчидан, сиёсатда фаол иштирок этган чоғида диндор мусулмонлар онгида ўтмишга қайтишга, экстремистик намунадаги ислом «динида» нажот топишга интилишни уйғотиш мумкин бўлган архетиплар ва стереотипларга йўл кўйиш мумкинлигида; иккинчидан, исломнинг сиёсатда эҳтимол тутилаётган иштироки муайян даражада «зулм романтиклари» билан курашда қонунлаштирилган зулмни афзал кўрадиган ҳамда бу билан репрессив ижтимоий муҳит яратишга кўмаклашаётганини билмайдиганларнинг фаолияти натижаси билан тақозо қилинган.

Мен вазиятнинг кескинлигини фожага айлантirmаяпман ҳамда муболағалаштирмайпман, чунки омманинг кайфияти, одамлар психологияси ижтимоий жараёнларни ривожлантиришда белгиловчи роль ўйнай бошлади (ёки, ҳар ҳолда ўйнай бошлайди).

Ҳатто норозиликнинг устун ижтимоий аломатга назарий жиҳатдан мумкин бўлган айланиши ҳам муаммонинг ошкора муҳокама этилишини тақозо қилади. Бу: аниқ таҳдидлар, хавф-

хатар доирасини белгилаш; уларни мос равишда ҳал этиш чораларини кўриш имконини беради ва, муҳими, ижтимоий онгда фуқаролик руҳини шакллантиришга кўмаклашади».

Ижтимоий онгни ўзгартириш, фуқаролик жамияти институтларини тарғиб этиш ва фуқаролик кадриятларини, шу жумладан гендер соҳасидаги тенгҳуқуқлилини ривожлантириш учун ша-ронт яратиш жуда секин бормокда. Бунинг сабаблари: Ўзбекис-тон ОАВ, айниқса, ўзбек тилидаги матбуот ҳамда электрон ОАВ, айниқса, 1986–1994 йиллар оралиғидаги даврда ўрта асрлардаги уламоларнинг ёзувчи ва журналистлар тилидан янграган фикрларига суянган ҳолда «хонаки аёл» идеалининг тарғиб этилиши натижасида мустаҳкамланиб қолган анъанавий андоза қули бўлиб қолганлигидир. Президент Фармони, расмий равишда тасдиқланган CEDAW ОАВ томонидан инобатга олинмаяпти. Эркакларнинг мутлақ устунлиги ғояси ўзбек телевидениеси дас-турларида оммалашиб кетган кўплаб *talk-show*ларда иштирок этаётган *маҳаллалар оқсоқоллари* билан суҳбатда ҳам, фалсафа фанлари докторлари билан суҳбатда ҳам мавжуддир. Бу эса, пи-ровард натижада, аёл устидан назорат кучайишига олиб келади.

Ижтимоий муаммоларни, масалан, демографик муаммолар-ни аёлларнинг онгли ва фаол иштирокисиз бартараф этиб бўлмаслиги сиёсатшунослар учун аён, лекин бу кўплаб расмий шахслар учун ноаён бўлиб қолмокда. Ўзбекистонда аҳолининг ёш таркиби ёшлар ҳиссаси юқорилиги билан ажралиб туради, аҳолининг кўпайиш суръати 1980-йиллардагига нисбатан пасай-ган бўлса-да, ҳали ҳам юқори. Шу муносабат билан бандлик, тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жой ва озиқ-овқат муаммолари кескинлашди. Оилани режалаш ғоясини худо берди, деб туғаве-риш анъанасини ҳисобга олмай тарғиб қилиб бўлмайди. Бола-жонлик миллий кадрият сифатида тинимсиз бўрттирилаверади, натижада «худо берганча» бола туғилаверади, оналик ва сер-фарзандликка эса ОАВда ҳамда оммавий онгда аёлнинг ягона вазифаси ва хизмати деб қаралади. Оилани режалашга ва ҳоми-ладорликка қарши воситаларни тарғиб қилишга: «Бу бизнинг миллий кадриятларимизга қанчалик мос келади?» деган савол воситасида яширин ва, баъзида ошкора қаршилиқ қилинади.

Серфарзандлик юки оила аъзоларини эзиб ётади, ўзлари сер-фарзанд оилада улғайган жувонлар бунни яққол ҳис этишади. Манзура Назармухаммедова хикоя қилади:

«Серфарзанд оила бизда оила идеали саналади ҳисоб. Бундай оиланинг яхши томони кўп, албатта, бундай оила фарзандлари ҳақида доимо меҳнатсевар, бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлайди, чидамли ва тиришқоқ, деб гапирилади. Лекин кўп болали оила азобини ота-онагина эмас, балки фарзандлардан баъзи бирови ҳам тортиши, у ўз ҳаётини бошқалар учун қурбон қилиши ҳақида эса кам гапирилади. Серфарзанд оилада болалар ўз шахсиятини, истеъдодини, имкониятларини тўла намоён этолмайди, чунки улар ўзлигини, ўз интилишларини, идеалларини бўғиб, энг аввало оилага хизмат қилишга мажбур бўлишади. Серфарзанд оила аъзоси – унинг қулидир, оила манфаатлари унинг учун биринчи ўрнида туради, ўз манфаатлари эса, айниқса, у қиз бола бўлса, охириги ўринга тушиб қолади.

Ўзим ҳам серфарзанд оиладанман, ўн боланинг тўртинчиси, Бухородан узоқ бўлмаган шаҳарда туғилганман. 34 яшарман, 20 ёшимдан кейинги бутун ҳаётим оиламизга бағишланган. Мени нотўғри тушунишларини, оиласидан ўпкалаб, уни ёмонлаяпти, деб ўйлашларини истамайман. Асти бунақа эмас, ота-онамни, ака-укаларим, опа-сингилларимни жуда севаман. Уларнинг боррилиги учун шукр қиламан. Лекин бизнинг оиламизнинг ҳаёти серфарзанд оилаларнинг турмуш тарзи, ундаги муаммолар ҳамда шахснинг ривожланиши муаммолари ҳақида фикрларимни баҳам кўришга мажбур этмоқда. Серфарзанд оилада, энг аввало, қизларнинг зиёнига, ўғил болалар учун меҳнат қилинади: ота-оналар қиз бола бировнинг хасми, ўғил бола авлодни давом эттиради, шунинг учун унга кўпроқ эътибор бериш керак, дейишади. Шунинг учун ўғил болага қиз боланинг ҳисобидан ҳам эътибор қаратилади.

Мен ҳам, опаларим сингари, эрта турмушга чиқиб, оилали, бола-чақали бўлиб, онамнинг ҳаётини такрорлашим мумкин эди, лекин 17 ёшимда хонадонимизни тарк этиб, Тошкент давлат университетига ўқишга кириш учун жўнадим. Бошқача яшашни истардим, оила доирасидагина яшаш мен учун зерикарли эди. Дунёни кўргим, шу дунё учун фойдали бирон иш қилгим, бугун мен учун номаълум бўлган нимагадир эришгим келарди. Бегона мамлакатлар ва олис юртлар одамлари ҳақида билишни истардим. Шунинг учун Тошкент университетининг роман-герман тиллари факультете-

тини танладим. Шу тариқа англиз тили ўқитувчиси бўлиб қолдим. Такдирим ўзим тенги қизларники сингари оддий эди. Олис қишлоқдан келган қиз учун олий маълумот олиш имконияти мавжуд эди, лекин яна 5 ёки 10 йилдан сўнг бундай имконият бўлармикан? Нима учун бундай деяпсан, дейсизми? – Шунинг учунки, аёллардаги олға ҳаракатни, уларнинг касб-ҳунарга, замонавий қадриятларга интилишини, оила истагига зид ўларок, давлат рағбатлантирарди. Мамлакатимиз ўтиш даврини кечираётган ҳозирги вақтда анъанавий қадриятларнинг аҳамияти ошмоқда. Анъана идеал даражасига кўтарилмоқда, шу сабабли мен доимо ўзимнинг ғоят шахсий деб ҳисоблаганим ҳақида ҳаммага ҳикоя қилиб беришни истайман, токи анъанавий турмуш услубига ва анъаналарга тийрак кўз билан қараб, ижобий жиҳатини олқишлайлик ва салбий жиҳатини танқид қилайлик.

Шундай қилиб, 17 ёшимда талаба бўлдим, ота-онам Тошкентда менга квартира сотиб олиб беришди. Лекин ўшандан буён унда ёлғиз ўзим яшамадим. Квартирам бозор ҳам эди, карвонсарой ҳам, ошхона ҳам, ётоқхона ҳам эди, лекин асло шахсий уйим бўлмаган. Уйимда ака-укаларим ҳам, опа-сингилларим ҳам, бири озроқ, бири кўпроқ яшашди, қариндошларимиз, танишларимиз қисқа вақт туриб кетишарди. Икки хонали бу кичкинагина уйни қариндошларимиз ва, ҳатто, ота-онам ҳам менинг шахсий мулким, деб ҳисоблашмасди. Мен фақат комендант, маъмур эдим бу уйда. Фақат ўзимга тегишли жой йўқ эди унда. Уйимга эрта саҳарда ҳам, тун ярмида ҳам эшикни тақиллатиб келаверишар эди. Мен ҳозирга қадар ҳам уй харажатларини, уни таъмирлаш, сақлаб туриш билан боғлиқ сарф-харажатни кўтариб келмоқдаман. Қариндошларимнинг ҳаммаси бу квартирани оила мулки, деб ҳисоблашади, бу ерга келадиганларнинг барчаси ўзини бу ерда яшаш ва кўнглига келган ишни қилишга ҳаққи бор, деб ҳисоблайди, лекин бу ерда бирон иш қилиш учун қўлини-қўлига урмайди ҳам, бир сўм қўшмайди ҳам.

Шу тариқа 17 йил ўтди. Бир кун отам менга укамни уйлантиришаётганини ва унга яшаш учун жой лозимлигини, шу сабабли бу квартирани укамнинг номига ўтказиш кераклигини айтди. Укам менинг квартирамда яшарди. Доимий иши йўқ, баъзан ота-онамиз ҳузурига кетарди, баъзида қайтиб келиб, қандайдир иш топарди. У менга кўмаклашарди, лекин бу

квартирага аниқ бир ҳисса қўшганини сезмаганман. Отамнинг буйруғи мени жуда ранжитди. Шунда биринчи бор кўнглимдагини тўкиб солдим: «Мен шунча йил бу уйга қарадим, шунинг учун уни ўзимники, деб ҳисоблайман. Нега мендан келажакдаги режаларинг борми, деб сўрамайсиз? Балки, турмушга чиқарман, шунда қаердадир яшашим керак-ку!» Эшитган жавобим шафқатсиз эди: «Сен бир қуриган дарахтсан, шу пайтгача эрга тегмадинг, бундан буён тегишинг амри маҳол. Квартирани укангнинг номига ўтказ-да, ўзинг режангни қилавер, истаган кишингга турмушга чиқиб, бу ердан кет. Квартира эса оиламизга тегишли.» Квартирани бердим-да, бундай муносабатдан кўнглим чўккан ҳолда бир дугонамнинг таклифига кўра АҚШга жўнадим ва у ерда фақат ўзим хўжайин бўладиган квартира сотиб олгани пул йиғиш учун хизматкор бўлиб ишлай бошладим. Бир йиллик оғир ва бенаво ишдан сўнг қаддимни ростлаб олдим. Қайтиб келиб, квартира сотиб олдим. Мана буни қувонч деса бўлади. Инглиз тилини билишим туфайли яхши иш топдим ва яна оиламиз учун асқотиб қолдим. Бошқа укамнинг тўйи харажатларининг деярли ярмини мен кўтардим, опа-сингилларим меникида туришади, улар менинг кўнглимни топишгани, улар учун қилган ишимдан миннатдор бўлишгани учун уларни қўллаб юборишдан хурсандман, чунки опа-сингилларимнинг ҳам турмуши яхши бўлмади.

Опам 7 йил турмуш қурди, шу йиллар ичида у 15 ёш қариди. Қишлоқда меҳнат жуда оғир: томорқа, мол-хол, товук дейсизми, ҳамма иш унинг зиммасида эди. 18 ёшда узатилган опам 25 ёшда деярли ногирон бўлиб қолганди. Эрта текканидан кейин бир йил ўтгач қайнанази уни туғишга ярамасликда айблай бошлади, даволанишга эса жисмоний жиҳатдан имкони йўқ эди: совуқ сувда ерни ишлаш, юк кўтариш, кам уйқулик, тўйиб овқат емаслик туфайли қувватга кирмасди. Эри ва қариндошларнинг уни «туғмасликда» айблаши тоқатини тоқ қилди: гина-кудурат, баъзан дўппослаш, сен билан ажрашаман, деган дағдағалар тинкасини қуритди. Жон деб ажрашардику-я, биз, қизларни ўйлаб бундай қилишдан кўрқарди. У ажралгач, бизни ҳеч ким хотинликка олмасди. Бошқа томондан эса, сабр қил, деб миясига куйган ота-онамиздан кўрқарди. Ота уйига қайтса, бир умр миннатдор бўларди. Барибир, ўз жонига қасд қилишга урингач, аж-

рашишга мажбур бўлди. У касалхонада ётганида эри молини уйимизга келтириб ташлади. Касалхонадан чиққан куни эса эри бошқа аёлга уйланди. Эри расман ажрашмай туриб, муслмон одатига кўра уйланди. Опам бир йил ота-онамизни-кида яшади, сўнг Тошкентга, меникига кўчиб келди.

Иккинчи опамнинг тўрт боласи бор, бешинчисини катта опам учун туғди. Бошқа опа-сингилларимни «пуштсиз» деб ҳеч ким сўраб келмади. Учинчи ва тўртинчи опа-сингилларим ҳам Тошкентга ўқиш учун келишди. Шу паллада иккинчи опамнинг эри ҳалок бўлиб, опам моддий жиҳатдан оғир аҳволда қолди. Раҳматли эри Россияга қатнаб, ҳамқишлоқлари тайёрлаган туршак-қоқиларни сотиб юрарди. Опаларим шу бизнесни давом эттиришга қарор қилишди, чунки алоқалар яхши ўрнатилганди. Уч опа-сингил шу иш билан шуғуллана бошлашди. Тушган пулга уйча сотиб олишди, энди катта ва учинчи опаларим Россияда яшашади, иккинчиси эса у ерга маҳсулот етказиб беради. Опаларимнинг оилавий бизнеси шу тариқа юзага келди. Катта опам иккита катта жиянини ҳам Россияга олиб кетди, демак, оиламиздан Россияда икки аёл ва уч фарзанд яшайди. Опаларим мустақил, меҳнатсевар, ўзига ишончи ортиб, соғайиб ҳам кетишди. Улар уй қули эмас, ўзи ва фарзандлари учун ишлашади. Она юртини соғинишади, албатта. Катта опам зоҳиран қаттиқ ўзгарган. Соғлом, тўлишиб қолган, ота-онамизга ва укаларимизга кўмаклашаётгани учун ўзини бахтли ҳисоблайди. Ўтмишни эслашни истамагани учун ота-онамизникига келгиси ҳам йўқ. Мен гарчи ўз квартирамда яшаётган бўлсам ҳам, «оиламиз мулки» бўлган квартиранинг ташвишлари ҳам ҳамон менинг бошимда. Чунки укам унинг эгаси бўлса-да, доимий иши йўқ, хотини эса, эрга тегдимми, демак энди эрим боксин, дейди, шу сабабли ишлагиси келмайди».

Маросимлар ва удумларнинг хотин-қизлар аҳволига таъсири муаммосининг кескинлигини тасаввур қилиш қийин. Урф-одат ва маросимларнинг кўплигидан онлалар рўзгорини бутлай олмайди, аёллар эса маънавий ва жисмоний соғломлигини тиклай олмайди. Катта харажат талаб қиладиган, аёлларнинг ҳақ тўланмайдиган меҳнатини мунтазам кўпайтирадиган бу маросимлар уларнинг кучи ва вақти бесамар нарсаларга сарфланишига, беҳуда кетишига олиб келади, уларни фарзанд тарбиясидан, мустақил ривожланиш ва ўз имкониятларини намоён этишдан чалгитади. Аёл

иҷтимоийлашувининг анъанавий шакллари унинг турмушга чиқишдан бошлаб сўнги нафасигача ҳаёт йўлини бир дастурга солади, бу дастурдан чиқишга интилиш эса *махалла* шароитида истиқомат қилганда кўпинча аёлнинг ўзининг ва оиласининг қувғин қилинишига олиб келади. Маросимларга қаттиқ риоя қилиш аёлларнинг кўпчилигига иқтисодиётнинг замонавий секторига кўшилиб, даромадини кўпайтиришига йўл қўймайди, унинг тубанлашган иҷтимоий мақомда қолаверишига олиб келади. Бундай мақом уни ўз-ўзидан мутеъ қилиб қўяди. У атрофдагиларга маъқул бўлиш учун анъаналар, қоидалар ва меъёрларнинг барча кўрсатмаларига бўйсуниб, уларга амал қилади. Шу тариқа у айни маҳалда анъана қурбонига ва уни тикловчига айланади. Тошкент санъат институти аспиранти Сайёра Ҳусанова қуйидагиларни айтиди:

«Қишлоқ аёли меҳнат ичида қолган. Қишлоқда оилалар, одатда, серфарзанд бўлади. Уй хўжалигидаги иш, бола тарбияси, томорқадаги, даладаги мавсумий ишлар, парранда ва мол-ҳолни парвариш қилиш – қишлоқ аёли бажарадиган ишларнинг бир қисми. Шундай бўлса-да, у одамлар билан мулоқотда бўлиши зарур. Бирон-бир маросим ёки анъанани бажариш билан боғлиқ ҳар қандай тадбирга қатнашиш дунёвий кўнгил очишнинг ўрнини босади. Қуда-андачилик, тўй-ҳашам, тўнғич фарзанднинг дунёга келиши, «хатна» қилиш, янги уй қуриш, ўғилнинг армиядан қайтиши, оғир касалдан тузалиб оёққа туришнинг бари зиёфат, куй-қўшиқ, ўйин-кулги билан ўтади. Ҳатто таъзия ва ундан кейинги удумлар баъзан аёллар учун учрашишга, воқеа-ҳодисаларни муҳокама қилишга, умумий фикрга келишга баҳона бўлади ва ҳ.к.

Замонавий қишлоқ аёлининг бундай дунёвий ҳаёти, бир қараганда, одатийдек кўринади. Бироқ аёл киши бундай ҳаётда фаол иштирок этар экан, вақти-вақти билан, аниқроғи, вақти келиб ўз уйида ҳам шу каби тадбир ўтказиши лозим бўлади. Бундай тадбирлар кўламини ҳисобга олганда (қишлоқдаги барча аҳоли ва бошқа қишлоқлардаги қариндошлар бунга таклиф қилинади), оила маросимга ёки анъанага катта маблағ сарфлайди. Шунинг учун, бундай тадбирни ўтказишдан олдин етарлича пул тўплаш зарур бўлади. Бу оила бюджетига оғир келади. Оила ҳаражатлари ҳар жиҳатдан қаттиқ тежала бошланади. Болалар овқатининг мазаси қочади, кийим-кечаги, пойабзали уриниб қолади,

таълимга кам пул сарфланади. Оиланинг хаста аъзоларини даволаш номуайян муддатга суриб қўйилади. Шу тариқа маънавият ва маданиятни юксалтирувчи халқ ахлоқий қадрияти деб зълон қилинган маросимлар ва анъаналар оила учун машаққатли молиявий юк бўлиб чиқади. Айни маҳалда, агар аёлларнинг ўзлари бирдам бўла олсалар, маросимларни ўтказишда оилани ҳаддан ташқари моддий харажатлардан ҳимоялаш ва дунёвий ҳаётнинг оғирлик марказини маънавий ҳаётнинг қийинчилиги камроқ бўлган бошқа соҳасига кўчиришлари мумкин бўларди. Аёллар ижтимоий фаолиятни жамият фойдасини кўзлаб олиб бориш тажрибасига эга эмаслар. Ўзларини шахс сифатида паст баҳолашлари уларга халақит беради».

Ўргилай сендан, қишлоқ аёли,
Сени содда сўзларинг менга малҳамдир.
Айланай сендан, қишлоқ аёли,
Сенинг ироданг менга нажотдир.
Садағанг кетай кетай, қишлоқ аёли,
Сенинг ғайратинг менга илҳомдир.
Тасаллуқ сенга, қишлоқ аёли,
Сенинг меҳнатинг менинг бойлигим.
Жонингга жоним, қишлоқ аёли,
Сенинг борлигинг менинг борлигим.
Пойинг ўпай, қишлоқ аёли,
Сенинг жамолинг алмашмам ўн шаҳар хур
парисига ҳам.
Дардингга дармон бўлай, қишлоқ аёли,
Оғирингни енгил қилсам,
Бахтли билурман ўзимни, қишлоқ аёли.

Дилдор Маҳмуд

Шундай қилиб, анъанавийлик аёлларнинг ижтимоий ва интеллектуал ривожланиши, бинобарин, анъанавий жамият ҳаётини замонавийлаштириш йўлида кучли тўсиқ ҳисобланади. У спираль бўйлаб эмас, доира бўйлаб ҳаракат қилади ҳамда жамиятнинг ўтмиш томон улоқтиради. Анъанавийликнинг барқарорлиги нимага асосланишини кўриб чиқайлик-чи.

3.2. Ёёлнинг кунлик турмуши

Бугунги кунда маданий андозалар ва кўрсатмалар, тарихий тажриба ва миллий анъаналар ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳасига улкан таъсир кўрсатмоқда. Улар хусусий соҳада, оилада айниқса ёрқин намоён бўлмоқда. Тарихий тажриба кўрсатишича, муносабатларни нуфуз ва анъана бошқарар экан. Ҳар бир одамнинг хатти-ҳаракатини, биринчидан, оила манфаатлари, иккинчидан, жамоа манфаатлари белгилагани ўзбеклар оиласи ва жамоасини бирлаштириб туради. Шу сабабли ҳар бир индивидуумнинг масъулияти айнан оила ва жамоа меъёрлари билан белгиланади ҳамда мамлакат сингари янада кенгроқ ижтимоий жамоага тааллуқли бўлмайди. Шунинг учун анъананинг қонундан устунлигини оила даражасида ҳам, жамоа даражасида ҳам кузатиш мумкин. Башарти анъана – хотира шакли бўлса, *маҳалла* – хотирлаш жойиндир.

Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам *маҳалла* қўшнилар жамоасининг ўзгартирилган ҳамда замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитга мослаштирилган шаклидан иборат. *Маҳалла* тарихи асрлар давомида хонадон ишлаб чиқариши билан шуғулланган катта оилавий жамоага бориб тақалади. Чунончи, Тошкентда *маҳаллалар*нинг эски номлари сақланиб қолган. Булар: Ўқчи, Эгарчи ва х.к. Ҳунармандлик ишлаб чиқариши емирилиши натижасида XX аср давомида шаҳар *маҳаллалари* бузилиб кетди ва бугунги кунга келиб *маҳалла* шаҳарнинг таркибий бирлиги сифатида тан олина бошланди, унинг вазифаси эса қўни-қўшничилик муносабатлари учун шароит яратилган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш негизи сифатида қонунлаштирилди. Совет даврида *маҳалла* диний жамоа вазифасини ярим яширин ҳолда бажарарди, ҳар бир маҳаллада руҳонийлар – *мулла, отин* бўлиб, улар *оқсоқоллар* билан биргаликда ўз аҳлининг ижтимоий ва, ҳатто, шахсий ҳаётини ҳам бошқаришарди, жамоатчилик фикрини шакллантиришарди, «миллий» хулқ-атвор меъёрларига риоя этилишини назорат қилишарди. *Маҳалла* қоидалари заррача бузилгудек бўлса, жамоат иззаси берилиб, бузғунчининг хонадони эътибордан қоларди. Маҳалладаги *нуфузли* кишилар ҳозир ҳам ёшлар тарбиясини ва ахборот узатиш каналларини назорат қилишмоқда, киз боладан тортиб, кампиргача хотин-қизлар хулқ-атвор меъёрларига риоя этилишини

кузатишмоқда. *Маҳалла* ҳозир ҳам, аслида, диний жамоадан иборатдир.

Қишлоқ жойларда *маҳалланинг* сақланиб қолиши иқтисодий асосга; ирригацион асосга эга бўлиб, уни тозалаш ва сақлаш билан боғлиқ коллектив ишлар амалга оширилади. Қишлоқ маҳалласи аҳоли турмушининг, шу жумладан ахборотнинг барча томонларини шаҳардагига нисбатан кўпроқ назорат қилади. Анъана ёш билан боғлиқ тақик ва ман этишларни аниқ бошқаради. Катталарга сўзсиз бўйсунуш зарурлиги болалар онгига сингдирилади, қиз болалар учун эса тақиклар янада кўпроқдир. 22–25 яшар йигит учун кўп тақиклар бекор қилинса, бўй етган қизлар ва жувонлар учун тақиклар яна ҳам қаттиқлашади. Бунда анъана соҳибаси ва етказувчиси бўлган қайнонанинг роли тўлиқ равишда намоён бўлади. Айни маҳалда ёшларда ноанъанавий хулқ-атвор меъёрларига нисбатан хурматсизлик таркиб топади. Бу 1991 йилда, *Таъба* диний-сиёсий ташкилотининг европача модадаги кийим кийган қизларга қарши қаратилган ҳаракатларининг ижроси айнан ёшлар бўлганда, айниқса, кўзга ташланди. Ўша пайтдаги ДСХ *маҳаллаларда* иш олиб борганди ҳамда биринчи навбатда диндошларга нисбатан хурмат кўрса-тишни талаб қилганди.

Хотин-қизлар тарбиясида ота-она иродасига, турмушга чиққанидан кейин эса эрининг иродасига мутлақ бўйсунуш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳол кўпинча фикрламай ҳаёт кечиришга олиб келади, чунки ролларнинг анъанавий патриархал гендер тақсимоти қуйидагилардан иборат: эр – боқувчи ва уйга ҳамма нарсани олиб келувчи бўлиб, у оилани ҳамма зарур нарса: озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари билан таъминлаши лозим, хотин эса буларнинг барига каноат қилиб, улардан жуда яхши фойдаланиши (овқат тайёрлаши, кир ювиши, хизмат қилиши) зарур. Хотиннинг бирор хунари бўлса, ишлаб пул топиши мумкин, бироқ топгани унинг оиладаги мақомига таъсир кўрсатмайди, маошини қайнонасига бериши лозим, қайнона маошдан бир қисмини унинг шахсий эҳтиёжи учун ажратади. Эрининг дуппослаши ёки қайнонанинг зулми туфайли юзага келган ажрашиш ёхуд норозиликнинг бошқа шакллари афкор омма томонидан қораланади ва аёл ота-онасининг зўри билан мавжуд тартибга бўйсунушга мажбур бўлади. Ўз жонига қасд қилган аёл эси паст ёки рухий хаста деб эълон қилинади.

Анъаналарга риоя қилинишига эришишнуфузли шахсларга: оилада – катталарга, *махаллада* – *оқсоқоллар* зиммасига юкланган. Аҳолининг 62% қишлоқда истиқомат қилгани ва шаҳар аҳолисининг кўпчилиги анъанавий турмуш укладига риоя этгани учун оилаларда патриархал муносабатлар устун туради. Бундай оилаларда ҳар бир аъзонинг оилавий муносабатлар таркибидаги ўрни ва роли аниқ поғоналаштирилган, эр оила бошлиғи ва хўжайин ҳисобланади; уч авлодли оилаларда эрнинг отаси оилавий турмушнинг барча масалаларини ҳал қилишда устун ҳуқуққа эга, қаршилиқ билдириб бўлмайдиган шахсдир. Ундан сўнг – раҳбарлик ва назорат қилувчи функциялар келади. Хотин тобеъ бўлиб, унинг оиладаги роли асосан рўзғор юмушларини бажаришдан, эрга, болаларга ва бошқа оила аъзоларига қарашдан иборатдир. Аёлнинг оиладаги маънавий роли иккинчи даражали ҳисобланиб, асосийси – рўзғор ишларини тежаб-тергаб юритишдир.

Оиладаги ички роллар мутлақо анъаналар билан белгилаб қўйилган. Оила бошлиғи эркак бўлган, кичиклар катталарга, хотин – эрга бўйсунган оила – яхши оиладир. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ўтказилган социологик тадқиқотлар оилалар иерархиясида фарқ катта эмаслигини кўрсатди. Қишлоқ оиласидаги оилавий муносабатларни этнограф Нодира Азимова бундай тавсифлайди:

«Тўнғич ака қолган барча болаларни кузатиб юради ва уйдан ташқарида уларни ҳимоя қилади. У мажбуриятлар тақсимотига раҳбарлик қилади, ким уйда нима иш қилиши тўғрисида кичикларга топшириқ беради. Ким ҳовлини супуришини, ким молга қарашини, дарахтдан мева узишини ва ҳоказоларни белгилаб беради. Опа-сингиллар кўпинча тўнғич акага боғлиқ бўлишади. Унинг руҳсати билангина (ота-она розилигини олгач, албатта) дугонасиникига, қариндошларникига боришлари мумкин. Ҳатто дугонасини ҳам аканинг хоҳиш-истагига қараб танлайди.

Сингилнинг узатилишида ҳам аканинг фикри ҳисобга олинади. Ўғил болалар ва йигитчалар, анъанага кўра, кўчада кўпроқ юришгани учун улар, табиийки, тенгдошлари билан юз таниш бўлибгина қолмай, характеридаги ижобий ва салбий жиҳатларни ҳам билишади. Қизга совчилар келганида ота ўша йигит тўғрисида ўғлининг фикрини сўрайди.

Вақти келиб, ота-оналар бу дунёдан ўтиб, болаларнинг ўзи ота-она бўлишгач, барибир, кичиклар маслаҳат сўраб катталарнинг хузурига бориши лозим бўлади. Тўнғич ака укасига қайта ишга бориш кераклигини, ким билан дўстона муносабатда бўлиш, қариндошлардан кимга кўмаклашиш керагу кимга шарт эмаслигини маслаҳат беради. Болаларда катталарга ҳурмат отанинг ўз акасига ҳурмати мисолида таркиб топтирилади ва авлоддан авлодга ўтказилади.

Ука ўғлини уйлантирадиган ёки қизини узатадиган бўлса, тўнғич ака тўйни ўтказишда бош-қош бўлади. У унаштиришда иштирок этади: қизнинг отаси куёв томонга қўядиган талабларни билдиради ва ҳоказо. Тўй куни тўнғич ака эшик олдида туриб меҳмонларни кутиб олади.

Уйланган ва уйланмаган ўғилларнинг оила ички аҳволида фарқ катта бўлади. Ота-оналар уйланган ўғилларининг маслаҳатига қулоқ солишади. Ҳар қанақа тадбир уларнинг розилиги билан ўтказилади. Навбатдаги ўғилни уйллатиришда уйланган ўғилнинг роли катта бўлади. У ота-онасига ташкилий жиҳатдан кўмаклашади: агар ота-онаси кексайиб қолишган бўлса, бутун масъулият уйланган ўғил зиммасига тушади. Ёш оила ота-онасидан бўлак яшаса ҳам, барибир, ўғил уларга кўмаклашмоғи даркор: қишга кўмир, молга ем ғамлаши, ота-онасининг хонадонидан ўтказиладиган барча тадбирларда қатнашмоғи лозим бўлади. Шундай қилмаса, онаси ҳамма нарсада келинни айбдор қилади, келини қанақа (ёмон)лигини қариндошларига, қўшни аёлларга дoston қилади. Келин қайнонасиникига келиб, унинг топшириқларини бажариши керак. Ёш оила номига бўлак яшайди, аслида кунини ота-онасиникида ўтказиб, уйига тунаш учун боради, холос.

Болаларнинг шахсий ҳаёти масаласини ота-оналари, қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилар ёки яна аллакимлар ҳал қилса-қиладиларки, асло ўзлари эмас. Бунда бола ёшининг аҳамияти йўқ. Болалар турмуш ўртоғини танлашда ҳам бутунлай ота-она ихтиёридадирлар. Шу сабабли, қизга биронта йигит ёқиб қолса, улар хуфия учрашишади. У жамоатчилик томонидан қораланишдан қўрқади, чунки йигит билан учрашиб гап-сўз бўлган қизга кейин биронта ҳам йигит уйланмайди. Агар эри бу ҳақда тўйдан кейин билиб қолса, можаро бўлганда, шу воқеани бир умрхотинининг бетига солади. Кўпинча: «Йигит учрашса гуноҳ эмас, қиз учрашса бир умр

шарманда бўлади», – деган гапни эшитиш мумкин. Йигит билан қиз ўртасида ҳеч қанақа яқин муносабат бўлмаган эса-да, қиз юрганлигининг ўзиёқ гуноҳ ҳисобланади. Шу тариқа ёшларнинг тақдири уларнинг розилигисиз ҳал қилинади. Кўпинча улар бир-бирини яхши билмайди, ёки умуман танимайди. Тўйгача бир-икки учрашув ҳам камдан-кам бўлади, шунда ҳам гувоҳлар, опалар ёки амма-холалар иштирокида учрашилади. Лекин уларга бир-бирининг суратини кўрсатиб қўя қолиш ҳам мумкин. Болаларнинг маълумотлилиқ масаласи ҳам ўғил бола фойдасига ҳал этилади. Иқтисодий муаммолар туфайли ҳозир кўпинча ўғил болани ўқитишга ҳаракат қилинмоқда.

Оиланинг ички муносабатларидаги унинг хусусиятини кўп жиҳатдан аниқловчи яна бир элемент оила аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланишидир. Кўп ҳолларда уй меҳнати анъанавий равишда эркакларнинг ва аёлларнинг вазифасига ажратилади. Кузатишлар кўп оилаларда аёллар ўз ишинигина эмас, балки «эркакларники» дейилганини ҳам бажаришини кўрсатмоқда. «Аёллар»нинг иши ўзбеклар турмушининг ўзига хослиги туфайли мураккаблашувини таъкидлаш зарур. Уйни йиғиштиришда, масалан, ётоқни йиғиштиришда, оғирдан-оғир кўрпа-тўшакни тахлашда кўп куч талаб қилинади. Катта оилада овқат пишириш, нон ёпиш ва кир ювиш ҳам енгил ишлардан эмас.

Уй-рўзгор иши кўплиги туфайли барча ижтимоий, ёш ва таълим гуруҳларида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги эркакларникига нисбатан пастлигича қолмоқда. Ўғил болалар, ҳатто, уй ишларида боқишишни исташса-да, ҳеч қачон «хотинларнинг» ишини қилмаслиги даркор. Ҳукм суриб турган жамоатчилик фикрига кўра, «хотинларники» ҳисобланадиган ҳар қандай оғир ишни бажариш шармандалиқ бўлиб, эл на-зарида эркакнинг қадрини туширади. Шу фикр ўғил болалар онгига сингдирилади-да, бир умр унга йўлдош бўлади.

Қизларга болаликдан эриникида бажариши лозим бўлган барча ишларни ўргатишга ҳаракат қилинади. Умум қабул қилинган тасаввурдаги «яхши» келин эрта саҳарда, ёзда соат бда уйқудан туради, ҳовлига сув сепиб, супуради, нонуштага дастурхон ёзади, сўнг оиланинг қолган аъзоларини уйқудан уйғотади. Ҳамма нонуштага ўтирганда у чой қуйиб узатиши, хонтахтада ҳамма нарсга бўлишини кузатиб туриши, бирон

нарсa етишмасa, дарҳол келтириши лозим. Келин, оиланинг бошқа аъзоларидан фарқли равишда, нонушта қилмайди, доим қимирлаб туради. Келин чилласи чиққунча қайинсингиллари билан овқатланади, тўнғич боласи туғилмагунча келиннинг қайнота билан бир дастурхондан овқатланиши яхши ҳисобланмайди.

Келин овқатни тайёрлашдан олдин қайнотаси ёки зридан нима ейишни иштaшaётганини сўраши лозим. Шундай оилалар ҳам бор-ки, биронта овқатни тайёрлаш учун масаллиқни қайнона ажратиб беради. Бундай оилада келин, табиийки, ўзини бека ҳисобламайди, бу эса унинг аҳволига, айниқса, ҳомиладорлик чоғида, салбий таъсир қилади: у кўнгли тусанган нарсани истаганча ея олмайди. Кечки овқатдан сўнг, бошқалар телевизор томоша қилаётганда ёки кўшнилар билан мулоқотда бўлаётганда, келин *дастурхонни* йиғиштиради, идиш-товақни ювади, ўрин-кўрпани тўшайди ва ҳ.к. У ҳаммадан кеч ётади. Уйда меҳмонлар бўлса, улар қай вақтгача ўтиришмасин, уларга хизмат қилади: чой дамлаб туради, қайнонаси айтган нарсани дастурхонга келтириб қўяди. Келинлар учун одамларнинг яхши фикри муҳим, шу боис улар, баъзан соғлиғи кўтармаса ва вақти етишмаса-да, ўзини яхши томондан кўрсатишга интилишади».

Қиз болаларни тарбиялашда ҳаётий мақсадларнинг устун жиҳатлари белгилаб олинади. Ўғил бола учун никоҳ масаласи муайян ҳисобланиб, муҳокама қилинмайди, балки уни маълумот олишга ва касб-ҳунар эгаллашга даъват этилади. Қиз бола учун эса никоҳланиш асосий ва муҳим ҳаётий мақсад сифатида белгиланади. Унга изза берилганида доим келажакда турмушга чиқишига тегизилади: «фалон ишни уддалай олмасанг, ким ҳам сени оларди», «бунақа қайсар бўлсанг, қайнонaнг додингни беради» ва ҳ.к. Самарқанд «Оила» клубидан қуйидаги материал олинди:

«Социологик тадқиқотлар қиз болалар яхши хотин ва маъқул келин бўлиши учун уларда шакллантирилиши лозим бўлган фазилатлар ҳақида бир қолипдаги фикрлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Турмушга чиқиш арафасида турган қизларнинг ҳам бўлажак эри, фарзандларининг отаси қанақа бўлиши лозим, деган масалада ўз фикрлари мавжуд.

«Менинг оилам» клубининг ташаббускор гуруҳи семинар-тренинг иштирокчиларининг турли масалалар бўйича фикр-

мулоҳазаларини, шунингдек қатнашчилар анкетасини диққат билан ўрганиб чиқди. Қизлар ва жувонларнинг оила ҳаёти билан боғлиқ муайян вазиятлар борасидаги энг типик қарашларини кўриб чиқайлик.

Кўпчилик қизлар, сўров ўтказилганларнинг 80%дан зиёди никоҳланишни маълумот олиш ёки касб эгаллашга нисбатан биринчи ўрнига қўйишади. Никоҳланиш ёши улар учун анча мақбул бўлиб, шунинг учун 17–19 ёшни типик ҳисоблашади.

Анкетага жавоблар камдан-кам ҳолларни истисно этганда, тўйни келин ва куёвнинг ота-онаси ҳал этишларини кўрсатади. Бошқача айтганда, тўй кўпинча ота-оналарнинг мўлжалига мувофиқ бўлади. Бундай никоҳларда ҳам ажрашиш миқдори тўйёшлар ихтиёри билан бўлгандаги кабидир.

27 яшар жувоннинг типик гапларини тингланг: «Мен эримни тўйгача танимасдим. Тўйдан сўнг биз бир-биримизни севиб қолдик ва мана, 10 йилдан буён яхши яшаб келмоқдамиз». Шунга ўхшаш яна бир гап: «Ота-онам айтган йигитга тегдим. Бошқалардан ёмон яшаётганим йўқ».

Юқори синф ўқувчилари бўлган қизларнинг кўпникоҳликка ёки кўпхотинлиликка муносабати ўзига хосдир. Қизларнинг бир қисми иккинчи хотин бўлишни афзал кўришларини билдиришган, шунда қайнона нозоратсиз, мустақил яшай олар эмишлар. Иккинчи хотин биринчисига нисбатан кўпроқ эркин бўлади. Иккинчи хотин – суюкли хотин, деган ишонч қизлар орасида тарқалган. Аёлларнинг 20%гина қайси кўринишда бўлмасин, кўпникоҳлиликни маъқулламасликларини билдиришган. Сўралганларнинг қолган 60% ўз қарашлари тўғрилигига аминдирлар.

Қиз бола топармон-тутармон эр идеал ҳисобланган оилада тарбия топади, бу мутелик фалсафасини болалигиданоқ ўзига сингдиради, бошқача вазият ҳақида ўйлаб кўришга уринмайди ҳам.

Шу ўринда рус мактабида ўқийдиган ўзбек қизлар билан ўзбек мактабида ўқийдиган ўзбек қизларнинг фикрларини қиёсий таҳлил қилиш қизиқиш уйғотади. Рус мактабида ўқийдиган ўзбек ва тожик қизлар аёл учун: маълумотли, хушмуомала бўлиш, яхши кийина билиш, ораста, ақлли бўлиш, яхши рўзғор юрита билиш, бола тарбиялаш, эрни севиш, меҳрибон, соғлом бўлиш зарур, деб ҳисоблашади. Ўзбек мактабларида ўқувчи қизлар эса келин мулойим, сабрли,

эрининг ота-онаси ва қариндошларига нисбатан эътиборли бўлиши, қайнонасига ровиш қилиши, меҳнатсевар, соғлом, иш қобилиятига эга бўлиши, овқатни мазали пишириши, уйни тоза, саранжом-саришта тутиши, болаларни тарбиялаши лозим, деб ҳисоблашади.

Шуни айтиш мумкинки, бир неча умумий банддан ташқари, ўзбек мактабида ўқувчи қизлар кўпроқ сабр-тоқатли бўлиш ва эрининг ота-онасига ровиш қилиш ҳақида фикр юритадилар. Уларнинг ҳаммаси келин тонг саҳарлаб уйқудан уйғониши, ҳовлини, кўча эшикни супуриб-сидириши, нонушта тайёрлаши ҳамда нонушта пайтида оила аъзоларига хизмат қилиб туриши лозимлигини таъкидлашади. Бир йигитча (15 яшар), агар бўлажак хотини онасидан кейин уйғонса, ўша куниёқ «паттасини қўлига беришини» айтган. Кўпчилик қизлар биринчи навбатда қайнонанинг кўнглини олиш зарурлигига, аёлнинг оилавий ҳаётидаги бахти эридан кўра кўпроқ қайнонасига боғлиқлигига ишончлари комил.

Ховлини, кўча эшикни, агар кўп қаватли уйда истиқомат қилинса, кираверишни супуриб-сидириш удуми оилавий ҳаётда алоҳида маъно касб этади. Бу, бир қарашда, тозалikka риоя этишга қаратилган жуда оқилона иш. Бироқ батафсил таҳмил этилса, алоҳида мазмунга эга бўлган жуда чуқур маъноли удум экан. Келин эрталабдан қўлига супурги олса, бу – уй аркони бақувват, демакдир. Қўлда супурги тутган эгик қад-итоат ва бўйсунуш, демакдир. Бу ишни кўрган кўни-қўшнилари ва ўткинчилар келин ҳурмат қиладиган хонадон кексаларига, қайнота, қайнонага нисбатан эҳтиром туядилар. Бордию, келин бу ишни (хўжакўрсинга бўлса-да) қилмаса, бу унинг исёни, деб тушунилади.

Русча ва ўзбекча таълим олган қизларнинг фикр-мулоҳазалари орасидаги фарқдан, онг таълим таъсири остида ҳам шаклланади, деган ягона хулоса чиқариш мумкин. Ҳаётий қадриятлар жаҳон маданияти намуналарини ўрганиш орқали умуминсоний қадриятларни билиш ёрдамида ҳосил қилинади. Афтидан, турли сабабларга кўра, ўзбек мактабларида бундай ўрганиш етарли эмасга ўхшайди. Қизларнинг дунёқараши жаҳон маданияти намуналарига қараганда кўпроқ оила ва унинг уклади орқали шакллантирилади».

Аёл устидан назорат қилишнинг муҳим методларидан бири унинг кийим-кечаги ва ташқи кўриниши оила ва жамоа томони-

дан тартибга солиб турилишидир. Совет даврида бу назорат сусайганди, шаҳарлик қиз ва, ҳатто, қишлоқ қизи учун ҳам замонавийлаштирилган миллий кийим билан ёнма-ён европача кийимниш ва сочили турмаклаш одатий иш бўлиб қолганди. 1990-йиллар бошига келиб шаҳарлик аёлларнинг бир қисми европача ва, ҳатто, миллий кийимдан ҳам тўла воз кечиб, ҳижобга кирди – сатри-авратни беркитадиган кийимга ўранди. Бу, асли, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Мағриб мусулмон аёлларнинг кийими эди. Инқилобгача бўлган давр кийимлари Фарғона водийсида бошга ташланадиган кийим-мурсак ёки катта оқ рўмол тарзида, айниқса, кексайган аёллар орасида, тикланди. Ёш *отинлар* ва *даъватчи* аёллар, шунингдек савдо билан машғул бўлган диндор оилаларга мансуб аёллар орасида *ҳижоб* оммалашиб кетди.

Ҳижобга кирган аёлларнинг кўпчилиги ишламайди, аёлларнинг иккинчи даражали ва иттифоқкор эканлигини онгли равишда ёки оила таъсири остида бўйинларига олишган. Уларнинг айримлари олий ўқув юртларида таълим олишади ва *ҳижобни* ўзларининг диндорликларини намоён этиш воситаси, ахлоқий поклик рамзи сифатида қабул қилишади ҳамда уни, уларнинг фикрича, кийган одамнинг ахлоқий бузуқлигидан далолат берувчи европача кийимга қарши қўйишади. *Ҳижобда* юриш ҳуқуқларини ўжарлик билан ҳимоя қилишади-ки, бундай қатъият бошқа соҳада кўпроқ фойда келтириши мумкин эди.

Ўртача қишлоқ оиласида тарбия топган, 19 ёшида турмушга чиққан (мактабни тугатгач, отасининг дўконидида бир йил ишлаган) Муборак Баратова бундай деб ҳисоблайди:

«Аёл Одаматонинг қобирғасидан яратилган, Одаматони эса Аллоҳ яратган. Шундай экан, аёл қандай қилиб эркак билан тенг бўлиши мумкин? Аллоҳ Одамни яратиб, жон бахш этди. Одам эса танасининг бир қисmini аёл билан баҳам кўрди, шунинг учун аёл эркакдан доим миннатдор бўлиб, унга хизмат қилмоғи зарур. Боқий китоб – *Инжил*ни нотўғри талқин қилган насронийлар, табиийки, аёлнинг ўрни ҳақидаги талқинларини ҳам давом эттиришмоқда. Улар ўз аёлларига нафақат юзини, балки қўли, елкаси, кўкраги, оёғи ва, ҳатто бутун баданини очиб юришга изн бериб, уларни ахлоқий покликдан маҳрум қилишган. Шунинг тенг ҳуқуқлилик дейиладими? – Йўқ, бу тенглик эмас, бузуқлик!. Аёл қайсидир маънода тўлиқ одам эмас, ўзини эркаклардек тутат олмайди.

Буни тушунишни истамас экан, у гуноҳи кабира қилган бўлади ва Одамни яратган Аллоҳнинг иродасига қарши боради. Эрининг дуосини олиш учун у таом тайёрлаши, кир-чирини ювиши ва эрига хизмат қилиши зарур. Аллоҳга шукрки, русларнинг замони ўтди, динимиз ва тартибларимиз ўзимизга қайтди. Қизларимиз бузук бўлишига йўл қўймаймиз, уларни гуноҳ ишлардан йироқ қилиб тарбиялаймиз. Янги авлод ўранган аёллар авлоди бўлади. Бир тутам сочини кўрсатган аёл шу тутамдаги соч талалари ададича гуноҳ қилган бўлади, бўйни ва кўкрагини очиб юрган аёл дўзахда ўша жойидан осилиб, ўтда қуяди. Уйимиздаги китоблар фақат араб ёзувида, бошқа китоблар гуноҳга ботган, биз телевизор томоша қилмаймиз, радио ҳам тингламаймиз, булар – гуноҳ ишлар, фақат тоат-ибодат билан машғулмиз».

Хафиза Насруллаева эса «Марказий Осиё маданияти» мустақил газетасининг 1998 йил 1-сонида мана бундай «илмий» асосни келтиради:

«Эркаklar билан аёлларнинг ҳуқуқларигина эмас, балки улар фаолиятининг бир-биридан фарқи ҳамда улар ўртасидаги жисмоний тафовут ҳам инсоният жамиятининг табиий арконлари эканлигини унутмаслик керак. Оилани моддий таъминловчи эркак жисмоний тузилиши ҳамда табиий интишларига кўра унинг маънавий етакчисидир, аёл эса маънавий қадриятларни муҳофаза қилувчи бўлиб, эркакка бўйсунди. Эркак билан аёл ўртасидаги асосий фарқ айна шундадир. Ушбу сабабларга кўра, жамият тараққиётида, моддий бойликлар яратишда ва раҳбарлик қилишда асосий ролни эркаklar ўйнайди. Аёллар эса, жисмоний заифлиги ва нозиклиги туфайли ўз эҳтиёжларини фақат эркаklar орқали қондиришади ҳамда уларга итоат этишади. Оила айна шунақа табиий негизга қурилади. Исломнинг асосий китобида: «Эркаklar аёллар устидан ҳукм юритадилар», – деб таъкидланади. Бунинг сабаби шундаки, Аллоҳ баъзи бировларни ўзига бошқаларга(яъни аёлларга) нисбатан яқинроқ қилиб қўйган ... Оилада шундай тартибга риоя қилинса, у мустаҳкам бўлади».

Лекин унчалик диндор бўлмаган оилалар ҳам аёлнинг кийим-кечаги маҳалланинг одоб ва фаровонлик тўғрисидаги тасаввурларига мувофиқ келиши учун уни кузатиб туришни одатий ҳол

ҳисоблашади. Никоҳлар асосан ота-оналарнинг келишувига кўра бўлгани учун никоҳнинг моддий томони бундай аҳдлашувнинг муҳим жиҳати бўлади. Аҳдлашувда тўй қандай ўтказилиши, кимга қанақа сарпо қилиниши, ёшлар моддий жиҳатдан қандай таъминланиши (уй-рўзғор анжомлари, идиш-товоқ, гилам, мебель ва сарпо) масалалари келишиб олинади. Бунда ёшларнинг ҳис-туйғуси тўғрисида гап ҳам бўлмайди. Икки томон тўйни «бошқалардан кам» ўтказмаслик тадоригини кўради, токи қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғ гап-сўз қилишмасин. Бундай «манманлик бозорида» келин бош қаҳрамон ҳисобланади. Унинг сарпоси, ўзини тутуши ва хулқ-атвори *маҳаллада* ва қариндошлар орасида анчагача муҳокама қилинади. Улар, кейин гап-сўз қилиш учун, қайнонани гиж-гижлаб ҳам қўйишади.

Шонра Ҳамдамова келиннинг сарпоси маҳалла назарида қандай бўлиши лозимлигини ҳақида ҳикоя қилади:

«Қиз бола эрга тегмагунича чиройли кийиниши ва упа-элик ишлатмаслиги лозим, деб ҳисобланади. Ёш келинларгина кўркам кийинишади ва пардоз-андоз қилишди. Уларнинг чиройли, кўркам кийими – оила фаровонлигининг ўзига хос рамзи. Куёв билан келиннинг кийими, одатда, ота-оналари ва қуда томон қилган сарподан бўлади.

Қуда томонлар келиннинг сарпоси – кўйлаги, кофталари, пойабзали бошқаларникидан кам бўлмаслигини қаттиқ кузатишади. Кийимлар орасида шу пайтда модада бўлган нарсалар, ялтир-юлтир газлама, зардўзи кийим бўлиши қаттиқ назорат қилинади. Кийимга қўйиладиган асосий талаб – кўзга ташланадиган, кўркам бўлиши ва модадаги нарсалар – асло европача услуб ва ҳамма тутадиган нарса эмас. Кийим-кечак таомилга кўра танланади. Бирон-бир келиннинг сепида яхши бичимли пальто бўлса, кейинги келинлар учун ҳам шундай пальто топишга ҳаракат қилишади. Бу – «ким ўзар» ўйини. Келиннинг кийим-кечагига қараб қудалар кўкрагини кериб юради. Ёш келинларнинг сепида деярли бир хил нарса бўлади. Анъанавий муҳитда бир хил кийиниш яхши ҳислат ҳисобланади. Келиннинг сандиғида бирон нарса бўлмаслиги аразга олиб келади. Келиннинг онаси ўзини ўтга-чўққа уриб бўлса ҳам, қизининг сепини бут қилишга интилади. Бу иш она учун қизининг шаънини ҳимоя қилишдир. Обрў кетидан қувиш оқибати бўлган бундай кийим келин бечорани

ёзда офтобтиғида куйдириб, қишда совуқ едирса-да, унинг ва оиласининг жамиятдаги мақомини белгилайди. Ёзда қуёш тиғи остида келин синтетик кўйлақда юрганини кўрсанг, юрагинг ачишади. Кўйлақ каштасидаги металл иплар қуёш нуридан қизиб, елкасини куйдиради, лекин шундай қилиш лозим бўлгани учун бунинг азобига жон дебчидайди, чунки бошқалардан қолишмайди-да.

Маҳалладаги ёши катта аёллар бир-бириникига меҳмонга боришни жуда хуш кўришади. Улар тўпланадиган уйда келин яхши кутиб олиши шарт, акс ҳолда бу хотинлар у ҳақда яхши фикрда бўлмайдилар, уларнинг фикри эса афкор оммага айланиб кетади. Кўпинча бу аёллар невараларини ҳам етаклаб келишади, келин бечора эса бу болаларга ҳам қараши, бошқа ишларни қилишга ҳам улгуриши зарур.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек оилалари кўпинча бўлак бўлмайди, бир хонадонда уйланган бир неча ўғил оиласи билан истиқомат қилади. Бундай ҳолларда келинлар ўртасида ишни қайнона тақсимлайди. Одатда катта келин оиладаги тартиб-қоидаани яхши билгани учун кенжа келинга қараганда қайнонага яқин бўлади. Унга кўпроқ маслаҳат солишади. Катта келин ҳам қолган келинлар орасида вазифани тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда ҳам оила ички бўйсунуш поғоналарини кўриш мумкин.

Текширилган оилалардаги қайнона ва келинлар имкониятини кўриб шу нарсани ҳам таъкидлаш зарурки, ишлайдиган жувонлар ишлаб топган пулларининг барини, одатда, қайноналарининг қўлига келтириб беришади, улар эса неваралар, болалар ва келинга нима сотиб олиб беришни ҳал қилишади. Афтидан, бунинг ҳам ижобий томони бўлиб, умумий оилавий маблағни анча тежамли сарфлаш имконини яратади.

Ота томондан буви пулнинг чорак қисмини неварасининг суннат тўйига атаб йиғиб боради. Невара қанча кўп бўлса, пул ҳам имкони борича кўп йиғилади. Келин ишламаса-ю, лекин дўппи, *чорси* тика олса ёки миллий кўйлақ, тўн тикишни билса, бу буюмларни сотишдан тушган пулни ҳам қайнона тасарруф этади. Кўп оилаларда келиннинг ўзбошимчалак билан нарса сотиб олиши қайнонага нисбатан ҳурматсизлик деб баҳоланади.

Жувонларга эрининг уйида яшаш осон эмас. У катта жисмоний юк остида эзилибгина қолмай, балки кўпинча оддий

эркинликдан ҳам маҳрум қилинади. Амалдаги қоидаларга кўра, келин қайнонасининг рухсати билангина ота-онасиникига, қариндошларникига бора олади».

Миллий тикланиш ҳамда миллий ўзликни англаш ҳақида гап борганда мафкурачилар, энг аввало, асосийси оила деб ҳисобланадиган анъанавий қадриятларга таянадилар. Оила жамиятнинг энг барқарор институти бўлиб, ўз микрооламидан ташқарида бўлган барча жараёнларни ҳамда зиддиятларни акс эттиради. Шундай қилиб, *махалла* назарида идеал бўлган аёл замонавий инсон ва фуқарони тарбиялай оладими ёки йўқми, деган масала очик қолмоқда.

Ижтимоий ва оилавий қадриятлар ўртасида барқарор муносиблик ҳукм сурадиган жамият ҳали қурилмаган, лекин шунга интилиш бор. Ўтмиш, совет тизими тажрибасига эътибор қаратилса, унда давлатнинг оилага нисбатан сиёсатида икки йўналишни кузатиш мумкин. Биринчиси – оила тўғрисидаги эски идеалларнинг барбод бўлиши ҳамда ижтимоий қадриятларнинг оила қадриятларидан устунлигини тарғиб қилиш; иккинчиси – турмуш курадиганларнинг бир-бирига ўзаро мойиллиги ҳамда ижтимоий қарашларининг мослиги асосида қуриладиган оиланинг янги идеалини яратиш, оилада хотин-қизлар эмансипациясини қўллаб-қувватлаш.

Бу сиёсат Совет Иттифоқининг турли минтақаларида озми-кўпми муваффақият билан амалга оширилганди. Агар Ўзбекистонда совет даврида ҳамда советлардан кейинги даврда оиланинг ривожлантирилиши таҳлил қилинса, совет давлатининг оила борасидаги сиёсати гарчи биринчи босқичда кўзга ташланадиган ютуқларга эришган бўлса-да, иккинчи босқичда, анъанавийлик кучли бўлиб чиққани учун, муваффақиятсизликка учради. Совет даврида оила муаммоларини ўрганишда ушбу муаммоларга тааллуқли барча фан соҳаларида (демография, этнография, жамиятшуносликда), анъанавий жамиятнинг ва унинг жамият ўрта ва қуйи қатламларидагина эмас, балки зоҳиран замонавий бўлиб кўринган мумтозлар ҳамда зиёлилар оилаларида ҳам роя этиладиган ёзилмаган қонун-қоидаларининг пойдорлиги ошқора кўриниб турганига қарамай, кўпроқ мафкуравий ёндашув, исломий анъанавий оила тугаб бораётгани, «феодал сарқитлар» бартараф этилаётгани ҳамда оила замонавийлашуви ғалаба қилаётгани тўғрисидаги нуқтан назар устун турарди.

Марказий Осиёда Шарқ аёлининг эрки қўлига берилиши ва аёллар маълумот даражасининг инқилобдан олдинги даврдигига нисбатан бекиёс ўтиши давлатнинг жамиятга кучли таъйиқи остида кечди ва бу совет тузумининг шубҳасиз ютуғидир. Бугунги кунда ўтмишнинг такрорланаётгани замонавийлаштиришнинг ушбу ютуқ қўлга киритилишига сабаб бўлган совет методларининг заифлигини кўрсатади. Хотин-қизларни анъанавий иккинчи жинс ролига ҳеч бир қаршиликсиз қайтараётган анъаначиларнинг бугунги ютуғини шу билан изоҳлаш мумкин. Ўзбек аёлнинг оиладаги аҳволини таҳлил қилиб, совет давридан кейинги тамоийларни аниқлаб кўрайлик.

Хотин-қизлар бир қисмининг европача кийимдан воз кечиши қадриятлар тизими ўзгаргани ҳамда ўзининг анъанавий ролини эътироф этганининг белгиси эди. Совет даврида ўрта ва, ҳатто, олий маълумот олганларнинг ҳам қизлари ўзларининг ахлоқодобли эканликларини тасдиқлаб, диний мактабга қатнай бошлашди. Диний қонун-қоидаларга риоя қилишлари, *намоз* ўқишлари ва *рўза* тутишлари эса уларнинг миллий қадриятларга садоқатларини ифодалаш рамзига айланди. Бирок бу маънавий ёки интеллектуал изланишлар натижаси эмас, балки кўпроқ бебурдлик ва содда прагматизм, мунофиқлик натижаси ёхуд эл қатори қилинган иш бўлди. Буларнинг бари Конституциясида дунёвий ривожланиш йўлига садоқат, жинслар кенг ҳуқуқлилиги ҳамда дин давлатдан ажратилганлиги эълон этилган мамлакатда рўй берди. 70 йиллик Совет ҳокимиятидан сўнг анъанавий жамият билан дин таъсиридан холи бўлган жамият ҳамда модернистик ҳукумат ўртасидаги илгари яширин бўлган, энди эса ошкор қилинган чизик шу тарика ўтди ва бу чизик ўранган аёл бўлиб чиқди.

Жамиятнинг ҳаётда анъанавий ва замонавийга ажралиши анча аниқ кўриниб қолди ва, ҳатто, кечагина коммунистман, деганлар шахсий ҳаётларида анъанавий жамият қонунларига ихтиёрий равишда бўйсундилар. Бу мамлакатда яшашни ихтиёр этганларнинг ҳаммаси унинг яширин таъйиқини сезиб туради, ҳисоб. Ҳатто оммавий ахборот воситаларида ҳам ўзбекларни оила анъаналарига, совчилик удумига сўзсиз бўйсунтиришга этилган даъватларни, ўзбек тўйларидаги маросимлар, тўйдан кейинги ва ҳайит кунларидаги «келин салом» одатидан завқланишни, аёлнинг серпуштлигининг, катта бўлгани учун кучли бўлган оила култининг улуғланишини яна нима билан изоҳлаш мумкин?

Менинг авлодим бўлган замонавий ўзбек аёли совет тузумининг ижоди эди. У яхши маълумот олган (бу – руслашган, дегани), ўзининг врач, ўқитувчи, олим, мухандис, юристлик ролини бажариш учун профессионал тайёргарлик кўрган аёлдир. У вужудга келган давлат тузилмасида ўз ўрнини топа олганди ҳамда мувафаккият билан ишлаганди. Ўтиш даврида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, у ўзининг иқтисодий ўрнидан аста-секин маҳрум бўла борди, ижтимоий роли пасайиб кетди, унга талаб бўлмай қолди. Анъанавий жамиятга мансуб камроқ маълумотли ва камроқ профессионал аёллар эса, она тилини яхши билгани учун, уларнинг ўрнини эгаллашди. Тарбиясига ва турмуш тарзига кўра мослашувчан бўлган бу аёллар анъанавий жамият таъйиқига кўпроқ эркаклардан иборат бўлган бошлиқлари ва ҳамкасбларининг патриархал даъволарига осонроқ қўника боришди, ўзлари консерватив қарашлар соҳибаларига айланиб қолишди. Айни шулар оқ рўмол ўраб, ярим исломий кийимна бошлашди, патриархал оилаларнинг маросимлари ва қондалари ҳукмрон бўлган анъаналарининг муҳофизларига айланишди, рус тилида гаплашадиган нисбатан маълумотлироқ аёлларни профессионал соҳадан суриб чиқаришди. Айни шулар бугунги кунда аёллар ўз ўринларини билишлари лозимлиги тўғрисида гапиришмоқда. Бу ўрин эса, уларнинг қарашларига кўра, эркакларникидан бир поғона пастдир. Уларнинг фикрича, фақат шунақа аёл ҳаётдан ўрин олиши мумкин. Мавжуд ҳолатда улар, балки, бундай қараш мамлакатнинг мавжуд қонунларига ҳамда замонавийлашиш йўлига зид бўлишига қарамай, ҳақдирлар ҳам.

Бундай қарашларга буткул қаршилик кўрсатилмаслигини, улар заррача танқид қилинмаслигини нима билан изоҳласа бўлади? Бунга биргина жавоб бўлиши мумкин. Совет даврида оила муносабатларида *шариат* қондалари барҳам топмаган эди. Давлатнинг бутун сазий-ҳаракатига қарамай, аҳолининг кўпчилиги *шариат*га асосланган турмуш тарзини миллий борлиқ шакли, миллий онни сақлаб қолиш усули, ўзини ҳаётининг бошқа барча соҳаларида давлатнинг таъйиқига ён берадиган этнос тарикасида сақлаб қолишнинг ягона шакли сифатида тан олинган. Оила аввалги қондалар бўйича сақлаб турилган ҳамда таркиб топтирилган. Булар: ота-она ихтиёри билан турмушга чиқиш, оила манфаатларининг аёлнинг ўз танлови ҳамда манфаатларидан устунлигидир. Оиланинг поғонама-поғона бўйсунуш таркиби ижтимоий ўзгаришлар жараёнида ҳам мустаҳкамлигича қолди;

кон-қариндошлик алоқалари ҳар бир кишининг ҳаётида энг яқин ва масъулиятли бўлиб қолаверди.

Ўзбек оиласи қандай бўлганлигини ва бугун қанақалигини, унинг асосий қоидалари, оилада қизларнинг, аёлларнинг, хотинларнинг аҳволи қандай белгиланишини кўриб чиқамиз ва ҳаётий мисоллар келтирамыз. 1997 йилда Хотин-қизлар маркази (ХҚМ) нинг «Учрашув жойи» лойиҳаси таркибида «Ёшлар ва оила» мавзуида ёшлар учрашувларини ўтказди. Ёшлиги 1960–1970-йилларда ўтган, ХҚМ аъзолари, университет маълумотига эга аёллар ушбу учрашувларнинг ташаббускорлари бўлишди. Бугунги талабалар ва юкори синф ўқувчилари ҳамда уларнинг ўқитувчилари оила қандай негизда қурилши, ёстикдош жуфт қандай танланиши, оилада қовушган ёшлар билан ота-она ўртасидаги муносабат қандай йўлга қўйилиши ва кўплаб бошқа масалалар ҳақида фикр билдиришди. Учрашувлар ўзбек оиласида жуда кам ўзгариш бўлгани ҳақида хулоса чиқариш имконини берди.

Шаҳноза, 40 яшар:

«Мен, ҳатто 60–70-йиллар тушунчасига кўра ўртача қизлар ё олий ўқув юртини тугатиш арафасида, ёки тугатгач турмушга чиқиши лозим, деган тушунчаларга ҳам зид ўларок, эрта турмушга чиқмадим. Мен совчилар орқали турмушга чиқдим ва бўлажак эрим билан бир ойга яқингина танишган бўлдик. Рус мактабида ўқигандим, замонавий рус ва Ғарб адабиёти таъсирида тарбия топгандим, шунинг учун ёшлигимда бўлажак турмуш ўртоғим билан яхши таниш бўлгач, уни севиб турмушга чиқаман, деб ўйлагандим. Бироқ ўшандаёқ, дугоналарим ва дўстларим ҳаётини кўриб, мен эришиб бўлмайдиган нарсани орзу қилганимни тушундим, чунки йигит билан учрашиб юрган қиз йигитнинг ота-онаси нуқтаи назаридан номақбул ҳисобланарди. Одобли қиз йигитлар билан юриши ва, айниқса, унга турмушга чиқишни кўзлаши яхши эмас, деб ҳисобланган. Бундай қиз ё енгилтак, ёки ўз манфаатини кўзлайдиган, ёхуд ҳам унақа ва ҳам бунақа ҳисобланарди. Бундай қизларнинг ота-онаси уни ўз ихтиёрларича узатиб, шундай гап-сўзларининг олдини олишган. Йигитнинг ота-онаси эса, вақти келганда ўз билгиларича келин топишларини мўлжаллаб, ўғлининг хатти-ҳаракатига унча эътибор беришмаган. Қиз билан йигит ўз топганлари билан турмуш

қуришни талаб этганларида икки ўртада жанжал чиққан. Бунда ёшлар турмуш қуришса ҳам, одатда, келин билан йигитнинг ота-онаси орасидаги муносабат жуда таранг бўлган. Бундай оилалар камдан-кам ҳолларда бахтиёр бўлишган: «келин ўғлимнинг бошини айлантириб олди», деган гап бир умр чайналган. Шунинг учун йигитлар ҳам, иш барибир истанларича бўлмаслигини тушуниб, ўзлари ёқтирган қизга унча илтифот қилишмаган. Шу боис, йигит қизга ёқиш ўрнига, агар онаси кўнса, қизниқига совчиликка юборган, лекин оналар кўпинча, ўғлиларига қанақа хотин кераклигини яхшироқ билишларини айтиб жавоб беришган.

Мен, шу тариқа, совчилар орқали турмушга чиқдим ва бунга афсусланмайман. Ота-онам, қуда томон сингари, бўлажак эримнинг оиласини сўраб-суриштириб, биз маълумотимизга кўра ҳам, оилаларимизнинг моддий аҳволига кўра ҳам бир-биримизга тўғри келишимиз ҳақида яқдил фикрга келишди. Ота-оналаримиз бизни таништиришди, бўлажак эрим билан 4–5 марта учрашдим ва ҳеч бир мажбурлашсиз унга тегишга розилик бердим. Айтганча, қиз бола «эрга тегаман» дейиши одобсизлик ҳисобланади. Тарбияли қиз «эрга тегиш» деган гапни эшитганда қизариб кетиши, йўқ-йўққа тушиши ёки сукут сақлаши даркор.

Эрга теғдим ва унинг ота-онаси хонадонида уч йил яшадик. Мен гарчи ишласам-да, ишга кетгунча келинлар қилиши лозим бўлган уйни, ховлини супуриш-сидириш, йиғиштириш, нонушта тайёрлаш сингари ишларни бажарардим, қайнонам кўмаклашардилар. Болали бўлганимдан кейин ҳам уй ишларим камаймади, лекин мен шу йиллар ичида эримнинг ота-онаси билан аҳил яшадим, қайнотам, ҳатто, пазандалигим учун мени яхши кўриб қолдилар. Эрим амалдорлик пилла-пояларидан кўтарила бошлади, мен аспирантурани йиғиштириб, кетма-кет туғилган болаларимни тарбиялаш билан шуғулландим. Эрим оилага садоқатимни қадрлайди, шунинг учун оиламиз аҳил. Ҳозир, моддий жиҳатдан қийин бўлса-да, ишламайман, болаларимга шу яхши, деб ҳисоблайман; уларнинг таълими билан шуғулланаман, дарс қилишида кўмаклашаман, иссиқ овқати, тоза кийими тайёр. Болалар менинг ғамхўрлигим туфайли яхши таълим-тарбия олиши мумкин, мен уларнинг юриш-туришини назорат қила оламан, ёмон таъсирдан сақлаб қоламан. Мен уй бекасиман,

менга шуниси маъкул. Иззат-нафсимни тия оламан. Жамиятдан буткул ажралиб қолмаслик учун ҳафтада тўрт соат дарс бераман».

Марнам:

«Турмушга чиқмаганман, ёшим 20да. Лекин курсдош дугоналаримнинг кўпчилиги узатилиб кетган, чунки уларнинг ота-онаси фарзандлар олдидаги бурчларини тезроқ бажариш ҳамда бировнинг хасми бўлган қизлар учун масъулиятдан эртароқ қутулиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Менинг ота-онам эса энг аввало яхши маълумот олишим зарур, деб ҳисоблайдилар. Лекин қанақа кийинишимни, ким билан мулоқотда бўлишимни назорат қилишади. Шим кийишим, кечкурун соат 8дан кеч қолишим тақиқланган.

Бир мунозарада фарзандлар, уларнинг сони ва туғувчи аёл соғлиғи ҳақидаги масала кўтарилди. Орамиздагиларнинг кўпчилиги турмушга чиқмаган қизлар бўлгани учун бизнинг давра бу масала ҳал қилинадиган жой эмасди. Ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Лекин фарзанд кўриш-кўрмаслик масаласини аёл ҳал қилмайди. Агар аёл тўйдан сўнг бир йил ичида фарзанд кўрмаса, унга бепушт деб қарашади. У қанчалик тез туғса, шунча яхши. Фарзанд унинг оиладаги нуфузини оширади. Лекин бу ҳам ҳамма жойда бир хил эмас. Кўп оилаларда аёл то ўғил кўргунча туғаверади, буни эри ҳам, қайнота-қайнонаси ҳам талаб қилади.

Мен маҳаллада тураман ва шу нарса бутун турмуш тарзимизга таъсир кўрсатади. Ота-онам Тошкентдан эмас, улар бу ердан ҳовли сотиб олишган. Биз туғилгач, онам ишламай қўйгандилар, ҳозир ишлайдилар. Лекин улар учун иш асосий нарса эмас, ўзларини оилага ва беш фарзандга бағишлаганлар. Қўни-қўшниларникида ўтказиладиган барча тадбирларда: тўй, маърака, эҳсон ва ҳ.к.да қатнашадилар. Онамлар менга ҳамма билан саломлашишни, ўзимни одоб билан туттишимни, сипо кийинишимни доим тайинлайдилар. Бу жуда муҳим, чунки узатиладиган бўлсам, совчилар мен ва оиламиз ҳақида энг аввало қўни-қўшнилardan сўраб-суриштирадилар. Шундай қоидаларимиз борки, уларни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳамсоялар ва қариндошлар фикри оила ва унинг аъзоларининг обрў-эътиборини белгилаб беради. Шунинг учун уйдаги гални кўчага чиқармаслигимиз, кўча-кўйда

ўзимизни яхши тутишимиз зарур. Оила нуфузи энг аввало унинг моддий аҳволига боғлиқ, лекин обрўли оила бўлиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Оила аъзолари ўзини камтар тутиши, хушмуомала, одобли, одамохун бўлиши даркор.

Мен институтда ўқийман, бўлажак касбим – таржимонлик. Яхши пул топиш ва мустақил бўлиш учун биронта халқаро ташкилотда ишламоқчиман. Опам турмушга чиқмасдан мени узатишмайди, у менга гўё тўсиқдай. Лекин ўзим ҳам совчилар орқали турмушга чиқаман, деб ўйлайман. Курсимизда йигитлар кўп, қизлар кам бўлишига қарамай, қизлар улар билан учрашишмайди, йигитларнинг ўзи ҳам ташаббус кўрсатишмайди. Ота-она тажрибасига таяниш ёмон эмас, лекин, афсуски, ҳаётимизда гўзал онлар кам, муҳаббатни мен ҳар бир кишининг ҳаётидаги энг гўзал воқеа деб ҳисоблайман, лекин у ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан. Хатога йўл қўйишдан кўрқиб катталарга суюнилади. Қизлар учун ҳаётда кўп нарса чекланган ва тақиқланган, бу ҳолат биздаги ўзимизга ишончни сусайтиради, ҳис-туйғумизни, истакларимизни жиловлашга мажбур этади».

Таассуфки, бугунги кунда адабиёт ва санъат асарларида анъанавийликка қарши норозилик оҳанги сезилмаяпти. Таникли хонанда Равшан Комиловнинг бир ҳазин қўшиғи бундан мустасно. «Мен севаман Озодани» клипида 3 минут давомида синфдош ошиқ-маъшукнинг фожиаси тасвирланган, ота-она ихтиёри билан уларнинг биринчи соф муҳаббати чил-чил бўлган, бу анахронизм эмас, балки бугунги кунда ҳам тез-тез учрайдиган ҳолдир. Фарзандига гўёки бахт истайдиган, баъзан жуда маълумотли ота-оналарнинг хоҳиш-иродаси ёшларнинг ҳис-туйғусини ва орзу-умидларини шафқатсиз барбод қилади, ота-онанинг «одамлар нима деркин?» деган савол олдидаги кўркуви фарзандлар бахтсаодатидан ҳам муҳим бўлиб чиқади. Қуйида Нилуфарнинг ўзи ҳикоя қилган, унинг бошидан ўтган воқеаларни ўқинг, уларда унинг аччиқ фикр-мулоҳазалари жо бўлган:

«Аёлнинг ҳаёти икки қисмдан иборатлиги маълум. Бири – турмушга чиққунича ота-онасиникидаги ҳаёти бўлса, бошқаси – узатилганидан кейинги, аёл жамиятда тўла мақомга эга бўлгандаги ҳаётидир. Шунинг учун ўзбекчада «эрга тегиш» дегани «ҳаётга кириб бориш» деганидир. Оила аёл учун доим асосий ва асл макон ҳисобланиб келган, шунинг учун уни бо-

лалигидан ушбу воқеага тайёрлаб келинган. Унга эрга текканида асқотади, деб ҳамма нарса ўргатилган. Шунинг учун қиз бола ота-онасининг уйида мазали овқат пиширишни, кир ювишни, уйни йиғиштиришни, болага қарашни, қарияларга хизмат қилишни ўрганиши лозим бўлган, бошқа нарсани эса, қизиқишига қараб, ўзи ўрганиб олаверган. Шу боис қиз боланинг маълумот олиши қаттиқ назорат қилинмаган, шундай бўлса-да, кизлар ўғил болаларга нисбатан кўпроқ истак билан ўқиб, тиришқоқлигини ва меҳнатсеварлигини кўрсатишади. Ҳаётий тажрибамдан шундай хулосага келдим. Ўғил болаларга оилада имконият кўпроқ берилади, уларнинг ташаббуси (ҳамма оилаларда бўлмаса-да) кўпроқ қўллаб-қувватланади, улар ўз ҳаётини ўз истаклари ва интилишлари асосида қуришади. Лекин ўғил болалар ҳам катталар инонихтиёрига бўйсунадиган қилиб тарбияланади.

Энди ўз ҳақимда ҳикоя қилиб бераман. Мен оилада тўнғич фарзанд эдим, менинг турмушга чиқишимдан ота-онам кўп нарса кутишган, «одамларга ўхшаб тўй қилиш» ниятида эдилар. Отам – таниқли олим, Москвада ўқиган, фан доктори, ўз доирасида ҳурматга сазовор одам бўлиб, шунинг учун менинг тўйимни дўстлари ва қариндош-уруғлари орасида шарманда бўлмайдиган қилиб дабдаба билан ўтказмоқчи бўлганди. Мени сўраб кўплаб совчилар келганди, лекин онам отамнинг изнисиз мени уларга кўрсатмаганди ҳам, натижада ҳашаматли тўй қилолмайдиганлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетганди. Ўзбек мақолида гарчи «Тенги чиқса, текин бер», дейилган бўлса ҳам, отам унга амал қилмаганлар. Сепим жуда зўр эди. Отам Туркияга борардилар, менга атаб нарсаларни ўша ердан келтирардилар. Менга совчи юборганлар орасида ҳамкурсим ҳам бўлиб, мен уни билсам-да ва ёқтирсам-да, учрашмасдим. Отаси бўлмагани учун унга рад жавобини бериб юборишди. Отам мендан 10 ёш катта бўлган фирма эгасини танлади. Мени унга кўрсатишганда, ёши ёқмаган бўлса-да, ўзи нафрат уйғотмади, лекин отамнинг талаби билан рози бўлдим.

Отам истагандай тўй бўлди ва мен чолу кампир ҳамда эрга тегмаган уч қиз бўлган хонадонга келин бўлиб тушдим. Акаси ва бир опаси оилали эди. Уйдаги тартиб-қоида бизни-кидагидан кам фарқ қиларди: уйимизда ҳамма масалани отам ҳал қилса, бу ерда – эрим ҳал қиларди. Биринчи эшит-

ганим, бу хонадонда аёллар уйда ўтириб, уй ишларини бажаришлари ҳақидаги гап бўлди. Мен яхши тарбия кўрган ўзбек аёли сингари, эрталаб соат бда турардим ва тун соат 1да ётардим. Шунда уйдаги ишларни ҳам бажарадим, институтга боришга ҳам улгурардим (ўшанда мен тиббиёт институти-нинг 5-курсида ўқирдим). Лекин, гарчи қайнагачиларим олий маълумотли бўлиб, ишлашса-да, менинг институтга қатнашим ҳеч қайсинисига ёқмасди. Эрим уйни таъминлаб қўярди, лекин қаерда бўлишини, қачон қайтишини, ишдан ташқари пайтда кўчада нима билан шуғулланишини айтишни эп кўрмасди. Мен можаро чиқишини истамасдим, зеро, онамлар қиз бола бир марта турмушга чиқишини, мен уйга ўз оилам ғалвасини кўтариб келмаслигим лозимлигини тайинлагандилар. Фарзанд кутаётгандим, мазам бўлмаётганди, шунинг учун ота-онамнинг маслаҳатига кириб академик таътил олдим. Таътилда бўлсам-да, кўчага чиқишимга тўғри келарди, шунинг учун қайнонамдан ва қайнотамдан рухсат сўрардим, қачон қайтишимни айтардим. Бу эса эримга ёқмасди, ўринсиз рашк қилаверарди. Ота-онам барча удумни қилишарди: чақириқ қилишди, тоғора-тоғора нарса юборишарди, эримнинг қариндошларини ҳам совға-салом билан йўқлаб туришарди.

Хонадонда ошкора можаро бўлмаган эса-да, сиқик муҳит бу ерда тинчлик бўлмаслигидан далолат берарди, косанинг тагида нимкосаси бор гап қилишарди. Эримнинг опа-сингиллари, ота-онаси меҳнатим учун мени дуо қилишарди, хушмуомалада эдилар, соғлиғимни суриштириб туришарди, эрим кўпроқ уйда бўлиши учун унинг гапига киришимни маслаҳат беришарди. Мен кўлимдан келганини қилардим, бироқ эрим ўзини бегонадек тутарди, уйда кўп бўлмаслиги мени ташвишлантирарди, кўпроқ уйда бўлинг, десам, иши кўплигини айтарди. Бир куни қайнонам қайнсинглимга мен жуда содда ва тажрибасизлигимни, эримни «у хотин»дан ажратиб ололмаётганимни айтаётганини эшитиб қолдим. Ўйлай-ўйлай, бир куни қайнонам нимани назарда тутганларини сўрашга қарор қилдим. Эримнинг жон-пони чиқиб кетди: онасига ҳам, менга ҳам бақира-бақира уйдан кетди. Бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ота-онамга айтдим.

Отам қайнотам ҳамда эрим билан гаплашганларидан сўнг мени уйга олиб кетдилар. Қисқаси, эримнинг суйган аёли

бор экан, у рус бўлгани учун ота-онаси унга уйланишга розилик беришмаган экан. Аёл эса, эрим унга уйланса ҳам, бу хонадонда яшашни истамаслигини айтган экан. Масала кўндаланг кўйилгач, эрим ўша аёл хотини эканлигини айтибди, отам, у ҳолда мен ким эканлигимни сўраганларида: «У ҳам хотиним, лекин яна келиннинг хизматига муносиб бўлган ота-онамнинг келини ҳам», – дебди. Шу тариқа, аёл дунёга эркалар ва уларнинг яқинлари хизматини қилиш учун келиши менинг шахсий намунамдан маълум бўлди. Унинг инсон сифатида, ўз хоҳиш-истаклари ва интилишлари бўлган, ниҳоят, эри, ёстикдош сифатида бир-бири билан боғлиқ бўлган киши учун ҳам мантиқан қизиқ бўлиши лозим бўлган ўз маънавий оламига эга бўлган шахс сифатида қадри йўқ. Эрнинг назарида аёл ҳаётини қулайлаштирувчи восита, истакни эр билдириши, аёл эса эрининг истагига бўйсунishi даркор. Нақадар даҳшатли ва таҳқирловчи қисмат бу! Мен ўзимни эзилган, топталган, таҳқирланган ҳис қилдим. Мени камситишлари, текин хизматкор ва безабон чўри сифатида ишлатишлари лозим бўлган йўлдан ўзим борган бўлсам, кимни ҳам айблаб, кимдан шикоят қилай? Оилада шундай тарбия топганман-ку.

Эрта қариган, олий маълумотли онам ҳам отамнинг ҳукмига доим бўйсуниб келган, ўз нуқтаи назарига, ўз фикрига эга бўлишдан қўрқиб келган, мудом отамнинг гапини, фикрини такрорлаб келган. У отамнинг сояси эди, гўё. У азоб чекмаган, деб ўйлайсизми? Лекин у, ўзини шахс сифатида ҳимоя қилса, можаро чиқишидан, можаро эса ажрашишгача олиб келиши мумкинлигидан қўрқарди. Ўзбек аёли эрдан ажрашишдан қўрқади, чунки ажрашиши уни, оиласини шармисор қилади, оиланинг бошқа аъзоларини мушкул аҳволга солиб қўяди.

Шундай қилиб, ота-онам мени ажратиб олишни иштагани учун эмас, балки эримни ўз хулқ-атворини ўйлаб кўришга ҳамда масалани менинг фойдамга ҳал этишга мажбур қилиш учун уйга олиб кетишди. Мен бунга ич-ичимдан ишонмасдим. Менга бу қадар ҳурматсизлик қилган, боз устига бошқа аёлга кўнгил қўйган эркак ўйлаб ўтирармиди. Яна устига у янги бўлган бой, шу боис ҳамма нарсани, ҳатто ўзига итоаткор бўлган хотинни ҳам пулга сотиб олиш мумкинлигига ишонган бўлса. Мен никоҳда аслида 7 ой бўлдим, уч ойдан

кейин эса туғдим. Ота-онам унга хабар беришди, бир куни у врачларга суюнчи ва гул кўтариб туғруқхонага келди, ота-онамда ва, ҳатто, менда ҳам, зора энди у ўйласа, ҳамма нарса жой-жойига тушса, деган умид учкунлади.

Лекин туғруқхонадан ота-онамникига ёлғиз келдим, улар эса мени айблашга тушишди: чиройли кийиниб, эримнинг кўнглини олишим кераклигини, айёрроқ, таннозроқ бўлишим лозимлигини, меҳрини қозонишим зарурлигини айтишди. Шу тариқа кутиб ўтиравердик. Шу вақт ичида эрим на менга, на чақалоққа моддий ёрдам берди. Мен буткул ота-онамнинг қарамоғида эдим. Ажрашишни талаб қилмасам ҳам, ўзим ва болам учун алимент даъво қилишим мумкинлигини кимдир айтди. Бу ҳақда ота-онамга айтишга оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, улар ҳозир судга югуриб бориб, ҳақимни талаб қиладигандек, қўрқиб кетишди: «Йўқ, бундай қилмаслик керак. Ҳимматли бўлиш, ўз қадрини билиш керак. У сени очкўз, юлғич деб ўйлаши мумкин, шундай бўлса, ҳеч қачон қайтиб келмайди. Болага эса ота керак бўлади!» – дейишди. Шу алфозда яна 10 ой ўтди. Отам яна эримникига бориб келди, ота-онам мени ўтмас пичоқ билан бўғизлагандек иш қилишди, чунки бузилган оилани тиклаб бўлмаслиги ойдин эди. Ажрашиш учун ариза беришимни тақиқлашди.

Уч йилдан сўнг эрим ажрашиш учун ариза берди, чунки орадан шунча муддат ўтгач, мен мол-мулкни бўлишга даъво қилолмас эдим. «Нозик табиат» ота-онам туфайли шу тариқа ажрашиб, ҳеч нарсага эга бўлмай қодим. Алоҳида яшашга рухсат беришни, (менинг эмас, укамнинг номига бўлса-да) квартира сотиб олиб беришни ота-онамдан илтимос қилдим. Лекин: «Ажрашиб шарманда қилганинг етар! Нима, сен ҳақингда фоҳиша дейишларини истайсанми? Ҳали сени узатмоқчимиз-ку», – деган жавобни эшитдим. 40 ёшдан ўтган, хотини ўлганларни менга рўпара қила бошлашди.

Яна ҳаммаси биринчи галдагидек бўлди. Узоқ ялиниб-ёлворишгандан сўнг яна турмушга чикдим. Никоҳ ўқитилган бўлса ҳам, рўйхатдан ўтмагандик. Унинг ёши 43да, онаси билан яшайдиган тўрт боласи бор эди. Эримнинг ногирон синглиси ва кекса онаси бор эди; бу турмушим 2,5 йил давом этди, шундан 1,5 йили бемор эримни парвариш қилишга кетди. Одатга кўра, қайнонамнинг ва қайнсинглимнинг ҳам кўнглини олардим. Эрим вафот этгач, бу рўзгорим ҳам кула-

ди. Рўйхатдан ўтмаганимиз учун иккинчи эримнинг уйидан ҳам куп-қуруқ қайтдим. Уй хизматкори, бекаси, касал боқувчи, навбатчи врач сифатидаги 2,5 йиллик меҳнатим, табиийки, бепул бўлиб, жуда катта маънавий ва жисмоний куч-қувватимни сўриб олди. Нима учун эрим менга уйланганини энди тушундим: эрим бемор эди, уни, қайнонамни ва ногирон синглисини боқиш керак эди, лекин боққанлик учун ҳақ тўламаслик ва миннатдорлик ҳамбилдирмаслик керак эди. Эримнинг вафотидан сўнг квартирага бўлган ҳуқуқим ҳақида оғиз очган ҳам эдим-ки, андишасизлигим, уззу кун (мен ишга кетардим) ким билан кун ўтказишим номаълумлиги ва, умуман, биринчи эрим билан нима учун ажрашганлигимни ва бола учун алимент талаб қилмаганимни ҳеч ким билмаслиги; яъни меннинг ахлоқсизлигим ва, шу боис, менга ҳеч нарса тегмаслиги ҳақида гап айланди. Шундай қилиб, ўша давр менинг ҳаётимдан супуриб ташланди. Агар шу вақт ичида мен тил ўрганганимда ёки ўзим учун биронта фойдали иш қилганимда, ижтимоий нуфузим ортарди, яхшироқ ойлик тўланадиган иш топиб олардим. Ҳозир эса, иш муддатимда узилиш бўлиб, ҳолдан тойган ҳолда, янада ёмонроқ аҳволга тушиб қолдим. Ота-онамнинг уйига қайтдим. Ушбу вайрон бўлган ҳаётим учун ўзимни ва ота-онамнигина айблайман, холос. Ажрашганимдан кейин нима иш қилишим кераклигини мен ҳам, улар ҳам билишарди, лекин шу ишни қилмадик. Мен саводли катта одам бўла туриб, ҳаётимни бировнинг қўлига бериб қўйдим, натижада ҳамма учун ёмон бўлиб чиқди. Энди яшашдан толган ва хафсалам пир бўлган ҳолда ҳаётимни янгидан бошлашим, фарзандимни оёққа қўйишим ва бир умр ота-онам ва укаларимга кўз тикиб ўтишим лозим эди. Учинчи марта мени ким ҳам хотин қиларди, ўзим шуни хоҳлармиканман? Хоҳламасам керак, энди қад ростлашим зарур ...»

Шундай қилиб, ўзбек оиласида патриархал мафкура ҳукмронлиги давом этмоқда. Аёлларнинг ўз турмуш ўртоғини танлаш имконияти, меҳнат қилишни ва топган маблағни тасарруф этишни ўзи ҳал қилиш натижасида улар меҳнатининг уч ёқламалиги: рўзгор юритиш, бола тарбияси ва кексаларни парвариш қилиш иши, ишлаб чиқаришдаги меҳнат мураккаблашиб боради. Бунда ишлаб чиқаришдаги меҳнат охирги навбатга тушиб қолади, оқибатда тажрибасиз ёш кизлар ишлаб чиқаришда банд бўлишдан воз кечишга ва уй бекаси ҳолатига тушишга рози

бўлишадди. Бирок турмуш даражасининг пасайиши ва ўтиш даврининг иқтисодий муаммолари, барибир, аёлни уйдан ташқарида ишлашга мажбур қилади. Оиладаги патриархал муносабатлар шунга олиб келадики, аёл оила даромадининг бир қисмини (у даромаднинг асосий қисмини келтирган кўплаб ҳоллар маълум) келтиргани билан, уни ўзи тасарруф эта олмайди. Оилада аёл тобеъ ҳолатда қолар экан, у иқтисодий мустақилликка эга бўла олмайди.

Социологик сўровлар аёлларнинг тобеъ аҳволи уларнинг ўз тақдирига тааллуқли масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилишига тўсиқ бўлишини кўрсатмоқда. Кимга ва қачон тегиш-ни, қандай касб танлашни, нечта фарзанд кўришни, қандай амал-га минишни аёлнинг ўзи ҳал эта олмайди.

Қизининг тақдирдан ташвишга тушган Муаттар Рахмонова ёш аёлларининг муаммолари тўғрисида шундай хикоя қилади:

«Қизимга жуда яхши, зиёли ва бой оиладан совчи келгач, 18 ёшда турмушга берганман. Ўзим врачман, шунинг учун туғишга ҳали эрта эканлигини унга айтганман. Лекин қудалар қизим ҳомиладор бўлмаётганини тўйдан бир ой ҳам ўтмаёқ муаммо қилишди. Қайнонаси иккиқат бўлдингми, деб ҳар ойда сўрарди, йўқ жавобини эшитгач, аччиғи чиқиб, келин балки бепуштдир, деб айтарди. Ниҳоят, қизим бўйида бўлди. Қайнонасининг кўнгли жойга тушди, лекин келини бажарадиган иш ҳажмини заррача камайтирмади, аксинча, ҳомиладор аёл кўпроқ қимирлаши лозимлигини, ётиш унинг учун зарарлигини айтарди. Икки кун меҳмон кутилган оилавий маросимдан кейин, меҳмонларга хизмат қилган, уйни йиғиштирган, идиш-товоқни ювган қизим шамоллаб, бетоб бўлиб қолди. Қайнонаси дори ичиш зарарли эканлигини, гўдакка зиён етказиши мумкинлигини айтган. Қизим юқори ҳарорат билан бир кеча кун ётди. Бир аҳволда ётган қизимга қанча ёлвормай, антибиотикларни ичмади. Бир неча кундан сўнг бола ташлади.

Менга буни куёвим кўнғироқ қилиб айтди. Сўнг онаси кўнғироқ қилди. Унинг дили хуфтон эди, қизинг нимжон деди, биринчи боласини йўқотгани учун энди унда бола бўлмаслигини, ўзи фарзандни истамагани учун шундай бўлганини айтди. Бола тушгач, оилада вазият таранглашди, лекин қизим яна ҳомила тортиб, туғди, бир ярим йилча

ўтгач, яна туғди. Ҳозир унинг ҳолига ачиниб кетаман: озиб-тўзган, хуруги чиқиб кетган, хорғин кўринади. Болалар, рўзгор ишлари унинг кучини қирқди, бир аҳволга солиб қўйди. Ҳозир у 22 ёшда, болалари икки ярим ва бир яшар. Боласи бўлмаган пайтда институтга кириб олгани учун хурсандман, ҳозир у академик таътилда. Олий маълумот олишга қатъий қарор қилган, лекин у институтда шартнома асосида ўқийди, ўқиши учун пулни мен тўлайман, уни узатаётганимизда қудалар маълумот олишига кўмаклашишга ваъда беришганди, ҳозир эса, асосийси – фарзандлар, ўқиш қочмайди, дейишмоқда. Мен яна бир нарсадан кўрқаман: эри уйда кам бўлади. Бунақа хорғин аёл эрининг кўзига чиройли кўринмайди, албатта. Бола тарбиясида қатнашмайди, чунки «хотинини ва болаларини боқади»-да. Бундай аҳволда оила дарз кетиши мумкин ...»

Қачон ва нечта фарзанд кўришни ёш оиланинг ўзи хал қилмайди. Бу оилавий иш бўлгани учун масалани эрининг ота-онаси хал қилишади. Улар учун муҳими келиннинг соғлиғи ва режалари эмас, балки меросхўрга эга бўлишдир. Бефарзанд аёлга оилада жой йўқ, унга оиланинг барча аъзолари зулм ўтказишаверади. Ўз жонига қасд қилиш ҳоллари таҳлили кўрсатишича, жонидан туйдирилган аёллар ўзини ўзи ўлдирар экан. Улар орасида бефарзанд аёллар кўп бўлиб, улар ота-онасиникига ҳам, эриникига ҳам сиғмайди. Уларнинг қисмати ачинарли: ё кундош балосига чидайди, ёки ака-укалариникида сиғияди бўлиб яшайди. Бефарзанд аёл ёлғиз яшашни истаса, манглайига фоҳиша деган тамға босилади. «Оила ва жамият» газетасида зулм чеккан, бефарзанд ёки ўғли йўқ аёлларнинг кўплаб хатларини эълон қилинди. Бундай аёлларнинг ҳуқуқсизлиги урф-одат билан мустаҳкамлаб қўйилган экан, газета қандай маслаҳат бериши мумкин? «Турмушим яхши. Эрим яхши лавозимда ишлайди. Лекин ўғлимиз йўқлиги учун эрим устимга хотин олмоқчи», – мазмунидаги хатлар таҳририятга ҳафта сайин келади.

Анъанавийликнинг смирилиши капитализм бошланиши билан боғлиқ. Кучга сиғиниш ёввойилик яққол намоён бўлишига олиб келади. Иқтисодий қийинчиликлар ялпи жиноятчиликни келтириб чиқаради, зулм кучаяди. Бошқаларнинг қашшоқлашуви хисобига яшовчи одамлар тоифаси пайдо бўлади ва улар кўпинча аёллар бўлиб чиқади. Ойнура Аноркулова хикоя қилади:

«Мамлакат А. исмли танишим менга қарзини қайтариши керак эди. Бир неча бор эслатишимга қарамай, қайтармай юраверди. 3 ой шу тарзда давом этди. Пул қадрсизланиб борарди, шунга қарамай уни олишга қарор қилдим-да, уйига бордим. Мамлакат пули йўқлигини, лекин бир ҳафтадан кейин бўлишини, ўшанда олиб кетишим мумкинлигини айтди. Мен унга ишонмай қўйгандим, шунинг учун пулсиз қайтмаслигимни айтдим. У хонага кириб кетди-да, эри чиқиб келди. У менга пўписа қила бошлади, ҳеч қандай исботим йўқлигини, агар ўзим кетмасам, ташқарига улоқтиришини айтиб бақирди. Мен эса эътироз билдириб, инсофга чақирдим, қарзни қайтаришларини талаб қилдим. У мени туртиб юборганди, даҳлиздаги тумбочкага урилиб кетдим. Қулаётган тумбочка товуши уни ҳушига келтирди. Мамлакат билан қайнонаси хонадан югуриб чиқишди-да, пулни қайтаражакларини, лекин мен гувоҳлар ҳузурида тилхат беришим лозимлигини айтишди. Мен розилик билдириб, қўшнилари чақирмоқчи бўлдим. Бирок, Мамлакат пулни гувоҳларсиз қайтириш яхшироқлигини тушунди, шекилли, уни олиб чиқиб берди. Уларда пул бор экану қайтаргилари келмаган экан-да. Пулимни шу тариқа олдимۇ диёнатсиз, фақат кучга сиғинадиган бундай одамларга нисбатан нафратга тўлиб қайтдим. Аёллим, устига-устак ҳимоячим йўқлиги учун мени талаб, таҳқирлаш мумкин, деб ўйлашарди улар. Тўғри, судга беришим мумкин эди, лекин бунинг учун ҳам вақт, куч ва пул керак бўлади-да. Одамлар инсонийликдан маҳрум бўлаётгани ачинарли ҳол. Уй қуриш учун йигитларни ёллаб, иш тугагач, паспорт режимини бузгани учун милицияга топшириш билан таҳдид қилиб, бир тийин ҳақ бермай ҳайдайдиган бошлиқлар ҳақида ҳам эшитганман. Қарз берган одамни ўлдириш учун қотил ёллашларини ҳам эшитганман. Одамлар ваҳшийлашиб бораётгани мени даҳшатга солади».

Умуминсоний қонун-қондалар ва муносабатлар емирилаётган бир шароитда хотин-қизларнинг аҳволи янада ёмонлашмоқда. У жисмонан заиф, шунинг учун уни тилини тийишга, сабр қилишга, калтаклаш ва таҳқирлаш азобига чидашга зўрлик билан мажбур қиладилар. Қадр-қиммати учун курашиши эса вазиятнинг «соҳиби» бўлган эркакни ҳақоратлаш сифатида қабул қилинади.

3.3. «Ўзимиз танлаймиз»

Юқорида айтилганидек, патриархал онг ҳукмрон бўлган Ўзбекистонда ҳукумат аёлларга тааллуқли зарур чора-тадбирларни амалга оширса ҳамда аёлларнинг ўз ҳуқуқлари учун оммавий ҳаракати авж олсагина гендер соҳасидаги тенгликка эришиш мумкин. Тенглик ҳуқуқий жиҳатдан оммавий қабул қилинмас экан, қонунлар аёлларни етарлича ҳимоялай олмайди. Бундай шароитда ҳукуматнинг чора-тадбирлари етарли бўлмайди. Ўз мақсадига эътиқод билан интиладиган фаол жамоат ташкилотлари зарур бўлади. Бу масалада жамоат ташкилотлари сиёсий тизимнинг бир қисми бўлган, мустақиллиги чеклаб қўйилган совет ўтмишидан келиб чиқадиган муаммолар бор. Омма билан ишлашга расмий ёндашув шундан келиб чиққан ва, бунинг оқибати ўларок, одамлар орасида ижтимоий фаолиятнинг барча шаклларига ишончсизлик мавжуд бўлган. Боз устига одамлар онига мафкуравий хурофот сингдирилган бўлиб, улардан бирига кўра, аёлларда махсус ижтимоий муаммо йўқ, барча муаммоларни давлат ҳал этаётган шароитда эса «феминизм – буржуача, ёт, зарарли ва бизнинг воқеликка мос келмайдиган мафкура». Айни маҳалда, хотин-қизлар ташкилотлари – фуқаролик жамияти элементларидан бири, Ўзбекистонда унинг институтлари шаклланиш босқичида турибди.

Советлардан кейинги маконда мамлакатларнинг мустақилликка эришиши, темир парданинг тугатилиши фуқаролар ҳаётига янги муносабатларни, янги институтларни ва янги қадриятларни олиб киради. Масала жамият янги институтларни қўллаб-қувватлашга, уларга кириб боришга, янги имкониятларни қабул қилишга ҳамда янги қадриятларни ижтимоий-маданий мерос тизимига киритишга қанчалик тайёр эканлиги ҳақидадир. Энди вужудга келаётган шундай институтлардан бири фуқаролар фаоллигининг янги жиҳати бўлган ноҳукумат ташкилотлардир. Хотин-қизлар ташкилотлари сўнги йилларда улар орасида сезиларли ўрин олган бўлиб, улардан бир қисми фуқароларнинг ўз ташаббуси билан тузилган. 2000 йилда Ўзбекистонда 469 ноҳукумат ташкилоти бўлиб, шундан 52таси – хотин-қизлар ташкилотларидир. Бу – жамиятимизда мамлакатни замонавийлаштиришга ҳамда ривожлантиришга хизмат қиладиган янги гояларни қабул қилувчи янги одамлар пайдо бўлаётганидан гу-

воҳлик беради, бироқ 24 миллион аҳолиси бор мамлакат учун уларнинг кўлами кичикдир.

1991 йилда ҳукумат ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси тузилди. Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ва қишлоқларда унинг бўлимлари очилган. Турли даражадаги хотин-қизлар кўмиталарининг сони бугунги кунда 3 мингга етади. Бу кўмиталарнинг асосий вазифаси давлатнинг хотин-қизларга тааллуқли сиёсатини амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси давлат томонидан маблағ билан таъминланади ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича агентлик сифатида иш олиб боради, доимий штатга ҳамда давлат томонидан берилган бинога, солиқ бўйича имтиёзлардан фойдаланадиган хўжалик ҳисобидаги ўз бўлинималарига эга. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг раиси ҳукумат бош вазирининг ўринбосаридир. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раҳбарларининг БМТнинг 1995 йилда хотин-қизлар учун Пекинда ўтказилган IV конференциясида қатнашгани халқаро хотин-қизлар ҳаракати билан алоқани мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳамда унинг бу соҳадаги хабардорлигини ошириш имконини берди.

Фуқаролик жамияти бир-бирининг олдидagi ўзаро мажбуриятларини ҳамда алоҳида индивидуумларнинг хусусий манфаатларини тан олувчи кишиларнинг ўзаро боғлиқлиги, онглилик ҳамда ҳамма учун умумий бўлган ва барча баҳраманд бўладиган асосий қадриятлар негизда юзага келадиган бирдамлик қондалари бўйича тузилади. Фуқаролар томонидан ташкил этилган хотин-қизлар ташкилотлари айни шу қондаларга асосланади.

Фуқаролик жамияти замонавий демократик жамиятнинг зарурий қисмидир. Собиқ СССР сиёсатшуносларининг айрим асарларида фуқаролик жамиятининг Ғарб демократик тизимидан ўзлаштириб олинган НХТ сингари институти мавжуд ижтимоий анъанага ҳамда воқеликка навбатдаги Ғарб мафкуравий схемасини сингдиришга бўлган навбатдаги интилиш эмасмикан, деган шубҳа билдирилган. Улар фуқаролик жамияти ғояси социологикликдан кўра кўпроқ фалсафий бўлиб, жамиятнинг маърифатли бўлишини ҳамда ҳозирча мавжуд бўлмаган ўзаро масъулиятни одамлар онгига оммавий равишда сингдиришдан иборат, деб ҳисоблагандилар. Мамлакат ҳукумати анъанавий институтлар бундай шароитда яшовчан бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди ва маҳаллага таянишга ҳаракат қилади. Бироқ бу институтни за-

монга мослашга бўлган интилишга қарамай, у ўз консервативлигини йўқотмайди, балки янада кўпроқ бюрократлашади. Унинг қошида ташкил қилинган хотин-қизлар кенгашлари ночор бўлиб, ўз фаолиятида *оқсоқоллар* нуфузига ва уларнинг кўрсатмаларига таянади.

Ғарб ижтимоий фикри классиклари фуқаролик жамиятини жамиятнинг асосий маданий ва сиёсий қадриятлари уларни тан оладиган индивидуумлар онгининг бир қисмига айланадиган, қонун, ахлоқ меъёрлари ҳамда жамият ҳаётини уюштирадиган бошқа элементлар эса уларни ўз хатти-ҳаракатини тартибга соладиган восита сифатида қабул қилган одамлар менталитетининг табиий қисмига айланадиган тизим сифатида белгилашади. Зиёлилар ноҳукумат ташкилотлар ядросидир.

Инглиз файласуфи Тойнби цивилизациянинг ривожланган марказларига қўшни мамлакатлар зиёлиларини «алоқа зобитлари» деб атаган. Фаннинг, олий таълимнинг, тиббиётнинг, маданият ва санъатнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши қисқартирилиши ақлий меҳнат ходимларининг обрў-эътибори ва ижтимоий мақоми пасайиб кетишига, уларнинг асосий қисми қашшоқлашувига олиб келди. Ўзбек зиёлилари ислохотлар амалиётида ажралиб қолди: унинг асосий қисми, социалистик ўтмишдан ҳам, бугунги капиталлашувдан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, ўзини анъанавийликка урди. Яна бир қисми эса янги тузилмалар, НХТ ва бизнес ядросини ташкил қилди. Зиёли аёллар хотин-қизлар ташкилотларини тузиш ташаббусқори бўлиб чиқишди. Ўзбекистон зиёлилари совет даврида Ғарб билан стар-лича таниш бўлмагани фуқаролик жамиятнинг олға силжишига ҳалақит бермоқда, у билан танишув онда-сонда бўладиган саяёҳлик сафаридан иборат бўлиб, жуда озчилик чет элда, шунда ҳам Шарқда, Осиё ва Африкада ишлаганди. Ғарбни эса улар ўзлари ишлаган мамлакатдагилар нуқтаи назарига кўра билишарди.

Бундай ташкилотларнинг энг муҳим вазифаларидан бири гендер соҳасидаги тенглик ва феминизм нима эканлигини, хотин-қизлар ҳаракати ўз олдига қандай мақсадлар қўйиши ҳамда хотин-қизлар ўз иқтисодий аҳволлари кай тарзда яхшилаши ва мамлакат ривожига ҳисса қўйиши мумкинлигини жамиятга тушунтиришдан иборат эди. Европада, Шимолий Америкада феминизм тўғрисида олиб борилган, хотин-қизларга оилада, жами-

ятда тенг ҳуқуқлар бериш билан боғлиқ бўлган мунозаралар сиёсий ҳаётнинг бир қисмига айланди. Бу мунозаралар XX аср бошидан буён давом этиб келмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу жараёнга Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги мустамлакадан халос бўлган мамлакатлар ҳам қўшилишди. Шу боис хотин-қизлар ҳаракати тўғрисида жаҳон миқёсидаги жараён ҳақида фикр юритгандек гапириш мумкин. Мусулмон Шарқи мамлакатлари бу ҳаракатга янги оқим, янги ғоялар олиб кирмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати хотин-қизлар аҳволи билан шуғулланадиган институтларни мустаҳкамлаши сиёсатини баён қилган. Хусусан хотин-қизлар қўмиталари раислари тегишли даражадаги ҳоким ўринбосари этиб тайинланиши бундан далолат беради. Бу эса, назарий жиҳатдан, ҳукуматнинг барча эшелонларида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш имконини яратади. Аёлларни раҳбарлар ролига тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг иш дастурига киритилган йўналишлардан биридир. Бироқ бу ерда ўзига хос муаммолар ҳам бор, чунки ҳатто Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳам бўлажак раҳбарларга давлат томонидан тузилган НХТ фаолияти тўғрисида фақат ахборот бериб, фуқаролар томонидан тузилган НХТ мавжудлигини эътибордан соқит қилади.

Гендер муаммоларини ўрганиш учун илмий база йўқ, феминизм тўғрисидаги классик назарий асарлар кўпчилик сиёсатшуносларга ҳам нотаниш, биронта ҳам университетда бу муаммо бўйича курслар ўқитилмайди, шу сабабли ижтимоий назариянинг бу қатламини кўтариш хотин-қизлар ташкилотига қолмоқда.

Айни маҳалда ҳозир Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ўз ташаббуслари билан юзага келган ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари мавжуд. Бу янги ижтимоий ўзаро муносабатлар куртаклари пайдо бўлганидан ҳамда хотин-қизлар ҳаракати юзага кела бошлаганидан далолат беради. Бундай ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари ижтимоий хизматларнинг хотин-қизлар аҳолининг аниқ муаммолари ҳамда эҳтиёжларини ўрганишга асосланган янги моделларини ишлаб чиқишади ҳамда синовдан ўтказишади, янгича иш услуби ва шаклларида фойдаланишади. Улар ўз фаолиятига кўра жуда мослашувчан ҳамда мустақил бўлиб, турли манбалардан, шу жумладан чет эл ривожланиш жамғармаларидан молиявий мадад олиш имкониятига эгадирлар. Ўзбе-

кистондаги ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари ўзларини давлатнинг шериги деб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳамда гендер соҳасида тенгликка эришишга йўналтирилган сиёсатни ўтказишда унинг ёрдамчиси, деб ҳисоблашади.

Тургунбекова Элмира ҳикоя қилади:

«Бирлашишга қарор қилганимизда хотин-қизлар ҳаракатидан яхши хабардор эмасдик, «феминизм» сўзи эса айрим аъзоларимизда нафрат уйғотарди, ўзимизни феминистлар деб аташга журъат этмасдик. Лекин бир нарсани – ҳолимиз ёмонлигини ва ўзимизга ҳамда биз қабиларга бир оз эса-да яхшироқ бўлишини истардик. Бу пайтда газеталарда аёллар уй-рўзғор ишлари билан шуғулланишлари даркорлиги, раҳбар аёллар – амалпараст эканлиги, аёлларнинг ишчи сифатидаги мажбуриятлари уларнинг рўзғордаги мажбуриятларига тенглашиши мумкин, деб ҳисобламаслик кераклиги ҳақида ёзиларди. Биз ўз муаммоларимиз ҳақида биргалашиб ўқий бошладик, ўйлай ва муҳокама қила бошладик. Ижтимоий назария ҳақида ораимизда ҳеч кимнинг тасаввури йўқ эди. Ораимиздан бир киши Жанубий Осиё хотин-қизлар ҳаракати вакиллари билан танишиб, биз улардан хотин-қизлар ташкилотлари, уларнинг фаолияти ҳақида материаллар, ахборот материалларини, бюллетенларни ва мақолаларни ола бошлагачгина биз учун кўп нарсаси аён бўлди, нима қилишимиз зарурлигини билиб олдик. Бунинг учун 2 йил керак бўлди. Биз шубҳаланардик ва, ҳатто, қўрқардик ҳам: кўп йиллик профессионал тажрибага эга бўлганлар учун тўсатдан жамоат иши билан шуғулланиш қийин эди. Биз шу тариқа ўз ташкилотимизни кўнгилли равишда туза бошладик. Ҳуқуқий ва ташкилотчилик кўникмаларимиз етишмасди. Ташкилий ишни бошқаришни собиқ раҳбар аёллардан илтимос қилдик. Улар таклифимизга рози бўлиш у ёқда турсин, бизни бу йўлдан қайтаришга уриндилар. Яъни ишни ўзимизча ўрганишимизга тўғри келди. Бизнинг саъй-ҳаракатимизни БМТнинг 1993 йилда очилган маҳаллий ваколатхонаси қўллаб-қувватлади. Сўнг Устав яратилди, рўйхатдан ўтиш учун ҳам узок вақт керак бўлди. Ишни шу тариқа бошлаганмиз».

Барча хотин-қизлар НХТ, амалга ошираётган дастурлардаги тафовутларга қарамай, ўз фаолиятини хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясига, эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятлар яратиш-

га, аёлнинг оила ва жамиятдаги мақомини оширишга, хотин-қизларни демократик ўзгаришлар жараёнига жалб этишга ҳамда янги иқтисодий шаронгга мослаштиришга қаратишади. Шу йўналишларда энг фаол иш олиб бораётган ташкилотлар Ўзбекистон ишбилармли аёллар уюшмаси ҳамда унинг вилоятлардаги бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикасидаги «Перзент» ташкилотидир; Тошкент, Самарқанд, Нукусда Хотин-қизлар захира маркази, «Сабр», «Аёл ва жамият» ташкилотлари тузилган. Улар таълим семинарлари, мақсадли гуруҳларнинг мунозара-учрашувларини уюштиришади. Фаоллар мунозара учун давра суҳбатлари, клублар, маслаҳатлар, ахборот кунларини ўтказишади, плакатлар, таквимлар, рисолалар, бюллетенлар чоп этишади, тадқиқот ишлари олиб боришади.

Ўзбекистондаги хотин-қизлар ҳаракати маълум муаммоларга дуч келмоқда. Улар, аввало, аёлнинг роли иккинчи даражали эканлиги тўғрисидаги тасаввурлар хос бўлган патриархал кадриятлар устунлик қиладиган менталитетнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Аёллар ҳақидаги барча оғзаки ва ёзма фикрлар унинг эркакни тўлдирувчи қандайдир вазифани бажарувчи сифатида идрок этилишини намоён қилади: унинг шаънига айтилган чиройли сўзларда гўё бошликнинг ўз тобеси ҳақида айтгани каби, марҳамат кўрсатиш оҳанги бор. Аёлга она сифатида сиғинилиши оналикни унинг асосий вазифаси сифатида муқаррар қилади. Эрга тегмаган аёлни норасо мавжудот сифатида, фарзандсиз аёлни эса бедаво сифатида идрок этиш шундан келиб чиққан. Ўғил туғиши аёл ҳаётдан кўзланган яққаю ёлғиз мақсад сифатида қаралади.

Ўзбекистон аҳолисига феминизм ҳақида кўп нарса маълум эмас. Хотин-қизлар ҳаракатига қарши бўлган баъзилар (улар аёлнинг исломдаги аҳволини идеаллаштирадиган патриархал муносабатлар тарафдорларидирлар) аёлнинг тенг ҳуқуқлиликка интилишини Шарқ аёлига ёт бўлган, Ғарбга хос ғоя, дейишади, уни қоралашга интилишади ҳамда «феминизм – бу аёллар эркаклар билан ҳамкорлик қилишга қарши бўлган ҳамда эркаклар қилган барча ишларни қилишлари: чекишлари, каналлар қуришлари, шпаллар ағдаришлари ва хоказолардир», – деб таъкидлашади. «Гендер» сўзини эса тушунишмайди ҳам.

Фарход Собиров хикоя қилади:

«Мен хотин-қизлар ташкилотларига қаршиман, улар жамиятнинг эркаклар ва аёлларга бўлинишига олиб келади, аёллар манфаатларини эркакларникига қарши қўяди. Ҳозир халқ бирлиги ҳар қачонгидан ҳам зарур. Ғарб аёлларидан намуна олиш – ўз маданиятимизга, анъаналаримизга, урф-одатларимизга қарши чиқишдир. Жамиятга эр – боқувчи ва топувчи бўлган мустаҳкам оила зарур, шунинг учун аёл иерархияга риоя этиши, оилада бош бўлган эрига бўйсунishi даркор. Аёлнинг қайсарлиги жамиятда ҳам, китобларда ҳам қораланган. Имом ал-Бухорий хотин гўзал ва индамас бўлиши лозимлиги ҳақида ёзган. Бизда эса хотинлар: фалон нарсани сотиб олиб бермасанг, ундоқ килодирман, бундоқ килодирман, деб эрига шарт ҳам қўйишади. Ўзим ҳам бир аёл билан танишгандим, унга уйланмоқчи ҳам эдим. У эса менга, аввал ўқишни тугатишини, сўнг амал пиллапояларидан кўтарилишини, беш йиллардан кейингина туғишини, сўнг болани боқиш учун энага ёллашини айтди. Шу ондаёқ икки томонга қараб ажрашиб кетдик».

Аёлларнинг келажакда кўзлаган мақсади бўлиши мумкинлиги эркакларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Уларнинг назарида аёл эрининг режаларига тўла-тўқис мос иш қилиши, қарорни эркак қабул қилиши лозим, бир-бирининг манфаатини ҳисобга олиш учун истиқбол режаларини муҳокама қилиш мумкинлигини тасаввур ҳам қила олишмайди.

Хотин-қизлар НХТ таълим дастурлари жамиятни маърифатли қилишга мўлжалланган. Улар эркин кадриятларни, айнан эса: инсон ҳуқуқлари сифатидаги аёллар ҳуқуқларини; аёлларга нисбатан зулмнинг ҳамма шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги; аёлларнинг оилани режалаш ва туғиш билан боғлиқ соғлиғини сақлаш ҳуқуқлари тўғрисидаги; аёлларнинг сиёсий ҳаётда ва сайлов жараёнларида иштирок этиши тўғрисидаги; аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва уларнинг даромад топиш фаолияти имкониятларини кенгайтириш тўғрисидаги; шунингдек тадбиркорлик фаолияти олиб бориши ва кредит олишдан фойдаланиши тўғрисидаги дастурларни тушунтириш ҳамда тарғиб этиш билан боғлиқ, дастурларни тавсия этишади. Ўзбекистонда иш олиб бораётган хотин-қизлар НХТнинг деярли ҳаммаси юқорида қайд этилган мавзулардан биронтаси бўйича бўлса ҳам, семинар ўтказишади.

Хотин-қизлар НХТ таълим дастурларининг хусусияти машғулотларни ўзаро муносабат шаклида олиб бориш услуби ҳамда мақсадли гуруҳлар таркиби оз сонли бўлишидан иборат. Чунки бундай дастурлар ўқув жараёнида қўйилган муаммони муҳокама қилишга фаол қўшилаётган аёлларнинг кўпчилиги бўлмаган гуруҳи билан ишлагандагина ўзлаштирилиши мумкин. Асосий иш шакли кўпчилик тингловчилар учун маъруза қилишдан иборат бўлиб, қайтма алоқа бўлмаган СССР маърифатчилиги нишдан НХТ фаолиятининг фарқи айнан шундадир.

Катта бўлмаган гуруҳлар билан олиб борилган иш оила қадриятлари ва патриархал муносабатларнинг устунлиги ижтимоий онгига эмас, балки ўзининг мутеъ аҳволини оддий меъёр сифатида қабул қиладиган аёлларнинг ўзига ҳам таъсир қилишини кўрсатмоқда. Аёлларнинг ўз кадрини билмаслиги кўриниб турибди ва уйдаги зулм ҳолатларини баҳолашда аёлларнинг ўзи кўпинча айбни хотинларга қўйишади. Мавжуд гендер муносабатлари шароитида фаол иқтисодий муносабатларга қўшилиш кўпчилиги аёллар учун мажбурий чора сифатида туюлмоқда. «Эрим яхши топганида, мен бу билан шуғулланмаган бўлардим», – дейди семинарда қатнашаётган икки аёлдан биттаси. Аёлларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши ҳақида гап кетганида, яхши маълумотга эга бўлган, турмушга чиқмаган ёш аёллар қизиқиб, фаоллик кўрсатишади.

Оилани режалаш ҳамда туғиш билан боғлиқ соғлиқни сақлаш бўйича машғулотлар жорий этиш қийин бўлган дастурлардан ҳисобланади. Бунда тингловчи аёллар кўп масалада қарор бўлак бўлмаган катта оила бошлиқлари қабул томонидан қилинадиган ўзбек оилаларидаги иерархияга эътиборни қаратишади. Эркалар ҳомиладорликка қарши воситаларни қўлланиш масаласида аёлларнинг бўйида бўлиши учун маъсулиятга шерик бўлмайдилар, контрацептивларнинг эркалар учун тарғиб қилинишини эса ўз эркалигига тажовуз деб ҳисоблаб, ҳомиладор бўлишнинг олдини олиш масаласини ўзларига ҳам тегишли, деб ҳисобламайдилар. Бу борада эрсиз тегмаган аёллар муаммоси алоҳида кўндаланг бўлади. Ахлоқчилик, боқираллик, борасидаги тарбия шунга олиб келадик, айрим мақсадли гуруҳлар бу масалани «қизлар учун тақикланган мавзу» деб, муҳокама қилишни истамайдилар, буни ёшлар ахлоқини бузиш, деб ҳисоблайдилар. Жамиятда мавжуд бўлг-

ан кўплаб тақиқлар ижтимоий онгда, гендер андозалари сингари, барқарордир.

Шу нуктаи назардан қараганда, инсон ҳуқуқлари жумласидан бўлган аёллар ҳуқуқлари бўйича таълим дастурлари жуда зарур бўлиб, улар бошқа барча дастурлардан олдин ўтказилиши лозим, чунки эркин кадриятлар негизи бўлган инсон ҳуқуқларини тушунмасдан туриб, аёлларнинг янги иқтисодий шароитларга мослашувига кўмаклашувчи бошқа янги ахборотни жорий этиш ҳам қийин. Сиёсий ҳуқуқлар ва сайлов жараёнларида қатнашиш бўйича дастурларни жорий этиш алоҳида қийинчилик тугдиради. Бу эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тушунча шаклланиб улгирмаган Ўзбекистон жамиятидаги сиёсий онг даражаси умуман жуда пастлигидан далолат беради. Бу, сиёсатни буткул эркаклар иши деб қабул қиладиган аёлларгагина эмас, балки эркакларнинг ўзига ҳам тааллуқлидир. Шу нуктаи назардан қараганда, НХТ янги эркин кадриятларнинг амал қилиши учун ишлайдиган ягона табиий манба ҳолига тушиб қолади.

Ноила Қўчқорова ҳикоя қилади:

«Биз, ноҳукумат ташкилотлари аъзолари учун Ғарб оламининг очилиши илгари ижтимоий фаолиятга бефарқ бўлган биз кабиларда ижтимоий фаолликка қизиқиш пайдо бўлишига хизмат қилди, чунки НХТ муайян фойдали иш қилиш мумкин бўлган жойга айланганди. Маълум бўлишича, айти аёллар фаоллиги ҳамда уларнинг катта ҳуқуқларни қўлга киритиши жамиятни демократлаштиришга хизмат қилар ҳамда қарорлар қабул қилинишида аёлларга йўл очиб берар экан, чунки ҳозирга қадар аёллар – реал ҳаётда ҳуқуқлари доимий бузиб келинадиган ижтимоий «озчилик» бўлиб, уларнинг ҳатто ўз ҳаётига дахдор қарорлар қабул қилинишида ҳам уларнинг қатнашиши чегараланар экан. НХТда ишлаш менга ёқади, чунки илгари бунақа иш бўлмаган. Бугунги кунда НХТ шуғулланаётган иш билан илгари давлат тузилмаларида шуғулланилган. Аёллар НХТда ишлаб, ўз қадрини билиб олади, чунки уларнинг ташаббуси бўғилмайди, аксинча, амалга оширилади. Муваффақият қанот бахш этади, натижада кўплаб янги фикрлар туғилади, яшаш қизиқарли бўла боради. Мен фақат бир нарсадан, ёшим анча катталигидан ўкинаман. Чунки ҳаётим бутунлай бошқача бўлиши мумкин эди! НХТ кунини ўтказиш учун иш-

лайдиган эмас, балки ишининг натижасини кўрадиган янги типдаги кадрлар «ўчоғи»га айланиб бормоқда. НХТ таркиби ва иш қоидалари давлат секторидаги ишдан тубдан фарқ қилади. НХТда мен эркинлик ҳиссига эга бўлдим. Ўзимни тенг ҳис этмоқдаман, муваффақиятга эришиш учун биз бир-биримизга кўмаклашишимиз, бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, ҳамкасбларимизга ўргатишимиз ва улардан ўрганишимиз зарур, чунки умумий иш қилмоқдамиз. Биз бир-биримизга боғлиқмиз ва бу боғлиқлик бизни янада кучли қилади. Бу ерда: «Бир калла яхши, иккитаси аълороқ», деган қоида доим амалда».

Хотин-қизлар НХТ замонавий аёлларнинг уюниш шакли қонун доирасида юзага келиб, давлат билан бевосита боғланмаган янги алоқа каналлари бўлиб қолди. Кенгроқ ахборот олиш мумкин бўлган йирик ва катта шаҳарларда, асосан аҳолининг яхши маълумотли қисми орасида бундай уюниш имконияти мавжуд эди. Шу боис НХТ таркибида икки тилни биладиган аёллар кўп. Турли ижтимоий қатламлар билан, шу жумладан кишлоқда ҳам маслакдошларни кўпайтириш, аёлларни ижтимоий фаолиятига жалб этиш, шунингдек уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ҳамда улар учун янги ахборотдан баҳраманд бўлиш имконини яратиш НХТнинг бугунги кундаги асосий вазифаларидир. Фаол аёлларнинг янги ахборотларни ўзлаштириши осон кечмайди, чунки НХТ ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги материаллар инглиз тилида олинади. Яхши маълумот олган, ахборотни таржима қилиб, маҳаллий аудиторияга мослаштириб бора оладиган аёлларгина бу ишни уддалай олиши мумкин. Аёллар етакчилиги масаласи долзарб муаммолигича қолмоқда. Ўзбекистон Ишбилармон аёллари уюшмасининг ижрочи директори Тожихон Саидкромова бу ҳақда қуйидагича фикрлайди:

«Ўзбекистондаги бир қолипда фикрлайдиган кўпчилик одамлар «аёллар етакчилиги» тушунчасининг пайдо бўлишига буткул қаршидирлар. Оила ва ҳаётнинг ўзи одамларни – эркаклар ва аёлларни табиат қизалоққа, бўй етган қизларга, аёлларга мутеъ, иккинчи даражали мавжудот ролини тайёрлаб қўйгани, у расо одам эмаслиги, шу сабабли етакчиликка интилаётган аёл ё эси паст, ёки андишаиз эканлиги ҳақидаги исбот талаб қилмайдиган қоида асосида тарбиялайди. Табиат эса инсониятнинг маълум қисмига етакчилик қобиляти,

характери, керак бўлса, истеъдодини ато қилади. Агар қиз болада шундай хислатлар бўлса, тарбия, жамоатчилик томонидан коралаш ёки рад этиш орқали бўғишга интилишади. Аёл етакчи бўлиши учун оилада шароит йўқ, аёл жамият олдига ўзига масъулият оладиган бўлиши учун у бажарадиган уй-рўзгор ишининг бир қисмини ҳеч ким ўз зиммасига олмайди. Етакчилик, энг аввало, жуда катта масъулият, шунинг учун аёлнинг етакчи бўлиши бағоят қийин. Шунга қарамай, жамиятимиз турмуш тарзига зид ўлароқ, улар пайдо бўлиб туради. Урф-одатларимиз ва анъаналаримиз аёлнинг шахсиятини барҳам топтириш ва уни эри шахсиятига сингдириб юбориш учун хизмат қилгани боис бу янада ҳайратга солади. Шахслар эса, гўё ҳамма уларга қарши бўлиб тургандек туюлган пайтда юзага келади.

Советлардан кейинги даврдаги етакчи аёллар совет раҳбар аёлларидан кескин фарқ қилишади. Тўғри, совет даврида ҳам, раҳбар аёлларни лавозимда кўтариш бўйича разнарядка бўлишига қарамай, барибир, раҳбар бўлиш қийин эди. Анкета бўйича ёндашув тартиби ҳукмронлиги аёллар орасидан ярқ этиб кўзга кўринадиганлари чиқишига тўсқинлик қиларди, шундай бўлса-да улар чиқиб қоларди. Ҳозирги етакчи аёллар эса, йўқ ердан чиққандай, пайдо бўлиб, ўзликни намоён қилишди, жамоат ташкилотлари тузишди, тадбиркор бўлиб қолишди. Бу ҳам тасодифан содир бўлгани йўқ. Улар ўтмишдаги раҳбар аёллардан, энг аввало, мустақкам билими билан фарқ қилишади, ҳар бири ўз ишининг устаси бўлиб, ишни нима билан бошлаб, нима билан тугатишни билади. Мен совет даврида бўлиши мумкин бўлмаган аёллар ҳақида гапирмоқдаман, у даврда аёлларни партия ва комсомол ишга кўтарарди, ундай тузилмаларда эса инсон касби билан алоқани, агар касби бўлса, тезда йўқотади. Нохукумат ташкилотларга раҳбарлик қилаётган ҳозирги аёллар ҳамда тадбиркорлар ҳам совет даврида етишиб чиққан, ўшанда улар яхши маълумот олишган, профессионал даражада ишлашган, бироқ мансабнинг тик пиллапояларидан кўтарила олишмаган, шунинг учун ўз куч-қудратини тўла намоён эта олишмаган. Профессионал иш тажрибасига эга бўлган айти шундай аёллар ноҳукумат ташкилотлардан ўз ўрнини топди. Бу ерда улар янгидан куч-қувватга кириб, кўп нарсани ўрганишди, ўз истиқболини ҳам, юрт истиқболини

ҳам кўришди. Улар янги секторни ривожлантириш жараёнида мустақил қарор қабул қилишни, ўз зиммасига юксак масъулият олишни, одамлар ўзларига ишонсин учун уларнинг кайфиятини ҳисобга олишни, ижтимоий жараёнлар борасида ўз нуқтаи назарига эга бўлишни, олдинга қўйилган мақсадга эришишни, шериклар ва ҳаммаслақлар топишни, билиб-ўрганишни, ўз мақсадли гуруҳлари муаммоларини биргаликда ҳал қилишни ўрганишди. Уларни давлат тузилмаларида ишлайдиган аёллар билан қиёсланса, кейинги тоифа аёллар ютқизади: улар ўша эски замонда қолишган, жамиятда содир бўлган ўзгаришларни етарлича англаб олишмаган. Бу улар бошига битган бало бўлиб, янги етакчиларга хос очиклик ва жасорат уларда етишмайди. Янги етакчи аёллар ёшига кўра ўрта авлодга тааллуқли. Улар совет даврида тажриба орттириб, янги фаолиятини мустақиллик даврида бошлашган. Улар ўтмишнинг энг яхши жиҳатларини олиб қолишгани учун янги имкониятларни қиёслаш ва баҳолай оладилар.

Шу ўринда ёшлар, айнан ёш аёллар ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Бу аёллар совет тизими таназзулга юз тутган даврда катта ёшлилар қаторидан ўрин олишган ҳамда ишонмаслик ва андишасизлик дардига дучор бўлишган. Шунинг учун кўплари исломийлик таъсирига осон берилишди. Улар совет даврида мавжуд бўлган салбий ҳодисаларни инкор этар эканлар, унинг ютуқларини ҳам, шу жумладан ишловчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил, шу боис ўз қадрини биладиган аёлни ҳам инкор этдилар. Ўзини эрига ва оиласига бахшида этган аёлни дин мафкурачилари идеал даражасига кўтарган ўтиш даврида патриархал оилага хос гендер қоидалари асосида тарбия топган кўплаб аёллар беш вақт намоз ўқийдиган, ҳижоб га кирган, иқтисодий жиҳатдан эрига тўлиқ қарам бўлган уй бекаси бўлишдек янги ролга жон-жон деб рози бўлишди. Латта-путта, буюм ва зеб-зийнат қули бўлган аёл уларга бахтиёрдек кўрсатилди. Бу аёллар ўтмишга қараб чекиндилар, натижада улар билан кейинги авлод орасидаги масофа олишиб бормокда.

Лекин мустақиллик даврига болалигида кириб келган ёшлар ҳам бор. Улар яхши таълим олишга, жаҳондаги энг яхши университетларда тақсил олишга ҳамда билимини ўз мамлакатада ишга солишга интилишмоқда. Бироқ бунақалар биз

истаганчалик кўп эмас, қизлар эса янада камроқ. Аммо бу ёшлар ривожланган мамлакатларни кўриб келишди, уларнинг тажрибасини ўрганишмоқда, Гап – уларга ўз мамлакатада талаб қанчалик катта бўлишида ҳамда улар ўзини намояна қила олиш-олмаслигидадир. Улар уй бекаси ролига кўникиб қолган ва бундан мамнун бўлганлардан таралаётган зулматдан чўчимасмиканлар. Уларга маслакдошларни топишни ва аёллар манфаатлари ҳақида бонг уриш учун бирлашишни ўргатиш – бизнинг вазифамиз. Аёлларни ўзимиз кўришни истагандек бўлишга мажбур қилишнинг имкони йўқ, бу нарсани қилиш ҳам керак эмас. Кўнверинг, ўзлари танлаб олсинлар. Муҳими – ҳозирги дунё воқелиги қандайлигидан уларни хабардор қилиш».

Ноҳукумат ташкилотларда ҳамкорлик иқлими давлат тузилмаларидагидан ҳамда сохта НХТдагидан бўлакча шакллантирилади, чунки НХТда умумий ғояларга эга одамлар бирлашадилар, булар ижтимоий фаол фуқаролардир. НХТда ташаббусга асосланувчи янгича иш услуби юзага келади, янгича меҳнат муҳити ва маданияти пайдо бўлади. Ўз фаолияти билан манфаат келтиришга ишонч натижасида уларнинг меҳнати самарали бўлади, коллектив ижод ташкилотнинг стратегиясини белгилаб беради, одамларнинг салоҳияти тўла ишга тушади. Одамларнинг ўзига ишончи ортиб, кўз олдимизда улғаяди. НХТ – жамоа бўлиб ишлай оладиган ва шуни иштайдиган янги типдаги етакчилар шаклланадиган манба. НХТда фуқаро шахси тарбия топади, лекин ўтмишдаги тизимга хос одат кўп бўлган давлат секториде меҳнат қилаётган одамлар бу омилни ҳозирча тушуниб етишмаяпти. НХТнинг давлат тузилмалари билан муносабати йўлга қўйилган, лекин уларнинг самарали ҳамкорлигига мисол ҳали кам. Ўзбекистондаги НХТ асосан алоҳида лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда, озгинаси узок муддатли дастурлар бўйича ишлашмоқда ҳамда пухта ўйланган ҳаракат дастурига эгадирлар. Бунинг сабаби ноҳукумат ташкилотларининг ўз ишида ҳам, уқўпчилик ҳомийларлар улар билан узок муддатли ҳамкорлик қилишни истаглигида ҳамдир. НХТда бир-бирини ўзаро тушуниш, самимийлик, ишонч, дўстлик ва бирдамлик иқлими яратилмоқда.

Меҳрибоним, синчалагим, қадрдоним,
Тожиҳоним,

Гулдек ёшинг муборак. Жони қушдек,
 иродаси метиндек синчаланим Тожихоним
 Катта-кичикка ширин сўзли, бой-камбағалга
 бир ҳилдаги Тожихоним
 Ишнинг оғирини бўйнига сиртмоқ қилган,
 синчалагим Тожихоним,
 Куёш каби нур сочган офтобхоним
 Тожихоним,
 Юртнинг ташвишини ўзини ташвиши деб
 билган Ақлю идрок билан иш юритган
 Тожихоним,
 Менга ишонганинг, сафдошим бўлганинг учун
 раҳмат
 Елкадошим Тожихоним, синчалагим, минг
 раҳмат!

Дилдор Маҳмуд

Айни маҳалда хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотларининг камчиликлари ҳам бор. Улар орасида тарқоқликни, ишларнинг такрорланишини, гоёат долзарб муаммоларни ёки мустақил ОАВда чиқишларни аниқлашда яқдилликнинг йўқлигини, биронбир муаммога жамият эътиборини торттиш бўйича иш етарлича самарали олиб борилмаслигини, давлат билан шерикликнинг заифлигини (лекин бунда айб НХТга ишончсизлик билан қарайдиган давлат тузилмаларидадир) кўрсатиш мумкин. НХТ сони ортиб бораётганига қарамай, НХТни тузиш ташаббускорларининг ўзи ҳуқуқий жиҳатдан етарлича саводли бўлмаганлиги, шунингдек уларнинг рўйхатга олиниши ва иш олиб боришидаги молиявий харажатлар катталиги билан боғлиқ кийинчиликлар туфайли бу ташкилотлар биз истаганчалик омалашмаяпти.

Ўзбекистондаги ноҳукумат ташкилотлар ролига яқун ясар эканмиз, НХТ республика ижтимоий ҳаётининг бир қисми бўлиб қолганини, бироқ воқеалар жараёнига таъсир кўрсата олишга қодир ижтимоий ҳаракатга ҳозирча айланмаганини таъкидлашимиз мумкин. Улар фаолият бошлаганига ҳали кўп муддат бўлмагани ҳам, давлат органлари билан ўзаро муносабат бўйича тажриба етарли эмаслиги ҳам хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотлари иши натижасига таъсир кўрсатмоқда. Ҳокимият тузилмаларидаги мансабдор шахслар бундай ташкилотлар ҳақида

тўғри тасаввурга эга бўлмаган ёки уларда бошқарувчилик кўникмалари етарли бўлмаган ҳоллар ҳам кам эмас.

Янги жамият қуриш учун шахсни ҳурматлаш ҳамда аёлга эр-каклар тақдир этадиган ролни тақаштирмаслик каби янги кадриятлар зарур. Аёл шахс сифатида танлаш ҳуқуқига эга, жамият бу ҳуқуқни бугунги кун меъёри сифатида қанчалик тез қабул қилса, мамлакатни замонавийлаштириш истиқболлари шунчалик катта бўлади.

Аёллар захира маркази қишлоқ жойларда ўтказган социологик сўровлар таълим олишни даном эттирмаган, 20 ёшгача бўлган аёллар: «Олинган билим кам», бироқ «эрга тегиш керак, кейин кеч бўлади», «маълумотли аёл учун турмушини йўлга қўйиш қийин бўлади», «ота-оналар қизларини тезроқ узатсинлар», – деб ҳисоблашларини кўрсатди. 30 ёшдан катта аёллардан сўралганларнинг 85% старлича маълумот олишмагани ва касб эгаллашмаганидан ўқинишган. Бу ҳол ёшлар ўз келажагини яхши тасаввур эта олмаслигини кўрсатади. Тўйдан сўнг ҳаёт тугамайди, балки янгидан бошланади. Ва бу ҳаётда бугун 18 ёшли қизга иккинчи даражали ҳамда кераксиз туюлган кўп нарсани, шу жумладан давлатнинг хотин-қизлар бобидаги сиёсатини, мамлакатнинг хотин-қизларни камситишлардан ҳимояловчи қонунларини билиш зарур. Хотин-қизлар онгида аёлнинг роли тўғрисида анъаналар билан жойлаб қўйилган тасаввурлар устунлиги уларни йиллаб орқага улоқтиради. Ҳаёт уларни секинлик билан ўзгартиради, бу орада вақт боғи берилади. Шу боис хотин-қизлар кўмиталари НХТ билан бирга фаолият кўрсатиш учун улкан имкониятларга эгадирлар, бинобарин, улар бир-бири билан шерик бўлиши зарурлигини НХТдан бошқалар ҳам англаши даркор.

Дейдилар, ўз юртида

Пайғамбар булмас.

Дейдилар, ўз ҳаётида,

Қилган иш юзага чиқмас ...

Истайман:

Десинлар, савоб учун меҳнат қилибди.

Десинлар, ёш ҳаётин сизга қурбон қилибди.

Десинлар, десинлар, десинлар ...

Дилдор Маҳмуд

3.4. Аёллар ва ОАВ

Ўзбекистонда ОАВ бир неча тилда иш олиб боради, лекин асосий оммавий нашрлар ҳамда кўрсатув ва эшиттиришлар ўзбек ва рус тилларда чоп этилади ҳамда олиб борилади. Нашрлар ва давлат телевидениеси ҳамда радиоси эшиттириш ва кўрсатувларининг катта қисми ўзбек тилида амалга оширилади. Улар ўзбек аҳолига мўлжалланган. Ўзбекистон халқи гарчи кўпгаб этник гуруҳларни ўз ичига олса-да, жамият ижтимоий онги даражаси кўпроқ унинг ўзбек қисми ҳолатига кўра белгиланади. Шу боис бу ерда асосий эътиборни ўзбек тилидаги матбуотда ва кўрсатув-эшиттиришларда аёл образи қандай тақдим қилинишини ҳамда унга қандай гендер қондалари ҳосилгини таҳлил қилишга қаратаман. Ўзбек тилидаги ва рус тилидаги нашрлардаги тафовут расмий ахборотга тааллуқли бўлмай, цензура муаммолари, муҳим ижтимоий масалалар бўйича шарҳнинг етишмаслиги улар учун умумий жиҳатдир. Бирок материални тақдим қилиш масаласига келганда, уларда менталитет уфуриб туради, шу сабабли айрим мақолалар ёки қисмлар таржимаси рус тилида ўқувчини хайрон қолдиради, хайратга солади, баъзан эса унга тушунарсиз ҳамдир, чунки ўзбек тилидаги матбуотнинг асосий муҳлиси анъанавий жамият бўлиб, муаллифлар материални ана шу жамиятнинг анъанавий қадриятларидан келиб чиқиб тақдим қилишади. Бундай аҳвол ташвиш туғдиради, чунки ОАВ ривожланишга тўсқинлик қиладиган кўп нарсани тарғиб қилгани ҳолда ижтимоий онгни шакллантирса ҳамда назарини ўтмишга қаратса, жамиятни замонавийлаштириб бўлмайди.

Ўзбекистон ОАВнинг кўпчилиги сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, эркин иқтисодиёт, гендер соҳасидаги тенглик каби эркин қадриятлар мавзусини четлаб ўтишади. Бундай йўлни тутар эканлар, улар фуқаролик жамияти ғояларини олға сурувчи бўлиб хизмат қилишмайди, балки НХТга муҳолиф бўлиб қолади. Улар жамиятнинг замонавийлаштиришдан кўра кўпроқ унда анъанавийликни мустаҳкамлаш фойдасига ишлайди. Жамиятнинг ҳамда иқтисодий ўзгаришлар жараёнида ижтимоий муаммоларни кўзлаши, мослашувчан тафаккурга эга бўлиши лозим бўлган одамлар менталитетини ижтимоий танқидсиз ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун ОАВ мослашиш қобилиятига эга бўлиш зарур. Ўзбекистон ОАВ эса, аксинча, анъанавийликни кўкларга

кўтариб, амалга оширилмаса ортга қараб кетиш муқаррар бўлган модернизацияни истаб-истамай инкор этиб, қолоқликнинг сақланиб қолишига кўмаклашади. Аъъанавийликни улуғлаш қолоқлик вазиятини мустаҳкамлайди, «шарқона ўзига хосликка» ҳавола этиш эса бундай қолоқликни оқлайди.

Аёллар мавзун билан боғлиқ асарларда ижтимоий мавзулар эмас, балки панд-насихат, ахлоқ масалалари, хотин-кизлар тарбияси ва ҳуқ-атвори масалалари устунлик қилади. Жамиятнинг аёллардан иборат қисми олдида турган қашшоқлик, ишсизлик, жинсига кўра камситиш ва, ниҳоят, аёлларга зулм ўтказиш сингари алоҳида ижтимоий ва иқтисодий муаммолар, ҳатто, мақолалар мавзуси бўлса-да (бу кўпинча цензура тўққинлиги билан боғлиқ бўлади), у ёки бошқа ҳодиса аёл ҳуқ-атвори билан қандай боғлиқлиги нуқтаи назаридангина кўриб чиқилади.

Аёллар ҳақида ёзувчи эркакларнинг кўпчилиги улар ўзини ҳамда болаларини таъминлаб турган, ўзига хотин қилиб олгани учун миннатдор бўлиши лозим бўлгани эркакнинг соясиғина бўлишни, буларнинг эвазига аёл бор-йўғи яхши бека, итоатгўй, гўзал, камтар ва мулоҳим бўлиши лозимлигини таклиф қилишади. Аёл гўзаллиги ва фидойилиги ҳақида кўп гапирилади, мақолаларда, китобларда, радио ва телевидениедаги чиқишларда аёл эркакка ёқиши учун қанақа бўлиши зарурлигига кўп эътибор берилади. Эркак кишига гўзал, индамас, рўзғорбоп, ўзи учун бор-йўғини фидо қиладиган аёл ёқади. Бирок эркак киши қанақа бўлиши зарурлиги ҳақида жуда оз ёзишади, ахир у ҳам оила қуриши, ота ва эр бўлиши керак-ку. Айтгандек, замонавий эркакларнинг кўп муаммолари ота тарбиясининг, унинг болаларга эътиборининг ҳамда болаларнинг маънавий соғломлиги тўғрисида қайғуришининг етишмаслиги билан боғлиқ. Гап шундаки, ҳар қандай эркак ҳам унинг учун бирон нарсанинг қурбон қилинишига муносиб бўлавермайди. Бундай эркак оила муаммоларининг бутун юқини: ота-оналар ва болаларни парвариш қилишни, уйга, мол-ҳолга қарашни, томорқада ишлашни ва ҳоказоларни аёлнинг зиммасига ағдариб, эвазига на бир илиқ гап айтиб, на вафо кўрсатиб, на шафқат қилиб, аёл гўзаллигини барбод қилади.

Айрим мақолалар муаллифларини гендер қоидаларидаги баъзи ўзгаришлар ранжитмоқда: «Аёл эркак билан тенг, баъзан эса ундан-да илдамрок бўлиб уй-рўзғор юқини тортмоқда ва оила боқувчисига айланмоқда», – деб ёзади Муҳаммаджон Аҳме-

дов «Ватан» газетасида. Шу газетанинг ўзида Саида Бону бундай деб ёзади: «Онлани боқишни ўз зиммасига олган аёл қадимдан оила ички ташвишлари билан *ичкарида* шугулланган, уйдан ташкарида бўлган барча ишни эри бажарган шарқ аёли қиёфасига жавоб бермайди». Сўнг Саида Бону хоним бутун қаҳр-ғазабини «бўзчининг моҳиси» деб аталган, «Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширишга кўмаклашиши гумон бўлган, хориждаги бозорларда той-той юк ташийдиган, оиласини узоқ вақт ташлаб қўядиган ва савдо-сотиққа ўргатилган» савдогор аёлларга ёғдиради.

Бу мавзуга турли кўринишда бўлса-да, ҳозирга қадар ҳам такрор-такрор қайтилмоқда. Ўзбек тилидаги матбуотнинг бу «сайёр сюжети» тадбиркорлик билан ўзи учун мақбул шаклда шугуллана бошлаган аёлларга тавқилаънат осади. Улар очкўз, қўпол, беҳаё, бузук, «борига шукр қилмайдиган», ўзларининг ҳаддан ташқари каттаэҳтиёжлари йўлида эрини ҳам, фарзандларини ҳам эътиборсиз қолдирадиган аёллар сифатида тасвирланадилар. Оиласини боқиш учун тонг сахарлаб туриб, оғир бидонларни сутга тўлдириб, биринчи электрчичка билан шаҳарга тушадиган сутчи аёл ҳам, сотиш учун бозорга той-той мол олиб тушадиган савдогар аёл ҳам, майда чакана савдо билан шугулланадиган кампир ҳам матбуот кўзига шундай кўринади. Умуман, ўзбек тилидаги матбуот аёлнинг иқтисодий мустақиллигини маъқулламайди ва бу нарса ғашига тегишини яшира олмайди-ки, бу воқеаларнинг ҳақиқий аҳволида инъикос этади: ижтимоий онгда тадбиркор аёл, айниқса у гўзал, омадли, доно ва мустақил бўлса, боз устига, худо кўрсатмасин, ёлғиз ёки эри билан ажрашган бўлса, қанақадир одатдагидан ташқари бўлиб кўринади.

«Бегойим» кўрсатувида аёл билан суҳбат у турмушга чиққан ми-йўқлиги тўғрисидаги саволдан бошланади, тадбиркор аёл эса, дарҳол, эри унинг тадбиркорлик фаолиятига розилигини ва, ҳатто, қўллаб-қувватлашини айтади. Шу чизгилар бўлмаса, аёл сиймоси салбий бўлиб қоларди. Эри йўқ тадбиркор аёл-чи? Бундай аёллар омма олдига чиқишдан ўзини олиб қочишади. Бинобарин, аёлнинг ютуқларини баҳолашда оилалилик мақоми асосий омилга айлангани таассуфли бир ҳолдир. Айни маҳалда «Аёл бозорда» мавзуи, айниқса, унинг бу аёлларнинг ижтимоий аҳволи билан боғлиқ жиҳати жуда кизиқарли мавзулардан. ХҚМ ўтказган мўъжаз сўров бозорда савдо қиладиган аёлларнинг

кўпчилиги (78%) ёлғиз, бева, ажрашган аёллар, яъни оила бош-лиқлари эканлигини, қолган қисми эса ишсизлар, гиёҳвандлар ёки камокдаги эркакларнинг аёллари (20%), бор-йўғи 2% эрли ва эри ҳам ишлайдиган аёллар эканлигини кўрсатди.

Бозорга чиққан аёлга умумий салбий муносабат манжуд бўлса-да, нима учун у ерда аёллар эркакшода бўлиб бораётгани таҳлил қилинмаган. Бозордаги жиноятлар, рэкет, у ерда норасмий гуруҳлар томонидан ўрнатилган шафқатсиз тартиб-қондалар ҳақида эса лом-ним дейилмайди. Аксинча, кўрсатувлардан бири-да бозор – маънавият манбаи эканлигини исботлашга анчагина эфир вақти сарфланди. Шундай бўлиши мумкинми? Намуна бўлгулик даражада равнак топаётган тадбиркор аёллар ҳақида, гарчи вақти-вақти билан мақолалар чикиб турса-да, улар расмий оҳангда бўлиб, муаллифларнинг чинакам ҳис-туйғуси яширин қолади. Бир вақтлар раҳбар аёллар тўғрисида шу тарика ёзишарди. Ҳатто шундай мақолаларда ҳам гап-галик сезилиб туради.

Ўзбекистон Республикаси давлат тузилмаларида, шу жумладан Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш комплекси, Вазирлар Маҳкамасида ҳам патриархал қилин барҳам топмаган, уларда қабул қилинган ҳужжатлар шундан далолат беради ҳамда жамиятни аёл устидан назоратни оилани ҳимоялашнинг муҳим шарти сифатида кучайтиришга йўналтиради. Комплекс мажлиси тўғрисидаги ҳисобот ҳақида «Халқ сўзи» газетасида куйидагилар ёзилган:

«... Жойларда ижтимоий-ахлоқий шароитни соғломлаштириш, ёшлар орасида олиб бориладиган ишни янада фаоллаштириш зарурлиги, қизларни (нима учун айнан қизларни?) юксак маънавият муҳитида тарбиялаш, уларда никоҳнинг, оиланинг, ўз уйининг муқаддаслиги ҳиссини шакллантириш зарурлиги таъкидланди».

Бу гаплар эркак киши хотинини уйдан қувиб чиқариши учун уч талоқ дейиши кифоя қиладиган, эркаклар қонуний хотинидан ташқари яна 2 ёки 3 никоҳда бўлаётган пайтда айтилаётгани кишини ҳайратга солади. Чойхоналарда ўтириб ароқ ичаётган, хотинини уриб, уларни ўз жонига қасд қилишга олиб келаётган эркаклар эмасми, ахир? Нима учун фақат қизларни тарбиялаш керак? Тақиқлашлар «ижтимоий-ахлоқий вазиятнинг» соғломлаштиришга ҳеч маҳал кўмаклашмаган. Ҳозир ажрашишни кўпроқ

эркаклар талаб қилишмоқда. Аёл эса эрининг муштига дош беролмай, ҳақорат ва таҳқирларни кўтара олмай қолгачгина ажрашишга мажбур бўлади. У қариндошлари ўзини қоралашини билади, бироқ ҳаётини сақлаб қолиш учун шу ишни қилишга мажбур.

Чарчадим икки юзлик одамлардан,
 Чарчадим ширин сўзлаб
 Илон захрин тишда сақлаганлардан,
 Чарчадим мени қучоқ олиб
 Қўйнида ханжар ушлаганлардан.
 Чарчадим оқ либос кийиб
 Ичин қорасин яширганлардан,
 Чарчадим гавҳар бўлиб ярқираган
 Аслини олсанг кесак бўлганлардан.
 Чарчадим мени ичимга кириб
 Мени кўртдай емирганлардан.
 Чарчадим меҳнати ҳалол
 Ўзи харом, деганлардан.

Дилдор Маҳмуд

Ғап оила ҳақида кетганда, мақолалар ва телекўрсатувларда «муҳаббат» тушунчасини излаб тополмайсиз. Инсон руҳининг олий зуҳури бўлган муҳаббат жамият маънавиятининг таркибий қисмларидан биридир. Никоҳ айни муҳаббатга асосланиши даркор, ёзадиғон эркаклар эса бунни унутиб, уни аёлга буюм ёки мол сифатида муомала қилиш билан алмаштирадилар. «Келин ва куёв», «*Маҳаллада* дув-дув ғап» кўрсатувларида уларнинг иштирокчилари уйлантириш ва узатиш ота-оналар иши бўлганини таъкидлаб, шундай бўлиб қолишини ёқлайдилар. Ота-она иродасига бўйсуниб таҳсинга лойиқ, албатта, лекин улар ҳатто фаришта бўлишса ҳам доимо ҳар бир айтганига кулоқ солавериш даражасида бўлмаслик лозим.

Энди ёзадиғон эркаклар одатда қаламга олмайдиган нарсалар ҳақида фикр юритаёлик. Улар мамлакат қонунлари аёллар ҳуқуқларига қандай муносабатда бўлиши индашмайди, эркакларнинг ҳуқуқлари ҳақида эса анъанадан, яъни *шариатдан* келиб чиқиб гапиришни ҳуш кўришади. Норасмий секторда ишлагани ҳолда иш берувчи олдидан ҳам, оилада ҳам ҳимоясиз қолган аёлларнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида мақолалар ёзилмаган.

Таълимдан, касб-кордан, моддий ва ахборот захираларидан баҳраманд бўлиш тўғрисида ҳам материал йўқ. Муаллифлар давлатнинг гендер соҳасидаги тенгликка қаратилган чора-тадбирларини эътибордан четда қолдирмоқдалар.

ОАВда ёзадиган ва кўрсатувларни олиб борадиган эркаклар ўзларининг аёлларга бўлган эҳтиромлари тўғрисида гапиришни хуш кўришади, лекин қилаётган ишларининг кўпи бунинг аксидан далолат беради. «Қизлар даврасида» кўрсатуви нима учун пазандалик қобилиятини намойиш этишга айлантириб юборилди? Нима учун шунга монанд «Йигитлар даврасида» кўрсатуви йўқ? Олий ҳилқатлар, ташки сиёсат, ватанпарварлик, ижтимоий тараққиёт ҳақида суҳбатлар олиб борилаётган жойдагина «Йигитлар давраси»ни кўриш мумкин. Бу ерда қизлар ҳам бўлса-да, улар озчиликни ташкил этади ва тингловчилик мақомида туришади, ҳолос. Қуни келиб бу йигитлар раҳбар бўлиб етишадилар, қизлар эса – йўқ. Аёлларни гўзал зеб-зийнатлар дунёсига, модалар, пазанданк, «юлдуз»лар ҳаёти ҳақидаги ғийбатлар оламига жалб этиб, эътиборларини мақсад – эрни тутиб олишдан иборат бўлган шахсий ҳаёт мавзусига тортишади. Бу битта мисол, ҳолос.

Бошқа бир мисол: «Оила ва жамият» газетаси ўқувчилар орасида юқори нуфузга эга. Газета муассиси бўлмиш Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси инсон ҳуқуқлари соҳаси бўлган хотин-қизлар ҳуқуқларидан хабардор бўлишга интилишни намоён этмайди, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг асосий қоидалари ва гендер соҳасидаги ҳуқуқлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бир қисми имзоланган халқаро ҳужжатлар билан ҳатто таниш ҳам эмас. Шундай бўлса-да, бу газета ўзбек оиласи, жамиятининг аҳволи ҳамда хотин-қизлар мақомини ўрганиш учун жуда қизиқ манбалардан биридир, чунки анъанавий андозалар оғушида қолган газета ижтимоий оғ талабларига жавоб берувчи материал билан чиқади. Газетхонларнинг аёлларга нисбатан зулмнинг жисмоний зулмдан тортиб руҳий зулмгача бўлган шаклларида далолат берувчи мактублари газетадан алоҳида ўрин олади. Зулмнинг ўта шафқатсиз шаклларигина, улар ҳам ҳеч қачон «зулм» деб аталмасдан, қораланади. Бошқалари эса, қонундан эмас, балки анъаналар ва диний метёёрлардан келиб чиқиб, шарҳланади, шарҳловчи сифатида ҳуқуқшунослар эмас, балки шарҳшунослар ёки Мусулмонлар диний бошқармаси ходимлари таклиф қилинади.

«Оила ва жамият» газетасининг битта сонини олиб кўрайлик. Мақолаларнинг сарлавҳасинигина ўқиймиз: «Она дуоси», «Уйланмаган йигитга ўйламасдан тегибсиз ...», «Эрини севганни атрофдагилар ҳам севади», «Эркак ва унинг икки оиласи», «Эрингизга ғамхўр бўлинг», «Аёллик бурчингизни унутманг», «Мулойимлик – аёл беазаги», «Эркак – ярим пир, дейдилар». Битта мақолани эса қисқартирган ҳолда газета мухбирининг шарҳи билан келтираман:

«Мен 1989 йилда турмуга чиқдим. Йил ўтмай ўғилчалик бўлдик. Турмушимиз яхши эди деб мақтана олмайман. Эримнинг оиламиз билан ҳам, тирикчилик билан ҳам иши йўқ эди. Ишдан келса дарров уриш-жанжал қилар, мени уриб кетарди. Унинг калтакларидан ҳомилам нобуд бўлди. Навбатдаги тўполондан кейин онамнинг уйига кетиб қолдим. Онамнинг шунча қилган насиҳатларига ҳам қулоқ солмадим. Ажрашиб кетдик. Бир куни ... ҳаётимга ўзга одам кириб келди. У билан наплашиб юодик. Бир куни мен учрашувга ўғлим билан чиқдим. У жуда ҳайрон бўлди. Билсам, у ҳали уйланмаган экан. Лекин у ўғилчамни кўтариб олиб роса айлантди. Қўлидан қўймади. Хуллас, менга уйланадиган бўлди. Бироқ уйдагилари ... анча қаршилиқ кўрсатди. У эса мени деб уйдан чиқиб кетди. Кичик Худойи қилгач, алоҳида яшай бошладик. Ўзим истаган бахтни топгандай эдим. Бироқ!..

Бир куни онамнинг уйига келдик. Қарасак қўшнимизникида тўй бўлаяпти. Эрим тўйга чиқиб кетди. Салдан кейин мен ҳам чиқдим. Эрим ўртада бир қиз билан ўйнаётган экан ... Тўй тугагач эрим уйга келмади ... Эшитсам, у қўшнимизнинг эрдан қайтиб келган қизига ҳам оғиз солибди. Бу гаплардан кейин қайнонамнинг уйига бориб унинг қилмишларини қайнонамга айтиб бермоқчи бўлганимда эрим шунақанги калтаклаб уриб-сўкиб кетдики ... Асти сўраманг. «Мен ўғлингиз билан яшамайман. Кетаман», – деганимда қайнонам жуда хурсанд бўлди. «Кетавер, ўғлимга қиз олиб бераман», – дея бақирди.

Йиғлаб-йиғлаб ўзимга саволлар берардим. «Ахир мен иккинчи марта бахтли бўлиш учун турмушга чиққандим-ку!.. Агар ҳаётим ана шунақа бўлишини билганимда ўша биринчи эримнинг кўнглини топиб ... уришига ҳам чидаб яшасам бўлар эди-ку!.. Эримнинг олдида тили қисик жойим шуки, у ота-онасию, қариндошларининг гапига кирмай, менга, бир боласи бор жувонга уйланганди».

Тахририятдан:

Бировнинг оиласи қоронғи ғор дейишади. Четдан туриб қараганда бу оилада нималар бўлаётгани бизга қоронғу. Ичкарига кириб яқинроқ танишишга эса ҳаққимиз йўқ. Лекин бир сабаб бордирки аёл шу хатни ёзиб биздан мадад сўрабди, маслаҳат сўрабди. Синглимизга жавобимиз шундай. Сиз аввало биринчи оилангизни сақлашингиз керак эди. Ҳар нима бўлганда ҳам ўғилчангиз тирик етим бўлмасди. Ҳамон ажрашган экансиз, энди сал ўйлаб иш қилишингиз керакми-ди? Чунки сиз ёш қиз эмас, турмуш кўргандингиз, фарзандингиз бор эди. Уйланмаган йигитга эса ўйланмасдан тегибсиз. Ахир нима бўлганда ҳам ҳар бир она орзу-ҳавас билан ўғлига ойдек пок қизни олиб бергиси келади-да. Шундай гаплар чиқишини олдиндан билган бўлсангиз керак ... Шунинг учун сизга маслаҳатимиз – оилангизни яна бузилишидан сақланг. Бунинг учун эрингизга яхши гапириб йўлга солишга ҳаракат қилиб кўринг. Чунки ... Гапимиз оғир ботса хафа бўлманг. «Ўзингиз пиширган ош бу, синглим, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичаверасиз-да энди» ...

Басира Саййид Али

Мана шунақа! Уришган бўлса, ўзинг айбдорсан, чидаш керак! Лекин зулм содир этилгани ҳақида, бу аёлнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва қадр-қиммати борлиги тўғрисида лом-мим дейилмайди.

Шу газетадан яна бир мисол. Журналист Афифа Ҳасан қизи бундай ёзади:

«... баъзи бир қизлар фақат билим олиш билан банд бўлиб, ҳаётий масалаларни ўрганиш, инсон одобиға тааллуқли жиҳатларни ўзида шакллантиришға эътибор бермайдилар. Олийгоҳ домлалари ана шу масалани назардан қочирмаслиғи жуда-жуда зарур. Қиз болада илм бўлса-ю, муомала одоби, оила аъзоларига муносабатда юмшоқлик, меҳрибонлик етишмаса, борган жойида қоқилади. Қоқилдим, бу ота-онанинг пешона шўрлигини келтириб чиқаради».

Кўринишидан эса, макола жуда муҳим мавзуга – ота-оналар қизи маълумот олишиға қанақа қилиб тўсқинлик кўрсатаётганига бағишлангандай эди.

Бу мисоллар қонун билан берилган тенг ҳуқуқларни жамият қабул қилсагина гендер соҳасида тенгликка эришиш мумкинлигини кўрсатади. Ўзбек тилидаги ОАВнинг таҳлили ҳали аҳвол унақа эмаслигидан далолат беради, реал ҳаётда эса бусиз гендер соҳасидаги тенгликка ўтиб бўлмайди, чунки аёлларнинг тенг ҳуқуқларини тан олиш борасида ҳозирча музокара ўтказилмаяпти, сиёсат ва фуқаролик жамияти вакиллари томонидан бу жараённинг олиб борилишини таъминлаш эса журналистиканинг вазифасига киради. ОАВ давлатнинг гендер соҳасидаги тенглик борасидаги ҳомийлик сиёсатини жамиятга ё тушунтирولмаяпти, ёки тушунтиришни истамаяпти. Бордию ўзбек тилидаги ОАВ мантиқига қулоқ солинадиган бўлса, аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ҳақида рус тилида сўзлашувчи аҳоли гапираверсин, ўзбеклар ва умуман мусулмонлар бўлакча қонунларга амал қилиб яшайдилар, деган маъно келиб чиқади. Дунёвий қонунлар гўё фақат зоҳирий одаб-ахлоқ учун мавжуддай. Ҳайҳот, бу, ахир, асос заминли билимлар, умуминсоний қадриятлар ҳақидаги билим ва бошқа қўлаб нарсалар етишмайдиган миллий журналистика менталитети эмасми, ахир.

Аёлнинг ҳуқ-атворинигина эмас, унинг либосини ҳам назоратга олиш истагини сезиш мумкин. Мақола ва мактублар муаллифлари «мулойим ва сипо» ўзбек аёли кесик кийим, калта юбка кийиши керак эмас, деб ҳисоблашади. Ҳижоб дан воз кечиш учун миллий кийим тарғиб этилмоқда, шу боис улар ислом кўрсатмаларига тўла жавоб берадиган миллий кийимда юришни тавсия этишади. Кўрсатувлар иштирокчилари миллий кийимни қандай тасаввур этадилар? Фақат юз, қўл панжалари ва оёқ тўпинги очик қоладиган тарзда тасаввур этадилар. Совет даврида ҳам миллий кийимдан воз кечилмаганди. Ўша чиройли, қулай, кўркем кийимда аёллар ҳозир ҳам юришади, бунинг сабаби ижтимоий онгда «ўзбек аёли» тушунчаси «исломий аёл» тушунчаси билан алмашиб қолганидир. Аёл қанақа кийиниши кераклиги тўғрисида гап борадиган ТВ кўрсатувлари аёлнинг бадани дахлсизлиги ҳуқуқига тўғридан-тўғри тажовуздор. Масалан, ЎзТВнинг 2000 йил ноябрь ойи давомидаги кўрсатувларидан келиб чиқадиган бундай талқин баданнинг юз, панжа ва тўпикдан ортиқ қисмини очадиган ҳар қандай кийим ноисломий бўлиб, ундай либосни ўзбек кизи, ўзбек мусулмон аёли киймаслиги керак, деган фикрга олиб келади. Бундай кўрсатувларда Қуръони карим оятлари ва бошқа диний китоблардан иқтибослар келтирил-

гани учун улар томошабинларга ўз таъсирини ўтказди. Ўзбек мақолида айтилганидек, «Қош қўяман деб, қўз чиқарди», яхши ният ёмонлик келтириб қўяди.

Иқтисодий мустақиллик, захиралардан баҳраманд бўлиш масалалари ўзбек тилидаги матбуотда деярли ёритилмайди; аёлларнинг сиёсий иштироки ва уларнинг сиёсий соҳага кириши масалалари ҳам ОАВ эътиборидан четда қолиб келмоқда. Бундай шарондда гендер муносабатларида қандай қилиб тараққиёт бўлсин? НХТ рус тилидаги матбуот билан жипс алоқа ўрнатган бўлса, ўзбек тилидаги ОАВ билан бунга эришиб бўлмаяпти, чунки улар НХТ фаолиятига қизиқишмаяпти. Ўзбек журналистлари на инсон ҳуқуқлари тўғрисида билгиси келади, на халқаро ҳужжатлар ҳақида. Улар ҳаётни мутлақо миллий кадриятлар нуқтаи назаридан акс эттирадилар ва тасвирлайдилар. Эркаклар ва аёлларнинг жамиятдаги вазифаларининг тақсимланиши, аёлларнинг тобелиги ва эркакларнинг ҳукмронлиги муҳокамага сабаб бўлмайди, балки ўзбекча турмуш тарзи нормаси сифатида тақдим этилади. Ўзбек журналист аёлларнинг бир қисми хотин-қизлар жамоат ташкилотлари мавжудлигини буткул эътибордан четда қолдиришади, чунки бўш вақтларини фақат оилага ҳамда анъанавий маросимларга бағишлашни маъқул кўришади. Ижтимоий фаолиятдан ўзини олиб қочадиган, унга қизиқишдан маҳрум бўлган журналист профессионал эмас. Улар бу ҳақда бош қотириб ўтиришмайди, НХТ таклифларига муносабат билдиришмайди, ҳатто улар ўтказадиган тадбирларда қатнашишмайди ҳам.

НХТ асосан анъанавий кадриятларни олға суришга қаратилган ОАВ билан рақобатлаша олмайди, устига устак мақсадли гуруҳлар ОАВ мухлисларидан сон жиҳатдан камчиликни ташкил қилади. Совет даврида давлат томонидан тузилган, асосан унинг ҳисобидан молиялаштирилган жамоат ташкилотлари кўп эди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан *Соғлом авлод* учун, *Оила* маркази сингари хотин-қизлар ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қиладиган ноҳукумат ташкилотлар тузилди, бироқ униси ҳам, буниси ҳам ўз мақсадли гуруҳлари билан гендер масалаларида юзага келган андозаларнинг зарарлилиги ва бу соҳани замонавийлаштириш тўғрисида кам гап олиб борадилар.

Шундай килиб, ўзбек тилидаги ОАВ фукароларнинг гендер соҳасидаги тенглик ва унинг мамлакат тараққиётидаги роли тўғрисидаги ахборотдан баҳраманд бўлишни таъминламаяпти. Тафаккурнинг қотиб қолганлиги, билим доирасининг торлиги, миллий маданий биқикликни тарғиб қилиш шунақа ОАВ туфайли ўз гумроҳлигининг қулига айланган жамиятга таъсир кўрсатади. Афсуски, маҳаллий ОАВда эълон қилинадиган материалларда эркакларнинг аёллардан устунлиги таъкидланади. Гендер соҳасидаги тенглик ғоялари бугунги кунда республика журналистлари, шу жумладан ҳали ҳам бхотин-қизлар ҳаракатидан йнрок бўлиб, аёллар муаммоларини эркаклар андозаларига кўра ёритаётган аёл журналистлар орасида ёйилмайди. Улар гендер муаммоларидан беҳабарлиги, хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича маълумотлари чекланганлиги ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу, хусусан, аёлларга зулм қилиш ва уларни камситиш ҳодисаларни доим ҳам объектив баҳоланмаганида ўз иродасини топмоқда. Бундан ташқари, журналист аёлларимиз материалларида ўзини ўзи цензура қилиш, юқоридаги каби ҳодисаларни баён қилишда таҳлилни онгли равишда чуқурлаштирмаслик сезилади, умумий маданият етишмайди.

Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирининг ёш муаллима-си, оламга танқидий кўз билан қарайдиган, бироқ ён атрофдагилар томонидан кўллаб-қувватланмаётган 24 яшар Гулнора Содикова қуйидагиларни айтади:

«Ўзбек телевидениесини томоша қилар эканман, олам эркаклар учун яратилган, деган фикрга келаман. Аёллар уларнинг кўзини қувнатиш учун рақс тушишади, гапни эса фақат эркаклар айтиши керак. Аёллар ҳақида улар айтган гаплар ё чучмал, ёки ёлғон. Бирон нарсани ўзгартириш учун, афтидан, энг аввало, аёлларининг ўзи ўзгариши лозим. Наҳот улар ҳеч қачон ўзлигини англамаса, фақат эркаклар истаган ҳолатда қолаверса? Бугунги кунда «қўлида микрофон тутган аёллар» пайдо бўлган эса-да, улар ўзига хос бўлишдан қанчалик чўчиши кўриниб турибди, уларни бу кўйи тинглаш жуда зерикарли бўлади. *Синфдош* дастурини олиб боровчи менга ёқадди. У ўзи бажараётган ишга қизиқади, назаримда. У мавзуни топа олади. Аёл фақат чиройини, либосини эмас, балки донолигини, ўз нуқтаи назарини кўрсата олиши мени қувонтиради. Олий хилқат ҳақидаги баландпарвоз гаплар менга

ёқмайди. Тамтароқлик – самимиятсизлик, демак. Яхши журналист аёллар ҳам томошабинлар дидининг домига тушиб қолгани, анъаналар таъсиридаги 40–50 яшар аёллар нима дейишига кўз тикиб қолганига ачинаман. Улар, ахир, ёш-ку, «сеҳр-жоду» ҳақида гапириш улар учун қизиқ бўлмаса керак. Чунки улар иримчи кампирлар эмас, балки маълумотли аёллар. Бу, ахир, томошабинларнинг кенг доирасига мўлжалланган кўрсатув эмаску? Билиш ёхуд ижод қувончи тўғрисида нима учун гапиришмайди? Юзага келган аҳволдан қандай халос бўлишни билмай, гапни айлантиришаверади, айлантиришаверади... Илмий билимлар асло ёйилмайди. Реклама, кўрсатувлар, дастурлар истеъмолчига мўлжалланган. Маънавият ҳақида дабдабабозлик билан, қизиқиш уйғотмайдиган тарзда гапиришади.

Газеталарда одамларни ҳаяжонга соладиган воқеалар шарҳини кўрмайсиз. Ташқи сиёсат соҳасида ҳам, ижтимоий ҳодисалар (коррупция, хотин-қизлар аҳволи) масаласида ҳам шундай. Ўқувчиларнинг мактублари, улардан фақат оилага тааллуқлилари, ҳиссиётга бой. Зотан, агар оила муҳити ижтимоий ҳаётга қандай таъсир қилиши, иқтисодий мушкулотлар оилани қандай барбод қилиши, бу мушкулотларни енгиш учун, бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун нималар қилиш лозимлиги таҳлил этилса, бу мавзу фуқаролик мазмуни билан ҳам бойиган бўларди.

Бугунги матбуотда аёлни эркин касб танлашга ва мансабга интилишга, иқтисодий мустақилликка, хусусий бизнесга ва ўзини ўзи банд қилишига даъват қиладиган материаллар жуда кам. Қишлоқ аҳолисининг аҳволи тўғрисида материаллар янада камроқ. Ўзбек тилидаги матбуотда аёлни камситувчи миллий анъаналарни танқидий баҳолашга интилиш деярли йўқ. Экранда ярқ этган шахслар кам кўрсатилади, аёллар одми бўлишни ва эркаклардан бир поғона паст туришни маъқул кўришади».

Республика ОАВ хотин-қизлар ҳуқуқларини қарор топтиришда ҳамда жамиятни замонавийлаштиришда ҳали таъсирчан кучга айлангани йўқ. WIMCA (Women in Mass Media in Central Asia) НХТ томонидан «Марказий Осиё оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар» мавзуида ташкил қилинган журналист аёллар семинарида шу ҳақда гап борди. WIMCA ўз материалларини Осиё-Пресс бюллетенида чоп этади, унда Қирғизистон, Қозоғистон,

Тоҷикистон ва Ўзбекистон журналист аёлларининг мақолалари ҳам бор.

Анъанавийлик руҳида ёзадиган журналист аёл машҳур бўлиб бормокда, унинг учун юқорига йўл очилмокда, чунки у эркаклар ҳукмрон бўлган жамият учун маъқулдир. Ноанъанавий йўналишдаги журналист аёллар қаерда қолди? Сиёсий воқеаларни ёрита оладиган, хорижий тилларни биладиган журналист аёл чет элдаги Ўзбекистон агентликлари шарҳловчиси бўлиб ишлай оладими? Асло! «Эри уйида ўтирган бўлса, у қандай қилиб чет элда ишлай олади?» Бу – «Жаҳон» агентлигининг раҳбари Аббор Фуломов хайратга тушиб айтган гап.

ОАВда аёллар 50%ни ташкил қилади, бироқ юқори даражадаги матбуот конференцияларида иштирок этувчиларнинг кўпчилиги – эркаклар. Газета, радио ва ТВда аёллар асосан оила муаммолари ҳамда қандай қилиб гўзал, мафтункор бўлиш мавзуларида ёки пазандалик тўғрисида ёзишади ва гапиришади. Журналист аёлларнинг кўпчилиги ўзларининг ОАВдаги тобеъ ҳолати ва ўз касб маҳорати устида етарлича ишламаслиги туфайли аёлларнинг эрдан ажралишини қоралашади, уларга нисбатан зулми эса буткул уларнинг тарбиясизлиги ва оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги билан боғлашади. Қизларнинг умумий маданияти масалалари, таълим олиш сифати, болаларни ташқаридан кириб келадиган ғоялар учун очиклик руҳида тарбиялаш, аёлларнинг ижтимоий тараққиётда иштирок этиши масалалари хотин-қизлар журналлари ва бошқа ОАВ эътиборидан четда қолмокда. Улар аёлни оилавий қолоқлик оғушида қолдирмокда. Хотин-қизлар ишсизлиги масаласига умуман эътибор берилмаяпти, аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги асло қўллаб-қувватланмаяпти. Оналикни муҳофаза қилиш муаммоси жуда муҳим, албатта, бироқ аёлларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммолари кескинлашган ҳозирги пайтда бу мавзу аёлларнинг иқтисодий ва сиёсий муаммолари билан боғлаб ёритилмаяпти. Кўпинча, «жамият коммунизми ортда қолдириб, анъанавий қадриятларга қайтмоғи даркор», деган важ-қорсонни эшитиш мумкин. Шундай дейдиган муаллифлар фикрига кўра, бу аёлларни болаларни ва қарияларни парвариш қилишга янада кўпроқ бағишлашни билдирар экан, чунки бозор иқтисодиётининг ноқулай шароити туфайли давлат ижтимоий хизматлари тизими қисқариб бормокда. Бу аёлларни ижтимоий ҳаётда иштирок этишдан воз кечишга

ниқобланган даъватдир. Бундай аҳволда фукаролик жамияти ва унда аёлларнинг иштироки ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Аёл – буюм, деб қарашди эркак журналистлар, аёл – иккинчи даражали мавжудот, деб билишди журналист аёллар. «Халк сўзи» газетасининг 2000 йил 4 октябрь сониди «Ҳаётини хангома-лар» рукни остида, масалан, қуйидаги воқеа ҳақида ёзилган:

«Қишлоғимиздаги ... чўпоннинг икки ўғил, бир қизи бор эди ... Катта ўғли оғзига келганини сўзлайдиган, кўзлари сал ғилай, ақли ҳам ноқисроқ ... Кичиги эса аксинча ... ҳушёр, ўзи ҳам чақмоқдай йигит. – Сени уйлантириб қўяйлик, ўғлим, – деди ота унга бир куни. – Э, акам турганда мен уйланаманми, одамлар нима дейди?! – унамабди ўғли. Ота ... қариндош-уруғларини чақириб, маслаҳат сўради ... Узоқроқ қишлоқда ... подачининг бир қизи бор эди. Ота-онаси сал камкўрим, бир чеккада юпунгина яшашди. Ахир камбағаллик айбми? «Бўлмаса гап бундай, қиз билан учрашувга кичик ўғил бор-син. Катта ўғилни қиз никоҳ куни чимилдикда кўради ...» – дейишди оға-инилар. Худди шу тadbир жуда иш берди. Қизга йигит дарровгина маъқул келди. Йигитнинг ҳам юраги «жиз» этди. Кўп ўтмасдан тўй бўлди ... Икки-уч ҳафта ўтиб ... келин-чак ва «тузоқ» бўлиб қўйилган йигит ... биргаликда уйдан қочиб кетишди».

Қизга нисбатан алдов ишга солингани ҳамда фитна уюштирилганлиги ҳақида эса лом-ним дейилмайди! Турмушга чиққач, унинг икки-уч ҳафта ичидаги кечинмалари ҳақида ҳам ғик этилмайди! Келин ўғирлаб кетилгач, ёшларни нималар кутаётгани тўғрисида, «ҳаёсизлик» қилганликлари учун жамоатчилик фикри уларнинг бошига дўлдек ёғилганда, ота-оналари улардан юз ўгиришганда улар бахтли бўла олиш-олмаслиги, бу қувғинлар қандай кун кечириши тўғрисида бир оғиз ҳам гап йўқ. Юмористик ҳикоя тарзида тақдим этилган бу маҳзун воқеа аёлларга нисбатан қилинган зулм, унинг таҳкирланиши оқил ота-оналарнинг айб саналмайдиган ҳазили сифатида кўрсатилар экан, аёл шахсининг кадри нима бўлади, деб ўйлашга мажбур қилади кишини. Энг қизиги шундаки, унинг муаллифи – аёл, «Саодат» журнали ходимаси Гулчеҳра Жамиловадир.

Матбуотдаги барча мақолаларнинг ҳамаси ошкора анъанавий характерда эмас, қатор мақолалар ва телевизион кўрсатувлар борки, уларда намуна учун касб-корида катта ютуқларга эриша-

ётган ўзбек аёллари ҳақида ҳикоя қилинади. Бироқ бунда уларнинг эри борлиги ва бола-чақали эканлиги албатта таъкидланади (ЎзТВ-1-даги «Азизим», ЎзТВ-2-даги «Бегойим»).

Ижтимоий фикр йўналишларидаги бундай тафовут аёлнинг жамиятдаги роли ва ўрни масаласига турлича қарашлар ёнма-ён мавжуд бўлган жамиятдаги ҳақиқий аҳволни акс эттиради. Уларнинг негизида, бир томондан, анъанавий қадриятлар тикланишига, бошқа томондан эса, жамиятни замонавийлаштириш ҳамда уни ғарбона қадриятлар тизимига яқинлаштиришга йўналтирилган бир-бирига буткул қарама-қарши икки хил қараш ётади. Ҳукумат ўз сиёсатида ана шу икки йўналишни қовуштиришга ҳаракат қилади-ки, бу улар ўтказаетган гендер сиёсатидаги ички зиддиятдан далолат беради. Бу икки тамойилни келиштириб бўлмайди, чунки ОАВда, айниқса, ўзбек тилидагисида анъаначилар (кўпинча агрессивлари)нинг устунлиги ҳамда ҳукуматнинг анъанавий терминологияга мурожаат этиши анъанавийликни мустаҳкамлайди. Ғарбона қадриятлар тизими, айниқса, Ғарбни технологик жиҳатдан кучайтирган эркин қадриятлар ҳақидаги маълумотларнинг чекланганлиги, сиёсий ва ижтимоий муаммоларнинг эркин муҳокама қилинмаслиги жамиятнинг ўтмиш жарига қараб қулаб боришига олиб келади. Ижтимоий онг ватан муаммоларини ҳамда жаҳондаги жараёнлар бирлигини тушуниш даражасига кўтарила олмай, ўша-ўша патриархал оила ва уруғ қадриятлари даражасида қолаверади. Ўзбек тилидаги ОАВ кўпчилиги гендер соҳасидаги тенглик масаласида унга қарши чиқади. Замонавий ижтимоий муносабатлар, шу жумладан гендер соҳасидаги тенгликнинг НХТ томонидан тарғиб қилиниши эса кўлами ҳамда ижтимоий онгга кўрсатадиган таъсир кучи бўйича ОАВга тенглаша олмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда олиб борилаётган гендер сиёсатидаги зиддиятлар мамлакатни модернизациялаш салоҳиятини кескин пасайтириб юборади.

3.5 Янги аёлларми ёнуд ётлар?

«Янги аёл» атамаси XIX аср охирида мисрлик таниқли модернист Қосим Амин томонидан истифодага киритилган. Унинг шундай номланган китоби мусулмон оламини жумбушга келтирди. Муаллиф мусулмон аёлни замонавий оламга олиб киришни ва бу оламда унга фахрли ўрин беришни таклиф қилган-

ди. Орадан бир аср ўтди, мусулмон олами аёллари замонавий илм-фан, таълим, маданият, техникадан баҳраманд бўлишди. Ўзбекистонда ҳам бугун мамлакатнинг интеллектуал куч-қудрати ва ифтихори бўлган бирон соҳани аёлсиз тасаввур этиш қийин. Социалистик тузум парчаланиб, бозор тизмига ўтилганига, интеллектуал меҳнат соҳаси таназзулга учраганига қарамай, айни шу сектор аёллари янгича иқтисодий ва сиёсий тизимларда янги аёл бўлиш учун энг тайёри бўлиб чиқишди. XX асрда янги аёллар зухур топишди, булар сахнага биринчи бўлиб чиққан, касб-корни биринчи бўлиб эгаллаган (биринчи врач аёл, биринчи муҳандис аёл, биринчи учувчи аёл, биринчи профессор аёл ва х.к.) ватандош аёлларга йўл очиб берганлардир. Дастлабки янги аёлларнинг ўз пазирасига ишончи бошқа аёлларни илҳомлантирди, янги авлод аёллари учун айрим касб-корлар оммавий бўлиб қолди. Бугунги кунда аёллар ҳам янги касб-корларни, янгича турмуш тарзини, ҳаётдаги, жамиятдаги, санъатдаги, бизнесдаги ўрнига янгича нуқтаи назарни излашмоқда. Янги бўлиш қийин, лекин мумкинлигини кўплар исботлашди. Ўз ҳаётини ўзгартириш учун қандай ҳислатларга эга бўлиш зарур? Энг аввало, характер, ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиш, меҳнат ва билим керак бўлади. Лекин бунинг ўзи етарли эмас экан. Бизни ўтмишда тутиб турган нарсадан воз кечиш зарур экан. Бунинг учун эса жасорат, ўз тақдирини мустақил танлаш учун мардлик ҳам зарур экан.

Аёлларнинг фуқаролик жамиятида иштирок этишининг бир неча усули мавжуд. Бу: аёлларнинг жамоат ташкилотлари ва партиялар орқали, иш жойидаги профессионал фаолияти орқали, сиёсий ҳаётда қатнашиш орқали иштирок этишдир. Бирок аёллар уйдан ташқарида ишлай бошлашса ва уларга қонун билан тенг ҳуқуқлар берилса, у ўз-ўзидан тенг ҳуқуқли бўлиб қолади, деган нуқтаи назарни яқин ўтмишдаги тарихимиз рад этди. Бирон-бир мамлакатдаги цивилизациянинг умумий даражасини эътибордан соқит қилган ҳолда қонунга ёпишиб оладиган ёндашувлар вазиятни ўзгартирмайди. Кўплаб аёллар юқори лавозимларни эгаллаганида ҳам, ҳатто улар давлат тепасига келганида ҳам хотин-қизлар муаммоси ҳал бўлмайди, чунки аёллар тараққиётга тўсқинлик қиладиган цивилизацияли омишлар озмунча эмас. Булар – хотин-қизларни ўзини ўзи паст баҳолашига олиб келадиган, унинг интилишлари ва танлашини чеклайдиган, унга нархини эркак киши белгилайдиган товар ро-

лини тақаштирадиган маданий кўрсатмалар ҳамда андозалардир!

Ижтимоий онгда сусткаш, уй-рўзгор буюми сифатидаги итоатгўй, эркак ҳаётини қулай қилувчи аёл идеали болаликданок, анъаналар ва дин нуфузига муқаррартаёянган ҳолда шакллантирилади. Бу идеал, чиндан ҳам, ижтимоий ҳаётда иштирок этишга тайёр бўлмаган, буни истамайдиган, ундан эҳтиёт бўладиган аёллар авлодини шакллантиради. Улар ўзига катта фойда билан сотиладиган товар сифатида қарайдилар. Эрга тегишми, ҳозир қонуний тус олган маъшуқалик ришталари билан боғланишми, барибир, яхши сотилса, бас. Уларнинг ҳаётидаги асосий мақсад – нима қилиб бўлса ҳам эркак кишини қўлга киритиш. Бу – итоатгўй аёлнинг терс томони. Бунда кадр-қиммат, ғурур, ҳалоллик, тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар тўғрисида гап ҳам йўқ.

Аёл шу руҳда тарбияланса, унинг шахсияти, иктидори ва инсоний кадр-қиммати бўғилиб, табиий фазилатлари бузилади: ақл-идроки – маккорликка, ҳиссиёти – жазавага, қизиқувчанлиги – ғийбатга муҳаббатга айланади. Итоатгўйликнинг терси ғазабнафрат ва ҳасад эканлигини, сусткашлик эса суқликка, худпарастликка, маънавийятсизликка ва ғаламисликка айланишини эркаклар унутиб қўядилар. Бундай аёл уйда тўла ҳукмрон бека бўлиб, шу тариқа ўзини кўрсатиш учун ҳар қандай йўллар билан бойликка, эркакнинг устидан ҳукм юритишга интилади. Эркин танлаш имконига эга бўлган аёл эса «хавфлидир», чунки уни бошқариб, бошқаларнинг иродасига бўйсундириб бўлмайди, у фақат ўз виждони ва эркига бўйсунди.

Аёллар ҳаётидан андозага сиғмайдиган бир нечта воқеани кўрайлик. Саодат III. ўзи ҳақида бундай ёзади:

«Онам менга Саодат деб исм қўйганлар, чунки ўзларининг ҳаётларида саодатли кунлар кам бўлган, менинг туғилишим улар учун чиндан ҳам бахт бўлган. Мен дунёга келган пайтда ёшлари 34да бўлган. Болалик даврлари уруш йилларига тўғри келган, оталари ҳалок бўлганлар (7 ёшдан бошлаб отасиз ўсганлар), урушдан кейинги оғир йилларни кечирганлар, ўшанда бувимнинг ёлғиз ўзлари рўзгор тебратган эканлар. Онамнинг опа-сингиллари маълумот олишолмаган, бири эрта турмушга чиқиб, Сирдарёга кетиб қолган, бошқаси Тошкентда турмушга чиққан бўлса-да, бир умр дехқончилик қилган. Бувимлар онамларга яхши маълумот беришни орзу

қилган ва орзуларига эришган эканлар. Оғир меҳнат, мусибат келтирган касал бувимни узоқ йиллар тушакка михлаб қўйган. Онамларнинг ҳаёти иш ва уйдангина иборат бўлган, рўзғорга қараш ва касал онани боқишдан бўшамаганлар (қўшимча даромад топиш, билимини мустақил ошириш, дўстлар билан учрашиш ва шунчаки дам олишга вақтлари бўлмаган). Шахсий ҳаётлари бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам эмасди: амалда эркаклар билан ҳам мулоқот қилишдан маҳрум бўлганлар.

Бувимлар ўлим олдидан бу қизлари олдидаги бурчларини бажара олмаганликлари, шахсий турмуш қуришида кўмаклаша олмаганликлари учун ўкиниб, узоқ йиллар оғир юк бўлганликлари учун қизларидан розилик сўраганлар ва ўлимларидан кейин ёлғиз қолмай, дарҳол турмушга чиқишларини ўтинганлар. Бувимлар ҳаётдан кўз юмганларида онамлар 31 ёшда эканлар. Турмушга чиқиш имкониятлари ҳам шунга яраша бўлган. Камбағал, ёлғиз, қўллаб-қувватлайдигани бўлмаган бу аёл эркакларни қизиқтирмасди. Бироқ фарзанд кўриш истаги шу даражада кучли эди-ки, бу йўлда ҳамма нарсага тайёр бўлганлар.

Мен отамни билмайман. Уйимизда эркаклар, ҳатто қариндошлар ёки онам билан бирга ишлайдиганлар ҳам ҳеч қачон бўлишмаган. Онамлар жуда кўп ишлардилар, ҳатто ишда муваффақиятига ҳам эришганлар, хизмат пиллапояларидан, секин бўлса-да, кўтарилганлар. Зориқмаслигимиз учун ишлаб пул топишга интилганлар. Мени яхши кийинтиришга ҳаракат қилардилар, пазанда бўлганлари учун уйимизда доим мазали егулик бўларди. Пул топиш учун баъзан у-бу нарсани пиширишга буюртма ҳам олиб турардилар. Опа-сингиллари билан деярли кўришмасдилар, чунки эрсиз туғиб, уларнинг назарида гўё шарманда бўлгандилар. Ёлғиз она сифатида имтиёзлардан фойдаланмасдилар, бу ҳақда гапиришдан ийманардилар, менга озгина нафақа олиш билан кифояланардилар. Уйимиз эски, таъмирталаб эди, ҳовлидаги ҳамма ишни ўзлари бажарардилар. Уйимизда товук, бир неча мева дарахти бўлиб, қўшимча даромад манбаи эди. Ҳозир онамлар 64 ёшдалар, бироқ ҳар доимгидек, ҳаракатчанлар, меҳнат қилиб толмайдилар. Мен учун шунча нарса қилган онамлар ҳақида миннатдорлик ва меҳр билан ўйлайман: камтарона бўлса ҳам, зориқмай камол топдим, яхши маълумот олдим, иссиқ ва шинам уйда яшадим. Уйимизнинг ши-

намлиги мен учун бир намуна бўлди. Асосий бойлигимиз китоб эди, мен болаликдаги кўплаб китобларимни сақлаб қўйганман, ўғлим улғайгач, уларни ўқиб бераман.

Мактабда жуда яхши ўқиганман, шунинг учун тортинчоқликдан холиман. Ўқитувчиларим доим мақташарди, синфдошларим ҳурмат қилишарди, кўпчиликка дарс тайёрлашда кўмаклашардим. Отам йўқлигини айримлар билишса-да, деярли ҳеч ким бундан гап очмасди, мени уйларига таклиф этишарди, туғилган кунларимда уларни уйимизга таклиф қилсам, доим келишарди. Уйимизни ўзим меҳмон бўлган уйлар билан қиёслардим, уйимиз, биров кўримсизроқ бўлса ҳам, уларнинг уйи ва квартираларидан унча фарқ қилмасди, чоғроқ боғимиз туфайли фойзлироқ кўринарди.

Маҳалла қанақа муносабатда бўларди, – деб сўрарсиз. Фикримча, бағрикенглик билан қарарди. Ҳар ҳолда ҳеч ким бармоғини нуқиб кўрсатмас, биров хафа қилмасди. Онамлар *маҳалла* фикри билан доим ҳисоблашардилар, шунинг учун менга кўни-қўшниларни ҳурмат қилишни доим тайинлардилар; керагида улар доим кўмакка келишади, дердилар; танисам-танимасам қўшнилар билан саломлашиб ўтишим, қарияларга кўмаклашим, хушмуомала бўлишим зарурлигини ўқтирардилар. Шундай бўлса-да, *маҳалла* бизларга жуда ҳам хайрихоҳ бўлмаган, деб ўйлайман, чунки *маҳаллада* бўладиган муҳим воқеаларга, тўй, *бешик тўйи*, аёллар ўтиришига онамларни доим ҳам таклиф этишавермаган. Таклиф қилинсалар, ишлари жуда кўп бўлса ҳам мазали бирон нима пишириб, баъзан ҳатто мени ҳам бошлаб олиб борардилар. Бордию врач ёки тиббий ҳамшира бўлганларида, ҳеч ким уларга эътиборсизлик кўрсатмасди, улар эса иқтисодчи муҳандис бўлиб, катта лавозим эгаси эмасдилар, шунинг учун «керакли» одам эмасдилар. Бундай менсимасликни ўзларига ва менга нисбатан қандайдир таъна, деб билардилар.

Улғайгач, табиийки, отам кимлигини, қаердалигини суриштира бошладим. Онамдан мужмал жавоб олавергач, саволим уларга азоб беришни тушундим, бироқ ўйлашдан қолмадим. Энди эса, улғайиб, оилали бўлгач, онамларга қанчалик қийин бўлганини тушуна бошладим. Уларнинг матонатига қойил қоламан. Эсимни танибманки, фарзандли ва оилали бўлиш ҳуқуқи учун курашиб келадилар. Бу – индамай, муттасил олиб борилган кураш эди. *Маҳаллада* чиқиштириш-

лари учун бенуқсон бўлишлари даркор эди. Шунақа эдилар ҳам. Ҳаётлари шундай оқиб ўтаверарди, уларнинг ҳаётдан кўзлаган мақсадлари мен эдим. Шу сабабли мени қаттиққўллик билан тарбиялаганлар, уларга гап теккизадиган иш қилишга менинг ҳаққим йўқ эди. Барибир шунақа воқеа содир бўлди: икки йил илгари қўшма корхонада бирга ишлаганим немис йигитга турмушга чиқдим.

Уч йил ҳаракат қилиб, чет тиллар институтининг немис тили факультетига кириб, уни тугадим. Ўқиётганимда ҳамкурсларимдан ёшим катта эди, ўқишга киргунча икки йил тикувчилик устахонасида ишладим. Ҳамкурсларим мендан унча кичик бўлишмаса-да, мен уларга ўхшай олмасдим: ҳаётда кўрганларим мени улғайтириб қўйганди, шунинг учун улар билан ош-қатиқ бўлиб кетолмаганман. Мен ўзимда онамларнинг тақдири такрорланишидан жуда кўрқардим. Отам бўлмагани учун совчилар ҳам келишмасди. Мулоқот қиладиган доирам тор, асосан аёллардан иборат бўлиб, шунинг учун кимдир мени севиб қолиши, мен эса – уни севиб қолишимга умид боғламасдим. Ўзбек оилалари асосан ота-оналар томонидан барпо этилади, ўғлини кимга уйлантиришни ўшалар ҳал этишади. Йигитнинг онаси муносиб келин топиш учун узок вақт уйма-уй юриб, ижикилаб қиз қидиради. У қариндошлари, танишлари, бирга ишлайдиганлар ёки кўшнилари далолати билан совчи бўлиб бориб, қизни кўради. Бизнинг оила тўғрисидаги маълумотлар, афтидан, менга совчи бўлиб келиб, унашиш учун унчалик жозибадор бўлмаганга ўхшайди. 19–22 ёшларимда, синфдошларим, кўшниларим, ҳамкурсларим бўлган қизлар уйларига келган совчилар, унаштирилаётган йигитлари билан учрашувлар ҳақида гапириб беришганда мен жуда сиқилардим. Уларнинг ҳаммаси шу ёшда узатилди, ҳисоб. Ўзбек қизлари учун турмушга чиқишнинг бошқа усули йўқлиги, мулоқот чекланганлиги боис бундай тўйлар одатийдир. Тарбия кўрган қиз йигит билан учрашмаслиги лозим, йигитлар билан юрадиган қизнинг хонадонга келин бўлиб киришга ҳаққи йўқ, деб ҳисобланади. Бундай тўйларни ота-оналар келишиб қилишади, гўё бир оила бошқа оилага уйланаётган (узатилаётган) бўлиб чиқади. Бунда йигит билан қиз орасидаги муносабатдан кўра куёвнинг ота-онаси билан келин ўртасидаги, икки томоннинг ота-оналари ўртасидаги муносабат муҳимроқ бўлиб чиқади. Шу

нуқтаи назардан қараганда, мен барча кўрсаткичлар бўйича кўнгилдаги келин бўла олмасдим. Қаттиққўллик билан тарбияланганим учун кўчада биронта билан танишишни номуносиб иш деб ҳисоблардим. Шу сабабли эрга тегиш имкониятим йўқ даражада эди.

Институтни тугатгач, мактабда ишлаганман, инглиз тилини мустақил ўрганиб, қўшма корхоналардан ёки халқаро ташкилотлардан иш топишга ҳаракат қилганман. Бутун уринишларим зое кетаётган бўлса-да, турли зълонлар бўйича ҳужжатларимни юборишни қўймадим, сўнг воситачи фирмага мурожаат этдим, у менга бир фирмадан иш топди, мен фирмада уч йилдан буён ишлайман. Бу ерда бўлажак эрим билан танишдим. У яхши ва очиқкўнгил одам, ҳаётимдаги биринчи ва ягона эркак. Шукр қилиб яшаганим учун менга бу бахт инди. У ўзининг жиддий ниятлари ҳақида гап бошлаганида, гап-сўз ва қинғир фикрлар кўп бўлишини билсам-да, асло шубҳаланмай дарҳол рози бўлдим. «Зинодан туғилган қиздан нима ҳам кутиш мумкин», «нопок» бўлгани учун «нопокка» тегди, каби ва ҳоказо ҳақоратларни ҳам эшитдим. Эслагим келмайди уларни. Тўғри, ҳеч ким мени ҳибс қилмади, тошбўрон қилмади, лекин гап-сўз тошдан қаттиқ тегар экан. *Маҳалла* менинг эрга тегишимга муносабатини шу тарзда изҳор этди. Онамлар буткул мен томон эканликлари мени қувонтирарди, улар эса мен учун асосий одам бўлиб, менинг бахтимдан шод эдилар. Ҳозир бир яшар ўғлим бор. Мен – саодатлиман! Яхши оилам, яхши ишим бор, ишлаб, кўзлаганимга етишдим, бахтли бўлишни истардим, бахтиёр бўлдим.

Гапимни якунлар эканман, шунини айтишни истардимки, ҳаётда ўз йўлини излаган одамгина меҳнати, орзу-умиди ва ақли-идроки билан бирон нарсага эришиши мумкин, бироқ унинг йўли чағиртош билан тўсилган бўлади. Биров кўрсатган йўлдан боришни истаган одам ҳам бирон нарсага эришиши мумкин, бу йўл ҳам осон бўлмайди, у ҳам чағиртошга тўла бўлади, уларни енгиб ўтишда орзу-умиди кўмаклаша олмайди, бунақалар ўзларининг муваффақиятсизлигида барчани айблашади. Бу йўлда эришилган ютуқлар нисбий бўлиб, улар кимдир ўйлаб топган қандайдир меъёрларга яқин бўлади.

Оламда мукаммал нарса йўқ, албатта, бахт ҳам мукамал ва тугал бўла олмайди. Ўз ватанимдан кетиб қолишимга

тўғри келиши ҳақида кўп ўйлайман, бу ҳам юрагимга оғриқ беради. Ўзга юртда мени нималар кутаётган экан, деб ўйлайман. Лекин эримга ишонаман: меҳнатдан қўрқмайман, маълумотим бор, ҳаётда яхши нарсанинг қадрига етаман, Аллоҳ мададкор бўлади, деб умид қиламан!».

Янги аёллар – фақат оиласини эмас, бутун мамлакатни, Ватанни ўз олами, деб ҳисоблайдиган аёллар. Жамият ҳақида ғамхўрлик қилиш улар учун қуруқ ғап эмас. Улар ўтмишни билишади ва ундан энг яхши жиҳатларни танлаб олишади. Билим ва профессионализм уларни машҳур қилди. Улардан бири – машҳур бастакор, катта истеъдод ва қалб эгаси бўлган Дилором Омонуллаева. Китоб муаллифи у билан аёлнинг санъатдаги ўрни масаласини муҳокама қилади.

М.Т.: Ижодга қандай кириб келганингиз, нимадан илҳомланишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

Д.О.: Ижод билан шуғулланиш – истеъдодга садоқатни талаб этадиган кундалик оғир иш, айниқса аёлларга қийин, чунки ҳаёт уларнинг зиммасига жуда кўп мажбурият юклайди. Шулардан бири – оналик, бола туғиш ва тарбиялаш. Уйим дейди, эрим дейди, у хотин ва уй бекаси сифатида оиладаги кундалик ишларни яхшилаб бажариш учун жуда кўп вақт сарфлаши лозим, бу ишлар орасида ижод қилиб бир нарсасига эришиб бўлмайди. Қобилият ва истеъдод – Аллоҳдан, у ҳар кимга ҳам ато этилавермайди, балки мумтозларгагина берилади, шундай экан, бу иноятни писанд қилмаслик, истеъдоддан чекиниш, уни кундалик юмушлар қатида қолдириш Аллоҳнинг олдида ҳам, ўзининг олдида ҳам катта гуноҳ, мен шундай деб ҳисоблайман. Шунинг учун ижод билан боғлиқ барча нарсани болалигимдаёқ мен бажаришим лозим бўлган бурч, деб ҳисоблаганман.

Истеъдодим борлигини билардим, буни устозларим ҳам, ота-онам ҳам эътироф этишарди. Улар навозанда эдилар, отам – педагог, созанда бўлиб, узоқ йиллар давлат педагогика институтида дарс берганлар, эстетик ва мусиқавий таълим масалалари ҳамда болаларни маърифатли қилиш билан шуғуллаганлар. Улар ушбу масалалар бўйича кўплаб китоблар муаллифи бўлиб, ҳаётларини маърифатчиликка бағишлаганлар. Онамлар – хонандалар, Муқимий номидаги мусиқали драма театрида ишлаганлар, кейин солист бўлганлар,

даторчи қизлар ансамблида датор чалганлар ва 35 йил му-
сиқа билим юртида дарс берганлар. Уйимизда ҳаёт му-
сиқа билан ўтарди, ота-онам менинг таълим олишимга катта
эътибор беришарди. Истеъдодим борлигини болалигимдаёқ
билиб, уни камол топтиришди. Улар мен композитор бўли-
шим даркор, деб ҳисоблашарди ва шуни доимо қулоғимга
қўйишарди.

Мен беш ёшимдан В. Успенский номидаги мактабда ўқий
бошладим ва уни пианиночи сифатида битирдим. Таниқли
муסיқачилар, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, бастакорлар
Мутаваккил Бурҳонов, Мардон Носиров, Дони Зокиров, Наби
Ҳасановлар уйимизда тез-тез меҳмон бўлишарди. Менинг
композитор бўлишимга улар ҳам таъсир кўрсатишгандир,
балки. Мен муסיқий муҳитда камол топдим, ундан қувват ол-
дим, болалигимданоқ композитор бўлишни орзу қилдим.
Ҳаётдаги ўрнимни халқ қалбидан жой оладиган янги му-
сиқа яратувчиси бўлишда кўрдим, ватанимга куй-қўшиғим билан
хизмат қилишни истардим. Му-
сиқа санъатимизга ўз ҳиссам-
ни қўшишим зарур, деб ҳисоблардим. Яна бир жиҳат бор:
му-
сиқий истеъдодлар бизда жуда кўплиги шубҳасиз, ай-
ниқса, аёлларнинг му-
сиқага муҳаббати зўр, лекин ҳаётда
хамма ҳам истеъдодини камол топтириб, ютуқларга эри-
шишга муваффақ бўлолмайди.

М.Т.: Аёл киши санъатда ўзини кўрсатишига нима кўмак-
лашади ёки халаф беради?

Д.О.: Болалар боғчасидан бошлаб чиқадиган ёш ис-
теъдодларга бир қаранг: менинг ҳузуримга кўплаб қизлар
келишади, уларда профессионал му-
сиқачи бўлишга интилиш
бор. Лекин ҳаёт аёллар зиммасига ғоят кўп мажбуриятлар
юклайди. У оила қуриши лозим ва кўпинча шу оилага бутун
кучи сарф бўлади. Менинг В. Успенский мактабида, консер-
ваторияда, аспирантурада бирга ўқиган дугоналарим кўп,
уларнинг кўпчилиги, оилам ва бола-чақам деб, истеъдодини
қурбон қилишди. Улар композитор дипломига эга, бироқ
композитор сифатида му-
стақил ишлай олишмайди, бутун
кучини оилага сарфлашган, оилада улар ижодни давом этти-
риши учун шароит яратиб берилмаган. Ижод билан баъзи-
баъзида шуғулланиш эса натижа бермайди.

Эстрадамизга назар ташланса, кўплаб аёллар борлигини кўриб хурсанд бўлади, киши. Бу солистлар эндигина чиқиб келишмоқда. Қай бири эстрада қолиб, «юлдуз» бўлиши ҳозирча номаълум.

М.Т.: Бугун муסיқачиларда нима диққатга сазовор?

Д.О.: Мустақиллик муסיқачилар учун янги уфқлар очди. Биринчидан, давлатимиз ва Президент Каримовнинг ўзи ҳам муסיқа санъатини ривожлантиришга катта эътибор беришмоқда. Кўплаб муסיқий кўриклар, танловлар, фестиваллар ўтказилмоқда. Энг машҳур фестиваллардан бири - икки йилда бир марта ўтказиладиган «Шарқ тароналари»дир. Агар 1997 йилда фестивалда 40 мамлакатдан муסיқачилар иштирок этишган бўлса, 1999 йилда 52 мамлакатдан муסיқачилар қатнашишди. Яна бири Композиторлар уюшмаси томонидан ташкил қилинадиган симфоник муסיқа фестивали бўлиб, турли мамлакатлар унда иштирок этиш истагини билдиришган. Бу фестивалда композиторлар ва оркестрларгина эмас, балки муסיқашунослар, олимлар ҳам қатнашишади. Биласизми, кўплаб муסיқачиларимиз халқаро танловларда қатнашиб, мамлакатимизни муносиб тақдим қилиб, фахрли ўринларни эгаллаётганликларидан ҳамда мукофотларга сазовор бўлаётганликларидан беҳад бахтиёрман, бу билан гоёта фахрланаман. Муסיқий жамоаларимиз ва юқори профессионал савияга эга бўлган муסיқачиларимизни жаҳон эътироф этмоқда. Бу нимадан далолат беради? Муסיқа санъатимиз «жаҳон андозалари» даражасидалигидан далолат беради. Бизники сингари ижрочилар ва муסיқачилар кўп мамлакатларда йўқ. Совет даврида жуда озчилик шуҳрат топарди, чунки халқаро танловларга муסיқачиларни республикалардан танлашда тўсиқлар мавжуд эди. Дарҳақиқат, жаҳон миқёсида машҳур бўлган муסיқачилар бор эди. Масалан, 1920-йилларда Тамарахоним, Муҳиддин Қориёқубов, Уста Олимлар шуҳрат топишганди. Бироқ 1950–1970-йилларда халқаро эътироф этилган бирон зот чиқмади.

Халқаро муסיқа фестиваллари Ўзбекистонда эндигина ўтказила бошлади. Мен яратган муסיқалар Францияда, АҚШда, Туркияда, Африка мамлакатларида янгради, улар таниқли хонанда Кумуш Раззоқова учун ёзилганди, альбом ҳам тайёрланди ва у жуда муваффақият билан тарқалди. Менинг симфоник муסיқаларим Россияда, Қозоғистонда,

Туркменистонда ижро этилди. Бундан ташқари, В. Успенский номидаги махсус мусиқа мактаби – чинакам истеъдодлар манбаи. Мен у ерда композиция кафедраси мудири бўлиб ишлайман, бизнинг битирувчилар Тошкент, Москва ва МДХдаги бошқа шаҳарлар консерваторияларда, шунингдек АҚШ, Англияда ҳам таҳсил олаётганликларидан хабарим бор. Бу қадар кўп мамлакатларда ўқиётганликларидан фойда хурсандман.

Ўзим учун 1990-йилларнинг боши сермахсул бўлди. Мустақиллик ижодга янги туртки берди, бу даврда яратган асарларим ўзимга жуда ёқади. «Шарқ тароналари» фестивали учун ёзган мадҳиямни тингласам, шунақа мусиқани ёза олганимдан ўзим ажабланаман. Бу мусиқа тез-тез янгради ва ҳар гал қалбим ғурурга тўларди. Нима учун бу ҳақда гапираяпти, дерсиз? Янги ғоялар ижодкорга илҳом бахш этади, улар ўзларида янги имкониятларни очадилар, кучига-куч, ғайратига-ғайрат кўшилади. Хизмат қилишинг мумкин бўлган ғоя бўлса, тўлақонли ижодкорона ҳаёт равнақ топади.

М.Т.: Сиз куй басталабгина қолмай, қўшиқ ҳам айтишингизни биламан. Ўзингизнинг «Шарқ тароналари» мадҳиянгиз ижрочиларидан бири бўлгансиз. Нима учун ижрочи сифатида муттасил чиқмайсиз?

Д. О.: Ҳаётий кузатишларим ҳақиқий истеъдод серқирра бўлишини кўрсатмоқда. Масалан, севимли қўшиқчимиз Ботир Зокиров ажойиб ижروحигина эмас, актёр ҳам, рассом ҳам, драматург, шоир ва файласуф ҳам эди. Одам ўз йўлини топиб олиши учун янги жабҳаларда ўзини синаб кўришининг ёмон томони йўқ. Аксинча, бу – шахснинг яна бир қирраси. Мен болаликдан куйлаганман, жуда ёшлигимдаёқ, 1976 йилда «Ялла» ансамблига солистликка таклиф қилишганди. Овозим қўшиққа жуда яхши тушарди. Бироқ отам мен композитор бўлишим керак, деб ҳисоблаб, бу таклифни рад этишни маслаҳат берди. Композитор ижодга буткул берилмоғи лозим. Қўшиқчилар кўп, композиторлар эса бир нечтагина, ютуқ кетидан қувмай, кўпроқ ижод қилиш учун меҳнат қилиш керак, дедилар улар. Вақт ўтди, мен турли жанрларда: чолғу, симфоник мусиқа, кичик ва катта шаклларда иш олиб бордим, бироқ эстрада учун барча мусиқаларим 1990-йиллардан кейин ёзилди. Эстрада қўшиқчилари ҳамда болалар учун, ватанпарварлик ва жанрли қўшиқлардан 70дан зиёди-

ни ёздим. Улардан бир қанчасини ўзим ижро этдим. Кўшиқ айтишни севаман, лекин бу – кўшиқчи бўламан, деганим эмас. Ўзим учун жуда қадрли бўлган кўшиқларни ҳамда тингловчиларга ният қилганим тарзда етказа оладиган ижрочисини топа олмаганим кўшиқларни куйлайман. Масалан, яқинда Нодира ғазалига эстрада жанрида уч кўшиқ яратдим. Булар кўшиқдан ҳам кўра кўпроқ романс, композициясига кўра янги нарсалардир. Уларнинг мазмунини тингловчиларига интеллектуал тарзда етказа оладиган ижрочини ҳалигача топа олганим йўқ. Уларнинг ижروحисидан чиройли овозгина эмас, буюк сўзларни етказа олиш, уларни бутун қалб билан ҳис эта олиш қобилияти ҳам талаб этилади. Шу сабабли уларни ўзим куйламоқчиман.

М. Т.: Ўзбекистон мусиқачиларининг ижрочилик санъати хусусиятлари нимада, деб ўйлайсиз?

Д. О.: Биздаги мусиқа таълими, консерватория – чинакам маълумот берадиган, профессионалларни тайёрлаб чиқарадиган катта мактаб. Ўзбекистонда доимо юқори мусикий маданият бўлган, деб ҳисоблайман. Томошабинларимиз жуда талабчан. Мусиқа ёмон бўлса, ижрочи профессионал бўлмаса, уни тинглашмайди. Юқори даражадаги ижрогина тингловчилар қалбида акс-садо топади. Ҳатто чекка жойларда ҳам шундай. Яқинда Самарқанд вилоятида, Ургутда тўйда бўлдим. У ерда ўртача маҳоратга эга ижрочи тингловчиларни ром этолмади. Тўйни ўтказиш ҳам маҳорат талаб қилади, ахир. Овози кучли ва репертуари бой санъаткоргина бутун бир кечага чидаши мумкин. Тингловчиларнинг талаби шундай бўлгач, ижрочилар ўз устида мунтазам ишлаши лозим. Бироқ ҳозир, афсуски, бошқача майл ҳам бор. Эстрада ижрочилари учун катта имкониятлар очилган, бироқ чинакам танлов йўқ. Шу боис бир айтилиб, йўқ бўлиб кетадиган кўшиқлар чиқиб қолмоқда, машхур кўшиқларга тақлид қилинмоқда, куйлар ўзлаштириб олинмоқда, баъзан плагиатга ҳам йўл қўйилмоқда. Авваллари радиода қаттиққўл бадий кенгашлар иш олиб борарди, улар пала-партиш кўшиқлар эфирга кетишига йўл қўйишмасди. Ҳозир эса, ажойиб мусиқа ва, масалан, Юлдуз Усмонова сингари ижрочилар қаторида профессионал жиҳатдан сакта ва мазмунан саёз кўшиқлар ҳам эфирга бериб юборилмоқда. Мен янги гуруҳларнинг ҳаммасини ҳам қораламоқчи эмасман, улар ора-

сида қизиқиш уйғотадиган яхши ижрочилар бор. Уларнинг кўпчилиги, гарчи непрофессионал савияда иш бошлаган бўлишса-да, кейинчалик ўз устларида ишлаб, чинакам кўшиқчиларга айланишди, эҳтимол, «Ялла» гуруҳи мусиқачилари, Кумуш Раззоқова, Насиба Абдуллаева ва бошқа севимли ижрочиларимиз сингари юлдузга айланишар.

М. Т.: Ўзбекистонда мусиқа санъатининг қарор топишида профессионал мусиқачилар қандай роль ўйнашди?

Д. О.: Виктор Успенский ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. У 1920–1930-йилларда замонавий мусиқа мактабини яратишга улкан ҳисса қўшган. Миллий анъанавий мусиқа оғзаки эди. Профессионализм ва репертуар устоздан шогирдга оғзаки ўтарди, халқ мусиқаси ёзиб олинмаганди. Улкан ташаббускор ва шарқ мусиқасининг муҳиби Виктор Успенский илмий жасорат кўрсатди: у 20–30 йил давомида юзлаб халқ кўшиқларини, классик миллий мусиқа – *мақомларни*, катта мусиқий шакллар – *катта ашулаларни* нотага ёзиб олди. У қишлоқма-қишлоқ кезиб, ҳофизларни излаб топарди, уларнинг кўшиқларини магнит тасмаларга ёзиб оларди. Зотан, ўзбек классик куйини Успенский қилгани сингари бу даражада аниқ бериш ғоят қийин эди, чунки бу ерда кўшиқчилик санъати ўз услубига, ўз хусусиятларига эга эди. Бу ишни у бошқа бир беназир созанда – Юнус Ражабий билан ҳамкорликда бажарган эди. Ўзбекистоннинг замонавий мусиқа мактаби бошида ана шу икки зот турган. Успенский мусиқашуноснига эмас, композитор ҳам бўлганди, шогирдлари кўп бўлиб, унинг ишини давом эттиришди ва айни шу шогирдлар анъанавий халқ мусиқасини профессионал-замонавий мусиқа мактаби билан қовуштиришди ва Ўзбекистонда мусиқанинг замонавий мусиқа асбобларида ижро этиладиган симфоник, опера, камер, чолғу куйлари сингари замонавий жанрлари юзага келди.

М. Т.: Замонавий мусиқа, масалан, миллий опера ҳақида фикрингиз қанақа? 1990-йиллар бошида унга қаршилар кўпайиб кетганди.

Д. О.: Бу қийин ва катта мавзу. Опера санъати мусиқий ижодиёт чўққиси. Бу оғир жанр композитордан ҳам, ижрочидан ҳам катта маҳорат талаб қилади. У тингловчи учун ҳам оғирлик қилади, ундан муайян мусиқий маданиятни талаб этади. Опера – синтетик жанр, саҳналаштириш учун катта

харажатлар талаб қилади. Ўзим ҳам опера ёзишни орзу қиламан, менга жанрни яхши биладиган яхши либретточни драматург керак, ҳали унақасини топмадим. Мен операни эстрада жанри элементлари бўлган мусиқали драма сифатида ёзмоқчиман, токи мусиқа замонавий ва тингловчига тушунарли бўлсин. Драматургияда қовушиши лозим бўлган бир нечта қўшиқ куйини яратганман. Лекин ҳозирча либретточни йўқ. Операга, яъни миллий операга келсак, бунда юксак жанрларга талаб юзага келгунича, операга ўзбеклар борадиган бўлгунича, жамиятда умуминсоний қадриятлар роли ошгунича вақт талаб қилинади, опера эса шундай қадриятлардан бири. Бугунги кунда жамиятда миллий қадриятларга эътибор қаратилган, уларни англаши ва тўлдириши биланоқ, жамият яна умуминсоний қадриятлар томон юз буради, чунки ривожланиш учун умуминсоний тажриба зарур эканлиги маълум бўлиб қолади. Симфоник, хор, опера мусиқаси сингари юксак мусиқий жанрларга эҳтиёж – ривожланган жамиятларга хос хусусият, маданиятга эҳтиёж жамиятга ривожланишда ёрдам беради.

М. Т.: 1990-йиллар бошида газеталарда ўзбекларга опера керакми, деган масала қўйилганди?

Д. О.: Чиндан ҳам, 90-йилларда ўзини ҳар ёнга уришлар бўлганди. Миллийлик учун, масалан, она тили мақомини юксалтириш, ўз қиёфасини касб этиш учун катта кураш олиб борилганди. Бу йўналишда кўп хато фикрларга ҳам йўл қўйилганди, ўзиники учун кураш айримлар учун ташқаридан кириб келган ҳамма нарсага қарши курашни билдирганди. Опера кераклиги шубҳасиз. Миллий операсига эга бўлишни истаган мамлакатлар бор, бироқ уни яратишга қодир композиторлар бўлмагани учун уларда опера йўқ. 1960-йилларда ўзбек композитори Мухтор Ашрафийни опера ёзиш учун Қоҳирага таклиф қилишганди. Шу боис, ўзбек халқига опера керак эмас, деган мулоҳазалар бемаъни.

М. Т.: Қўшни мамлакатларнинг кўпида опера театрлари йўқлигидан ташқари, ҳатто драма театрлари ҳам ҳаваскор театрлар сифатида фаолият кўрсатади, Ўзбекистонда эса бу соҳада катта ютуқларга эришилганди. Шу ютуқларни қандай қилиб сақлаб қолиш мумкин, деб ўйлайсиз?

Д. О.: Афсуски, бизнинг авлоднинг бир қисми опера ва бошқа юксак жанрлар нималигини билмай дунёдан ўтиб ке-

тади. Бироқ болаларни эстетик ва мусиқий тарбиялаш боқий қадриятларни, улар опера бўладими ёки классик мақомлар бўладими, тушуниш кўмаклашади. Ўшанда академик мусиқа заллари одамлар билан тўлади, юксак жанрларга мурожаат этувчи композиторлар пайдо бўлади.

М. Т.: Бугунги кунда таниқли мусиқачиларни, халқаро танловлар совриндорларини, машҳур ижрочиларни тарбиялаганлар – аёллар. Улар мусиқа мактабларида, билим юртлиларида дарс беришади, оғир, бироқ кўпинча қадрланмайдиган меҳнат билан шуғулланишади, лекин мамлакатимизда турли-туман ва профессионал мусиқа маданияти мавжудлигининг асоси – айнан шулар. Аммо бугунги кунда мусиқа мактабларида таҳсил олаётган қизларнинг сони камайиб бормоқда. Кўпчилик қизларга мусиқани ўргатишнинг, вақтни беҳуда сарфлашнинг нима кераги бор, улар эрга текканидан кейин барибир чолғу асбобини қўлга олмай қўяди, дейди. Бунга нима дейсиз?

Д. О.: Булар – бадҳазм ва жоҳилона гаплар. Аёлнинг ҳаёти фақат оила, бола-чақа, эрдан иборат эмас-ку. Ҳаётнинг маъноси оилани сақлаб қолишдагина эмас, балки одам бўлишда ҳамда ўз маънавиятини олий туйғулар, ҳамдardлик ва назокат билан камол топтиришда ҳамдир. Бу гаплар аёлга ҳам, эркакка ҳам бирдек тааллуқли. Одам еб-ичиш учунгина яшамайди, унинг бошқа вазифаси ҳам бор. Гўзаллик ҳақида фикр юритмай ва уни ўрганмай киши ўз вазифасини қандай англаши мумкин? Мусиқий мактабда таълим олган бола ёмонликка қўл урмайди, ўғрилиқ қилмайди, қотиллик қилмайди, унинг қалбида бу ишларни қилишга йўл қўймайдиган туйғу бор. У севишни ўрганади, бу ҳаммага ҳам хос эмас. Мусиқа ҳам билим, билим эса шахсни бойитади, уни камол топтиради.

М. Т.: Таниқли хонанда Юлдуз Усмонова ўз суҳбатларидан бирида феминист эмаслигини айтган. Сизчи?

Д. О.: Мен табиатан курашчи эмасман, шу сабабли мен ҳам ўзимни феминистлар қаторига қўя олмайман. Лекин аёлларга ҳамдardман, ўзим ҳам аёл бўлганим учун аёллар эришган ютуқлардан қувонаман. Миллат тарбияси, тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам, аёллар қўлида. Аёллар ўз нозик елкаларида мусиқа мактаблари, билим юртлиари ва мусиқани кўтарибгина қолмай, балки фарзандларимизни тарбиялаша-

ди ва ўқитишади ҳам. Давлатимиз хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаётганидан шодман. Мана бир мисол: шу йилдан бошлаб Зулфия номидаги мукофот таъсис этилди, ҳар йили ўзини ижодиётда намоён қилган 14 аёл бу мукофотга сазовор бўлади. Бошқа давлат мукофотлари билан уч-тўрт кишигина тақдирланади, шунда ҳам ҳар йили эмас.

Зулфия мукофоти масаласида донишмандлик билан қарор қилинган, бу – аёлларнинг ўзини кўрсатишига, ўз шахсиятини қарор топтиришга, ижодкорликни намоён этишга интилишини қўллаб-қувватлаш усули, бу мукофот аёлларни ижтимоий жараёнларда қатнашишга интилишини рағбатлантиради. Аёллар учун ибрат бўладиган намуна бўлиши даркор. Бу мукофот аёл оламини чеклаб, унинг қисматини уй-рўзғор юмушлари ва оила ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборат этиб қўйишни истовчиларга қарши қаратилган».

Элни кездим қўлга олиб созимни, Шу билан ўтказдим ки-шу ёзимни Халқим маъқуллади ҳур овозимни ...

Ўтиш даври қийинчиликлари аёлларни янги иқтисодий ўринларни илашга мажбур этади. Ўтмиш юқини ташимаган ёшларнинг янги шароитга мослашиши осон, албатта. Лекин илгари ҳам олдинда бўлган ўтмиш кишилари ҳаётни янгидан бошлай олдилар, бунда улар ўтмишда орттирган тажриба қўл келди. Жамила С. ҳикоя қилади:

«46 ёшимда янги ҳаётни бошладим. Ҳозир қўшма корхонада ишламоқдаман, ўрта даражадаги раҳбар лавозимидаман. Маошим яхши, турмуш даражамни жуда яхшилаб олдим: уй, машина сотиб олдим, яхши дам олиш имкониятим бор. Муҳими – қизиқарли ва истиқболли ишим бор, унга бутун кучимни сарфлайман, савиямни муттасил ошириб бораман. Ажойиб инсонлар билан учрашаман, улардан ўрганадиган жиҳатлар кўп. Энг яхши йилларим паст суръатда кечганига ишонгим келмайди, 10 йиллик янги ҳаётим – чинакам ҳаёт. Катта фарзандларим мендан кўп нарсани ўрганишди, менинг кўмагимда, мендан ибрат олиб бозор иқтисодиётида ўз ўрнини топишди. Шу тариқа улар бир вақтлар мен кечирган тушкунликни четлаб ўтишди, ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Ўғлим банк соҳасида ишлайди, қизим халқаро ташкилотда ишлаганди, ҳозир магистрлик даражасини олиш учун чет элда ўқимоқда.

Мен иш бошлаганимда қанчалик қийин бўлганини ким ҳам билсин. Ихтисосим бўйича муҳандисман, Москвада ўқиганман, қайтиб келгач, турмушга чиқдим, маълум муддат олий ўқув юртида ишладим, сўнг ишлаб чиқаришга кетиб, уста бўлиб иш бошладим. Шу йилларда катта тажриба орттирдим. Муаллифлик гувоҳномалари ва ихтироларим бор. Амалим ёмон эмасди, советча ўлчовга кўра маошим яхши эди, ҳатто 40 ёшимда номзодлик диссертациясини ёқладим. Бироқ 80-йилларининг охири саноат учун таназзул даври бўлди ва мен олий ўқув юртига ишга ўтишга қарор қилдим, зеро педагогик тажрибам ҳам бор эди, бир неча йил давомида диплом ишларига раҳбарлик қилгандим. Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловга ҳужжат топширдим. Рақибим бир умр олий ўқув юртида ишлаган эркак киши эди. Мен ҳар жиҳатдан устунликка эга эдим: ишлаб чиқариш стажим бор, асарларим эълон қилинган, муаллифлик гувоҳномаларим, ихтиромларим бор эди. Бироқ...илмий кенгашда мени йиқитишди. Зотан, сўзга чиққанлар мудир эркак киши бўлгани дуруст, у анча масъулиятли бўлади ва ишчан муҳит ярата олади, дейишди. Бу гапни аёллар айтишди! Тўғри, янги одам келса, мудроқ ҳаётига раҳна тушади, уларга қўйиладиган талаблар кучаяди, кафедрадагилар буни тушунишарди.

Шу тариқа мени йиқитишди. Кайфиятим бузилди, оиламда нохушликлар бошланди, эрим касал бўлиб қолди. Ишдан бўшашга мажбур бўлдим. Тез орада эрим оламдан ўтди, мен эса иш қидира бошладим. Бу пайтда собиқ СССРдаги иқтисодий алоқалар бузила бошлади, ишлаб чиқариш ҳажми камая борди, ҳамма жойда қисқартириш бошланди, ўзим истаган ишни ҳатто 15 йил меҳнат қилган ишхонамдан ҳам топа олмадим. Қандайдир янги иш бошлаш керак эди. Инглиз тилини билардим, бироқ профессионалчалик эмас эди, чунки охириги йилларда бу тилга жуда кам мурожаат қилардим. Янги бизнес-тузилмалардан иш излаб бошладим. Жуда қийин бўлди, чунки ёши 40дан ошган аёлга ҳамма жойда ҳам хайрихоҳлик кўрсатаверилмасди. Барибир, ўз ўрнимни топдим. Ихтисос бўйича ҳам, биз тушунчага эга бўлмаган бошқа соҳаларда ҳам кўп нарса ўрганишимга тўғри келди. Шу йиллар ичида аҳволимни муқим қилиб олгунимча, уй-рўзғор ишларини мен эмас, болаларим бажаришди. Янги уй, машина, уй ишларини бажарадиган хизматкор кейин пайдо бўлди.

Сўнги ўтган йилларимни қувонч билан эслайман, қониқиш ҳосил қиламан, бироқ нимадир қалбимни эзади. Чиндан ҳам, бугун кўлга киритганларимга эришиш учун кўп ишлашимга, кўп нарсаларни бошдан кечиришимга тўғри келди. Мамлакатимизда ўзгаришлар мен истаганчалик тез содир бўлмаётганига ачинаман, яна шунинг учун ачинаманки, кўпчилик, аynиқса, давлат тузилмаларида ишлаётганлар ҳали ҳам ўтмиш билан яшашмоқда, янги воқеликни ва янги имкониятларни кўра олишмаяпти. Мавжуд муаммоларни кўрмаслик ва улар ҳақида гапирмаслик бизда сурункали касалликка айланган. Бу – юқоридагиларнинг ҳаммаси ҳам уларни англаб олмаган, англаб олганларга эса оғиз очиришмайди, дегани. Газеталарни ўқир эканман, мамлакатимизнинг келажагини ўйлаб даҳшатга тушаман. Бизнинг мамлакатда ҳеч нарсани башорат қилиб бўлмайди, чунки содир бўлаётган воқеалар таҳлил қилинмайди. Ҳамма нарса зўр, ҳамма нарса жойида, деб такрорлайдиган профессионал ёлғончилар бор. Айни шулар ислом экстремизми кучайиб келаётганини назардан қочиришганди. Биздаги давлат арбоблари бўлган кўпчилик эркаклар ҳамма учун меъёр бўлган қонун ҳақида гапириш ўрнига, *шариат* ҳақида «бизнинг» қонун деб гапиришади. Муаммолар ибтидоси шунда эмасми, ахир? Икки ёқлама солиқ тўлаб турилганда, ҳар қандай текширувчига пора тикиштириб турилганда цивилизациялашган табдиркорлик нималигини ким ҳам биларди? Фуқаролик жамияти нималигини ким биларди? Миллий мафкура, ватанпарварлик тўғрисида лоф уришади. Одамлар яхши яшаса, мамлакатини севади, қонунга риоя қилинса ва ҳамма: ҳоким ҳам, фермер ҳам, милиционер ҳам қонунга бўйсунсагина яхши яшаш мумкин. Инсон ўзининг шикояти адолат юзасидан кўриб чиқилишига ишонса, яхши яшаш мумкин. Шундагина у, ҳеч қанақа миллий мафкурасиз ҳам, мамлакатини суяди. Жаҳолатпарастлар кўпайиб кетганини айтмайсизми? Яқинда Самарқандга бордим, *Шоҳизиндани зиёрат қилдим*. Ҳар бир қабр бошида дуочи *ўтирибди*. Қайси асрда яшаяпмиз, ўзи? Ўша ерда, назаримда, XIX асрга ўхшаб кетди. Бир аср ортга кетиб қолибмиз.

Намунча, баъзилар жон-жон деб, бошқалар ўлганнинг кунидан ўтмишга бу қадар тез қайтишмаса? Мен бир маҳаллар «совет даврида Европа билан Осиёнинг никоҳи ўқилди», деб ҳазиллашгандим. Агар шундай бўлса, она-Осиё бу никоҳдан

туғилган болаларини йўқламаяпти ва уларга меҳр кўргазмаяпти, зўрма-зўраки бу никоҳ бузилгач, ҳамма ажрашиш ҳолларидаги каби, болалар бугун унинг азобини тортишмоқда: улар на Европага, на Осиёга керак. Айти маҳалда, ўз ота-онасидан энг яхши нарсани ўрганган айти шу болалар билган яхши ишларини давом эттиришмоқда, ва бу ишни, мен ҳамда кўллаб бошқалар сингари, яхши бажаришмоқда. Она-Осиё уларга меҳр қўйганидами, ҳозир ҳаёт анча-мунча яхши бўларди. Унинг қизлари олға қадам ташлашга қодир янги авлодни тарбиялаб етиштирган бўлишарди. Москвада мен билан бирга ўқиган дугоналарим бу ерга қайтиб келгач, хафсалалари пир бўлди, бир қисми қариқиз бўлиб қолиб кетди, бир қисми эса, анъанавий никоҳдан азоб чекиб, ажрашиб кетишди, жуда озгинаси оилада ва ишда ўз ўрнини топа олди. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги қашшоқ, ёлғиз, ёшлигида улар жонини жабборга бериб ишлашган, энди эса уларнинг ҳеч кимга кераги йўқ – ака-укаларининг оиласида сиғинди бўлиб яшашмоқда. Фарзандлари борлар эса уларни ўзигагина эмас, мамлакатига ҳам таянч бўладиган қилиб вояга етказа олишди».

Аёлларнинг янги авлоди ҳаётга кириб қолмоқда. Улар янги имкониятларга эгадирлар, ҳаётлари, бизники каби, тақдир қилиб қўйилмаган. Келажаклари ўзларига, ғайрат-шижоатига, қатъиятига ва меҳнатсеварлигига боғлиқлигини улар яхши билишади.

Санобар Каримова хикоя қилади:

«Ёшим 27да, оилада тўртинчи, энг кенжа фарзандман. 19 ёшимда, Тошкентдаги нуфузли университетлардан бирининг талабаси эканлигимда курсдошим Азизни севиб қолдим. У мендан икки яшар чамаси катта эди. Биз тез-тез гаплашиб турардик, икки марта уйгача кузатиб қўйганди. Шунинг учун бўлса керак, мени севади, деб ўйлабман. Бу пайда уйимиздан совчиларнинг кети узилмасди, ота-онам биттасига рози бўлишимни талаб қилишарди. Улар орасида узоқ қариндошларимиз ҳам бўлиб, бизнинг университетда ўқирди, у менинг гуруҳимдаги кўп талабаларни танирди, бир куни Азизга мени кўрсата туриб: «Ана у қизга уйланмоқдаман. Дурустми?» – деб сўради.

Бир куни танаффус пайтида бир аёл ёнимга келди. Азизнинг онаси экан. «Наргиза, қизим, – деди у, – мен Сизга бир

гапни очиқ айтишга қарор қилдим, мени тўғри тушунинг. Азиз Сизни севишини биламан, Сизнинг ҳам унга кўнглингиз борлигини кўриб турибман. Шу нарса мени ташвишга солмоқда. Ўғлимиз борасида бизнинг ниятимиз бошқача. Эримнинг дўсти бор, катта одам, у билан куда-анда бўлишни кўпдан орзу қиламиз. Яхшигина қизи бор, унашиб қўйганмиз. Азиз – яккаю ёлғиз ўғлимиз, ундан умидимиз катта, бизни тушунасиз, деб ўйлайман. Сиз ҳам яхши қиз бўлсангиз керак, лекин унинг тенги эмассиз. Илтимос, Азиз кўнглироқ қилса, гаплашманг, менинг келганимни ҳам унга айтиб ўтирманг». Бошимдан бир челақ муздай сув ағдаришгандай бўлди. Жамиятимиз бойларга ва камбағалларга бўлинишини тушундим. Азизнинг ота-онаси бадавлат одамлар эканлигини билардим. Бизнинг оила эса оддий эди. Мен доим опаларимдан қолган кийимни илиб кетаверардим: юбка катта опамдан қолган бўлса, сумка ва кофта – ўртанчасидан қолган бўларди. Илгари бу ҳақда ўйламас эканман, қайтага, улар менга теккани учун хурсанд бўлардим. Энди эса ичимни бир нарса тилиб ўтгандай бўлди. Ўқишдан қайтгач, уйимизни, энди кўраётгандек, кўздан кечирдим. Шинам ва файзли уйимиз қўшниларникига тенг келмасди, албатта: пастаккина, хоналари тор, эски эди. Тўғри, биз бой эмас, аксинча, камбағал эдик. Ўйлаб-ўйлаб: эрга тегаман, деган қарорга келдим.

Шу сабабли, совчилар келгач, ота-онам эрга тегишга розиманми-йўқми, яна сўрашганда, розилик бердим. Шунда университетга Азизнинг онаси яна келди-да: «Ўғлимнинг бошини айлантириб қўйибсан! Уни тинч қўйсанг, ҳақини тўлаймиз», – деди. «Мени тинч қўйинг, турмушга чиқмоқдаман», – дедим мен. Азиз уйланди, менинг тўйим бўлмади: фотиҳани буздим, чунки ёнимда бошқа биров бўлишини тасаввур қилолмасдим. «Ўзим бахтсиз бўлсам, яна бир одамни бахтсиз қилиб нима қиламан», – деб ўйлаб фотиҳани буздим. Ўзимча, бой бўламан, бунинг учун бор кучимни ишга соламан, деган қарорга келдим.

Талабалигимдаёқ, эндигина очилган банкда ишлай бошладим. Ўзимни иш ва ўқишга бутунлай бағишладим. Диплом ҳимоя қилишим билан лавозимда кўтарилдим. Кечқурунлари компьютер ва инглиз тили курсларида ўқидим. Сўнг банк томонидан англиялик бир мутахассис билан ҳамкорликда

яратилаётган бир қўшма лойиҳа устида ишладим. Гап янги корхона очиш ҳақида кетаётганди. Шу корхона очилгач, унда ишлай бошладим. Корхона тўла қувват билан ишлаётганида менинг ҳам ҳиссам бор.

Моддий аҳволим жиддий равишда яхшиланди, оиламиз ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: ака-укаларимни ва опаларимнинг эрини корхонамиз маҳсулоти дистрибьютерлари қилиб ишга жойладим, улар ҳам тадбиркорга айланишди. Ишда мансаб пиялапояларидан кўтарилиб бордим. Кўп жойларга борардим, Англияда ойлаб бўлишга тўғри келарди. Жаҳонни кўрдим, бой аёл бўлиш қанақалигини тушундим, пул ҳамма ишни тез бажаришда кўмаклашар, ҳаётни енгиллаштирар экан-у, одамларни бахтлироқ қилолмас экан, чунки қулай ҳаёт меъёрга айланиб қолар ва киши кўнгли яна ниманидир тусаб қолар экан.

Шахсий ҳаётимда ўзгариш бўлмади. Менга «фотиҳани бузган», деган тавқилаънат осилганди, бу бизда ажрашишдан ҳам ёмонроқ ҳисобланади. Қиз бола турмушга чиқишдан воз кечса, демак, қанақадир айби бор, деб ўйлашади одамлар. Уйланган, уйланмаган хушторларимим бўлганди, лекин уларнинг менга бўлган иштиёқи қувонтирмасди, чунки муҳаббатга ишончим қолмаганди. Одамлар бой-бадавлатларни яхши кўришади, кўпинча эса, одамга эмас, унинг мансаби ва давлатига кўнгил қўйишади. Мен одамларга ишонмайдиган бўлиб қолдим, кўплар ўзларидан ожизларга қандай муносабатда бўлишаётганини, уларни камситишаётганини, кучлилар олдида жилпанглаб, ўзларини номуносиб тутишаётганини кўрганим учун уларга қандайдир нафрат билан қарай бошладим. Хиёнат жабрини тортганлар шунақа бўлиб қолишса керак.

Бошқа томондан эса, мен аъъанавий маҳаллада ўсганман, ўзбек мактабида ўқиганман, барча дугоналарим, ота-онам мени бахтсиз ҳисоблашади, уларнинг ачиниб боқишлари таъсирида ўзим ҳам ўзимни бахтсиз ҳисоблай бошлайман. Берадиган биринчи саволлари: «Эрга тегдингми?» Сўнг ўз болалари ҳақида гапира бошлаб, менга раҳм билан боқишади. Ўзим ҳақимдаги фикрим дарҳол ўзгаради. Бир пақирга арзимайман, ҳеч ким мени хотин қилиб олмаяпти, деб ўйлай бошлайман. Алоҳида яшашим тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ота-онам жуда яхши одамлар, менга

меҳр билан қарашади, ғамхўрлик қилишади, лекин кеч келганимда ҳар гал уларнинг савол назари билан қарашларидан: «ким билан бирга эдинг?» деган маънони уқаман. Ҳаётим барча дугоналаримники сингари бўлганида (мактаб, институт, турмуш қуриш, бола-чақа), мен ҳам эрга тегишни бахт деб ҳисоблаган бўлардим балки, ҳозир эса қанчадан-қанча бузилган оилаларни кўриб, ундай деб ўйламаяпман. Ўзимни бахтли ҳисобламасам-да, турмушга чиққанлар доим ҳам (балки кўпинча) бахтиёр бўлолмасликларини биламан.

Бугунги кунда мен кабилар оз эмас. Маълумотли, профессионал жиҳатдан тайёргарлик кўрган, ютуқларни қўлга киритаётган қизларга харидор йўқ. Улар бизнинг жамиятимизга керак эмас. Эркаклар ё улардан кўрқишади, ёки амалда кўтарилишида фойдаси тегиши мумкин бўлган бой аёллар уларни кўпроқ қизиқтиради. Шунақа яхши маълумот олган ва ютуқларга эришган эркаклар ширин ҳаёт кечиришни хуш кўришади ва турмуш ўртоқларига болаларини тарбиялайдиган аёл сифатида қараб, вафосизлик қилишади. Агар хотини ўзбек бўлмаса, унга ҳурмат кўрсатишади. Ўзбек аёли тўла одам эмас, деган умумий фикр мавжуд. Тадбиркорлар жуда ёш қизларга, 18–19 ёшлиларга уйланишни маъқул кўришади, 21 ёшдан ўтганлари эса қариқиз ҳисобланади.

Сиз айтган «яңги аёллар» бор, агар мустақил аёлни хуш кўрмайдиган жамиятимизнинг бузуқлиги бўлмаса, уларнинг сони янада кўпроқ бўларди. Ваҳоланки, бу жамият шундай аёллардан мадад ва моддий ёрдам ва ҳ.к. олишдан воз кечмайди. Уларни бармоқ билан кўрсатиб, қизларига, агар амал кетидан қувсанг, узоқ вақт ўқисанг, шуларга ўхшаб қоласан, дейишади. Қиз бола эркакдан паст бўлиши лозим! Акс ҳолда оиласиз ва бола-чақасиз қоласан, дейишади. Буларнинг бари мен кабилар руҳиятига таъсир қилади. Улар, кўпчилиги бўлмаса ҳам, ўзини бахтсиз ҳисоблашмайди, айна маҳалда уларни бахтиёр деб ҳам бўлмайди. Шундай руҳий тазйиқ остида қолгач, улар тортинчоқ бўлиб қолади, азоб чекади ва бошқаларни ҳам азоблашади, вақти келиб ғазабга минади-да, жамият кутганидек, иқтисодий мустақил аёл «ярамас» бўлиб чиқади.

Афсуски, жамиятимизда очиклик ва шахс эркинлиги томон силжишни кўрмаяпман. Газеталар 10 йил аввал ёзилганларни такрорлашмоқда, улар халққа маърифат бер-

маяпти, аксинча, ҳаётимизга тўсқинлик қилаётган нарсаларнинг сақланиб қолишига кўмаклашмоқда. Улар ўз нуқтаи назарини аёлга тиқиштириб, янада ёмонроқ бўлиб бормоқда. Афсуски, шу газеталарни яхши яшаб тургани ҳолда, сўққабош бўлганим учун менга гина-кудурат билан қарайдиган менинг ота-онам ҳам ўқишади. Жамият ўзгариш зарурлигини англамас экан, яшаш машаққат, кун кечириш қийин бўлаверади. Бундай жамият, кишанлаб қўйгандек, парвоз қилишга ҳалақит беради».

Ўзбекистон ҳукумати янги иқтисодиёт учун маълумотли кишиларни тайёрлашдан манфаатдор бўлиб, ёшларни ривожланган мамлакатларда ўқиш учун юбормоқда. Улар турли соҳаларда билим олиб келгач, уни ўз мамлакатада жорий этишга қодир бўлган ёшлардир. Ҳукумат томонидан тузилган «Умид» жамғармасига ривожланган мамлакатларда ўқитиш учун номзодларни танлаш вазифаси берилган. Ўзбекистон ёшларини ўқиш учун Европа ва Америкага жўнатаётган бошқа халқаро жамғармалар ҳам бор. Сўнги ўн йил ичида Ўзбекистоннинг юзлаб фуқаролари хорижий университетларнинг дипломини олиб қайтишди.

Замонавий цивилизация марказлари билан «алоқа зобити» ролини айна шулар ўйнамоғи лозим. Улар орасида, гарчи кам бўлса-да, аёллар ҳам бор ва айнан шуларни тўла асос билан «янги аёллар» деб аташ мумкин. Улар Ўзбекистон жамиятидан қандай ўрин олганини кўриб чиқайлик. Уларнинг деярли барчаси иқтисодиётнинг замонавий секторида: қўшма корхоналарда, банкларда, халқаро ташкилотларда ишлашади, университетларда муаллимлик қилишади, илмий ва ижодий иш билан шуғулланишади. Улар ўз мавқеи ва тақдиридан қанчалик қониқиш ҳосил қилгани тўғрисидаги саволга бир хил жавоб бериш қийин, чунки уларнинг кўпчилиги учун янги мамлакат билан танишиш, унга мослашиш, сўнг қайтиб келиш, ўз мамлакатадаги аҳвол билан қиёслаш маълум даражада зарба бўлади. Собиқ талаба ва аспирантларнинг деярли барчаси фуқароларнинг фақат турмуш даражасидаги фарқни эмас, балки онгидаги, уларнинг ишга, оилага, ўз мамлакатига, одамларнинг ўзаро ҳамда аёлларга муносабатидаги тафовутни ҳам қайд этиб ўтишади. Улар жамиятдаги ўзгаришларга таъсир кўрсатишга қодирликлари ёки йўқлигини тўлиқ англаб етмаганлар, тақдирлари қандай бўлишини ҳали билишмайди; жамият уларнинг фикрларига кулоқ со-

лишга ҳамда нуқтаи назарларини қабул қилишга тайёр ёки йўқлиги масаласи ҳам очиқ қолмоқда.

Наргиза О. хикоя қилади:

«Бир неча йил аввал омадим чоғиб, АҚШда ўқиш учун танловдан ўтдим. Номзодлар орасида бир нечта қиз бор эди, бироқ фақат иккитаси АҚШга кетди, қолганларига ота-оналари чет элда ўқишга рухсат беришмади. Вилоятимиздан бўлган, танловдан ўтган биронта ҳам йигитнинг йўлида бунақа тўсиқ йўқ эди, аксинча, уларнинг ота-онаси бундан фохрланишганди. Ҳатто менинг ота-онам ҳам, гарчи ютуғимдан қувонган бўлишса-да, мени ўқишга юбориш-юбормаслик тўғрисида иккиланишганди. Ота-оналарнинг ўз болалари буткул бегона жойда қандай яшаши ҳақида ташвишга тушиши табиий, бироқ қизлар янги мамлакатдаги шароитга кўникиши қийин, деб ҳисоблашга асос йўқ. Қизларнинг мослашуви осон, деб ўйлайман, чунки улар масъулиятни кўпроқ ҳис этадиган қилиб тарбияланишган. Ота-онам ўқишим кейинчалик турмушга чиқишимда тўсиқ бўлиши мумкинлигидан қўрқишганди.

Ёт мамлакатда биз ёмон бўлмадик, йигитларимиз (уларнинг айримлари) эса бизда овқатни яхшироқ тайёрлашади, бизнинг турмуш укладимиз яхшироқ, деган фикрда бўлган бир пайтда биз, қизлар, яхшироқ ўқидик, яхшироқ ишладик, бошқача турмуш уклади афзалликларини яхшироқ тушундик. Бунинг сабаби бизнинг жамиятда эркакларга имконият эшиклари катта очиб берилганлигида эди, у ерда эса аёллар билан тенг рақобатлашиш зарур эди. Чиндан ҳам, биз доимо ва барча нарсада уларнинг олдида чекинишимиз лозим, урф-одатларимиз, атрофдагиларнинг фикри шуни амр этади.

Бизда мамлакатга муҳаббатни бор нарсани мақташдан иборат, деб тушунишади. Мен эса, аксинча, мамлакатимизда нима ёмон бўлса, ўшандан қутулсак, ҳаётимиз яхшироқ бўлади, деб ҳисоблайман, қутулиш учун эса ёмонни кўрсатиш, яъни танқид қилиш керак. Афсуски, бизда танқид қилувчиларни *дилбузар* дейишади. Йўқ, танқидсиз ривожланиш бўлмайди. Айниқса қиз болани ота-онаси, эри, маҳалласи, истаган одам ўйнатадиган кўғирчоқ даражасига туширадиган айрим анъаналаримиз ва одатларимизни танқид қилиш керак. АҚШда бўлганимда, аёлларимизнинг инсоний қадр-

қиммати қанчалик камситилганлигини тушундим: уларни ҳурмат қилишмагани учун улар ҳам ўзларини ҳурмат қилмай қўядилар. Ўзини ҳурмат қилмайдиган одам эса ё ўзига бе-маъни бир муҳаббат билан меҳр қўяди, ёки ўзини эркаклардан паст ҳисоблайди. Айримларнинг ҳаддан ташқари мактанчоқлиги шундан келиб чиқади. Кўпчилик эса ўзининг ҳаётини аҳамиятсиз ҳисоблайди, саломатлиги, ташқи кўриниши тўғрисида ўйламайди, муҳими – болаларнинг ҳаёти, дейди, бутун умидини улар билан боғлайди. Болаларга нисбатан золимлик шундан келиб чиқади.

«У ёқда» ўқиш тўғрисида нима дейиш мумкин? У ерда ўқиш қизиқарли, зўр эди, у бошқача ҳаёт эди. Шундай бўлиши лозимдек туюларди. Муаммолар ҳам бўлганди, албатта, лекин уларни бу ердаги муаммолар билан қиёслаб бўлмасди. У ёқда муаммонинг ҳал бўлиши ўзингга ҳамда тушунтирса, исботласа ва, агар ҳақ бўлсанг, талаб этсанг бўладиган одамларга боғлиқ. Дастлабки пайтда жуда зерикдим, туғишганларим ёнимда эмаслигидан юрагим сиқилди. Доимо бошқа тилда гаплашишинг керак, атрофиндагилар бегона, сен билан уларнинг иши йўқ. Лекин жўшқин ҳаёт тез орада мени ўз оғушига олди, кунда бир янгилик бўларди, шу сабабли, ўқиш муддатим тугаганда мен у ерда кўп йиллар бўлгандек ҳис қилдим ўзимни. Ўз-ўзим билан бўлиш ёқарди менга, ҳеч ким силталамаётгани ёқарди, дўстона муносабатда бўладиган ва унча самимий бўлмаган, бироқ қандай бўлсам, шундай қолишимга имкон берадиган ҳамкурсларим ҳам ёқарди. Машғулотларнинг олиб борилиши ёқарди; истаган саволингни беришинг мумкин бўлган, муаллимлар ёқарди, ҳеч ким қўшилмайдиган ўз фикримни ифода эта олардим, бироқ бу фикрим бемаъни деб рад этилмасди ҳамда жиноят ҳисобланмасди. Ҳалол мусобақа руҳи кўп ишлашга ундарди. Ва, албатта, қанақа кийиниш лозимлигини ҳеч ким ўргатмасди.

У ерда ҳам менга нималардир ёқмасди, лекин бу ердаги нима ёқмайдиган нарсалар нималигини ўша ёқда тушундим. Менга ўзим таълим олган олий ўқув юртидаги биқик шароит ёқмасди. Аудиторияда стол-стуллар синиқлиги, қишда совуқлиги эмас, балки у ердаги диққинафас муҳит ёқмайди. Ўз вазифасини бажариши лозим бўлган кишилар бу ишни қилмаслиги, баъзиларни мансабдор ота-онаси учун ҳурмат қилишгани ҳолда, бошқаларни камситишлари ва бу ёмон

ишлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасликлари мени таҳқирлайди. Одамларнинг бир-биридан бегоналиги, бир-бирини ёқтирмаслиги, бироқ ўзини бахтиёр кўрсатиши, муваффақиятсизликлари учун ўзини эмас, ўзгаларни айбдор ҳисоблашлари; адолатсизликдан нолиганда, бу ишни тор доирада қилишлари, оилада, ишда, ўқишда нималар ёқмаслигини ҳеч қачон ошкора айтмасликлари, чунки бундай қилишдан кўрқишлари менга ёқмайди. Нимадан кўрқишади, ахир, ҳақлигининг исботи бўлса, ҳеч ким уларни сўймайди-ку. Менга, айниқса, талабалар баҳони сотиб олишлари, муаллимлар эса, староста орқали, унга ҳақ тўлашларини талаб қилиши ёқмайди. Ҳамма ғазабланади-ю бироқ бунақа аҳволга биргаликда қарши чиқишни ҳеч ким истамайди. Маҳаллада ҳам кўп нарса менга ёқмайди, у ерда ҳар бир қизнинг устидан назорат ўрнатилади: ундоқ кийинади, кеч келади, уни йигит билан кўришибди, энди у қари қиз ва ҳ.к. гап-сўз қилинади. Одамлар кам нарса билиши ва билимга интилмаслиги ёқмайди. Тўғри, пул жуда зарур нарса, лекин у латта-путта, машина сотиб олиш ва бу билан керилиб юриш учун эмас, балки киши ҳаётини яхшилаш, болаларига бўлакча бўлиб камолга етишига имконият яратиш, мамлакатни эса янада маърифатлироқ қилиш учун мавжуд-ку. Хотинлар, чўри ёки хизматкор сингари, эрини «хўжайин» деб чақириши менга ёқмайди.

Ўйга қайтар эканман, йўлда мени ғалати ҳиссиёт қамраб олди: онамни, ака-укаларимни, туғилиб-ўсган уйимни жуда кўргим келди, айти маҳалда мамлакатимда нафратимни кўзғатадиган нарсаларни эсласам, қайтгим келмасди. Киши кўника олмайдиган нарсалар бор: бир гапни айтиб, бошқа иш қилинишига; сенга буюм деб, баъзан жуда қимматли бўлса-да, барибир буюм деб қарашларига; билимингни, маҳоратингни қадрламасликларига ҳамда сен ҳам одамлингини ва сенда ҳам эркинлик бўлиши зарурлигини тушунмасликларига кўникиб бўлмайди. Бизда эрк деганда тўлақонли яшаш, шу жумладан оилада ҳам шундай яшаш эмас, балки бузуқлик ва худпарастлик тушунилади.

Бу йил мен давлат муассасасида ишлай бошладим. Маошим камлиги мени азобга солади. Ташаббус кўрсатишга ҳаракат қилиб, уринаман, лекин ташаббус ҳеч кимга керак эмас экан: буюрилган ишни бажарсанг, бўлгани. Балки

ҳозирча шунақадир, вақти келиб ё ўзим кўникарман, ёки билимим ва ғайратим учун мени қадрлай бошлашар. Бундай бўлмаса-чи? Ўқишимнинг нима кераги бор эди? Ҳар кимнинг ҳаёти ҳар хил изга тушади. АҚШда ўқиганлар ҳозир яхши ишларда бандлиги мени қувонтиради, бироқ улар, асосан, эркаклар-да».

Хорижда ўқиб келган кизлар нуфузли университетларда, банкларда, халқаро ташкилотларда ишлашмоқда, бизнес билан банд бўлишмоқда. Кўпчилиги янги иктисодиётда ўз йўлини топиб олди. Бироқ фуқаролик жамиятида улар ҳали жуда кам, озгинаси НХТда, шунда ҳам халқаро НХТда ишлайди. Маҳаллий НХТда, оддий одамлар орасида ишлаш керак бўлган жойда улар кўринмайди. Хотин-қизлар НХТ уларга муҳтож, бу ташкилотларга уларнинг хорижий тилни билиши, Ғарбдаги ҳаётий тажрибаси зарур, токи киёслаш имкони бўлсин. Улар одамлар онгини юксалтириш учун даркордирлар. НХТда ишлаш учун, афсуски, уларда фуқаролик ҳисси етишмайди, бирон нарсани ўзгартириши мумкинлигига уларнинг ишончи йўқ. Бу аёллар бутун эътибори ва кучи онла ва бола-чақага сарфланадиган ёшда эканлиги ҳам роль ўйнайди. 24–30 ёшни кўп аёллар сусайиш даври, деб ҳисоблашади, чунки бу йилларда аёллар ўз оиласи пойдеворини яратиш билан банд бўлишади, бир кун келиб ортга боқишса, шу давр ичида рўй берган ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушишади. Жувонларни эркаклар қўллаб-қувватлашмайди, натижада улардаги ғайрат-шижоат ва ўзига бўлган ишонч сўнади. Ёлғиз жувонлар хотин-қизлар ташкилотларида ишлашдан ўзини олиб қочишади, улар феминист деган ном олишдан қўрқишади. Бу эса онла қуришга бўлган умиднинг барбод бўлиши билан бирдир. НХТ муқим ишлашига уларнинг ишончи йўқ, келажакда давлат НХТни қўллаб-қувватлашига ҳам ишонинмайди.

Мамлакатимизга «янги» аёллар зарур, уларгина модернизмга садоқатли кишилар авлодини тарбиялашга қодирдирлар. Ўзбекистон XXI асрга қадам қўймоқда. Янги асрда мамлакатимизни нималар кутмоқда? Янги аср бўсағасида юзага келган таҳдидлар ҳали ҳам мавжуд, иқтисод ва сиёсат соҳасидаги ислохотлар истаганимизга қараганда секин бормоқда. Турли этносларни бирлаштирган, уларнинг маданиятини ўзига сингдирган, ўзининг ҳар бир фуқароси учун тенг имкониятлар яратишга ҳамда уларда эртанги кунга ишонч уйғотишга қодир бўлган янги миллат

шаклланиб улгургани йўқ, чунки «буюк ўтмиш» ҳамда «буюк келажак»ни оғзидан бол томиб мадҳ этгани учун нуфузли мавқеаларни эгаллаб олган ўтмишдаги феодал номенклатура мухлислари бошқарув ва жамиятда кўпчиликни ташкил қилади.

Аёл – миллат тимсоли. Ўз кадр-қимматини биладиган, ҳурмат қилинадиган ва ўзини ҳурмат қиладиган аёллар, оила она-хонлари ҳамда муносиб турмуш тарзини юритиш имкониятига, ранг-баранг ва тенг ҳуқуқли бўлиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатчилар янги миллатни шакллантириш ишига эркаклар билан биргаликда ҳисса қўша оладилар. Бунга эса жамият ўтмишининг оғир юкидан ўзини халос қилгандагина, залолат ва хурофотдан воз кечгандагина, адолатга ҳамда ҳар бир киши шахсига эҳтиром кўрсатиб, олға бошлаб боровчи янги кадриятларни касб этиб, келажак истиқболига чиққандагина эришиш мумкин.

НУЛОСА

Ҳаёт бизни доим ҳам кониктирмайди, шу боис орзу-ҳавас пайдо бўлади, орзу-ҳавас эса кишига умид бахш этади. Умид бизни изланишга, ишлашга, ўзимизни ва атрофимиздаги оламни ўзгартиришга ундайди. Умидсиз тараққиёт йўқ. Кўлмак сасийди, оқар сув бошқа жилғаларни ва ирмоқларни ҳам қўшиб олиб, кудратли бўла боради ҳамда далаларга оби ҳаёт элтади. Халқлар ҳам шундай эмасми? Фақат ўз қадриятларига бино қўйиб яшовчи, ташқи таъсирни чекловчи ҳамда ўзининг мумтозлиги билангина чекланиб қолувчи халқлар ўз қобиғини ёриб чиқолмай, олам ва ўзи ҳақидаги тасаввурларини енголмай, охир-оқибатда ўтмиш асирига айланади ҳамда қолоқлик ботқоғига тобора кўпроқ ботади. Идеал мақомини касб этган ўтмиш келажакни маҳв қилади.

Биз бориға шуқр қилолмаймиз ва қилмаслигимиз лозим. Орзу-умидли халқ уларни рўёбға чиқариш учун бошқалардан ўрганади, бошқалардаги барча қимматли жиҳатларни ўзлаштиради, куч-қувватға кириб, улғаяди, оламнинг зарурий қисмиға айланади. Менинг мамлакатим ҳам орзу-умидли, уларға эришиш учун бошқалардан ўрганиши керак. Лекин мамлакатимда ҳамма ҳам буни истамайди. Аждодларимиз даражасиға тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас, лекин шу нарса керакми, кейин қандай қилиб юксаламиз? Бу ҳақда, энг аввало, янги авлодни тарбиялайдиган аёллар ўйлаши даркор, буни тушуниш учун эса аёл кўп билиши ва кўп нарсани қила олиши лозим. У ўз фарзандларини ватанининг келажағи сифатида севиши, ушбу келажакни тасаввур этиш ва барпо қилишда уларға кўмаклашиши керак. Бу ишни қила оладиган бўлиш учун аёл, уни бола туғадиган машина ёки лавозат воситаси, сотиб олиш ва ташлаб юбориш мумкин бўлган буюм, деб биладиганларға зид ўларок, шахс бўлиб етишиши зарур. Аёл – чўри, эркак киши эса – хўжайин эмас.

Булар – ҳаёт йўлидан елкама-елка келажак томон борувчи, ўз зиммасиға фарзандлари ҳаётини гўзалроқ қилиш мажбуриятини олган икки одам. Ҳаёт эса эркин ва равнақ топаётган мамлакатдағина гўзал бўлиши мумкин. Бунинг учун эркак ҳам, аёл ҳам биргаликда курашмоғи лозим.

Ижтимоий онгда эркаклар мутлақ устунликни эгаллаган мамлакатда «феминизм» тушунчаси нафрат уйғотади. У ерда

эркакка кўрсатилган эҳтиром аёлларни таҳқирлаш ва камситишга айланиб кетади. Жамиятимизда ўзини феминизм тарафдори деб очик эътироф этиш қийин. Профессional ва ижтимоий фаолиятида ўзининг шахс бўлиш ҳуқуқи учун курашаётган аёллар, гарчи уларнинг кўпчилиги тан олишмаса-да, феминистлардир. Қизи олий маълумот олишни, касб-корга эга бўлиб, ишлашини истайдиган эркаклар ҳам ўзини феминист деб ҳисобламайди. Яхши лавозимни эгаллаб турган опаси (синглиси, қизи, хотини)нинг ўрнига ўшанақа маълумотга ва тажрибага эга бўлмаган эркак кишини тайинлашгани учун қаҳр-ғазаби кўзийдиганлар ҳам феминист ҳисобланади. Шундайлар бор бахтимизга. Аёл кишига хайрихоҳлик кўрсатиш чинакам эркакка ҳосдир.

Ҳозир меъёр сифатида қабул қилинадиган кўп нарса аёллар ҳуқуқи учун кураш меваси ҳисобланади. Бугунги кунда аёлларнинг маълумотли эканлиги, улар орасида жамоат арбоблари, депутатлар, ёзувчилар, бизнес етакчилари борлиги – феминизмнинг шарофати. Хотин-қизларни «табиат инъом этган вазифасини бажаришга» даъват этаётган аёллар, шоиралар эса жамиятимиз ортда қолаётганини кўрсатишмоқда. Ғафлат уйқусидан уйғониш мавриди келди, бугунги оламни хушёрлик билан, беғараз билишга ўтайлик, эртанги кунга куч-қудратга эга бўлган ва ўзимизга ишонган ҳолда кириб боришимизга имкон яратадиган барча нарсани ўзлаштирайлик.

Тошкент, 2000 йил декабрь.

Фойдаланилган адабиёт

- Абдуллаев Е. К вопросу о научности в центральноазиатских исследованиях. Центральная Азия и Кавказ, 2000, № 3 (9).
- Акимускин О. Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем. В кн. Дж. С. Триминген. Суфийские ордена в исламе. М., 1989.
- Алимова Д. А. Литература об участии женщин Узбекистана в общественном производстве в период развитого социализма. Общественные науки в Узбекистане, 1984, № 3.
- Арифханова З. Традиционные сообщества в современном Узбекистане. Центральная Азия и Кавказ, 2000, № 4 г.
- Бабаджанов Б. Ферганская долина: источник или жертва исламского фундаментализма. Центральная Азия и Кавказ, 1999, № 4 (5).
- Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане. Центральная Азия и Кавказ, 1999, № 1 (2).
- Балтанова Т., Медведко Л. Ислам в СССР: анализ зарубежных концепции. Казань, 1991.
- Барбьерри М. и др. Демографический переход и рождаемость в Узбекистане. М., 1994.
- Бибикова О. Баткен: наступление мусульманского экстремизма. Центральная Азия и Кавказ, 2000, №1 (7).
- Вагабов М. В. Мусульманское право. М., 1986.
- Вагабов М. В. Ислам и семья. М., 1980.
- Валиева Б. С. Особенности модернизации семейно-правовых норм шариата в современных условиях (по материалам стран зарубежного Востока). Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. Т., 1988.
- Вальков Л. В. Место Саудовской Аравии в мусульманском мире. Исламский фактор в международных отношениях в Азии. М., 1987.
- Вахидов Х. Просветительская идеология в Туркестане. Т., 1979.
- Вафа А. Х. Хидая (комментарий мусульманского права). Т., 1993.
- Ворончанина Н. И. Мусульманское движение в современном Тунисе: теория и практика. Ислам: проблемы идеологии, права политики и экономики. М., 1985.
- Галузо П. Г. Туркестан – колония. (Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). М. 1929.
- Гордон-Полонская Л. Р. Зарубежный Восток: религиозные традиции и современность. М., 1983.
- Гордон-Полонская Л. Р. Мусульманские течения в общественной мысли Индии и Пакистана. М., 1962.
- Гриффин Н. Социальная политика и экономические преобразования в Узбекистане. Т., 1995.
- Давыдов А. М. Аграрные преобразования и формирование социалистического

- землепользования в Узбекской ССР. Т., 1965.
- Джами А. Весенний сад. Душанбе, 1964.
- Доклад о положении женщин в Республике Узбекистан. Т., 1999.
- Доклад о человеческом развитии Узбекистана 1995. Т., 1996.
- Доклад о человеческом развитии Узбекистана 1996. Т., 1997.
- Доклад о человеческом развитии Узбекистана 1997. Т., 1998.
- Доклад о человеческом развитии Узбекистана 1998. Т., 1999.
- Женщины на работе и в семье. М., 1978.
- Женщины и дети. Статистический сборник. Т., 1998.
- Журавский А. В. Христианство и ислам М., 1990.
- Иванова И. И. Из истории общественно-философской мысли и вольнодумии в Средней Азии». Т., 1991.
- Иванова И. И. Роль Турции в мусульманском мире и политика Запада. сб. «Исламский фактор» в международных отношениях в Азии. М. 1987.
- Игнатенко А. А. Халифы без халифата. М., 1988.
- Игнатенко А. Буржуазия и социальная эволюция стран зарубежного Востока. М., 1990.
- Игнатенко А. Эндогенный радикализм в исламе. Профи, 1999, № 1.
- Из истории суфизма: источники и социальная традиция. Т., 1991.
- Исраилова З. (Зульфия) Стихотворения. М., 1961.
- Ионова А. И. Традиционализм: значение и тенденции преломления в мусульманском реформаторстве и национализме. Ислам и проблемы национализма в странах Ближнего и Среднего Востока. М., 1986.
- Кабул Н. Ватандан яхши ер иук. Саодат, 1990, №3.
- Кабул Н. Эракк уй остонасида бош эгмасин. Саодат, 1990, № 9.
- Кандиотти Д. Женщина и нация. Женщины Центральной Азии, 1999, №5.
- Капустин Б. Г. Основные направления исторической эволюции социальных исламских течений (теоретическая постановка вопроса). Ислам. Проблемы идеологии, права, политики и экономики. М., 1985.
- Карамышин М. А. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., 1976.
- Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Т., 1997.
- Кириллина С. А. Культово-обрядовая практика суфийских братств Египта (XIX – начало XX вв.). Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989.
- Кляшторина В. Б. «Восток и Запад» в контексте современной иранской культуры. НАА. 1979, № 5.
- Конрад Н. И. Запад и Восток. М., 1972.
- Левин З. И. Ислам в арабских странах: неотрадиционализм и возрожденчест-

во (вторая половина XX века). М., 1983.

Левин З. И. Ислам и национализм в странах зарубежного Востока. М., 1988.

Левин З. И. К характеристике арабского просвещения XIX в. Вопросы философии, 1958.

Левин З. И. Национализм и буржуазная интерпретация «исламского пути» (арабские страны). Ислам и проблемы национализма в странах Ближнего и Среднего Востока. М., 1986.

Максакова Л. Тенденции демократического развития в Узбекистане. Центральная Азия и Кавказ, 1999, № 5 (6).

Малашенко А. Ислам и политика в государствах Центральной Азии. Центральная Азия и Кавказ, 1999, № 4 (5).

Малышева Д. Б. Религия и общественно-политическое развитие арабских и африканских стран. 70–80-е годы. М., 1986.

Мамушков В. Г. Поиски путей реформации в исламе: опыт Ирана. М., 1991.

Марни Ш. Советская биржа труда и переходный период. Флоренция, 1992.

Мартин Ким. Куда идут исламские радикалы Центральной Азии? Сравнительная схема для исследования политического ислама в Центральной Азии. Центральная Азия и Кавказ, 1999, № 4 (5).

Маршав Б. Избранное. Т., 1984.

Махмуд Д. Ярадор оху (раненая лань). Т., 1999.

Медведко Л., Германович А. Именем Аллаха. Политизация и исламизация политики. М., 1988.

Милославский Г. В. Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.

Милославский Г. В. Интеграционные процессы в мусульманском мире. М., 1991.

Молдалиев О. Странная война в долине яда. Баткен, 1999 г. Центральная Азия и Кавказ, 2000, № 1 (7).

Мукомель В. М. Вооруженные международные и региональные конфликты, людские потери, экономический ущерб, социальные последствия. Идентичность и конфликты в постсоветских государствах. М., 1997.

Мукомель В. М. Средняя Азия: бремя перемен. СССР: демографический диагноз. М. 1990.

Муминов А. Традиционные и современные религиозно-теологические школы в Центральной Азии. Т., 1989.

Мусаев Б. Узбекистан: региональная безопасность и социально опасные тенденции. Центральная Азия и Кавказ. 1999, № 3 (9).

Мухаммад-Садык Мухаммад Юсуф. Исламская вера и обряд жизни. Звезда Востока, 1989, №12.

Наливкин В. П., Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886.

Насруллаева Х. Куп хотинлик айб эмас. Хуррият, 1997, 17 дек.

Неру Д. Открытие Индии. М., 1989.

Нирша В. М. Традиции и инновации в суфизме. Из истории суфизма: источники и социальная практика Т., 1991.

Осипов Г. В. Социализм и социология. М., 1990.

Парамонов В. Формирование геополитической ситуации в Центральной Азии – внешние факторы. Центральная Азия и Кавказ, 2000, № 1 (7).

Петров А. М. Восток и Запад: экономические контакты как отражение разнотемпового развития. ААС, 1982.

Петрушевской И. П. Ислам в Иране в VII–XV вв. Л., 1966.

Полонская Л. Р. Восток: идеи и идеологи. М. 1982.

Полонская Л. Р. Ислам в современной политике стран Востока. М., 1986.

Полонская Л. Р. Современные мусульманские идейные течения. Ислам: проблемы идеологии, права, политики и экономики. М., 1985.

Поляков С. П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. М., 1988.

Пономарев В. А. Ислам в Узбекистане. Полис, 1996, № 2.

Пономарев В. А. Хизбут-Тахрир против Ислама Каримова. М., 1999.

Пославская О. Мой Ташкент. Звезда Востока, 1989, № 12.

Примаков Е. М. Волна «исламского фундаментализма»: проблемы, уроки. Вопросы философии, 1985, № 6.

Примаков Е. М. Восток после праха колониальной системы М., 1982.

Розовский Ф. А. Национальные и исламские аспекты культурной политики военного режима Зия уль хака. Ислам и проблемы национализма в странах Ближнего и Среднего Востока. М., 1986.

Руковишников В., Хелман Л., Эстер П. Политические культуры и социальные изменения (международные сравнения). М., 1998.

Саидбаев Т. С. Ислам и общество. М., 1984.

Саидова Г. Макроэкономика и статистика республики Узбекистан. Т., 1996.

Саидова Г. Рынок труда в Узбекистане. Т., 1996.

Симонян Н. А. Рейснер Л. И., Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного. М., 1984.

Состояние религиозности и атеистического воспитания в регионах традиционного распространения ислама (материалы социологического исследования). М., 1989.

Сухопаров А. Советское мусульманство: между прошлым и будущим. Общественные науки и современность, 1991, № 6.

Сюкияйнен Л. Р. Концепция халифата и современное государственное правовое развитие зарубежного Востока. Ислам. Проблемы идеологии, права политики и экономики. М., 1985.

Табышалиева А. Ненадежность гендерной защиты. Бишкек, 1996.

Табышалиева А. Отражение во времени. Бишкек, 1995.

Таксанов А. Теневые отношения в Узбекистане: были, есть и ... будут? Цен-

тральная Азия и Кавказ, 1999, № 5 (6).

Талипов Ф. Демократизм, национализм и регионализм в странах Центральной Азии? Центральная Азия и Кавказ, 2000, № 4.

Тансыкбаева С. И. Политизация суфизма в Пакистане. Из истории суфизма: источники и социальная практика. Т., 1991.

Тиллябаев Р. А. К вопросу об Накшбандия. Из истории суфизма: источник и социальная практика. Т., 1991.

Тримингем Дж. С. Суфийские ордена в исламе. М., 1989.

Тохтаходжаева М. Между лозунгами коммунизма и законами Ислама. Vienna, 2000.

Ульмасов Р. Семья и семейная жизнь. Сабо, 1993, окт.

Ульмасов Р. Штрихи к портрету сельской женщины. Инициатива. Информационный бюллетень, 2000, №2 (9).

Уразася Г. Р. Об участии молодежи Узбекистана в социалистическом соревновании на заключительном этапе войны (1944–1945 гг.). Общественные науки в Узбекистане, 1985, № 4.

Ушаков В. А. «Исламский фактор» внешней политике края. «Исламский фактор» в международных отношениях в Азии. М., 1987.

Фархади Р. Влияние ислама на освободительную войну в Афганистане. Центральная Азия и Кавказ, 2000, № 1 (7).

Халфин Н. А. Россия и Бухарский эмират на Западном Памире (конец XIX – начало XX века). М., 1975.

Ханазаров К. В поисках третьей опоры. Звезда Востока, 1990, № 12.

Шабанов Ф. Ш., Алиев Р. Я. Некоторые положения ханифитской юриспруденции. Ислам: проблемы идеологии, права, политики и экономики. М., 1985.

Шарипова Р. М. Панисламизм сегодня. Идеология и практика Лиги исламских государств. М., 1986.

Шомирадов И. Аеллар ва хаеллар. Хуррият, 1999, № 127–128.

Шукуров Ш., Шукуров Р. О воле к культуре. Центральная Азия и Кавказ, 1998, № 1.

Шукуров Э. Женщины Киргизстана. Традиции и новая реальность. Бишкек, 1995.

Яблоков И. Социология религии. М., 1979.

Akmer S., Islamic People of Soviet Union. London 1986.

Al-Banna H., Five Tracts of Hassan al-Banna. Berkeley, Los Angeles, 1963.

Arnold A., Afghanistan. The Soviet Invasion in Perspective. Stanford, 1986.

Ben J. Achour, Islama perdu. Islam retrouve – Le Magreb musulmen. Paris, 1979.

Beningsen A., Broxup M., The Islamic Threat to Soviet State. London, 1983.

Conflict of Traditionalism and Modernism in Muslim Middle East, Austin, 1966.

Esposito J., Women in Muslim Family Law. Syracuse University Press, 1982.

Flahiershi J., *Income Inequalities in Former Soviet Union and His Republics*, M.E. Sharp Inc. 1993, § 4.

Fletcher W., *Soviet Believers: The Religions Sector of Population*. Lawrence, 1981.

Fepter D., *The Politics of Modernization*. The University Chicago Press, 1965.

Haghayeghi Mehرداد., *Islam and Politics in Central Asia*. New York. St. Martin Press, 1995.

Mernissi F., *Veil and Male Elite: Feminist Interpretation of Women's Rights in Islam*, NY, 1991.

Mitchel R. Q., *The Society of Muslin Brothers*. London, 1969.

Rashid, A., *Talibans: Militant Islam, Oil and Fundamentalism in Central Asia*, Jale University Press. New Haven & London, 2000.

Reconstructing Genger in Middle East. Columbia University Press, 1994, § 4.

Tadjbaksh Sh., *Between Lenin and Allah: Women and Ideology in Tadjikistan*. Boulder, London, 1998.

Нитобхон белгиси

Китобҳои белгиси

Нитобнон белгиси

Китобнон белгиси